

№ 200 *Жахан*  
АДАБИЕТИ



## МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ  
ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН  
ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА  
МАЎНАВИЯТ  
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

1997 йил шундан  
чиқа бошлаган

№ 1 (200)

2014 йил, январь

**Бош муҳаррир:**

*Шухрат РИЗАЕВ*

**Жамоатчилик кенгаши:**

*Эркин ВОҲИДОВ*

*Абдулла ОРИПОВ*

*Омонулла ЮНУСОВ*

*Муҳаммад АЛИ*

*Муҳаммаджон ҚУРОНОВ*

*Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ*

*Иброҳим ҒАФУРОВ*

*Низом КОМИЛОВ*

*Шухрат СИРОЖИДДИНОВ*

*Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ*

*Хурийд ДЎСТМУҲАММАД*

*Зухриддин ИСОМИДДИНОВ*

**Таҳрир ҳайъати:**

*Омонулла РИЗАЕВ*

*(масъул котиб)*

*Амир ФАЙЗУЛЛА*

*Назира ЖЎРАЕВА*

*Музаффар АҲМАД*

*Дилдора АЛИЕВА*

*Алимурод ТОЖИЕВ*

*Шаҳноза НАЗАРОВА*

*Севара АЛИЖОНОВА*

## МУНДАРИЖА

<b>Катта карвон йўлларида ёки яна бир доvon ошиб.</b> <i>Шухрат РИЗАЕВ</i> .....	3
<b>Янги марралар сари.</b> <i>Амир ФАЙЗУЛЛА</i> .....	6
<b>Сўровнома жавоблари</b> .....	8

### НАСР

<b>Т.ДРАЙЗЕР. Сармоядор.</b> Роман. ( <i>Рус тилидан Амир Файзулла тарж.</i> ).....	18
<b>М.ЎНДЕР. Мавлоно.</b> ( <i>Турк тилидан Шермурод Субҳон тарж.</i> ).....	73

### ГЛОБУС

#### АВСТРАЛИЯ

<b>Бир қитъани эгаллаган мамлакат.</b> ....	126
<b>Австралия шеърляти.</b> .....	133
<b>Австралия ҳикоялари</b> .....	143
<b>Баз Лурман.</b> .....	166
<b>Мел Гибсон</b> .....	167

### УСТОЗ ТАРЖИМОНЛАР

#### БИСОТИДАН

<b>ТУРОБ ТЎЛА</b> .....	67
-------------------------	----

<b>АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА</b>	
<b>Нодира ЭГАМҚУЛОВА. Миллат фидойинси</b> .....	62
<b>Олимжон ДАВЛАТОВ. “Мис отлиқ”дан “Жез отлиқ” қача</b> .....	105
<b>Муҳаббат ТЎЛАХЎЖАЕВА. XX аср театр ислохотлари</b> .....	111
<b>Шайх Музаффар Ўзак ХИЛВАТИЙ. Инсон қалби – қадах, муҳаббат – шароб</b> .....	170

### ЖАРАЁН

<b>Адабиёт ва таракқиёт</b> .....	122
-----------------------------------	-----

<b>ЖАҲОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ</b>	
<b>Унутилмас сиймолар</b> .....	191
<b>Тарихда бу кун</b> .....	200
<b>Муқовамизда</b> .....	202
<b>Тақвим</b> .....	205

## КАТТА ҚАРВОН ЙЎЛЛАРИДА ЎКИ ЯНА БИР ДОВОН ОШИБ..

Йўл довонга ўрлаб, юқорилагани сари ортдаги манзара яхлитлашиб, яққол, худди кафтдагидек кўриниб қолар экан. Шунинг учун бир иш қилиб довон ошилгач, ўша маррада туриб ортдаги манзарани равшан кўриб, сўнг кейинги ишларга киришсанг маъқул бўларкан. Хуллас, назаран яна бир довондамиз. Балки буни довон эмас, муайян бир марра дейилар ёки яна бир бошқа атама..., ҳар қалай, кичик сарҳисоб билан келажакка юзланмоқ учун баҳона бор – шукрки, “Жаҳон адабиёти” журналининг 200-сони кўлингизда.

1997 йил 27 февраль санаси билан белгиланган “Жаҳон адабиёти” журналини ташкил этиш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг Юрт-бошимиз имзолаган қарорида таҳририят зиммасига “Истиклол ғояларига мос ватанпарварлик, инсонпарварлик каби юксак ғояларни улуғловчи, турли миллатларнинг серқирра ҳаётини теран образларда ҳаққоний акс эттирувчи бадиий баркамол асарларни чоп этиш орқали халқимизнинг, айниқса, ёш авлоднинг маданий юксалиши, миллий тафаккурининг такомиллашиши учун маънавий муҳит ҳозирлаш”, “жаҳондаги адабий-бадиий жараёни ҳолис ва ҳаққоний таҳлил қилиш орқали ўзбек адабиётининг янги ижодий тажрибалар орттириши учун шароит яратиш” каби бир қатор вазифалар юкланган.

Орада 17 йил вақт ўтди. Бир инсоннинг туғилиб, навқиронликка етай деган айни ўсиш-ўзгариш палласи. “Маънавий жасорат” соҳиби дея алқанган беназир устоз Озод Шарафиддинов раҳнамолигида иш бошлаб, журнал қиёфаси – мазмун-мундарижасини, шаклу шамоилини шакллантириб, саккиз ярим йил муқаддам илк довон босиб ўтилди, яъни 100 китоб чоп этилди. Шарку Ғарб адабиёт дунёсининг вақт синовларидан ўтган энг сара намуналари – қадимият дунёсидан то XXI асргача кечган адабий жараён, оқим йўналишлардаги инсонпарварлик ғояларига мос, халқимизнинг маданий юксалиши ва миллий тафаккур ривожига хизмат қиладиган бадиий баркамол асарлар журнал саҳифаларидан жой олди. Уларни таржима борасида маҳорат касб этган Озод домланинг ўзидан бошлаб Қодир Мирмуҳамедов, Иброҳим Ғафуров, Низом Комилов, Абдулла Шер, Файзи Шоҳисмоил, Амир Файзулла каби соҳанинг кўплаб юксак профессионаллари она тилимизга ўгириб, жаҳон адабиётини ўзбекнинг ўз тилида яратилгандек қабул қилишимизга имкон яратдилар.

Агар бугун XXI аср 14-йилида туриб, Истиклол туфайли илгари сурилган маънавият борасидаги ислохотлар самара бериб халқимизнинг дунёқарашини ўзгарди, умуминсоний қадриятларга садоқат кўрсатиб жаҳон ҳамжамиятига юз тутдик, миллий ўзликни англаб, шу юрт – Ватан учун хизмат қилиш фуқаролик бурчи, қалб даъвати ва ифтихор манбаи бўлиб қолди деб айта олсак, билингни, бу ишларнинг барча-барчасида бир ҳисса “Жаҳон адабиёти” журналига ҳам тегишлидир. Нафсиламрини айтганда, ҳар қандай жамиятда инсонларнинг ўзлигини таниши, маънавий камолот, маданий-маърифий даража, миқёс касб этиши билим, илму фан, адабиёт-санъат орқали бўлади. Шу соҳаларнинг аҳволига қараб мамлакатга, унинг фуқароларига баҳо берадилар, муносабат кўрсатадилар. Янгилик эмаски, яқин-яқинларгача Ўзбекистон деганда хорижлик аксар инсонлар дунёда шундай бир мамлакат борлигини билмас, ҳатто ҳаёлига ҳам келтирган эмас эди. Аммо юксак меъморий санъат намуналари мужассам бўлган Самарқанду Бухорони айримлари билар ё эшитган чиқар, ислом эътиқоди

ва илмларидан бахраманд кишилар эса Имом Бухорий, Марғинович, Термизийлар номи, асарлари орқали юртимизни танир эдилар. Ўтган тарихан қисқа фурсат – қарийб чорак асрлик сана сиёсат, иқтисод, маънавиятни ислоҳ этишнинг тарихий тажрибалари, илм-фан тадбиқи, санъату спорт намойиши ва шу жараёнларни оқилона бошқариш, тўғри йўналтириш, узлуксиз ривожлантириш негизда Ўзбекистонни тараққий этаётган давлатлар доирасига олиб чиқиш имкониятларини намойиш этди. Унда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишни кўзловчи юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги тушунчалари миллий ғояга айланиб, Мустақилликнинг илк давридан ҳозиргача бардавомлиги туфайли юксалиш сўзи кундалик сўз истифодамида бот-бот мурожаат этадиган, қўллайдиган тушунчага айланиб қолди. Ана шу жараёнларда “Жаҳон адабиёти” журнали ҳам улушдор десак, фикримизни маъқуллагувчилар кам бўлмас, албатта.

Касб талаби ва хизмат тақозоси билан хориж нашрларини олиб ўқиймиз, ўрганамиз, матбуотини мунтазам кузатамиз. Дунё ғоя эҳтиёжи билан эҳтиёжманд, инсоният маънавият танқислигидан озурда, худпараст туйғулар, истакларнинг селобиди қалқиб бораётган, шу тахлит кетаверса чўкмоғи муқаррар бир оламшумул ҳақиқда яшаётгандек туюлади. Мана шу хусусда Россиядек улкан бир мамлакат раҳбарининг куйиниб айтган фикрлари: “Кўпгина евроатлантика мамлакатлари далолатан ўз илдизларидан воз кечиш йўлини тутдилар, шу жумладан, ғарб тамаддунининг асосини ташкил этувчи христиан қадриятларидан ҳам. Маънавий ибтидо ва барча анъанавий: миллий, маданий, диний ёки ҳатто жинсий айниятлар ҳам инкор этилмоқда. Кўп болалик оилани бир жинсли никоҳ билан, Худога эътиқодни шайтонга сиғиниш билан бир қаторда қўювчи сиёсат юритилмоқда... Ва ана шу моделни барчага, бутун дунёга тажовузкорлик билан тиқиштиришга уринмоқдалар. Ишончим комилки, бу тўғридан-тўғри парчаланишга, мавҳумиятга, чуқур демографик ва маънавий таназзулга олиб боровчи йўлдир”. Таассуфки, куни кеча ҳар жабҳада намуна “оға” лик даввосидаги чўнг бир давлатнинг ўзи ҳам бугун ғоясизликдан бўшлиқ ичра елиб бораётган бир жуғрофий ҳудуд. Мамлакат кўрпасини бири “соғинч” билан ортга – Шўролар салтанатини қайта тиклаш хомхаёлларига тортқиласа, бошқа бири “буюк рус шовинизми”га, яна бошқаси эса “осиёлашиш” (“азиатизация”)дан халос бўлиб, ғарблашиш “лаззатпарастлиги”га тортмоқчи бўлаяпти... Бу ҳол баайни ўзларининг машхур масалчиси “Оққуш, чўртан балиқ ва қисқичбақа” масалида тасвирланганидек аравани учови уч томонга тортқилаб, турган жойидан кўзғатолмаётгани манзарасини ёдга солади. Дарвоқе, ўша масални ўзбекчага ўгирган маърифатчи бобомиз Абдулла Авлоний асарга ижодий ёндошиб, унинг номланишини бошқачароқ қўйган – “Ғайрижинс иттифок”, худди собиқ “оға”ларимизнинг бугунги ҳаётини кўра билгандек.

Ҳа, бугун ғоя ва ғоясизлик тантанасиyo фожиалари аён кўринаётган давр. Агар юкоридаги каби ҳолатлар ғоясизликнинг пировард оқибатлари бўлса, бугунги Хитой, бугунги Жанубий Корея ва бошқа қатор “Осиё мўъжизаси” дея аталаётган мамлакатлар мисолида ягона миллий ғоянинг ҳаётбахш кучи, тантанаси яққол намоён бўлмоқда.

Умр бўйи хитойшунослик билан шуғулланган олим В.Буров бу кунги Чинмочин хусусида “Хитой орзуси”га хитойча йўл” номли мақоласида ёзади: “Хитойни тиклаш умуммиллий манфаати, Хитой миллатини тиклаш – Хитой жамиятининг барча қатламларини бирлаштириб турибди. Тикланиш ғояси – бу умуммиллий ғоядир”. 2012 йил ноябрида мамлакат

рахбарлигига келган Си Цзиньпин “Хитой орзуси” деган янги назарий ғояни илгари сурди. Унинг маъноси давлатнинг гуллаб-яшнаши, миллатнинг тикланиши ва халқнинг бахт-саодатга эришмоғидан иборатдир. Бунинг учун эса Хитойнинг кўп асрлик тарихи билан боғлиқ теран илдизларга эга бўлган “хитойча йўл”дан юрмоқ талаб этилади. Шу билан бирга “Хитой орзуси” моҳиятини ватанпарварлик ҳамда замонавий ислохотлар ва инновациялар ташкил этувчи “Хитой руҳига” суянмоғи керак. Ва, ниҳоят, “Хитой орзу”сининг амалга ошмоғи учун Хитойдаги барча миллатларнинг бирдамлиги зарур. Зеро “Хитой орзуси” бир пайтнинг ўзида бутун миллатнинг ва ҳар бир хитойликнинг орзусидир. Аини чоғда бу орзу шовинистик майллардан буткул холи, ташқи дунёга тўла очик сиёсат юритишга асосланади. Шу маънода у жаҳон маданий тараққиётига ҳам хизмат қилади. Чунки ер юзи аҳолисининг олтидан бирини ташкил этувчи 1 миллиард 300 миллиондан ортиқ халқ бор мамлакатнинг умумжаҳон жараёнларига салмоқли таъсири бўлмаслигининг ўзи мумкин эмас. Шунинг учун “Хитой орзуси”нинг рўёбга чиқмоғи бутун башарият тараққиётига хизмат қилади.

Ўтган йил охирида Хитой раҳбари Си Цзиньпиннинг Ўзбекистонга расмий ташрифи ва юртимизда деярли қўшни мамлакат билан икки томонлама тенг ҳамкорликнинг жуда кўп соҳаларда изчил ривожланаётгани “орзу”ларимизнинг муштараклиги билан белгиланса ҳам ажаб эмас. Чунки Хитой умуммиллий ғоясини англатувчи “Хитой орзуси” каби Мустақил Ўзбекистоннинг миллий истиқлол ғояси ҳисобланган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш истагидаги саъй-ҳаракатлар ҳам миллий ўзликни тиклаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат, изчил ислохотлар, янгиланиш, яратиш ва бунёдкорлик негизидаги фақат ўзига хос ва ўзига мос йўлдир. Қарийб чорак аср аввал белгилаб олганимиз бу йўлдан биз ҳам огишмай дадил кетаётирмиз. Ана шу мақсадларда ижтимоий онг турларидан ҳисобланган адабиёт ва санъат ҳам амалдаги ўз миссиясини тўғри белгилаб олган.

Орзу ҳаёл ва ҳаёлот тушунчалари билан уйқаш келгани ҳолда миллий ғоя кўпроқ ҳаракат, амалий жараён, интилиш иштиёқи каби мазмунларни тақозо этади. Аини чоғда ҳар икки тушунча ҳам инсонни ижодкорликка, яратувчиликка ундайди. Шу хусусиятларни ўзида жо этган Шахслар эса халқу миллатларнинг қахрамонлари, идеаллари бўлиб келган. Авлодлар мана шундай идеаллар мисолида, ибратида тарбия топганлар, янги-янги тараққиёт уфқларини белгилаганлар, чўққиларни забт этганлар. Бу жараёнлар ҳам вақти билан ўз идеалларини, замонавий ёки замондош қахрамонларини юзага чиқарган. Бадий тафаккур ҳосиласи ўлароқ адабиёт ва санъат ўша жараён ва қахрамонликларни англаб, идрок этиб, бадий акс эттириш учун юзага келган, яшаган ва ривожланган. Замонлар янгиланиб, илгарилагани каби адабиёт, санъат ҳам тараққий топиб борган, янги-янги ижодий тафаккур дарғалари етишиб чиққан. Адабиёт ва санъат шу тариха қахрамонлар, идеаллар яратиб борган. Аниқроғи, уларни ҳаёт, жараён майдонга чиқарган, бадий ижод-ижодкор эса яна идрок этиб, сайқаллаб, керак бўлса бойитиб қайта жонлантирган, қайта яратган.

Ҳеч шубҳа йўқки, соғлом, ақлу ҳуши бор одам маёқ ёки идеалларсиз, интилмай, изланмай, иштиёқланмасдан яшай олмайди. У қай бир мамлакат ё жамиятда яшамасин, ҳаётда ўз ўрнини излайди. Айниқса, навқирон, ёш паллада бу хусусият устивор бўлади. Агар инсон, хусусан ёш авлод ўз идеалини аниқ билиб интилса, маёғини тўғри топиб, изланса, у ўз

зиммасига масъулият ола билади. Идеаллари ва шунга яраша ҳаракати, масъулияти борми, демак ундай инсонга, ёшга ишонса бўлади. Тор маънода ўз яқинлари, оиласини; кенг маънода жамоани, жамиятни, юрт – Ватанни. Бинобарин, ўша юрт, жамиятнинг ҳам умиди барқарор, эртаси, келажаги бўлади. Ана шундай ўй, мушоҳадалардан келиб чиқиб Ўзбекистон халқи юрт тузаётганидек, адабиёт, санъатимиз ҳам ўз вазифа – мезонларини белгилаб, иш тутмоқда. Шу жумладан, юкорида кўрсатиб ўтганимиздек, аввал бошданок улкан вазифалар билан юкланган “Жаҳон адабиёти” журнали ҳам жамиятимиз кишиларига, ёшларга ўз идеалларини, ўз қаҳрамонларини излашда, ўзлигини англаш ва ҳаётда ўз ўрнини топишда, энг оддий заррадан коинотга қадар бўлган оламларни қалби, тафаккурида жо этиб, ўз “мен”ини топишда, яратиш, бунёд этиш, атрофдаги бори жараёнларга дахлдорлигини ҳис этишда, дунёни ўзида мужассам этиб, дунёга ўзлигини танитишда кўмакдош бўлиш ташвиши, юмушлари билан яшамокда. Бир сўз билан айтганда, миллий ғоямизнинг тарғиботчиси, ташвиқотчиси бўлиб, маърифат, гўзаллик, бадиий дид ва завқнинг ошuftаси, яловбардори ўларок Ўзбекистоннинг буюк келажаги йўлларида камарбастадир.

*Шухрат РИЗАЕВ*

### **ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ**

Аввало, севимли журналимиз “Жаҳон адабиёти”нинг 200-сони нашрдан чиққани билан азиз муштарийларимизни жамоамиз ва шахсан ўз номимдан самимий қутлайман! Бундоқ ўйлаб қарасам, дунёда нима кўп – марралар кўп экан. Дарҳақиқат, ҳар биримиз ҳам хоҳ шахсий, хоҳ ижтимоий ҳаётимизда бўлсин, бир сонияга-да тўхташ нималигини билмаган умримизнинг мазмунли бўлишини назарда тутиб, кўпчиликка фойдаси тегадиган бирон иш қилишни мўлжаллаймиз, юрагимиздан чиққани учун маълум вақтгача уни бошқалардан сир тутган бўламиз, шу ишимиз рўёбга чиқадиган кун, ой ёки йилни олдиндан чўтлаб кўямизда, уни ўзимизча “марра” деб атаймиз. 1997 йилда ўзбек зиёлиларининг атоқли мураббийси домла Озод ака Шарафиддинов журнал Бош муҳаррирлиги вазифасини бажаришга киришганларида энг яқин марра деб, унинг 1-сони босмадан чиқишини эътироф этган эдилар. Бу бежиз эмасди – журнал айнан Президент Ислон Каримовнинг тавсия ва ташаббуси билан таъсис этилган эди. Ҳали ишчи-ходимлар сафи тўла шаклланиб улгурмаган жамоанинг ҳажми нақ 20 босма табоқлик журнални ойма-ой нашр этиб бориши ҳазилакам иш эмаслиги ўз-ўзидан кўриниб турарди. Аммо тўрт-беш кишидан иборат жамоага бир нарса куч берарди: мазкур журнал мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки самараларидан бири эди. Яқин-яқингача шўроча цензуранинг аёвсиз таъқибидан жабр кўриб келаётган матбаа учун дунёнинг тўрт тарафига эшиклар ланг очилган эди. Энди истаган таржимон-ижодкор дунёнинг истаган мамлақати адабиётидан энг сара асарларни она тилимизга бемалол таржима қила олади. Бу борада Озод ака ўзлари барчага ўрнак бўлдилар – у кишининг қаламидан чиққан таржималар, мақолалар ҳам шаклан, ҳам мазмунан жозибадорлиги билан ўзбек ўқувчиларини бутунлай ром этди, журнал биринчи галда зиёлилар қалбига чуқурроқ кириб боргани учун у “зиёлилар журнали” деган таърифга ҳам эга бўлди. Кўпчиликнинг талабини қондириш қанчалик шараф бўлса, шунчалик сермашаққат ҳам бўлади. Бунинг устига ижтимоий ҳаёт тарзи кун-бакун,

соатба-соат ўзгариб борарди, энди машинкачи қизларимиз алмисокдан қолган машинкаларда бармоқларини қавартириб ҳарф термайдиган, 1-,2- ва 3-мусахҳиҳлик варақларини ўқимайдиган бўлишди – замонавий технологиялар иш йўсинларини ўзгартирибгина қолмай, ходимлардан компьютер, ноутбук ва интернет билан иш олиб бориш малакасини ҳам талаб қилмоқда. Эндиликда республикада ойма-ой муштарийлар қўлига етиб бораётган “Жаҳон адабиёти” чинакамига байроқдор нашрга айлангани ҳеч кимга сир эмас. Журналнинг чоп этилиши мамлакатимиз илм ва билим масканларида таржимонлар сафининг кескин ўсишига сабаб бўлмоқда. Илгари чет эл асарлари фақат рус тили орқали таржима қилинса, энди бевосита чет тилидан қилинган таржималарнинг кўпайиб бораётгани кишини қувонтирмай қолмайди, албатта. Хусусан, истеъдодли ёшларнинг жасоратлари кишини лол қолдиради, гоҳо. Тошкент Шарқшунослик институтининг битирувчиси Нодира Аминова япон ёзувчиси Нацумэ Сосэкининг “Қалб” романини япон тилидан таржима қилгани ва журналимизда чоп эттиргани ҳар қанча мақтовга сазовор. Истеъдодли ёш хитойшунос Севара Алижонованинг хитой тилидан қилаётган таржималари (унинг шу тилдан қилган йирик таржима асари Эвлон қилиниши арафасида) фикримизга далил бўла олади. Ёш таржимон Давронбек Мамарасулов немис тилидан қилган таржималари учун “Жаҳон адабиёти” журналининг йиллик мукофотини қўлга киритди. Бу эса, бир томондан, истеъдодли ёшларнинг эртанги кун эгалари бўлишига ишонч пайдо қилса, бошқа томондан, “Жаҳон адабиёти” журнали ўз олдига қўйган вазифани уддалаётганидан дарак беради.

Вилоятлардаги илм масканларида фаолият кўрсатаётган ёки эркин ижод билан банд таржимон-муаллифларимиз талайгина. Қисқа қилиб айтганда, “Жаҳон адабиёти” журнали ўзининг 200-сонига қадар замон билан ҳамнафас, ҳамқадам бўлиб келмоқда. Жумладан, журналхонларимиз эътибор қилган бўлсалар, журналнинг кейинги 2-3 йилдаги сонларида талай ижобий ўзгаришлар бўлган. Мукова ва ички саҳифалардаги бўш ўринлар бевосита нашр билан боғлиқ маълумотлар ва тезкор ахборотлар ила тўлдириб борилмоқда. Замонавий технологиялар ёрдамида муаллифларнинг рангли ёки оқ-қора тасвирлари ҳам илова қилинмоқдаки, бу замонавий ўқувчининг айни кўнглидагидек иш бўлмоқда. Шахсан ўзим учун қувонарли томони шундаки, журналнинг барча икки юз сонидagi ижодий иштироким менга яна-да кўпроқ куч-ғайрат бағишлайди. “Жаҳон адабиёти” адабий-бадий, ижтимоий-публицистик журнал эканини ҳисобга олиб гапирадиган бўлсам, 1-дан 200-сонгача у ўз ихлосмандларининг “кўнглини олиб” келди, яъни ҳам адабий-бадий, ҳам публицистик-сиёсий материаллари билан ўзбек халқининг маданий-маърифий онгини бойитишда катта хизмат кўрсатди ва кўрсатмоқда. Янаги марра – 300-сон! Янги марралар сари!

*Амир ФАЙЗУЛЛА*

**М**ухтарам Юртбошимизнинг сабъ-ҳаракатлари билан олам юзини кўрган “Жаҳон адабиёти” журнали ташкил қилинганига ўн етти йил тўлди. Янги йилнинг илк ойида унинг роппа-роса икки юзинчи сони муштарийлар қўлига етиб борди. Журналнинг дастлабки юзта сони устозимиз, Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли адабиётшунос ва таржимон Озод Шарафиддинов бошчилигида чоп этилган эди. Шу йиллар ичида жаҳон адабиёти хазинасининг энг сара дурдоналари она тилимизга ўгирилиб, журнал саҳифаларида эълон қилинди. Ғарб ва Шарқ шеърятининг атоқли вакиллари ижодидан эътиборингизга ҳавола этилган кўплаб туркумлар, адабий-танқидий мақолалар, жаҳон публицист ва файласуфларининг энг машҳур асарлари қизгин баҳсу мунозараларга сабаб бўлди ва бу анъана изчиллик ила давом этмоқда.

Бироқ ҳали қилиниши лозим бўлган қатор ишлар, амалга ошириладиган кўплаб режалар бор. Бу борадаги муваффақиятлар омилини сиз, азиз журналхонлар билан бўладиган самимий мулоқотда деб ўйлаймиз. Шу боисдан, таржимонларимиз ва муаллифларимиз, фаол ва жонкуяр ўқувчиларимизга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилдик.

1. “Жаҳон адабиёти” журнали ўтган йиллар давомида ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни нечоғлик уддалади?

2. Истиқлолга эришилгач, зиёлилар ва ёшлар дунёқарашида бир қатор ижобий ўзгаришлар рўй берди. Мана шу жараёнда “Жаҳон адабиёти” журналининг ўрни ва роли қандай бўлди, деб ўйлайсиз?

3. Журнал мазмун ва мундарижасини бойитиш, уни яна-да ўқишлароқ қилиш учун нималар қилиш керак? Журналимизнинг кейинги сонларида қандай рукнлар ташкил этиш ёки қайси асарларни ўқишни хоҳлар эдингиз?



**Абдулла ШЕР**

1. “Жаҳон адабиёти” журнали устоз Озод Шарафиддинов раҳбарлигида катта маънавий юмушни амалга оширди. Ўзбекистонга шу журнал орқали тараққийпарвар жаҳон адабиёти ва фалсафаси кириб келди, мустабид тузум даврида тақиқлаб қўйилган хорижий ёзувчилар ва файласуфларнинг асарлари, улар ҳақидаги мулоҳазалар ўзбек халқи афкор оммасининг онги ва қалбига етказиб берилди, десак янглишмаган бўламиз. Айни пайтда, мазкур журнал воситасида мамлакатимизда бадиий таржиманинг ривожига улкан ҳисса қўшилди, журнал таржимон-ёзувчиларимиз ва файласуфларимиз учун кўпдан кутилган минбар вазифасини бажарди, қисқа вақт ичида ёш таржимонлар учун маҳорат мактабига айланди, таржимон-муаллифлар доираси кенгайди, бадиий таржимага санъат сифатида қараш жонланди, шеъринг таржима ҳам ўз мавқеига эга бўлди. Шунингдек, “Устоз таржимонлар бисотидан” каби бир қанча янги рукнлар, фалсафа ва адабиётшунослик бўлими ташкил этилди. Аслиятдан қилинадиган таржимага эътибор кучайтирилди. Қувонарлиси шундаки, журнал энди нафақат жаҳонни Ўзбекистонга олиб киришдагина эмас, балки, Ўзбекистонни жаҳонга олиб чиқишда ҳам маънавий кўприк вазифасини ўтай бошлади: ҳар бир мамлакат адабиёти, фалсафаси ва санъатига бағишланган журнал сонлари ўша мамлакат афкор оммаси орасида Ўзбекистонда “Жаҳон адабиёти” журнали борлигини ва у илғор маданият тарғиботчиси эканлигини намойиш этадиган маънавий ҳодисага айланди. Бунда янги рукнларнинг пайдо бўлиши билан бирга журнал қиёфасининг замонавий дизайнга асосланган безаклар билан бойиши ҳам катта аҳамиятга эга бўлди.

2. Ўзбек китобхони истиқлол туфайли ўзига номаълум бўлган ўзга бир маънавий дунё борлигини ҳис қилди. Бунда, шубҳасиз, “Жаҳон адабиёти”нинг роли катта. Айниқса, кейинги пайтда янги таҳририят саъй-ҳаракати билан жаҳоннинг буюк шоир-ёзувчилари ҳақида кенгайтирилган қомусий маълумотлар ва кичик эсселарнинг берилиши нафақат ёшларимизда балки, катта ёшдаги зиёлиларимизда ҳам деярли номаълум бўлган даҳолар ҳамда буюклар тўғрисида маърифий-эстетик тушунча ҳосил қила бошлади. Айниқса, “Унутилмас сиймолар” рукни остида фақат адиблар эмас, балки улкан санъаткорлар ҳақида ҳам берилётган эссе-маълумотлар журнал ўқувчиси қувваи ҳофизасининг кенгайишига, унинг умумбашарий маънавият юлдузлари билан яна-да кўпроқ фикран мулоқот қилишига йўл очиб бермоқда. Ушбу рукн остида ўзимизнинг буюк санъаткорларимиз ҳақида берилган материаллар эса тобора миллий ифтихоримизни кучайтирадиган омилга айланиб бормоқда. Журналнинг бу ишларида бадиий адабиётни санъатнинг бошқа турларидан ажратиб олишдек зарарли тенденцияга қарши курашишдек, адабиёт, санъат ва фалсафанинг бир-бири билан доимий алоқадорлигини таъкидлашдек янгича фикрлаш йўналишини кўриш мумкин.

3. Мен журналнинг юқорида таъкидланган ижобий ишлари яна-да миқёсийроқ давом этирилишини, таржимада кўпроқ аслиятга мурожаат қилинишини истардим. Таҳририят қошида ёш таржимонлар клубини ташкил қилиш, журналда энг яхши ва энг саёз бадиий таржималарга тақризлар чоп этилишини, таржима назариясига доир мулоҳазалар, моҳир таржимонлар тажрибасини таҳлилдан ўтказадиган материаллар ҳамда таржима санъати усталарининг ўз маҳоратлари ҳақидаги мақолаларининг бериб борилишини мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Журнал саҳифаларида кўпроқ жаҳон мумтоз адабиёти ва фалсафаси намояндлари асарларини ўқишни хоҳлардим, алоҳида “Нобель мукофоти соҳибларининг асарлари” рукни ташкил этилса, Болтикбўйи халқлари адабиётига ҳам эътибор қаратилса ёмон бўлмас эди.

## Зухриддин ИСОМИДДИНОВ

1. “Шарқ юлдузи”, “Гулистон” каби журналларга қиёслаганда, “Жаҳон адабиёти”ни гўдак дейиш мумкин, энди ўсмир ёшига етди у. Аммо бўладиган бола бошидан, деганларидай, “Жаҳон адабиёти” бўладиган бола кўринади. Озод Шарафиддинов домламиз йўргаклаб улғайтирган бу бола бизга гўё бир ини каби қадрдон бўлиб қолди. Ахир ўн етти ёшида одам ҳар куни бир кашфиёт қилади, у билан гаплашиб тўймайсиз, вужудингизга куч ингандай бўлади, унинг ғайрати ҳайратингизни оширади. Инчунин, шу журнал очилгач, илгари чулдираган бир ирмоқдайгина бўлиб қолган таржима соҳаси тамоман янги куч олди, нафақат аввалгидай рус тилидан, балки бошқа ўнлаб тиллардан ҳам бевосита ўгирилган асарлар кўпая бошлади. Бутун адабиётимизни шинам бир уй десак, журнал гўё унинг жаҳон сари очилган деразаси – нур, ҳарорат оқиб киради, камалакларга кўзимиз тушади, сарин шабадалардан баҳра оламиз...

Журнал ўз олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни нечоғлик уддалади, деб савол берилибди. Мен бу мақсад ҳамда вазифаларни моддама-модда билмас эканман. Аммо ҳозирги адабиётимизни, маънавий ҳаётимизни “Жаҳон адабиёти”сиз тасаввур қила олмайман.

2. Миллат маърифати орқали миллат бўлиб шаклланади, униб-ўсади. Маърифатсиз миллат эса фаторат топиб, йўқ бўлиб кетади. “Жаҳон адабиёти” – ҳозирги бозорий замонда маърифат ёғдусини таратаётган санокли журналларимиздан бири. Бугунги ўзбек зиёлисининг, жумладан, ёш зиёлиларнинг савияю сажияси, дунёқараш, айтайлик, бундан ўттиз-қирқ йил аввалгиларникидан хийла фарқ қилади. Буни ҳозир кўпда пайқамаетгандаймиз. Майли, вақти келиб, эътибор ҳам қилиб қолармиз. Ана ўшанда шу дунёқараш кенгайишининг омилларидан бири дея “Жаҳон адабиёти” журнали ҳам тилга олинса, ажаб эмас.

3. Таклифим: “Жаҳон адабиёти” – таржима журнали. Таржима эса ижодий жараён. Биз ҳозирча шу жараённинг натижасини – тайёр таржималарни ўқувчига такдим этяпмиз. Яъни, бир шоир ё адибнинг асарини кимдир ўгириб чоп эттиради. Ижод жараённинг ўзи ҳам қизиқ-ку! Масалан, гуржи шоири Николаз Бараташвилининг машҳури жаҳон “Мерани” шеъри рус тилига уч юз мартача ўгирилган. Шунча шоир ўз кучини синаб кўрган. Бизда эса бу шеърнинг Шухрат қаламига мансуб биргина таржимаси бор, холос. Ҳолбуки, шунга ўхшаш бирон дурдона рубойи, масал, байт ё машҳур ғазалнинг бир неча таржимасини тажриба тариқасида берсак ёхуд икки-уч сон олдиндан шундай асарнинг аслияти ва тағламасини такдим этиб, ўқувчиларни ижодий баҳсга чорласак, бу ҳам журналхонлар қизиқишини орттириши, шубҳасиз.

### Аҳмад ОТАБОЙ

1. “Жаҳон адабиёти” истиқлолнинг ажойиб тухфаларидан бири бўлди. Журнални дунё маданиятига очилган дераза, десак ярашади; ундан уйимизга ёруғлик, тоза ҳаво кириб турибди – дунё тамаддунининг бадиий, фалсафий, тарихий дурдоналаридан баҳраманд бўлаяпмиз. Қадим Шарқ мумтоз адабий мероси, Ғарбнинг милоддан олдинги – рим ва юнон мутафаккирлари асарларидан тортиб Жеймс Жойс романларигача, ҳатто постмодерн адабиёти намуналари, масалан, Харуки Мураками ижодигача муштарийлар шу журнал орқали танишдилар. Бу – жиддий ютуқ, зиёлилар, ёшлар дунёқарашини бойитадиган муҳим омил.

Журналнинг муваффақиятли фаолиятини таъминлаган омиллардан яна

бири таҳририятнинг шўро замонидан сарқит “ғоя”ларга ўралашмай – фалон ёзувчи модернист, униси сюрреалист ёки буниси пессимист, деган бирёклама қарашлардан воз кечиб, жаҳон адабиётининг эътибор қозонган адиблари, эътироф этилган асарлари таржимасини дадил ёритиб келаётганида. Устозимиз Озод Шарафиддинов ташаббуси билан бошланиб, кейинчалик барқарор анъана тусини олган бу бағрикенглик журналга Мирпўлат Мирзо раҳбарлик қилган йилларда ҳам, бугунги кунда ҳам бардавомдир. Ижодкорни услуби, қайси оқимга мансублиги, қандай шаклда ёзгани, шахси ва эътиқоди, дунёқарашига кўра “саралаш касаллиги” “Жаҳон адабиёти”га бегона. Айрим нашрлардаги каби “ўзига ёққан” беш-ўнта муаллифни йиллар мобайнида “айлантириб” чиқараверишдек эгоистик одат ҳам “Жаҳон адабиёти”га ёт. Бу хусусиятлар унинг мазмун-мундарижасини ҳали жуда бойитади, деб ишонаман.

3. Журналнинг мазмун-мундарижасини бойитиш, биринчи галда, адабий жамоатчиликнинг саъй-ҳаракатига боғлиқ. Хоҳлаган сонини қўлга олиб журнал ҳақида фикр билдириш осон ва бунга ҳамма ҳақли. Бироқ “Жаҳон адабиёти” учун мен нима қилдим, қачон қандай асарни таржима қилиб тақдим этдим, деб ўзимиздан сўрасак, табиийки, кўнгилдаги қарздорлик туйғуси зиммаимизга масъулият, вазифа юклайди.

Кейинги пайтларда бир неча рукнлар очилди. “Навоий сабоқлари” рукни улуг мутафаккир бобомиз ижодиётини дунёга тарғиб этишда ҳали жуда кўп изланишларни амалга ошириш лозимлигини кўрсатди. Ушбу рукн доирасини – “Алишер Навоий ва жаҳон” мавзусини кенгайтириш, шоир асарларининг хорижлик таржимонлари, тадқиқотчиларини ҳам хайрли ишга жалб этиш лозим. “Жаҳон маданияти ва санъати” рукни, унда турли хил қизиқарли маълумотлар берилаётганига қарамай, таквим характерида. Ўзи, бир ойда таваллуд топган дунёнинг ва юртимизнинг машҳур адиблари, бастакор, актёр, арбоб, файласуф, хонанда, мусаввир ва бошқаларни журналнинг бир сониди камраб олиб бўлмайди. Қолаверса, улар ҳақидаги мақолалар манбалардан олинган маълумотларнинг тақрорига айланиб қолади. Мен ушбу рукн ўрнига бир йўла иккита – “Жаҳон адабиёти ўзбек тилида” ва “Ўзбек адабиёти жаҳон тилларида” номли рукнлар очишни таклиф этардим. Ҳозир бадий таржима соҳасида кўтарилиш яққол сезилаётир. “Жаҳон адабиёти” бу жараённинг бошида турибди. Хорижий тиллардан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан хорижий тилларга таржима қилинган асарлар матбуотда, алоҳида тўплам, китоб ҳолида нашр қилинаётир. Бу таржималарнинг савияси ҳар хил. Улар ҳақида юқоридаги рукнларда тақриз, таҳлилий мақолалар бериб борилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Жаҳон эстетикаси ва адабиёт назариясининг йирик намояндалари асарлари, масалан, Ш.Сент-Бёв, И.Тэн, Т.Элиот, К.Юнг, М.Хайдеггер, Ж.П.Сартр, Р.Барт, У.Эко сингари олим ва назариётчиларнинг трактат, мақола, тадқиқот ва эсселари таржимаси ҳам махсус рукн остида изчил ёритиб борилса, бу ўқувчилар учун ҳам, адабиётшуносларимиз учун ҳам янгилик бўларди. “Устоз таржимонлар бисотидан” бериладиган таржима асарлардан парчалар ўрнига “Устоз таржимонлар тажрибаларига” бағишланган тадқиқот-мақолалар зарурга ўхшайди.

*Абдулла УЛУҒОВ*

1. Дунёда икки юздан ортиқ давлат бор. Лекин “Жаҳон адабиёти”га ўхшаш журналига эга давлат санокли. Бундай давлатлар, эҳтимол, йигирмата ҳам чиқмас. Ўзбекистонда мустақилликка эришилганидан бор-йўғи олти йил ўтиб, жаҳон адабиёти намуналарини таржима қилиб, халққа етказишга

йўналтирилган алоҳида янги журнал ташкил этилди. Ўз мустақиллигининг дастлабки даврида бундай журнални нашр қилишга ҳар қандай давлат ҳам муяссар бўлавермайди. “Жаҳон адабиёти” журналининг мунтазам чоп қилина бошлагани Ўзбекистон улкан имкониятларга эга, қудратли, келажаги порлоқ давлат экани, ўзбек халқи юксак маданиятга эга халқ эканлигини намойиш этди. Миллатпарвар фидойи зиёлиларимиз узоқ орзиқиб кутган ушбу нашр маданий ҳаётимизда беқиёс янгилик бўлиши баробарида, мамлакатимизда рўй бераётган тарихий, ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг амалдаги ижобий натижаси бўлди. Мазкур мухташам нашрнинг қадри замонлар ўтиши билан ошиб бораверади. Чунки ушбу адабий-бадий, ижтимоий-публицистик журнал жаҳон адабиёти мумтоз намуналари билан таништириб, кишиларнинг олам ва одам тўғрисидаги тасаввурини теранлаштиради. Ундаги турли мавзудаги материаллар сўз санъати – адабиёт олам муаммолари ва одам жумбоғини идрок этишнинг энг ишончли ва энг самарали воситаси эканлигини англашга элтади.

Аввал юз минглаб ададда чиқиб келган газета-журналларнинг аҳволи бозор иқтисодиётига ўтиш шароитининг мураккабликлари туфайли анча ночорлашиб қолди. Ҳукуматимизнинг қўллаб-қувватлаши туфайли “Жаҳон адабиёти” журнали ана шу қийин шароитда ҳам ҳар ойда мунтазам чоп қилинмоқда. Унинг саҳифаларида Шарқ ва Ғарб адабиётининг энг ажойиб асарлари босилиб чиқди. Бу билан ўзбек адабиётининг бўй-бастини бошқа халқлар адабиётига қиёслашга кенг имконият юзага келди. Шу нуктаи назардан қараганда, журнал то ҳозиргача олдига қўйган мақсад ва вазифаларини адо этиб келаяпти.

2. Истиқлол шарофати билан нашрлар сони ортгани кундалик маданий ҳаётимизга янги “ҳаво” олиб кирди. Янги газета-журналлар туфайли мутолаага муносабатимиз, қизиқишимиз доираси хийла ўзгарди. Айниқса, “Жаҳон адабиёти”, “Тафаккур” журналлари адабиёт ва санъат ихлосмандларига чинакам қувонч бағишлади. Чунки ҳар бир зиёли одам учун бошқа халқлар адабиётининг энг гўзал намуналари, Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг олам ва одам, тарих ва бугун тўғрисидаги мушоҳадалари, Ф. Достоевский, О.Бальзак, С. Цвейг, Р. Тагор сингари инсоният донишмандларининг асарлари билан танишиш ҳақиқий қалб байрамидир. Бу пайтда унинг онг-тафаккури, шуури тўйиб маънавий озикланади. “Жаҳон адабиёти” журналининг ҳар бир сони уни ўқиган киши учун ширин ва хуштаъм маънавий озуқага айланади. Чунки ундаги адабий-бадий асарлар, турли публицистик мақолаларда ҳаёт ва инсон тақдири мураккабликлари тўғрисида, санъатнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз юритилади. Ҳаёт ва адабиёт эса ғоят кўп киррали ва жуда мураккабки, ҳеч бир донишманднинг фикри, қарашлари унинг барча жиҳатларини тўла-тўқис қамраб ололмайди. Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари бу ҳақиқатни азалдан таъкидлашади. Юнон, ҳинд, хитой, япон ва бошқа халқлар адабиёти намояндаларининг ҳаёт ва адабиёт ҳақидаги мулоҳазалари ҳар бир кишининг мавжуд турмуш тўғрисида, ўзининг аҳволи ҳақида теранроқ фикр юритишига, оламга кенгроқ қарашига, албатта, таъсир кўрсатади. Фрейд, Камью, Сартр ҳамда бошқаларнинг адабиёт ва инсон жумбоғи тўғрисидаги фикрлари сўз санъати тўғрисидаги тасаввурни теранлаштириб, миллий адаётимизнинг даражасини, адабий жараёндаги ўзгаришларни англашга кенг имкон беради. Бошқа мутафаккирларнинг эзгулик ва ёвузлик кураши, муҳаббат ва нафрат туйғуси ҳақидаги фикрлари билан танишиш ҳам кишиларнинг бахти ва бахтсизлиги турмушдаги майда-чуйда нарсаларга муносабати билан чамбарчас боғлиқлиги тўғрисида ўйлантиради. Европа, Осиё, Америка қитъаси, Африка мамлакатлари адабиёти намуналари билан танишиш, санъатнинг бош вазифаси одамларни бирлаштириб, ҳаммани ҳамжиҳат қилиш экани, бу жиҳатдан адабиёт

санъатнинг барча турларидан, сиёсат, мафқуранинг жамики шаклларида устун туришини янада кўпроқ англашга сабаб бўлади. Адабиёт одамларнинг юрак дардини ошкор этиб, кўнглини эритиб, ҳаяжонга солишда тенгсиз эканига ишонч анча ортади. “Илиада” ва “Одиссея”, “Маҳобҳорат” ва “Рамаяна”, “Манас” ва “Шоҳнома” дostonлари, Мавлоно Жалолиддин Румий ва Фаридиддин Аттор, Шекспир ва Ф. Достоевский, Л. Толстой ва Стендаль, Гёте ва Бальзак асарларини ўз тилида ўқиган китобхон – буюк халқ вакили ва бахтли инсондир. “Жаҳон адабиёти” журналининг шу пайтгача босилиб чиққан икки юзта сонининг ҳар бири ўқувчининг онг-тафаккурини ёриштириб, дунёқарашини кенгайтириб, ҳис-туйғуларини тиниклаштириши тайин. Аждодларимиз интилган, бугунги одамларга етишмаётган ҳақиқат ҳам шу – ҳамдардлик-у ҳамжиҳатликнинг камёб, тансиқ эканлигидир. Авжланиб бораётган “оммавий маданият” ўзларига сездирмасдан одамларни бир-бирига оқибатсиз, лоқайд, бефарқ, бегона қилиб қўймоқда. Кўнгилларни ҳувиллатиб, файзсиз чўл-чаҳрога айлантирадиган “оммавий маданият” хуружларидан сақланиш, ундан мустаҳкамроқ ҳимояланиш учун жаҳон халқлари адабиётининг мумтоз намуналарини қалқон қилиб олиш, уларда ҳаёт ҳодисалари ва инсон олами ҳақида қандай ҳақиқатлар очиб берилганига диққат қаратиш керак. Шунда “оммавий маданият”нинг алдамчилиги, унинг мақсади, нияти ёвуз эканлиги аёнлашади. “Оммавий маданият”нинг авжланиб бораётган таҳдидини даф қилишда мумтоз асарлар энг самарали воситадир. Муаммонинг мураккаблиги шундаки, асл асарлар ҳар доим яратилмагани сингари, мумтоз асарлар таржимасига ҳам ҳамиша эришилавермайди. Яратганга беадад шукрки, бизда истеъдодли ва меҳнатқаш, фидойи таржимонлар талай. Ўзбек халқи катта халқ эканлиги боис таржима адабиёти дарёси ўзани ҳамиша тўлиб-тошиб оқади. Ҳозир таржима қилинаётган асарлар учун “Жаҳон адабиёти” журналининг ҳажмини бир неча марта кўпайтирса ҳам майдон кичкиналик қилади. Албатта, ушбу ўғирмаларнинг бир қисми дуруст бўлгани ҳолда, анчаси ночор эканлиги, албатта, аён. “Жаҳон адабиёти”да ҳам дунё адабиётининг ажойиб асарлари баробарида эътибор топмаган, ўртамиёна асарлар ҳам босилди. Шундай бўлса-да, ушбу журналдаги бадиий асарлар, бошқа материаллар кексадир, ёшдир – барчамизнинг онгу тафаккуримизга озми-кўпми нимадир олиб киргани аниқ.

3. Бир хиллик тезда кишиларни зериктиради. Шунинг учун нашрларнинг муқоваси ранги, материалларнинг сарлавҳасидан сўнгги саҳифасигача аввалгиларидан озгина бўлса-да, фарқли чиқишига ҳаракат қилиш керак. Газета-журналларда эса кўпинча бир “қолип” тайёрлаб олинади-да, шу андоза бош муҳаррир ўзгармагунча ушлаб турилади. Айни хилдаги эринчоқлик эса нашрни тезда зерикарли қилиб қўяди. “Жаҳон адабиёти”нинг муқоваларида тасвирий санъат дурдоналарининг рангли берила бошлагани, жаҳон санъати, адабиёти намояндалари ҳаёти, фаолияти билан мухтасар таништиришнинг йўлга қўйилгани ҳар жиҳатдан мақбул. Шу туфайли нашрнинг шакл-шамойили кўркамлашди, материаллари мазмуни ранг-баранглашиб, журналнинг жозибаси яна-да ортди. Янги рукнлар ташкил этиш, уларни материаллар билан таъминлаш масаласига эса ёшларни кўпроқ жалб қилиш ижобий самара беради. Ўзбек ўқувчиси “Жаҳон адабиёти” саҳифаларида “Ака-ука Карамазовлар” романини, Гёте, Стендаль, Бальзак, Ф. Достоевский сингари Европа адабиёти намояндалари, Шарқ мутафаккирлари, Лотин Америкаси, Осиё, Африка адабиётининг ўзбекчага ўгирилмаган ажойиб намуналари билан тезроқ танишиб мароқланишини, бу журнал ўлкамизнинг овлоқ қишлоқларидаги адабиёт ихлосмандлари қўлига ҳам мунтазам етиб боришини жуда-жуда иштайман.

**Абдуқайюм ЙЎЛДОШЕВ**

1. Биз, бир пайтлар “Иностранная литература” журналининг кейинги сони қачон чиқар экан, дея киоскаларни пойлаб юрган авлод учун ўзимизда “Жаҳон адабиёти” журналининг чоп этила бошлаганлиги катта воқелик бўлди. Тўғри, хориж адабиётини ўгириш (айниқса, рус тилидан) бизда ҳеч қачон тўхтаб қолган эмас, қайси адабий журнални варақласангиз, албатта, бирон чет эллик қаламкашнинг асарига дуч келасиз. Аммо хорижники экан дея хўрозқандни ялайверишдан ўзини тийиб олган адабий қатлам учун таржималарни тизимга солиш, таҳлил этиш, саралаш, баҳолаш, қиёслаш, бир сўз билан айтганда, ПРОФЕССИОНАЛ тарзда тақдим этиш имкониятига эга ихтисослашган нашрнинг пайдо бўлганлиги бор гап.

Журнал ўз олдиға қўйган мақсад-вазифаларнинг қанча фоизи удалланганлиги хусусида баландпарвоз гаплар айтишнинг ўрни эмасдир. Ҳар қалай, салмоқли қисми адо этилган бўлса керакки, “Жаҳон адабиёти” қўлма-қўл ўқилмоқда, баъзан газета дўконларидан ҳам тополмасдан, атайлаб таҳририятнинг ўзига излаб бораяпмиз. Эҳтимол, журнал адади биз ишониб кутган, орзу қилган даражада эмасдир. Аммо, нима ҳам қилардик, азалдан ҳаммамизга аён аксиома бу: чин адабиёт ихлосмандлари ҳамиша сон билан эмас, сифат билан ютиб кетган...

2. Ғалабанинг эгаси кўп бўлганидай, ижобий ўзгаришларни тилға олиб турганимиздан кейин унда, албатта, журналнинг “ўрни ва роли” бўлади-да; айнақса, “дунёқараш”дек кенг қўламли масалада... Умуман олганда эса, менинг назаримда, албатта, давр талаби, замон шиддати сабабми, индивидуалликка, ўз соҳасида муваффақиятларға эришишға интилиш кучайганлиги боисми, саволда тилға олинган “зиёлилар ва ёшлар”нинг китоб-журнал мутолаасидан анча четланган оқими шаклланаётгандай. Улар учун ўзларига керакли адабиётнигина интернетдан топиб ўқиш, иложи бўлса мухтасаргина аннотация ёки асарнинг қисқартирилган варианты билан кифояланиш ўнғай иш бўлиб қолди. Мана шу жараёнда “Жаҳон адабиёти”нинг аслини олганда дунёдаги энг машаққатли ишлардан бири бўлган жонли мутолааға қанчалик кўп ўқувчини жалб эта олгани муҳим. Бирники ўнға... Журнал жамоаси вакиллари билан вилоятлардан биридаги техник олий ўқув юртида бўлганимизда талабалару ўқитувчиларнинг “Жаҳон адабиёти” мундарижа-мазмун, рукнлари, ҳатто чоп этилган айрим асарлар тўғрисидаги мулоҳазалари, дадил фикрлари бизни мамнун этди. “Бўларкан-ку!” деган ўй ўтди беихтиёр кўнглимиздан. Бу эътироф ҳам журнал жамоасига, ҳам ўша олий ўқув юртининг ўқишға чанқоқ талаба-устозларига бирдай тегишли...

3. Бу борада бирон нима дейишға ҳам иккиланасан, киши: балки кўнглимиздаги ўй-фикрларни, таклифларни жамоа аллақачон режалаб, хомчўт қилиб, ҳаттоки пишитиб ҳам қўйгандир. Ана, “Иблислар”да шундай бўлди. Ўзим неча йиллардан буён буюк Достоевскийнинг шу асарини ўзбекчада ўқисам деб орзу қилиб юргандим. Ўтган йили қарасам, журналнинг биринчи сонидан бошлаб лоп этиб чиқиб турибди-да.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Баъзи таржималарни ўқий туриб, асарнинг аслини қидириб қоласан, киши. Эҳтимол, “Бир таржима ҳақида икки хил фикр” рукнини ташкил этиш вақти келгандир. Ёки айрим мўъжаз асарларнинг (дейлик, Чехов ҳикоялари) икки хил таржимаси берилса, бу ёш таржимонларға мактаб бўларди.

Ўзим журналда Достоевский ижоди мафтуни бўлган Юкио Мисиманинг “Исповедь маски”, Маркеснинг “Любовь во время чумы” романларини, Гоголнинг “Старосветские помещики” қиссасини, Брехтнинг “Жизнь Галилея” пьесасини ўқишни истардим.

## Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ

Журнал ташкил этилгандан бери унда чоп этилган материалларни мунтазам кузатиб бораман. Илк сони нашр этилганда биз аспирантурада ўқир, илмий ишимиз, қизиқишларимиз, бадиий эҳтиёжларимиз боис худди шундай журнал заруратини ҳис этар эдик. Илмий ишни ҳимоя қилганимдан кейин ўзбек филологияси ва журналистика факультети талабаларига “Жаҳон адабиёти тарихи”, “Жаҳон адабиёти муаммолари” сингари фанлардан дарс ўтишга тўғри келди. Аммо у пайтларда янги шакл ва мазмундаги дарсликлар, ўқув қўлланмалар деярли йўқ эди. Бадиий адабиётлар масаласида ҳам шу муаммо кўндаланг турарди. Мен илк бор кириб келган ўқув жараёнига доир мана шундай жиддий муаммоларнинг ечимини топишимда “Жаҳон адабиёти” журнали катта ёрдам берганини айтмасам, инсофсизлик бўлади. Журнал саҳифаларида нафақат бадиий асарлар, балки жаҳон адабиётшунослиги, эстетикаси ва бадиий-фалсафий тафаккурига тегишли асарлар таржимаси ҳам берилди бошладики, бу ўтилаётган фан методологиясини шакллантиришимда қўл келди. Конфуций, Сукрот, Афлотун, Арасту ва ҳинд мутафаккирлари қарашларидан, жаҳон эстетик тафаккури, адабий оқимлари ва йўналишларига доир адабий-танқидий манбалардан дастлаб шу журнал тўғрили воқиф бўлганман. Шу билан бирга, журналда чоп этилган қатор материалларни, янги, “теша тегмаган” адабиёт сифатида талабаларга ҳам тавсия қилганман. Бу жараён ҳозир ҳам давом этапти. Менимча, журнал нафақат менга, балки барча адабиёт иши билан машғул мутахассисларга, минглаб адабиёт муҳибларига беминнат хизмат қилиб келяпти.

Инсон дунёқараши учун турғунлик деган тушунча ҳар доим ёт бўлиб келган. Тинимсиз ўзгаришда бўлмаган, янгиланмаган дунёқараш туриб қолган сув каби айниб қолиши ҳам бор гап. Мана шу янгиланиш, менимча, икки йўл билан амалга ошади. Биринчи йўл, миллий анъаналар негизида янгиланиш бўлиб, бу жараён миллат вакилларининг маънавий имконияти билан боғлиқ. Иккинчи йўл, жаҳон халқлари билан маданий-тарихий муносабатларда майдонга чиқади. Бундай муносабатларнинг энг самарали, энг таъсирчан омили бадиий адабиёт ва матбуотдир. “Жаҳон адабиёти” журнали, ҳам бадиий адабиёт, ҳам матбуотнинг “вакили” сифатида мана шу йўлнинг бошида туради. Бу эса ўта улкан, айни пайтда, ўта масъулиятли мақом. Ахборотлар хаоси ҳукм сураётган бугунги кунда журнал таҳририяти ходимларига мустаҳкам маънавий таянч, сабр-тоқат, куч-қувват ва қатъият жудаям зарур. Ўйлайманки, бу жиҳатдан бизнинг зиёлиларимиз, фидойи журналистларимиз кўплаб жаҳон халқлари вакилларига нисбатан бойроқ, устунроқлар.

Журналнинг кейинги бир ярим – икки йилда нашр этилган сонларида ҳазрат Алишер Навоийга кўпроқ эътибор берилаётгани сезилиб турибди. Аммо шунга қарамасдан, биринчи истагим, Навоий рукнининг янада жиддийлашуви билан боғлиқ. Навоий рукни унинг биографиясига доир янгича ёндашувлар, асарларининг жаҳон классиклари билан қиёсий таҳлиллари, фақат ғазалларининг эмас, “Хамса”си, адабиётшунослик, тарих, ахлоқий қарашларига оид тадқиқотлар билан бойиса, бундан ўқувчи ҳам, журнал ҳам ютади. Иккинчи таклифим, журналда “Шу йилнинг асари”ми, деб номланган шундай бир рукн бўлсаки, унда фақат жаҳон халқлари томонидан ижод этилган энг сўнгги асарлар, улар ҳақидаги фикр-қарашлар жой олса...

### Рисолат ҲАЙДАРОВА

1. Журнал ташкил этилган 1997 йилда таржимачилик олдида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ниҳоят даражада кўп эди. Шулардан энг муҳими – таржимачиликдаги “оқ доғлар”ни йўқотиш эди. Собиқ шўролар

#### ЖАҲОН АДАБИЁТИ

даврида фақат ўша давр мафкураси талабига мос келувчи, ҳеч бўлмаганда, “нейтрал” кайфиятдаги асарларгина таржима қилиниб, нашр этиларди. Натижада ўқувчилар Шарқ мутафаккирларининг араб, форс тилларида битган асарлари билан бир қаторда Ғарб фалсафасидан ҳам бебаҳра эди. Ҳатто Ғарб классик адабиёти, замонавий Шарқ ва Ғарб адабиёти намуналари ҳам таржима қилинмай, бор бўй-басти билан халқимизга кўрсатилмай келинган. Чунки бошқа бир халқ адабиётидан қилинган таржима ҳам миллатнинг маънавий мулкига айланиб, унинг адабий меросини бойитади, ўқувчининг “кўз”ини очади, дардини уйғотади, дунёқарашини кенгайтиради, онгини ўстиради. Бу эса ўша пайтдаги ҳукмрон мафқуранинг манфаатларига зид эди.

Шуларнинг ўзи “Жаҳон адабиёти” журнали ташкил топган кунларда қандай оғир вазифаларни зиммасига олиши керак бўлганини яққол кўрсатади.

Айтишим керакки, ўтган йиллар давомида “Жаҳон адабиёти” журнали ўз олдига қўйилган вазифаларни уудалай олди. Сўнгги икки йил ичида журналнинг дизайни, мундарижаси, айниқса, яхшиланди. Журнал маърифийлик қиёфасини рўй-рост кўрсатди. Жаҳон маданияти, санъати ва адабиёти намояндalarининг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги мақолалар, дунё ижодкорларининг ижтимоий руҳдаги публицистик мақолалари, замонавий шеърият намуналаридан ўзбек тилига ўгирилиб, эълон қилинган туркумларни шулар қаторида санаш мумкин.

2. Ҳозирги жараёнда, яъни ёшларнинг жаҳон тилларини муваффақият билан ўзлаштирганликлари, Интернет орқали дунё маданияти ва адабиётдаги янгиликлардан тезкорлик билан бохабар бўлиб бораётганликлари шароитида “Жаҳон адабиёти” журналининг нафақат аҳамияти, балки масъулияти ҳам ортиб боради. Боиси – ёшларни саралашга, “оқ” ва “қора” кайфиятлар ўртасидаги фарқни англашга ўргатиш биринчи даражага кўтарилади. Қолаверса, шунча йиллар ичида таржимачилик борасида тўпланган тажрибанинг янада бойиган ҳолда ёш авлодлар томонидан ўзлаштирилиши масаласи ҳам бор. Демак, журналнинг ёш таржимонлар учун тажриба ва танилиш макони бўлгани ижобий ҳолдир. Менимча, бу йўналишда давом этавериш керак.

3. Бугунги кунда журналнинг танлаган йўналишини – мундарижада маърифийлик руҳини сақлаб қолиш ва ривожлантириш керак, деб ўйлайман. Хусусан, “Унутилмас сиймолар”, “Навой сабоқлари”, “Таквим”, “Адабиётшунослик. Фалсафа” рукнларини яна-да ривожлантириш, Бобур, Машраб, Фурқат, Нодира каби мумтоз шоирларимизнинг ҳам асарлари қандай таржима қилингани ҳақидаги тадқиқотларни чоп этиш (масалан, “Мумтоз шеъриятимиз сабоқлари” деган рукн остида), ёш таржимонлар ижодига яна ҳам кенг ўрин бериш, таржимачилик тажрибаси ҳақида мақолалар ва суҳбатлар чоп этиш лозим.

Менимча, келгусида журналда XX ва XXI аср Шарқий Европа, Марказий Осиё, Кавказ, Болтиқбўйи, Лотин Америкаси насири ва шеърияти, шунингдек, араб мамлакатлари, Хитой адабиёти намуналарига ўрин бериш журнал мундарижасини яна-да бойитади, деб ўйлайман. Бундан ташқари, антик адабиёт, Европа уйғониш даври адабиёти, япон классик шеъриятдан ҳам таржима қилинмай қолиб кетган қатор асарлар борки, уларни ҳам моҳирона таржима қилиб, халқимизнинг маънавий меросига айлантиришимиз зарур.

### *Шодмонқул САЛОМ*

Жаҳон адабиёти деган оламга мени ва мен тенгиларни чин маънода бошлаб қилган қутлуғ эшик бу – “Жаҳон адабиёти” журналидир.

Журналда чоп этилган юзлаб романлар, ҳикоялар, қиссалар, бетакрор



публицистик асарлар, шеърӣ намуналар, бутун бошли дostonлар ва буларнинг ҳар ойда такрорланиб турувчи давомий сафари ўспирин юрагимга ҳар гал бир байрам олиб келар эди.

Мактабимизнинг қайси оқибатли ўқитувчиси обуна бўлганини билмайману, аммо журнални ҳар гал (бир неча ой кейин, албатта. Ўқитувчи журнални уйда мутолаа қилгач ўқув залига қайтарарди, чоғи.) Навбахор исми пишиққина, серсавол опадан қайтаришга ўн қасам ичиб олардим ва баъзан қасам бузиларди ҳам. Дарсликларимизда номларини, сурагларини кўриб, эшитиб юрадиган табаррук инсонларнинг исм-шарифлари гоҳ таржимон, гоҳ суҳбатдош тарзида журналда жо эди. Озод Шарафиддиновни ойнаи жаҳонда кўп кўрар ва “шу одам “Жаҳон адабиёти”ни чиқаради”, деб покиза бир ҳавас-ла сўзларига кулоқ берардик.

Вознесенскийнинг азиз хотиралари, “Чўл бўриси” саёҳати, Достоевский машғаллари, Толстойнинг кенгиш даргоҳи, Гомер, Мицкевич, Пушкин сингари улуғ нозимларнинг мен онам билан сўйлашадиган тилда баҳру байт этишлари, “Партиянинг олтинлари”, “Монументал тарғибот”, “Ғарбнинг ҳалокати” каби осмон остидаги ажаб сирларнинг бадиий манзаралари, бутун бошли адабиёт дарси бўлган “Сўз кимёси” асари... буларнинг барчаси мустақиллик ҳавосидан нафас олаётган миллат фарзандлари учун димикқан хона деразасини очиб юборгандек бир тирик адабий тўлқин бўлиб кирди. Битта таржима кўлёмасини аслиятга солиштириб, луғатларни титкилаб, Сўзни ўрнига қўйиб, айниқса, хатолардан холи қилиб, сўнгра уни журнал ҳолида тақдим этиш машаққатини энгиб бу фидокорона ишни севиб бажариш учун нафақат адабиётни яхши кўриш, соҳага дахлдор бўлиш, балки маънавият деган муқаддас олам ғояларига эътиқоди бутун бўлмоғи лозим. Журналда бундай иш жараёни ҳамиша бардавомдир.

Ўзбек таржимачилик анъанасига, китобхонни хориж адабиёти билан таъмин этишга ўзига хос ўчоқ вазифасини ўтаётган “Жаҳон адабиёти” журналининг савияси яна-да баланд, асарлари ўқишли, умумий дидни кўтарадиган, миллатнинг маънавий дунёсини бойитадиган бўлишини истаимиз. Ва менимча, журнал бунга доим жавоб бериб келаётир.





*XIX аср охири – XX аср бошида ижод қилиб, Америка адабиётида ўткир прозаик ва публицист сифатида танилган Теодор Драйзер 1871 йилнинг 27 августиди АҚШнинг Индиана штатида қарашли Терре Хот шаҳарчасида дунёга келди. У қўл учиди кун кўриб келаётган немис муҳожир оиласида тўққизинчи фарзанд эди. Тирикчилик туфайли университетни тамомлай олмаган Тео оддий хизматчи, кейинроқ кир ювувчи, аравакаш бўлиб ишлайди. Охири мухбир бўлишга қарор қилади ва 1892-1894 йилларда Питсбург, Толедо, Чикаго ва Сент Луис шаҳри газеталарида мухбир бўлиб ишлайди. Шу тариқа катта ижод оламига кириб келган адибнинг 1900 йилда “Бахтиқаро Керри” ва 1911 йилда*

*“Женни Герхард” романлари нашрдан чиқади. 1911 – 1925 йиллар оралиғида ўн тўртдан ортиқ романи чоп этилди. Айниқса, “Сармойдор”, “Таянч” ва “Сабот” трилогияси, “Америка фожиаси”, “Даҳо”, “Титан” романлари Америка адабиётида катта бурилиш ясади. 1930 йилда Америка адабиётшунослари томонидан Нобель мукофотига номзод қилиб кўрсатилди. 1944 йилда Америка санъати ва адабиёти академияси адибни олтин медал билан тақдирлади. 1945 йилнинг 28 декабрида 75 ёшли Теодор Драйзер Калифорниянинг Голливуд шаҳарчасида оламдан ўтди.*

Азиза ТАНГИРОВА

## Теодор ДРАЙЗЕР

### САРМОЯДОР<sup>1</sup>

Роман

1 боб

Фрэнк Алжернон Каупервуд таваллуд топган Филадельфияда ўшанда икки юз эллик минг нафар аҳоли истиқомат қиларди. Бу шаҳарда гўзал парклар, мухташам бинолар ва кўхна ёдгорликлар мўл эди. Биз билган ва кейинчалик Фрэнкка маълум бўлган кўп нарсалар – телеграф, телефон, молларни уйга етказиб бериш, шаҳар почта тармоғи ва океан кемалари – у вақтда ҳали йўқ эди. Ҳатто почта маркалари ва буюртма хатлар ҳам бўлмаганди. Конка<sup>2</sup> эса алалхусус. Шаҳар ичида сонсиз омнибуслар қатнардди, узоқ саёхатлар учун эса ҳали кемалар қатнайдиган каналлар билан узвий боғлиқ темир йўлларнинг энди-энди ривожланиб келаётган тармоғи хизмат қилар эди, холос.

Фрэнк майда банк хизматчиси оиласида туғилди, бироқ ўн йил ўтгач, бола атроф оламига қизиқиш ва зийраклик билан разм солиб қарай бошлаганди, банк идораси раиси оламдан ўтиб, барча хизматчилар тегишли равишда лавозимларида кўтарилиб олиши ва Генри Уортингтон Каупервуд ўша вақтдаги унинг тушунчаси бўйича йиллик маоши ажойиб ҳисобланган уч ярим минг долларли ғазначи ёрдамчиси ўрнини мерос қилиб олганди. У дарҳол севинч билан хотинига Батнвуд-стритдаги 21 уйдан Нью-Маркет-стритдаги 124-уйга кўчиб ўтишга қарор қилганини хабар қилди: туман ҳам унақа овлоқ эмас ва уй ҳам уч қаватли, ғиштин – Каупервудларнинг ҳозирги турган жойларидан ўлса ўлиги ортик. Вақти келиб янада кенгроқ уйга кўчиб ўтиш ниятлари йўқ эмас эди, аммо ҳозирча бу уй ҳам ёмон эмасди. Мистер Каупервуд чин дилдан Худога шукурлар айтди.

<sup>1</sup> Журнал варианты.

<sup>2</sup> Конка – от қушилган трамвай.

Генри Уортингтон Каупервуд ўз кўзлари билан кўрганларигагина ишонарди ва ўзининг аҳволидан кўнгли тўқ эди – бу унга келажакда банкир бўлиш имконини берарди. Уша вақтда у келишган одам эди – баланд бўйли, қотмагина, гавдаси таранг, кўзлари ўйчан, қулоғи солинчагигача етган, калта қилиб кузалган чакка сочлари ўзгача тароват бағишларди унга. Соқоли доим қиртишланган бўларди. Қалин қора қошлари тагидан кулранг кўзлари тийрак боқарди, тўғри очилган фарқ силлиқ қилиб таралган калта сочларини қоқ иккига бўлиб турарди. У сюртугини сира эгнидан ташламасди – ўша пайтдаги сармоядорлар даврасида бу “одоб белгиси” саналарди. Тирноқларини ҳаддан ташқари тоза сақларди. Бир қарашда хийла жиддий кўринса-да, бироқ унинг бу жиддийлиги ясама эди.

Жамиятда ва сармоядорлар дунёсида илгарилаб кетишга интилиб, мистер Каупервуд ҳар доим ким билан ва ким ҳақида гапираётганини диққат билан фикр тарозисидан ўтказарди. Унинг даврасида ижтимоий ёки сиёсий масалалар бўйича қаттиқ ёки ножўя гаплар оғзидан чиқиб кетмаслиги ва обрўси йўқ одамлар билан муомала қилмаслиги учун мудом ўзини хушёр тутар эди. Дарвоқе, айтиш жоизки, у тайинли сиёсий эътиқодга эга эмасди. Гарчи ўша вақтдаги муҳит аболициончилар<sup>1</sup> ва кулдорлик тарафдорлари ўртасидаги кураш билан тўла бўлмаса-да, у кулдорликка қарши кураш тарафдори ҳам эмасди. Темир йўлларда қатта бойлик тўплаш мумкинлигига Каупервуд қаттиқ ишонарди, бунинг учун дурустгина сармоя бўлса бўлгани, кейин яна бир қизиқ жиҳати, шахсий жозиба, яъни ўзига ишонч пайдо эта билиш қобилияти бўлиши керак. Унинг наздича, Николас Бидл ва Кўшма Штатлар Банкига қарши чиққанда Эндрю Жексон мутлақо ноҳақ эди – бу муаммо ўшанда ҳаммани таҳликага солганди. У муомалада бўлган ва дам-бадам унинг банкига келиб тушган “пучак пуллар” оқимидан қаттиқ ташвишда эди; тўғри, унинг банки барибир буни ҳисобга оларди ва ўзига фойда келишини ўйлаб, уларни яна айланмага кўяр, ссудаларга ўч мижозларга бериб юбораверарди. У хизмат қиладиган учинчи Филадельфия миллий банки ишчилар маҳалласида жойлашганди, ўша пайтда бутун Америка молия оламининг маркази ҳисобланарди; банк соҳиблари йўл-йўлакай биржада ўйинлар билан ҳам шуғулланар эдилар. Йирик ва майда “штатлар банклари” ўшанда ҳар қадамда пайдо бўлар эди; улар беқарор ва ҳеч ким билмайдиган активлар негизида ўз банк билетларини назоратсиз чиқарар ва ҳайратомуз шитоб ила чув тушар ва тўловларни тўхтатиб кўяр эдилар. Бу барча ишларда воқифлик мистер Каупервуд фаолиятининг муқаррар шарт эди, шундан у эҳтиёткорлик тимсолига айланганди. Афсуски, ҳар қандай соҳада муваффақият қозониши учун унга икки сифат етишмасди: шахсий мафтункорлик ва узоқни кўра билишлик. Ундан йирик сармоядор чиқмаса-да, уни олдинда дурустгина мансабга кўтарилиш кутиб турарди.

Миссис Каупервуд диндор аёл эди; муштдеккина, сочлари қўнғир ва кўзлари қоп-қора бу хотин ёшлигида ғоят жозибатор бўлгани сезилиб турарди, аммо йиллар ўтиши билан бир қадар тароватини йўқотиб, кундалик ташвишлардан сира боши чиқмайдиган бўлиб қолганди. Уч ўғли ва бир қизини тарбиялашдаги ўзининг оналик мажбуриятларига ғоят жиддий риоя қилар эди. Катталари бўлмиш Фрэнкнинг изидан борувчи болалар унинг бошига битган бало эдилар, қачон қарамасин, шаҳарнинг қайсидир чеккасида бирон-бир ишқал чиқаришгани-чиқаришган – ҳали ёмон болаларга илакишиб қолган, ҳали буларнинг ёшида кўриб ҳам, эшитиб ҳам бўлмайдиган нарсаларга мубтало бўлар эдилар.

Фрэнк Каупервуд ўн ёшиданоқ ўзини туғма йўлбошчи дея ҳис қиларди. Бошланғич мактабда ҳам, ўрта мактабда ҳам ҳамма ҳар қандай ҳолатда унинг ақлига ишонса бўлади, деб ҳисобларди. Унинг феъларида ўзига ишониш, жасурлик ва тиришқоқлик мана мен деб турарди. Болалиқдан у

<sup>1</sup> Аболициончилар – кулдорликни бекор қилиш тарафдори.

сиёсат ва иқтисод шайдоси эди. Китоблар уни кўпда қизиқтирмасди. Қад-комати тик, елкадор, хушбичим ўсмир эди. Одамга тик боқар, кўзлари катта-катта, тиниқ эди; пешонаси кенг, қизғиш-кўнғир сочи калта қилиб олинган. Ҳаракатлари шиддатли ва кескин. У оқилона, жўяли жавоб олмагунча савол устига савол беравериб, ҳаммани безор қиларди. Фрэнк доимо соғлом юрарди, иштаҳаси ҳамиша карнай эди, у укаларига амрона буйруқ бераарди: “Жо, сен ундай қил!”, “Эд, сен бундай қил!” Унинг буйруқлари салмоқдор бўларди. Жо билан Эд “хўп бўлади” деб айтганини бажо келтиришарди. Улар болаликдан акаларига гапини сира икки қилиб бўлмайдиган раҳбар деб қарашга ўрганган эдилар.

У мудом ҳаёл сургани-сурган эди. Дунёдаги ҳамма нарса уни таажжубга соларди, зеро, у асосий саволга жавоб тополмасди: бу ҳаёт дегани нима ўзи ва у қанақа тузилган? Дунёга одамлар қаердан келиб қолган? Уларнинг вазифаси қанақа? Буларнинг ибтидоси кимдан бошланган? Ойиси унга Одам Ато ва Момо Ҳавво ҳақидаги афсонани сўзлаб берганди, аммо у бунга ишонмаганди.

Каупервудлар балиқ бозоридан сал нарида туришарди, банкдаги отасининг олдида боришда ёки мактабдан кейин укалари битта-яримта “ишқал” чиқарган вақтда Фрэнк аквариум қўйилган пештахта олдида тўхташни яхши кўрарди; Делавэр қўлтиғидаги балиқчилар океан тубидан олиб чиққан турли-туман жонзотлар билан уни тўлдириб туришарди. Бир куни ўша ерда денгиз отини кўрди, бу миттигина жонивор бўлиб, оз-моз отга ўхшаб кетарди. Бошқа бир гал қараса, электр угряси турибди, Венъямин Фрэнклиннинг машҳур кашфиёти унинг хоссаларини изоҳлаб берганди. Қайсидир кунда аквариумда омар ва каракатица пайдо бўлди ва Фрэнк бир умр эсидан чиқмайдиган бўлиб қолган ва кўп нарсани фаҳмлашга ёрдам берган фожиа гувоҳига айланди. Бекорхўжаларнинг суҳбатларидан у билдики, омарга ҳеч қанақа овқат беришмаётган экан, чунки унинг қонуний ўлжаси каракатица ҳисобланар экан. Омар ойнаванд боғчанинг заррин қумлоқ тубида ётарди ва афтидан ҳеч нарсани кўрмаётганди; унинг мунчоқ донасидек қора кўзлари қаёққа қараб турганини билиш қийин эди, бироқ уларнинг каракатицага қадалгани – бу аниқ. Бир парча ёғга ўхшаш қонсиз ва мумсимон балиқча торпедодек зарбалардан бошқа жойга кўчар эди, аммо душманнинг бешафқат қисқичлари ҳар гал унинг танасидан янги-янги бўлақларни узиб оларди. Худди палахмондан отилгандай омар каракатица мудраб ётган жойга бориб тушарди, у эса шиддат билан ўзини орқага ташлаб, ортидан кўтарилган қоп-қора тўзон ичига яшириниб оларди. Аммо бу ҳаракат ҳам ҳар доим кўнгилдагидек чиқавермасди. Унинг ва думининг бир бўлаги денгиз жонворининг қисқичлари орасида қоларди. Ёш Каупервуд ҳар куни бу ерга чопиб келарди-да, сеҳрлангандай фожиани кўзатарди.

Бир куни у пештахта олдида бориб бурнини бир оз ойнага теккизиб турган эди. Каракатицадан бешақл бир бўлақкина қолганди; унинг қоп-қора қорни деярли бўм-бўш эди. Афтидан жанг ҳаракатларига тайёрланиб, омар аквариумнинг бир бурчагида бекиниб турарди.

Бу шафқатсиз олишувга ром бўлиб қолган болакай ўзининг барча бўш вақтини ойна олдида тик туриб ўтказарди. Ҳаял ўтмай, балки бир соатдан сўнг, эҳтимол эртага каракатицадан ном-нишон қолмас, омар уни ўлдиради ва еб қўяди. Фрэнк нигоҳини аквариум бурчагидаги мисдек товланиб турувчи яшил вайронгарлик машинасига олди. Қизик, бу қачон рўй берди экан? Ҳар ҳолда бугундан қолмас. Кечқурун бу ерга яна келмаса бўлмайди.

Кеч кирди, нима бўлди дейсизми? Ўша қутилган нарса содир бўлди. Пештахта олдида бир тўда одамлар турарди. Омар бурчакка бекиниб олганди, унинг олдида қоқ иккига бўлинган, деярли еб ташланган каракатица ётарди.

<sup>1</sup> Омар ва каракатица – майда балиқ турлари.

– Ахийри ниятига етибди-да! – деди болакайнинг ёнидаги одам. – Анчадан бери турибман: бир соат бурун омар бирдан ташланди-да, уни тутиб олди. Каракатицанинг силласи қуриган эди, қаршилиқ кўрсатишга кучи етмаётганди. У ўзини олиб қочмоқчи бўлди, аммо омар худди шуни, ўлжасининг салгина ҳаракатини олдиндан пойлаб турган экан, мана, охири бугун унинг бошига етди.

Фрэнк кўзларини катта-катта очиб, қараб турарди. Ўша лахзани кўролмайд қолгани чатоқ бўлди-да. Ўлик каракатицага раҳми келиб кетди. Кейин у нигоҳини ғолибга қаратди.

“Шундай бўлиши керак ҳам эди, – кўнглидан кечирди у. – Каракатица чап бериб қололмаган”. У воқеанинг қандай содир бўлганини хаёлидан ўтказиб бошлади. “Керакатица омарни ўлдира олмасди – бунинг учун унда ҳеч қандай қурол йўқ эди. Омар каракатицани ўлдира олар эди – у тиш-тирноғи билан қуролланган. Каракатицанинг егани ҳеч вақоси йўқ, омар олдида эса емиш тайёр эди – каракатица, Бунинг охири нима билан тугаган бўларди? Бундан бошқа йўли бормиди? Йўқ, унинг қисмати шу эди”, – яқун ясади у уйига яқинлашганда.

Бу воқеа Фрэнклинда ўчмас таассурот қолдирди. Уни анчадан бери қийнаб келган жумбоққа умумий тарзда жавоб топган эди: ҳаёт қандай тузилган? Барча жонли мавжудот ана шундай яшайди – бири иккинчисининг ҳисобига кун кўради. Омарлар каракатицалар ва бошқа жонзотларни ейди. Омарларни нима ейди? Уз-ўзидан равшанки, одам ейди. Ҳа, бўлмасам-чи, мана, жумбоқ ҳам ечилди! Хўш, унда одамни нима ейди? – дарҳол ўзига-ўзи савол берди йигитча – Наҳотки одамларни бошқа одамлар еса? Йўқ, йиртқич ҳайвонлар ейди. Яна ҳиндилар ва одамхўрлар ейди. Кўплаб одамлар денгизда ва бахтсиз ходисалардан ўлиб кетади. Одамлар ҳам бирларининг ҳисобига бошқалари яшашига ишонмаса-да, аммо улар бир-бирларини ўлдиришларини билар эди. Лоақал урушларни, кўча жанглари, босқинчиликларни олайлик. Босқинчиликни Фрэнк бир куни ўз кўзи билан кўрганди. Оломон “Паблик лежер” газетаси таҳририятига хужум қилганида, у мактабдан қайтаётганди. Бунга нима сабабчи бўлганини унга отаси тушунтириб берганди. Қуллар туфайли жанжал келиб чиққан экан. Ҳа, ҳа, бўлмасачи! Бир тоифа одамлар бошқалари ҳисобига яшаркан. Қуллар – ахир улар ҳам одамлар-ку. Айни шу туфайли ўша вақтларда норозилик ҳукм суларди. Бир тоифа одамлар бошқа одамларни – қоратанлиларни ўлдирар эдилар.

Уз хулосаларидан ғоят мамнун ҳолда Фрэнк уйга қайтиб келди.

– Ойижон! – қичқирди у остонадан хатлаб кираркан. – Охири у уни ўлдирди!

– Ким? Кимни? – ҳайрон бўлиб сўради ойиси. – Қани, бориб қўлингни юв-чи!

– Омар-да, дадам билан бирга сизга айтиб берган эдик-ку, ўша. У каракатицани ўлдирди.

– Ёмон бўлибди-ку! Хўш, бунинг нима қизиғи бор? Тез бориб қўлингни юв!

– Э-э, бунақаси камдан-кам бўлади! Мен, масалан, буни биринчи марта кўришим.

Фрэнк ҳовлига чиқди, у ерда сув қувури колонкаси ёнида оёқлари ерга қўмилган столча бор эди, унинг устида сувли челақ ва ялтироқ жез тоғора турарди. Фрэнк юз-қўлини ювди.

– Дада, – деди у отасига, овқатланиб бўлгач, – эсингиздами, мен сизга каракатица ҳақида сўзлаган эдим?

– Эсимда.

– Биласизми – энди у йўқ. Омар уни еб қўйди.

– Яхшиликка бўлсин! – бепарво деди отаси газета ўқир экан.

Бироқ Фрэнк неча ойгача кўрганлари, у дуч келган ҳаёт ҳақида

мулоҳазалар юритди, зеро, энди уни ким бўлиши ва бундан кейинги қисмати қандай кечиши ҳақидаги масала банд этган эди. Пул санашдан боши чиқмайдиган отасини кузатар экан, банк иши ҳаммасидан завклироқ деган қарорга келди. Отаси хизмат қиладиган Учинчи кўча унга энг чиройли, дунёдаги энг ажойиб кўча бўлиб кўринмокда эди.

## II БОБ

Фрэнк Алжернон Каупервуднинг болалиги кулай оилавий шароит ва фаровонликда кечди. У ўн ёшгача яшаган Ативуд-стрит кўчаси ҳар қандай боланинг кўнглига хуш ёқиши аниқ эди. Бу кўчадаги уйларнинг деярли барчаси қизил ғиштан кўтарилган, икки қаватли, пастак пойдеворига оқ мрамар қопланган ва деразаю эшикларига ҳам худди шундай мрамар ҳошия ясалган эди. Кўча ёқалаб қалин дарахтлар ўтқазилган. Йирик юмалок тошлар ётқизилган кўча ёмғирдан кейин топ-тоза бўлиб ярақларди, ҳар доим намхуш бўлиб турувчи қизил ғиштин тротуарлардан салқин шабада еларди. Ҳар бир уйнинг орқасида дарахтлар ва ўт-ўланлар ўсиб ётган боғ бор эди. Баъзи жойларда ҳатто гулзорлар ҳам кўзга ташланарди, чунки бу ерлардаги томорқалар энига бир неча юз футгача чўзиларди, уйлар ҳам тош кўчага яқин қилиб қурилганидан уларнинг орқа томонида талай бўш жой ортиб қоларди.

Ўзларига яраша оққўнгил бўлган ота-она Каупервудлар фарзандлари билан биргаликда ҳаёт гаштини суришга ишқибоз эдилар. Шу боис ота Нью-Маркет-стритдаги янги уйга кўчиб ўтишга аҳд қилди. Фрэнк туғилгандан кейин ҳам икки-уч йилда биттадан бола туғилиб, тўрттага етгунча оила шўх-шодон яшай бошлади. Генри Уортинг Каупервуд масъулроқ лавозимда ишлай бошлагандан буён унинг алоқалари узлуксиз кенгайиб борди ва у аста-секин бообрў одамга айланди. У ўз банкининг кўплаб йирик ишқибозлари билан танишлар орттирди, хизмат юзасидан унга бошқа банкирларнинг ҳам уйларида бўлишига тўғри келганидан, уни энди “ўз одами” деб ҳисоблай бошлашганди – Қўшма Штатлар банкида ҳам, Дрекселлар, Эдвардслар ва бошқа банкларда ҳам у ёт эмасди. Барча банкларда уни мустаҳкам молия ташкилоти вакили деб билар эдилар ва у ҳамма жойда жуда ақлдан Худо берган одам бўлмаса-да, олий даражадаги ҳалол ва ботартиб ишбилармон сифатида донг таратди.

Ёш Каупервуд отасининг машғулотларига тобора чуқурроқ кириб бормокда эди. Ҳар шанба куни унга банкка тез-тез келиб туриши учун рухсат берилганди ва у маклер ишлари қандай олиб борилиши, турли-туман қоғозлар қандай эпчиллик билан алмаштирилишини зўр қизиқиш билан кузатарди. Бу барча бойликлар қаердан келаётганини, мижозлар ҳисоби деб банкка нима учун мурожаат қилишларини, банк нима учун бундай ҳисоб юргизиши-ю, одамлар олган пулларини нима қилишларини билишга уринар эди. Ўғли ишига қизиқаётганидан мамнун ота унга ҳар бир ишни эринмай тушунтирар эди, шу боис Фрэнк анча эрта – ўн-ўн беш ёшлар оралиғида Америка молия тизими ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлди ва штат банки нима дегани ва у Миллий банкдан нимаси билан фарқ қилиши, маклёрлар нима иш қилади, акция нима дегани ва унинг қиймати нима учун беқарор бўлади – ҳаммасини билиб олди. У пулнинг алмашув воситаси сифатидаги аҳамиятини ўзича аниқлай бошлади ва ҳар қандай қиймат асосий – олтин қийматига боғлиқ равишда ҳисоб қилинишини англаб етди. У табиатан молиячи, сармоядор эди, бу қийин ҳунар билан боғлиқ ҳамма нарсани у шоир энг нозик кечинмалари, туйғуларнинг барча хилларини илғаб олгандек, эсида сақлаб қолар эди. Олтин – бу алмашув воситаси – шу нарса уни ўзига қаттиқ тортарди. Унинг қандай қўлга киритилишини отасидан билиб олган бола кўпинча тушида ўзининг олтин келтирувчи пайконлар эгаси бўлганини кўрар ва уйғонгач, тушининг ўнгга айланиб қолишига

интиқ бўлар эди. Акция ва облигациялар унда озмунча қизиқиш уйғотмади; у устига суврати туширилган қоғозга ҳам арзимайдиган акциялар бўлишини ва ўз қийматидан анча юқори баҳоланувчи бошқа акциялар ҳам борлигини билиб олганди.

– Мана, ўғлим, карагин-а, – деди бир куни ота, – бунақа қоғозлар бизнинг юртларда ҳадеганда учрайвермайди.

Гап юз минглик заёмни таъминлашга учдан икки қийматга қўйилган Британия Ост-Индия компанияси акциялари устида борарди. Улар нақд пулга мухтож бўлган бир филадельфиялик магнатга қарашли эди. Ёш Каупервуд бир даста пулни ўта қизиқиш билан айлантириб қарай бошлади.

– Ташқаридан караганда у шунча пулга арзимайдигандек кўринади, – деди у.

Фрэнк қоғозларни яна айлантириб қарай бошлади.

– Улар ўз қийматидан тўрт баравар ортиқ туради, – шипшитиб жавоб берди ота.

– “Британия Ост-Индия компанияси”, – овоз чиқариб ўқиди Фрэнк. – Ўн фунт. Эллик доллар атрофида.

– Қирқ саккиз доллар ва ўттиз беш цент, – ишбилармонларча тўғрилади уни ота. – Ҳм, бизда биттагина шундай даста бўлганида, тонгдан-шомгача эзилиб ишлашимизга тўғри келмасди. Эътибор қил-а, улар деярли яп-янги, муомалада бунақаси кам бўлади. Пайга эса, афтидан, биринчи марта қўйилаётибди.

Акциялар дастасини кўлида бир оз ушлаб турди-да, ёш Каупервуд молия ишининг серкирралигидан ҳайратга тушиб, уни отасига қайтарди, Бу Ост-Индия компанияси қанақа компания бўлди экан? У нима билан шуғулланади? Ота унга ҳаммасини тушунтириб берди.

Уйда ҳам Фрэнкнинг кулоғига капитал қурилишга сарф қилинган маблағ ва таваккалли молиявий муомала тўғрисидаги гаплар чалинар эди. Виржиния штатидан аллақандай Стинбержер деган бир йирик савдогарнинг ғоят қизиқарли шахсияти ҳақидаги ҳикоя эътиборини тортиб қолди, у гўшт билан шуғулланар ва янги кредитга илиниш илинжида юрар экан. Отанинг гапига қараганда, Стинбержерлар Николис Радл, Ларднер ва Қўшма Штатлар Банкнинг бошқа корчалонлари билан боғлиқ эди ҳамда уларнинг айримлари билан ҳатто қил ўтмас дўстга ҳам айланиб улгурган эди. Нима бўлганда ҳам у ушбу банкдан кўнгли нимани хоҳласа, шунга эришарди. Виржиния, Огайо ва бошқа штатларда йирик қорамол савдоси ва мамлакат шарқидаги гўшт савдоси устидан якка ҳоким бўлиб олганди. Бу, мистер Каупервуднинг гапи бўйича, башараси сўйлоқ тишли чўчкага ўхшаб кетадиган баҳайбат одам эди; у хар доим усти баланд сувсар телпакда ва узун, кенг, тоғдай гавдасидан осилиб турувчи сюртукда юрарди. Стинбержер гўшт нархини фунтига ўттиз центгача кўтариб юборди, бу майда савдогарлар ва истеъмолчилар орасида кескин норозилик келтириб чиқарди, ҳатто унинг обрўсини ҳам тушириб юборди. Филадельфия, банкнинг жамғармаси бўлимига у ўзи билан бир йил муддатга Қўшма Штатлар Банкнинг минг, беш ва ўн икки долларлик қоғоз пулларда чиқарилган юз ёки икки юзга минг билан қисқа муддатли мажбуриятларга олиб келар эди. Бу мажбуриятлар номиналдан ўн-ўн икки фоиз ҳисобидан ҳисобга олинар эди, унинг ўзи эса улар учун Қўшма Штатлар Банкига вексель билан тўрт ой муддатга тўлиқ баҳосига тўлар эди. Унга тегишли пулларни у Виржиния, Огайо ва Ғарбий Пенсильванияда жойлашган турли банкларнинг банкнотларида номинал бўйича Учинчи миллий банкнинг жамғарма бўлимида дасталаб олар эди, чунки асосан айна мана шу штатларда у ўз ҳисобларини юритар эди. Учинчи миллий банк асосий битимдан тўртдан тортиб беш фоизгача фойда оларди, бунинг устига Ғарбий штатлардан ушлаб қоладиган ҳисоб фоизи унга озмунча фойда келтирмасди.

Отаси кўпинча Фрэнсис Гранд деган одамни тилга оларди, у АҚШ

конгрессидан ташқарида тузуккина аҳамиятга молик таникли Вашингтон журналисти, айниқса, молия қонунчилигига тааллуқли турли-туман сирларнинг тагига етишда устаси фаранг эди. Президент ва вазирлар маҳкамаси, шунингдек, сенат ва вақиллар палатасининг махфий ишлари унинг учун очиқ китоб мисоли эди. Ўз вақтида Гранд икки ёки уч маклерлик идораси воситасида Техаснинг қарз мажбуриятлари ва облигацияларини йирик-йирик партиялар билан сотиб олар эди. Ўз мустақиллиги учун Мексика билан курашган бу республика ўн-ўн беш миллион долларлик пулга қатор заёмлар чиқарганди. Техасни АҚШ штатлари қаторига қўшиш кўзда тутилган ва шу муносабат билан конгресс орқали республиканинг эски қарзини тўлаш ҳисобига беш миллион долларни ассигнациялаш тўғрисида қонун лойиҳаси ўтказилган эди. Қарз мажбуриятларининг бир қисми уларни чиқаришнинг алоҳида шартлари туфайли тўлиқ тўланиши, қолганлари эса чегирма билан тўланиши ва бундай ўйин ҳақидаги гаплар қулоғига чалиниб, пул тўплаш мақсадида эски мажбуриятларни сотиб олишни кўнглига келтирганларни чўчитиш учун биронта сессияда қонун лойиҳасини барбод этиш йўлини қидириб топишга олдиндан келишиб қўйилгани ҳақидаги гап каби Гранд бунинг ҳам ҳидини олган эди. У бу ҳақда Учинчи миллий банкни оғоҳлантириб қўйди, бинобарин ғазначининг ёрдамчиси Каупервуд ҳам бундан воқиф бўлди. У ҳам гапни оқизмай-томизмай айтиб берди, хотини орқали эса бу гап Фрэнкнинг қулоғигача етиб борди, унинг катта-катта тиник кўзлари оловланди. Нима учун, деб ўзидан сўрарди у, отам қулай пайтдан фойдаланмапти ва Техас республикаси облигацияларини ўзи учун сотиб олмаяпти? Ахир унинг ўзи Гранд ва яна уч-тўрт одам мана шундай юзталиклардан неча мингтасини ишлаб олганди, деб айтар эди-ку? Гарчи бунда қонунга қарши айтарлик бир нарса бўлмаса-да, у бунга жудаям қонуний иш эмас деб қараётган бўлиши эҳтимол. Бундай норасмий беҳабарлик учун ўзини мукофотласа нима қилибди? Отам ўзига етганча ҳалол ҳам эмас, ўзига етганча хушёр ҳам эмас, ўйлади Фрэнк. Ҳали ўзи катта бўлсин, биржачи ҳам, банкир ҳам, сармоядор ҳам бўлади, ўшанда қулай пайтни қўлидан чиқариб бўлибди.

Айни ўша кунларда Каупервудларникига илгари сира келмаган бир қариндошлари қадам ранжида қилиб қолди. Бу миссис Каупервуднинг акаси Сенека Девис эди, у оқ юзли, ёноқлари қизил ва мовий кўзли киши бўлиб, бўйи нақ беш футу тўққиз дюйм эди, бақувват, тўладан келган, боши юм-юмалоқ бўлиб, ялтиллаган тепакал атрофида тилларанг сочининг қолдиклари жингалак-жингалак бўлиб турарди. Урфга обдон риоя қилиб, ғоят башанг кийинганди – гулдор жилет, узун кулранг фартук ва цилиндр ўзига хўп ярашган (омадли одамга хос бўлган либослар). Бир қарашдаёқ Фрэнк унга маҳлиё бўлиб қолди. Мистер Девис плантатор бўлиб, Кубада катта ранчоси бор эди; у болакайга оролдаги ҳаёт ҳақида – кўзғолонлар, қамаллар, унинг ўз плантациясида қўлларида мачете<sup>1</sup> билан қаттиқ олишганлари ва яна кўплаб қизиқ нарсалар ҳақида ҳикоя қилди. У ўзи билан ҳиндиларнинг ғаройиб нарсаларидан бир талайини, кўплаб пул ва бир неча қулни олиб келганди. Улардан бири Мануэль исмли баланд бўйли ва озгин негр эди – унинг адъютанти ва тан қўриқчиси сифатида ҳамиша унинг қошида ҳозир у нозир турарди. Мистер Девис Филадельфиянинг Жанубий бандаргоҳида ортиладиган хомашё шакар-қамиш плантацияларида мол экспорт қилар эди. Амаки ўзининг маъсум қувноқлиги билан Фрэнкни ром этганди, бундай қувноқлик бу тинч ва вазмин оилада ҳатто бир қадар дағал ва одобсизликдек бўлиб кўринарди.

Якшанба куни кечқурун тўсатдан тоға бостириб кириб келди-да, барчани шодон ҳайратга солди.

– Бу қанақаси бўлди, сингилжон! – кичкириб деди у, миссис Каупервудга кўзи тушиши ҳамон. – Жичча ҳам семирмапсан-ку. Муҳтарам Генрига

<sup>1</sup> Мачете – шакарқамиш чопқиси.



турмушга чиққанингдан кейин сеңи акамдай семириб кетгандирсан деб ўйловдим. Йўқ, ана уни қаранглар! Улай агар у беш фунт ҳам келмайди-я!

Шундай дея у Ненси-Арабеллани белидан қучиб, ҳайратга тушган болалари томон итариб юборди.

– Мана бу митти шаҳарликларга бир қаранглар, – шовқин соларди тоға, – башаралари унга ботиргандай оппоғ-а. Бироз офтобда тоблангани менинг ранчомга борсаларинг бўлармиди. Мум кўғирчокдан фарқлари йўғ-а. – Шундай деб туриб, у беш ёшли Анна Аделанданинг юзидан чимчилаб қўйди. – Ростини айтсам, Генри, туриш-турмушларинг чакки эмас, – давом этди у оддийгина уч қаватли уйнинг меҳмонхонасига синчков кўз югуртирар экан.

Саҳни йигирмага йигирма тўрт фут бўлган, олча дарахтига ўхшагиб пардоз берилган ва Шератон усулидаги янги гарнитур билан жиҳозланган бу хона бир оз ғалати кўринса-да, бироқ шинамгина эди. Генри Каупервуд ғазначи ёрдамчиси бўлганида, у Европадан фортепьяно олиб келтирган эди – ўша вақтларда бу дабдаба саналарди. Хонага бошқа ноёб нарсалар ҳам зеб бериб турарди: газда ёнадиган қандил, тилла балиқчалари бўлган аквариум, ғалати-ғалати шаклдаги обдон сайқал берилган бир нечта чиғаноқ ва гулли саваг тутган ишк маъбудасининг мармар ҳайкалчаси шулар жумласига кирарди. Ёз фасли. Катта очиқ деразалардан ғиштин йўлкага соя ташлаб турган дарахт шохларини кўрган кўз қувонмай қолмайди. Сенека тоға шошмайгина ҳовлига чиқди.

– Жойга беш кетдим, аммо, – деди у шохдор қайрағоч тагида туриб, бир қисмига ғишт ётқизилган ва ғиштин девор билан ўралган ҳовлига назар соларкан; девор устида ёввойи ток чуваланиб ётарди. – Тўр беланчакларинг қани? Наҳотки ёзда бу ерга беланчак осмасаларинг? Сен-Педрога менинг айвонимда олтитами ё еттитами беланчагим бор.

– Беланчак эсимизга келибди дейсизми, ака, ён-атрофимизда қўшнилар. Лекин бўлса-ку, нур устига нур бўлурди, – жавоб берди миссис Каупервуд. – Эртагаёқ Генридан беланчак сотиб олишини илтимос қиламан.

– Мен бир нечтасини ўзим билан олиб келдим. Меҳмонхонадаги сандиққа солиб қўйганман. Кубадаги қораялоқларим уларни ўзлари тўқийди. Шулардан биттасини эртагаёқ Мануэлдан бериб юбораман.

У битта ток баргидан юлиб олди, Эдварднинг қулоғидан тортиб қўйди, болаларнинг энг кичкинаси Жозефга ҳиндилар томагавк идан олиб келишга ваъда берди-да, уйига қайтиб кетди.

– Мана бу болакай менга ёқади, – деди у бирпас тўхтаб ва қўлини Фрэнкнинг елкасига қўйиб. – Унинг тўлик исми қандай, Генри?

– Фрэнк Алжернон.

– Ҳм! Унга бошқачароқ исм қўйиш керак экан, меникига ўхшаган. Бу болада нимадир бор... Кубага олдимга кел, мен сени плантатор қиламан.

– Мен буни хохламайман, – жавоб берди Каупервуднинг тўнғич ўғли.

– Очиғини айтганинг ҳам дуруст! Таклифимга қарши нима демоқчисан?

– Ҳеч нарса. Фақат мен бу ишни билмайман.

– Қанақасини биласан?

Бола муғомбирона жилмайди.

– Мен деярли ҳеч нарса билмайман.

– Бўпти, хўш, ўзинг нимага қизиқасан?

– Пулга.

– Оббо сен-ей! Минг қилса ҳам қонингда бор-да, ота изидан кетибсан. Нима ҳам дер эдик, ёмон эмас! Худди катталардай фикрлашини қаранглар уни. Бўпти, миттивой, биз сен билан ҳали гаплашамиз. Синглим, афтидан сеникида сармоядор ўсаепти. У барча нарсага ҳақиқий ишбилармонлардай қараяпти.

Тоға Фрэнкка яна диққат билан қараб қўйди. Бу бир сўзли йигитчада, шубҳасиз нимадир бор. Унинг катта-катта ва кулранг кўзларидан ақл ёғиларди. Бу кўзлар кўп нарсани яшириб турарди.

<sup>1</sup> Томагавк – Сопли тошболта (жанг қуроли).

– Қизик бола! – деди мистер Дэвис куёвига. – Менга унинг чакқонлиги ёқади. Болаларингизнинг бари бўлалик.

Мистер Капервуд жилмайиб қўйди, холос. Модомики, Фрэнк унга ёқибдими, бу тоға унинг учун кўп нарса қила олади. Масалан, вақти келиб унга ўз бойликларининг бир қисмини бериши ҳам мумкин. Мистер Дэвис бой ва бўйдоқ эди.

Сенека тоға Каупервудларникига танда қўйиб қолди, у ҳар доим болаларни хайратга солиб немисча ва испанча гапирадиган қора танли тан кўриқчиси Мануэль билан бирга келарди. Фрэнк уни тобора кўпроқ қизиқтирмоқда эди.

– Бола улғайиб, ким бўлмоқчи эканига қарор қилганида, мен унинг оёққа туришида ёрдам берман, – деди бир куни мистер Дэвис синглиси билан бўлган суҳбатда. Нэнси акасига миннатдорчилик билдирди.

Тоға Фрэнк билан унинг машғулотилари ҳақида суҳбатлашарди, у болани китоблар ва умуман, мактаб дарсликларининг кўпчилиги қизиқтиришини ҳам билиб олди.

Грамматика – турган-битгани расво. Адабиёт уч пулга қиммат. Лотин тили – вақтни бекорга сарф қилиш. Тарих – шуни ҳам фан деб бўларканми.

– Мен ҳисобчилик ва математикани яхши кўраман, – деди Фрэнк. – Ўзимга қолса, ҳаммасини йиғиштириб қўярдим-да, ишга қиришиб кетардим.

– Ишга ҳали эрта, оғайни, – жавоб берди тоға, – Ёшинг нечади? Ун тўртдами?

– Ўн учда.

– Ана кўрдингми, ўн олтига тўлмай туриб, мактабни ташлаб бўлмайди. Ўн етти-ўн саккизга етгунча ўқисанг, яна яхши. Зарар қилмайди. Болаликни кейин қайтариб бўлмайди, бўталоғим.

– Мен бола бўлишни хоҳламайман. Мен ишлашни хоҳлайман.

– Шошилма, кўзичоғим. Бир вақт қарабсанки, қап-катта бўлиб қоласан. Афтидан, банкирликка кўнглинг суст кетяпти-ёв?

– Ҳа, тоғажон.

– Ҳа, нима ҳам дердим, Худо хоҳласа, ўша вақт келади, агар фикринг ўзгариб қолмаса, бошламасига мен ўзим сенга ёрдам берман. Аммо қара, ўзингни яхши тут. Сенинг ўрнингда бўлганимда, ишдан аввал бир-икки йил катта дон воситачилик идорасида ишлаган бўлардим. У ерда тажриба ортгирса бўлади. Сенга кейинчалик асқотиб қоладиган кўп нарсаларни билиб оласан. Ҳозирча соғлигингга эҳтиёт бўл ва кўп ўқи. Зарурат туғилганда қаерда бўлмай, менга хабар бер. Мен хат ёзаман ва сен ўзингни қандай тутганингни билиб оламан.

Банкда ўзига ҳисоб очиш учун у жиянига ўн долларлик олтин танга берди. Бу ҳаракатчан, ўз кучига ишонган ва ҳаёт ҳали даҳл қилмаган йигитча мистер Дэвисни Каупервудларнинг бутун хонадонига мойил қилиб қўйган бўлса, не ажаб.

### III БОБ

Ўн тўрт ёшида Фрэнк Каупервуд биринчи марта тижорат ишларига бош қўшди. Бир куни тижоратчилар ва уларнинг фирмаларини Фрон-стрит кўчасидан ўта туриб, у улгурчи баққоллик дўкони эшиги устида кимошди савдоси байроқчасини кўриб қолди, ичкаридан савдогарларнинг овози эшитиларди:

– Ажойиб ява қаҳвасининг бир партияси учун менга нимани таклиф қилишяпти дейсизми? Бугунги кунга келиб, улгуржи бозор нархи бир қопига етти доллару ўттиз икки цент бўлиб турибди. Қанча берасиз? Қанча берасиз? Партия фақат яхлит боради. Қанча берасиз?

– Ўн саккиз доллар, – дея қичқирди, эшик тагида турган баққол, у савдонинг “қулоғини очиш” учунгина айтганди бу нархни. Фрэнк уларни кузатиб турарди.

- Йигирма икки, – деди бошқа овоз.
- Үттиз, – кулоққа чалинди учинчи овоз.

Нарх етмиш беш долларга етиб борди, бу қаҳва ҳақиқий қийматининг ярмидан кўпроғини ташкил этарди.

– Етмиш беш доллар. Етмиш беш, – дея кимошди савдогари қичқирар эди. – Ким кўпроқ айтади? Етмиш беш доллар – бир. Ким саксон беради? Етмиш беш доллар – икки... – У тин олди ва санъаткорона тарзда қўлини олдинга кўтарди. Кейин қўлини кескин туширди. – Етмиш беш долларга мистер Сайлас Грегориға сотилди. Ёзиб қўйинг, Жерри, – мурожаат қилди у ўзининг чўтир ёрдамчисига ва ўша заҳоти баққоллик молининг бошқа туркуми: ўн бир бочка оҳорни сотишга ўтди.

Ёш Каупервуд хаёлида тезда ҳисоблаб чикди. Кимошди савдогарининг гапига ишонадиган бўлса, қаҳванинг бозор нархи қоғига етти доллару ўттиз икки цент туради; демак, уни етмиш беш долларга сотиб олган баққол ўша заҳоти саксон олти доллару тўрт цент ишлаб олади, уни чакана нархда сотиб эса ундан ҳам кўпроқ ишлайди. Агар эсидан чиқмаган бўлса, онаси ҳар фунтига йигирма саккиз цент тўлайди. Китобларини қўлтиғига қисганча Фрэнк баққоллар ёнига яқинроқ борди ва савдонинг боришини диққат билан кузата бошлади. Салдан кейин эшитишига қараганда, бир бочка оҳор ўн доллар тураркан, бу ерда эса уни олти доллардан сотишарди. Бир неча бочка сирка ўз қийматидан уч баравар арзонга қўлма-қўл бўлиб кетганди. Фрэнкнинг савдода шунақанги иштирок этгиси келиб кетдики, кўйверасиз, бироқ унинг чўнтагида майда чақалардан бошқа пули йўқ эди. Кимошди савдогари қаршиларида турган болага кўзи тушди-ю, унинг юзидаги жиддийлик ва шиддатдан ҳайрон қолди.

– Ажойиб кастил совунини таклиф этаман – етти қути, оз ҳам эмас, кўп ҳам эмас. Шунни билиб қўйингки, агар совунга ишингиз тушган бўлса, ҳозир бир юмалоғи ўн тўрт цент туради. Бир қутисига эса сиздан ўн тўрт доллару етмиш беш цент олишади. Қанча берасиз? Қанча берасиз? Қанча берасиз?

У тез, савдогарга хос одатдаги имо-ишоралар ва ҳаддан ташқари эҳтирос билан гапирарди, аммо бу ёш Каупервудга таъсир қилмаётганди. У хаёлида тезда ҳисоблаб чикди. Еттита қути ўн бирдан етмиш беш – ҳаммаси бўлиб саксон икки доллару йигирма беш цент. Борди-ю, бу туркум ярим баҳосига кетса... борди-ю, ярим баҳосига кетса...

- Ўн икки доллар! – кимдир таклиф киритди.
- Ўн беш! – бошқаси уни кўтарди.
- Йигирма беш! – қичқирди учинчиси.

Шундан кейин бир доллардан ортиб бораверди, чунки кастил совунига талаб унча катта эмасди.

- Йигирма олти!
- Йигирма етти!
- Йигирма саккиз!
- Йигирма тўққиз!

Ҳамма жим бўлиб қолди.

- Үттиз! – кескин оҳангда деди ёш Каупервуд.

Юзи заҳил ва сочлари тўзгиган жиккаккина, озғин кимошди савдогари қизиқувчанлик ва бир қадар лоқайдларча Фрэнкка тикилар экан, жағи бир лаҳза ҳам тинмаётганди. Боланинг қаттиқ тикилиб қараши беихтиёр унинг эътиборини тортди ва ўзи ҳам билмаган ҳолда юрагида ишонч пайдо бўлди ва бир тўхтамага келди: болада пул бор. Ҳойнаҳой, биронта баққолнинг болаеси бўлса керак.

– Үттиз доллар! Үттиз доллар! Ажойиб совунимнинг бир туркуми ўттиз доллардан! Аъло совун! Чакана савдода бир юмалоғи ўн тўрт центдан кетади. Үттиз бир доллар берадиган борми? Ким ўттиз бир беради? Хўш, ким ўттиз бир беради?

- Үттиз бир! – деган овоз эшитилди.

- Ўттиз икки! – деди Каупервуд.  
Савдо бошқатдан бошланди.
- Ўттиз икки доллар! Ўттиз икки доллар! Ўттиз икки доллар! Ажойиб бу совунга ким ўттиз уч доллардан беради? Ким ўттиз учдан беради?
- Ёш Каупервуднинг мияси тез ишлаб кетди. Унинг ёнида пул йўқ эди, аммо отаси Учинчи миллий банкда ғазначи ёрдамчиси бўлиб хизмат қиларди. Фрэнк бемалол унга ишонса бўлади. Мана шу совуннинг ҳаммасини қўшни уйдаги баққолга ўтказишига сира шубҳа қилмасди, борди-ю, у бўлмаса, бошқа бир баққолга ўтказари. Шу нархга сотиб олишни истовчилар топилади-ку, ахир. Совунни Фрэнк сотиб олса нима қилибди? Қимощди савдогари нафасини ростлади.
- Ўттиз икки доллар – бир! Ким ўттиз уч беради? Ўттиз икки доллар – икки! Ўттиз уч берадиган борми? Ўттиз икки доллар – уч! Етти кути аъло совун! Ким ошиғи билан беради? Бир, икки, уч! Ким кўпроқ беради? – Унинг кўли яна ҳавога кўтарилди. – Уни мистер...
- У пештахта оша хиёл эгилди, ёш харидорнинг юзига қизиқсиниб қаради.
- Фрэнк Каупервуд сотиб олади, у Учинчи миллий банк ғазначиси ёрдамчисининг ўғли бўлади, – кескин оҳангда гапирди бола.
- Бўлади! – деди кимощди савдогари, унинг дадил қараб турганига ишонган ҳолда.
- Бирпас шошмай турасизми? Банкдан пул оламану қайтаман.
- Яхши! Фақат хаяллама: агар бир соат ичида келмасанг, мен уни яна савдога қўйиб юбораман.
- Фрэнк жавоб бермай, эшикдан югуриб чиқди ва энг аввало дўкони Каупервудлар уйдан бир маҳалла нарида жойлашган таниш баққолнинг олдига чопди.
- Сўнгги ўттиз қадамни у секин юриб ўтди, кейин хотиржам қиёфага кирди ва дўконга кираётиб, кўзлари билан кастил совунини қидира бошлади. Ана у – одатдаги жойида, ўша нав, “унинг” совунига ўхшаган ўшандай кутида.
- Манави совунингизнинг донаси қанчадан, мистер Дэлримпл? – сўради Фрэнк.
- Ўн олти центдан, – гердайиб жавоб берди баққол.
- Агар сизга худди шундай совундан етти кутисини олтмиш икки доллардан олиб келсам, олармидингиз?
- Худди шунақасиданми?
- Ҳа, сэр.
- Мистер Делримпл кўнглида ҳисоб-китоб қила бошлади.
- Ҳа, олардим, – аста жавоб берди у.
- Сиз пулни бугуннинг ўзида тўлайсизми?
- Мен вексель бераман. Молнинг ўзи қаерда?
- Мистер Дэлримпл қўшинининг ўғли берган бу ногаҳоний таклифдан хиёл ташвишланди. У мистер Каупервудни ҳам, Фрэнкнинг ўзини ҳам яхши танирди.
- Агар совунни бугуноқ олиб келиб берсам, аниқ оласизми?
- Оламан, – жавоб берди баққол. – Нима, совун савдоси билан шуғулланаяписизларми?
- Йўқ, аммо уни арзонроқ сотиб олса бўладиган жойни биламан.
- Фрэнк шошиб чиқиб кетди-да, отасининг олдига югурди. Банкда ишлар аллақачон тўхтаган эди, аммо болакай у ернинг барча баланд-пастларини биларди, агар ўғли ўттиз доллар ишлаб топса, мистер Каупервуднинг мамнун бўлишини ҳам биларди. Унга пулни бир кунгинага банд қилса, шу етарли эди.
- Нима гап, Фрэнк? – бошини баланд ёзув столидан кўтариб сўради мистер Каупервуд юзи қизарган ва бўғриккан ўғлига қараб.
- Сиздан ўттиз икки доллар қарз сўрамоқчи эдим, дада.
- Яхши. Хўш, бу пул сенга нега керак бўлиб қолди?

– Мен совун сотиб олмоқчиман: етти кути кастил совуни. Уни қаердан олишни биламан, унга харидор ҳам топиб қўйдим. Мистер Дэлримпл бугун молни олади. У менга олтмиш икки доллар таклиф қилди. Агар пул берсангиз, мен ғир этиб борамаң-да, кимошди савдогарига тўлайман.

Мистер Каупервуд жилмайди. Ўғли ҳеч қачон бундай ишбилармонлигини намоён этмаганди. Ун уч яшар бола учун бу иш хаддан ташқари мушоҳадакор ва уддабуронлик эди.

– Демак, Фрэнк, – деди ота бир қанча асигнация ётган кути томон бораркан, – сен, афтидан, сармоядор бўлиб қолган кўринасан. Зарар кўрмаслигингга ишончинг комилми? Қилган ишингнинг маъносини яхши тушунасами?

– Пул берсангиз-чи, дадажон, – илтимос охангида сўради Фрэнк. – Мен нимага қодирлигимни сизга исботлайман. Пул беринг аввал. Менга ишонаверинг.

– Бўлмасам-чи, Фрэнк, мен сенга ишонаман, – деди у ва ўзининг Учинчи миллий банкининг пулидан олти беш долларлик ва иккита бир долларлик санаб берди. – Ма, ол!

Фрэнк отасига миннатдорлик билдириб, ташқарига отилди ва оёғини кўлига олиб, кимошди савдоси бозорига қараб учди.

Фрэнк клерк ўтирган столча ёнига келиб:

– Совунга пул тўламоқчиман, – деди.

– Ҳозирми?

– Ҳа. Менга тилхат ёзиб берасизми?

– Майли!

– Молни уйга олиб бориб берасизларми?

– Йўқ, бизда унақа эмас. Сиз уни бир кун ичида олиб кетишингиз керак.

Кутилмаган қийинчиликка Фрэнк парво қилмади.

– Бўпти, – деди у, тилхатни чўнтагига жойлар экан.

Савдогар беихтиёр унинг ортидан кузатиб қолди. Ярим соатдан кейин Фрэнк бандаргоҳда араваши ортидан судралиб юрадиган ва тўғри келган нарсадан пул ишлашга тайёр қиракаш ҳамроҳлигида қайтиб келди.

Олтмиш цент учун у совунни олиб бориб беришга кўнди. Ярим соатдан сўнг улар хайратдан донг қотган мистер Дэлримпл дўкони олдида туришарди. Совунни аравадан туширишдан аввал Фрэнк уни кўчага чиқиб, кутиларни кўздан кечириб чиқишга мажбур қилди. Борди-ю, маслаҳат жойидан чиқмай қолса, Фрэнк совунни уйига олиб кетишни кўнглига тугиб қўйганди. Бу унинг биринчи олибсотарлиги бўлганига қарамай, у хар доим қилаётган иши жой-жойида бўлишини хоҳларди.

– Маъқул, – ғудранди мистер Дэлримпл қовоғини уйган ҳолда оппоқ сочли бошини қашиб: – Маъқул, мен совунни оламан. Сўздан қайтиш йўқ. Буни қаердан топа қолдингиз, Фрэнк?

– Биксомникадаги савдода, шу яқин-атрофда, – очикчасига ва одоб билан жавоб берди ёш Каупервуд.

Мистер Дэлримпл совунни дўконга олиб киришларини буюрди ва сотувчи вояга етмаганлиги учун озгина қийналиб бўлса-да, айрим расмиятчиликлардан кейин бир ой муддатга вексель ёзиб берди.

Фрэнк ташақур билдирди ва векселни чўнтагига солди. У яна отасининг ҳузурига боришга ва қарзни қайтариш ҳамда ўз фойдасини нақд олиш учун, бошқалар унинг кўз олдида қилганларидек, векселни ҳисобдан ўтказиб қўйишга қарор қилди. Одатда бундай ишлар банк ёпилгандан кейин амалга оширилмас эди, бироқ отаси унинг учун истисно қилади.

Хуштак чалганча у йўлга тушди; уни кўриб отаси яна жилмайди.

– Хўш, Фрэнк, овинг бароридан келдими? – сўради мистер Каупервуд.

– Мана бир ой муддатга вексель, – деди бола, Дэлримплдан олган мажбурият қоғозини столга қўяр экан. – Марҳамат, ўзингизнинг ўттиз икки долларингизни ушлаб қолиб, уни ҳисобга олиб қўйинг.

Ота векселни диккат билан кўздан кечирди.

– Олтмиш икки доллар, – ўқиди у. – Мистер Дэлримпл. Ҳаммаси тўғри. Ҳа, мен уни ҳисобга олиб қўяман. Бу сенга ўн фоизга тушади, – ҳазиллашди у. – Айтмоқчи, векселни ўзинга олиб қолсанг нима қилибди? Мен кутиб тура оламан ва ой охиригача ўзимнинг ўттиз икки долларимни талаб қилмайман.

– Йўқ, керак эмас, – эътироз билдирди Фрэнк. – Сиз яхшиси уни ҳисобга олиб қўйинг ва ўз пулингизни олинг. Қолгани ўзимга керак бўлиб қолиши мумкин.

Ўғлининг ишбилармонларча кўринишидан мистер Каупервуд завқланиб кетди.

– Ҳа, майли, – деди у. – Эртага ҳаммаси рисоладагидек бўлади, хўш, энди айт-чи, буни қандай уддаладинг?

Ўғли унга ҳаммасини сўзлаб берди. Кечқурун соат еттида бу гапдан миссис Каупервуд хабар топди, салдан кейин эса Сенека тоғанинг қулоғига бориб етди.

– Ана, мен сизга айтмаганмидим, Каупервуд? – деди тоға. – Бу бола – бўладиган бола. Ҳали кўрасиз, у нималар қилмайди дейсиз.

Тушлик чоғида миссис Каупервуд ўғлига меҳр билан боқар эди. Ахир куни кеча у онаси кўкрагидан бир зум ажрамайдиган эмизикли чақалоқ эмасмиди? Қандай қилиб бирдан кап-катта йигит бўлиб қолди?

– Болажоним Фрэнк, худойим бундан кейин ҳам ўзи йўлингни берсин, – деди у.

– Мен ҳам шундай тилак қиламан, ойи, – лўнда жавоб эшитилди.

Тўғри, савдо ҳар куни ҳам бўлавермас, баққол билан ҳам ҳар куни битим тузилавермасди, бироқ Фрэнк муштдайлигидан пул тўплашни ўрганиб олганди. У ёшлар учун журналга обуна тўплар, янги нав коньякни тарқатиш бўйича агент бўлиб ишлар эди, бир гал ҳатто атрофдаги болаларни бир ёқадан бош чиқаришга чорлаб, уларга улгуржи нархда ёзлик похол шляпа сотиб олдирди. Пулни эҳтиёт қилиб жамғариб боришни Фрэнк хаёлига ҳам келтирмасди. Она сути оғзидан кетмаган пайтданоқ у сарф-харажатлар учун пулнинг юзига бориб ўтирмасликка аҳд қилганди ва қандай қилиб бўлмасин, шундай имкониятга эга бўламан, дерди.

Сал олдинми ё шу йилими, унда киз болаларга ҳавас уйғонганди. Унинг нигоҳи, албатта, энг чиройли кизга қадалиб қоларди. Унинг ўзи хушрўй ва жозибадор бўлгани боис ёқиб қолган қизини ўзига оғдириб олиш унинг учун ҳеч гап эмасди. Қўшни бўлиб яшайдиган ўн икки яшар Пейшенс Барлоу унинг назарига тушган биринчи киз эди. У ҳам қизнинг назарига тушганди.

Табиат қизга чакноқ қора кўзлар ва қора соч ато этганди, сочини у доим иккита қилиб ўриб юрарди. Тўпиқлари нозик, силлик оёқчаларида у пардай енгил одимларди. Қизнинг ота-онаси квакерлар<sup>1</sup> эдилар, у бошига ҳар доим ихчамгина чепчикни кўндириб оларди. Шунга қарамай, унинг феъли оловгина эди ва мана бу жасоратли, ўзига ишонган, тўғрисўз бола унга ёқарди. Бир куни уларнинг кўзлари бир неча бор тўқнашгандан кейин, у кизни тўхтатди-да, ҳар доимгидай жилмайиб дангал сўради:

– Сиз бизнинг кўчамизда турасиз, шундайми?

– Ҳа, – жавоб берди киз хиёл ҳаяжонланиб ва китоб солинган сумкасини ўйнтганча, – бир юз қирқ биринчи уйда, – деб кўшиб қўйди.

– Мен бу уйни биламан, – деди Фрэнк. – Ўша уйга кириб кетаётганингизни кўргандим. Сиз, янглишмасам, менинг синглим билан бир синфда ўқийсиз, тўғрими? Исми-шарифингиз Пейшенс Барлоу-да?

Синфдош дўстларидан бири бир гал кизни шу ном билан айтиб чақиргани қулоғига чалинганди.

– Ҳа, – тасдиқлади киз. – Сиз қаердан биласиз?

<sup>1</sup> К в а к е р – христиан динининг Англия ва Америкада тарқалган бир мазҳаби.

– Эшитгандим, – жилмайди Фрэнк. – Мен сизни тез-тез кўриб тураман. Қизилмия ейсизми?

Фрэнк чўнтагига кўл сукди ва ўша вақтларда кенг урф бўлган бир нечта янги қизилмия таёқчаларини олди.

Пейшенс эркаланибгина ташаккур билдирди ва таёқчалардан бирини олди.

– Унча ширин бўлмаса керак. Чўнтагимда қачондан бери ётибди. Яқинда обакиларим бор эди.

– Йўқ, ширин, – деди қиз, таёқчанинг учидан шимиб.

– Сиз синглим Анна Каупервудни билсангиз керак? – сўради йигитча аввалги суҳбатга қайтиб ва ўзини қўшни қизга таништирган бўлиб. – Тўғри, у сиздан бир синф пастда ўқийди, лекин сизлар таниш бўлсаларингиз керак?

– Мен уни биламан. Мактабдан қайтишда кўришиб қоламиз.

– Мен ҳов анави ерда, ўнг тарафда тураман, – деди Фрэнк бусиз қиз унинг қаерда туришини билмайдигандек, улар яқинлашиб келаётган уйни кўрсатди унга. – Энди биз тез-тез кўришиб турсак керак?

– Сиз Рут Мерриом билан танишмисиз? – сўради қиз, Фрэнк унинг уйига борадиган тош йўлакка энди бурилмоқчи бўлганда.

– Йўқ, нега сўраяпсиз?

– Уйида сешанбада оқшом бўлади, – тил учида гапиргандек деди Пейшенс.

– Рут қаерда туради?

– Йигирма саккизинчи уйда.

– Борсам боравераман уникига, – деди Фрэнк, уйи томон буриларкан.

– У сизни ҳам таклиф этиши мумкин. – деди Пейшенс дадил. – Мен ундан илтимос қилиб кўраман.

– Раҳмат, – жилмайиб ташаккур билдирди йигитча.

Қиз йўлида кувноқ чопиб кетди.

Фрэнк кўзлари ял-ял ёниб, унинг ортидан қараб қолди. Қиз чиндан ажойиб эди. Фрэнк уни жуда-жуда ўпгиси келиб кетди ва Рут Мерриомларникидаги оқшомни ва у ерда содир бўладиган воқеаларни шундоқ кўз олдига келтирди.

Бу ҳали болаларча севги эди, ҳа, турмуш воқеалари бўрони орасида Фрэнкни вақти-вақти билан камраб олувчи болаларча завқ-шавқлардан бири эди. Ўзига бошқа бир қизни топмагунча хилват бурчакларда у Пейшенс Барлоу билан бирон марта ҳам учрашмаганди. Қишда Пейшенс қўшни қизлар билан яхмалак ўйнагани кўчага югуриб чиқарди ёки узок қиш оқшомларида уйи эшиги олдидаги скамейкачада ўтираверарди. Оқшомлари унга турли гапларни шивирлаб гапириш қанчалик осон бўлса, уни бу соатларда учратиб бўса олиш ҳам шунчалик осон эди. Пейшенснинг ўрнига Дора Фитлер келди – бу вақтда Фрэнк ўн олти, қиз эса ўн тўрт ёшда эди, кейинроқ, Фрэнк ўн еттига тўлганида ўн беш яшар Маржори Стаффорд билан танишди, у малласоч, дўмбокқина, мовий кўзли, юзлари қип-қизил ва субҳидам осмонидай тиниқ бир қиз эди.

Ўн етти ёшида Фрэнк мактабни ташлашга қарор қилди. У катта синфларда бор-йўғи уч йилгина ўқиди, аммо ўқиш уни жонидан тўйдириб юборганди. Ун уч ёшидаёқ молия иши унинг бутун фикру зикрини камраб олганди, бу унинг Учинчи кўчада кузатганидан асло фарқ қилмасди. Ора-чора унга нимадир ишлаб топишга имкони берувчи топшириқларни бажариб борарди. Сенека тоға юк бандаргоҳида унга тарозибонга ёрдамчилик қилишга йўл қўйиб берарди, бу ерда ҳукумат нозирларининг синчков назорати остида божхона қошидаги давлат юкхоналарида уч юз фунтли шакарли қошлар тахланарди. Гоҳо алоҳида шошилиш ишда у отасига ёрдам берарди ва бунинг учун ҳақ оларди. Фрэнк ҳатто мистер Дэлримпл билан шанба кунлари уникида ишлашга келишиб олганди,

бирок шундан кўп ўтмай, у ўн бешга қадам кўйганда, отаси йиллик маоши тўрт минг долларли бош ғазначи бўлди ва пештахта ортидаги иш тўғрисида, албатта, энди гап бўлиши мумкин эмасди.

Худди шу вақтларда Филадельфияга Сенека тоға яна ташриф буюриб қолди, у янаям семириб, янада салобатли кўринар эди, у жиянига деди:

– Гап бундай, жиян, агар чиндан ишламоқчи бўлсанг, бошламасига мен сен учун бир яхши жойни асраб кўйибман. Биринчи йили маошсиз ишлайсан, аммо борди-ю, уддалаб кетсанг, мукофотлар олишинг мумкин. Иккинчи кўчадаги “Генри Уотермен ва К” фирмаси ҳақида эшитганмисан?

– Ҳа, уларнинг идораси қаердалигини биламан.

– Ана шулар сени ҳисобчи қилиб олишга рози. Улар дон олиб сотиш ва даллолчилик ишлари билан шуғулланадиган маклерлар. Бир гал шу соҳада ишлагим бор деган эдинг. Ўқув йили тугаганида, мистер Уотерменнинг олдига кир, мени айт, у сени ишга олади. Нимага келишганларингни кейин менга хабар қил.

Сенека тоға энди уйланиб олган эди – пуллари билан у унча бой бўлмаган, аммо филадельфиялик бир иззатталабгина хонимнинг юрагини забт этган эди. Шу никоҳ баҳонаси билан Каупервудларнинг муносабатлари, кўпчиликнинг фикрига кўра, жуда мустаҳкамланиши керак эмиш. Генри Каупервуд шаҳарнинг шимолий қисмига, Фрон-стритга кўчиб ўтишни ўйлаб юарди, бу ердан дарёнинг улуғвор манзараси кўриниб турарди, у ерда чиройли уйлар қурилмақда эди. Уша вақтлар бўйича – Фуқаролар урушидан сал олдин – унинг тўрт минглик маоши хийла катта эди. Фаросатли ва эътиборли Генри Каупервуд ҳеч қачон жамғармаларини озгина бўлса-да, таваккал ишларга сарфламасди ва ўзининг бежоғлилиги, хушёрлиги сабабли, унинг ҳамкасблари айтганидек, ўзи ишлаётган банкнинг вице директори ёки ҳатто директори лавозимига кўтарилиши учун барча асослар бор эди.

Сенека тоғанинг “Уотермен ва К”га нисбатан таклифини Фрэнк бошламаси учун мутлақо тўғри деб ҳисобларди. Шу боис у июнь ойида Иккинчи кўчага равона бўлди ва уни ота Генри Уотермен очик чехра билан қарши олди. Бундан ташқари, маълум бўлишича, йигирма яшарлик ўғил Генри Уотермен, ота Уотерменнинг укаси, эллик ёшлардаги Жорж Уотермен деган киши ҳам бор эди. Жорж Уотермен ишончли шахс бўлиб, барча битимлардан кўз-қулоқ бўлиб турар эди. Корхонага эллик беш ёшдаги ота Генри Уотермен бошчилик қиларди. Зарурат туғилганда у шаҳар чеккаларидаги миждозларга чиқиб кетар эди; укаси ўзи ҳал этолмаган масалаларда сўнгги сўзни айтиш унга қоларди ва янги битимларни ҳам у тузарди, шу боис шериклари ва хизматчилари уларни ҳаётга татбиқ этиш билангина андармон бўлишарди. Кўринишидан оғир табиатли, оёқлари катта-катта, қориндоргина эди, ирғиб чиққан кўзларининг атрофини ажин босган ва бўйни кип-қизил мистер Генри Уотермен ўз ишига зийрак, етти ўлчаб бир кесадиған ақлли одам эди. Туғма ақллилиги ва хушмуомалалиги туфайли у қилган ҳар бир иш пухта ва самарали бўларди. Аммо йиллар ўз ишини қилганда ва борди-ю фирма зарар кўрмайдиган бўлса, у ўғли билан жон-жон деб ҳамкорлик қилишга тайёр эди.

Аммо бу тўғрида орзу қилмаса ҳам бўларди. Отасидай одамшаванда, фаҳмли ва ишчан бўлмаган ўғил тижорат фаолиятига нисбатан нафратдан бошқа ҳеч нарсани ҳис этмасди. Унинг ихтиёрига қолдирилган иш, шубҳасиз, йўққа чиқиши тайин эди. Бун кўриб, отаси куйинарди ва тижоратга қизиқадиган битта-яримта йигит топилиб қолишига ва шу билан бирга ўғлини сиқиб чиқариб юборишига умид боғлар эди, хулласи калом, кичик шерик вазифаси билан қаноатланишга рози бўладиган одам керак эди унга.

<sup>1</sup> АҚШдаги Фуқаролар уруши (1861-1865) – шимолдаги саноатчилар ва жанубий штатларнинг қулдорлари ўртасидаги уруш. Қулдорликни бекор қилиш учун курашган халқ оммаси иштироки туфайли уруш Шимолнинг ғалабаси билан тугаганиди.



Мана, Сенекa Дэвиснинг тавсияси билан ёш Каупервуд келди. Мистер Уотермен унга танкидий кўз билан назар солди. Ҳа, ўйлади чол, бола маъкулгина. Бу боладан маънили иш чиқиши мумкин. У ўзини хотиржам ва айни вақтда ҳеч бир ҳаяжонга берилмай, тортинчоқлик қилмай, мағрур тутарди. Унинг сўзига қараганда, гарчи дон даллоллиги ишларини миридан-сиригача билмаса-да, у ҳисоб-китобларни юргизишни уддаларкан. Аммо у шу соҳага қизиқар ва шунда омадини синаб кўрмоқчи экан.

– Бу болакай менга ёкиб қолди, – деди укасига Генри Уотермен, эртагаёк янги вазифаларини бажаришга киришиш ҳақида таклиф олган Фрэнк кетгандан кейин. – Унда нимадир бор! Бундай ёш, нишонга урадиган одам анчадан бери даргоҳимизга оёк босмаганди.

– Ҳа, – уни маъқуллади акасидан ҳам озгинроқ ва бўйчанроқ, қора, ўйчан кўзлари хиёл хиралашган ва сийрак қора сочли Жорж, сочининг қоралиги унинг тухумсимон бошидаги кални яна-да яққолроқ кўрсатиб турарди. – Жуда ёқимли йигит экан. Қизиқ, отаси нега уни ёнига банкка олмади экан?

– Имкони бўлмагандир-да, – эътироз билдирди ака Уотермен. – У ерда бор-йўғи ғазначи бўлиб ишлаши мумкиндир.

– Ҳа, тўғри айтасан.

– Нима ҳам дердик, синаб кўрайлик-чи. Менимча, у ҳар бир ишни дўндиради. Келажаги порлоқ йигитчанинг!

Генри Уотермен ўрнидан турди ва Иккинчи кўчага очилувчи катта эшик томон йўналди. Тонг куёшидан биноларнинг яхлит деворлари (улар орасида унинг идораси ҳам бор эди) тўсиб турган тош йўлдан эсаётган муздек ел, туёқлар дупури, араваларнинг дўқир-дўқири, ивирсиган оломон – буларнинг барчаси унга хуш ёқарди. У йўлнинг нариги томонига кўз солди – уч ва тўрт қаватли уйлар, уларнинг бари деярли кулранг тошдан курилганди. Уйларнинг ичида ҳам ҳаёт қайнарди. Генри Уотермен бир вақтлар мана шундай гавжум жойда иш бошлашни кўнглига солганидан Худого қайта-қайта шукурлар айтарди. Фақат ўз вақтида бу ерда яна бир неча ховлини сотиб олиб қўймаганига ачинарди.

“Мана шу ёш Каупервуд менбоп одам бўлиб чиқса-ку, зўр бўларди-я, – кўнглидан ўтди чолнинг. – Кўплаб ортиқча ташвишлардан кутилар эдим”.

Атиги беш дақиқача давом этган суҳбатдаёқ бу боланинг ишбилармонлиги аён бўлганига қойил қолмай илож йўқ. Умидлари рўёбга чиқишига Генри Уотермен энди деярли шубҳа қилмасди.

#### IV БОБ

Ўша йиллари Фрэнк Каупервуднинг ташқи кўриниши ёқимтой ва кўркам эди. Бўйи барвастагина – беш фунт ва ўн дюйм, елкалари кенг-кенг ва хушбичим, каттакон, чиройлик бошидаги қизғиш сочлари қалин ва жингалак-жингалак. Чақноқ кўзлари маъноли боқарди, аммо нигоҳи ўткир бўлиб, ундан бир нарсани билиб олиш амри маҳол эди. Фрэнк тез, енгил, дадил одимларди. У на тақдирнинг оғир зарбаларини, на тушкунлик аломатларини писанд этарди. У ҳали ҳеч қачон касаллик ё жудолик каби балолардан азият чекмаганди. Тўғри, атрофида бойроқ одамларни кўрарди, бироқ у ҳам бойиб кетишидан ноумид эмасди. Фақат бир мартагина у банкка берилган кичик векселнинг муддатини ўтказиб юборганда, отаси унинг шунақанги адабини берган эдики, у буни умрбод эсидан чиқармайди.

– Тўрт оёқлаб эмакласам эмаклардимки, аммо векселимни қайтаришларига асло чидолмайман! – дер эди мистер Каупервуд.

Фрэнк ҳам шуни яхши англадики, бундай жазавали сўзларсиз ҳам

кредитнинг қанчалик аҳамияти катта эканлигини тушунса бўларди. Шу воқеадан кейин унга берилган вексель бирон марта ҳам на қайтарилди ва на унинг хатоси билан муддатдан кечикди.

Фрэнк энг ишбилармон хизматчи бўлиб чиқди, бунақасини “Уотермен ва К” савдо уйи ҳеч қачон кўрмаганди. Аввалига уни ҳисобчи ёрдамчиси сифатида, яқинда ишдан бўшатирилган мистер Томас Трикслер ўрнига дафтарлар ортига ўтказиб қўйишди, бироқ икки ҳафта ўтгач, Жорж Уотермен:

– Каупервудни ҳисобчиликка ўтказсак, қалай бўларкан? Бизнинг Сэмсон умр бўйи имиллаб ечолмайдиган нарсаларни у кўз очиб-юмгунча ҳал қилиб ташлапти, – деди.

– Яхши, Жорж, мен қарши эмасман, аммо сен бу гапни дуч келган жойда гапираверма. Каупервуд узоқ ҳисобчи бўлиб қолмайди. Кўрайликчи, балки у тез вақт ичида айрим ишларда менинг ўрнимни босар.

“Уотермен ва К” савдо уйининг хийла мураккаб ҳисобхонаси Фрэнк учун болалар ўйинидай бир гап эди. У ҳисоб дафтарларини шунчалик осон ва тез англаб олар эдики, унинг собиқ бошлиғи Сэмсон фақат қойил қоларди, холос.

– Йўқ, бу болақай хаддан ташқари шошма-шошар экан, – деди у биринчи кунидек Фрэнкнинг ишига қараб, бошқа хизматчига. – У адашиб қолади, ҳа, мени айтди дерсиз. Мен бунақаларни биламан. Мана кўрарсиз, кредитлаштириш ва қайта ҳисоблашлар бошлансин ҳали, қандай кунларга қоларкан у.

Мистер Сэмсоннинг қароматига қарши ўлароқ Фрэнк адашмади. Бир ҳафта ўтмаёқ у Уотермен фирмасининг молиявий аҳволини хўжайинларнинг ўзларидан кўра ҳам яхшироқ билиб олди. Ҳисобларни кимга юбориш керак, қайси туманларда битимлар энг кўп тузилади, ким яхши ва ким ёмон моллар етказиб беради – ҳаммасини беш қўлда биларди, бу ҳақда йил бўйи бир кўтарилиб-бир тушиб турган нарх-наволар шундан гувоҳлик беради. Ўз тахминларини текшириш ниятида у катта дафтардаги қатор эски ҳисобларни қараб чиқди. Ҳисобчиликка у фирма ҳаётини қай даражада қайд этгани ва акс этдиргани даражасигагина кизиқди. Бу ишда узоқ қолмаслигини у биларди. Буни вақт кўрсатади. Ҳозирча эса у биринчи галда, дон воситачилиги ишининг моҳиятини энг майда икир-чикиригача англаб етди. Хўжайинлар, тўғрироғи, уларнинг мижозлари қанақанги зарар кўришаётгани унга маълум бўлди, чунки фирма фақат воситачилик билан шуғулланарди, – консигнацияга келиб тушувчи молларнинг етарли даражада тез сотилмагани, шунингдек, мол етказиб берувчилар, харидорлар ва бошқа воситачи фирмалар билан алоқанинг яхши йўлга қўйилмагани шундай бўлган экан. Мисол учун, мижоз ҳатто ўсиб бораётган бозор нархи эмас, балки барқарор нархга қараб мева ёки сабзавот ортган. Бироқ айни вақтда ўн одам шу ишни қилган бўлса, ёки бошқа воситачиларда мол тўпланиб қолса, нарх тезда тушиб кетган. Юк айланиши ҳеч қачон барқарор бўлмаган. Фрэнкнинг миясига ўша заҳоти бир фикр келди, унга кўра ташқи агент сифатида катта туркумдаги молни сотиш билан шуғулланиб, у фирмага каттагина фойда келтирар эди, аммо вақти-соати келмагунча бу масалани кўтариб чиқмасликка қарор қилди. Яқин вақт ичида ҳаммаси ўзидан-ўзи изга тушиб кетиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмасди.

Уотерменларнинг ҳар иккаласи – Генри ҳам, Жорж ҳам Фрэнк уларнинг ҳисоботларини яхши олиб бораётганини мақташдан чарчашмаётганди. Унинг келишининг ўзиёқ уларда ҳаммаси рисоладагидек кетаётганига ишонч пайдо қилганди. Кўп ўтмай Фрэнк бошлиғи Жоржнинг эътиборини айрим ҳисоботларнинг аҳволига қаратди, баъзиларини мувозанатлаштиришни, бошқаларини эса бутунлай ёпиб қўйишни

<sup>1</sup> Консигнация – молнинг воситачи орқали сотилиши.

тавсия этди, бу билан кекса жентльменга озмунча хузур бахш этмади дейсиз. Бу йигитчанинг ишбилармонлиги вақти келиб унинг барча қийинчиликларини орқада қолдиришига шубҳа қилмасди; аини вақтда унинг Фрэнкка меҳри бошқача товланиб бормоқда эди.

“Генри оғайни” йигитчани ташқи ишларда синаб кўриш тарафдори эди. Фирманинг нақд захиралари хар доим ҳам буюртмачиларни қониктира олмасликлари сабаб мол учун бошқа идораларга ёки бозорларга мурожаат қилишга мажбур бўлар эдилар ва бу ишни одатда фирма бошлиғи бажарарди. Бир куни эрталаб бозорда уннинг кўплиги ва доннинг камлигидан дарак берувчи ёрлиқлар келганида, – буни Фрэнк биринчи бўлиб пайқади, – ота Уотермен уни ўз кабинетига чорлади-да, деди:

– Фрэнк, вужудга келган қийинчиликдан қандай чиқиб кетиш хусусида бош қотириб кўрсангиз дегандим. Эртага ҳаммаёғимизни ун босиб кетади. Туриб қолган мол учун ҳақ тўлаёлмаймиз, бу орада эса нақд буюртмалар барча молни ҳазм қилолмайди. Бизда дон етишмаяпти. Балки ортиқча унни маклерлардан биронтасига ўтказиш ва буюртмаларни ёпишга етарли дон ундириш йўлини қиларсиз?

– Уриниб кўраман, – жавоб берди Каупервуд.

Ўзининг ҳисобхона дафтарларидан Фрэнк турли воситачи идораларнинг манзилларини билар эди. Яна маҳаллий мол бозори нималарга эга ва бу соҳада ишлайдиган у ёки бу воситачилар (даллоллар) нима таклиф қилишлари мумкинлигини ҳам биларди. Вужудга келган дамланишни бартараф қилиш тўғрисидаги топшириқ унинг кўнглидагидай бўлганди. Яна тоза ҳавода бўлиш ва уйма-уй юришнинг мазасига нима етсин! Идорада перони китирлатиб ўтириш ва дафтарлар узра мук тушиб, моғор босиш унинг жонига тегиб кетганди. Кўп йиллар ўтиб, Фрэнк: “Менинг идорам – бу менинг каллам”, деганди. Ҳозир эса у энг йирик воситачилар олдига шошмоқда, уннинг аҳволи қандайлигини аниқлаб олмоқда, ўзида ортиб қолган молларини у сўраган нархда тавсия этмоқда эди. Олтмиш бочка биринчи нав унни олишни хоҳловчилар борми? Ун зудлик билан (бошқача айтганда, икки кеча-кундузда) етказиб берилади. Нархи – бир бочкаси тўққиз доллардан. Хоҳловчилар топилмади. Шунда Фрэнк молни майда-майдалаб сотишни таклиф этди ва бу йўл муваффақиятли чиқди. Бир-икки соат ичидаёқ бисотида бор-йўғи икки юз бочка ун қолди ва у қолган унни таниқли ишбилармон, унинг фирмаси билан савдо муносабати ўрнатмаган Жендермен деган одамга таклиф қилиб кўришга жазм этди. Жендермен оппоқ жингалак сочли, дўмбоқ юзли, чўтир, киртайган кўзлари оғир қовоқлари остидан айёрона боқиб турувчи йирик гавдали киши эди, у Фрэнкка қизиқсиниб тикилиб турарди.

– Исми шарифингиз нима, йигит? – сўради у ёғоч ўриндик суянчиғига ўзини ташлаб.

– Каупервуд.

– Демак, сиз Уотерменда хизмат қиласиз, шундайми? Ўзингизни кўрсатишга қарор қилгансиз ва шунинг учун менинг олдимга келгансиз, тўғрими?

Жавобан Каупервуд жилмайиб қўйди, холос.

– Нима ҳам дердик, мен сиздан унни оламан. У менга асқотади. Чек ёзиб беринг.

Каупервуд шоша-пиша хайрлашди-да, Жендерменнинг олдидан тўғри Уолнат-стритдаги маклерлик идорасига борди, унинг фирмаси бу идора билан иш олиб борарди; у бозорда унга керакли донни бозор нархида сотиб олишни буюрди-да, ўз идорасига қайтди.

– Тез уддалабсиз, – деди Генри Уотермен, унинг ахборотини тинглаб. – Жендермен чолга икки юз бочка унни сотдингиз ҳамми? Жуда, жуда яхши, У бизнинг мижозимиз эмасди, шекилли?

– Йўқ, сэр.

– Ҳа, агар сизнинг бунақа ишларга суягингиз йўқ бўлса, дафтарлар устида кўпам ўтирмайсиз.

Тез орада Фрэнк кўплаб маклерлик идоралари ва бозорда таникли бўлиб қолди. У ўз хўжайинлари учун қолдиқ молларни, керакли молнинг туйқис қўлга кирган туркумини сотиб олар, янги мижозларни сафарбар этар, ҳеч қутилмаган харидорларга майда-майда бўлақларга бўлиб, ортиб қолган молларни ўтказар эди. Бу ишларни у ҳамирдан қил суғургандек осон бажаришини кўриб, Уотерменлар ёқа ушлашарди, холос. Гапини жон-жон деб тинглашларига, дўстона алоқалар ўрнатишга, янги савдо доираларига кириб боришга мажбур қилишда Фрэнк алоҳида лаёқатга эга эди. “Уотермен ва К” савдо уйининг эски ўрнида янги булоқ кўз очганди. Мижозларга энди ҳаддан ташқари яхши хизмат кўрсатилаётган эди. Жорж энди савдони қизитиши учун Фрэнкни қишлоқ жойларга боришга ундай бошлади, чунки Фрэнк шаҳардан ташқарига тез-тез чиқиб турар эди.

Рождество олдидан Генри Уотермен укасига шундай деди:

– Каупервудга яхши совға қилишимиз керак. Ахир у маош олмайди-ку. Нима дейсан, беш юз доллар етармикан?

– Ҳозирги вақтда бу қатта пул, аммо, менимча, барча ишончимизни оқлади ва ҳатто ундан ўтказиб юборди. У бамисоли дон воситачилик ишлари учун яратилгандай.

– Бу ҳақда унинг ўзи нима дейди? Эшитмадингми, у хурсандмикан?

– О, назаримда, у мутлақо мамнун. Дарвоқе, сен уни мендан кам кўрмайсан-ку.

– Ундай бўлса, шунга келишдик – беш юз доллар. Вақти келиб уни ишимизга шерик қилиб олишимиз мумкин. Унда чинакам тижоратчи қобилияти бор. Мана шу пулни тўғрила-да, унга ҳар икковимиздан салом айтиб қўй.

Арафа куни Фрэнк келаётган байрам олдидан барча ишларни бадастур қилиб қўйиш учун аллақандай ёрликлар ва хисобларни қараб чиқаётганда, унинг столи олдида Жорж Уотермен келди.

– Ҳали ҳам ишляпсизми? – сўради у пориллаб ёниб турган газчирок остида тўхтаб, тиришқоқ йигитга мамнун боққанча. Ташқарида қош қорайиб қолгани, аёз деразаларга нақшлар чизганди.

– Ҳа, охири қоғозларни кўздан кечираётган эдим, – жилмайиб жавоб берди Каупервуд.

– Бу ярим йилликда қандай ишлаганингиздан биз акам билан ғоят хурсандмиз. Сизга қайсидир йўл билан миннатдорлигимизни изхор этмоқчи эдик, шу боис беш юз доллар мукофотни қабул этишингизни сўрардик. Келаси йилдан эса биз сизга мунтазам маош тайинлаймиз – ҳафтасига ўттиз доллардан.

– Ғоят миннатдорман сизлардан, – жавоб берди Фрэнк. – Бундай маош ҳаёлимга ҳам келмаганди. Бу менинг мўлжалимдан анча кўп. Ахир сизларда ишлаб, мен кўп нарса ўргандим.

– Етар. Сиз бу пулга арзийсиз ва бизда хоҳлаганингизча қолишингиз мумкин. Биз сиздан жуда хурсандмиз.

Одатдагидек, Каупервуд очик чехралик ва самимият ила илжайиб қўйди. Унинг хизматларини очик-ойдин эътироф этишлари унга жуда наша қилди. Инглиз матосидан яхшилаб тикилган костюмдаги бу қувноқ, истарали йигитга қараб кўз қувонарди.

Кечқурун уйга кетишда Фрэнк у ишлаётган жойдаги иш ўзида нимани намоён этиши устида мулоҳаза юритди. Мукофот ва ваъда қилинган маошга қарамай, унинг бу ишда узоқ қолиш нияти умуман йўқ эди. Ака-ука Уотерменлар уни яхши кўришади – буни таажжубланарли жойи йўқ. У ғайратли ходим эди ва буни ўзи биларди. Узини майда хизматчилардан деб ҳисоблаш унинг етти ухлаб тушига кирмаганди, аксинча, вақти келиб бу тоифадаги одамлар унга ишлаши керак бўлади. Иш моҳиятига унинг

бундай қарашда на жаҳл, на ғазаб ва на муваффақиятсизлик олдида кўркув бор эди. Уз хўжайинларига у ишбилармонларнинг муайян бир тоифаси вакилларига қарагандек қарарди. Худди катта ёшдаги одам боланинг камчиликларини кўриб тургандай, унга уларнинг заиф жойлари ва камчиликлари алайна-ошкор маълум эди.

Тушдан кейин қиз ўртоғи Маржори Стаффордникига отланар экан, Фрэнк отасига мукофот ва ваъда қилинган маош ҳақида сўзлаб берди.

– Жуда соз! – суюниб деди отаси. – Сен мен ўйлаганимдан ҳам кўра кўпроқ муваффақият козонаяпсан. Демак, ўша ерда қолдинг деса ҳам бўларкан-да?

– Йўқ, қолмайман. Келаси йили мен улардан кетаман.

– Нимага?

– Тўғриси, бунга кўнглим чопмаяпти. Иш ёмон эмас, аммо мен кучимни жамғарма бозорида синаб кўрмоқчиман. Бу менга қизиқроқ.

– Агар олдиндан огоҳлантириб қўймасанг, бу хўжайинларингга нисбатан беодобли бўлади деб ўйламайсанми?

– Мутлақо. Мен барибир уларга керакман, – жавоб берди Фрэнк, тошойна олдида галстугини тақиб, костюминини тўғрилар экан.

– Ойингга айтдингми?

– Ҳали айтганим йўқ. Ҳозир уларнинг олдига бораман.

У ойиси ўтирган ошхонага кирди, унинг нозик елкаларидан кучоқлади ва:

– Топинг-чи, ҳозир мен сизга нима гап айтмоқчиман? – деди.

– Билмасам, – жавоб берди она ўғлининг кўзларига меҳр билан боқиб.

– Мен бугун беш юз доллар мукофот пули олдим, келаси йилдан эса менга маош тайинланди – хафтасига ўттиз доллардан. Рождествога сизга нима совға қилай?

– Йўғ-е, наҳотки? Жуда яхши бўлибди-ку. Жуда-жуда хурсандман! Сени у ерда жуда яхши кўришса керак? Сен бутунлай катта лавозимларда ишлайсан. Кўзим етиб турибди.

– Ойижон, Рождествога сизга нима совға қилай?

– Ҳеч нарса. Менга ҳеч нима керакмас. Фарзандларим соғ-омон бўлса, бас.

Фрэнк жилмайди.

– Сиз айтганча бўлақолсин – ҳеч нима бўлса, ҳеч нима-да.

Аммо ўғли унинг учун, албатта, нимадир сотиб олишини она билиб турарди.

Чиқа туриб, Фрэнк остонада бир зум туриб қолди, сингисини белидан кучиб қўйди, кечроқ келаман, кутманглар, деб онасини огоҳлантирди ва Маржориникига ошиқди, у билан театрга тушишга келишиб қўйганди.

– Сенга Рождествога қандай совға олиб берай, Маржи? – сўради у нимқоронғи даҳлизда қизни ўпар экан. – Мен бугун беш юз доллар олдим.

Қиз эндигина ўн беш ёшга тўлганди, унда қувликдан асар йўқ эди.

– Бу дунёда ўз йўлингни яхшилаб топиб ол, ҳаётдаги барча лаззатлардан бахраманд бўл!

## V БОБ

Келаси йилнинг октябрида – бу унинг ўн саккизга тўлгандан кейинги ой, – Фрэнк дон воситачилик иши унга тўғри келмаслигига ишончи комил бўлгач (бу ҳақда Уотермен компанияси бўйича фикр қилишига кўра), бу фирмадан кетишга ва “Тай ва К” банкир идорасига ишга киришга аҳд қилди.

Мистер Тай билан Фрэнк ташқи шартномалар бўйича “Уотермен ва К” агенти сифатида танишганди, у дарҳол йигитчага қизиқиб қолди.

– Хўш хўжайинларингизнинг ишлари қандай кетаяпти? – оқкўнгиллик билан сўрарди у.

Ёки бундай савол берарди:

– Хўш, векселлар портфелингиз ўсяяптими?

Мамлакат бошдан кечираётган оғир вақт, қимматли қоғозлар узлуксиз кўплаб ишлаб чиқариш, кулдорликка қарши тарғибот ва бошқа нарсалар одамларни келажакдан даҳшатга тушишга мажбур қилмоқда эди. Гарчи нима учунлигини ўзи айтолмаса-да, Тайга ҳам бу йигитча билан энг муҳим масалаларда гаплашса бўладигандек кўринмоқда эди. Унинг ёши ҳам барча масалаларни ҳал қилишга унчалик тўғри келмайдигандек кўринса-да, аммо йигит барча нарсани ҳал этишнинг уддасидан чиқарди.

– Ташаккур сизга, мистер Тай, ишларингиз ёмон кетмаяпти, – одатда шундай жавоб берарди унга Каупервуд.

– Мана кўрасиз, – бир куни эрталаб Тай Фрэнкка шундай деди, – борди-ю, кулдорликка қарши мана бу ташвиқот тўхтамас, биз ҳали кўп азият тортамиз.

Айни шу вақтларда бир келгинди кубаликка қарашли кул хўжайинидан тортиб олинган ва озод қилиб юборилган эди, зеро, Пенсильвания конунлари бўйича штат ҳудудида пайдо бўлган ҳар қандай негр, йўл-йўлакай бўлса-да, озодликка чиқар эди. Бу воқеа қатта ғалаён келтириб чиқарди. Бир қанча одам ҳибс этилди, рўзномалар ғазабнок шовқин кўтарди.

– Ишларнинг бундай тус олишига Жануб жим қараб турарди деса ҳеч қачон ишонмаган бўлардим. Бу бизнинг ишимизни алғов-далғов қилиб юборди, бошқа соҳаларда ҳам шундай бўлиши турган гап. Сизларга айтиб кўяй, биз Жанубий штатларни тор-мор этмагунимизча ўйинни тўхтатмаймиз.

Мистер Тай бу ҳикматли гапини хиёл ирландча лаҳжада ирод қилди.

– Ҳа, шунга бораяпти, – хотиржам жавоб берди Каупервуд. – Қўлингдан ҳеч нарса келмайди ҳам. Негрлар, албатта, бу барча ғалаёнларга арзимайди, аммо ташвиқот уларнинг фойдасига давом этаверади. Сизгир одамлар тагин нима билан шуғулланишсин? Бизнинг Жануб билан савдомизга бу кучли зарар етказди.

– Мен ҳам шундай фикрдаман, лекин ҳар томондан худди шу гапларни эшитаяпман.

Ёш Каупервуд кетаётганида мистер Тай бошқа мижоз билан шуғулланди, бироқ ҳадеганда уни молиявий масалалардаги ўз мулоҳазаларининг теранлиги ва жонлиги билан маҳдиё қилган йигитча ёдига тушаверди.

“Агар бу йигитча иш жойини ўзгартирадиган бўлса, уни менда ишлашга таклиф қилиб кўраман”, – аҳд қилди у.

Бир куни Фрэнкка:

– Сиз биржа ишида бир кучингизни синаб кўрмайсизми? Менда айнан битта жой бўш, – деб қолди.

– Жоним билан, – жилмайиб жавоб берди Каупервуд, афтидан, ийиб кетиб. – Мен ўзим сиздан шу ҳақда сўрамоқчи бўлиб юргандим.

– Нима ҳам дердик, модомики, менга ўтишга жазм қилибсизми, жой сизники. Истаган вақтингизда келиб ишга киришаверинг.

– Мен хўжайинларимни олдиндан оғохлантириб қўйишим керак, – деди Фрэнк. – Сиз икки ҳафтача сабр қилиб тура оласизми?

– Албатта. Шошаётганим йўк. Ҳамма ишларингизни саришта қилиб олинг. Мен зинҳор Уотерменларни қийин аҳволга солмоқчи эмасман.

Икки ҳафтагина ўтиб, Фрэнк Уотерменлар компанияси билан хайрмаъзур қилди; унинг олдида очилган истиқболлардан у заррача ўзидан кетмаётгани, фақат шунга қизиқиб қолган эди, холос. Мистер Жорж Уотермен роса жигбийрон бўлди, мистер Генри эса бу сотқинликдан ўзини қаерга уришини билмай қолди.

– Мен эсам биз сизга ёқиб қолганмиз деб ўйлаб юрардим, – деди у, Каупервуд ўзининг қарори ҳақида уни воқиф қилганида. – Ё маошимиздан норозимизми?

– Йўк, мистер Уотермен, мен шунчаки биржа иши билан шуғулланмоқчиман.

– Шунака денг. Афсус, минг афсус. Агар бу сизнинг манфаатларингизга зарар етказадиган бўлса, мен сизни қарорингиздан қайтармоқчи эмасман. Ўзингиз биласиз. Аммо биз Жорж билан бирмунча муддатдан кейин сизни ўзимизга шерик қилиб олмоқчи бўлиб тургандик. Сиз бўлсангиз, ҳе йўқ-бе йўқ шартга ўрнингиздан туриб, хайр-хўш қилиб кетмоқчисиз. Ахир бизнинг ишимизда, жин урсин, яхшигина пул ишлаш мумкин эди.

– Биламан, – жилмайиб жавоб берди Френк Каупервуд, – аммо бу иш менинг кўнглимдагидек эмас. Менинг бошқа режаларим бор. Мен ўзимни дон-воситачилиги ишига бағишламоқчи эмасман.

Мистер Генри Уотермен бир нарсани сира тушунмаётганди: модомики, Фрэнк бир ишда шунча муваффақиятларга эришар экан, нега бу соҳа уни кизиктирмайди? Боз устига у бир нарсадан хавфсирарди – ёш йигитнинг кетиши фирма ишларига зарар келтирмасмикан?

Кўп ўтмай Каупервуд шундай хулосага келди, янги иш унинг кўнглидагидек экан – у ҳам енгил, ҳам фойдали. Агар бир бошдан келадиган бўлсак, “Тай ва К” фирмаси чиройли яшилтоб тош бинода жойлашганди – Учинчи кўчадаги олтмиш олтинчи уй, у ўша вақтларда ва кўп йиллар ўтгандан кейин ҳам маҳаллий молия дунёси маркази бўлиб қолганди. Шунинг ёнгинасида фақат Америкада эмас, балки ундан ташқарида ҳам машҳур бўлган “Дрексель ва К”, Учинчи миллий банк, Биринчи миллий банк бинолари, шунингдек, жамғарма биржаси ва бошқа шунга ўхшаган муассасалар жойлашганди. Яна йигирматача банк ва кичикрок биржа идоралари унга бақамти эди. Асли бостонлик фирманинг бошлиғи ва мияси ҳисобланган Эдвард Тай бу мутаассиб шахарда илгарилаб ва бойиб кетган муҳожир ирланднинг ўғли эди. Филадельфияга мистер Тайни олибсотарликнинг кенг имкониятлари етаклаб келганди. “Бу қулоғини динг қилишни удалайдиган одам учун энг қулай жой”, – хиёл ирландча лаҳжа билан у дўстларига шундай дер эди. Узини ҳам айнан шундай одам деб биларди. Бу ўрта бўйли, унча семиз бўлмаган, сочига эрта оқ тушган, қувноқ ва оқкўнгил, аммо айни вақтда забти тор ва ўзига ишонган одам эди. Юқори лаби устида калта қилиб кузалган оқ мўйлаби диккайиб турарди.

– Пенсильванияликлар Худонинг балоси, – кўчиб ўтгандан кўп ўтмаёқ у нолий кетди. – Сира нақд тўлашмайди, векселни зўрлаб ўтказишда пихини ёрган.

Ўша вақтда Пенсильваниянинг, бинобарин, Филадельфиянинг ҳам кредити жуда паст турар эди. – Агар иш жанжалгача бориб етса, – дерди мистер Тай, – пенсильванияликларнинг бутун бир қўшини векселни тушликка тўлашни таклиф қилишади. Роса икки аср яшаганимда, мен пенсильвания вексель ва мажбуриятларини сотиб олиб, бойиб кетган бўлардим. Тўғри, қачондир келиб улар қарзларини узишар, бироқ, эй худойим, буни улар аччиқ ичакдай чўзиб юборишди-ку! Қарзларининг лоақал фоизларини тўлаб қутилишгунча мен аллақачон очик мазорга кириб кетган бўламан.

У янглишмаётганди. Штат ва шахарнинг молияси ғоят ачинарли аҳволда эди. Униси ҳам, буниси ҳам ўзига етганча бой эди, бироқ эринмаган одам турли йўллар билан ғазнани қоқиштириб олганидан штатдаги ҳар қандай янги ташаббуслар янги облигациялар чиқаришни талаб этар эди. Бу облигациялар ёки уларнинг тили билан айтганда, “мажбуриятлар” йиллик олти фоизни кафолатлар эди, бироқ фоизларни тўлаш муддати келганда, шахар ёки штат ғазначиси уларга тақдим этиш санаси кўрсатилган муҳр босар эди ва мажбуриятлар бўйича фоизлар шу кундан нафақат номиналга, балки тўпланиб қолган фоизларга қўшиб ёзилар эди. Бошқача айтганда, бу – фоизларнинг аста-секин тўпланиб бориши дегани эди. Нақд пулга муҳтож одамларга бундан фойда йўқ ҳисоби, зеро, бундай “мажбуриятлар” гарови остида банклар нарх қийматининг етмиш фоизидан кўпроғини берар эдилар, “мажбурият”ларни эса олтин баҳоси бўйича эмас, балки

юзини тўқсондан сотилар эди. Албатта, уларни келажакни ҳисобга олиб сотиб олиш мумкин, лекин жуда узоқ кутишга тўғри келарди. Бу мажбуриятларни узил-кесил сотиб олишда тагин фирромлик ўйинлари бошланиб кетарди. У ёки бу “мажбуриятлар” “инсофли танишлар” кўлида бўлишини билиб, ғазначи фалон-фалон рақамлар – айнан унга маълум бўлганлари, тўланади деган хабарни эълон қилар эди.

Боз устига, Кўшма Штатларнинг бутун пул тизими ўшанда тўла тартибсизлик ҳолатида мавҳум тартибни эслатувчи ҳолатга энди-энди ўта бошлаганди. Кўшма Штатларнинг Николас Бидл асос солган банки 1841 йилда узил-кесил тугатилди. 1846 йилда Кўшма Штатларнинг молия вазирлиги ўзининг ғазначилик тизimini ташкил этди. Сохта банклар шунчалик кўп эдики, унча катта бўлмаган саррофлик идораси эгаси беихтиёр равишда тўлашга қодир бўлган ва тўлашга қодир бўлмаган корхоналарнинг кўчма маълумотхонасига айланиб қолганди. Тўғри, аҳвол оз-оздан яхшиланиб бормоқда эди, чунки телеграф Нью-Йорк, Бостон ва Филадельфия ўртасидаги барча котировкаси алмашинувинигина эмас, балки маҳаллий биржа маклери идораси билан жамғарма биржаси ўртасидаги алоқани ҳам осонлаштирганди. Бошқача айтганда, қисқа масофаларда амал қилувчи хусусий телеграф линиялари таомилга кира бошлаганди. Ўзаро ахборот алмашиш кундан-кунга тезлашиб, осонлашиб ва такомиллашиб бормоқда эди.

Темир йўллар аллақачон жанубга, шарққа, шимолга ва ғарбга чўзилиб улгурганди. Аммо курсларни автоматик қайддан ўтказилмасди, устига-устак телефон ҳам йўқ эди; Нью-Йоркда яқиндагина ҳисоб палатаси ҳақида ўйлаб қолишди, Филадельфияда у ҳали таъсис этилмаганди. Уларнинг ўрнига банклар ва биржа идоралари ўртасида югурдаклар бўзчининг мокисидай қатнар эдилар; банк ҳисоб дафтарлари бўйича балансларни шулар чиқарарди, векселни алмаштирар ва ҳафтасига бир марта банкка қарздорлик бўйича узил-кесил ҳисоб-китоб учун ягона восита – олтин тангани ўтказиб турар эдилар, чунки ўша вақтларда мустаҳкам давлат валютаси йўқ эди. Бугунги кунга битимлар тўхтатилгани ҳақида бонг урилганида, биржадаги танобийнинг ўртасида, худди Лондондагидек, “ҳисоб-китоб ходимлари” деб аталувчи йигитлар ғуж бўлиб тўпландилар; улар турли-туман сотувлар ва харидларни бир-бирига солиштирар ҳамда жамлар, фирмалар ўртасидаги такрорий битимлар натижасида ўзаро тўланганларни ҳисобдан ўчираар эдилар. Ҳисоб дафтарларига қараб, улар бир кунда амалга оширилган битимларни: “Делавер ва Мериленд” “Бомонт” компаниясига сотди, “Делавер ва Мериленд” “Тай” компаниясига сотди, деб қичкириб эълон қилардилар. Бундай усул фирмаларнинг ҳисобхонаси ишини енгиллаштириб, тезлаштирар ва битимларни жонлантирарди.

Жамғарма биржасидаги жой икки минг доллар турарди. Яқинда биржа кўмитаси жорий қилган қоидага кўра, битимлар кундузги соат ўн билан уч ўртасида тузиларди. Уша кўмита шармандаларча олишувлар ўрнига маклерлар кўрсатадиган хизматлар учун қатъий иш ҳақи белгилади. Қоидани бузганлар қаттиқ жазоланар эдилар. Бошқача айтганда, биржани мустаҳкамлаш учун турли чоралар кўрилар ва бошқа маклерлар қаторида Эдвард Тай ҳам келажакка катта умидлар боғлаётган эди.

## VI БОБ

Бу вақтга келиб Каупервудлар оиласи дарёнинг шундоқ ёқасидаги, Фронт-стрит кўчасидаги кенггина ва яхши жиҳозланган ўзининг янги хонадонига келиб жойлашиб олганди. Уй тўрт қаватли бўлиб, олд деворларининг узунлиги йигирма беш фут келар, олдада ҳовли саҳни йўқ эди. Бу ерда Каупервудлар вақти-вақти билан тижорат турли



соҳаларининг вакиллари учун унча катта бўлмаган зиёфатлар уюштирар эдилар. Генри Каупервуд улар билан уни бош ғазначи лавозимига бевосита яқинлаштирган ўзининг йўлида учрашар эди. Бу жамоа назокату нафосати билан кўзга ташланмасди, аммо меҳмонлар ичида Каупервудга ўхшаган шундай омадли шахслар – унинг банки билан ишга доир муносабатлар ила боғлиқ кичикроқ корхоналарнинг хўжайинлари, мануфактура, чарм моллари, дон савдогарлари ва улгуржи баққоллар бўлар эди. Болалар ўзлари бир жамоа бўлиб олган эдилар. Мистер Каупервуд ҳам аҳён-аҳёнда черковга қатнайдиغان ўз танишлари учун кундузи чой ёки кечкурун зиёфат қилиб берарди. Шунда Каупервуд дунёвий одам ролини ўйнашга ҳаракат қиларди, одатда бу шунга олиб келардики, у ўзини содда бир қиёфага соларди-да, хотинининг меҳмонларини “келинг-келинг” деб кутиб оларди. Чунки у ўзини сарвиқор ва жиддий тутишни ва чет тилда жавоб айтилмайдиган салом-аликларни тинглашни қойил қилиб кўярди, шу боис бундай маросимлар кўпда унга малол келмас эди. Баъзи вақтларда Каупервудларникида кўшиқ айтишар, гоҳида унча-мунча рақс тушишарди, кўп ўтмай меҳмонлар тушликка айтса-айтмаса келадиган бўлиб қолишдики, илгари сира бунақаси бўлмаган эди.

Шундай қилиб, у янги уйдаги ҳаётининг биринчи йилида Фрэнк миссис Сэмил деган хоним билан танишиб қолди ва унга парвона бўла бошлади. Унинг эрининг Учинчи кўча яқинидаги Честнат-стрит кўчасида катта пойафзал дўкони бор эди. У ўша Честнат-стритнинг ўзида, фақат сал нарида иккинчи дўконни очишни кўнглига туғиб қўйди.

Бир куни кечкурун Сэмил хотини билан Каупервудларникига ташриф буюрди. Мистер Сэмил унинг хўжайини билан шаҳар нақлиётининг яқинда пайдо бўлган тури – от қўшилган темир йўл ҳақида суҳбатлашмоқчи эди. Шимолий Пенсильвания темир йўл компанияси қурган бир ярим миллик узунликдаги тажриба йўли яқиндагина фойдаланишга топширилган эди. Уиллоу-стритдан бошланиб, у Фронт-стрит ёқалаб Жермантоун-роудгача борар, ундан эса турли кўчалар билан “Кохоксинк станцияси” деган ном билан машхур жойгача чўзилиб кетганди. Нақлиётнинг бу тури шаҳар бўйлаб юриб турган ва унинг савдо қисмида пиёдалар ҳаракатини жуда қийинлаштириб юборадиган юзлаб омнибусларни сиқиб чиқариши керак эди. Ёш Каупервуд мана шу корхонага аввал-бошданок қизиқиб юрар эди. Темир йўл иши Фрэнкнинг жон-дили деса бўларди, мана бу янги тури эса – алалхусус. Конка қизғин баҳсларга сабаб бўлди ва Фрэнк бошқа шинавандалар билан биргаликда уни кўргани йўл олди. Вагоннинг кўриниши ғалати ва бесўнақайгина эди – узунлиги ўн тўрт фут, эни эса етти фут, баландлиги ҳам тахминан шунча, – у кичкина-кичкина темир ғилдиракларга ўрнатилган бўлиб, омнибусга қараганда йўловчилар учун бекиёс кўп қулайликлар туғдирарди. Альфред Сэмпл аллақачон кўнглида кўзда тутилаётган иккинчи йўлга пул қўйиш ҳақида ўйлаётганди, шаҳар ҳокимиятидан рухсат олингандан кейин бу йўл Бешинчи ва Олтинчи кўчалардан ўтиши керак эди.

Ота Каупервуд ушбу корхонага ажойиб келажакни мўлжаллаб қўйганди, ҳолбуки уни амалга ошириш учун қаердан маблағ олишни у ҳам тушуниб етмасди. Фрэнк эса, бунинг акси, Бешинчи ва Олтинчи кўчаларнинг бўлажак темир йўллари акциялари рўёбини Тай компанияси ўз зиммасига олса бўларди, деб ўйларди, башарти, шаҳар бунга розилик билдирса! У акционерлик жамияти ташкил этилган ва донаси паритетда, пировард-оқибатда, юз долларга беш доллардан сотувга чиқариладиган акцияларни кўплаб чиқаришга тайёрланаётганини эшитди. Бу акцияларнинг каттагина қисмини сотиб олиш учун етарлича пули йўқлигидан Фрэнк каттиқ афсусланди.

Бир ёқдан Лилян Эмил Фрэнкнинг бошини айлантириб, ўзига асир қилиб олганди. Ёш Каупервуд унинг нимасига учганини айтиш қийин,

зеро, на жўшқинликда, на ақлу фаросатда жувон унга тенг кела олар эди. Аёллар билан муносабатларда Фрэнк энди бирмунча тажрибага эга бўлганди ва аввалгидек Маржори Стаффорд билан дўст эди. Шундай бўлса-да, Лилиан Сэмпл гарчи на ақлда, на ҳуснда бошқалардан устун бўлмаса-да ва устига-устак, у эрли бўла туриб, Фрэнк бошқача ниятлар қилишига имкон йўқ эса-да, уни ҳаммадан кўпроқ ҳаяжонга соларди. Жувон йигирма тўртга кирганди, бироқ Лилиан бутун борлиғи билан худди Фрэнк каби дуркун кўринарди. Гарчи Фрэнк бу вақтга келиб бўйи бир жойга етиб улгурган бўлса-да (беш фут ва ўн ярим дюйм), жувон ундан бироз балан эди. У оғир-вазмин бўлиб, унинг ички олаmidан кўра ташқи кўринишини кўпроқ жозибатор қилиб кўрсатар эди. Жувоннинг кулранг қалин сочлари пахмайиб турар, юзи оқиш ва хиссиз, лаблари пуштиранг ва киррабурун эди. Унинг кўкимтир кўзлари ёруғда гоҳ мовий, гоҳ қора бўлиб кўринарди. Ингичка ва бежирим қўллари кишини ўзига тортмай қолмасди. У куйди-пишди ҳам, ақли теран ҳам эмасди, ҳаракатлари ҳам суст бўлиб, юрайми-юрмайми дегандай қадам ташларди. Каупервуд унинг жамолига шайдо эди. Уша вақтдаги энг олий гўзалликнинг тимсолини у шу жувонда кўрарди. “Қанчалик фаросатли, – ўйларди йигит, – қанчалик малоҳатли, фазилатларини санаб адоғига етмайсан”. Борди-ю, хотинликка кимни танлар эдинг деса, у ўзига, албатта, шу Лилианга ўхшаганини танлардим, дерди.

Аёллар ҳақидаги ўз мулоҳазаларида Каупервуд ақлдан кўра ҳиссиётга кўпроқ таянарди. Бойлик, обрў ва амрифармочиликка эришиш учун интилар экан, у, албатта, аёлнинг кўркамлигига, унинг жамиятдаги ўрнига ва шунга ўхшаш нарсаларга кўпроқ аҳамият берарди. Айни вақтда эса чиройли бўлмаган аёллардан кўнгли қанчалик беҳузур бўлса, чиройли аёллар уни ўзига шунча мафтун этарди. Уйда ўзларини қурбон қилган аёллар ва, дарвоқе, эркаклар ҳақида кўп эшитганди, эрлари, ёки болалари, ёки умуман оиласига чўриларча содик меҳнаткаш аёллар тўғрисида, оғир дақиқаларда бурч ва раҳимдиллик туйғуси амри билан қариндош-уруғлари ва ёки дўстлари учун жонбозлик кўрсатган аёллар тўғрисида эшитганди. Аммо негадир бу гаплар унга таъсир қилмас эди. У ҳаммани, ҳатто аёлларни ҳам очик-ошқора худбинга чиқаришни афзал биларди. Нима учунлигини у айтиб беролмасди. Узини ҳимоя қилишга қодир бўлмаган ва ҳар қандай ҳолатдан чиқиб кета оладиган одамлар унга нодон ёки жуда нари борганда шўрлик бўлиб кўринарди. Еттинчи ҳукми бузганлар ёки лоақал шундай қилишда гумон қилинганлар олдида олий ахлоқлилик ҳақида қанчалик кўп гапирилди, саховатпешалик ва саришталик қанчалик ошириб-тошириб таърифу тавсиф қилинди, тақводорона даҳшат ичида қўллар осмонга қанчалаб марта кўтарилди. Фрэнк бундай суҳбатларга жиддий қарамас эди. Бошқа йигитлар ҳам худди шундай қилар эдилар. Тўғри, кўча аёлларини у ёмон кўрарди. Улар билан илакишиб, тубанлик ва ифлосликдан бошқа ҳеч нарса орттирмайсан. Дастлабки пайтларда “қувноқ уйлар”нинг жимжимадор, тўпори жилваси унга ёқарди. Уларнинг уйлари ҳашамдор бўларди: қизил ёғочли мебель, қулинг ургулсин қизил дарпардалар, дидсиз, аммо қимматбаҳо ромчаларга солинган сувратлар ва энг аввало, соғлом ва кучли ёки бўлмаса ҳарис ва тепса-тебранмас уй эгаларининг ўзлари – хотинлар (Фрэнкнинг онаси таъбирича) эркакларнинг “йўлига кўз тикиб ўтиришарди”. Улар баданларининг серчидамлиги ва ҳирсга ўчликлари, ясама ноз ва карашма билан эркакларни олдинма-кетин қабул қилиш қобилияти – булар бари бошда Фрэнкни таажжубга солар эди, аммо кўп ўтмай бу унда нафрат уйғота бошлади. Бунинг устига хотинлар ғирт оми эдилар. Улардан пичокка илинадиган биронта сўзни эшитиш амри маҳол эди. Уларнинг қўлидан шундан бошқа иш келмасди ҳам. У хаёлан қизгин тунлардан кейин уларнинг эринибгина уйғонишларини, уйқуларини сал-пал қочирадиган жирқанч қуйқани ва текин пулга чанқоқликни ўзича

тасаввурига келтирди. Навқирон бўлишига қарамай, Фрэнкнинг ичи чирок ёкса ёримайдиган бўлиб қолди. У кўпроқ ўзаро, нозик, ғалати, шахсий бўлган яқинликни хоҳлар эди.

Мана, Лириан Сэмпл пайдо бўлди, омийликнинг мавҳум бир тимсоли холос. Шундай бўлса-да, унинг хотинлар ҳақидаги тасаввурини бойитди. Жувонда фоҳишахонадаги аёлларда бўладиган, кўпчилик томонидан эътироф этилган тушунча ва қарашларга зид келадиган қорин кучи ва ўзбошимчалик йўқ эди – биргина шу нарсанинг ўзи Лирианнинг унга ёқиши учун кифоя эди. Янги соҳада унинг фаолиятини бирдан ўт олган алангадек ёритиб юборган мана шу қизғин кунларда ҳам жувон унинг ҳаёлида яшар эди. Зеро, Каупервуд боши билан шўнғиган биржа олами бутунги кунда бизга нечоғли ибтидоий бўлиб кўринмасин, унинг учун фусунга тўлиб-тошган эди. Учинчи кўчадаги маклерлар, уларнинг агентлари ва хизматкорлар тўпланадиган жамғарма биржа танобийси ҳаммаси бўлиб бир юз элликтача одам – зинҳор меъморий ёдгорлик эмасди – олтмишга олтмиш фунт кенгликдаги оддий хона бўлиб, тўрт қаватли уйнинг тепадаги иккинчи қаватини ўз ичига олганди. Аммо Фрэнк бу танобийни кўриб, лол қолди. Унинг деразалари баланд ва энсиз эди, кираверишнинг шундоқ қаршисида, ғарбий деворда катта циферблатли соат осиглик эди, шимоли-шарқий бурчакда эса баланд ёзув столлари, стуллар ва телеграф аппаратларининг бутун бир галаси хирмондай уйилиб ётарди. Биржа фаолиятининг илк паллаларида танобийда стуллар қатор-қатор саф тортган бўларди, уларда акцияларнинг турфа тақлифларига кулоқ солганча маклерлар ўтиришарди. Кейинчалик бу стулларни олиб ташлашди ва танобийнинг турли жойларига у ёки бу қоғозлар қаерда сотилишини кўрсатувчи устунчалар тиклашди (ёки полга белгилар чизишди). Шундай устунчалар гирдида шартномалар тузишга қизиққан одамлар тўпланар эдилар. Учинчи қават йўлагидан эшик омма учун бир амаллаб жиҳозланган камтаргина айвонга очиларди. Ғарбий деворда улкан қора тахта осиглик бўлиб, унда Нью-Йорк ва Бостондан телеграф орқали келган акциялар котировкаси<sup>1</sup> қайд этиб қўйиларди. Танобийнинг ўртасида пастак девор ортида расмий раиснинг ўрни жойлашганди, учинчи қаватнинг юқорисида эса, ғарбий томонда яна бир кичик балкон бор эди – унга тезкор хабарлар учун биржа кўмитасининг котиби чиқар эди. Жануби-ғарбий бурчакда бир эшик бўлиб, у биржачилар турли-туман ҳисоботлар ва йиллик тафсилотлар билан танишадиган хонага очилар эди.

Агар Фрэнкка муҳтож ва бундай одам унга фойда келтиришига ишонган Тай унинг учун жой сотиб олмаганда Каупервудни на маклер, на маклернинг агенти ёки ёрдамчиси сифатида ишга қўйишарди. Унинг баҳоси икки минг доллар бўлиб, у буни Фрэнкка қарз қилиб ёзиб қўйди, шундан кейин баланд овозда уни ўз шерикларига таништирди. Бундай сохта шерикчилик биржа қоидаларига зид эди, аммо маклерлар бот-бот шу усулни қўллар эдилар. Ёш шериклар ва гунаҳкорларни масҳара қилиб, “саккизчилар” ёки “икки долларлик маклерлар” деб атар эдилар, чунки улар ҳар қандай майда иш ҳақи ортидан югурар ва дуч келган одамнинг топшириғи билан сотиб олар ва сотар эдилар, ўз ўрнида қилган ишлари ҳақида ўз фирмаларига ҳисобот берар эдилар. Узининг ажойиб қобилиятига қарамай, Фрэнк ҳам дастлабки пайтларда “саккизчи” саналарди ва биржадаги “Тай” компаниясининг муҳтор вакили мистер Артур Райверс ихтиёрида ишлар эди.

Ўттиз беш ёшдаги Райверс ҳаддан ташқари ғайратли, келишган, хушбичим, соқоли обдон киртишланган, калта қилиб кузалган мўйлаби ва ингичка қора қошлари ўзига ярашган жиддий ва силлиқ юзли одам эди. Боши ўртасидаги фарқ сочини қоқ иккига бўлиб турарди. Бакбақаси билинар-билинемас қатланган. Райверснинг овози майин, ҳаракатлари вазмин, хотиржам эди, у ҳамма вақт ва ҳамма жойда бирдек саришта эди.

<sup>1</sup> Котировка – Биржа нархи ва қимматли қоғозлар баҳосини белгилаш.

Аввалига шундай бир тажрибакор ишбилармон нима учун мистер Тайда хизмат қилишини англолмай юрди, бироқ кейинчалик билдики, Райверс ишда иштирокчи экан. Тай ташкилотчи бўлиб, мижозларни идорада қабул қиларди, Райверс эса биржада фирма вакили бўлиб, ташқи алоқаларни олиб борарди.

Кўп ўтмай Фрэнк нима учун акциялар бир кўтарилиб, бир тушиб туришини англашга уриниш ортикчалигини билди. Тай унга тушунтирганидек, бу, албатта, қандайдир умумий сабаблар билан белгиланади, бироқ уларни ҳисобга олишнинг деярли ҳеч имкони йўқ.

– Ҳар қандай сабаб биржада ваҳима келтириб чиқариши мумкин, – дерди Тай ваҳима билан. – Биржа мутлақо алоҳида дунё, Каупервуд. Дунёда ҳеч ким уни сизга тушунтириб беролмайди. Мен акциядорлик жамиятлари қандай синганларини кўрдим, ҳолбуки энг кўзи пишган биржачи нима сабабдан шундай бўлганини айтиб беролмайди. Мен акцияларнинг осмони фалаккача кўтарилиб кетганини кўрдим. Ух, бу биржа миш-мишлари-ей! Бунақа нарса шайтоннинг ҳам хаёлига келмайди. Одатда, агар акциялар тушиб кетса, демак, кимдир уларни биржага ташлаган ёки бўлмаса бозорда ялпи келишмовчилик содир бўлган. Борди-ю, акциялар кўтарилса, демак, ё моливий ҳолат яхши, ёки кимдир уларни сотиб олаяпти. Бу аниқ. Ундан ташқари... Майли, барча икир-чикирлар билан сизни Райверс таништириб кўя қолсин. Сизни бир нарсдан огоҳлантириб қўйишим керак. Мени ҳеч қачон зарарга бошланг. Бу идорамнинг ишончли одами кўлидан келиши мумкин бўлган энг оғир гуноҳ.

Шу гапларни айтар экан, Тай такаллуф билан, аммо маънодор жилмайиб қўйди.

Каупервуд тушунди, аммо... бу унга ҳеч қандай қўшимча маълумот бермади. Бу маккор дунё унга ёқарди. Унинг жўшқинлигига мос келарди.

Ҳар томондан минг турлик миш-мишлар тарқалган эди – темир йўл ва конкаларнинг кенг микёсда қурилишлари, янги ерларни ўзлаштириш, ҳукуматнинг божхона қийматларини қайта кўриб чиқиш Франция ва Туркия ўртасидаги уруш, Россия ва Ирландияда очарчилик ҳақидаги миш-мишлар эди. Биринчи трансатлантик кабелъ ҳали ётқизилмаганди, чет элдан янгиликлар кам келар эди. Шундай бўлса-да, биржа майдонида Сайрус Филд, Уильям Вандербильдт ёки Ф.Дрексель каби йирик молиячилар кўзга ташланиб турар, улар мўъжизалар яратмоқчи бўлар эдилар ва уларнинг фаолияти бу ҳақдаги турли-туман миш-мишлар каби биржа ҳаётида катта роль ўйнар эди.

Фрэнк ишнинг йўл-йўриғини тез эгаллаб олди. Қиймат ошиши илинжида сотиб олган одамни “хўкиз” деб аташларини ҳам билди, борди-ю, шу маклер маълум қийматли қоғозларнинг катта туркумини сотиб олган бўлса, у тўғрида уни “кекирдагигача ботган” дейишарди. У сота бошлаганида эса, бу уни ўз фойдасини “рўёбга чиқараётганини ” англатарди, борди-ю, маржа си тугаб қолса, у “қўйди”га чиқарди. “Айиқ” деб акцияларини сотган биржачига айтиларди, акцияларнинг аксар қисми унда нақд бўлмас эди, нархи тушиб кетгудек бўлса, уларни арзон-гаровга сотиб олиш ва ўзининг сотув битимларини қоплашини назарда тутган бўларди. Ўзида йўқ қоғозни сотгани учун у “курук” деб саналарди; мижозни қондириш ва чўнтакка солиб қўйиш учун ёки курсларнинг тўсатдан кўтарилишидаги зарардан қутулиб қолиш мақсадида у акцияларни сотиб олса, биржа лаҳжасида уни “у қопланапти” дейиларди. Буюртмаларни бажариш учун уларни илгари банд қилган одамга қайтарганда олиши мумкин эканлиги маълум бўлса, у “бурчакка қамаб қўйилган” ҳолатга тушиб қоларди. Шунда ўз қарзини у ва бошка “курук” маклерлар қимматбаҳо молни сотган шахслар белгиланган нархлар бўйича қоплашига тўғри келарди.

Дастлабки пайтларда Фрэнкни ёш маклерларга хос билимдонликнинг

<sup>1</sup> М а р ж а – қимматли қоғознинг номинал қиймати ва маклер сўраган нарх ўртасидаги фарқ.

сирли кўриниши завклантирарди. Улар ғоят самимий эдилар. Уларнинг анча тажрибали ҳамкасабалари одатда ичимдагини топ бўлишарди. Ташқаридан ҳеч нарсадан беҳабардек беғам ва қатъиятсиз кўринишга ҳаракат қилишарди-ю, аммо худди йирткич балиқдек, ўлжасини таппа босишга тайёр туришарди. Бир лаҳза кечикишдими, тамом, имконият бой берилди деяверинг: бошқа биров илиб кетади. Уларнинг ҳар бири кичкина ён дафтарчаларни кўлидан сира туширмасди. Ҳар бирини ўз кўз қисиш одати, ўз гавда ҳолати ёки кўл ишораси бўлиб, улар: “Бўлади. Оламан!” деган маънони билдиради. Гоҳо шундай туюлардики, улар ўз харид ва сотувларини деярли тасдиқламаз эдилар – улар бир-бирларини шу қадар яхши билишарди. Аммо бу шундай бўлиб кўринади, холос. Биржада бирон сабаб билан жонланиш ҳукм суриб қолса, у ерда биржачилар ва уларнинг агентлари кўплаб тўпланардилар, биржа сушт ишлаган ва кузатувчилар ишида турғунлик кузатилган кунларда ҳам бундай бўлмасди. Эрталаб соат ўндаги бонг зарби ишлар бошланганидан дарак берарди, бир ёки бир неча компаниялар акциялари сезиларли тарзда кўтарилган ё тушган бўлса, у ерда ғалати манзарани кўриш мумкин. Элликтача ёки юзгача одам баравар кичқирарди, қўлларини силкишарди, таклиф этилган ёки талаб қилинган қоғозлардан фойда ундиришга ҳаракат қилиб, оёғи куйган товукдек ўзларини ҳар томонга урар эдилар.

– “П” ва “У”нинг беш юз донаси учун саккиздан беш бераман! – овоз берарди маклер – Райверсми, Каупервудми ёки бошқа биронтасими.

– Учу чоракдан беш юз! – шу нархда сотишга кўрсатма олган агент жавобан кичқирарди, у кейинроқ керакли акцияларни сотиб олиш ва олинган буюртмаларни бажариш, боз устига тафовутда нимадир ишлаб қолишга умид қиларди.

Агар шу нархдаги акциялар биржада кўп бўлса, харидор, дейлик Райверс, ўзининг “саккиздан беш”ида тураверарди. Бирок уни қизиқтирувчи қоғозларга талаб ўсаётганини кўриб, у уларга “тўртдан уч” ҳам тўлаган. Борди-ю, устомон биржачилар Райверснинг у ёки бу акцияларининг катта туркумига буюртма олганига шубҳаланишса, улар олдинга чопиб ўтишга ва уларни лоақал “тўртдан уч” бўйича сотиб олиб, кейин уларнинг ўзига кичикроқ устама билан сотишга жон-жаҳдлари билан уринганлар. Бу устомонлар, албатта, сезгир рухшунос бўлганлар. Уларнинг муваффақияти Тайга ўхшаган бирорта йирик ишбилармондан вакил қилинган у ёки бу маклернинг бозорга таъсир қилиши ва унга, уларнинг таъбирича, ўз харидларини тугатишдан олдин фойда билан “ўчирилиб олиш” имконияти бериш учун хийла катта буюртмага эгами-йўқлигини пайқаш қобилиятига боғлиқ. Рақибнинг чангалидан ўлжани тортиб олиш учун бургут ана шундай хушёрлик билан пайт пойлайди.

Тўрт, беш, ўн, ўн беш, йигирма, ўттиз, қирқ, эллик нафар одам, баъзи вақтлари эса бутун бир оломон таклиф этиб ё харид қилиб, у ёки бу қоғоз кўтарилишидан фойдаланиб қолишга ҳаракат қилган, бундай ҳолларда ўзига хос ғала-ғовур кўтарилган ва шовқин қулоқни қоматга келтирар даражага етган. Айрим гуруҳлар бошқа қоғозлар олди-соттиси билан шуғулланишда давом этишган, аммо мутлоқ кўпчилик қулай пайтни қўлдан чиқармаслик учун ўзининг ҳамма ишини пухта бажариб қўйган. Беш қўлни баравар оғзига тикқан, қийматларнинг кўтарилиши ва тушишини ўз фойдасига оғдириш иштиёқида ёнган ёш маклерлар ва кларклар у ёқдан-бу ёққа чопар, шартли сонни билдирувчи бармоқларини юқорига кўтариб, жазавога тушганча қўлларини силкитар ва белгилар алмашар эди. Еттиёт бегона одамларнинг елкалари оша бурушган афтлари ва қўллари кўриниб турарди. Ҳамма қандайдир ғалати қилиқлар қиларди – бировлари билиб туриб қилса, бошқалари билмай туриб. Битта-яримтаси фойда келтирадиган нархдаги қоғозни сотиб олиш ё сотиш ниятини билдиргани ҳамон у қўллар, елкалар ва бошларнинг бутун бир гирдобига шўнғиб кетарди. Аввалига

булар бари – шу нарсаларнинг ички ва ташқи томонлари ёш Каупервудни бутунлай ўзига ром қилиб олди, чунки у оломонни, ғала-ғовурни севарди, бироқ кўп ўтмай унинг ўзи иштирок этган сахналарнинг ранг-баранглиги ва жўшқинлиги кўнглига урди ва у барча содирликларнинг ички маъносини чақишга киришди. Акцияларни сотиб олиш ва сотиш санъат, нозик маҳорат бўлиб, сал бўлмаса руҳий ҳиссиётни англатарди. Таваккаллик, мақсадли интилиш, сезгирлик – муваффақият учун мана шу нарсалар керак эди.

Бирмунча муддат ўтгандан кейин у ўзига шундай саволлар бера бошлади: Хўш, бунда энг кўп пул топадиган ким бўлиб чиқади? Маклерларми? Ҳеч ҳам унақа эмас! Тўғри, улардан айримлари ёмон пул ишламайди, аммо уларнинг барчаси – буни Фрэнк тезда англаб қолди – бамисоли ғафлатда қолган балиқни очкўзлик билан таъқиб қилганча шамол эсиб турган томондан бостириб келган оч чағалайлар ёки бўрон қушлари галасидан бошқа нарса эмас. Уларнинг ортларида бошқалар турарди – улар илоннинг ёғини ялаган, хийлакорликда тенгсиз одамлар эди. Улар – корхона ва бойликлари мана шу акцияларда мужассам бўлган йирик сармоядорлардир. Темир йўлларни лойиҳалаштирган ва қурганлар, конларни қазиганлар, тижорат корхоналари ва улкан фабрикалар яратганлар – мана шулардир. Тўғри, биржа ишлари учун улар маклерлар хизматидан фойдаланар эдилар, аммо бири бир олди ҳам, сотди ҳам фақат ёрдамчи ҳодисалар бўлиши мумкин ва шундай бўлиб келган – конлар, темир йўллар, ҳосиллар, тегирмонлар ва ҳоказола асосийси бўлиб қолаверган. Нақд маблағни тезроқ олиш мақсадида одатдаги сотув бўлмаган ёки маблағ сарфлаш мақсадида одатдаги харид бўлмаган бошқа ҳамма нарса шунчаки бежоқсиз кимор ўйини, шу билан машғул одамлар эса ўйинчилар бўлиб қолаверган. Фрэнкнинг ўзи ҳам бор-йўғи ўйинчининг агенти эди, холос. Ҳозирча у ҳали бунинг аччиқ таъмидан тогганича йўқ, аммо унинг учун жумбоқлар энди йўқ ҳисоби эди, у ўзининг кимлигини биларди. У “Уотермен ва К” да ишлаган вақтидагидек касбдош оғайнилариани хаёлан тасаввур қилишни севарди: бирлари иродаси бўш бўлса, иккинчилари нодонлар, учинчилари оқиллар, тўртинчилари эса тўпорилар бўлиб чиқарди, аммо барчалари – ожиз бандалар, чалажон одамлар бўлиб, бировлар қўлидаги агентлар, куроллар ёки ашаддий ўйинчилар эдилар. Ҳақиқий одам ҳеч қачон на агент, на бировлар ихтиёридаги итоаткор ижрочи, на ўйинни олиб борувчи ўйинчи бўлади, ўзининг ё бошқа бировнинг манфаати учун ўйнаш-ўйнамаслигининг фарқи бўлмасди; йўқ, бу тоифа одамлар уни, Фрэнкнинг хизматини қилишлари керак. Ҳақиқий одам – сармоядор – бировлар қўлида курол бўлиб қолиши мумкин эмас. Унинг ўзи шунга муносиб. У яратувчи бўлмоғи лозим. У раҳбарлик қилади.

Ўн тўққиз ё йигирма ёшида Каупервуд мана шу нарсани беш қўлда билиб олганди, аммо бу паллада у ўз билимларидан амалий хулоса чиқариш учун тўла етилиб улгурмаганди. Шундай бўлса-да, унинг ҳам вақти-соати етиб келишига у қаттиқ ишонарди.

## VII БОБ

Ажабланирлиси шунда эдики, Фрэнкнинг мистер Сэмпл хотинига бўлган қизиқиши зимдан ортиб бормоқда эди. Кунларнинг бирида уни уйларида таклиф этишганида Фрэнк бу таклифга жон-жон деб рози бўлди. Сэмпллар Каупервудлардан унча узоқ бўлмаган Фронт-стритда яшар эдилар. Жануб томонга қараган чоккина равондан дарёнинг жозибатор манзараси кўришиб турарди; юқори қаватдаги барча эшик-деразалар ярим доира шаклдаги майда ойначалар билан безатилганди. Уйнинг ички жиҳози Фрэнк ўйлагандек ҳашамдор эмасди. Гарчи мебел янги ва кўркем бўлса-да, жимжимадорликдан асар ҳам йўқ эди. Сураатларга келсак, нима ҳам дердик, бинойидек сувратлар. Китоблар бўлса, гапиришга ҳам арзимайди

– Инжил, икки-учта урф бўлган роман, бир неча машхур баёзлар ва Сэмплга мерос бўлиб қолган бир тўда эски нашрлар. Чинни буюмларга гап йўқ; бир-биридан ажойиб, нозик суратлар чекилган. Гидамлар ва гулқоғозлар ярқирок тўқ рангда бўлиб, кўзга ярқ этиб ташланади. Аммо Лилиан чинакамига нозанин эди; унга қайси томондан туриб қараманг, бирдай гўзал ва офатигон кўринарди.

Жувоннинг фарзандлари йўқ эди, аммо бунга миссис Сэмпл айбдор эмасди, у бола кўришни жуда хоҳларди. Агар қизлик давридаги ота-оналари гоҳ-гоҳ қариндош-уруғлари ва кўни-қўшниларидан айримлариникига кирди-чиқди қилиб турганларини ҳисобга олмаганда, у одамлар билан кам учрашар эди. Лилианинг икки акаси ва опаси ҳам Филадельфияда туришарди, улар оилали бўлиб кетишганди. Улар Лилианни ўзига яхши жуфтлик топиб олган, деб ҳисоблашарди.

Гарчи мистер Сэмплга бажонидил турмушга чиққан бўлса-да, у эрини ҳеч қачон чин дилдан севмаган эди. Сэмпл аёлда кучли эҳтирос уйғотишга кодир одамлар сирасидан эмасди. Ишчанлик ва ўта саришталик унинг алоҳида хусусиятлари синаларди. Унинг пойафзал дўкони мактагулик бўлиб, замонавий хилма-хил молларга лиқ тўла бўларди, дўкон ичи ёруғ ва ғоятда покиза эди. Мистер Сэмпл баъзан гапга тушиб кетганида, пойафзал ишлаб чиқариш, янги қолиплар ва андозалар тўғрисида узоқ гапирарди. Ушанда тайёр пойафзал – қисман, машинада тикилган буюмлар савдоси урфга кирганди, бироқ у буюртмага ўлчаб тикадиган косиб этикдўзлар хизматидан ҳам бўйин товламасди.

Миссис Сэмпл ахён-ахёнда бироз китоб мутолаа қилишни хуш кўрарди, бироқ кўпинча чуқур хаёлга толгандек тек ўтирарди, ҳар ҳолда унинг бу ўтириши зинҳор чуқур мутолаага берилганини билдирмасди. Лекин шундай онларда унинг ўн чиройига яна бир чирой қўшиларди, у қадимги фаришталар ҳайкалига ёки юнон ашулачилари иштирокчисига ўхшаб кетарди. Шубҳасиз, Каупервудга у худди шундай бўлиб кўринарди, зеро Фрэнк аввал-бошданок ундан сира нигоҳини узолмас, бунга қурби етмасди. Миссис Сэмпл унинг хайрат тўла нигоҳини сезиб турса-да, бироқ бунга кўпда эътибор бермасди. Азбаройи таомилга ҳурматию ҳаёти эрининг тақдири билан абадий боғлиқлигига ишонганидан у тинч ва беғалва ҳаёт гаштини сурарди.

Фрэнк уларникига кела бошлаган дастлабки вақтларда Лилиан у билан нима ҳақда гаплашишни билмасди. Лилиан меҳмонни очик чехра билан қарши оларди, аммо суҳбат юки бутунлай эрининг гарданига тушарди. Каупервуд дам сайин миссис Сэмплга қарар, унинг чехрасидаги ифодани кузатарди ва агар жувон озгина фаросатли бўлганида бунинг замирида нима ётганини англаган бўларди. Яхшиямки, у фаросатли эмасди. Мистер Сэмпл меҳмон билан лутф ила суҳбатлашарди, бунинг сабаби, биринчидан, ёш Каупервуд сармоядорлик бобида хиёл кўпроқ сўзлабди, одоб сақларди ва мулойим эди, иккинчидан эса мистер Сэмпл ўз бойлиги билан мактанишни яхши кўрарди, Фрэнк эса унинг назаридан молиявий муваффақият тимсоли бўлиб кўринарди. Баҳор оқшомларидан бирида уювлон айвонда ўтириб, у ёқ-бу ёқдан, яъники негрлар масаласи ҳақида, конка ва яқинда авж олган молиявий ваҳима ҳақида (бу 1857 йилда бўлганди) ҳамда Фарбнинг тез ривожланиб бораётгани ҳақида гап сотар эдилар. Мистер Сэмпл жамғарма биржа тўғрисида батафсилроқ билгиси келарди, Фрэнк эса, ўз томонидан, унинг пойафзал борасидаги ишлари ҳақида суриштирарди, ҳолбуки сирасини айтганда, бундай нарсаларга у заррача қизикмасди. Суҳбат асносида у зимдан миссис Сэмплни кузатиб борди. Ўзини қанчалик дилбар, қувноқ ва мафтункор тутади-я, ўйларди Фрэнк. Жувон унга печенье билан чой тутди. Бироздан сўнг чивинлардан қочиб, барчалари ичкарига киришди. Миссис Сэмпл роялга ўтирди. Соат ўнда Фрэнк хайрлашиб, чиқиб кетди.

Шу оқшомдан кейин ёш Каупервуд бир ё бир ярим йил мистер Сэмплдан

ўзига пойафзал олиб юрди, гоҳида эса бир-икки оғиз гап сотгани Честнат Стритдаги дўконга шунчаки бир кириб ўтар эди. Бир куни Сэмров ундан Бешинчи ва Олтинчи кўчаларнинг шаҳардан рухсат олишга улгурган конка йўлининг акцияларини сотиб олса, қалай бўларкин, деб сўради – бу воқеа биржада катта шов-шувга сабаб бўлганди-да. Каупервуд унга ўз мулохазаларини баён этди. Бу, шубҳасиз, фойда келтирадиган иш эди. Унинг ўзи беш доллардан юзта акция сотиб олганди ва Сэмпл ҳам ундан ўрнак олишни астойдил маслаҳат берди. Аслида бу одам Фрэнкка мутлақо бефарқ қарарди, бироқ гарчи у миссис Сэмплни кам кўрса-да, жувон унга ҳамон ёқарди.

Тахминан бир йилдан сўнг мистер Сэмпл дунёдан ўтди. Бу бевақт ўлим тасодифан рўй берди. Кеч кузда у шамоллаб қолди, киши оёғини нам тортириб қўйганида ёки рутубатли ҳавода пальтосиз кўчага чиққанида содир бўладиган оддий касаллик. Хотини, қўйинг, борманг, деганига қарамай, у барибир дўконга йўл олди. Ювош ва босиқ кўрингани билан у ўзига етганча қайсар ҳам эди ва ўз ишини деб жонини жабборга берарди. Яқин келажакда эллик минг доллар эгаси бўлай-бўлай деб турганди ўз кўнглида. Бирдан ўпкаси шамоллаб, тўққиз кун кўрпа-тўшак қилиб ётдию у дунёга кетдворди. Пойафзал дўкони бир неча кунгача очилмади, уйдан таъзиячилар ва черковдагиларнинг кети узилмади. Кейин Кэллоухил пресвитер черковида видолашув маросими бўлди (эр-хотин Сэмпллар бу ерга келиб туришарди) ва майит тупроққа қўйилди. Миссис Сэмпл аччиқ-аччиқ йиғлади. Оёғи остидан чиққан ўлим уни қаттиқ ларзага солди ва анча вақтгача ўзига келолмай юрди. Ақаси Дэвид Уиггин вақтинча ишларни ўз қўлига олди. Марҳум васият ёзиб қолдирмаганди, бироқ мерос ҳақидаги масала ҳал бўлгач ва пойафзал дўкони сотилиб кетгач, миссис Сэмпл ўн саккиз минг доллардан кўпроқ маблағ олди, зеро, ҳеч ким унинг барча мулкка сўзсиз эгалик қилишига монелик кўрсатмади. У ўша Фронт-стритда яшаб қолаверди ва “ғалати бева” деган ном ордирди.

Мана шу воқеалар вақтида эндигина йигирма ёшга кирган ёш Каупервуд ўзини анча фаол тутди. Мистер Сэмпл касал бўлиб ётганида у тез-тез келиб ҳолидан хабар олиб турди. Дафн маросимида қатнашди. Пойафзал ишини бир ёқлик қилишда миссис Сэмплнинг ақасига ёрдамлашди, дафн маросимидан кейин у икки марта бевани келиб кўрди-ю, кейин анча вақтгача кўринмай кетди. Олти ойдан кейин у яна пайдо бўлди ва шундан кейин ҳар ҳафта ўн кунда Лилианни кўргани келиб турди.

Такрор айтамыз: Лилиан Сэмплда у нимани топганини айтиш қийин эди. Балки унинг чиройли, оппоқ юзи уни ўзига мафтун этгандир, ё бўлмаса жувоннинг бефарқлиги унинг жўшқин табиатига олов ташлагандир. Жувонни бу қадар қаттиқ ва юракдан ёқтириб қолганини унинг ўзи ҳам тушунтириб беролмаса керак. У Лилианни ўйласа, тинчини йўкотарди ва у тўғрида деярли гапирмасди. Унинг Лилианнинг олдига келиб туришини оиладагилар билар эдилар, аммо Каупервудлар бу вақтга келиб, Фрэнкнинг ички қудрати ва ақлига тан бериб бўлган эдилар. У хушчакчак, оккўнгил, кўпинча кувноқ юрарди, унча кўп гапирмасди. У энди пул ишлаб топаётганини ҳамма биларди. У ҳафтасига эллик доллар маош олар ва маоши бундан кейин ҳам ошишига барча асослар бор эди. Филадельфиянинг ғарбий қисмида уч йил аввал сотиб олган бир нечта томорқалик ернинг нархи анча кўтарилган эди. Унинг конка йўлларига сарфлари яннгитдан ташкил этилган компанияларнинг у сотиб олган эллик, юз ва бир юз эллик долларлик акциялар шарофати билан кўпайди; қийин вақтга қарамай, бу қоғозлар секин, аммо бир текис кўтарилиб борарди ва дастлабки беш долларлик қийматда энди ўн, ўн беш ва йигирма беш деб баҳоланар эди, вақти келиб эса улар паритет гача бориб етиши керак эди. Молия доираларида Фрэнкни яхши кўришарди, келажак унинг кўз ўнгида

<sup>1</sup> Паритет – “Тенглик” сўзидан олинган бўлиб, турли мамлакатлар пуллари ўртасидаги олтин билан тенглик нисбатини англатади.



рангли бўёқларда жимжима қиларди. Катталардай мушоҳада юритиб, у етук биржа ўйинчиси бўлмасликка қарор қилди. Энди у ҳисоб-вексель иши ҳақида, унинг қузатувларига кўра, ҳеч қанақанги таваккалдан холи нақд маблағни ўйлай бошлаганди. Ўз иши ва отасининг алоқалари туфайли Фрэнк кўплаб тужжорлар, банк арбоблари ва улгуржи савдогарлар билан учрашар эди. Улар ўз ишларини ёки лоақал ишларининг бир қисмини унга жон-жон деб топширишларини у биларди. “Дрексель ва К” ва “Кларк ва К” идораларида унга ғоят тақаллуф билан муносабатда бўлар эдилар, чарақлаб чиқиб келаётган банк қуёши Жей Кук эса унинг дўсти эди.

Фрэнк ҳамон миссис Сэмплинига келиб туришни қанда қилмаганди ва униқанда тез-тез бўлиб тургани сайин жувон унга кўпроқ ёқиб қолмоқда эди. Уларнинг суҳбати мароқли ва оқилона бўларди. У Лилянга шунақанги фойдали маслаҳатлар берардики, ҳатто жувоннинг қариндош-уруғлари ҳам йигитга қулоқ солишарди. Аста-секин у жувонга ёқа бошлади; одобли, вазмин ва маъқул Фрэнк Лилянга то ҳаммасини аниқ-равшан тушуниб етмагунча у ёки бу масалани куйиб-пишиб изоҳлар эди. Йигит унинг ишларини ўз ишидай қузатаётганини ва унинг моддий фаровонлигини мустаҳкамлашга ҳаракат қилаётганини жувон ўз кўзи билан кўриб турарди.

– Қандай яхши одамсиз, Фрэнк, – деди бир куни унга Лилян. – Сиздан жуда ҳам миннатдорман. Сиз бўлмаганингизда нима қилишни билмасдим, рости.

Шундай дея у йигитнинг болаларча маъсумлик билан қараб турган чиройли юзига қараб кўйди.

– Кўйсангиз-чи, нималар деяпсиз! Менга шу нарса ёқади. Агар сизга ёрдамим тегмаса, мен нима деган одам бўлардим.

Йигитнинг кўзлари ёнмади, аммо қандайдир майин, илиқ нур йилт этгандай бўлди. Миссис Сэмплининг юраги тўлиқиб кетди: яхшиямки ёнида суянса бўладиган мана бундай одам бор.

– Нима бўлганда ҳам сиздан чин дилдан миннатдорман. Сиз менга кўп яхшиликлар қилдингиз. Яна келинг, яшанбадами ёки истаган куни оқшомдами. Мен уйда бўламан.

Фрэнк миссис Сэмплинига танда кўйиб юрган айни шу кунларда тоғаси Сенек дунёдан ўтиб қолди. Ундан ўн беш минг доллар пул қолганди. Шу пуллар билан биргаликда Фрэнкнинг бисотидаги маблағ энди йигирма беш минг долларга етганди ва улардан қандай фойдаланишни у жуда яхши биларди. Мистер Сенеканинг ўлимидан кейин кўп ўтмаёқ молия оламини ваҳима чулғади, у Фрэнкка маклерлик иши нечоғли ярамас иш эканлигини шундоқ кўрсатди-қўйди. Саноат оламида эса қаттиқ турғунлик бошланди. Эркин пуллар сийрак тортиб қолди, бутунлай ғойиб бўлди, деса ҳам бўлади. Издан чиққан савдодан ва мамлакатдаги умумий пул аҳволдан кўрқиб кетган сармоя яширин жойлар – банклар, тағхоналар, пайпоқлар ва йиғма идишларнинг энг тагига кириб кетганди. Мамлакат жарга учиб тушаётгандек бўлиб кўринмоқда эди. Олдинда эса Жануб билан уруш очилиши ёки унинг бутунлай тўкилиб тушиши кутилди. Асабий зўриқиш бутун миллатни қамраб олганди. Одамлар барча бойлигини бозорга чиқариб кўймоқда эди, ишқилиб нақд пул топишса бўлгани эди. Тай ўз идорасидан уч хизматчини ишдан бўшатиб юборди. У иложи бўлган ҳар нарсадан тежашга ҳаракат қилар ва барча шахсий омонатларни муомалага кўяр эди, ишқилиб, қоғозга қўйилган сармоясини сақлаб қолса бўлгани. У уйи ва томорқалик ери – хулласи калом, ўзидаги бор нарсаларни гаровга қўйиб юборди. Ёш Каупервуд бир неча марта унга даллолчилик қилди ва эвазига қўлдан келганча наказ олиш шарти билан акциялар боғламларини турли банкларга элтиб юрди.

– Билинг-чи, отангизнинг банки мана бунга ўн беш минг доллар қарз берармикан, – деди у бир куни Фрэнкка, “Филадельфия ва Уиллингтон” акцияларининг қалин боғламини олар экан.

Фрэнк бир маҳаллар отаси уларни ғоят салмоқдор деб атаганини эслади.

– Сирасини айтганда, бу жуда яхши қоғозлар, – иккиланибгина деди отаси акцияларни кўриб. – Тўғрироғи, улар бошқа ҳар қандай вақтда асқотиб қолиши мумкин. Аммо ҳозир нақд пулнинг аҳволи чатоқ. Биз ўз мажбуриятларимизни жуда қийинчилик билан тўлаб турибмиз. Дарвоқе, мен мистер Кугель билан гаплашиб кўрай-чи (Кугель банк бошқармаси раиси эди).

Узоқ кутишга, узоқ суҳбатлар қилишга кутишга тўғри келди. Охири ота Каупервуд қайтиб келди-да, Фрэнкка улар бундай ҳамкорлик олиб боришга қодир эмасликларини маълум қилди. Пулга бўлган талабни ҳисобга олганда, ўша вақтда белгиланган дисконт – саккиз фоиз ҳаддан ташқари бефойда шартлар экан. Мистер Кугель рози бўлган тақдирда ҳам ўн фоизли ҳисобдан онкол қарзига<sup>1</sup> рози бўлар экан. Фрэнк ўз ваколатнома берувчиси олдига қайтиб келди, бу гапни эшитиб, ваколат берувчининг тепа сочи тикка бўлди.

– Бу қандай гап, жин урсин, – ғазаб билан деди у, – наҳотки бутун шаҳарда пул қолмаган бўлса? Ахир бундай фоизлар одамни хонавайрон қилади-ку! Мен бунга чидолмайман. Ҳа, майли. Бу акцияларни қайта олиб боринг-да, менга пулларни олиб келинг. Аммо бу ҳеч нарсага ярамайди, ҳеч нарсага ярамайди.

Фрэнк тагин банкка йўл олди.

– Мистер Тай ўн фоизга рози, – хотиржам оҳангда деди у.

Тайга бетўхтов фойдаланиш ҳуқуқи билан ўн беш минг долларга кредит очилди ва у ўша заҳоти барча пулни у ердаги “тиркиш”ни бекитиш учун Жирард миллий банкка ўтказди. Шундан иш жўнашиб кетди.

Ёш Каупервуд эса мамлакатнинг тобора оғирлашиб бораётган молиявий аҳволини қизиқиш билан кузатиб борарди. Қулдорлик муаммоси, Жанубий штатларнинг чўкиб қолиши ҳақидаги суҳбатлар, мамлакат фаровонлигининг умумий кўтарилиши ёки инқирозга учраши уни бу нарсалар унинг манфаатларига бевосита дахл қиладиган даражада ташвишга соларди. У ҳақиқий сармоядор бўлишга ҳаракат қилмоқда, аммо энди биржа иши билан четдан туриб танишиб олгач, биржачи бўлиш хоҳишига шубҳа билан қарай бошлаганди. Мана бу ваҳима юзага келтирган шароитлардаги биржа ўйини фавқулодда таваккал билан чағитиш кетганди. Кўплаб маклерлар хонавайрон бўлди. Улар мистер Тайнинг олдига чопганларида ва ундан уларнинг у ёки бу талабномаларини бекор қилишни сўраганларида шўрлик уларнинг аянчли чехраларини мириқиб томоша қилди. Ҳатто уйда ҳам зиғирча ҳаловатимиз йўқ, дер эди улар. Уларни муқаррар халокат кутмоқда, хотин, бола-чақалари кўчада қолади.

Бу ваҳима, ҳар ҳолда Фрэнкка қўл келди – у астойдил шуғулланмоқчи бўлган нарсасини аниқлаб олди. Энди унинг бисотида эркин маблағлар бор, у мустақил равишда иш кўра бошлайди. Ҳатто мистер Тайнинг унга кичик шерик бўлиш ҳақидаги таклифи ҳам Фрэнкни йўлдан чалғитолмади.

– Сизда ажойиб иш бор деб биламан, – деди у ўз эътирозини изоҳлар экан, – аммо мен ўз ҳисоб-вакель идорамни очмоқчиман. Биржа ўйинига ишониб бўлмайди. Кичиккина бўлса-да, ўз ишимни дунёдаги барча биржалардан афзал кўраман.

– Ҳали она сути оғзидан кетмаган ёш боласиз, Фрэнк, – эътироз билдирди. – Мустақил фаолият учун олдингизда бир дунё вақт бор.

Пировардида у Тай билан ҳам, Райверс билан ҳам дўстона хайрлашди.

– Болақайнинг турган-битгани ақл! – афсус билан деди Тай.

– Айтганини қилмай қўймайди! – тасдиқлади Райверс. – Бундай қобилиятли болани умримда кўрмаганман.

<sup>1</sup> Яъни, агар олинган пул дастлабки талаб бўйича тўланмаса, банк ўз ихтиёри билан сотиш ҳуқуқига эга бўлган фоизли қоғозлар гарови остида дегани.

## VIII БОБ

Дунё Каупервуднинг кўзига кизил рангда кўринарди. У ошиқ бўлиб қолганди ва ўз ишини бошлаш учун бисотида пули ҳам бор эди. Конка темир йўлларнинг нархи тобора ортиб бораётган ўз акциялари остида у уларнинг қиймат баҳосининг етмиш фоизини ола оларди. Зарурат туғилганда яна томорқа ерини гаровга кўйиши ва шу тариха мўмайгина пул топиши мумкин эди. У Жирард банки билан алоқаларни йўлга солиб олганди, – Фрэнк директор мистер Девисон хузурига йўл олди ва вақти келиб у менга кредит беради деб ҳисобларди. Фақат маблағни тез ишга тушиб кетадиган ва безарар фойдаланса бўладиган қилиб жойлаштиришгина қолганди. Фрэнкнинг фикрича, ҳамон тармоқланиб бораётган конка темир йўллари ажойиб фойда келтириши керак эди.

Бу вақтга келиб Фрэнк ҳеч жойдан кидириб топиб бўлмайдиган от ва арава сотиб олди – бу нарса унга эллик долларга тушди, – ва миссис Сэмплини у билан бирга сайр қилишга таклиф этди. Жувон аввалига кўнмади, бироқ кейин рози бўлди. У аёлга ўз муваффақиятлари, режалари, унга осмондан тушгандай келиб қолган ўн беш минг доллар ва ниҳоят, ўзининг ҳисоб-вексель иши билан шуғулланиш нияти ҳақида сўзлаб берди. Миссис Сэмпл йигитнинг отасини келажакда Учинчи миллий банк вице-директори лавозими кутаётганини биларди ва боз устига Каупервудлар, умуман, унга ёқарди. Фрэнкнинг унга бўлган муносабатини шунчаки дўстлик деб аташ мумкин эмаслигини ҳам у англай бошлаганди. Кечаги болакай бугун эркакка айланган ва у йигитчага мойил бўлиб қолганди. Бу унга деярли кулгили туюлмоқда эди. Жувон ундан катта, бева, тинч, яқранг, яқнасақ хаёғ кечирмоқда эди. Аммо бу йигитчанинг оғзидан бол томиб изҳор этган қайсарона, вазмин дил изҳори уни ҳеч қанақанги шарт билан йўлдан қайтара олмаслигини билдириб турарди.

Каупервуд ўзини алдамаётганди ва жувонга бўлган муносабатини ҳавойи деб ўйламасди. Сулув Лилян жисму жон билан уни ўзига ром қилиб олганди. Биронта ҳам бошқа аёл уни ўзига бунчалик маҳлиё қилолмаганди. Бунинг устига энди бошқа аёлларга қизиқиши мумкин ёки лозим деган ўйнинг ҳаёлига ҳам келмасди. Оила муқаддаслиги ҳақидаги сафсатани у аллақачон миясидан чиқариб ташлаганди. Миссис Сэмплининг пулларига у тамаъ билан қарамади, бироқ жувоннинг ўз маблағи борлигини билган ҳолда шунга ишончи комил эдики, жувоннинг фойдаси учунгина шу пулларни у муомалага киритишга муваффақ бўлажак. Фрэнк аёлни ўзиники қилиб олишни интизорлик билан кутар ва ораларида бўладиган фарзандлар ҳақида ғурур билан ўйлар эди. Уни беғараз муҳаббат ила севишга жувонни уната олармикан, унинг кўнглидан олдинги ҳаёти ҳақидаги хотираларини қувиб чиқариб олармикан – йигит шуларни жуда-жуда билгиси келарди. Ғалати манманлик! Ҳатто ғалати бузуклик дейиш ҳам мумкин.

Барча ҳадик ва шубҳаларга қарамай, Лилян Сэмпл Фрэнкнинг хушомадлари ва ғамхўрликларини қабул қиларди, зеро ўзи ҳам беихтиёр унга интиларди. Бир куни тунда ухлашга ёта туриб, у пардоз столи олдида борди ва тошойнада юзи, яланғоч елка ва қўлларига разм солди. Қанчалик гўзал у! Узун, кулранг сочларига разм солганида уни қандайдир ҳаяжон камради. У ёш Каупервудни ҳаёлига келтирди, бироқ унинг кўз ўнгида дарҳол марҳум Сэмплининг қиёфаси намоён бўлди, – жувоннинг бадани жимираб кетди ва одамлар орасида қанақанги гап-сўзлар бўлишини тасаввур қилиб, уятдан ерга кираёзди.

– Меникига тез-тез келадиган бўлиб қолдингиз, нега? – сўради у навбатдаги оқшомда уникига келган Фрэнкдан.

– Наҳотки ўзингиз билмасангиз? – ғудранди Фрэнк, ҳаммасини нигоҳи билан аңлатмоқчи бўлган каби.

– Йўк!

- Ростдан билмайсизми?  
 – Нима десам экан... Билганим шуки, сиз мистер Сэмплининг ва унинг хотини, менинг олдимга келар эдингиз. Аммо мистер Сэмпл энди йўқ.  
 – Аммо сиз борсиз-ку, – жавоб берди йигит.  
 – Мен?  
 – Ҳа. Сиз менга ёқасиз ҳам. Сиз билан ўзимни яхши ҳис этаман. Сиз-чи, ўзингизни бундай ҳис этмайсизми?  
 – Рости, мен ҳеч қачон бу ҳақида ўйламаганман. Сиз мендан анча ёшсиз. Ахир орамиздаги фарқ беш ёш.  
 – Ёшимизда фарқ бор, – деди Фрэнк, – аммо бунинг аҳамияти йўқ. Бошқа ҳамма нарсада ҳаётни сиздан кўра яхшироқ биламан. Ўзингиз ҳам бунга шубҳа қилмасиз? – кўшиб қўйди у майин, қатъий оҳангда.  
 – Ҳа, бу тўғри. Бироқ мен ҳам сиз билмаган кўп нарсаларни биламан, – дея ўзининг чиройли тишларини кўрсатиб, аёл аста кулиб қўйди.  
 Қош қорайиб қолганди. Улар пешайвонда ўтиришарди. Пастда дарё сокин оқарди.  
 – Эҳтимол, – деди Фрэнк, – чунки сиз аёлсиз. Эрак ҳеч қачон аёлнинг нуктаи назарида тура олмайди. Мен эсам ҳаётнинг амалий жиҳати тўғрисида гапиргандим, шу маънода мен сиздан каттаман.  
 – Катта бўлсангиз-чи?  
 – Ҳеч нима. Сиз олдингизга нега келиб турганимни сўрадингиз, мана мен жавоб бердим. Қисман, албатта.  
 Йигит жим бўлиб қолди ва нигоҳини дарёга қаратди.  
 Миссис Сэмпл кўзини кўтариб меҳмонга қаради. Йилдан-йилга тўлишиб бораётган унинг чиройли қад-қомати энди ажабтовур эрак қиёфасига кирганди. Катта-катта, тиниқ кўзлари билан қараганда, унинг чехраси қандайдир болалардек маъсум кўриниб кетарди. Бу кўзлар тубида нелар яшириниб ётганини жувон билолмади. Йигитнинг юзи қип-қизил, қўллари унча катта эмас, аммо мушакдор ва кучли эди. Жувоннинг нозик, нимжон вужуди ҳатто узоқдан туриб ҳам йигитдан чиқаётган қувватни ўзига тортиб олаётганга ўхшарди.  
 – Менимча, бунақа тез-тез келмаганингиз маъқул. Одамлар ёмон ҳаёлларга бориши мумкин.  
 У кўхлик аёллардай, дастлаб танишган пайтлардаги вазмин оҳангда гапиришга қарор қилди.  
 – Одамлар? – такрорлади Фрэнк. – Бу ёғидан хотиржам бўлинг. Одамлар биз тўғримизда уларга уқдирмоқчи бўлган нарсаларимизни ўйлашади. Мен билан бундай қуруқ гаплашаётганингиз менга ёқмаяпти.  
 – Нима учун?  
 – Чунки, мен сизни севаман.  
 – Аммо сиз мени севмаслигингиз керак. Бу яхши эмас. Ахир мен сизга турмушга чиқолмайман-ку. Сиз навжувонсиз, мен эсам қариман.  
 – Етар! – қатъий тарзда деди Фрэнк. – Бу нима бемазагарчилик! Сиз хотиним бўлишингизни истайман. Сиз буни биласиз ҳам. Яхшиси, айтинг, қачон турмуш қураимиз?  
 – Нималар деяпсиз ўзи? – деди жувон. – Умримда бунақа гапларни эшитмагандим. Бундай бўлиши мумкин эмас.  
 – Нима учун? – сўради Фрэнк.  
 – Чунки, чунки мен сиздан каттаман. Бу ҳаммага ғалати кўриниши мумкин. Бева қолганимга ҳам кўп бўлгани йўқ.  
 – Оббо, кўп бўлгани, оз бўлгани – бунинг нима аҳамияти бор! – ғижиниб деди йигит. – Сиздаги менга ёқмайдиган яккаю ягона нарса бу қачон қарамай: “Одамлар нима дейди?” – деб турганингиз. “Одамлар” ҳаётингизни тиклаб бермайдилар-ку. Меникини бўлса-ку, унга сайин. Энг аввал ўзингиз ҳақингизда ўйланг. Сиз ҳаётингизни ўзингиз тиклашингиз керак. Наҳотки сиз билан сизнинг хоҳишингиз ўртасида бошқаларнинг

нималарни ўйлашига йўл қўйиб берсангиз?

– Менда айна шу хоҳиш йўқ-да, – жилмайиб йигитнинг гапини бўлди Лилиан.

Фрэнк ўрнидан турди, аёлга яқин келди ва унинг кўзларига тикилди.

– Нима бўлди? – ҳаяжон ичида ва хиёл истехзоли оҳангда сўради Лилиан.

Йигит унга қараб тураверди.

– Нима бўлди деяпман? – такрорлади жувон тобора ўзини йўқотиб.

Уни кучмоқчи бўлиб, йигит эгилди, бироқ жувон ўрнидан турди.

– Йўқ, менга яқинлашманг! – ёлвориб деди Лилиан. – Мен ҳозир ичкарига кириб кетаман-да, сизни бошқа даргоҳимга йўлатмайман. Бу даҳшат! Сиз ақдан озибиз! Мени тинч қўйинг.

Жувоннинг азбаройи жиддийлик билан айтган сўзлари Фрэнкни бўйсунтиришга мажбур этди. Бироқ шу оқшомгагина, холос. Йигит тинмай келаверди. Бир куни чивиндан қочиб хонага киришди ва миссис Сэмпл яна унга, бошқа келманг, деб ялина бошлади, менга хушомад қилаётганигизни кўриб қолишса, шарманда бўламан, деди, Фрэнк эса аёлнинг ҳарчанд қаршилиқ кўрсатганига қарамай, шартта уни кучоклаб олди.

– Бу нима қилганингиз, бу нима қилганингиз! Бас қилинг! – деди жувон. – Ахир айтдим-ку сизга! Бу қанақа беодоблик! Упманг деяпман сизга! Вой ўлмасам!

Аёл Фрэнкнинг кучоғидан юлқиниб чиқди-да, зинадан ўз ётоғига югуриб кетди. Каупервуд аёлнинг ортидан эргашди. Миссис Сэмпл эшикни ёпмоқчи бўлганида йигит куч билан эшикни очди, ёш жувонни яна маҳкам кучоклаб олди-да, ҳавога азод кўтарди.

– Бу нима қилиқ! – қичқирди жувон. – Мен сизни танитайман ҳам, билмайман ҳам! Қўйиб юборинг деяпман мени, бўлмаса иккинчи марта бу ерга қадам босмайсиз. Қўйиб юборинг!

– Мен сизни қўйиб юбораман, эркатойим. Мен ўзим сизни пастга тушириб қўяман, – жавоб берди йигит, уни ўзига тортиб ва унинг юзидан чўлп-чўлп ўпа кетди.

Йигит хаддан ташқари жазавага тушган ва сира ўзини босолмаётган эди.

Лилиан юлқиниб чиқиш ва қаршилиқ кўрсатишда давом этишига қарамай, Фрэнк уни пастга меҳмонхонага кўтариб кирди-да, ўша-ўша маҳкам кучоклаганча каттақон ўриндикка чўкди.

– Оҳ! – хўрсинди жувон ва унинг қўйиб юбормаслигини англаб, ночор бошини унинг елкасига қўйди. Кейин, Фрэнкнинг юзида жиддий қатъиятни кўриб ва унинг жозиба кучини ҳис этиб, у жилмайди.

– Борди-ю, сизга турмушга чиқсам, – хорғин оҳангда деди у, – нима деган одам бўламан? Отангиз, онангиз нима дейишади?

– Сизнинг ҳеч нарса дейишингизга ҳожат йўқ. Бунини мен ҳал қиламан. Ҳаяжонланишнинг ҳам кераги йўқ. Қариндошларим ҳеч нарса демайди.

– Менинг оилам-чи? – титраганча деди аёл.

– Уларнинг нима иши бор? Мен сизнинг оилангизга эмас, сизга уйланаман. Биз иккаламиз моддий жиҳатдан мустақилмиз.

Аёл янги-янги эътирозлар билдира бошлади, бироқ Фрэнк уларга янги ўпичлар билан жавоб қайтарарди. Унинг эркалашларига бўйсунмаслик мумкин эмасди. Мистер Сэмпл ҳеч қачон бундай оташин тарзда муҳаббат изҳор этмаган эди. Фрэнк жувонда илгари у билмаган ҳисларни уйғотиб юборганди. Жувон ҳам кўркув, ҳам уятдан ёнмоқда эди.

– Хўш, шундай қилиб, бир ойдан кейин турмуш қурамыз-а? – жувон жим бўлганда шодон сўради йигит.

– Бу мумкин эмаслигини биласиз-ку! – энгашиб деди Лилиан. – Нега ҳадеб кистайверасиз! Бу ҳақда гапирмайлик бошқа.

– Қачонлиги барибир эмасми? Эртами ё кечми, сен менинг хотиним бўласан.

Бошқа, янги муҳитда у қанчалик мафтункор бўлишини Фрэнк кўз олдига

келтириб бўлганди. На у, на унинг оиласи яшашни билар эди.

– Бир ойдан кейин сира иложи йўқ. Кутиш керак. Сиз ростдан ҳам шуни хоҳлаганингизга амин бўлганингизда мен сизга турмушга чиқаман.

Фрэнк уни бағрига маҳкам босди.

– Мен буни исботлайман сенга, – шивирлади йигит.

– Бас қилинг. Хамма ёғимни оғритиб юбордингиз.

– Хўш, қачон бўлмаса? Икки ойдан кейинми?

– Йўқ. Йўқ.

– Уч ойдан кейинми?

– Балки.

– Гап битта. Сен менинг хотиним бўласан.

– Аммо сен ҳали ёш боласан-ку.

– Бу ёғидан хотиржам бўл. Қанақа ёш бола эканимни биласан ҳали.

Жувонга янги очилган олам бўлиб кўринди ва ҳеч қачон ҳали одамлардай яшамаганини англади. Бу одамда шундай бир куч мужассам, унинг олдида шундай уфқлар очилмоқда эдики, эри буларни хаёлига ҳам келтирмасди. Ёш бўлишига қарамай йигитча ҳам кўрқинчли, ҳам ботир эди.

– Бўпти, уч ойдан кейин бўла қолсин, – шивирлади аёл, йигит уни аста-аста аллалар экан.

## IX БОБ

Каупервуд ўзининг ҳисоб-вексель ишини Учинчи кўчадаги олтмиш тўртинчи уйда чоккина идора очишдан бошлади ва кўп ўтмай унинг олдинги яхши йўлга қўйган иш билан боғлиқ алоқалар кўчада қолганига ишонч ҳосил қилиб, боши кўкка етди. У тахминича нақд пулга муҳтож бирорта фирмага мурожаат қилар ва ё унинг векселини инобатга олишни, ё воситачилик асосида ўзига олишни, йигитга олти фоиздан чиқаришни, истаган ҳар қандай мажбуриятларни тарқатишни таклиф этар эди; кейин у бу қоғозларни пулларини ишончли ишга қўйиш учун пайт пойлаган мижозга унча катта бўлмаган устама билан сотар эди. Отаси ёки танишларидан битта-яримтаси вақти-вақти билан унга қандай иш тутиш кераклигини айтиб турарди. Мана шундай иккиёқлама битимларда у одатда тўрт-беш фоиздан фойда кўрар эди. Дастлабки йилдаёқ барча устама харажатлари ҳисобдан чиқариб ташлаганда, унинг бисотига нақд олти минг доллар келиб тушганди. Бу жуда ҳам кўп эмасди, албатта, бироқ Фрэнк бу даромадни келажакда, унинг ўйлашича, катта фойда келтириши мумкин бўлган бошқа йўл билан қўпайтиришга ҳаракат қиларди.

Фронт-стритдан биринчи, ҳали унчалик шошиб юрмайдиган конка ўтгунига қадар Филадельфия кўчалари тош йўлдан гумбурлаб юрувчи юзлаб рессорасиз омнибусларга тўлиб кетганди. Бироқ энди Нью-Йоркда, Жон Стефенгоннинг ғояси бўйича, икки изли йўл ётқизилганди ва аввал-бошиданоқ ажойиб даромад келтирган Бешинчи ва Олтинчи кўчалардаги излардан ташқари (вагонлар бир кўчадан бир томонга қараб ва иккинчи кўчадан тесқари томонга қараб юрар эди) кўплаб янги излар ё лойиҳалаштирилган ёки фойдаланишга топширилган эди. Илгари каналларни темир йўлларга алмаштиришга шошилганидек, шаҳар омнибусларни конкага алмаштиришга шошиларди. Баъзи бир одамлар, албатта, бу янгиликларга қаршилик кўрсатарди. Бундай ҳолларда қаршилик кўрсатишни истисно қилиб бўлмасди ҳам. Яккаҳоқимлик ҳақида айюҳаннос сола бошлашганди. Хонавайрон бўлган омнибус эгалари ва ишсиз қолган ҳайдовчилар овозларини баралла қўйиб сўқинар эдилар.

Каупервуд конка темир йўлларининг истиқболига қаттиқ ишонарди. Шу ишонч уни таваккал қилишга ва барча эркин пулларни янги конка темир йўллари компаниялари чиқараётган акцияларга қўйишга ундарди. У ҳар доим ишнинг теварак-атрофидаги шароитлардан воқиф бўлишга интиларди, аммо бу гал бундай қилиш осон бўлмади, дастлабки излар ётқизиляётганда

Фрэнк хали жуда ёш эди ва унча мохиятнинг ўзига ёриб кириш имконини бериши мумкин бўлган сармоядорлар даврасида дурустгина алоқаларга эга эмас эди. Бешинчи ва Олтинчи кўчаларнинг яқинда ишга туширилган изи кунига олти юз доллар даромад келтираётганди. Филадельфиянинг ғарбий қисмида янги из ва Иккинчи ва Учтинчи кўчалардан, Релс ва Вайн, Спрус ва Пайн, Уран ва Катс, Унинчи ва Ун биринчи кўчалардан ўтиши керак бўлган яна бир қанча излар лойиҳалаштиримокда эди. Бу изларни куриш ва молиялаштириш штатнинг қонун йиғилишида алоқалари бўлган ва жамоатчиликнинг қаттиқ норозилигига қарамай рухсат олишга муваффақ бўлган кудратли сармоядорларнинг қўлида эди. Дам-бадам порахўрликда айбловлар кулоққа чалинар эди. Шахар кўчалари – бебаҳо худудлиги ва шахар темир йўл компанияларига бир милига минг доллардан солиқ солиш лозимлиги кўрсатиб ўтиларди. Бирок асосий корчалонлар тўғри ва нотўғри йўллар билан керакли имтиёзларни олишга муваффақ бўлган эдилар ва Бешинчи ва Олтинчи кўчалардаги излардан тушаётган даромадлар ҳақида эшитиб, қўпчилик одамлар акцияларни сотиб олишга шошилдилар. Улар ичида Каупервуд ҳам бор эди; Иккинчи ва Учтинчи кўчаларда янги излар ётқизилиши ҳақидаги хабар пайдо бўлиши билан у пулларни мана шу корхонага қўйди, бирмунча кейинроқ Уолнат ва Честнат кўчаларидаги изларга ҳам навбат келди. Фрэнк мана шундай изларнинг эгаси бўлишни мўлжаллай бошлади, аммо бу орзунинг ушалишига олиб борадиган аниқ йўлни у ҳозирча кўрмаётганди: унинг идораси хали Сармоядор Эльдорадаси эмас эди.

Айни шу паллаларда Фрэнкнинг миссис Сэмпл билан унаштирув маросими бўлиб ўтди. Тўй одмигина, ортиқча ғала-ғовурсиз бўлди, – Фрэнк шундай бўлишини хоҳларди, бўлажак хотини ҳамон “одамлар нима деркин” деган ваҳимадан асабийлашарди. Фрэнкнинг оиласи ўғлининг бу ишини маъқул топишмади. Лилианнинг ёши ўғиллари Фрэнкдан катта, устига-устак бева эди. Бундан ташқари Фрэнк олдида порлок истикболлар очилмокда эдики, у ўзига бундан яхшироқ жуфтликни бемалол топа оларди. Опаси Анна миссис Сэмплни етти ўлчаб бир кесадиған ва маккор аёл деб ҳисобларди, аммо бу, албатта, ундай эмасди. Ака-ука Жозеф ва Эдвардга бу ишлар ғоят мароқли туюларди, аммо кимнинг тарафини олишни тузук-курук билишмасди: нима бўлганда ҳам миссис Сэмпл яхши хотин бўлган, унинг бисотида пул ҳам бисёр эди.

Октябрнинг очик бир кунда Фрэнк ва Лилиан Кэллоухил-стритдаги Биринчи пресвитерия черкови меҳроби олдида туришарди – келин шу ерда никоҳдан ўтишни хоҳлаганди. Лилианни орқа этаги узун оппоқ каштали кўйлақда кўриб, Фрэнк ич-ичидан қониқиш ҳис этмокда эди – бундай либосни тикиш учун каштачилар неча ойлаб меҳнат қилишган бўлса, ажаб эмас. Маросимда Фрэнкнинг ота-онаси, Сенека тоғанинг беваси миссис Дэвис, Лилианнинг ака-ука ва опа-сингиллари ва бир нечта яқин танишлари иштирок этишди. Фрэнкка шугина жамоа ҳам ҳаддан ташқари кўпдек бўлиб туюлди, аммо Лилианнинг хоҳиши шундай эди. Никоҳ вақтида коп-қора сюртук кийган Фрэнк қоматини тик тутиб турди – буни ҳам келин хоҳлаганди, – бироқ маросим тугаши ҳамон тезда башанг кўчалик костюмини кийиб олди. У ўз ишларини икки ҳафтага Нью-Йорк ва Бостонга бориб келишга мўлжаллаб ташкиллаштирган эди. Кечга яқин улар поезга ўтиришди, беш соатдан кейин Нью-Йоркка етиб келишди. Одамлар орасида узок вақт ўзлари зўраки бефарқ тутиб юргандан кейин улар ниҳоят “Астор” отелидаги хонада танҳо қолишди Фрэнк хотинини кучоғига босди.

– Қандай маза, ниҳоят, биз ёлғизмиз! – деди Фрэнк.

Лилиан унинг эҳтиросига йигитни ҳар доим мана шундай ҳаяжонга солиб келган латиф бир ибто ва ҳадик билан жавоб қайтарди, аммо энди бу ҳадик Фрэнкдаги хоҳиш билан йўғрилиб кетганди. Йигитча унинг ўзини, гўзал чехрасини, силлиқ кўллари-ю, нозик қоматини томоша қилиб, сира

тўймасди. Улар тўхтовсиз гап сотар, эркаланар, шаҳар кезар, ширин-ширин таомлар тановул қилар ва манзаралардан лаззатланар эдилар. Фрэнк Нью-Йорк ва Бостоннинг молиявий марказларида бўлишга ошиқарди. Бу иккала шаҳар уни тижорат салмоғи билан ўзига тортарди. Биринчи шаҳарни кўздан кечириб, Фрэнк қачондир Филадельфия билан хайр-маъзур қиламанми, деб ўзидан ўзи сўрарди. У ерда Лилиан билан уни бекаму кўст бахт кутмоқда, кейинчалик эса, эҳтимол ёш Каупервудларнинг бутун бир зурриёдлари дунёга келар. У бор кучини аямай ишлайди ва кўп пул ишлаб топади. Ўзининг ва энди унинг ихтиёрига ўтган хотинининг маблағлари билан у тез орада ғоят бадавлат одам бўлиб қолишига умид боғларди.

## Х БОБ

Тўй саёҳатидан қайтар эканлар, улар қуршаб олган муҳит латифлиги билан миссис Каупервуд миссис Сэмплга қараганда устун туришлигини фаҳмлади. Улар жувоўнинг Фронт-стритдаги уйида вақтинчалик яшаб туришга аҳд қилишди. Ўша паллаларда уларни қамраб олган барча нафосат жозибасига бўйсунган ҳолда Фрэнк никоҳ марсимидан кейин дарҳол мебель ва уй жиҳозлари услубига, тўғрироғи “услугисизлиги”га қарши иш кўра бошлади ва уларнинг турар жойларини нафосат ва гўзаллик ҳақидаги ўз тушунчаларига, балоғатга етиш даврида табиий равишда ўзлаштирган тушунчаларига мувофиқ жиҳозлашга изн беришларини илтимос қилди. У ота-онасининг бекиёс дид билан безатилган кўплаб уйлари кўрганди. У вақтларда Филадельфия кўчаларидан яёв ёки уловда ўтганда янада маданийроқ ва гўзалроқ турмушга бўлган умумий интилишни ҳис этмаслик мумкин эмасди. Кўчаларнинг ҳар икки тарафида данғиллама ҳовли-жойлар саф тортганди. Одамлар боғ барпо этишга ружу қўйганди. Уйлар ёқалаб чаманзорлар барқ уриб турарди. Мистер Тай, мистер Ли, Артур Райверс ва бошқа таниш-билишларнинг уйларидаги жимжимадор, қимматбаҳо нарсалар бринч, мрамар, дарпардалар, сувратлар, соатлар, гиламлар киши ҳавасини келтирарди.

Фрэнк унча катта бўлмаган чиқим билан ўзининг одмигина гўшасини шинам ва мафтункор ҳовлига айлантириб олишга қарор қилди. Масалан, ҳар иккала деразаси жанубий пешайвонга очиладиган, ўт-ўлан ва дарахт-буталар қоплаган, мистер Сэмпл мулкани қўшнининг еридан ажратиб турувчи деворгача чўзилиб кетган ўтлоқзор кўриниб турадиган ошхонани янада кўркамроқ қилиб олса бўларди. Уткир учли кулранг ёғоч деворни олиб ташлаб, бута девор билан алмаштириш керак. Ошхона ва меҳмонхонани ажратиб турувчи деворни ўйиб, эшик очса ва чиройли дарпарда осиб қўйса бўлади, иккита чўзинчоқ дарча ўрнига “фонус” ўрнатиш мумкин, у ердаги ромбсимон ойнаванд, қўштавақали деразалардан ўтлоқзорни мириқиб томоша қилиш мумкин. Худо билсин, қаёқлардан тўпланиб қолган, қисман Сэмпл хонадонидан, қисман Уиггин хонадонидан мерос қолган, қисман ўзлари ҳавас қилиб сотиб олган барча эски тақир-тукурларни чиқариб ташлаш ёки сотиб, ўрнига янгиларини олиш керак. Фрэнк яқинда ўқишни энди битирган Элсуорт деган бир меъмор билан танишиб қолганди; улар дарҳол бир-бири билан тил топишиб, ишга киришиб кетишди. Уолтон ўйчан, вазмин, диди нозик, том маънодаги артистнамо киши эди. Честнат-стритда қурилган уй ҳақида гап кетганида, – Элсуорт уни “дахшат” деб атади, – улар умуман санъатни, тўғрироғи, бунақаси Америкада йўқлигини муҳокама қилишга ўтишди. Фрэнк уйни қайта тиклашга келганда у ўйлаганларини Элсуорт бошқалардан кўра дурустроқ амалга оширади, деган гапни хаёлидан ўтказди. Бу тўғрида Лилианга оғиз очганида, хотини дарҳол рози бўлди, эрининг уйни қайта таъмирлашга доир бошқа барча режаларига ҳам у бир оғиз қаршилиқ кўрсатмади.

Каупервудлар асал ойини ўтказишга жўнаб кетгандан кейин Элсуорт



таъмирга мўлжалланган уч минг долларлик тахминдан келиб чиққан холда ишга тушиб кетди. Улар қайтиб келгандан кейин уч ҳафта ўтгандагина иш ниҳоясига етди, аммо уй таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганди. Фрэнк ўйлаганидек, “фонус” ям-яшил ўтлоқзор устида осилиб турарди, ромбсимон ойнаванд деразаларга бринч илмоқлар ўрнатилганди. Меҳмонхона энди ошхонадан сурилма эшик билан ажратиб қўйилганди, унга Нормандиядаги тўй тасвири шойи дарпарда осиб мўлжалланганди. Ошхона кўхна инглиз эман мебели билан, меҳмонхона ва ётоқхона эса Чиппендель ва Шератоннинг америкача нусхаси билан жиҳозланибди. Бир неча сувбўёқ тасвирилар деворларга зеб бериб турарди, унда-мунда Хосмер ва Пауэрснинг бринчдан ясалган ҳайкал асарлари қўйиб қўйилганди. Поттернинг (бу ҳайкалтарошни хозир ҳеч ким билмайди) мрамар Венераси ва яна бир қанча, айтиш мумкинки, иккинчи даражали нарсалар хонага ажабтовур хусн бағишлаб турарди. Яланғоч Венерани кўриб, миссис Каупервед бироз хижолат тортди – бу хонага Америкада урф бўлмаган оврупоча эркинлик руҳи бериб турарди, аммо индамай кўя қолди; нима бўлганда ҳам бундай безак кўзни яшнатади-ку, бундан ташқари, жувон ўзини бу борада билимдон деб ҳисобламайди, буларнинг барини Фрэнк унга қараганда яхшироқ билади. Оқсоч ва ошпаз ёллашгандан кейин Каупервудлар унча катта бўлмаган зиёфатлар уюштира бошлашди.

Бўйнига олаҳуржун тушган ҳар қандай одам никоҳдан кейин Фрэнкда содир бўлган энг майда ўзгаришларни ҳам англайди, зеро, ўзини Гименей занжири билан боғлаган ҳар қандай одам қайсидир даражада рўзгор муҳити таъсирига тушиб қолади. Унинг феълидаги айрим хусусиятларга қараб, тахмин қилиш мумкинки, тақдири азал унга одамшаванда, мўътабаб фукаро бўлишдек толе билан сарафроз этган, Фрэнк оилавий ҳаётга боши билан шўнғиб кетганга ўхшарди. Ғала-ғовурлардан, кўчадаги шовқиндан ва ишбилармонларнинг маҳаллаларига югур-югурлардан тин олгани у кечкурунлари буюк севинч ила хотини қошига қайтарди. Уйда унинг ўзини моддий ва жисмоний фаровонлик туйғуси чулғаб оларди. Тушликка тузалган дастурхон, ёкиб қўйилган шамлар (Фрэнкнинг ғояси), яшил ёки мовий шойи қўйлаги ергача тўкилиб тушган Лилиан – унинг шу рангдаги қўйлақда бўлиши йигитга жуда ёқарди – йўғон-йўғон тарашалар чарчурс ёниб турган камин ва унга келиб ёпишган яна ўша Лилиан – булар барчаси унинг ҳали пишиб етилмаган тасаввурини асирликда сақларди. Олдин айтганимиздек, Фрэнк китобларга қизиқмасди, аммо ҳаёт, сувратлар, дов-дарахтлар, суюкли хотини билан жисмоний яқинлик уни мураккаб молиявий ўйинлар банд этганига қарамай, унинг устидан ҳукмронлик қилиб турарди. Бой, қувноқ, тўкис ҳаёт – ўзининг бутун борлиғи билан уни мафтун этганди, у мана шуларга ўч эди.

Ёшдаги тафовутга қарамай, миссис Каупервуд айна вақтда унинг учун энг муносиб дўст ҳисобланарди. Аёл Фрэнкка жуда боғланиб қолганди, эрининг ҳар бир хоҳишига “лаббай” деб турар ва у билан бирга хаёлларга берилишни севарди. Иккови ҳам фарзандли бўлишни хоҳларди ва кўп ўтмай у бу севинчли воқеани кутаётганини Фрэнкнинг қулоғига шивирлаб айтди. Илгари Лилиан зурёдсизлик сабаби менинг ўзимда деб ўйлаб юрарди, бироқ ўзининг хато қилганига амин бўлгач, у ҳам ҳайрон қолди, ҳам суюнди. Унинг рўпарасида янги уфқлар – ажойиб келажак очилди, энди бу ёғидан хавотир олмаса бўлади. Ўзининг болага айланишини ўйлаб, Фрэнк севинганидан севинди. Жажжигина Каупервудни ўйлаганда, юраги ғурурга тўларди. Кўп кунлар, ҳафталар, ойлар ва ҳатто йиллар – ҳеч бўлмаганда дастлабки тўрт-беш йилда уйга қайтиш, ҳовлида айланиб юриш, дўстларни зиёфатга чақириб туриш, хотини билан шаҳар кезиш, унга ўз режаларини тушунтириш беҳад завқ бағишларди. Хотини унинг мураккаб молиявий ўйинлари ҳақида ҳеч нарса тушунмас ва эри ҳам тушун деб қисти-бастига олмасди.

Бирок, мухаббат, Лирианнинг ажойиб бадани, унинг дудоклари, майин ҳаракатлари – булар барчасининг жозибача кучи ва тўрт йиллик турмушларидан кейин Худо берган мана бу икки фарзанд унда тўла қониқиш пайдо қиларди. У ўғилчасини, кўзининг оқу қорасини тиззаларида тебратиб, дўмбок оёқчаларини томоша қилар, чакноқ кўзларига тикилар, ғунчамонанд оғизчасидан завқланар ва боланинг қандай дунёга келиши ҳақида ўйлаб кетар эди. Миссис Каупервуд биринчи ўғлида кўз ёрганида Фрэнк оғир дақиқаларни бошидан кечирганди, буниинг биринчи сабаби – хотини ваҳимага тушиб кетгани эди. Фрэнк хотинининг гўзал баданидан хавотирда эди, уни бой беришидан гўрқарди ва бола дунёга келган куни эшик ортида турганча у, тўғриси, гарчи унча кучли бўлмаса-да, ҳақиқий ташвиш нима эканини биринчи марта англади, – буниинг учун у ҳаддан ташқари оғир-босиқ, ҳаддан ташқари ўзи билан ўзи банд эди. Бирибир ҳам хотиним ўлиб қолса нима қиламан, ҳозирги бахтли ҳаётим тамом бўлади, деган ўй уни даҳшатга соларди. Кейин эса юракни ларзага солувчи қичқириқ ва қийқириқлар эшитилди, ҳаммаси яхшилик билан тугаб, унга хушxabар етказдилар ва чақалоқни бирров кўришга рухсат бердилар. Шу кунги кечинмалар Фрэнкнинг дунёкарашини кенгайтди, ҳаётни чуқурроқ тушунишга туртки берди. Ходисалар замирида, худди ялтиратиб бўялган ёмон ёғочдай, фожиа яшириниб ётишига у яна бир қарра амин бўлди. Ўғилча Фрэнк, кейинроқ эса мовий кўзли ва жингалак сочли қизалоқ Лириан унинг фикри зикрини бутунлай банд этди. Уз уйи, бундоқ қараганда, ёмон нарса эмас! Ҳаёт ўзи шунақа тузилган – унинг асос негизи – уй.

Шу йиллар ўзи билан келтирган майда-чуйдадек бўлиб кўрунувчи, аммо, сирасини айтганда, жиддий ўзгаришларни бу ерда муфассал тасвирлашнинг иложи йўқ. Улар шу қадар секинлик билан содир бўладик, худди тинч оқар сув каби кўз илғаб-илғамасди. Беш йил ичида Фрэнкнинг бойлиги анча кўпайди, арзимаган нарсадан бошлаганини назарда тутилса, бу, айниқса, кўпроқ сезиларди. У Филадельфиянинг муттасил ўсиб борган сармоядорлар оламининг энг уддабурон вакиллари билан оз-оздан яқинлашиб олди (тижорат ишлари умуман яқинлашувга йўл қўйган даражада). Унинг иш вақтида мистер Тайникида ва биржада унга шаҳар бошқармаси ёки штат маъмуриятининг “сиёсатда қандини урган” оз ёки кўп даражадаги йирик арбобларнинг ажибу ғариб қиёфаларига ва “Дрексель ва К”, “Клерк ва К” ва ҳаттоки “Тай ва К” банк уйлариининг вакиллари билан кўришгани Вашингтондан келган давлат миқёсидаги арбобларга неча марта лаб шама қилган эдилар. Унга маълум бўлганидек, бу одамлар савдонинг машхур кадриятлари ва соҳаларида сўзсиз акс этиши керак бўлган бўлажак қонун ислохотлари ва иқтисодий ўзгаришлар ҳақида олдиндан бохабар эканлар. “Тай ва К” идорасида ёш ходим Фрэнкни енгидан тортиб қўйди.

– Ҳозиргина хўжайиннинг хонасига ўтиб кетган одамни кўрдингизми?

– Ҳа.

– Бу Мэртаг, шаҳар ғазначиси. Мен сизга айтсам, у ўйин қиляпти! Барча хазина пуллари унинг ихтиёрида, ўзи эса фақат асосий маблағда ҳисобот беради, шунинг учун фоизлар унинг чўнтагига жарак-жарак келиб тушади!

Каупервуд тушунди. Шаҳар ва штатнинг барча амалдорлари олибсотарлик билан шуғулланар эдилар. Ҳукумат ё ваколат берган, ё бўлмаса қўйилмалар сақловчиси қилиб тайинланган муайян банклар ёки маклерлардаги шаҳар ё давлат маблағларини улар ўтказиб олар эдилар. Банклар бу қўйилмалар бўйича хазина вакилларидан бошқа ҳеч кимга фоиз тўламас эдилар. Мана шу шахсларнинг махфий кўрсатмалари бўйича улар хазина пуллари билан биржачиларни сиқиб қўяр эдилар, улар эса пуллари “ишончли қоғозларга” жойлаштирардилар. Филадельфияда бутун бир тўда ҳаракат қиларди: улушга шаҳар мэри, муниципалитетнинг бир қанча аъзолари, хазинабон, полиция бошлиғи, жамоат ишлари бўйича вакил ва бошқа амалдорлар кирар эдилар. Уларнинг шиори “қўл қўлни ювади” эди.

Даставвал бундай “фаолият” Каупервуднинг каттик нафратини келтирди, аммо кўплар унинг кўз ўнгида бойиб кетди ва бу, афтидан ҳеч кимни ташвишга солмади. Рўзномалар тинмай фуқаролик бурчи ва ватанпарварлик ғурури ҳақида жар солар эди, аммо мана бундай қилвирликлар ҳақида лом-мим демасди. Бу ишларни қилган одамлар эса ҳокимият тепасида қолаверар ва кўпчиликнинг хурматиға сазовор бўлар эдилар.

Кўплаб банкирлар уйлари – улар доираси узлуксиз кенгайиб борарди – Фрэнкни тўлов мажбуриятларини амалга ошириш ва векселлар бўйича тўловларни ундириш учун ишонччи қозонган даллол деб ҳисоблар эдилар. У пул учун қаёққа мурожаат қилиш кераклигини тезда англади, чамаси. Фойдали таклифга ортиқча гап-сўзсиз “лаббай” деб жавоб бериши учун Фрэнк биринчи кунданок кўлида ҳар доим нақд йигирма минг доллар пули бўлишни ўзига қоида қилиб олди.

Шундай қилиб, у кўп ҳолларда “Ҳа, бўлмаса-чи, мен бунга ўзимга оламан!” дея жавоб қайтара оладиган шароит яратиб олди ўзига. У ёки бу биржа муаммоларини олиб бориш учун унга илтимослар билан мурожаат қилар эдилар. Ушанда Фрэнкнинг биржада ўз жойи йўқ эди, аввалига сотиб олишга шоқилмади, лекин бу фикридан қайтиб Филадельфияда эмас, балки Нью-Йоркда ҳам жой сотиб олди. Мануфактура савдоғари, қатор векселларни сотишда ёрдам бергани Жозеф Зиммерман деган одам унга конка темир йўллари акцияларини ўзига олиб қўя қолишни таклиф этди ва Фрэнк яна жамғарма биржасининг кунда-шундасига айланди.

Бу орада унинг оилавий ҳаёти ҳам ўзгарди, хотин, бола-чақалари билан муносабатлари яна ҳам мустаҳкамроқ тус олди, бир-бирларига нисбатан иззату ҳурматлари ошди. Масалан, миссис Каупервуд, худди эрига ўхшаб, вақти-вақти билан ўз таниш-билишларини танқидий кўз билан назардан ўтказишга мажбур бўларди. Мистер Сэмпл ҳаётлигида Лилианнинг яқинлари асосан чакана савдоғарлар ва кичикроқ бир неча улгуржи савдоғарлар оиласидан иборат бўлар эди. Бундан ташқари, Лилиан ҳалиги Биринчи пресвитерия черковига бориб турувчи икки ёки учта хоним билан дўст тутинган эди. Ахён-ахёнда “бир пиёла чой” деган ўтиришлар ва оқшомлар уюштирар эдилар, уларда Лилиан эри билан бирга иштирок этар эди ёки улар биргаликда гоҳ Лилианнинг, гоҳ мистер Сэмплнинг қариндош-уруғлариникига наридан-бери бориб турар эдилар. Каупервудлар, Уотерменлар ва ўша даражадаги бошқа оилалар умумий хира манзарада ажралиб турган бахтиёр одамлар эдилар. Энди ҳаммаси ўзгарганди. Ёш Каупервуд Лилианнинг қариндош-уруғларига ҳадеганда қизиқавермасди, улар ҳам ўз навбатида, Лилиандан ўзларини торта бошлаган эдилар, бунга эса, уларнинг назарида, ўхшамаган никоҳни баҳона қилиб кўрсатишарди. Фрэнкнинг оиласи улар билан илгаридай илиқ қариндош-уруғчилик ришталари билан узвий боғлиқ эди. Энг асосийси, у бир қанча чинакамига таникли шахсларнинг эътиборини қозонишга муваффақ бўлганди. Фақат ишларни муҳокама қилиш учун эмас, зеро, бу унинг руҳиятига мутлақо тўғри келмасди, – Фрэнк банкирларни, турли корхоналарга пул қўйган бадавлат одамларни ва ҳозирги ҳамда келажакдаги мижозларни меҳмонга чақириб турарди. Скуплжил, Уиссахикон дарёлари соҳилларида ва бошқа кўплаб жойларда шаҳарорти ресторанлари жойлашган бўлиб, якшанба кунлари у ерларда кўришиб туришни ёқтирарди. Фрэнк ва Лилиан тез-тез Сенека Девиснинг бевасиникига, ҳакам Кейченникига борар эдилар. Таникли ҳуқуқшунос Эндриу Шарплесс, шахсий мухтори Харпер Стежер ва кўплаб бошқа обрўли кишиларникига қадам ранжида қилиб турарди. Ҳоҳ аёл ё эркак бўлсин, уларни билганлардан биронтаси ҳам Фрэнкнинг самимий дўстлигиға шубҳа қилмасди. Фрэнк ўйлагани-ўйлаган эди, аммо бу унинг ҳаётдан лаззатланишиға халақит бермасди.

Унинг илк ва энг эзгу армонларидан бири рангтасвир эди. У табиатни жондан севар, аммо ўзи билмаган ҳолда уни мусаввирнинг тасвирида

кўпроқ кўзга ташланади, деб ҳисобларди, буни қонун ва сиёсий воқеалар маъносини бошқалар орқали яхшироқ англанишига ўхшатарди. Лилиан рангтасвирга у қадар қизиқиш билан қарамасди, бироқ Фрэнк ҳам барибир одам, қизиқса қизиқибди-да, деган ҳаёлда барча кўргазмаларга у билан бирга борар эди. Азбаройи хотинига муҳаббатидан Фрэнк унда маънавий лаззат уйғотишга ҳаракат қиларди, бироқ миссис Каупервуд, гарчи ўзини рангтасвир шайдосидай қилиб кўрсатишга уринса-да, аслида бу ҳақда ҳеч нима билмас ва бефарқ эди: бу соҳани у икки дунёда ҳам тушуниб етолмас керак.

Болалар Лилианнинг кўп вақтини оларди. Аммо Каупервуд бунга парво қилмасди. У Лилианда ҳайратомуз ва олий даражада муносиб меҳрдан баҳраманд эди. Шу билан биргаликда Лилиандаги совуққонлик, ўйноқи табассум ва ҳатто дунёдаги ҳамма нарсага лоқайдлик унга хуш ёқарди. Улар ана шундай турли тоифадаги одамлар эди! Узининг иккинчи турмушини у биринчи галдагидек қабул қилди, – унинг учун бу фикр ва туйғулардаги ҳар қанақанги иккиланишларнинг барча имкониятини истисно этувчи жиддий воқеа эди. Фрэнкка турмушга чиққач, у шовқинли дунёда яшамокда эди, бу дунё ҳеч бўлмаганда молиявий жиҳатдан ўзгаришлар, тасодифий ва ақлини тонг қолдирувчи ифлосликлардан иборат бўларди. Фрэнк хотинини севар, аммо унинг борлигини тўғри баҳолашга ҳаракат қиларди. У Лилианни беш йилдан бери биларди. Аммо у ҳақда нимани била олди? Биргаликдаги ҳаётларининг дастлабки йилларидаги ёшлик жўшқинлиги уни кўп нарсалардан кўз юмишга мажбур этарди, аммо энди, хотини бутунлай ўзиникига айланганда...

Шу паллаларда, ниҳоят, Шимол ва Жануб ўртасидаги уруш аста-аста яқинлашиб келмокда эди. Ниҳоят, уруш эълон қилинди ҳам, у одамлар ақлини шунчалик шошириб қўйдик, ҳамма нарса унинг қаърига маҳв бўлгандек туюларди. Аввалига ақл бовар қилмас ишлар бўлди. Кейин кўп кишилик ва шиддатли намойишлар бошланди, кўчаларда тартибсизликлар ҳукм суларди; Жон Браун қолдикларининг можароси бўлди; буюк халқ раҳнамоси Линкольннинг Спрингфилддан (Иллинойс штати) Вашингтонга ўтиб кетаётиб, Филадельфияга келиши, бу ерда у қасамёд этиши ва президентлик вазифасини бажаришга киришиши керак эди; аввал Булл-Рене остонасида, сўнг Гёттеборг остонасида жанг бўлди. Каупервуд бу вақтда йигирма беш яшар айтганидан қайтмайдиган навқирон йигит эди; у қулликка қарши тарғибот инсонийлик нуқтаи назаридан тўла асосланган бўлиши ҳам мумкин, ҳатто айнан шундай ҳам, аммо тижорат учун ҳаддан ташқари хатарлидир, деб биларди. У Шимолнинг ғалаба қозонишини истарди, аммо унинг ва бошқа сармоядорларнинг иши орқага кетишини ҳам биларди. Унинг ўзи жанг қилишга орзуманд эмасди – ўзини билган одам учун бундай бемаъни иш бўлмас керак. Бошқалар жанг қилаверсин, дунёда кўксини ўққа тутиб беришга тайёр камбағал, содда-баёв ва тентаклар тўлиб-тошиб ётибди: улар буйруққа бўйсуниб, ажал қомига кириб кетишдан бошқасига ярамайди. Унга келганда, ўз ҳаётини у муқаддас деб билар ва бутунлай оила ва ишбилармонлик манфаатлари учун дунёга келганман, деб санарди. Эсида, бир куни ишчилар ишдан уйларига қайтмоқда эдилар, тор кўчалардан бирида кўк мундирли ёлловчиларнинг кичик бир гуруҳи шахдам одимлаб борарди. Ноғоралар гумбури, Қўшма Штатларнинг ҳилпираган байроғи – булар бари, албатта, бир мақсадни кўзлар эди: лоқайд ёки иккиланаётган фуқарони талвасага солиш, то мувозанати ва ҳушини йўқотгунча электр қувватида адабини бериш ва мамлакатга кераклисан, деб миясига қуйиш, уй-жойи, хотин ва бола-чақаларини ҳам унутиб, гуруҳга бориб қўшилишга мажбур этиш керак эди, вассалом. Фрэнк кетиб бораётган бир ишчининг қозончасини аста силкитиб қўйганини кўриб қолди ва афтидан, у ўз меҳнат кунининг бу тариқа ниҳоясига етишини ҳаёлига ҳам келтирмаганиди, сўнг бирдан тўхтади-да, яқинлашиб келаётган гуруҳнинг

қадам товушларига кулок тутди, аскарлар унинг ёнига етиб келишганида эса бироз тараддуланиб, уларга анқовсираб разм солди ва бирдан сафнинг охирига қўшилиб, тантанавор тусда ёллаш маскани томон одимлаб кетди. “Бу ишчи нимани ҳавас қилиб қолдйкин?” – ўйлади Фрэнк. – Нима учун ўзгалар амрига бу қадар осон бўйин эгди? Ахир у урушга кетмоқчи эмасди-ку? Унинг башарасида ҳали мой ва қурум доғлари бор эди; йигит йигирма беш ёшларда бўлиб, кўринишидан қуновчи ёки слесарь эди. Фрэнк гуруҳ кўча муюлиши ортида кўздан йўқолгунча унинг ортидан қараб қолди.

Жанговар руҳнинг бундай кутилмаганда уйғониши нақадар ажабланарли! Фрэнкка одамлар ноғора ва карнайлардан бошқа ҳеч нарсани эшитишни, муздек пўлат милтиқларни елкага қўйиб, фронтга йўл олган минглаб аскарлардан бошқасини кўришни, уруш ва уруш янгиликларидан бошқа ҳеч нарсага қизиқишни истамаётгандек туюлмоқда эди. Шубҳасиз, бу тўлқинлантирувчи, ҳатто улуғвор, аммо уни бошдан кечираётганлар учун фойдасиз туйғу эди. У ўзини ўзи қурбон қилишга чорларди, Фрэнк эса буни тушунмасди. Борди-ю, у урушга борса, уни ўлдиришлари мумкин, шунда унинг кўтаринки туйғуларидан нима фойда? Йўқ, яхшиси, у пул тўплайди ва сиёсий, ижтимоий, молиявий ишлар билан шуғулланади. Ёлланма гуруҳ ортидан кетган шўрлик нодон, – йўқ, нодон эмас, у уни бундай атамайди! Шунчаки ўзини йўқотган бечора ишчи, – Худонинг раҳми келсин унга! Уларнинг барчасига Худонинг раҳми келсин! Нималар бўлаётганини улар чиндан ҳам билмас эдилар!

Бир кунни у Линкольнни кўришга муваффақ бўлди – алпон-талпон қадам ташлаб йорувчи, дароз, суяги бузуқ, кўринишдан оддий бу одам Фрэнкда ўчмас таассурот қолдирди. Совуқ ва булутли февраль тонги; уруш давридаги буюк президент эндигина ўзининг халққа тантановар мурожаатини тугатгани, унда у штатларни боғлаб турувчи ришталар таранг тортилиши мумкин, аммо узилиб кетмаслиги керак, деган эди. У машхур бино, америка озодлиги ниш урган Мустақиллик даргоҳидан чиқиб келганида унинг чехраси ғамгин ва ўйчан эди. Каупервуд штат зобитлари, маҳаллий ҳокимият вакиллари, изқуварлар ва қизиқувчан, ҳамдардлик кайфиятидаги халойиқ қуршаган поддериан чиқиб келган президентдан кўзини олмасди. Лирианнинг ғайриоддий, хунуқина чехрасига диққат билан тикилганча у бу шахснинг ҳайратомуз поклиги ва ички улуғворлигини чуқур ҳис этди.

– Мана ҳақиқий инсон! – ўзича деди Фрэнк. – Қандай ажойиб одам! – Президентнинг ҳар бир ҳаракати уни лол қолдирмоқда эди. Линкольннинг экипажига ўтираётганига қараб турар экан; у: “Ана у, қоидалар қушандаси, собиқ вилоят оқловчиси. Нима ҳам дердим, оғир кунларда тақдир ўзи сарафроз этган уни” – деб ўйларди.

Линкольннинг қиёфаси узоқ вақтгача Фрэнкнинг кўз ўнгидан кетмади ва уруш вақти мобайнида неча марталаб мухотиб бўлди. Ёруғ дунёнинг ҳақиқий буюк инсонларидан бирини кўришга мушарраф бўлганига у қаттиқ ишонарди. Уруш ва сиёсий фаолият Фрэнкни махлиё этмасе-да, у гоҳо укаси ҳам, буvasи ҳам нечоғли муҳим эканини биларди.

*Рус тилидан  
Амир ФАЙЗУЛЛА  
таржимаси*

*(Давоми бор)*



## МИЛЛАТ ФИДОЙИСИ

Буюк одамлар буюк қалб соҳиби ҳам бўлади. Бунга тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Шундай сиймолардан бири, шубҳасиз, Маҳмудхўжа Бехбудийдир. Бехбудий том маънода тақдир туркийларга тухфа этган буюк ҳодиса эди.

У 1875 йил 19 январда Самарқанднинг Бахшитапа кишлоғида дунёга келган. Ҳожи Муин ёзиб қолдирган маълумотларга таянадиган бўлсак, Бехбудий дастлаб тоғалари Муҳаммад Сиддиқ ва Муҳаммад Олимдан сабоқ олган. Отаси вафот этгач (1894 йил), “ўз маишатини ўзи таъмин этишга мажбур бўлди”<sup>1</sup>. Шундан сўнг у тоғаси Муҳаммад

Сиддиқ ҳузурда мирзолик хизматига киришди. Шу тариқа кейинчалик қози ва муфти даражаларига эришди. Бехбудий ўз билимларини ошириш мақсадида дунёда бўлаётган жараёнлар билан мунтазам танишиб борган. Бу борада 1899 йилги ҳаж сафари давомида кўрганлари унинг дунёқарошида, фикрий оламида янги саҳифа очди. Ижодидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Бехбудийда ўз атрофида содир бўлаётган воқеаларга баҳо бера олиш қобилияти кучли бўлган. Бу нарса уни бутун Россия мусулмонлар ҳаётида кечаётган жараёнлар оқимига олиб кирди ва унинг фаол иштирокчисига айлантирди. Лазиз Азиззода Бехбудийнинг фавқуллодда иқтидорини “Ул ўзи Туркистоннинг эски мадрасасидан чиққан бир киши бўлғон ҳолда, Фарб дорилфунунларини битириб келган кишиларнинг қилмағон хизматларини адо қилиб кетди”<sup>2</sup>, деган ишора билан келтириб ўтади.

Бехбудий Самарқанддаги дастлабки маҳаллий газета ва миллий журналнинг ношири, биринчи миллий драма муаллифи, Туркистондаги усули жаҳид мактабларининг “биринчи назариётчи”<sup>3</sup> ларидан, энг биринчи фанний дарсликлар яратувчиси, кутубхона ва нашриёт ишлари билан ҳам шуғулланган амалиётчи жаҳиддир. Юқоридагилар билан бир қаторда, қозихона ишларини юритиш, саёҳатлар, турли съезд ва қурултойлардаги иштироки ҳам Бехбудий фаолияти мундарижасини ташкил этган. Бир умр давомида буларни амалга ошириш учун киши матонатли ва муҳаббати баланд бўлиши керак. “Халқ отаси” (И. Ғафуров) бўлган Бехбудийда эса бу хислатлар йиллар давомида шаклланган эди. У ўз зиммасидаги ишларнинг барчасини қатъият ва меҳр-муҳаббат билан амалга оширди. Ҳожи Муин таъкидлаганидек, “умрининг охиригача Туркистоннинг янгилик ва юксалишига ҳормай-тинмай, таллашиб-тортишиб” хизмат қилди ва “шу маслага йўлида қурбон бўлди”<sup>4</sup>.

Маҳмудхўжа Бехбудий ижодкорлигининг энг қизгин ва муҳим томонларини очиб беришда, шубҳасиз, “Ойна” журнали катта ўрин тутди. Бехбудий муҳаррир сифатида журнал минбари атрофида жуда кўпчиликни жипслаштира олган. Журнал саҳифаларида нафақат туркистонликлар, балки турк, татар, афғон, эрон шоирларининг ҳам фаол қатнашганликларининг гувоҳи бўламиз. Масалан, Риждозода Маҳмуд Ақром, Доғистоний, Кафқозий, Жавдат, Шайх Олим Эроний, Маҳмуд Тарзий, Зухриддин Фатҳиддинзода каби шоирлар

<sup>1</sup> Ҳожи Муин. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2010. – Б.25-26.

<sup>2</sup> Лазиз. Бехбудий // Маориф ва ўқитғучи. 1926. №2.

<sup>3</sup> Ахророва. Бехбудия кутубхонаси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1995, 17 февраль.

<sup>4</sup> Ҳожи Муин. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2010. –Б.28.

ижодини мисол қилиб келтириш мумкин. Шу билан бир қаторда, жаҳон мумтоз адабиёти мисолида Гётенинг “Фауст” асаридан, Умар Хайём, Бедил шерьиятидан намуналар келтирилган. Жумладан, журналнинг 1913 йил 3-сонида Айн. Ҳе. нинг “Фауст”дан усмонли туркчага ўгирган таржимаси берилган:

*Нобуд ўламазми бу қабо олами ночиз!*

*Токи эдажакдир бени ворлиқ ила таъжиз?*

*Бик жаҳуд ила бен олами имҳоя чолишидим,*

*Тоглардан олув пускуруб ўрмонлари ёқдим.*

*Уммондаги амвожи бутун жўша гетурдим,*

*Бен зилзилалар-ла ери зеру забар этдим.*

*Ҳайф! Ўлмадим охирина мақсудима ноил:*

*Орома гирифтор ўтур амвож ва савоҳил!*

*Нафрат бу бани одама, нафрат ҳашиарота*

*Ғолиб ўламамми ажабо бен бу завота.*

*Беҳаддир отдиқларим огуш мамоти,*

*Ҳайфоки ўлумда геламиз қариши ҳаёта!*

*Доим бу жаҳонда янги бир қон давронда*

*Ноқобил таъдод юраклар зарабонда.*

*Тупроқда, ҳавода бир уфоқ қатраи модда.*

*Бингларча базирот ҳар он нашъу намода:*

*Аҳё эдар ажсоми ҳароратла рутубат.*

*Вер фарда музрат, на ябусат, на бурудат,*

*Жаннат гатирад чилдирарам бен агар олам.*

*Доим бени айларса бу ҳолила муаллам!...*

*Кесмам яна умидими, оташ бенга ёвур,<sup>1</sup>*

*Оташлар паришон эдарам олами яксар!*

فاوست دن :ع :ع جاييک دور  
 نوبد اوله لايه نوبه عالمه نايست  
 بیک جبهه ایمن عالی الحایه جانیست  
 غمده که احوالی یوقون چوش گیتیرم  
 حیفت اولادم آخرینه نغصه سرتیل  
 لغزت پوینی آدر لغزت حشرته  
 به حد در آتد قلم اغوشش هاتد  
 اگم به جانده ای برقان آتد آتد  
 طوبی آتد، براهه ای ارفاق غمده  
 احیای اید اجسامی حرارته رطوبت  
 جنت گیتیر جیلدیرم بن اگر عالم  
 کسم بینه ایسی، آتش نکلایا دور  
 ناله اوله گلدر بنی وارلیق ایله تمیز  
 لاله دن آتد پو سکور دیب اوله لغز  
 بن زلزله لرله یزی زبرد زبرد ایتمدیم  
 آراسر گیتد راولور احوال وصال  
 غالب اولادم بی غیا بنی بو ذوات  
 حیفا که اولوم ده گلدر قارششی جاتا  
 ناقابل تعد اولور گلدر خرابانده  
 بیک اوجیز ارات بران آتد آتد  
 دیر زده مغزت نیریمت، نیرودت  
 اگم بنی ایلمسه بو حالیده اولم...  
 آتش لر بی شان ایلام عالی گیتیرا

Ушбу парчадан ХХ аср бошлари усмонли турк адабиётида ҳам “Фауст”нинг таржима вариантлари бўлганини англаш мумкин.

Беҳбудийнинг ўзи жаҳон адабиётидан таржима билан махсус шуғулланмаган бўлса-да, уни бу жараёндан четда турган, деб бўлмайди. “Туркистон вилояти газети” нинг 1909 йил 10-сонида “Оқ елпоғичли чинли хотун” ҳикояси нашр қилинган. У “Тасодиф” деб номланган дебоча билан бошланган. Муаллифи берилмаган. Асар имзосида: “1909 йил, далви девона, Самарканд, Маҳмудхўжа ибн Беҳбудхўжа” кўрсатилган. Ҳикоя хитой адабиётига тааллуқли. Профессор Бегали Қосимов изоҳича, Беҳбудий асарни “ўз қалби ва қалами билан ўзбек ўқувчисига тақдим этмоқчи бўлган”<sup>2</sup>. Ҳақиқатда, унда Беҳбудий тили ва ёзма услубини кўриш мумкин. Хусусан, “муқтасиъ кадрга тобеъ бўлди”, “дунё ода-ти узра ҳар шай кечар”, “ғамум”, “барои хужум”, “думуъи”, “хумои”, “жадид” сўзларида Беҳбудийга хос бўлган араб-форс ҳамда эски туркий сўзларига “ўчлик” сезилади. Беҳбудий мазкур ҳикояни тўғридан-тўғри ўгирмай, балки ўзи “олдин ҳам кўрган”<sup>3</sup> таржимага миллий руҳ бериб, ўзбек ўқувчисига мослаштирган. Буни эркин таржима ҳам дейиш мумкин.

“Ойна” журналининг 1914 йил 27-сонида яна бир таржима асар учрайди. У кичик монолог тарзида ёзилган “Бир аъмо боланинг ҳасрати” парчаси бўлиб, сўнгида учта муаллиф номи келтирилади:

“Муҳаррири: француз кизи Соррун  
 Мутаржими: Риждозода марҳум Маҳмуд Ақром  
 Усмонличадан табил этгони: Маҳмудхўжа”.

Беҳбудийнинг ўзи “усмонличадан табил этгони” тарзида берса-да, биз бунга таржима сифатида қарашимиз керак. Сабаби, Риждозода турк адиби. У ҳикояни французчадан усмонли тилига таржима қилган. Беҳбудий эса уни ўзбек

<sup>1</sup> Парча асарнинг 1-бўлим “Фаустнинг ишхонаси” қисмидан олинган бўлиб, жорий ёзувда илк бор эълон қилинмоқда (Н.Э).  
<sup>2</sup> Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б.53.  
<sup>3</sup> Уша асар, – Б.53.

тилига ўйирган ва ўзи бунга табдил деб ном беради. Аслида табдил ҳам (ҳозирги кунда таржима кучини беролмаса-да. – Н.Э) луғавий маъноси жиҳатидан ўша давр муҳити учун таржимага ўринбосар сўз бўлган, деб тахмин қилиш мумкин.

Шу маънода, “Бир аъмо боланинг ҳасрати” ва “Оқ ёлпоғичли чинли хотун” ҳикояси Бехбудий томонидан амалга оширилган таржима ишларидир.

Маҳмудхўжа Бехбудий ўзбек ёзма драматургияси асосчиларидан бири сифатида эъзозланади. Бизга Бехбудийни адиб сифатида биргина “Падаркуш” драмаси танитиб туради. Насрнинг бошқа жанрларида ижод қилгани, хусусан, ҳикоя ёзганлиги ҳақида шу кунгача ҳеч қандай маълумот учрамаганди. Сўнги изланишлар мобайнида эса унинг ўзи муҳаррирлик қилган “Ойна” журна-лида “Отингни сот, тўнунгни сот, дўқтур бўл!” ҳамда “Мубоҳаса” номли икки сатирик ҳикоя чоп қилингани маълум бўлди. Ушбу ҳикоялар муаллифи деб Мушмирзо (Сичқон мирзо) кўрсатилган. Адабиётшунос Бойбўта Дўстқораев эса Мушмирзо Бехбудийнинг адабий таҳаллуси эканлигини аниқлаган. Ҳар икки ҳикоя ҳам бир хил услубда – диалог кўринишида битилган. Асарлар ба-диияти нотугал, улардаги кинояга йўғрилган тил тўлиқ халқона ифодага эга.

“Отингни сот, тўнунгни сот, дўқтур бўл!” ҳикояси ҳажман кичик. Унда илмни ёйиш, маърифатга суяниш ғояси бош мақсад қилиб олинади. Асосий қаҳрамонлар Мушмирзо ҳамда хизматкор образи. Эпизодик образ сифатида бемор (бухоролик жаноб) ни кўрсатиш мумкин. Ҳикояда етилиб турган вазиятдан муаммо сифатида фойдаланилади; асосий муаммо илмсизликка қарши курашиш, ёрдамчи муаммо беморнинг аҳволи эди. Асардаги барча унсурлар тўлиғича асосий муаммони очишга йўналтирилган. Бунда жадид адабиёти на-муналарига хос бўлган усул қўлланган, яъни муаммо ҳал қилинмаган, балки уни ечиш йўли кўрсатилган.

“Мубоҳаса” ҳикоясида Мушмирзо ва Пишак сўфи мулоқотга киришади. Пишак сўфи бадиий тўқима бўлиб, у сичқон образига қарама-қарши тарзда танланган. Аввалги ҳикоядан фарқли ўларок, унда кундалик ҳаётда учрайдиган мураккаб вазият ҳақида суҳбат бўлиб ўтади. Ҳикояда “Ойна” журна-лида “Ши ва сунний” (1913, №10), “Ислоҳи расм лозим аст” (1914, №18), “Ибрат” (1914, №23), “Суҳбат” (1914, №15) каби мақолалари чоп этилган ҳамда “Мусохиба ёки мубоҳаса” (“Ойна”, 1914, №35) ҳикоясида Мушмирзо билан суҳбатдош бўлган мулло Хокиро эпизоди ҳам учрайди.

“Мубоҳаса” ҳикояси “бақияси бўлур” дея тугаллангани ҳолда давом этирилмаган. Шунга алоҳида таъкидлаш керакки, Бехбудий ҳикояларидаги суҳбатни шакллантириш услуби Гаспринскийнинг “Мезон” туркумидаги суҳбатни ёдга солади. Ягона фарқ – Гаспринский “Мезон”и ҳикоядан ҳам кўра кўпроқ 4-5 кишининг ўзаро гурунгига яқин туради. Икки асар орасидаги шаклий ўхшашлик уларнинг диалог кўринишида эканлигида бўлса, мазмуний муштараклик тажохилу орифона тарзида миллат орасида ўрмалаётган иллатлар танқид қилинганида кўринади.

Бехбудий ҳикояларига улар яратилган давр, юкланган бадиий миссия, амал қилинган эстетик тамойиллар ҳамда муаллифга хос публицистик ифода усу-лини назарда тутган ҳолда ёндашиш лозим. “Улоқда” ёки “Ойдин кечаларда” каби ҳикоялар билан қиёслаб бўлмайдиган бу асарлар Бехбудийни нафақат қалами ўткир, назари тийрак публицист, балки ижтимоий муаммони гўзал бадиий шаклда кўрсатиш салоҳиятига эга носир сифатида кашф этиш имко-нини беради.

Бехбудий бадиий ижод билан қанчалик шуғулланган бўлмасин, у биринчи галда, Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг йўлбошчисидир. У умр бўйи ёзганларида миллатдошларини истиқболга чорлади, ўз ҳаракатлари билан намуна бўлди.

*Нодира ЭГАМҚУЛОВА*



## Отингни сот, тўнунгни сот, дўқтур бўл<sup>1</sup>

- Ассалому алейкум!  
 – Ваалейкум ассалом.  
 – Қачон келдингиз?  
 – Ушбу кун.  
 – Нима учун?  
 – Жаноб ...мир (Бухоро ҳукуматининг қоймақоми – пристуф ўрнидаги киши-си)ни тишлари оғриб эди-ки, Самарқанддан дўқтур олиб бормоқ учун келдим.  
 – Дўқтур топдингизми?  
 – Топдим, аммо Самарқанддан темир йўл илан 150 чақиримлик Бухорога тобе бир шаҳарга бориб икки кун турмоқ учун дўқтур бир юз сўмга рози бўлмайду. Агар-да борса, балки, Жаноб ...мир яна юз сўмлик матоҳ ҳам инъом қиладулар. Аммо дўқтур бормоққа рози бўлмади.  
 – Кўр бўлинг, жонингиз чиксин. Дўқтурни кераклигига ақлингиз энди етдими? Тезлик илан Русия мактаблариға ва ўрус бўладур десангиз, Фарангистонга бола юбориб, дўқтур қилдилинг.  
 – Эй, бу сўзларни қўйунг, манга машварат беринг, нима қилай?  
 – Нима қиларсиз, бир сартарошни олиб боринг, икки сўмга қабул қилар.  
 – Сартарош нима қиладу?  
 – Ота-бобонгиздан қолган анбур илан ...мир ҳазратларини жағидан тишини “қарс” этиб бир дақиқада тортиб олар!  
 – Йўқ, бегимиз дўқтурга буюриб эдилар,  
 – Бўлмаса, отингни сот, тўнунгни сот, дўқтур бўл!

МУШМИРЗО  
 “Ойина”, 1913. №5. – Б.117

## МУБОҲАСА

П – Пишак сўфи

М – Мушмирзо

М: Кўбдан бери дийдорингни кўрмас эдим. Бугун ношукурлигимни ўтганидан сен шумга йўлуктум. Ох, игнаға ўхшаган бурут<sup>2</sup> ларинг қурусун!

П: Нима учун бу қадар бадгапсан? Чоғи бу куз фаслида анборлардан<sup>3</sup> ғаллани кўброқ ўғурлаб, мани насибам учун яхши семирибсан. Ох, қўлумга тушсанг-чи!

М: Баъзи одам ўлгонича ёмонлигини қўймайду. Сан ҳам агарчи бурутларинг оқариб, ёшингни олган бўлсанг-да, қотиллигингни қўймайсан, бор бечорачилик қил, касб қил, ҳеч бўлмаса гадойлик ва хирмангирд лик қил.

П: Қариган чоғимда энди гадойликми қилай!

М: Албатта! Гадойлик ўғруликдан, қотилликдан, ҳатто фирубгарликдан яхшиду. Чунки гадойға ҳеч кимни иши йўқ. Аммо ўғри ва қотилға жазо берарлар ва ҳам ўғридан бой бўлган йўқ. Аммо гадойдан бойлар борду.

П: Ҳеч бойни гадойлигини кўрганим йўқ. Мани алдайсан, бадбахт!

М: Сўзинг тўғри, ҳеч бой гадойлик қилмаса ҳам, кўб гадойлар бойлик қиладулар.

П: Бу сўзинг таноқиз<sup>5</sup>.

М: Ай, сани қозихонадан ҳам хабаринг борга ўхшайдурки, таноқизни билурсан!

П: Йўқ, ёшлигимда мантик ўқуб эдим.

М: Мантик-санतिकни билмайман. Аммо кўб гадойларни бойлигини биларман. Ва у кўбдан биригинасини санга айттайин, эшит.

П: Сўйла, қулоғим санга.

М: Мани истиқомат қилатурган анборим ёнида – жеворинда (Самарқандни

<sup>1</sup> Ҳикоялар жорий ёзувда илк бор эълон қилинмоқда.

<sup>2</sup> Муйлов

<sup>3</sup> Омбор

<sup>4</sup> Ғалла ташувчи

<sup>5</sup> Бир сўзинг иккинчи сўзга зид келиши.

Жомбой қишлоғида) кўб шולי бор эди. Ўтган ҳафта сотилди. Ман деворни ёруғидан тангага кўзум термуллуб турар эдим. Тарозуга тортдилар, 80 ботмон чикди. Савдоси 78 тангадан экан, бу шolini икки нафар гадой, икки ой муддатда 3 шогирди илан хирмонлардан тилаб олибдур. Яна шולי хирмони икки ойдан кейин тамом бўлурки, Худо берса, икки гадой 160 ботмон шולי сотар. Санки мантиқ ўкуган бўлсанг, эхтимолки, илми ҳисобни ҳам билсанг, зарб қилиб кўргил. 160 ботмон шולי неча танга бўлур? Ана кўрдунгми? Бонкдан қарзи йўқ икки гадойни кўлиға бу қадар пул тушса “бой” демайсанми?

П: Хўб сўзунга инондим. Гадойларни хунари надур?

М: Сабр қил, эрта айтарман. Ва ҳам сўнгра мулло Хокиродан эшитдимки, бу “гадой бой”ларни шахрида кўб мулклари бўллуб, тижоратлари сойиллик эмишки, ҳар бир савдоларидан юзда юз фойда кўрадилар.

П: Бунлар нима сотарлар?

М: Дуо сотарлар. Баҳоуддин, Балогардон, Ғавсул аъзам ва ...ларни шафет келтурарлар. Ва яна кўб хунарлари бордур.

Бақияси бор.

“Ойина”, 1913 №7. – Б.169-170

## СУҲБАТ

Муш: Бу рамазони шариф ойдур. Санга инсоф борми? Қўй ман гашт ва гадойлиғимни қилай. Жаллодликға ўн бир ой етмасму? Сан ҳам кўкнорхона эшигинда пойлаб турган (шабкард)ға ўхшарсан.

Пишак: Сан нечун гадойлик ва бечорачилик қилдинг? Санинг ишинг доим ўғурликдур. Сандек ва рўйи рост рўзахўрлардек кишин ҳар замон ва ойда жазо бермоқ дурустдур.

Муш: На учун?

Пишак: Нафъи халқ Аллох учун одоби умумия ва ахлоқи исломияни бузгон учун.

Муш: Хайр! Ўлтурабер. Ман бу кун инимдан чиқмайман. Фақат сандан илтимосим шулки, бир оз нари ўлтур. Кўзунгдан, тирноқларингдан наший мундий сахар азонидан кўкгонидек кўрқарман.

Пишак: Сан чикмасанг, ман ҳам кўрмайман, кўрган ва билганингдан сўйла!

Муш: Сўйласам, маним истикомат қилатурган бозорлик дўконни эгасиға газетчи газет келтурди. Дўкон эгаси бойбача дедиларки: Кет, ман газет ўкумайман. Азбаски, гуноҳ эмишки, боғимизни имоми баён қилди.

Бир ой ўтмасдан (.....) бойбачани одами келди. Бойбача бозордан олмоққа буюрди. 2 тангаға тамақуйи шомий, 2 тангаға папирос, 6 таңга кўкнор, 3 танга чекида. Гўшас: нон..... нос (оқшом меҳмон бор). Хидматкор<sup>1</sup> бир оз кетиб эди. Бойбача яна чақирди. Бир дужина пиво ҳам ол. Ман ўйладим, газет пиво ва папиросдан ёмон эмиш. Аммо газет нималигини ўзум билмайман. Сани оёқларинг мана кўра узун. Ҳар ерға хуфиядек юрарсан. Газет қандай нимарсадур.

Пишак: Тўғрисини десам газет ёмон нимарсадур. Чунончи, газет дерки, ўғурлуқ ёмон. Кўчаларға куфр сўйламоқ бир-бировни озор бермоқ, ғадр ва хиёнат қилмоқ ёмон. Ҳар ким ўкусун, ҳар ким яхши йўлға юрсун. Фоҳишахона барғам топсун. Кўкнор, арақ, папиросни ташласунлар дер. Мадраса ва мактабларға яхши ўкусунлар. Волостиной ва қозилар адл қилсунлар. Домуллолар авомға панду насиҳат этсунлар. Рўза кунлари дўконларға фоҳишалар зиёфатда келмасунлар, жувонлар ўйнамасунлар.

Муш: Газет агарда шундай деса яхши нимарса экан. Мундан нима учун одамлар қочар. Мунинг қаери гуноҳ ва бидъат!

Пишак: Эй аблаҳ! Газет санга дерки, одамлар қопини тешма, киши ҳақини уюнга тошима! Манга дерки, Мушмирзони ема!

Муш: Аҳа, энди билдимки, гап мана!

МУШМИРЗО

“Самарқанд”. 1913 №33. – Б.3

<sup>1</sup> Хизматкор



*ТУРОБ ТЎЛА*  
*(1918 – 1990 )*

ЖАҲОН АДАБИЁТИ  
67

## ТУРОБ ТЎЛА – ТАРЖИМОН

Тарих XX аср ўзбек адабиёти олдига фавкулудда катта вазифаларни кўйди. Шоир ва ёзувчилар шу асрнинг аксар қисмини ташкил этган, социалистик реализм печаклари ҳаммаёқни чирмаб ташлаган даврда ҳам, ундан олдин ҳам, кейин ҳам бошқа бирор асрда ва бирор хорижий мамлакатда рўй бермаган ишларни амалга оширдилар: ўз ижодий ниятларини рўёбга чиқариш билан бирга рус ва жаҳон адабиёти намуналарини ўзбек тилига таржима қилишга алоҳида эътибор бердилар. Янги тарихий-маданий давр шуни тақозо қилди. Натижада, янги ўзбек таржима мактаби майдонга келди ва шу мактабнинг Чўлпон, Ойбек, Фафур Ғулом, Миртемир, Усмон Носир сингари дарғалари етишиб чикдилар. Ўзбек ёзувчиларининг кейинги авлоди, жумладан, Туроб Тўла ҳам шу сўз усталари этагида вояга етди.

Бадиий таржима санъатининг XX асрда шиддат билан ривожланиши тасодифий эмас. Бир томондан, турли адабий саналар, ўнкунликлар ва ҳафталикларнинг кенг нишонланиши, иккинчи томондан, жаҳон адабиёти ютуқларидан баҳраманд бўлиш эҳтиёжи, миллий адабиётнинг образ ва ғоялар доирасини ва бадиий-услубий усқуналарини янгилаш зарурати ижодкорларни бадиий таржима билан фаол шуғулланишга даъват этди. Аммо бошқа тилда яратилган дурдоналарни ўзбекона оҳангларида “сўзлатиш” осон эмас эди. Ўша йилларда нафақат Туроб Тўла, балки унинг айрим устозлари ҳам дарғалар яратажак “андозалар”га муҳтож эдилар. Буни сезган Чўлпон ёш дўстлари учун Пушкиннинг шарқона тароват билан йўғрилган “Булбул ва гул” шеърини ўзбек тилига қойилмақом таржима қилиб, “мастер-класс”нинг илк намунасини берди. Буюк рус шоирининг:

*В безмолвии садов, весной, во мгле ночей,  
Поэт над розою восточный соловей.  
Но роза милая не чувствует, не внемлет,  
И под влюбленный гимн колеблется и дремлет.  
Не так ли ты поешь для холодной красоты?  
Опомнись, о поэт, к чему стремишься ты?  
Она не слушает, не чувствует поэта;  
Глядишь, она цветет; взываешь – нет ответа, –*

деган сатрлари, қутилмаганда, ўзбекона латиф наволар билан янграб юборди:

*Баҳор чоғда холи богда бир зулматли тун эрди.  
Ғариб булбул фиғон айлаб: “Гулим, раҳм айлагил”, – дерди.  
Бироқ ул гул қулоқ солмас эди фарёду афғона,  
Фақат ором оларди ноладин тўлғона-тўлғона.  
Сени ҳеч севмаган бир гул учун, эй шоирим, сен ҳам  
Ёнарсан, ўртанарсан, дод этарсан тинмайин бир дам.  
Кўй энди, беҳуда дод этма, оҳинг унга етмайди,  
Қарайсан, яшнаган бир гул, фақат додингга етмайди.*

Чўлпон бу таржимаси билан таржимон-шоир, В.Жуковский айтганидек, таржима қилинувчи шоирнинг қули эмас, балки рақиби бўлиши лозимлигини кўрсатди. Бу идеал таржима намунаси эди.

Ҳали адабий балоғат ёшига етмаган Туроб Тўланинг Чўлпон кўрсатган йўлдан бориши маҳол эди. Қолаверса, унга таклиф қилинган аксар асарлар ҳам лириканинг гўзал намуналари бўлмаган. Шунинг учун у Шекспир ва Шиллернинг сахна асарларига, Пушкин ва Лермонтовнинг нафис туйғулар чаппор урган шеърларига “қўл уриш”дан аввал ўнлаб катта-кичик манзумаларни она тилига “ўгириб”, шоирнинг “қули” эмас, “рақиби” бўлиш йўлидаги довонни босиб ўтди. У поэтик маҳорат чўққиларини кўзлай бошлаган 60-йилларда Шекспирнинг “Қийик қизнинг қунолиши” комедиясини таржима қилишга журъат этди. Бу асар сарлавҳасини, Шекспир ҳақидаги мақолаларда ёзиб келинганидек, “Ўжар қизнинг тийилиши” ёки

“Қайсар қизнинг қуюлиши” деб таржима қилиш мумкин эди. Лекин у шу сарлавҳа устида ҳам узок ўйлаб, “Қийик қизнинг қуюлиши” деган тўхтамга келдики, бу сарлавҳада жайдариликдан қочиш ҳам, қиз табиатининг моҳиятини илғаш ҳам, “қ” товушлари қийқириб турган уч сўзда эса поэтик нафосат ҳам бор эди. Туроб Тўла Шекспир асаридаги қарийб ҳар бир фикрни, ҳар бир образни, ҳар бир сўзни ўзбекона бадий воситалар билан ифодалашга интилди.

Шекспир “қийик қиз” билан учрашишидан аввал унинг жазмани Петруччининг кўнглида кечган фикрлар курашини бундай тасвирлаган:

*Придет она – ухаживать примусь;  
Начнет беситься – стану говорить,  
Что слаще соловья выводит трели,  
Нахмурился – скажу, что смотрит ясно,  
Как роза, окропленная росой...*

Бу сатрлар Туроб Тўла таржимасида бундай ўзбекона либос кийган:

*Ишим хушомаддан бошлайман секин,  
Тўполон боиласа, кўтарса шовқин,  
Булбулигўё деб соламан қулоқ.  
Хўмрайса – юзингиз ўхшайди, дейман,  
Шабнамда ювилган қип-қизил гулга...*

Бундан кейинги сатрлар ҳам шеърятнинг шундай тоза чашмасидан равон отилиб чиқади:

*...Безрайиб ўтирса – войбў, шунақа  
Гапга чечанлар ҳам бўлар экан, деб,  
Ғайратда атайин мақтаб қоламан.  
Ҳайдаса, меҳмон бўл, дегандек, бир оз  
Ёздириб ташлайман “рахмат”ларимни.  
Рад этса, ўзингиз тайинланг, дейман,  
Никоҳ ва тўйимиз кунин – соатин...  
Ана у келмоқда, бошла, Петруччо.*

Туроб Тўла Шекспирнинг афсонавор номи ва даҳоси олдида эсанкираб қолмай, унинг рақиби бўлишга уринди, буюк асар қахрамонларининг соф ўзбек тилида сўзлашларига муваффақ бўлди.

“Мария Стюарт” Шекспир комедиясидан фарқли ўларок, бошдан-оёқ трагик пафос билан тўла. Қахрамонларнинг нутқлари ўқ каби кескин. Шиллер асар руҳидан келиб чиққан ҳолда, улар нутқини ортиқча тафсилотлар, муштарак ифодалар билан оғирлаштирмайди. Ҳар бир қахрамон ўз кўнглидан ўтган ва ўзгага айтиши зарур бўлган фикрни лўнда ифодалайди. Таржимон ҳам қахрамонлар нутқини ўзбек тилида ифодалашда ана шу тамойилга қатъий риоя қилади.

60-йилларда “Нодирабегим” (“Қуввайи қаҳқаҳа”) трагедияси устида ишлаган шоир Шотландия маликаси билан Қўкон маликасининг фожиали тақдиридаги муштаракликни кўриб, ғоят мутаассир бўлган. У икки оддий аёлнинг эмас, икки маликанинг, икки юксак тафаккур соҳибасининг фожиасини ҳам таржимон, ҳам драматург сифатида ифодалашда Шиллер асаридаги трагик пафоснинг роли ғоят муҳим эканлигини сезган. Ва “Мария Стюарт”даги трагизм “Нодирабегим”нинг яратилишида “бадий” калит бўлиб хизмат қилган.

Туроб Тўла, айтиш мумкинки, Шекспир ва Шиллернинг икки сахна асарини ўзбек тилига таржима қилишда таржимон-шоирлик салоҳиятини тўла намойиш этди.

Қолаверса, у жаҳон шоирлари ижодидан ҳам қатор таржималарни амалга оширди. Куйида шоир ва моҳир таржимон Туроб Тўланинг айни таржималаридан намуналар эътиборингизга ҳавола этилади.

*Наим КАРИМОВ,  
филология фанлари доктори, профессор*

## ТУРОБ ТҮЛА ТАРЖИМАЛАРИДАН НАМУНАЛАР

### Нозим ҲИКМАТ

Турк шоири  
(1902 – 1963)

#### ОЧЛИК ЭЪЛОН ҚИЛГАНИМГА БЕШ КУН БЎЛДИ

Дўстларим!  
Ожизман, билсангиз бугун,  
Юрак сўзларига тополмасдан сўз.  
Боиси нимадир,  
    биласизми нечун  
Бошим айланади?  
Осонми, дейсиз,  
Беш кун оч ётмоқлик қамоқда бутун.  
Европали,  
    америкали,  
        осиёли дўстлар!

Биламан:

    оқшомлар ва маҳзун тунлар  
Мени ёд этасиз, бўласиз ҳамдард,  
Дилимни ёритар ёдингиз ҳар он.  
Қандай бахтлиманки, шунда гойибона  
Қўлингиз оламан бениҳоя шод.  
Узоқ тикиламан ушлаб қўлингизни,  
Худди она қўли каби кўп азиз,  
Худди қўлларидек азиз севгилимнинг  
Ҳаёт ва эрк берган каби бўлдингиз,  
Дўстларим!

Биламан:

    бу огир йилларда  
Мени қўлладингиз унутмай ҳар чоқ.  
Менинг Ватанимни,  
    менинг халқимни  
Эсладингиз, мумкин бўлмагани каби –  
Мени ундан, уни мендан ажратмоқ!  
Нақадар севаман сизнинг юртингизни,  
Ботир халқингизни,  
    севаман сизни.

Қандай айтса бўлур қадрдонига  
“Миннатдорлик” деган энг буюк сўзни?!

Дўстларим!  
    Ҳеч ўлмоқ истамайман, ҳарчанд  
Қийнаса ҳам жаллод ўлгунимгача,  
Гап шў!

    Барибир ўлмайман!

    Яшайман сиз-ла,  
Сизнинг орангизда яшайман мангу!  
Яшайман  
Поль Робсон овозида шод,  
Арагоннинг жўшқин мисраларида,

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Тинчлик кабутарин қалбида озод,  
Яшайман байроқлар силсиласида.  
Шонли Франция докерларининг  
Ғолибона, девкор қаҳқаҳасида!  
Яшайман, мангуға ер юзида сиз-ла,  
Халқ учун,  
кишилар орасида кушод.  
Мана шунда менинг кучим, юрагим!  
Мана шунда менинг фахрим, гурурим!  
Мана шунда менинг бахтим,  
дўстларим!

1950,  
Бурса авахтаси

## Ашот ГРАШИ

Арман шоири

(1910 – 1973)

\* \* \*

Дарё водий узра оқади сокин,  
Шишадай тиниг-у фикрдай чуқур.  
Боглар тўлишади ундан туну кун!  
Инсон баҳр олади, олади ҳузур.

Яшил бошоқларга тармашади у,  
Шарбат тўлдиради узумга аста.  
Хонангга киради ёғдириб ёғду,  
У шундай ажойиб, у шундай уста!

О, шеърим, ўзингни отиб тўлқунга,  
Кошкийди озгина ўхшасанг унга!

## Ованес ШЕРОЗ

Арман шоири

(1914 – 1984)

\* \* \*

Ким билур, қанчада мўйсафид Масис,  
Бун ким ечади, на мену на сиз.

Ўраган бўлса ҳам уни мангу қор,  
Хислати ҳамиша яратиш баҳор!

Бенасиб бўлса ким бу чин маъводан,  
Бенасиб экан у, демак, дунёдан!

## Анатоль ИМЕРМАНИС

Латвия шоири

(1914 – 1998)

**НАВОИЙ**

Ойбекка

Қуёш михлангандай шаҳар тепасида,  
Ховри ёндирарди Хиротни беҳад.

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ**

Шундай жазирада куйиб беадад, —  
 Серҳашам шаҳарнинг чанг кўчасидан,  
 Серқубба бинолар остидан гурлаб,  
 Халқ оқар шаҳаншоҳ саройи томон.

Тўлқин бозор босиб ўтарди, шошқин,  
 Анвойи гиламлар осиглиқ дорлар,  
 Офтобда сочилиб ётган анорлар —  
 Оралаб ўтарди, сел каби тошқин,  
 Кўриниб қоларди гоҳо арабий —  
 Тулпори от минган беклар ҳам бу он...  
 Не бўлди, сафардан қайтдимми султон?

Ё бирон муҳимроқ ҳодиса борми?  
 Не боис? Яна қон, яна хун, — дорми?  
 Йўқ! Бу халқ довулин қўзгатган уммон, —  
 Хуш хабар бермоқда:

улуғ Навоий

Саройдан биз томон чиқмоқда шу он!

Сурон тинмас эди бир дақиқа ҳам...  
 Сув ташир иссиқда сарпойчан — мешкоп.  
 Тўйқусдан сукунат ёгилди шу топ,  
 Мармар устунлар-ла кўкка юксалган —  
 Саройдан кўринди улуғ Алишер,  
 Лекин шод эмасди у буюк инсон...


Боқмади бекларнинг арзи додига,  
 Серҳашам муҳит ҳам ёқмади унга...  
 ...Кўлини узатди ўз Фарҳодига,  
 Халқига узатди кўлини, ҳам тез —  
 Ижодга ўтирди тўлиб шу замон.

Сўлиб бораётган гулга топди жон.  
 Ваҳший қояларни бузиб емирган,  
 Дарёни жиловлаб саҳрога бурган —  
 Фарҳод қиссасини — хаёлда маржон  
 Тергандек итакка — терди назмга!  
 Алишер, Алишер... Шоирни даврон!

Халқнинг орасига кирар Алишер,  
 Орзулар самодек кенг, юксак ва ҳақ.  
 “Менинг фикрларим, дейди, муҳаққақ!”  
 Одамлар узатиб қўлларини, дер:  
 “Илоҳо умидинг, савоб ишларинг  
 Бор бўлсин ўзингдек тўғри, бенуқсон!”

Янграрди кенг само халқ дуосидан,  
 Борлиқ қалби билан ўйларди шоир:  
 “Инсон иқболини тўсур қандай сир?  
 Бунни на подшоҳ, на хон, на хоқон...  
 Бу сирни билади фақатгина халқ  
 Ва Фарҳод сингари баҳодир ўғлон!





Меҳмет ЎНДЕР

МАВЛОНО<sup>1</sup>

Хом эдим / Пишдим / Ёндим

I БЎЛИМ

БАЛХ ШАҲРИДА БИР ОЛИМ :

ОЛИМЛАР СУЛТОНИ  
БАҲОУДДИН ВАЛАД

Бугунги кунда шимоли-ғарбий Афғонистонни ҳам ўз ичига олган Ўрта Осиёнинг Туркистон ҳудудида деярли барча аҳоли туркий тилда гаплашади. Орол денгизига куйилган Амударёнинг бу қисмида, Эрон чегарасига яқин эски тижорат йўли устида Балх шаҳри қад кўтарган. Хуросоннинг ушбу кекса шаҳри ўзининг неча минг йиллик тарихи давомида озмунча сиёсий ва ижтимоий воқеаларга гувоҳ бўлмаган. Асрлар оша турли истилолар остида эзилган ҳамда турли дин ва маданиятлар таъсирида қолган Балх шаҳри уммавийлар давридан бошлаб Ислому давлатлари назоратига ўтгач, ҳудуддаги бутпараст, маъжусий, шомон, буддавий, насроний ибодатхоналари ўрнига жоме масжидлар қурилиб, шаҳарга куббат-ул-ислом (ислом куббаси) сифати берилади. Баъзи арабча манбаларда Балхни – “умм-ул-билод” – “шаҳарлар онаси” деб ҳам аташади.

Маълум бир даврдан сўнг Балх салжукийлар давлати ҳукмронлиги остида етакчи илм ва урфон марказига айланганини кўрамыз. Салжукийлар давлати бош вазири Низомулмулк қурдирган мадраса, кутубхона ва ра-

*Сир эмаски, шўро тузуми даврида Шарқ дунёсининг кўплаб мутафаккир олиму адиблари ижодига бир томонлама, яъни синфийлик нуқтаи назаридан ёндошилди. Жумладан, Жалолиддин Румий ижоди ҳам бундан мустасно эмас. Фақатгина мустақилликдан сўнг мамлакатимизда мазкур адиб ҳаёти ва ижодига ҳолис баҳо бериш имконияти туғилди. Чунончи, сўнги йилларда Шарқнинг ушбу буюк даҳо адиби ижоди борасида олимларимиз томонидан қатор тадқиқот ишлари олиб борилди ҳамда Румий мерос қолдирган нодир асарлар аслиятдан ўзбек тилига ўгирилиб, кенг ўқувчилар оммасига тақдим этилди.*

*Эътиборингизга ҳавола этилаётган турк олими Меҳмет Ўндернинг “Мавлоно” биографик асари таржимасига ҳам ана шундай эзгу ният илмийда қўл урилди. Бошқача қилиб айтганда, ягона мақсадимиз буюк Мавлононинг “Ё аслине каби кўрин, Ё кўринганине каби бўл” ўғитига амал қилиб, Жалолиддин Румий сиймосини имкон қадар бор бўю баста билан ўқувчиларимиз кўз ўнгида гавдалантиришдир.*

*Дарҳақиқат, Алишер Навоий ўзининг “Насойим-ул муҳаббат” асарида ҳали болалик чоғидаёқ валийлик аломатлари зухур этган Мавлоно ҳаёти ҳақида маълумот беради.*

*Туркиянинг Кўнё шаҳридаги Жалолиддин Румий мақбараси қошида ташкил этилган Мавлоно музейи директори лавозимида узоқ йиллар фаолият юритган Меҳмет Ўндер (маданият ва санъат тарихига оид 74 та китоб, 1000га яқин илмий мақола муаллифи) “Мавлоно” асарида Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий”, “Девони қабир” (“Улуғ девон”), “Фиҳи мо фиҳий”, (“Ичиндаги ичиндаир”) асари ҳамда замондошларига*

<sup>1</sup>Журнал варианты.

садхоналар Балхда улкан мавқега эга бўлади. Йиллар давомида олиб борилган доимий истилолар халқни қаттиқ ҳолдан тойдирган эди. Бу дунёда ҳузур-ҳаловат топа олмаган омма энди бутун диққат-эътиборини нариги дунё ҳақидаги тушунча ва эътиқодга қаратган эди. Чунончи, турли бўҳрон ва инқирозлар ҳукм сурган мана шундай кунларда тасаввуфий тушунчаларнинг кенг ёйилишига замин яратилади. Балхда тўпланган бир қатор сўфийлар “вахдат-ул-вужуд” фалсафасининг турли дунёқараш ва тушунчадаги вакиллари сифатида халқ ўртасида кенг эътибор қозона бошлайдилар. Ислом дини доирасида турфа тасаввуфий суҳбатлар ташкил этиларкан, Тангри вуслати йўлида маънавий гўзалликка интилиш тобора кучая боради.

Салжуқийлардан сўнгра Хоразмшоҳлар қўлига ўтиб пойтахтга айланган Балхнинг мадрасалари машҳур олимлар, шайхлар ҳамда уларнинг муридларию дунёдан қўлини ювиб, қўлтиғига урган ва таваккулга бўйин эгган дарвешлар, дарбадар сайёҳлар, талабалар билан тўлиб-тошмоқда эди.

Баъзан олимлар, шайхлар ўртасида ҳам дунёқараш ва эътиқод масаласида турли зиддиятлар, низолар ўртага чиқмоқда эди. Ана шундай мураккаб вазият ҳукм сурган Балхда бир олим бор эдики, у жозибали сўзлари ва сабоқлари билан инсонларни ўз эътиқоди атрофига тортмоқда эди. Қолаверса, унинг халқ ўртасидаги мавқеи юксаклиги туфайли мадрасаси на фақат муридлари билан тўлиб-тошмоқда, балки, у қайси бир жамоада пайдо бўлмасин, ўша ер махшарга ўхшарди. Сўзлари дарҳол ёд олинар, қоғозга битилиб, қўлма-қўл бўлиб кетарди. Бир бор тинглаган кимса ойлари давомида унинг таъсирида юрарди. Хуллас, унинг нуфузи ҳатто шайхларни ҳам қизгантирадиган даражада тобора ортиб бормоқда эди.

Шунга қарамай, у тавозе билан Ҳаққа қуллик қилар, инсонларни Ҳақ ва

*атаб ёзган 147 мактубдан иборат “Мактубот” асарлари қатори султон-ул уламо Баҳо Валаднинг “Маориф”, Шамс Табризийнинг “Мақолот”, Мавлононинг ўғли Султон Валаднинг “Ибтидонома”, шунингдек, Абдурахмон Жомийнинг “Нафоҳот-ул унс” асаридан кенг фойдаланганини кўрамиз. Айниқса, XV аср мавлавийшунос олим Афлокий Аҳмад Даданинг “Маноқиб орифин” асари “Мавлоно” асари учун асосий манба бўлиб хизмат қилган. Шунинг ҳам айтиш керакки, муаллиф мазкур манбалар билан чекланмай, ўз наъбатида, Ғарб тарихчи олимлари Виллай Дурант, Морис Барес, Мариан Хери ва “Маснавийи маънавий”ни инглиз тилига ўгирган Рейнольд А. Никольсонларнинг қарашларига ҳам мурожаат қилган.*

*Мазкур асарнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, ўзбек ўқувчиларига илк бор Мавлоно Жалолиддин Румий ҳаёти ва ижодининг тадрижий такомил борасида яхлит маълумот беради. Муаллиф жаҳоншумул адибнинг Балхда султон-ул уламо Баҳо Валад хонадонидан таваллуд топиб, Қўнёда вафот этгунга қадар кечган муҳим ҳаётий воқеликларини қаламга оларкан, шу билан бирга XII аср бошларидаги сиёсий вазиятга ҳам тўхталиб ўтади. Хусусан, Мовароуннаҳр Хуросонни ўз ичига олган Урта Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатлари ҳукмдори Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳамда Чингизхон бошчилигидаги мўғуллар қўшини ўртасида кечган курашнинг салбий оқибатларига эътиборни қаратади.*

*Шунингдек, ўқувчилар Мавлоно ҳаёти ва ижоди баробарида буюк мутафаккир адибнинг “Маснавийи маънавий” асари, рубоий, ғазаллардан таркиб топган “Девони кабир” куллиёти, мутасаввуф олимнинг диний ва дунёвий қарашлари, фалсафий мушоҳадалари суҳбат ҳолида ҳикоя ва мисоллар орқали акс эттирилган “Фиҳи мо фиҳий” асари ва ниҳоят, турли даврларда олиб борган ёзишмаларини ўз ичига олган “Мактубот” каби нодир асарларининг битилишига сабаб бўлган ёхуд бевосита кўмаги теккан муриди комил Шамс Табризий, салжуқийлар саройи амири Сулаймон Парвона, котиб Ҳисомиддин Чалабий, зарғар Шайх Салоҳиддин ҳамда Мавлононинг ўғли Султон Валад каби тарихий шахслар ҳақида ҳам етарлича маълумотга эга бўладилар.*

*Мавлоно нафақат ислом динидаги турли оқим ёхуд мазҳаблар ўртасидаги тушунчаю тасаввурларни ягона нуқтага бирлаштира олди, шу билан бирга ўзигача мавжуд бўлган турли динлардаги муштарак қарашларни ҳам ўзаро уйғунлаштириб, ўз асарларида юксак бадий даражада талқин этди. Зеро, унинг буюклиги ҳам, асарларининг маънавий яқдилликка чорловчи куч-қудрати ҳам шунда.*

Таржимондан

<sup>1</sup> Маҳшар – майдон маъносига.

ҳақиқат йўли: тўғрилиқ, яхшилиққа бошларди. Халқ кўрсатган ҳурмат ва эътиборни яна халқнинг ўзига қайтарарди.

Балх шахрининг хатиб ўғиллари уруғига мансуб, етти авлоди олим, ўзи, сўзи тўғри ушбу таниқли олимга Хусайн Хатибий ўғли Баҳоуддин Валад дер эдилар. Баъзи манбаларда унинг онаси хоразмшоҳлар хонадонига мансуб, яъни Султон Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳнинг қизи бўлгани қайд этилади.

Баҳоуддин Валад отаси Хусайн Жалолоиддин Хатибийдан жуда эрта айрилиб, ниҳоятда маданиятли аёл ҳисобланган онасининг қўли остида таҳсил ва тарбия олади. У ҳали ёш бўлишига қарамай, кучли ҳофизаси, ноёб истеъдоди ва заковати туфайли Балхдаги нуфузли мадрасалардан бирида мударрисликка тайинланиб, тасаввуф йўлида юксак мартабаларга эришади. Ушбу ёш олимдан файз олиш учун мамлакатнинг турли шаҳар ва кишлоқларидан оқиб келган муриду талабаларнинг ҳад-ҳисоби йўқ эди. Унинг ажодлари дин йўлида саъй-ҳаракат кўрсатиб, охират салтанатига эришган зотлар эди. Энди у ҳам аини шу йўлдан юриб, инсонларга маънавий олам эҳсонларини сочмоқда эди.

Илми ва кароматига биноан ўз пайтида унга Султон-ул-уламо – Олимлар султони деган ном берилган эди. Бу унвоннинг берилиши манбаларимизда шундай қайд этилади: бир кеча Балхнинг таниқли уч юз олими бир хил туш кўради. Саҳрода қурилган каттагина чодир ичида Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) саҳобалари<sup>1</sup> билан ўтирган бир пайтда балхлик Баҳо Валад одоб ва ҳурмат билан салом бериб чодирга киради. Шунда пайғамбаримиз Баҳо Валадга илтифот кўрсатиб, унга ўнг томонларидан жой берадилар ва у ерда ҳозир бўлган муфтию имомларга қарата:

– Бугундан эътиборан Баҳо Валадга Султон-ул-уламо дея хитоб қилинглар! – деб буюрадилар. Тонг отгач, аини тушни кўрган олимлар тўғри Баҳо Валаднинг мадрасасига йўл олишади. Улар ҳали оғиз очмасданок, Баҳо Валад уларнинг кўрган тушларини миридан-сиригача айтиб беради. Олимлар:

– Оллоҳ ва Расулulloҳ шоҳиддир, биз ҳам шоҳидмизки, сен Султон-ул-уламосан, бугундан эътиборан худди шу ном билан танилгайсан, – деб айтишади.

Шундай қилиб, у халқ орасида Султон-ул-уламо сифати билан кенг танила бошлайди. Дастлаб Фахриддин Розий каби уни хушламаган, шухратини қизганган баъзи олимларнинг эътирозига қарамай, бу унвон абадиятга қадар унинг номи сифатида яшаб қолади.

Баҳо Валад вояга етгач, Балх амири Рукниддиннинг қизи Мўминага уйланади. Бир йил ўтиб, уларнинг оиласида фарзанд дунёга келади. Баҳо Валад болага Аълоиддин Муҳаммад дея исм кўяди. Сўнгра иккинчи фарзанд туғилади. Юзида илоҳий нур порлаган ушбу ўғлига отанинг меҳри бўлакча эди. Эндигина туғилган чақалоқни Мўминанинг кучоғидан олган Султон-ул-уламо:

– Муборак бўлсин, Муҳаммад Жалолоиддин! Бу бола бошқа болаларга ўхшамайди, уни яхши парвариш қил, Мўмина, – дейди. Шундай қилиб, болага Муҳаммад Жалолоиддин дея исм кўйилади.

Ёш Жалолоиддин ана шундай улуғ бир олимнинг иккинчи ўғли сифатида онаси ва етук муридларнинг тарбияси остида улғая бошлайди.

## БАЛХДАГИ ФИКРИЙ ТАФОВУТЛАР

Султон-ул-уламо Баҳо Валаднинг икки яқин дўсти ва муриди бўлмиш самарқандлик Шарафуддин Лоло ва термизлик Сайид Бурҳониддин ёш Жалолоиддиннинг тарбиясини ўз зиммаларига олишади. Бола беш ёшга тўлиши биланок, унга ўқиш ва ёзишни ўргатишади. Ҳали ёш бўлишига қарамай, ўтқир заковати, нодир истеъдоди билан Жалолоиддин барчанинг

<sup>1</sup> Саҳобалар – Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.)ни кўрган ва Ул зот билан суҳбатдош бўлган шахслар.

диққатини ўзига жалб эта бошлайди. Баъзан отасининг мадрасасига бориб, одоб билан бир чеккада ўтирар, суҳбат асносида айtilган сўзларни жўшиб тингларди. Бутун борлиғи билан эшитган ҳар сўз борасида мулоҳаза юритаркан, баъзан унинг кутилмаганда ўртага ташлаган катталарга хос саволлари ён-атрофдагиларни ҳайратга соларди.

Кунлардан-бир кун ёш Жалололдин ва акаси кўшни болалар билан томда лой ўйнаркан, бир бола Жалололдинга:

– Қел, бу томдан нариги томга ҳатлаймиз... – дейди. Жалололдин кулиб:

– Йўқ, бу иш мушук ва итлар осонлик билан қила оладиган жўн иш. Агар кучингиз етса, томдан томга эмас, келинг, кўкларга учайлик, оламларни сайр қилайлик... – дея жавоб беради.

Айтишларига қараганда, ёш Мавлоно бу сўзларни айтгач, ногоҳ кўкка сакраган, кўшни болалар кўркүвдан уввос солиб бақирришган экан. Маълум бўладики, ҳали болалигиданоқ унинг ҳаяжони ичига сиғмаётган эди.

Баҳо Валаднинг ваъз ва сабоқлари ён-атрофга жуда катта таъсир кўрсатиб, тинглаганларни тобора жўшга келтирмоқда, бу сабоқлар талабалар томонидан ёзиб олиниб, “Маориф” номи остида уч жилдга тўпланмоқда эди. Айтилган гаплар баъзан асоссиз ва васвасали илмлар билан шуғулланган файласуфларга қаттиқ тегиб, улар халқнинг олдида шафқатсиз танқид остида қолмоқда эдилар. Қолаверса, айна кунларда сўфийлар билан файласуфлар ўртасида дунёқараш борасида анчагина зиддият пайдо бўлганди. Балхнинг Фаҳриддин Розий ва Султон Муҳаммад Тақиш Хоразмшоҳ каби баъзи етакчи файласуфлари юнон фалсафасига асосланган ҳолда, ақлга таянадиган идрок таъсири остида эдилар. Сўфийлар эса ҳақиқатга фақатгина илоҳий жазава билан эришиш мумкинлигини, яъни руҳ риёзат воситасида покланиши, нафс ўлдирилиши лозимлигини илгари сурмоқда эдилар.

Бу икки фарқли идрок, табиийки, Баҳо Валад билан Фаҳриддин Розийни ўзаро рақибга айлантирғанди. Фурсат топилди дегунча улар бир-бирларига тигдек ботгувчи сўзлар айтиб қолардилар. Бир ваъзиде Баҳо Валад тагин жўшиб бундай дейди:

– Эй, Фаҳри Розий! Эй, Хоразмшоҳ! Эй, уларнинг тарафдорлари! Сизлар ўз хузур-ҳаловатингизни ўйлаб, қалб ва илоҳий кашфни бир чеккага сурган, зулматда қолган кишиларсиз. Ортидан елиб-югурган хом хаёлларингиз сизни нафсининг қулига айлантирган. Қалб кўзингиз ёпик бўлгани сабабли ҳақиқатни кўра олмайсиз. Шунинг учундирки, васваса ва бўш хаёлларингиз бирла ўзингизга ҳамда бошқаларга зиён қилмоқдасиз...

Бу беаёв сўзлар дарҳол бутун Балхга тарқалиб, саройга етиб боради. Фаҳриддин Розий ва яқинлари Султонга шундай арз қилишади:

– Баҳо Валад Балх халқини бутунлай ўзига тобе қилди. Бизга ва сизга сира назар-этибор бермаганидек, очикдан-очик ёмонлашга тушди. Кўрқамизки, бир кун салтанат тахтига ҳам қасд қилгай. Чора кўрмоқ лозим...

Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ бу сўзларни эшитиб, ниҳоятда мутаассир бўлди. Унинг Баҳо Валадга нисбатан жуда катта ҳурмати бор эди. Гарчи Баҳо Валаднинг салтанат тахтига кўз тикиш нияти йўқлигини билса-да, бироқ кўнглига қўл солиб кўришни маъқул топди ва содиқ одами орқали унга шундай хабар йўллади:

– Шайхимиз агар Балх ўлкасини қабул қилсалар, бугундан этиборан подшоҳлик ҳам, ўлкалару аскарлар ҳам У кишиники бўлгай. Менга эса бошқа бир ўлкага кетишга руҳсат бергайлар. Чунки бир ўлкада икки подшоҳ бўлиши жоиз эмас.

Ушбу таклифга Баҳо Валад шундай жавоб қайтаради:

– Балх Султонига салом айтинг. Бу дунёнинг фоний ўлкалари, аскарлари, хазиналари, тахтлари подшоҳларга ярашгай. Биз дарвешмиз, бизга мамлакат ва салтанат муносиб эмас. Биз кўнгил хушлиги ила сафар қилайлик-да, Султон ўз яқинлари ва дўстлари бирла юзма-юз қолсин.

Дарҳақиқат, айна дамларда Чингизхон бошчилигидаги мўғул

кўшинлари Балх чегараларига қадар етиб келиб, ишғол этган ҳар бир ўлкани шафқатсизларча талон-торож қилмоқда ҳамда ёқиб, кулини кўкка совурмоқда эди.

Мисли кўрилмаган бундай ёвузликларнинг даҳшатли аччиқ хабарлари етиб келган сари Хуросон ўлкаларида ҳузур-ҳаловат йўқолиб, умидсиз халқ тўда-тўда бўлиб, ғарб мамлакатлари – Эрон, Ироқ ҳамда “Диёри Рум” деб аталган Онадўлига кўча бошлаган эди. Баҳо Валад, бир томондан, мамлакатда ҳукм сурган ушбу нотинч вазият тақозоси, иккинчи томондан, Хоразмшоҳлар саройида кейинги пайтларда унинг шуҳрати ва илмига нисбатан ҳасад ва иғвонинг авж олгани туфайли, Балхга асло қайтмаслик ниятида ушбу шаҳарни тарк этишга қарор қилганди. Бу қарорини Султоннинг ишорали сўзлари боис янада тезлаштирганди. Султонларга доимо халққа адолатли ҳукмфармолик қилишни тавсия қилган, бироқ давлатдан ҳатто бир чақа ҳам олмай, берган фатволаридан келган озгина маблағ эвазига қаноат қилиб кун кечирган Баҳо Валад бирон-бир фитна чиқишига йўл қўймай, Балхдан узоклашишни маъқул деб билганди. Бу қарорини дўстларига:

– Сафарга ҳозирлангаймиз. Бу биз учун хайрли бўлмай, – дея маълум қилади.

Баҳо Валаднинг Балхни тарк этиш хабари дарҳол ҳамма ёққа тарқалганди. Унинг мадрасаси олдида тўпланган халқ ёлғиз қолдириб кетмаслиги учун ёлвориб, кўз ёш тўкмоқда эди. Бу ёлворишлар, доду фарёдлар Баҳо Валадни қароридан қайтаролмади. Айни дамда халқ ўртасида тушунмовчилик пайдо бўлиб, ҳатто бу кўчишга сабабчи бўлганларга қарши исён кўтарилишига оз қолганди. Фаҳриддин Розий ва унинг яқинлари кўчага чиқа олмай, кўрқувдан титрамоқда эдилар. Кўч кунлари яқинлашган сари халқ ғалаён ёқасига келиб қолаётганди.

Аҳвол тобора кескин тус олаётганидан хавотирга тушган Султон вазири билан бирга Баҳо Валадни зиёрат қилиб, узрхоҳлик кўрсатиб, қароридан воз кечишини ва халқни тинчлантиришини сўрайди. Султон Баҳо Валаднинг кўчиш қарори қатъий эканлигини билгач, ҳеч бўлмаса, халқ ўртасида қатта намоиш – тартибсизлик содир бўлмаслиги учун яширинча кўчишни илтимос қилади.

Ўзи туфайли бировнинг ранжишини истамаган Баҳо Валад жума куни эрта тонгда бомдод намозидан сўнгра кичик бир қарвонини ҳозирлатиб, китобларини ва баъзи лозим бўлган нарсаларини, оиласи ҳамда ўзига яқин муридларини ёнига олиб йўлга тушади. Балхда фақатгина болалигида энағалик қилган кекса Насиба хотин қолади, холос. Бу пайтда ўғли Мавлоно Жалолиддин бир қанча манбаларда қайд этилганидек, уч ёки тўрт ёшлардаги болакай эмас, балки анча улғайган, яъни ўн тўрт ёшлардаги доно ўспирин сифатида отасига ҳамроҳлик қилмоқда эди.

Балхнинг кўкка бўй чўзиб турган миноралари ортда қолиб, қарвон жанубга томон йўл олади.

Бу шундай бир қарвон эдики, унда олтин, қумуш ёхуд Ҳинд дурларию Чин ипаги каби дунё бойликлари эмас, балки олам-олам китоблар ортилган бўлиб, муҳофиза Тангри, қиличи иймон, раҳнамози илм эди. Қарвон тоғлар, қирлар оша илгарилаб бормоқда эди.

Баҳо Валад Балхдан чиқиб кетаркан, ушбу оқ соқолли, нуроний юзли кексанинг этагига ёпишиб қўлларидан ўпаётган, хайр ва дуосини ниёз этаётган оломонга қарата айтган сўнги сўзи шундай бўлганди:

– Мен энди кетмоқдаман. Менинг ортимдан дунёга тарикдек сочилган мўғул аскарлари Хуросон ўлкасини забт этажак, Балх аҳолисига, минг афсуским, ўлимнинг аччиқ шарбатини тоттиражак...

Дарҳақиқат, Баҳо Валаднинг Балхдан бу кўчишидан озгина ўтмай 1214 йилда Балх Чингизхоннинг ёвуз кўшини томонидан қамал қилиниб, шаҳар талон-торож этилди, ўт қўйилди, бегуноҳ халқи шафқатсизларча қиличдан ўтказилди...

Баҳо Валад бу таҳликани олдиндан билган, эндиликда ўз фикрларини халққа бемалол айта оладиган, хавотирсиз бир макон изламоқда эди.

Карвон узоқ йўл юриб, қаерда қўним топса, ўша ернинг диний ва дунёвий буюклари пешвоз чиқиб, Баҳо Валад ва шерикларини уйларига, саройларига таклиф этмоқда эдилар. Бироқ Баҳо Валад ўзига кўрсатилган бундай чексиз ҳурмат ва самимиятга миннатдорчилик билдирган ҳолда мадрасадан бошқа бирор ерга қўнмай бормоқда эди.

Бу йўлнинг сўнги қаерга бораркин? Карвондагилар ҳеч нарса сўрамас, таваккал қилиб, Баҳо Валад ишорат қилган манзилларга талпинмоқда эди. Илқ катта манзил Нишопур бўлди.

Ўз даврининг илғор илм ва маданият маркази ҳисобланган Нишопурда буюк мутасаввуф Фаридиддин Аттор яшарди.

Буюк донишманд Фаридиддин Аттор Баҳоуддин Валадни кутмоқда, Султон-ул-уламо қайси шаҳарга етиб бормасин, Аттор бундан хабардор эди. Ниҳоят, Нишопурда икки ислом кутби бир-бирлари билан кучоқлашиб кўришдилар. Бир неча кун давомида узоқ-узоқ суҳбатга машғул бўлдилар. Ҳикмат инжулари сочилган ушбу илмий суҳбатларда ўн тўрт ёшли Жалолиддин ҳам қатнашмоқда эди. Бир суҳбат асносида Шайх Аттор Баҳо Валадга:

– Уйлайманки, сизнинг бу ўғлингиз яқин замонда олам ичра ошуфта кўнгилларга оташ солгай, – дейди.

Шайх Фаридиддин Аттор ҳали ўспирин, бироқ ёшига қараганда анча етук Жалолиддинни тақдирлаб, айна кунларда ёзган “Асрорнома” асарининг бир нусхасини унга совға қилади.

Кейинчалик Мавлоно Жалолиддин ўзининг машҳур “Маснавийи маънавий” асарида ушбу асардан кенг фойдаланиб, ўрни келганда Шайх Атторни бот-бот алқаб ўтади.

Нишопурда неча кун қолганлари маълум эмас, бироқ кўп ўтмай, карвон яна йўлга тушди. Шайх Аттор ёшли кўзлар билан карвонни кузатаркан, отасининг ортидан юрган Мавлонога ишора қилиб:

– Во ҳайрато! Бир ирмоқ улкан бир уммонни эргаштириб бормоқда! – дейди.

Бу сўзлар замирида бир ирмоқ воситасида улкан уммоннинг юзага келиши ифодаланганини кўрамыз. Қолаверса, Баҳоуддин Валаднинг ўзи алоҳида бир уммон эди.

Карвон Бағдод томон йўл олади. Бир неча кун ўтиб, ниҳоят узоқдан Бағдоднинг юксак қубба ва миноралари кўрина бошлайди. Шаҳарнинг муҳофизлари от суриб келиб, карвонни тўхтатишади. Ораларидан бир муҳофиз:

– Қаердан келиб, қаерга кетяписизлар? – деб сўрайди. Баҳо Валад бошини чодирдан чиқариб, шундай жавоб беради:

– Тангридан келдик, Тангрига боргаймиз. Тангридан бошқа кимсада қувват ва қудрат йўқдирки, бизни тўхтатса. Биз ломакондан<sup>1</sup> келиб, ломаконга кетмоқдамиз.

Бу жавоб араб муҳофизларини ҳайратга солади. Тўрт мил<sup>2</sup> ортга қайтиб, аҳволни ва эшитганларини халифага маълум қилишади. Халифа Бағдоднинг таниқли олимларидан Шайх Шаҳобиддин Сухравардийни саройига чорлаб, ушбу сўзларнинг ҳикматини сўрайди. Сухравардий:

– Бу сўзларни фақатгина балхлик Баҳоуддин Валад айта олади, чунки бу асрда ундан бошқа ҳеч ким бундоқ сўзни айта олмагай, – дея жавоб беради ва дарҳол муридлари билан бирга Баҳо Валадни кутиб олиш учун шаҳар ташқарисига йўл олади. Учрашганларида Сухравардий Баҳо Валаднинг тиззасидан кучиб, ўз уйига таклиф этади. Баҳо Валад:

– Имомларга энг муносиби мадрасадир, – дея таклифни қабул қилмай,

<sup>1</sup> Л о м а к о н – маконсиз, йўқлик.

<sup>2</sup> М и л – масофа ўлчов бирлиги; 1 мил – 1848 метр.

бир мадрасадан қўним топади. Барча унинг хизматиға югурар, зиёратчиларнинг охири кўринмасди.

Жума кунларининг бирида бутун Бағдод халқи халифа билан бирга жомеъ масжидини тўлдириб, елкама-елка намоз ўқишди. Минбарга чиққан Баҳоуддин Валад халқнинг кўз ёшлари остида соатларча ваъз ўқиб, ҳикматли сўзлари билан жамоани жўшга келтирди.

Дейдиларки, Султон-ул-уламо Бағдодга келган кун халифа совға тариқасида лаъли тўла уч минг тилла жўнатган экан, Баҳо Валад:

– Халифанинг моли ҳаром ва шубҳалидир. Завқ ва кайфу сафога берилган одамнинг совғасини қабул қила олмайман, – дея бу ҳадяни ортга қайтаради. Жума ваъзиде эса халифага нисбатан оғир сўзлар сўйлайди:

– Мўғул қўшинлари ён-атрофни ёқиб, йўқ қилиб келмоқда. Сизни ҳам исканжага олиб ўлдиришади. Хали вақт ғаниматда ҳозирлик кўринг, кўнгил кўзидан ғафлат пардасини кўтариб, Тангрига тавба-тазарру қилиш пайида бўлинг, – дейди.

Ҳақиқатдан ҳам кўп вақт ўтмай, Чингизхон қўшинлари томонидан Балх ишғол қилингани, халқи қиличдан ўтказилиб, кутубхоналар ёқилгани ҳақидаги хабар Бағдодга етиб келади.

Балхдан кўчишнинг сабаби яна бир бор ўз тасдиғини топганди. Маълум бир муддат ўтиб, Бағдод халқи ҳам шундай балога учрайди, халифа мўғуллар кўлида жон беради.

Баҳо Валад Бағдодда ҳам кўп қолмади. Маккага, Байтуллоҳга бориб эҳромга кириш учун йўлга тушди.

## “БИЗНИНГ ҚўНАЛҒАМИЗ ҚўНЁ ШАҲРИДИР”

Карвон оғир-оғир Куфага, у ердан Маккага томон ҳаракат қилмоқда эди. Ҳар мўминга умри мобайнида бир бора фарз бўлган Ҳаж қарзи адо этилиши лозим эди. Баҳо Валад билан Мавлоно ота-ўғил Маккада бўлиб, чуқур бир хушув<sup>1</sup> ичра Каъбани тавоф қилиб, такрор йўлга тушган эдилар. Эндиги йўл шимол сари эди.

Маккадан Мадинага йўл олиб, бу ерда Расулуллоҳ (с. а. в.)нинг мақбарасини зиёрат қилгач, ниҳоят, Қуддусга, ундан тағин ойларча йўл босиб, жазирама чўлларни сабр-тоқат билан кечиб ўтиб, Шомга етиб келдилар.

Шом халқи Баҳо Валадни шаҳар ташқарисиде кутиб олиб, шу ерда муқим яшаб қолишини исташади. Баҳо Валад:

– Тангри бизга Рум (Онадўли) тупроқлари сари йўл олишимизни буюрмоқда. Бизнинг қўналғамиз Қўнё шаҳридир, – дея рози бўлмайди.

Карвон Онадўлига, Салжуқийлар давлати ҳудудлари томон йўл олади. Ҳалабга<sup>2</sup>, у ердан Малатие<sup>3</sup> га кечилади. Ҳеч бир қўноқда бир ёки икки кундан ортиқ турилмасди. Карвон айни пайтда мангучакларнинг қўли остида бўлган Эрзинжон<sup>4</sup> га йўналади. Эрзинжон ва мангучакларнинг шуҳратли султони Фахриддин Баҳромшоҳ ва завжаси Исматиий Хотун Баҳо Валад ўз диёрлари сари келаётганини эшитиб, уни кутиб олиш учун Эрзинжон яқинидаги Оқшаҳар қасабасига қадар келдилар. Баҳо Валад бу ерда ҳам мадрасадан қўним топди. Сўнг яна йўлга тушиб, Сивас<sup>5</sup>, Қайсари<sup>6</sup>, Ниғда<sup>7</sup> йўли орқали Ларенда<sup>8</sup> (Қаҳрамон шаҳар)га етиб келдилар...

Баҳо Валаднинг келаётгани ҳақидаги хабар Ларендага бир неча кун олдин етиб борганди. Салжуқийлар амири ва Ларенда шаҳри волийси Амир Муса Бей бир қанча юксак мартабали ақобирлари билан яёв шаҳар ташқарисига йўл олишади ва Баҳо Валадни кутиб олиб, саройга даъват этишади.

Ҳеч бир шаҳарда, ҳеч кимсага юк бўлишни истамаган ва мадрасадан **бошқа жойга** кўнмаган Баҳо Валад бу ерда ҳам Амир Муса Бейнинг такли-

<sup>1</sup> Х у ш у в – ўзини паст тутиб ёлвориб.

<sup>2</sup> Ҳ а л а б – Суриядаги шаҳар номи.

<sup>3</sup> М а л а т и е – Онадўлидаги шаҳар номи.

<sup>4-5-6-7-8</sup> – Онадўлидаги шаҳар номлари.

фини рад этади ва биронта мадрасадан жой беришларини сўрайди. Унинг бу истагини бажонидил қабул қилган Муса Бей дарҳол мадраса қурилишига амр беради. Шаҳар ўртасидан муносиб майдон танланиб, қисқа фурсатда янги мадраса қуриб битказилади. Оиласи ва муридларини олиб, янги мадрасага кўчиб ўтиши биланок Баҳо Валад сабоқ ва ваъзларини бошлаб юборади.

Чунончи, бу пайтда Жалолиддин ёш ўспирин олим сифатида отасининг дарсларига иштирок этмокда, кеча-кундуз ўқиб, изланмокда эди.

Баҳо Валад Балх шаҳридан кўчаркан, Ҳазратга ҳамроҳлик этган хос муридларидан самарқандлик Шарафуддин Лолонинг Гавҳар Хотун исмли ахлоқ-одобли ҳамда гўзалликда тенгсиз бир қизи бор эди. Баҳо Валад садоқатли муридидан ушбу қизни ўғли Жалолиддин учун сўраганида кекса Лоло бунни ўзи учун шараф деб билиб, дарҳол рози бўлди. 1225 йил баҳорида мухтасар бир тўй билан ҳар иккаласининг никоҳи ўқилди. Ушбу бахтли воқеадан сўнг кўп вақт ўтмай Баҳо Валаднинг завжаси Мўмина Хотун, унинг ортидан эса Мавлононинг акаси Муҳаммад Аълоиддин вафот этади. Шундай қилиб, Баҳо Валад қисқа муддат ичида икки азиз кишини Қаҳрамон шаҳар тупроғига топширади...

Бу икки йўқотиш Баҳо Валадни қаттиқ қайғуга солади. Кўп ўтмай Шарафуддин Лолонинг хотини ва Мавлононинг энагаси ҳам бу икки мазор ёнидан жой олади.

Олишни билган Тангри беришни ҳам билади. Худди шу кунларда Мавлононинг икки фарзанди: дастлаб Султон Валад, сўнгра эса иккинчи ўғли Аълоиддин Чалабий тасалли ўлароқ дунёга келади. Мавлоно биринчи ўғлига отасининг, иккинчи ўғлига яхши кўрган акасининг исмларини кўяди. Бу икки суюкли гўдак қайғуларни бироз бўлса-да унуттирганди. Улар Ларенда боғларида кезиб-ўйнаб, катта боболари Баҳо Валаднинг шафқат тўла қучоғида улғайишмокда эди.

Баҳо Валаднинг шуҳрати тобора ортаркан, мадрасаси кўнгил соҳиблари билан тўлиб-тошмокда эди...

Ларенда бекларидан бўлмиш Амир Мусо Унинг хизматида эди. Ушбу соф юракли инсон Баҳо Валад дарсларини чексиз хаяжон билан тинглар, Ҳазратнинг сўзларидаги чуқур маъно нашъу намоси ичра ақлу ҳушидан айрилмокда эди.

Не ажабки, Баҳо Валадни кўра олмайдиганлар ҳам бор эди. Фиску фасодни ўзига амал қилиб олган бир гуруҳ кимсалар Амир Мусони эътибордан тушириш мақсадида Султонга шундай хабар етказишади:

– Балхлик Баҳо Валад Рум диёрига келиб, бу вилоятни валийлик зиёси бирла нурафшон этди. Замонамизнинг қитъалари аро ҳукм юритган подшоҳимиз эса унинг келишидан беҳабар қолди. Чунки Султон ҳазратларининг Ларендадаги бекларидан бўлмиш Амир Мусо Баҳо Валаднинг йўлини тўсиб, Ларендада қолишга даъват этган ҳамда мадраса қурдириб, унинг ихтиёрига топширган. Амир Мусо бундай қилишга қандай журъат топди? Султонимиз бунга не деркинлар?

## КАРВОН ЙЎЛИ ҚҲНЁ САРИ

Султон Аълоиддин Кайқубод бу хабарни эшитиб, Амир Мусодан жуда хафа бўлади. Зеро, Султон ўзининг энг содиқ одамларидан деб билган Амир Мусо томонидан бундай номақбул хатти-ҳаракатга йўл қўйилиши сира қутилмаган ҳол эди. Султон хос одамлари орқали қаттиқ сўзлар битилган шундай хабар йўллайди:

– У улуғ зотнинг ҳолидан бироз бўлса-да, бизга маълум қилмадинг. Фаромуш ва ғафлатда қолиб нега бундай қилдинг?

Амир Мусо нима қилишини билмай, талмовсираган қўйи Баҳо Валаднинг этагига ёпишиб, Султон жўнатган хабарни маълум қилди.

Баҳо Валад:



– Ўрнингдан тур, ҳеч ҳам хавотирланма. Қўнёга бориб, Султоннинг ҳузурига кир ва бул воқеа қандай бўлса шундайича англа, – дея таскин беради.

Амир Мусо Қўнёга бориши биланок, тўғри саройга йўл олади ва Султонга Баҳо Валад ўз истаги билан етти йилдан буён Ларендада яшаётганини, бу ишда ўзининг ҳеч қандай айби йўқлигини батафсил тушунтиради. Унинг бу сўзлари ҳақ эканлигига ишонч ҳосил қилгач, Султон:

– Агар Баҳо Валад бизнинг пойтахтимизга келиб, Қўнё шахрини ўз истикоматгоҳи айласа, бундан жуда хурсанд бўлгайман... Қули ва муриди бўлиб, измида юргайман. Қўнё шахри Султони ва амирлари Уни кутмоқдадир, – дейди.

Амир Мусога совға-саломлар берилди ва у такрор Ларендага жўнатилди.

Баҳо Валад Султоннинг даъватини илоҳий амр билиб, кўп ҳам ўйлаб ўтирмай, дархол йўл ҳозирликлари кўришни буюрди.

1228 йилнинг илик баҳор куни эди. Баҳо Валад Ларендада тупроқда ётган азизларининг мазорларини тағин бир бор зиёрат қилиб, руҳларига фотиҳалар ўқийди. Бу галги сафар чоғида унинг кучоғида Султон Валад ва Аълоиддин Чалабий деган икки невараси бор эди. Етти йиллик сарсон-саргардонликдан сўнг карвон тағин сўнгги манзил томон аста-секин илгариламоқда, ёш Мавлоно отасининг ортидан эргашиб бормоқда эди.

Қўнё шахрида дархол яшиндек бир хабар тарқалди: балхлик буюк олим Баҳо Валад Қўнёга, қадрдон шахрига келмоқда...

Айни кунларда Қўнё саройида ҳам фавқуллода ҳолат ҳукм сурмоқда эди. Шаҳарнинг барча таниқли олимлари, шайхлари, қозилари саройга даъват этилиб, подшоҳ бошчилигида бутун Қўнё ахли Баҳо Валадни шаҳар ташқарисида кутиб олишга тадорик кўрмоқда эди. Халқ гурас-гурас бўлиб шаҳар ташқарисига, Қаҳрамон йўли устидаги Филобод адирлиги томон йўл олган эди.

Ниҳоят, узоқдан беш-ўн кишидан иборат кичик карвон кўзга ташланди. Олдинда, от устида Баҳо Валад, ортидан Мавлоно Жалолиддин, унинг ортидан эса аёллар, дарвишлар келишмоқда эди. Энг ортдаги туяларга китоблар ортилганди. Карвон шаҳарга яқинлашган бир пайтда Султон Аълоиддин отидан тушди ва югуриб бориб Баҳо Валад отининг тизгинини тутди. Султон Аълоиддин Баҳо Валаднинг қўлини ўпмоқчи бўлди, бироқ қўл ўрнига ёғоч ҳасса узатилганда, Султон ёнидагиларнинг ҳайратли нигоҳлари остида ҳассани ҳурмат билан ўпди. Инчинун, маънавият Султони дунё Султонига илк сабоқ бериб, унинг дунёвий ғурурини синдирганди.

Манзара жуда ҳайратомуз эди: кескир қиличи билан қатор ўлкаларни забт этиб, ғанимларини тиз чўқтирган Онадўли султони Аълоиддин Кайқубод I Баҳо Валаднинг оти жиловини тутиб одимламоқда, ортда Баҳо Валад от устида ўнг ва сўл томонга саломлар бериб бормоқда эди. Бири иқлимлар, иккинчиси олимлар султони эди.

Султон отнинг тизгинини сарой томон бураркан, Баҳо Валад:

– Эй қудратли султон! Мақсадингизни англамоқдаман. Имомларга мадраса, шайхларга хонақоҳ, амирларга сарой, тужжору ғарибларга карвонсарой муносибдир. Изн беринг-да, биз мадрасада қолайлик, – деди... Султон Унинг бу истагини қабул қилди. Улар шаҳарнинг энг улкан мадрасаси бўлмиш Олтин Абада меҳмон қилиндилар.

Мадрасада яхши кутиб олиниб, чексиз иззат-икром кўрган эсалар-да, Баҳо Валад саройдан юборилган совғаларни қабул қилмай:

– Биз дунё молига кўз тиккан эмасмиз. Султон заҳматга қолиб, бизга молу дунё жўнатмасинлар, – дея ортга қайтарди.

Зотан, Баҳо Валад ҳеч кимдан ҳеч вақо олмас, ҳатто жўнатилган совғаларнинг ҳалоллигига шубҳа билан қараб, асло қўл урмасди. Фақат берган ёзма фатволари эвазига оз миқдорда хизмат ҳаққи оларди, холос...

Бутун оила Қўнё шахри ўртасидаги Олтин Аба мадрасасидан кўним

топди. Кўп ўтмай, Султон-ул-уламо мазкур мадрасада сабоқ бера бошлади. Хуросондан “Диёри Рум”га кўчган ушбу буюк сўфий Баҳо Валад Оллоҳ севгисини ишқ илми билиб, айна тушунчани ёвузликка қарши ягона курул деб атарди:

– Кўнгил битигидан бир саҳифа ёдламоққа ғайрат кўрсатки, унинг маъноси абадиятга қадар руҳингда гуллаб-яшнасин. Улгандан сўнгра сенинг кўлингдан тутгучи нарса ишқ илмидир.

Баҳо Валад тариқат асосчиси эмасди. Унинг йўли Ҳақ йўли эди. Бутун борлиғи билан шариатга риоя қилар, ботин илми ва Ҳақ севгисини асос билиб, фалсафани ҳазм эта олмасди. Кучли қувва ҳофизаси, кенг дунёқараш, жозиб нутқи билан жамоани жўштириб, ўзига тобе қиларди.

Бир неча кун ўтиб, Султон Аълоиддин Кайкубот Салжуқийлар саройида катта бир маросим уюштириб, унда Баҳо Валад ҳамда шаҳарнинг барча таниқли олимларию футувват арбобларини даъват этади.

Султон Аълоиддин Баҳо Валадни сарой эшиги олдида кутиб олиб, ич-қарига бошлади. Барча Баҳо Валадга салом бериб, кўлларини ўпди. Шунда Султон Аълоиддин юқсак овозда:

– Эй дин подшоҳи! Уйлаб шундай қарорга келдим. Бугундан эътиборан боболаримдан мерос қолган бу тахтни сизга тақдим этмоқдаман. Сиз султон, мен қулман. Зеро, бутун зоҳир ва ботин султонлиги сизникидир, – дея, ҳамманинг олдида баҳо Валадга салтанат тожини узатди.

Баҳо Валад Султоннинг ушбу сўзларини диққат билан эшитгач:

– Эй, дунё ва охират мулкани кўлга киритишга эришган малак сифатли мулк соҳиби, муҳтарам хукмдор! Тахтингизда роҳат қилиб ўтираверинг. Биз кўпдан бери дунё молу мулкидан кўз юмган ҳолда Тангрига қуллуқ қилиб, Унинг амрларини бажаришга интилоқдамиз, – дея жавоб берди. Мажлисга даъват этилганларнинг аксарияти бу сўзларни эшитиб, Баҳо Валаднинг хос муридига айландилар. Баҳо Валад, гарчи Олтин Аба мадрасасига ўрнашган бўлса-да, бироқ бундан кўнгли тўқ эмасди. Мадрасада бошқа мударрислар ҳам истиқомат қиларди. Бунинг устига унга ажратилган қисм жуда кичик эди. Уғли Жалолоиддин йигитлик ёшига кириб, уйланган, бола-чақали бўлганди. Шунингдек, баъзи йўқсил муридлар ҳам мадрасага жойлаштирилганди. Султонга айtilса, шубҳасиз, дарҳол янги бир мадраса қурдирарди, аммо бундай бир тақлиф Султон ёки амирлари томонидан ўртага ташлангани маъқул эди. Албатта, бунинг учун бир “зухурот” содир бўлиши лозим эди. Шундай бўлди ҳам... Кунлардан бир кун Баҳо Валад Жума масжиди деб аталган Аълоиддин Жоме масжидида ваъз ўқимокда эди. Маҳшар каби лик тўла Жоме масжидидаги махсус жойда Султон билан бирга амирлар ҳам ўлтирар эди. Баҳо Валад ҳар оятнинг нозил бўлиш сабабларини ва унинг таҳқиқини бутун нозикликлари ва тафсилоти билан тафсир этаркан, барча жон қулоғи билан тингламоқда эди. Султоннинг сарой аъёнларидан Амир Бадриддин Гавҳартош ҳам дарсни тинглаб, Баҳо Валаднинг фасоҳат тўла сўзларига ҳайрон қолиб ўтирарди. Айна дамда унинг кўнглидан “Мошоллоҳ, Ҳазратнинг нақадар ўткир зехни, қувватли хотираси бор, гўзал нутқ ирод этмоқда”, – деган ўй кечарди.

## ЯНГИ БИР МАДРАСА

Шу пайт Баҳо Валад Қуръони Каримдан буларни эшитгандек, минбардан ҳайқирди:

– Амир Бадриддин, Қуръони Каримдан бир пора ўқи!

Амир Бадриддин ушбу кутилмаган хитобдан сесканиб тушди, сўнг ўзини ўнглаб, дарҳол хотирасига келган порани ўқиди. Баҳо Валад ўқилган ушбу поранинг ҳар оятини алоҳида-алоҳида тафсир қилди. Ҳайратда қолган Амир Бадриддин ваъз тугаши билан Баҳо Валаднинг ёнига бориб кўлларини ўпди.

<sup>1</sup> Ф у т у в в а т – тасаввуфда жавонмардлик, саховат, қарам...кўрсатиш.

Шу кундан эътиборан бу ҳолнинг шукронаси ўлароқ Баҳо Валад ва болалари учун шаҳарнинг энг гўзал жойи ҳисобланган Султон Қўшки атрофида мадраса қуриш ишлари бошланди. Бир неча ой ўтиб, мадраса иншоотининг қурилиши ниҳоясига етгач, Баҳо Валад ва ўғли Жалолиддин янги мадрасага кўчиб ўтдилар...

Султон Аълоиддин Кайқубод Баҳо Валад ва ўғли Жалолиддинга жуда катта ҳурмат кўрсатар, баъзи муҳим ишларда улардан маслаҳатлар оларди. Султон шаҳар атрофини муҳташам қалъа билан ўраб олганди. Бир қалъаки, чеккалари тиллакори ёзувлар, ён-атрофи мраммар кавариқли турли суврат ва нақшлар билан безатилганди. Онадўлининг нурли куёши остида порлаган бу қалъа шаҳарни ҳам душмандан, ҳам селдан ҳимоя қиларди. Бир кун Баҳо Валад билан бирга қалъа атрофида кезаркан, Султон:

– Эй, Султон-ул-уламо, қалъанинг қурилиши ҳақида нима дейсиз? – деб сўради.

– Сел ва душман суворийларига қарши жуда мустаҳкам қалъа қурдирдингиз, бу таҳсинга лойиқ, аммо мазлумларнинг оҳу нолаларига қарши нима барпо эттирддингиз? Сиз адолат ва эҳсон қалъаси қуришга, хайрли дуолардан аскарлар бунёд этишга ғайрат кўрсатинг!.. Чунки адолат ва эҳсон қалъаси бу каби мингларча чўнг истеҳкомлардан яхшироқдир. Халқнинг омонлиги, дунёнинг барқарорлиги шундандир... – деб жавоб килди Баҳо Валад.

Бу сўзларни жон қулоғи билан эшитган Султон Аълоиддин Баҳо Валаднинг хайрли дуолар қилишини истаб, этагини кўзларига суртиб, қўлларини ўпади ва миннатдорчилик тариқасида Қўнё қалъаси шарқидаги саройнинг боғини Султон-ул-уламога нисор этади.

Анча вақт ўтиб, Баҳо Валад муридлари билан шаҳар атрофини кезаркан, бу ердаги кичик бир тепаликка ишора қилиб:

– Менинг ва болаларимнинг, авлодларимнинг мозорлари шу ерда бўлмай. Бундан кейин бу ер жон ва кўнгил боғи, ҳаққа эришганлар мақомидир, – дейди. Не ажабки, йиллар ўтиб, Баҳо Валад вафот этгач, худди шу ерда дафн этилади. Мавлононинг мақбараси ҳам шу ерда қад кўтаради...

Баҳо Валад бақо уйига кўчиб, ортда ўзидан янада порлоқ бир юлдуз қолдирганди: Мавлоно Жалолиддин... Қутб юлдузи каби нур таратувчи ушбу илм ва урфон жавҳарининг ёнида кейинчалик чиққан тагин неча юлдузлар хира тортажак...

Энди асил юлдуз, ошиқ кўнгиллар Султони ҳақидаги ҳикоямизни бошлайлик.

## II БЎЛИМ

### МАВЛОНО ЖАЛОЛИДДИН

Олимлар Султони Баҳоуддин Валад ўзидан ворис қилиб қолдирган суюкли ўғли Мавлоно Жалолиддиннинг туғилган санаси борасида бир қанча тадқиқотчилар тер тўкканлар. Тарихчи олимлардан Виллай Дурант (Willy Durant) Мавлононинг туғилган санасини 1201 йил, Морис Баррес (Maurice Barres) эса 1203 йил дея талқин этади. XIV аср мавлавий олим Афлокий Аҳмад Даданинг “Маноқиб-ул-орифин” асарида Мавлоно 604 йил Раби-ул-аввал ойининг 6-куни (1207 йил 30 сентябрда) туғилгани қайд этилади.

Сўнги йилларда бу мавзуда кенг тадқиқот олиб борган олимлар Мавлононинг 1207 йилдан анча олдин туғилганини айтишади. Яъни, Мавлоно ўзининг “Фиҳи мо фиҳий” (“Ичиндаги ичиндадир”) асарида Самарқанднинг хоразмшоҳлар томонидан қуршаб олиншига тўхталаркан: “Самарқандда эдик, Хоразмшоҳ Самарқандни муҳосара қилиб, аскар тортиб қурашмоқда эди”, деган фикрни айтади.

Қайд этилган тарихий воқелик 1207 йилда содир бўлгани эътиборга олинса, Мавлоно бу пайтда хотираларини унутмайдиган ёшда, яъни 7-8 ёшларда бўлган дейиш мумкин. Шу сабабли унинг туғилган санасини 1200 йиллар дея қайд этмоқ ҳақиқатга яқин ҳисобланади. Демак, Мавлоно отаси билан Балхдан кўчган пайтда жуда ёш бола эмас, балки ўспиринлик чоғига етган йигитча, Кўнё тупроқларига қадам босганида эса 28 ёшларда бўлган.

Хуллас, Мавлоно отаси Баҳоуддин Валад мерос қолдирган курсини эгаллаганда барчанинг ҳурмат ва ишончини қозонган ёш, бироқ етук олим бўлиб етишган эди.

Жалолиддиннинг Балхдаги болалик давлари етук дарвишларнинг илоҳий мажлислари ичра кечгани сир эмас. Буни тадқиқотчи олим Мариам Ҳери (Muriam Harry) шундай изоҳлайди:

– Балхда Баҳо Валаднинг дарвешлари тез-тез илоҳий мажлислар уюштиришарди. Мавлононинг онаси кичик ўғлининг бу мажлисларда қатнашишини жуда ёқтирар, ол ёнокли, юзидан нур ёғиб турган Жалолиддин кўлида ипак дастрўмоли, бошида олмос безакли қизил кулоҳи (тақияси) билан боши ўнг елкасига оққан ҳолда илоҳий куйларнинг оҳангига ғарқ бўлиб, тинмай самоё рақсига тушарди...

Отасининг дарсларига қатнаб, етук муридларнинг тарбияси остида улғайган Мавлоно узоқ кўчиш йилларида отасидан ажралмаган. Сафар давомида ўз даврининг таниқли олим ва сўфийлари билан танишишга муяссар бўлганди.

Падали бузруквори Баҳоуддин Валаднинг вафотидан сўнгра Унинг муборак жасади қўйилган заминни муқаддас билган Мавлоно ўзи ва авлодларининг ҳам доимий кўноқ ери Кўнё бўлишини истаб, элга шундай хитоб қилмоқда эди:

– Бундан кейин Кўнёни валийлар шахри деб атангиз. Зеро, Кўнёда туғилган бола валий бўлмай. Султон-ул-уламанинг муборак жасади, авлодаждоди ушбу шаҳарда барқарор экан, бу ерда уруш бўлмамай. Душман ҳалок бўлиб, Кўнё охираммон офатларидан ҳам омон қолмай.

Мавлоно завжаси ва болалари билан Амир Бадриддин Гавҳартош курдирган мадрасанинг бир неча хужрасини маскан тутган эди. Отаси вафот этгач, мурид ва талабалар Мавлонони Валад қолдирган курсининг ягона вориси билиб, унинг атрофида жам бўлишганди. Бироқ, Мавлоно ўзини отасининг ўрнига лойиқ кўрмас, бу курсига ўтиришнинг ҳали вақти етмаган деб ҳисобларди. Баҳо Валад азиз ўғлига ўзидаги бор билимларни мисқоллаб ўргатиб, ҳақиқат йўлларини бирма-бир кўрсатиб берганди. Тинмай илм олишга интилган Мавлоно отасининг ўлиmidан сўнгра ёлғизланиб нима қилишини билмай қолган бир дамда янги ирфон қуёшининг Онадўлига келаётгани ҳақидаги хабарни эшитди. Бу термизлик Шайх Саййид Бурҳониддин эди.

## БУРҲОНИДДИННИНГ ҚҶНЁГА ТАШРИФИ

“Саййиди сирдон”, “Муҳаккиқ”, “Фаҳрул мажзубин” каби унвонлар билан танилган Саййид Бурҳониддин бир пайтлар Балх шаҳрида Султон-ул-уламо Баҳоуддин Валаднинг муридлари қаторидан жой олиб, Мавлононинг тарбиясини ўз зиммасига олганди. Маълум бир муддат ўтиб, жўшқинлиги ва жазаваси туфайли Бурҳониддин Мажнун каби чўлу биёбонларга бош олиб кетганди. Бир неча йил дарбадар кезиб, ниҳоят, у Термиз шаҳрига келган ва узлатга чекинганди. Баҳо Валад Балхдан Онадўлига кўчгач, муршидининг Қўнёдан қўним топганини эшитиб, мўғул қўшини туфайли тинчи йўқолган бир қанча инсонлар каби у ҳам

<sup>1</sup> С а м о р а қ с и – мавлавийлик сулукида ўнг қўлни юқорига, сўл қўлни куйига узатган ҳолда гир айланиб, рақс тушганча Оллоҳни зикр этиш.

Онадўли сари йўл олганди. Ушбу сафарнинг сабаблари борасида шундай нақл мавжуд:

Кунлардан-бир кун Саййид Бурҳониддин Термизда бир жамоа олдида кутилмаганда оёққа туриб, – “Э-воҳ! Э-воҳ! Шайхим Баҳо Валад бу фоний дунёдан боқий дунёга кўчмиш, қани, жанозасини ўқийлик”, – дея халққа хитоб қилади ва айни кун Кўнёда вафот этган Баҳо Валаднинг жанозасини ўқийди. Сўнгра эса:

– Шайхимнинг ўғли Жалолиддин Муҳаммад ёлғиз қолиб, мени кутмоқда... Диёри Румга (Онадўлига) кўчмоқ, юзимни шайхимнинг тоза тупроғига сурмоқ ва Унинг омонати бўлган Жалолиддиннинг тарбиясини зиммамга олмоқ қарзимдир, – дея йўлга тушади.

Саййид Бурҳониддин Кўнёга етиб келиши биланок, шайхи Баҳоуддин Валаднинг мазорини зиёрат қилади. Бу пайтда Мавлоно онаси ва акаси мазорга қўйилган Ларенда (Қаҳрамон) шаҳрида эди. Саййид Бурҳониддин Мавлонога тезда Кўнёга қайтиши учун мактуб йўллайди. Мавлоно Кўнёга қайтгач, дарҳол унинг маънавий тарбияси остига киради. Устозини отасидан кейин бўш қолган курсига ўтқизиб, унинг олдида ҳурмат билан тиз чўқади.

Саййид Бурҳониддин Мавлоно эгаллаган илм ва амалиёт даражасини билиш учун уни имтиҳон қилади. Муршид унинг илмини олқишласа-да, баъзи жузъий камчиликлардан холи эмаслигини айтиб, йўл-йўриқ кўрсатади:

– Илмда тенгинг йўқ. Дин<sup>1</sup> ва яқин<sup>2</sup> илмида отангдан анча ўзиб кетибсан. Ҳолбуки, отангнинг ҳам ҳол<sup>3</sup> илми, ҳам қол<sup>3</sup> илми тўлиқ эди. Истайманки, ҳол илмини сўфийлик йўли билан бошлагайсан, шайхимдан менга кўчган маънони энди сен мендан олгайсан. Бугундан эътиборан сен ҳол илмига киришишинг лозим. Бу пайғамбарлару валийларнинг илмидир. Бунга ладун илми (ҳақиқатни билиш) дейдилар. Бу йўлда ғайрат кўрсатгин-да, куёш каби бутун оламга зиё тарат...

Шу кундан эътиборан Саййид Бурҳониддин – шайх, Мавлоно унга мурид бўлганди. Аввало, бир хонага беркиниб олиб, қирқ кун чилла тутишади. Шайх Бурҳониддин ҳар кун Мавлонога янги диний билимлар ўргатиб, Тангри ҳақиқати сирларини бир-бир аён этади.

Саййид Бурҳониддин Мавлононинг зоҳирий илмларни ҳам ўрганишини истарди. Даврнинг энг буюк мадрасалари Ҳалаб ва Шомда эди. Мавлоно ушбу шаҳарларга бориб, бир-икки йил таҳсил олиши лозим эди. Бу фикрни эшитиши биланок Мавлоно дарҳол йўл тадоригини кўради ва бир неча дарвеш ҳамроҳлигида Ҳалабга йўл олади. Шайх Бурҳониддин қисқа муддатга Қайсари шаҳрига бориб истиқомат қилади.

Мавлоно Ҳалаб сари йўл олганида хуржунида китобдан бошқа ҳеч вақо йўқ эди. Аммо кўнгли... Кўнгли ўқиш ва уқиш ишқи билан ёнарди. Мавлоно Ҳалабга келиб, ўз даврининг таникли ханафий фақиҳларидан Камолиддин ибнул Одим мударрислик қилган Ҳалабия мадрасасига кўнди. Мударрис Камолиддин Мавлононинг отасини яхши танирди. Шунинг учун ҳам Жалолиддинга алоҳида эътибор бериб, унинг заковати ва қобилиятдан мамнун бўлганди.

Мавлоно Ҳалабда икки йил сабоқ олди. Эндиги нияти таҳсилни Шомда давом эттириш эди. Шом мўғул кўшинларидан чекиниб паноҳ топган олимлар масканига айланганди. Қолаверса, бу ерда ўз даврининг машҳур олими Муҳиддин Арабий ҳам бор эди. Мавлоно Шомга келиб, Муқаддимия мадрасасига тушди.

Жалолиддин кеча-кундуз ўқимоқ, ўрганмоқ, илм хазинасини янада тўлдирмоқ билан машғул бўлди. Илм гўё бир уммон эди-ю, Мавлоно кичик елқани билан ушбу уммонда муттасил сузиб бормоқда эди.

<sup>1</sup> И л м и я қ и н – ҳақиқатга далил ва исбот орқали эришиш.

<sup>2</sup> И л м и ҳ о л – тариқатда ботиний илмлар.

<sup>3</sup> И л м и қ о л – тариқатда зоҳирий илмлар.

Мавлоно ўз даврининг қатор олимлари, сўфийларини тез-тез зиёрат этар, уларнинг суҳбатида бўлиб, ўз саволларига жавоб топарди. Шунингдек, фикрхга оид “Ҳидоя” китобини ҳамда Муҳиддин Арабий асарларини кунт билан мутолаа қилиб, уларни шуурига жо этарди.

Мавлононинг Шомдаги таҳсилига тўрт йил тўлган кунларнинг бирида бир ҳодиса унинг Қўнёга қайтишини тезлаштиради.

Мавлоно Шомнинг гавжум бозорида ўйчан кезаркан, дунёнинг тўрт томонидан келган ҳамда тиллари каби ранглари ва кийимлари ҳам турлитуман бўлган инсонлар – оддий халқдан тортиб тужжор, сайёҳ ва дарвешлардан иборат оломон орасидан бир кимса кутилмаганда унинг қўлидан тутиб:

– Эй дунё саррофи бўлмиш Мавлоно, мени излаб топ, – дея издиҳомга кўшилиб, кўздан ғойиб бўлади.

Мавлоно унинг ортидан югуриб, чақирмоқчи бўлади, бироқ у кимса ғойиб бўлган эди...

Мавлоно анча йиллар ўтиб, ушбу кимса ўзининг энг буюк муршиди Шамсиддин Табризий эканлигини англайди.

Мазкур сирли ҳодисадан сўнг Мавлоно Шомда кўп қолмай, Онадўлига қайтади. Дастлаб, Қайсари шаҳрига бориб, шайхи Саййид Бурҳониддинни зиёрат қилади. Сўнгра у билан бирга Қўнёга йўл олади.

Саййид Бурҳониддин ўз истаги амалга ошганидан мамнун эди. У Мавлононинг илми ладунни эгаллашида муршидлик қилиб, уни ҳар жиҳатдан комил инсон ўлароқ тарбиялашга саъй-ҳаракат кўрсатмоқда эди.

Саййид Бурҳониддин Баҳо Валаднинг “Маориф”ини бир неча бор ўқиган, Мавлонога ҳам ўқитганди.

Мавлоно Бурҳониддинга қаттиқ боғланиб, сулук<sup>1</sup> даврини сабр-тоқат билан ўтказмоқда, чилладан чиллага кириб камолга эришмоқда эди. Бир неча кун давом этган риёзат рўзалари Мавлононинг рангини сўлдириб, оздириб қўйганди.

Одатда, Саййид Бурҳониддин риёзатга жуда қатта аҳамият бериб, муридларига шундай дерди:

– Агар Танрига ибодат қила олмасангиз, у ҳолда рўзани қанда қилмангиз. Рўза ҳикмат хазиначарининг қалитидир. Пайғамбар ва валийларнинг ботинларидаги ҳикмат булоқлари очлик ва рўза баракоти туфайли қайнаб тошган. Рўза тутишдан яхшироқ ибодат йўқдир.

Маълумотларга қараганда Саййид Бурҳониддин ўн беш кунлаб оғзига лўқма олмаган пайтлар бўлган. Ҳатто нафси хуруж қилган дамларда ошпаз дўконидаги ит ялоғи олдида туриб:

– Эй кўзи кўр нафсим, мен бундан ортиғини тополмайман, мени маъзур тут. Агар тотмоқчи бўлсанг, мана, истаганинг ёнингда, шу ялоқда, – дея нафси билан курашар эди...

Хуллас, Мавлоно ана шундай устоз қўли остида энг қийин рўза амалларига риоя қилмоқда, Саййиднинг ўчоғида пишиб етилмоқда эди.

## САЙЙИДНИНГ МАЪНАВИЙ ВАЗИФАСИ БИТМОҚДА...

Шундай қилиб ойлар, йиллар ўтди. Бу йиллар Мавлонони янада етуклаштириб бормоқда эди. Рўза ва чилла кунлари орта қолди. Мавлоно Саййиднинг этагидан тутиб, тўққиз йил унинг айтганларини бажо келтирган, ҳар бири ҳақиқат инжуси ҳисобланган сўзларини тасбеҳ каби тизиб, қалбига жо қилганди. Мавлонони камолотга етказиб, вазифаси битганига ишонч ҳосил қилгач, Саййид Қайсари шаҳрига бориб, умрининг сўнгги йилларини узлатда ўтказмоқчи эди. Бироқ Мавлоно бунга кўнармикан?! Буни билган Саййид фикрини Мавлонога очик-ойдин айта олмаётган эди.

Саййид ёз кунларининг бирида хачирга миниб, муридлари ҳамроҳлигида Қўнё боғларини сайр қилишга чиқади. Йўлда кўнглидан “Бу ердан тўғри

<sup>1</sup> С у л у к – тариқат йўлларида бири, сулукни ихтиёр қилганлар солиқ дейилади.

Қайсарига борсам...” деган ўй кечади, шу пайт кутилмаганда хачир сакраб, уни ерга қулатади ва оёғига қаттиқ шикаст етказди. Бу воқеани эшитиб, тезда етиб келган Мавлоно не кўз билан кўрсинки, устозининг оёқ суяклари синган. Шунда Саййид Мавлонога алам билан:

– Офарин, қандай яхши мурид, шайхининг оёғини синдиргай, – дейди. Мавлоно сукут сақлаган ҳолда, синикларни ўраб-чирмаб, икки ҳафта давомида муолажа қилади. Шундан сўнгра Мавлоно Саййиднинг кетмаслиги учун қаттиқ туриб олиш жоиз эмаслигини англаб етади.

Бир кун ўзаро суҳбат чоғида Мавлоно:

– Нега кетмоқчи бўляпсиз? – дея неча ойлاردан бери сўрамоқчи бўлган саволини беради.

– Мана, сен энди барча нақлий ва ақлий илмларда тенги йўқ арслон бўлиб етишдинг, ўғлим... Мен ҳам ўзимча арслонман. Икки арслон бир жойда яшамагай. Шунинг учун кетмоқчиман. Мендан сўнг ёнингга буюк бир дўст келгай. Бир-бирингизга кўзгу бўлгайсиз. У сени ботиний оламнинг энг маҳрам пучмоқларига етаклагай, сен ҳам уни шундай оламда яшатгайсан. Бир-бирингизни тўлдиргайсиз ва ер юзининг энг буюк икки дўсти бўлгайсиз...

Устоз ушбу сўзларни айтаркан, Мавлоно кўзлари ёшга тўлиб тингламоқда эди. Айни дамда Саййид Бурҳониддин Шамс Табризий “зухур”идан хабар бермоқда эди. У сўзида давом этади:

– Оллоҳга ҳамду санолар бўлсинким, заиф ва ожиз бу кул сенинг тенги йўқ олим бўлиб етишганингни кўриш саодатига эришди. Қани, энди инсон руҳиятига янги бир ҳаёт бахш этгин-да, бу суврат олами ўликларига маъно ва севгинг билан ҳаёт бағишлагин...

1239 йилнинг эрта баҳорида Мавлоно шайхининг муборак қўлларини ўпиб, бир қанча муриди ҳамроҳлигида Қайсарига кузатади. У ерда уни шаҳар волийси Вазир Соҳиб Шамсиддин Исфаҳоний зўр тантана билан кутиб оларкан, шаҳар ақобирлари Саййиднинг ҳузурига келиб, таъзим қилишади ва совға-саломлар тақдим этишади. Саййид бу совғаларга асло қўл урмай, фақирларга, етим-есирларга бўлиб беришни буюради.

Саййид Бурҳониддин Қайсарига келиб, узлатга чекинади. Мавлоно вақти-вакти билан бир неча бор устозини зиёрат қилиб, кўнглини олади. Қайсари халқи Саййидга жуда катта ҳурмат кўрсатарди. Ҳатто уни бир гал жоме масжидига имомликка тайинлашади. Бироқ Саййид Бурҳониддин намоз ўқиркан, баъзан соатлаб оёқда туриб қолар, рукуъ ва саждага борганда ҳам тағин анчагача ўрнидан турмай қолган ҳоллар бўларди. Жамоат унинг бу ҳаракатига бардош бера олмай қолганди. Шунда Саййид:

– Мени маъзур тутингиз... Мен ҳаяжонга берилган одамман... Тангри-нинг ҳузурда ўзимдан кечиб, сизларни унутиб қўяётирман. Мен имомлик қилолмайман. Сиз ўзингизга мувофиқ имом топинг, – дея жамоатдан узр сўраб, қайта хужрасига чекилади.

Ушбу воқеадан кўп ўтмай, муридлар Бағдоддан мутасаввуф Шайх Шаҳобиддин Умар Сухравардий Саййидни зиёрат қилиш учун Қайсарига келаётганини маълум қилишади. Икки кундан сўнг Сухравардий Қайсарига етиб келади. Саййидни хужра олдидаги тепаликда ўтирганини кўриб, ёнига чўккалайди. Анча вақт ўтса-да, на Саййид, на Сухравардий сўз очади.

Нихоят, Сухравардий ўрнидан туриб, нари кетади. Бу ғаройиб зиёратни хайрат билан кузатган муридлар Саййидга:

– Бу қандай учрашув бўлди? Урталарингизда ҳеч бир мулоқот воқе бўлмади. Бир бора бўлса-да сўзлашмадингизлар. Бунга сабаб не? – деб сўрашади. Саййид уларга шундай жавоб беради:

– Ҳол аҳли ёнида қол тили эмас, қол тили лозим. Қуръони каримда “Жим қолинг” хитоби ворид бўлди. Ҳақиқатни кўрганнинг ҳузурда жим қолмоқ вожиб. Зеро, қол бўлмай туриб, қол билан кўнгил мушқуллари ҳал бўлмагай.

Саййид Қайсарига келганига ҳали бир йил ҳам бўлмаган, умрининг

сўнгги кунларини яшаётганини биларди. Бир кун хизматчисига тоғорада иссиқ сув тайёрлашни буюрди. Сув олиб келинганча, туриб таҳорат олди. Сўнгра хизматчисига:

– Бор, эшикни маҳкам бекит-да, ташқарига чиқиб: “Ғариб Сайид дунёдан ўтди”, дея овоз сол, – деди. Ўзи эса хонанинг бир четига чекиниб, сўнгги дуога қўл очди:

– “Эй Буюк Тангри, эй дўст, мени хузурингга қабул қил ва жонимни ол... Мени маст айла ва ҳар икки дунёдан халос эт... ўзинг ёрлақа... Сенсиз ҳар не ила кўнглим роҳат эса, уни мендан жудо эт...” – деб, жон таслим этди...

Хизматчи дод солганича Соҳиб Шамсиддин томон югуради. Сайиднинг вафоти ҳақидаги хабар қисқа вақт ичида бутун Қайсарига тарқаган, қатта бир жамоа Унинг хужраси олдида тўпланган эди. Соҳиб Шамсиддин жаноза тадбирини ўтказишга тайёргарлик кўраркан, Мавлонога хабар йўллайди. Майит дуо ва такбирлар билан мусаллога қўйилиб, жаноза ўқилди, хатми Қуръон туширилди...

Мавлоно шайхининг ўлими хабарини эшитиши биланок, чуқур қайғу ила дарҳол Қайсарига етиб келиб, Сайиднинг мозори бошида соатлаб дуолар ўқиб ўтирди.

Соҳиб Шамсиддин Сайиднинг китобларини Мавлонога тақдим этади. Ушбу китоблар орасида Сайиднинг “Маориф” номли машҳур асари ҳам бор эди. Мавлоно устозининг китобларини олиб, Қўнёга қайтади.

### III БЎЛИМ

#### ИККИ УММОН УЧРАШУВИ

#### МАВЛОНО ҲАЁТИДА ПОРЛАГАН ҚУЁШ: ТАБРИЗЛИК ШАМСИДДИН

Салжук давлати пойтахти Қўнё аср намози маҳалида куёш нурлари остида порлаб турарди. Мавлоно Жалолиддин Олтин Аба мадрасасида талабаларга сабоқ бериб, уйига қайтмоқда эди. Минган хачирини икки талаба етаклаб бораркан, боши ўннга солинган Мавлоно тавозе ва йўқлик туйғуси ичра букчайиб, оғир, оҳиста илгарилаб бормоқда эди. Кўчанинг нақ ўртасида кутилмаганда кимдир икки қўллаб хачирнинг тизгинига ёпишди. Мавлоно хачирнинг илкис тўхташидан сесканганча ўзига келиб, бошини кўтарди. Қорачадан келган, хушсуврат, нотаниш бир кимса йўлини тўсиб, хачирнинг тизгинига қаттиқ ёпишганча, ўтли, кескин нигоҳлари билан Мавлонога дадил тикилиб турар эди. Соч-соқоли мошгуруч кекса дарвешнинг ўтли боқишлари остида қолган Мавлоно бундай соҳир, жозиб кўзларни умрида илк бор кўрмоқда эди. Аини дамда ногаҳоний бир учкун чакнаб, иккаласи ҳам оташ ўтида ёнгандек бўлди. Қисқа, бироқ ваҳмкор бундай сукутни нотаниш кимсанинг қатъий, дон-дона сўзлари бузди. У жиддий, жарангдор овозда сўраб қолди:

– Сен балхлик Султон-ул-уламо ўғли Мавлоно Муҳаммад Жалолиддинсан, тўғрими?

– Ҳа.

– Бир мушқулим бор, айт-чи менга, Ҳазрати Муҳаммад устунми, Боязид Бистомийми? Хўш?..

Мавлоно кўча ўртасида тўпланган оломоннинг ҳайратомуз боқишлари остида кутилмаган бундай саволдан бир сесканди-да, тагин ўзини ўнглаб олди. Ушбу савол остида ниҳоятда улкан ҳамда тағдор маъно ётганини дарҳол идрок этиб, савол эгасининг оддий кимса эмаслигини англади ва жавоб берди:

– Бу қандай савол бўлди? Албатта, Ҳазрати Муҳаммад устун...

Савол бергувчининг боқишлари юмшаб, лабларида табассум пайдо бўлди. Ва яна сўраб қолди:



– Дуруст, аммо Ҳазрати Муҳаммад “Ё Раббим, Сенга тавба қиламан, биз сени лойиқ бўлганинг даражада била олмадик” дейди. Ҳолбуки, Боязид Бистомий “Мен барча қусурлардан покландим, менинг шоним жуда юксакдир. Зеро, жисмимнинг ҳар заррасида Тангридан бошқа нарса йўқ”, дейди. Бунга нима дейиш мумкин?

Мавлоно саволнинг бу даража жиддий тус олишини олдиндан билган эди, дарҳол жавоб берди:

– Чунки Ҳазрати Муҳаммад кунда беҳисоб даражаларга юксалар, ҳар мақом ва мартабага етганида аввалги билим ва ҳаёлотидан истиффор этарди. Шу тарзда Пайғамбар ҳеч бир мақомда ва ҳукмда тўхтаб қолмай, ўзини абадиян поклаб борадиган Раббим ҳамда унинг барча тажаллийлари ичра ҳам юксалиш ва покланишга молик бўлган эди. Мутасаввуф Боязид Бистомий эса етишган илк мақомининг сархушлиги ичра ўзини йўқотиб қўйди, шу мақомда қолди ва дарҳол шу сўзни сўйлади...

Дарвеш жавобнинг улуғворлиги олдида дош бера олмай, титраб кетди, хайқирганча хушдан ажраб ерга йиқилди. Мавлоно ҳаяжон ичра ҳачиридан тушиб, дарвешни кўлтиғидан тутиб кўтарди.

Айни дамда икки уммон гўё бир-бирига қовушгандек эди. Дарвеш ўзига келиши биланок, улар азалдан бир-бирига таниш икки дўст каби кучоклаша кетишди. Мавлоно дарвешнинг кўлтиғига кириб, ҳеч нима демай уйига, мадрасаси томон етаклади.

Ушбу ҳолатни чуқур ҳайрат ичра томоша қилиб турган муридлар ва оломон бу ҳодисот сирини англаб ета олмай, бир-бирини кучганча кетиб бораётган икки зотнинг ортидан боқиб қолишди, холос.

## МАВЛОНОНИ МАВЛОНО АЙЛАГАН ТАБРИЗЛИК ШАМС

Хўш, кўча ўртасида Мавлононинг йўлини тўсган, берган бир жуфт саволига олган жавобни эшитиб хушини йўқотиб қўйган, дарвеш қиёфасидаги бу асрорангиз қария ким эди? Бу зот олим ҳамда мутавозе бир сўфийни тубсиз ишқ денгизига ғарк этган, уни ишқ қозонида ёкиб-қовурган, қисқаси, Мавлонони Мавлоно айлаган табризлик Шамс эди.

Айтишларига қараганда, У озарий туркларидан Маликдод ибн Али деган бир зотнинг ўғли бўлиб, Табризда туғилиб, улғайган эди. У болалигиданок турфа ҳоллари, ғаройиб хислатлари билан кўпчиликнинг диққатини ўзига жалб қилган эди. Айниқса, болалигида рўй берган оддийгина бир ҳолат унинг буюк келажагидан дарак берарди: отаси билан бирга дарё қиргоғи бўйлаб сайр қилишаркан, товук остидаги тухумлардан чиққан ўрдак болалари дарёга отилиб, юза-юза нариги соҳилга чиққан бўлишига қарамай, товук сувга туша олмай, соҳилда қоқоғлаганча зир югурарди. Бу манзарани томоша қилиб турган ёш ва мағрур Шамсиддин отасига шундай дейди:

– Бу ҳолга боқинг, ота!.. Гўё сиз билан менинг ўртамиздаги ҳолга ўхшайди. Товук соҳилда типирчилаб тургани ҳолда жўжалари сувга тушиб, нариги бетга ўтишди. Маслаклар, сажиялар ўртасида қанчалар фарқ борлигини кўрдингизми?..

Мавлавий ҳақидаги кўпгина манбаларда Шамсиддин Нажмиддин Кубронинг халифалари бўлмиш Бобо Камол ёхуд хилватия силсиласидан бўлмиш Қутбиддин Абҳар халифасининг дарвешши сифатида қайд этилади. Ҳолбуки, Шамс ўзининг “Мақолот” асарида “Менинг Табризда Абубакр исмли бир шайхим бор эди. Сават ясаб кун кечирарди. Ундан жуда кўп илм ўргандим. Бироқ менда бир нарса хислат эдики, уни шайхим кўра олмасди. Зотан, уни ҳеч ким ҳам кўрмаган эди, айнан шу нарсани пиру устозим Мавлоно кўрди...” дейиш ила илк шайхи сават тўқувчи Абубакр эканини ифода этган.

Маълум бир муддат сўнгра, шайх хонақоси ҳамда Табризни тарк этиб, шаҳарма-шаҳар кезган Шамс, энди, бундан кейин ҳеч кимга маҳрам бўлмай, бирон-бир шайхга боғлана олмай қолган эди. Унинг ўзига ишонган, ҳар

кимни ҳам ёқтиравермайдиган ажабтовур мағрур феъл-атвори бор эди. Бир инсондан баҳс юритилганда:

– Кеча онасининг қорнидан чиқиб, бугун ломаконни идрок этиш ўрнига Тангриликни даъво қилгай. Тангри муқаллидларидан толиқдим, бездим... Бир одамни танийман, фалон шайхнинг номини, шуҳратини эшитиб, олис йўл юриб, уни кўришга келгай. Шайх ундан нега келганини сўрайди, у эса Тангрини излаш мақсадида келганини айтади. Шайх унга Тангрининг самоларда ҳукм сураётгани, самовий кемаларини юритаётганини айтгач, бечора йўловчи ўрнидан туриб ортга қайтгай ва ушбу шайхни ортиқча си-наб кўришни лозим топмагай, – дейди. Бу сўзлар билан у ўзини эътиборга олаётгани маълум. Тағин айтмоқда эдики:

– Барча ўзидан, шайхидан сўз юритгай, унга нисбат иддао этиб, ҳақиқат йўлида ўзига бир ришта қургай. Ҳолбуки, бизга шахсан Тангри Расули маъно оламида хирқа кийдирди. Бу хирқа икки кунда эскириб-тўзийдиган, йиртилиб чирийдиган, гулханларга отиладиган хирқалардан эмас... Бу шундай бир суҳбат ва ҳақиқат хирқасидирки, у замон ва макондан ташқаридадир. Зеро, ишқда замон ва маконнинг чегараси йўқ...

### ШАМС ТАНИЛМОҚДАН КЎРҚМОҚДА, ЙЎҚЛИККА ЙЎЛ ОЛМОҚДА ЭДИ

Бу сўзлари билан Шамс тағ-тугининг тайини йўқ, сафсаталар орқали шайхни таъриф этганларни назарда тутмоқда, аслида бу сафсаталарнинг чиндан ҳам куракда турмайдиган лофлар эканини ифодаламоқда эди. Унинг наздида ҳақиқатга лоф билан, ҳатто илм билан ҳам этиб бўлмайди. Илоҳий висолга фақатгина шариатга амал қилиш, мезонларга бош эгиш, етуқ бир муршиднинг, йўл кўрсатувчининг тарбияти остига кириш, ишқ билан, муҳаббат билан йўл олиш орқали етиш мумкин эди. Шунинг учун ҳам У файласуфларга эътироз билдирадди:

– Шўрлик файласуф ўн хил ақл бор, улар бутун коинотни қоплаб олган, дейди. Кейин эса ҳеч бир ақлнинг ҳақиқатни топа олмаслигини англаб, каловланиб бошини қашийди, бироқ тағин бундан сабоқ олмайди...

Шамс илоҳийни, билимни, ҳатто мингларча йил таҳсил олинса-да, ўрганиб бўлмаслигини, ҳеч бир билимнинг Оллоҳ вуслати қўлга киритилган файзга тенг бўла олмаслигини сўйлар, бу ҳикмат ва ҳақиқат манбаини кўнгилдан, яъни шубҳа ва гумонлардан холи соф кўнгиллардан излар эди. Дердики:

– Ҳамма нарса инсонга фидодир, инсон эса ўзига, ўз ҳақиқатига фидо... Оллоҳ кўкларни ва аршини эмас, башарни улуғлаганидан хабар беради. Аршга борсанг ҳам, унинг устига чиқсанг ҳам фойда йўқ... Шунингдек, етти қават ер остини кечиб ўтсанг ҳам бефойдадир. Кўнгилга кирмоқ, кўнгил соҳибига ёр бўлмоқ лозим. Барча пайғамбарларнинг аъмоли кўнгилдир. Ва инсон ўзини билгачгина, ҳамма нарсани билгай.

Шамсга кўра қуллик – кўнгил қуллигидир. Хизмат – кўнгил хизматидир. Бу эса инсоннинг Тангрида ғарқ бўлишидир. Шариат эса бу ғарқ бўлишнинг тамал тошидир. Бошқа йўл йўқ. “Бир лаҳза ўйга толмоқ, муруқбага бормоқ, кўнгилга эгилмоқ олтмиш йиллик ибодатдан хайрлидир” ҳадисидаги ўйга толмоқдан мақсад ҳам содиқ дарвешнинг кўнгил ҳузуридир. Ҳаққа қайтиш Ҳаққа таслим бўлишдир.

Шамс мудом ҳақиқат аҳли, кўнгил соҳибини излаб, олис йўллар кезмоқда, турли ўлкалардаги хонақоҳ, карвонсаройлардан кўним топмоқда эди. Баъзи мамлакатларда, ҳатто маълум бир муддат туриб қолган пайтлари ҳам бўларди. Бироқ бундай дамларда кўпинча муридлар уни тезда таниб қолиб, атрофини ўраб олишарди. Шунда у бу ерларда туриб қолиш таҳликали эканини англаб, тезда бошқа мамлакатга кўчиб ўтарди. Кўпинча Шомга борарди. Шомда бир хонақоҳга тушиб, хужрасини қулфлаб олар,

<sup>1</sup> М у р о қ а б а – Оллоҳ Таолонинг фикру ёди билан дунё тааллуқотларидан узоқ бўлиш.

сўнг бир неча кун давомида ёлғиз қолиб, ҳеч кимни ичкарига киритмас, биров билан кўришмасди. Доимо риёзат чекар, бир кулча нон, бир кумғон сув билан кун кечирарди. Шомда экан, бир оҳакчи дўконига борган эди. Оҳакчи эски муштарийсини дарҳол таниб қолиб, унга бироз суяқ ёвғон билан иссиқ кулча нон тутади. Шамс ўзини таниб қолишганини пайқаб, косани ерга қўяди ва қўлларини ювиш баҳонасида дўкондан чиқиб, шу кунийёқ Шомни тарк этади. Яна бир гал Арзирум да жойлашиб, мактабда дарс бера бошлайди. Бироқ қисқа бир вақтдан сўнг халқ уни таниб, атрофини куршаб олади. Кўп ўтмай у бу ердан ҳам жўнаб кетади.

Табризли Шамсиддин эришган мақом ва мартабаларда тўхтаб қолмай, янада етук бир шайх, янада юксак мақом изламоқда эди. Ўзини улуғ мақомларга эриштирадиган муршиди комилнинг суҳбатига ноил бўлиш учун йиллар давомида қатор мамлакатларни кезиб чиққанди. Айнан шунинг учун ҳам унга “Шамси парранда – учар Шамс”, деган ном қўйган эдилар. Тўхтамай олам кезар, изланар, сўраб-суриштирар, “шайхман” деганларни синаб кўриб, кутган жавобини ола олмагач, кўнгли тўлмай, тезда ундан узоқлашарди. Дердики:

– Улкан шаҳарларда яшамоқ бир муршиднинг хизматига кирмоқ демакдир. Қолаверса, бир муршиднинг қудрати ва суҳбати кифоясиз бўлса, бу ерда миҳланиб қолиш фалокатини бир тасаввур қилиб кўринг.

Бир гал йўли Бағдодга тушган эди. Таниқли сўфийлардан Шайх Авҳодуддин Кирмонийни зиёрат қилиб, ҳол-аҳвол сўради. Шайх Авҳодуддин “Тўзалларда жамоли Мутлокни кўрмоқдаман” сўзига ишора қилиб:

– Ойни тоғорадаги сувда томоша қилмоқдаман, – деди. Бунга жавобан Шамс:

– Энсангда чипқон бўлса-да, бошингни кўтариб, кўкка боқ! Шунда Ойни тоғорада эмас, ўз зотингда кўргайсан. Модомики шундай экан, нега тоғораларга эгилиб, ўзингни излаган нарсангнинг аслидан маҳрум қилмоқдасан, – дейиши биланоқ, Авҳодуддин Шамснинг қўлларига ёпишиб, муриди бўлишни истайди. Шамс:

– Бизнинг суҳбатимизга бардош бера олмайсан, – дейди. Авҳодуддин бардош бера олишини айтиб, қаттиқ туриб олгач, Шамс такрор сўрайди:

– Бўпти, бир шартимиз бор. Бағдод бозорида халқнинг олдида шароб ича оласанми?

– Астағфуруллоҳ, бундай қила олмайман.

– Майли, бу шартимдан воз кечдим, хўш, мен бозордан шароб олиб ичсам, мен билан суҳбат кура оласанми?

– Йўқ, бундоқ ҳам қила олмайман...

– У холда эранларга яқин йўлама! Менга дўст бўла олмайсан... Шуни ҳам билки, мен мурид эмас, шайх изламоқдаман. Шунчаки бир шайх эмас... Чиндан ҳам ҳақиқатларни билгувчи, етук шайх, етук бир муршид...

Ўзи буни шундай изоҳлайди:

– Мен ҳақиқий муршид топиш мақсадида жуда кўп ўлкаларни кездим. Қарга борган ва кимгаки дуч келган бўлсам, бари бесамар бўлди... Бир ерда шундай нақл қилмоқда эдилар: бир шайх ўтган экан, ҳар қандай кимсага хирқа кийдиар, давлат ва салтанат эҳсон этар экан. Лекин у вафот этган экан, мен уни кўрмадим... доим мана шунақа қуруқ гапларни эшитдим, холос... Комил шайх ҳақида, ўрни келган экан, мезонни айтмоқчиман... Кимдир бир кимсага қарши бирор сўз айтса, у инсон асло хафа бўлмаслиги, унга нисбатан кин сақламаслиги лозим. Бунақасини ҳам учрата олмадим. Чунончи, жўн бир камол ила ҳақиқий камол орасида ҳали қанчадан-қанча масофалар бор. Хуллас, мен шайхликка лойиқ кимсани топа олмадим, – дейди.

Шамс фикрини тасдиқлаш учун шундай мисол келтиради:

– Бир одам балиқни англамоқда, катталигини таъриф этмоқда эди.

<sup>1</sup> Арзирум – Онадўлидаги шаҳар номи.

Шунда биров:

– Сен балиқ нималигини биласанми ўзи? – деб сўраб қолди.

У одам:

– Нега билмас эканман!.. Ахир, йиллар давомида денгиз сафарида бўлган бўлсам...

– Хўш, унда балиқ қанақа бўлади?

У одам тушунтира кетди:

– Балиқнинг туядек икки шохи бор...

– Бас, етар... Сен ҳали хўкиз билан туянинг фарқини билмайсан-у, тагин балиқни таърифламоқчи бўляпсан, – деб эътироз билдирган экан ҳалиги кимса.

Маълум бўладики, Шамс хонақоҳ шайхлардан бўлишни истамас эди. Бир неча шайхларни синаб кўриб, уларнинг шайх эмас, ҳатто мурид бўла олмасликларига гувоҳ бўлганди. Шуҳрат, мол-мулк фойда эмас, зарар келтиришини, дунёга миҳлаб қўйишини у яхши биларди. Халқ доимий курашлар, талон-торожлар туфайли бу дунёдан безган эди. У ушбу дунёда топа олмаган ҳузурни ҳеч бўлмаса нариги дунёда топиш учун маънавиятга юз тутган, тасаввуфга мойиллиги ортган эди. Шамс соф туйғуларини суистеъмол қилганлардан ҳамда мен бундоқман, мен ундоқман дегувчилардан нафратланар, мамлакатма-мамлакат кезиб, ҳақиқий шайх, муршид излаш илинжида бир неча йиллардан буён елиб-югурмоқда эди. Унинг ёши олтмишга етган, қора соқолига оқ оралаганди. Устида жун жубба, кўлида алам<sup>1</sup>, бошида кулоҳ бор эди. Баъзан елкада тош ташиб, эвазига арзимас чақа олар ва шу зайилда кун кечирарди. Бировдан ҳеч нарса таъма қилмас, бировга юк бўлишни истамасди. Кўпинча оч қолиб, нафсини калака қиларди. Шамс Онадўлини шу тарзда кезиб юрар, бир-икки кун шаҳар ва қасабаларда қўноқлаб ўтар эди. Ана шундай кунларнинг бирида йўли Қўнё яқинидаги Оксаройга тушади. Муносиб қўноқ жойи топа олмагани учун масжидда тунамоққа қарор қилади. Масжиднинг бир чеккасига бориб чўк тушади. Хуфтон намозидан сўнгра муаззин эшикни бекитмоқчи бўлган бир пайтда Шамсни кўриб қолиб, унга зарда қилади:

– Ҳой, кимсан? Чик бу ердан, бор, ётгани бошқа жой топ...

Шамс:

– Мени маъзур тутинг. Ғариб бир йўловчиман. Ётадиган жойим йўқ. Рухсат беринг, бу кеча шу ерда тунай, – дейди.

Муаззин унинг бу гапларини эшитиб, янада дарғазаб бўлади ва бакирганича аччиқ сўзлар айта бошлайди. Шамс унинг ножўя сўзларидан қаттиқ ранжийди ва:

– Иншооллоҳ, тилинг оғзингга сиғмай қолади, – дея масжидни тарк этади. Шу пайт муаззиннинг тили шишиб, бўғзига тикила бошлайди. Хириллаб чиқаётган товушларни эшитиб, ёрдамга югуриб келган имом ундан:

– Нима гап, нима бўлди? – деб сўрайди. Жони халқумга келган муаззин кўли билан узоқлашиб кетаётган Шамсни кўрсатиб:

– Мени анави бу ҳолга солди... Югур, ундан мен учун афв сўра, – дейди.

Имом югуриб бориб, Шамсни тўхтатади ва:

– Узр, ҳазрат, шўрлик муаззин сизнинг ким эканингизни билмапти, айбга буюрманг, уни қутқаринг... – деб ёлворишга тушади.

– Энди кеч бўлди, ҳукм Тангридандир, мен ҳеч нима қила олмагайман. Бироқ, унинг иймон бирла қазо қилиши, охират азобини кўрмаслиги учун дуо қилгайман, – дейди ва йўлида давом этади. Имом ортга қайтиб келгач, не кўз билан кўрсинки, узала тушиб ётган муаззин жон берган эди.

Шамс Қўнё томон йўл олади.

Унинг Қўнёга келиши бежиз эмасди. Ҳар борган жойида Мавлоно ҳақида сўз очилиб, Унинг халқ ўртасидаги нуфузидан баҳс юритилмоқда эди. Бир гал:

<sup>1</sup> Алам – туғ.

– Тангрим, мени дўстларим бирла учраштир, – дея тонггача ниёзда бўлиб, уйқуга кетади. Рўёсида бу тилаги ижобат бўлиши, бироқ бунинг учун Онадўли элига бориши кераклиги буюрилади. Чунончи, ундан бунинг эвазига нима бағишлай олиши сўралади. Шамс:

– Бошимни!... – деб жавоб беради. Уйғониши биланок дархол йўлга тушади. Онадўлини кезган сари халқ ўртасида Мавлононинг номи, шуҳрати ҳақида илиқ сўзлар кўпайиб боради. Сўнг у Қўнёга боришга қарор қилади ва 1244 йилнинг ноябрь ойида Қўнёга келади. Узоқ-узоқлардан юксак минораларни кўриб, ҳаяжонга тушади. Нақадар улуғ, нақадар буюк шаҳар эди Қўнё... Ён-атрофи қалин қалъа билан ўраб олинган, тиллакори миноралардан турли-туман ҳайкаллар, арслон шакллари кўзга ташланарди. Қалъа атрофи бўйлаб чуқур хандаклар қазилган бўлиб, ўн икки дарвоза олдида хандаклар узра осма кўприклар қурилганди.

Шамс оқшомга яқин катта дарвозадан шаҳарга кирди ва Шакарчилар хонақоҳининг бир хонасига жойлашди.

Эртаси кун 25 ноябрь бўлиб, Шамс хонақоҳ эшиги олдидаги тошлок жойда чўккалаб, ўтган-кетганларни томоша қилмоқда эди. Аср намозига яқин катта кўча бўйлаб мударрис қиёфасидаги бир кимсанинг талабалар қуршовида ҳачир миниб ўтиб кетаётганини кўради. Халойиқ:

— Мавлоно Жалолиддин келмоқда! – дея оёққа туриб, тавозе билан саломламоқда эди. Демак, ҳачир устидаги қалта қора соқолли, буғдойранг бу кимса – неча йиллардан бери доврўғини эшитган, бир гал эса Шомда кўрган Мавлоно экан-да! Шамс ўрнидан турди ва издиҳом оралаб олға интилди. Унга яқинлашиши биланок, ҳачирнинг тизгинидан маҳкам тутиб олди. Юқорида айтганимиз каби бироз қийин ва қисқа саволлар берди. Олган жавобларидан шу қадар ҳаяжонландики, оёқда тура олмай, ҳушидан кетди...

Шамс билан Мавлоно илк бор учрашган ушбу жойга мавлавийлар кейинчалик Қуръони Каримнинг “Раҳмон” сураси 19-оятидан олинган, яъни “икки денгиз қоришган жой” маъносини англаган “Меърожул-бахрайн” номини беришади. Салжуқийлар даврида Шакарчилар хонақоҳининг олд томони ҳисобланган бу жой ихота қилиниб, зиёратгоҳ ҳолига келтирилади.

Мавлоно Шамс билан шу тарзда учрашгандан сўнг, уни ердан кўтариб олиб, неча йиллардан бери бир-бирини таниган ва излаган икки эски дўст каби ҳасрат ва ҳаяжон ичра кучоқлашганча Мавлононинг мадрасаси томон одимлаб кетишади. Шу тариқа улар маъно оламининг сирли хужрасида ойларча давом этувчи суҳбатни бошлаб юборишади.

## МАВЛОНО ШАМС БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Мавлоно биринчи куниёқ:

– Эй, Шамсиддин Табризий, эй маъно оламининг инжуси, гарчи уйим сенга лойиқ бўлмаса-да, аммо мен содиқ бир қулингман энди. Қулнинг нимаси бор бўлса, бари хўжайининикидир. Бундан кейин бу уй сеники; болаларим сенинг ҳам ўғил ва қизларинг ҳисобланади, – дея унинг хизматига бел боғлайди.

Шамс Мавлонони яна бир бор синамоқчи эди. Бир пайтлар Авҳодуддин Кирмонийга буюрганидек, Мавлонога ҳам шароб олиб келтиришни буюради. Мавлоно барчанинг ҳайратли ва ваҳимали назари остида Шамснинг бу истагини бажо келтиради. Шунда Шамс:

– Биз сени синаб кўрдик, сен биз тахмин қилгандан ҳам ортиқ экансан. Магар сен ҳеч кимса таший олмайдиган юкни ҳеч зиён етказмай елкасига ола биладиган комил инсон экансан. Сенда шундай қудрат ва бардош бор экан, бу дунёда ҳеч кимса сенга тенг кела олмай, – дея шаробни тўкиб, Мавлонони кучади. Мавлоно бир неча кунлик суҳбатдан сўнгра Шамснинг тенгсиз муршид эканлигини англаб, унинг юксак камолотида, жамолида Тангри нурлари акс этаётганига иқрор бўлади.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Мавлоно уй сифатида истифода этиб келган кичик мадраса беркитилиб, эндиликда ишқ ва маъно масканига айланади.

Шамс Мавлонога “самоъ” рақсининг завқини тоттирган, уни бу йўлда иршодга<sup>1</sup> бошлаган эди. Самоъ борликдан ажралиб чиқиб, ўзни унутган ҳолда мутлоқ фонийлик ичра бако завқига эришиш ҳисобланарди. Самоъ ошиқнинг озуқаси эди. Зеро, самоъда севгилига эришишнинг тотли ҳаёли бор эди. Бу вуслатнинг завқини олган ошиқ энди замон ва макондан ҳам мосуво бўлар эди. Маснавийда, “вақтдан, вақт қайдидан кутулдингми, бе-ихтиёр Тангрига маҳрам бўлгайсан”, – деб бежиз айтилмаган эди.

Шамс Мавлонони рақси самоъга ташвиқ этар ва дердики:

– Самоъ рақсида ошиқларга Тангри тажаллийси янада зиёда воқе бўлгай. Самоъ уларни моддий оламдан айириб, Ҳақ висолига эриштиргай, – дерди.

Самоъ рақси асносида ҳар бир ҳаракатнинг илоҳий маъно ва ифодаси мавжуд. Самоъда чарх уриш, оний айланишлар Тангрини ҳар томонда кўриш ҳамда файз олишни ифодалайди. Оёқларни ерга уриш эса нафсни оёқлар остида эзиш ва унинг устидан қозонилган ғалаба куйини чалиш демакдир. Кўлларни ён томонга очмоқ камолга йўналишдир. Самоъда сажда қулликнинг айни ўзидир.

Мадрасанинг кичик хонаси гўё арш уйи эди. Бу арш уйининг маъно юки ниҳоятда оғир бўлиб, уни ҳамма ҳам кўтаролмас – идрок эта олмасди. У ишқ қозони эди, ёнган, ёқилган бир қозон...

Бу қозонда Мавлоно Шамс билан бирга қоврилмоқда эди:

– Ориф шундай кишидирки, дўст зикрини қанда қилмас, унинг дўстлигига тўймай. Ризо дастурхонида ошиқ аҳли оғзига кирган зикрдан тотли озуқа йўқдир.

Шамс маънавий илмлар баҳсида шундай дерди:

– Маънавий илм уч нарса бирла қўлга киритилгай. Зикр қилган тил, шукр қилган қалб, сабр қилган тан. Илмсиз вужуд сувсиз шаҳарга ўхшайди... Вужудни пархез, ахлоқ, ғайрат ва шижоат бирла суғормоқ ва безамоқ лозим.

Маънавий жўмардлик борасида эса:

– Зоҳидларга мол жўмардлиги, жиҳод қилганларга тан жўмардлиги, ғозийларга жон жўмардлиги хосдир. Орифларга хос жўмардлик эса кўнгил жўмардлигидир. Кўнгил ҳалимлигидан яхшироқ ҳеч не топмадим. Кўлингизда бориға қаноат қилинг, бошқаларининг қўлидагига умид боғламанг, – дер эди.

Пайғамбарларнинг иззати пайғамбарликда, олимларнинг иззати тавозеда, валийларнинг иззати илмда, фақирларнинг иззати қаноатда, бойларнинг иззати жўмардликда, обидларнинг иззати эса хилватдадир. Динни икки йўл бирла қўриқланг: жўмардлик ва яхши хулқ йўли билан.

Дўстлик ҳақида шуни буюрди:

– Ҳақиқий дўст Тангри каби маҳрам бўлгайдир. Дўстнинг қусуридан, ёқмаган ҳолларидан инжимаслик, хатосидан хафа бўлмаслик лозим. Дўстдан юз ўгирмаслик, унга эътироз этмаслик даркор... Раҳмати чексиз Тангри ўз қулларининг айблари, гуноҳлари, нуқсонлари туфайли улардан юз ўгирмагай. Чексиз бир иноят ва шафқат бирла уларга ризқ бергай. Ғарзсиз, тамасиз дўстлик мана шудир.

Шамс, бир томондан, иршод – сабоқ бераркан, иккинчи томондан, муридига оғир риёзатлар чектириб, уни тобламоқда эди. Зотан, Мавлоно камолотга эришиш йўлида ҳар қандай қийинчилигу заҳматга тайёр эди. Мавлоно Шамс билан танишгач, шуурида зухур этган юксалиш аломатлари, ботиний ўзгаришларни ғазалларидан бирида шундай таърифлайди:

– Саҳар чоғи кўкда бир Ой пайдо бўлди-ю кўзини бизга тикди. Овга чиқиб қушга чангал солган лочин каби ул Ой мени қучиб кўкка учирди... Ўзимга боқдим, кўролмадим. Чунки Ойнинг лутфи бирла баданим жонсиз бўлди-қолди. Жон оламиға бордим. У ерда ҳам Ойдан бошқасини кўра

<sup>1</sup> Иршод – таълим бериш.

олмадим. Шунда азалий тажаллий сирлари тўла аён бўлди.

Кунлардан-бир кун Мавлоно хонадон аҳлига Шамснинг буюклигидан, унинг Тангрига бўлган яқинлигидан ва чексиз кароматлари ҳақида узундан-узоқ гапириб, хурматини ўрнига қўйишларини насиҳат беради. Отасидан бундай илик сўз ва насиҳатларни эшитган Султон Валад Шамснинг хужрасига кириб, кўлини ўпади ва юмушларига қарашади. Шамс кутилмаган бу зиёратдан ҳайратга тушиб:

– Валад, сенга нима бўлди ўзи? Кўп лутф кўрсатиб, кўнглимни кўтариш учун илтифот кўрсатмоқдасан, – дейди. Султон Валад:

– Ҳазратим, отам буюклигингиз ҳақида шундай гапларни айтдики, барчамиз ҳушимизни йўқотиб қўйдик. Агар минг йил умрим бўлсаю, сизга кулук қилсам ва бу хизматларнинг барчаси қабул бўлса, тагин камина мухлис қулингиз қалбида рисоладагидек хизмат қилмадим деган армон қолгай, – дейди.

– Мавлоно орттириб юборибдилар. Юз мингларча мен каби Шамс Табризий у зотнинг буюк буржида заррадан бошқа нарса эмас. Мен бир қанча мукошафаларга ноил бўлган, сулук подшоҳларини кўрган, илоҳий нурларга яқинлашган, кўплаб Ҳақ дўстлари билан ўтириб-турган, ғайб оламларини кўрган ҳолда Мавлонога етишолмадим. Унинг ҳақиқатига ўзга ким ҳам эриша олгай?..

Шамс ва Мавлоно буюклик буржида бир-бирларига ҳайрат ила боқаркан, ўзаро иршод неча кунлардан бери давом этмоқда эди. Қўнғ халқи томонидан ниҳоятда севиб-суйилган ҳамда ваъзлари, дарслари жон қулоғи билан тингланган Мавлононинг бундай кўкқисдан кўринмай қолиши, мадрасани, талабаларини тарк этиши, муридларидан юз ўгириши дастлаб ҳаммани ҳайрон қолдирган эди. Қолаверса, орадан бир неча ой ўтиб, ғийбатлар кўпайган, мутаассиб тўда неча йиллардан бери ўзларига ҳамтовоқ бўлган Мавлононинг Шамс каби ким экани ҳали-ҳануз номаълум бир дарвешга итоат этиб, ҳамма нарсага қўл силтаганига изоҳ топа олмаётган эди. Мавлонога нисбатан чексиз хурматлари, меҳр-муҳаббатлари уларни рашк сари етаклаган эди. Кимдир:

– Бу қандай ҳол? Мавлонони барча эски дўстларидан, улкан минбаридан тушириб олиб, ўзи билан банд айлаган бу кимса ким ўзи? Қаердан келди, мақсади нима? – димоқда, ҳатто баъзан бундан ҳам ортиқ ноҳўя гаплар айтмоқда эди:

– Шамс деган бир дарвеш келди. Мавлономизни биздан айириб, бошқа оламга етаклади. Бу Шамс деганлари ким бўлибдики, Мавлонони шунча йиллик муридларидан совутсин, уни мутолаадан, китоблардан айирсин. Бу нима деган гап? Афсунгармикин бу одам ёки бирон-бир сеҳр қилдимики, Мавлонони биздан жудо айлади? Халқни ваъзидан, талабани мадрасасидан маҳрум этди?

## ЖАЗБА ВА ЖЎШҚИНЛИК ДАВРИ

Вақт ўтган сари ғийбат ва рашк ўти тобора ортгандан ортмоқда эди. Шамс Қўнғга келганига бир неча ой бўлганди. Бу давр мобайнида Мавлоно бирон кун ҳам мадрасага бормай, муридларига кўринмай қўйганди. Қолаверса, Шамс Мавлонога ҳеч ким билан учрашмасликни уқтирганди:

– Тангрининг дўстлари Тангрининг валийларидир. Мавлоно ҳам Тангри таолонинг валийсидир. Ҳеч шубҳа йўқки, унинг рухсори Мавлонога қаратилган. Чунки, Мавлононинг юзи ҳам Унга қаратилгандир... – дея кўзини Мавлонодан узолмай турар эди. Мавлоно билардики, Шамс келиши биланок унинг ҳаётга қарашларини бутунлай ўзгартириб юборган эди.

Шамснинг Мавлоно билан кеча-кундуз олиб борган сирли – илоҳий суҳбат ва мулоқотлари турли ғаразларга, ҳасадларга йўл очганди. Бир кун

<sup>1</sup> М у к о ш а ф а – авлиё зотлар қалбидаги сирларнинг ва ғайба оид ишларнинг зоҳир бўлиши.

Шамс Мавлононинг эшиги олдида ўтираркан, мадрасага келган бир талаба Мавлонони кўрмоқчи эканлигини айтади. Шамс:

– Нима олиб келдинг, шукронасига нима бергайсанки, уни сенга кўрсатай? – дейди. Буни эшитган талаба хафа бўлиб:

— Ўзинг нима олиб келдингки, биздан уни истагайсан? – деб сўрайди.

Шамс:

– Мен ўзимни олиб келдим, бошимни унинг йўлига фидо қилдим, бу озми? – деб жавоб беради.

Бу сўзлар талабаларни ғазаб отига миндириб, Шамсга қарши шиддатли ҳаракат бошлашларига сабаб бўлади. Эндиликда Шамсга қарши очиқдан-очиқ турли бўҳтонлар ёғдиришар, уни кўрган заҳоти қиличларига қўл узатар эдилар. Шамснинг Қўнёга келганига ўн олти ой бўлганди. У ҳеч қаерда бунчалик узоқ қолмаган эди.

Дарвоқе, бир кун вазир Нусратиддиннинг хонақоҳида бир мажлис уюштирилади. Таклиф қилинганлар орасида Мавлоно ва Шамс ҳам бўлиб, улар кириш эшигига яқин бир чеккадан жой олишган эди. Хонани тўлдириб ўтирган олиму сўфийлар ўтмиш олимларининг сўзларини нақл қилиб, қайсидир авлиёнинг кўплаб кароматларидан баҳс юрита бошлашади. Бу гапларни сукут билан тинглаб ўтирган Шамс, ниҳоят, сабри чидамай, ўрнидан туриб хайкира бошлайди:

– Қачонгача унинг, бунинг сўзини айтиб, умрингизни зое ўтказасиз? Қачон қалбимдан ривоят этди дейсиз? Нега бошқаларнинг ҳассаси билан юрасиз? Қани сизнинг ўз сўзингиз, қани сизнинг ўз асарларингиз?

Бу сўзларни эшитиб, барча бошини куйи эгиб қолган, ҳеч нарса дея олмаган, аммо Шамсга нисбатан кин ва ҳасадлари янада аланга олган эди.

Гишт қолипдан кўчган, воқеалар тахликали тус олган бир пайтда, 1246 йилнинг март ойи бошларида Шамс тўсатдан Қўнёдан ғойиб бўлади. Унинг Қўнёга келганини ҳеч ким билмаганидек, кетганини ҳам биров сезмай қолади.

Мавлоно Шамснинг бўш қолган хужрасига кирганда, хавотирга тушиб, нимадир содир бўлганини юрак-юракдан ҳис этади. Бир лаҳза ҳеч нима демай туриб қолади. Шамс йўқ эди, ғойиб бўлганди. Шундай бўлиши керак эди. Бу тақдирнинг илохий ҳукми эди.

## МАВЛОНОНИНГ МАКТУБЛАРИ

Бир неча ой сўнгра Шамсдан илк хабар келди. Уни Шомда кўрганлар бор эди. Бу хабар Мавлонони жуда севинтирди ва дарҳол илк назмий мактуб ёзди.

Мактуб махсус улов билан жўнатилади, бироқ орадан бир неча ой ўтса-да, жавоб келмади.

Султон Валад пул, совға-салом ва йигирмага яқин содиқ кишиси билан Шомга йўл олди. Шамсни отаси қадар яхши кўрган Валад бу заҳматли сафарга жон деб рози бўлиб, зудлик билан йўлга равона бўлган эди. Йигирма кишилиқ гуруҳ тезда Шомга етиб бориб, Шамсни топиб, Қўнёга олиб қайтиш учун жон куйдирмоқда эди. Йўлларда деярли кўнмасдан, кеча-кундуз дала-дашт ва довон ошиб боришмоқда эди.

Ниҳоят, Шом шаҳрининг қораси кўринди. Шомнинг Жабали Солиҳия дейилган бир қасабасидаги карвонсаройда Шамсни биров билан овлоқда шахмат ўйнаётганда учратдилар. Онадўлининг нақ ўртасида, юзларча фарсаҳ нарида бир вулқон каби ичдан қайнаб, оташ дарёси билан ҳам ўзини, ҳам атрофидагиларни ёқиб-ёндираётган Мавлонодан гўё хабари йўқдек, Шамс зоҳиран мамнун кўринарди. Султон Валадни кўриб, енгилгина бир табассум қилди. Валад Шамсга қўйнидаги отасининг мактубини узатди. Сўнгра эса Қўнёдаги дўстларнинг астойдил тавба қилганларини, беҳисоб истиғфор айтганларини, қилган ишларидан жуда пушаймонда эканликларини ва минбаъд



бундай ҳурматсизлик қилмасликларини, кизғонмасликларини, уларнинг барчаси Шамснинг келишини сабрсизлик билан кутаётганликларини айтиб, ўзи билан олиб келган совға-саломларни унинг оёғи остига тўқди. Шамс:

– Бизни на олтин, на кумуш билан қўлга киритиб бўлмай... Мавлоно-мизнинг даъвати бизга кифоядир. Унинг калом ва амрини бажо келтирмай бўлурми, ахир? – дея бор-йўғини фақирларга улашиб, сафар тадоригини кўрди.

Кўнёга қайтар маҳали Султон Валад Шамсни отга миндириб, ўзи яёв юраркан, Шамс уни отга минишга ҳар қанча қистамасин, Валад:

– Подшоҳ ҳам, қул ҳам отга минса ярашмагай. Сиз ҳазратимсиз, мен эса қул, сиз жонсиз, мен сиз билан тирикман. Аслида мен йўлингизда бошимни оёқ килиб юришим лозим, – дея рад қилди ва бутун йўл бўйи яёв кетди. Яёв юриш уёқда турсин, бутун қарвон аҳли Шамс учун жон тортмоқда эди...

Улар қайтишда йўл давомида қарвонсарой ва мадрасаларда қўниб борардилар. Султон Валад бошчилигида барча гуруҳ аъзолари Шамсни йўлда уринтирмаслик, толиқтириб қўймаслик учун тинмай қайғурмоқда эдилар.

Қарвон Кўнё агрофидаги Занжирли хон деган қарвонсаройга келиб кўнди. Султон Валад мулозимларидан бирини дарҳол ел каби Кўнёга жўнатиб, отасига Шамснинг келаётгани ҳақидаги хабарини етказди.

1247 йил, май ойининг саккизинчи куни. Кўнёда баҳорнинг энг гўзал кунлари... Ҳар ерда шоду хуррамлик, барчанинг юзида табассум.

Аваллари Шамснинг кўнглини оғритиб, унга қарши бўлганлар энди бир-бир келиб, афв тиламоқда – узрхоҳлик қилмоқда эдилар. Ҳатто Шамс суҳбат мажлисларига қақирилмоқда, иззат-эътибор кўрмоқда эди.

Шамснинг қайтиб келиши билан самоъ рақси маросими тағин йўлга қўйилганди. Ҳар кун маълум бир ерда самоъ рақси маросими ташкил этилиб, унга даврнинг илғор уламо ва ақобирлари ҳам қўшилмоқда эди.

Дарҳақиқат, Шамснинг иккинчи бор келишида Кўнё аҳли уни бегонасирамай қарши олган эди. Бирок бу узоққа чўзилмади...

## ИЛОҲИЙ ИШҚ ВА ЖАЗАВА КУНЛАРИ

Мавлоно Шамсни кутиб олиш учун шаҳарнинг улуғлари билан бирга қалъадан ташқарига чиққан эди. Аср номозига яқин Шамс ва Султон Валад олисдан кўзга ташланди. Султон Валад эҳромга ўранган ҳамда бошини ҳам қилган қўйи Шамс минган от жиловидан тутиб аста-секин одимлаб келмоқда эди. Ушбу улуғвор манзара ҳаммани ҳаяжонга солди. Қарвон яқинлашиши биланоқ Мавлоно олдинга интилиб, Шамснинг оти тизгинига ёпишди. Шамс бошини кўтарди, кўз кўзга тушди.

Бир неча ой олдин худди шу манзара Кўнёда кўча ўртасида рўй берган эди. Ушанда Шамс илк бор Мавлонони кўриб йўлини тўсган, уловининг тизгинларидан тутган эди. Бу гал эса Мавлоно тизгинларга ёпишиб турарди. Ушбу икки денгиз тағин бир-бирини топган, иккинчи “Меърож-ул-бахрайн” содир бўлган эди.

Бу илоҳий саҳна – кутиб олиш маросими давом этаркан, айни дамда ҳофизлар Қуръон ўқимокда, муридлар самоъ рақсига тушмоқда, най, танбур садолари кўкка ўрламоқда эди. Мавлоно Шамснинг отдан тушишига ёрдам берди. Икки буюк шахс, икки Тангри валийси бир-бирларининг қўлларини ўпиб кўришдилар ва маълум муддат жим қолиб, “ҳол” тили билан тиллашдилар.

Қарвон шаҳар сари йўл олди.

Шамс Мавлонога Султон Валаднинг сафар кунларидаги чеккан заҳмат ва хизматларидан сўз очди:

– Менинг Тангри ато этган икки ҳолим бор: бири бошим, иккинчиси сиримдир. Бошимни тўла самимият билан сенинг йўлингга фидо этгум. Сиримни эса Валадга бергум. Валад ўғлимиз Нух пайғамбар каби узоқ умр

кўрса ва бутун умрини ибодат ва риёзат бирла ўтказса ҳам, бироқ зинҳор бу сафарда мендан унга етишган сир қадар сирга муяссар бўлмагай, – деди у.

Ҳақиқатан ҳам бир ой давом этган сафар асносида Султон Валад Шамсни кўз қорачиғидек кўриқлаб, унинг кўнглини кўтариш ҳамда сафар имкон қадар машаққатсиз ўтиши учун жон-жаҳди билан ғайрат ва шижоат кўрсатган эди.

Бу сафар кунларида Шамс чиндан ҳам илоҳий суҳбатлари билан Султон Валаднинг кўнглига ҳақиқат нурларини жо этиб, сирларини бир-бир аён этганди.

Мавлоно ниҳоятда хурсанд эди.

“Ғарқ бўлишдан кўриқиб, хасга ёпишган йўловчи эмас, аксинча, У исён этган кимсадир, холос.

Эй, табризлик Шамс, сен ҳам денгизсан, ҳам инжу. Сенинг борлигинг бошдан-оёқ Тангрининг қуёшидан, нуридан бошқа нарса эмас-ку”.

“Табризлик Шамсиддин, Тангри мақтови Шамсиддин, Ҳақ қуёши Шамс” тахаллуслари билан битилган ғазалларнинг кўпи аслида ўша кунларда Мавлоно томонидан ёд айтилиб, атрофидагилар томонидан ёзиб олинган ва девонга тўпланган эди. “Девони кабир” тўпламини тадвин<sup>1</sup> этган, ҳатто Шамсга изофатан “Девони Шамси Табризий” номи билан танилган ушбу девон кейинчалик мингларча кўнгилларни илоҳий ишққа ошно этади.

Мавлонони Мавлоно айламоқ Шамснинг маънавий бурчи эди. У ўз вазифасини адо этмоқда эди. Мавлоно бу сафар Шамсни доимий Кўнёда олиб қолишга қарор қилган эди. Унга ўзи турган уйнинг ён томонидан бир уй, ошён қуриш, уни бир оила ўчоғига боғлаш, шу тарзда Кўнёда кўним топишини таъминлаш... Кўнё муҳитини яхши биларди Мавлоно. Эрта бир кун Шамс билан боғлиқ тағин ҳар турли гап-сўзлар қилишлари мумкин эди. Дунё хом инсонлар билан тўла. Улар бундай илоҳий суҳбатларни ҳазм қиладиган, бу суҳбатларга кўшилиб унда пишадиган кимсалар эмас эди. Улар ишнинг фақатгина зоҳирий томонини кўрувчи, Мавлонога эга бўлишни истаган кишилар эди. Шамс узоқлашса ҳаммаси жой-жойига тушар, Мавлоно яна ўзлари билан бирга бўлади деб ўйлашарди. Ҳолбуки, асло бундай эмас эди. Мавлоно учун Шамс жон каби, руҳ каби зарур эди. Бироқ буни ким ҳам эшитар, ким ҳам тушунарди? Мавлоно ана шуларни ўйлаб, уни Кўнёда олиб қолишнинг чораларини изламоқда эди.

Мавлононинг ҳузурда улғайган, малак сифатли зоҳирий ва ботиний одобу тарбият кўрган, яъни фарзанд қилиб олган Кимё исмли гўзал бир қизи бор эди. Қолаверса, бу қизда ҳол аҳлига хос соф кўнгил бойлиги мавжуд эди. Мавлоно уни кичиклигидаёқ ўз болаларидан айри тутмай, фарзандидек яхши кўрарди. Кимёни Шамсга турмушга бериб, Унинг ҳам бир ошён соҳиби бўлишини ва шу тарзда Кўнёда собит кўним топишини узоқ-узоқ ўйлади. Гарчи Шамс кекса эди, қиз эса ёш... Аммо бу Кимё каби азал тарбиясини олган қиз учун ғов бўла олмасди. Шамснинг илоҳий қудрати ила бу қиз қисқа давр ичида “ҳол аҳли” аёлларидан бўларди.

Масалани аввал завжаси Кира Хотунга очади, сўнгра унинг воситачилигида Кимёнинг розилигини олди. Эндиги асосий масала Шамсни бундай бир никоҳга кўндириш эди. Бир суҳбат асносида бу ҳам ҳал бўлди. Шамс Мавлононинг юзидан ўтиб йўқ деёлмади.

Киш мавсуми эди. Мадрасанинг олд томони парда билан тўсилиб, хона ҳолига келтирилди. Камтарин никоҳ маросимидан сўнг янги оила ушбу ажратилган хонага кўчиб ўтди. Хона мадрасанинг ҳовли томонига қарарди. Мавлоно оиласи ва болалари билан яшаган бу кичик мадраса барчага бошпана эди.

Амир Бадриддин Гавҳартош томонидан Мавлоно учун махсус курдирилган мадраса Шамснинг жойлашуви билан бутунлай ёпилиб, зиёратга келган кимсалар энди ичкарига олинмаётган эди.

<sup>1</sup>Т а д в и н – тўплаш, жамлаш, девон тузиш.

Мавлононинг Султон Валаддан бир неча ёш кичик ўртанча ўғли Аълоиддин Чалабий у кунларда ёш бир ўспирин эди. Унинг баъзан дўстлари билан мадрасага кириб-чиқиши Шамсга бироз маъқул келмаётган эди. Бир кун у тагин мадраса ҳовлисига очилган Шамс ҳарамининг ярим очик хонаси олдидан ўтаётган Аълоиддин Чалабийга шундай танбех берди:

– Эй кўзимнинг нури... Зоҳир ва ботин одоблари билан кўрк топган ўғлим. Хонам ва деразам олдидан ўтганда бироз эҳтиёт бўлишинг лозим.

Ёш Аълоиддин Чалабий бу сўзларни эшитиб хафа бўлди ва овозини бироз баланд кўтариб жавоб берди:

– Кимнинг уйини кимдан қизғанияпсиз, шайхим...

Бу сўз шу кундан эътиборан уларнинг ораларида совуқлик тушишига сабаб бўлиб, Шамснинг кўнглини қаттиқ оғритди.

Авваллари Шамсга қарши бўлиб, унинг Қўнённи тарк этишига сабаб бўлган жамоа аслида ҳали босилган эмас эди. Шамс Қўнёга қайтгач, ундан узр сўраганларига қарамай, улар тузоқ қўйиб, фурсат пойламоқда эдилар. Бу гал ўз суҳбатларига шаҳарнинг бир қанча таниқли руҳонийларини талабаларини жалб қилган эдилар. Аълоиддин Чалабий ва Шамс ўртасида кечган тортишувни эшитиб, ўзлари кутган фурсат келганини билдилар. Бўлиб ўтган воқеадан хабар топиб, бутун шаҳарга иғво тарқатган манфур тўда Аълоиддинни бир четга тортиб:

– Бу қандай жасорат бўлди – бегона бир одам келсин-да, қирк йиллик ота ўчоғига унинг фарзандини қўймасин. Бу нима деган гап?! – дея гиж-гижлаб, унинг соддалигидан фойдаланишга уриндилар.

Чунончи, Шамс билан Аълоиддин Чалабий ўртасида кечган тортишув, эҳтимол, Шамснинг завжаси Кимё Хотуннинг рашки туфайли келиб чиққандир. Қолаверса, бир гал кўни-қўшнилари Кимё Хотун бироз айлансин, тоза ҳаво олсин деб, Мерам боғларига олиб чиққан эдилар. Шамс ўша куни Кимёни уйдан тополмай хафа бўлган ва дарҳол уйга олиб келишларини, бундан кейин руҳсатсиз ҳеч қаёққа олиб чиқмасликларини айтган эди.

Бир томондан бу воқеалар давом этаркан, иккинчи томондан Шамс ва Мавлоно бошқа бир оламда суҳбат ва иршод дамларининг энг гўзал кунларини ўтказмоқда эдилар.

Шамс Мавлонога “Ҳақ вуслатининг беҳудлик таъмини” тоттирган эди. Мавлононинг қалби Рабб тажаллиси билан тўлиб-тошган эди. Шамс бу йўлда Мавлоно учун бир кўприк, Ҳаққа улаштиргувчи восита эди. Мавлоно кўприкдан ўтган, Шамс восита вазифасини кўпдан ўтаб бўлган эди. Илоҳий тақдир Шамснинг Мавлоно ёнида узоқ қолмаслиги лозим бўлган тарзда тажаллий этмоқда, тагин бошқа воқеалар содир бўлиши кутилмоқда эди.

Мавлоно айна кунларда ишқ ва камол чўққисида эди. Бундай пайтда муршид киму мурид ким – билиб бўлмасди.

Бир кун муридлардан бири сўраб қолди:

– Ҳаққа эришиш учун нима қилмоқ лозим?

Шамс шундай жавоб берди:

– Ҳаққа эришиш учун ботилни<sup>1</sup> ташлагайсан. Тўғри йўл шудир!..

Мавлоно эса қўшимча қилиб:

– Ботилдан кутилиш учун ҳам Ҳақнинг этагидан тутгайсан. Бу ерда йўл ва нафсга эҳтиёж йўқ. Барчаси сенинг қўлингда... Истасанг, Ҳаққа етмоқ учун ботилни тарк эт, истасанг ботилдан кутилиш учун Ҳақни тут...

## ШАМС ҚАТЛИ ВА БУ БОРАДАГИ ТАХМИНЛАР

Мавлоно юқори маснадларга кўтариларкан, таассуб лойига ботган ғофиллар бундан ёниб-қуймоқда эди. Худди шу кунларда Кимё Хотун қиска бетобликдан сўнг вафот этади. Бу шум хабар шаҳарга тарқалиши биланок, Шамсни кўра олмаганлар бу гал:

<sup>1</sup> Ботил – ёмон, гуноҳ ишлар, баттоллик.

– Қиз бечора қахрдан ўлди, Шамсга ким ҳам чидай оларди... – дея тагин ғийбат ва ҳасад эшикларини ланг очган эдилар.

Кимё Хотуннинг вафотидан сўнгра Шамс чуқур қайғуга тушиб, хонаси-га беркиниб олган эди. Биргина тасалли берадиган кишиси Мавлоно эди.

Бу томонда эса рақиблар тўнни бутунлай тескари кийиб олиб, қандай бўлмасин Шамсни бу ердан узоклаштиришга қарор қилишарди. Шамс бу бўлаётган гап-сўзлардан, воқеалардан воқиф эди. Бир куни у Султон Валадга дардини очиб:

– Кўриб турибсан, Валад, жоҳиллар тагин не ҳолга келдилар! Мени Мавлонодан айириш учун нималар қилмоқдалар. Бироқ мен бу сафар шундай ғойиб бўламанки, биров изимни ҳам топа олмай, – деди.

Султон Валад Шамсга тасалли беришга уриниб, жоҳил кимсаларнинг пасту баланд гапларига эътибор бермасликка чақиради ва улар на ўзларини, на Мавлонони англай олишларини айтади.

Рақиблар ёниб-куймоқда, Шамсни йўқ қилиш учун режа тузишмоқда эди. Бу ишга етти киши танлаб олинди. Улар Мавлононинг муридлари, яқинлари эди. Ақлга сиғмасди уларнинг бундай хатти-ҳаракатлари...

1247 йилнинг 5 декабрь, пайшанба кечаси. Қўнёда ваҳимали бир сукунат чўккан эди шу кеча. Етти киши Мавлононинг ҳовлиси атрофида изғий бошларкан, Шамс билан Мавлоно ўтирган хужранинг деразасидан хирагина шам нури таралиб турарди. Ҳар икки дўст теран суҳбатга киришган эди. Шамс ғайб олами, маъно ҳазиналари сирини Мавлононинг қалб қўзи олдига бир-бир тўкиб-сочмоқда эди. Ярим тунга қадар давом этган тотли суҳбатнинг энг қизғин махали қўкқисдан хужра эшиги қаттиқ-қаттиқ қоқила бошлади. Ҳар иккаласи ҳам фарқ бўлган оламнинг тотли сархушлигидан сесканиб ўзига келди:

– Ким у?..

Ташқаридан дарвешнинг овози эшитилади:

– Ҳазрати Шамс! Узоклардан бир дарвеш зиёратингизга келибди, у сизнинг ҳаловатингизни бузмоқчи эмас. Қўлингизни ўпиб, йўлида давом этмоқчи. Лутфан ташқарига чиқсангиз...

Шамс оташ тўла нигоҳини Мавлонога қадаб:

– Эшитаяпсанми, мени чақирешяпти?! Шундай бир пайтда чақирешяптики, балки қайтиши йўқ бир даъватдир бу...

Мавлоно сесканиб, Шамснинг этагига ёпишмоқчи бўлди. Шамс оёққа туриб, эшикка томон илгарилар эди. Мавлоно унинг ортидан югурмоқчи бўлди, бироқ айни дамда оёқлари боғлангандек ҳис этди ўзини. Ҳатто ўрнидан ҳам туролмай, кўксидан шундай сўзлар отилиб чиқди:

“Қуёш, ой ва юлдузлар унинг фармониға тобедир. Шунин билки, яратмоқ ҳам, буюрмоқ ҳам Унга хосдир. Оламларнинг Рабби бўлган Оллоҳнинг шони нақадар буюқдир!” Бу Қуръони Карим оятларидан бири эди.

Бу пайтда Шамс ташқарида пойлаб турган етти кишининг ҳужумига дуч келди. Кечанинг тим қоронғилигида қинидан суғурилган ханжарлар ялт-юлт этди, холос. Сукунатни гарчи жонталаш бир наъра: “Оллоҳ” нидоси бузган эса-да, зум ўтмай ҳамма нарса тинди, ҳамма нарса зулмат оғушида ғойиб бўлди. Шамс тортган наърадан жон хавлида ўрнидан сакраб туриб, ташқарига отилиб чиққан Мавлоно эшик атрофидаги қон доғларидан бошқа ҳеч нарсани кўрмади. Қўрқув ва талош ичра дарҳол ўғли Султон Валаднинг хужраси томон югуриб, эшикни зарб билан тақиллата кетди:

– Баҳоуддин, нега жим турибсан, тур, шайхнингни изла! – дея инграб, турган жойида ерга қулаганча чўзилиб қолди.

Шу тарзда Тангри битган тақдир ҳукми бажо келтирилган эди.

Энди асосий эътиборни баъзи Мавлавий ҳақидаги манбаларга таяниб, қаламга олганимиз мазкур мудҳиш воқелик қай даражада тўғри эканлиги масаласига қаратсак.

Мавлономизнинг ҳамда унинг ўғли Султон Валаднинг узок йиллар

хизматида бўлган ва уларнинг маноқибларини<sup>1</sup> ёзган дарвеш Фаридун Сипоҳсолор “Маноқиб Сипоҳсолор” асарида бу воқеликка кўп ҳам тўхталиб ўтирмай, Шамс кунлардан-бир кун кутилмаганда тўсатдан ғойиб бўлганини қайд этади, холос. Султон Валад эса “Ибтидонома” асарида бор-йўғи “Тўсатдан ғойиб бўлди, кўнгилларни ғам ва қайғуга тўлдириб кетди”, – деган маълумот билан чекланади.

Хўш, бири Мавлононинг ўғли, иккинчиси муриди бўлмиш бу икки яқини воқеликка озми-кўпми гувоҳ бўлганлари ҳолда нега содир этилган қотиллик ҳақида лом-мим дейишмайди?

Чунки Мавлоно ҳали ҳаёт эди. Нима бўлганда ҳам ундан Шамснинг қатл этилгани билан боғлиқ гап-сўзларни сир тутган маъқул. Акс ҳолда Мавлоно Шамснинг қатл этилганини билиб, ниҳоятда хафа бўлар, бутун умидлари сўниб, айни етуклик даврида Мавлоно даражасига эриша олмасди.

## БУЮК СИР

Улар сукут сақлашди. Чунки бу машъум воқелик ҳақиқатдан ҳам киши этини жунжиқтириб юборадиган тарзда амалга оширилган бўлиб, бунинг устига, мазкур қотилликда Мавлоно кўз қорачиғидек суйган ўртанча ўғли Аълоиддиннинг ҳам қўли борлиги тилга олинмоқда эди. Ҳолбуки, бу ўзи, сўзи тўғри ўспириннинг қотилликка ҳеч ҳам дахли йўқ эди. Фақат Шамс билан ораларида биров тортишув бўлиб ўтгани, холос.

Мавлононинг вафотидан сўнг сукут сақлаган тиллар ечилиб, сирлар бир-бир фош этила бошланди. Султон Валад ҳамда унинг ўғли Улуғ Ориф Чалабий даврини яхши тадқиқ этган дарвеш Аҳмад Афлокий Султон Валад ҳақида сўз юрита туриб, Шамснинг жоҳил етти кимса томонидан пичоқлангани, шунингдек, Султон Валаднинг завжаси Фотима Хотуннинг нақлига таяниб, жасади бир қудуққа отилганини “Орифларнинг маноқиблари” асарида қайд қилади. Асар муаллифининг хабар беришича, Султон Валад бир кеча Шамсни тушида кўради, яъни Шамс унга жасади қудуққа ташланганини аён қилади. Султон Валад уйғониши биланок дарҳол ўз олдига баъзи дўстларини чорлаб, жасадни яширин тарзда қудуқдан чиқариб олиб, Мавлононинг мадрасаси яқинидаги ушбу мадрасани қурдирган Амир Бадриддин Гавҳартошнинг мазори ёнига дафн эттиради. Афлокий ушбу маълумотларни ошқор этар экан, сўзларини “Бу ҳамма ҳам билмаган сирдир” жумласи билан яқунлайди.

Ҳа, бу сирни Мавлоно ҳаёт бўлган пайтда унинг яқинларидан ўғли Султон Валад ва баъзи хос муридлари билишган, холос. Мавлоно вафот этгач, бу сирдан Афлокий хабар топган ва ўз навбатида “Орифларнинг маноқиблари” асарида қайд қилган. Мавлононинг вафотидан сўнг Шамснинг қабри устига мақбара тикланган, бироқ шунда ҳам бу ернинг мазор эканлиги сир тутилган. Мавлононинг руҳи ранжийди дея, ҳеч ким Шамснинг шаҳодатидан сўз очмаган, очолмаган. Ҳақиқатни билган дарвешлар: “Шамс ғойиб бўлди, бу ер мақбара эмас, мақомдир” сўзлари билан кифояланишган, холос.

Ҳақиқатдан ҳам бугун Қўнёда Шамс номи билан аталадиган мумтоз Салжуқ гумбазлари шаклидаги чўккили қўрғошин қопланган мақбара мавжуд. Гумбаз остидаги сағана устига каттақон бир тахта қути ёпилган бўлиб, унинг усти зардўзи мато билан қопланган, шунингдек, бош томонида одми қилиб ўралган яшил дасторли қулоҳ кўйиб қўйилган. Сағанадан беш-ўн одим нарида кичик бир қудуқ ҳам бор. Мазкур мақбара юз йиллар давомида “Мақоми Шамс” деб атаб келинади.

<sup>1</sup> М а н о қ и б – мақтов ва мадҳга сазовор табаррук зотларнинг ҳаёти ва фазилатлари ҳақидаги асар.

## ЯНА БИР МУШОҲАДА

Кўнёда Мавлоно музейи мудирининг вазифасида ишлаб юрган кезларимизда Ҳазрати Шамс Табризийнинг “Мақом” деб аталган мақбарасида баъзи тадқиқот ишлари олиб борган эдик. Тадқиқот асносида мақбара ичидаги сағана узра ўрнатилган тахта қути остида бир қопқоққа кўзимиз тушди. Қопқоқни кўтарганимизда мақбара остидан мазорга тушадиган зинапоё борлигини кўрдик. Йиллар давомида моғор қоплаган ҳамда тошлар билан тўлиб қолган бу йўл обдон тозалангач, кўрдикки, тахта қутининг нақ остида Салжуқийлар даври мақбараларидаги каби тош билан қопланган сағана мавжуд бўлиб, унинг бир четида Хуросон услубида сувоқ қилинган қабр ҳам бор эди...

Ер остидаги бу қоронғу масканда қўққисдан топилган ушбу қабрни кўрганимизда чиндан ҳам жуда ҳаяжонланган, совуқ терга ботгандик. Неча йиллардан бери “Мақом” деб атаб келинган мазкур жойда Шамснинг ҳақиқий қабри жойлашган бўлиши мумкинлигини ўйлаб, воқеани тезда устод Абдулбоқий Гулпинарлига мактуб йўллаб маълум қилдим. Устод бир неча кундан сўнг Кўнёга келдилар. Биргаликда пастга тушдик. Устод бунинг чиндан ҳам Шамснинг қабри эканлигига ишонч ҳосил қилдилар.

Чунончи, устод кейинчалик ўзининг “Мавлоно Жалолиддин” асарининг иккинчи нашрида бу масалага алоҳида тўхталаркан, Шамснинг қабри Кўнёдаги мақбарасида эканлиги ҳақидаги ҳақиқатини кенг жамоатчиликка маълум қила туриб, фақир – каминага ҳам миннатдорчилик билдириб ўтади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Онадўлининг Ниғда қасабасидаги Кесикбош мақбараси ҳам Шамсга нисбат берилади. Шунингдек, Табриздаги Кажил мазориди, Хойда, Покистоннинг Мултон шаҳрида Шамс мақбаралари ҳамда мақомлари бор бўлиб, уларнинг ҳар бири турли ривоятлар билан тилга олинади. Улардан бирида қайд этилишича, Шамс кесилган бошини олиб Ниғдага келган. Бектошийлар катта эътибор билан қараган “Валоятнома” асарида Шамс кесилган бошини қўйнига яшириб, самоъ қила-қила Табризга борган ва ўша ерда дафн этилган. Покистонликларнинг нақл қилишларига қараганда эса, Шамс бир тунда Кўнённи яширинча тарк этиб, аввал Табризга, у ердан Ҳиндистонга йўл олган. Бир неча йиллар давомида ўрмонларда мажнун каби сарсон-саргардон кезиб, охир-оқибат Мултон шаҳрида қазо қилган.

Хуллас, бунга ўхшаш кўплаб ривоятлар мавжуд ва улар турли халқлар ўртасида ҳали-ҳамон нақл қилинмоқда. Афлокийнинг Мавлоно яқинларидан эшитган ривоятларидан ташқари бошқа барча муаллифлар Шамс Кўнёдан яширинча узоқлашган ҳамда ўз изини йўқотган деган фикрдадилар.

## БУ ПАЛЛАДА МАВЛОНО

Тазкира соҳиби Давлатшоҳ Самарқандийга кўра Шамс Кўнёдан қутилмаганда ғойиб бўлган. Мулла Абдурахмон Жомий эса “Нафохатул унс” асарида Шамс воқеасига ишора қилиб, “У жоҳил жамоат Шамснинг наърасидан сўнгра ўзларига келгач, ерда қон томчиларидан бошқа ҳеч нарса кўрмадилар. Уша дақиқадан бугунга қадар ҳам ул маъно султонидан бир нишон топилмаган” дейди. Бошқалари ҳам деярли шу фикрни тасдиқлашади.

Бундан олдин айтиб ўтганимиздек, мазкур мудҳиш воқелик билан боғлиқ маълум бир ҳақиқатлар бор. Аммо, шунингдек, ҳурмат юзасидан пинҳон тутилиши лозим бўлган “сир”лар ҳам мавжуд. Яъни Мавлононинг азиз руҳини инжитмаслик учун “хомуш” тортиш бор.

Келинг, биз ҳам қалбларни ўртаб юборувчи ушбу баҳсни шу ерда тўхтатайлик-да жим қолайлик, азиз китобхон!..

Хўш, бу паллада Мавлоно не ҳолда эди?..

Бу паллада Мавлоно отила бошлаган муаззам вулқонга айланган эди.

Мавлоно кўпдан бери ақлу идрокни бир четга суриб қўйиб, замон ва макон тушунчалари сарҳадини ошибок, ишқнинг интиҳо билмас чексиз олами сари интиломқда эди. Вужуд гўё ари ини, ишқ эса унинг араси ва боли эди. Ёхуд тан узумнинг боши, ишқ эса унинг шираси эди. Энди у шира Шамснинг зоҳирий кўринишида эмас, аслида ботинан мавжуд бўлган дилафрўз қуёшида ишқ шароби ҳолига келмоқда, бадан ҳам, руҳ ҳам бир илоҳий сархушлик ичра Ҳақни, азалий ва абадий ёрни зикр этмоқда эди. Шу пайтгача Шамс ва Мавлоно икки алоҳида кутб, икки буюк муршид ҳисобланган бўлса, эндиликда улар қовушиб кетган эди. Мавлоно дердики: “Денгизнинг қирғоғига қадар оёқларнинг изи бор. Аммо денгизга киргач, на из қолгай, на нишон..”

Мавлоно бу кунларда ишқнинг чексиз уммониға шўнғиб, изсиз, нишонсиз ғарқ бўлган, Ҳақда фоний бўлишнинг азалий сиринга эришган эди. Бир Ҳадиси шарифда: “муту қабла анта муту”, яъни “ўлмасдан бурун ўлинг”, деб буюрилади ва айни шу сирга ишора қилинади. Бу дунёдан қулу этагингизни бутунлай тортинг, дегани эмасди, албатта. Кўнгилни ёвузликлардан, кину адоватдан, ҳасаддан аритиб, қалбга Тангри ишқини жо айламоқ ҳамда Ҳақ ва эзгулик йўлида жонни фидо қилмоқ демак эди. Мавлоно “Ўлмасдан бурун ўлган кимса аслида тирик хилқатдир. Жони озод, мақоми юксақ зотдир”, деб марҳамат қилади.

Айни кунларда Мавлононинг шуҳрати тобора ортиб, ён-атрофини даврнинг султонлари, амирлари, олимлари, дарвишлари қуршаб олганди. Мавлононинг суҳбатини бир бор тинглаган кимса унинг жозибали, соҳир сўзлари таъсиридан кутуллолмай, дарҳол яна унинг ҳузуринга талпинарди. Ҳатто поп, раввинлар ҳам унинг ишқ ва маъно тўла Ҳаққа йўналган суҳбати таъсирида ўзларидан кечиб, кўп ҳолларда ҳақиқий ҳидоят йўлини танлашарди.

## МАВЛОНО ВА ШАМС БИРЛИГИ

Бугун орамизда Шамс йўқ, аммо У ёқиб кетган илоҳий ишқ бор. Бу ишқ сувратда эмас, ботиндадир, ўздадир. Бу борада Мавлоно шундай дейди:

– “Ҳақиқий ёрда суврат йўқдир. Қуёш нурлари деворга урилгач, девор порлоқ, гўзал кўринади. Фақат бу гўзаллик, бу порлоқлик деворда, деворнинг сиртида эмас, қуёшдадир. Девор қуласа ҳам гўзаллик қуёшда боқийдир. Шундай экан, ғиштга эмас, қуёшга кўнгил бермоқ лозим...” – мана, Мавлононинг Шамсга бўлган муҳаббати...

Ҳақнинг нурлари Шамсга тушган, Мавлоно бу нурга ошиқ эди. Шамснинг тан девори кўчган бўлса-да, нур тагин нур бўлиб, аслини ёритиб туради. Модомики шундай экан, ошиқликнинг асоси ишқдир.

Чунончи, бу каби очиқ-ойдин ҳақиқатни идрок эта олмаган, тасаввуф завқидан маҳрум ғофиллар хоҳ Мавлоно яшаган даврда, хоҳ кейинчалик бўлсин, Мавлоно ва Шамснинг маҳрамлиги моҳиятини англай олмай, турли ғийбат ва бўҳтонлар билан покиза зеҳнларини булғанган эдилар. Улар қуёшга ўқ отиб, қуёшни яралашга интилган шўрлик кимсалардир.

Тагин бир масалага ойдинлик киритсак. Баъзан ўзаро суҳбатларда: ким кимни етиштирди, Шамс Мавлоногами ёки Мавлоно Шамсгами муршидлик қилди? – қабилдаги саволлар кўпчиликнинг бошини қотириб келар эди.

Шамс ва Мавлоно... Ким кимдан файз олди? Бу катта бир баҳс мавзусига айланиб кетди. Аслида, масала баъзилар ўйлаганчалик чигал эмас эди.

Шамс ўзининг “Мақолол” асарида “Диёримдан чиққанимдан бери Мавлонодан бошқа шайх кўрмадим” дея унинг мартабасини улуғлаган эди.

Мавлоно ҳам ўз ўрнида уни девонида “Табризлик Шамс чиндан ҳам шайхимиздир. Биз унинг оёқлари остидаги ғубормиз, холос”, деб таърифлайди.

Бу шундай бир йўл эдики, ундан юрганлар бир-бирига раҳбарлик қилади. Аслида, раҳбар ҳам, йўл ҳам, йўловчи ҳам бир манзилда бирлашади.

Дарвоқе, Шамс бўлмасайди, Мавлоно бўлмасди. Шунингдек, Мавлоно бўлмаса, Шамс ҳам бўлмасди.

Дейдиларки, Мавлоно аслида ёнишга тайёр шам эди. Шамс келдию ўз чироғи билан шамни ёндирди. Бундай ташбеҳ қилганлар ҳақ эди, аммо ёнган шам ҳам ўзини, ҳам чироқни ёққанди.

Уртада на шам, на чироқ қолди. Шундай ишқ машғаласи пайдо бўлдики, азалдан абадга қадар бутун кўнгилларни ёритди ҳамда нурлари билан ишқ аҳлини ёқиб-ёндирди. Уни яхши кўрганлар парвоналар каби атрофида гир айландилар, чарх уриб ёндилар... Шоир айтганидек:

*Айланган сари этақлар елтинар,  
Айланган сари кўнгилда ишқ тозаланар.*

Мавлоно Шамснинг йўқлиги ичра тасаллисиз эриб, фарёд чекмоқда эди. Бошига нофармон тусли дастор ўраган, устига эса олачадан олди очик яктак кийган эди.

Учган куш, очилган гул, узилган япроқ, йиғлаган осмон, кулган, шодланган инсонлар – ҳамма нарса Мавлонога Шамсни эслатмоқда эди. Ҳатто битмас-туганмас хотиралар Шамсдан бир парча, ҳар ёниқ садо Шамсдан бир нафас эди...

Маълум бир муддат сўнгра Мавлоно Шамс бориши мумкин бўлган ўлкаларга кишилар жўнатган эди. Тўрт томондан уни сўраб-суриштирмоқда, излатмоқда эди. Булар аслида шунчаки бир тасалли эди, холос. Бироқ шундоқ қилмаса ҳам бўлмасди. Кўзлар йўлларга тўрт, диллар хабарчига интизор эди. Баъзан унга:

– Шамсни фалон жойда кўрдим, – деган ёлғон хабарлар келтиришарди. У эса усти-бошида нима бўлса, ҳаммасини хабарчига инъом этиб юборар эди. Шунда:

– Бу хабар ёлғон эди, – деганлардан ҳеч ҳам хафа бўлмай:

– Мен ёлғон хабарга дасторимни, яктагимни бердим. Хабар тўғри бўлсайди, жонимни берардим! – дерди.

*Турк тилидан  
Шермурод СУБҲОН  
таржимаси*

*(Давоми бор)*





## “МИС ОТЛИҚ” ДАН “ЖЕЗ ОТЛИҚ” ҚАЧА

*Александр Пушкин ва Шавкат Раҳмон... Бу икки оташнафас шоир туғилган давр орасидаги тафовут бир юз эллик йилни ташкил этади. Пушкин ўттиз саккиз, Шавкат Раҳмон эса қирқ олти йил умр кўрган. Пушкин Россиянинг уйғониш даврида яшаган бўлса, Шавкат Раҳмон қалами Ўзбекистонда мустақилликка эришиш ҳаракатлари авж олган палларда чархланди. Пушкин Пётр Биринчи ҳайкали ҳақида “Мис чавандоз” номли шеърий қисса яратган бўлса, Шавкат Раҳмон худди ўша ҳайкалга “Жез отлиқ” номли шеърини бағишлади...*

Икки юз йилдан бери жаҳоннинг машҳур шоирлари каторида келаётган Александр Пушкин “Мис отлиқ” шеърий қиссасини 1833 йилда ёзган. Асар сўзбошисида шоир: “Бу қиссада тасвир этилган воқеа айни ҳақиқатга асосланган. Тошқинга доир тафсилотлар ўша вақтдаги журналлардан олинди. Қизиқувчилар В.Н. Берх тузган ахборотни кўриб чиқишлари мумкин,” дея қисқагина изоҳ бериб ўтади. “Мис отлиқ” шеърий қиссаси кўп тармоқли асар. Асарнинг асосий қирраси Пётр Биринчи шахсияти, қудрати билан боғлангани боис қизиқарлидир. Баъзи манбаларда таъкидланишича, Пушкин бу асарини буюк поляк шоири Адам Мицкевичнинг шу мавзудаги шеърига жавоб тариқасида битган. Маълумки, Пушкин Россияга келган А. Мицкевич билан дўст тутинади. Унинг баъзи балладаларини русчага ўгирган. Адам Мицкевич ҳам Пушкин қаламига мансуб “Хотиралар” ни поляк тилига таржима қилган. Хулоса ясаб айтиш жоизки, ўн тўққизинчи асрдаёқ Пётр Биринчи шахсияти тимсоли – мис отлиқ образи талқини анъанавий тус олган.

В. Брюсов “Мис отлиқ” достони ҳақида сўз юритаркан, унинг бирламчи хусусияти сифатида “фабула

ва мазмунининг мос келмаслиги”ни кўрсатади. Достоннинг қисқача мазмуни қуйидагича: Петербургнинг қоқ марказида ўз халқининг тақдири, асос солган буюк империясининг келажаги ҳақида чуқур ўйга толган келбатли мис отлиқнинг ҳайкали савлат тўкиб турарди. Ҳайкалнинг қарама-қарши томонида фатарот бўлган кулба ва чайлалар, бечоралик ва йўқсилликнинг мумтоз намунасига айланиб қолган балиқчиларнинг бошпаналари кўринарди. Ана шундай кулбаларнинг бирида афтодаҳол, турмуши ҳам, дунёқараши ҳам, орзулари ҳам ҳаминқадар бўлган кичик амалдор – Евгений ўзига муносиб Параша исмли қизнинг муҳаббати билан хаёл суриб умргузаронлик қилади. Милодий 1824 йилда кунларнинг бирида Нева дарёсида қаттиқ тўфон кўтарилиб, сел Евгенийнинг кулбасини ҳам, Параша ва унинг бева онасини ҳам ўзининг ҳалокатли домига тортади. Ҳижронда Петербургнинг сел босган кўчаларида ярим тунгача тентираб юрган Евгений шаҳарнинг марказида бу офатлар мис отининг туёғига ҳам келмаган Пётр ҳайкалини кўриб қолади-ю ўзининг барча нафрат ва ғазабини унга сочади. Тўсатдан унинг назарида ҳайкал жонланиб, у томон от

солгандек туюлади. Евгений бир амаллаб отликдан қочиб қолади, аммо бу даҳшатли қўрқув оқибатида ақлдан озиб, бир неча ойдан сўнг вафот этади...

Евгенийнинг армонли муҳаббати ва унинг бошига тушган кулфат ва мусибатнинг тасвиридан ташқари дostonда сюжетга унчалик алоқаси бўлмаган бўлимлар, батафсил тасвирлар ҳам борки, бу Пушкиннинг айтмоқчи бўлган гапи сюжетдан кўра анча теран ва салмоқли эканлигига ишора қилади. Шу сабабдан, "Мис отлик" дostonи кўплаб адабиётшунослар, танқидчилар томонидан таҳлил ва тадқиқ қилинган<sup>1</sup>.

"Жез отлик" шеъри эса Шавкат Раҳмоннинг маслакдошларидан бири, марҳум Асқар Маҳкам томонидан "Адабиёт ибодати" эссесида батафсил таҳлил этилган бўлиб, "Хуррият" газетасида "Шавкат Раҳмоннинг шеърий башорати" номи билан алоҳида мақола шаклида ҳам эълон қилинган. Бизнинг мақсадимиз эса Пётр Биринчи ҳайкалининг Пушкин ва Шавкат Раҳмон талқинида қиёслаб, алоқадри ҳол хулоса чиқариш.

Дастлаб иккита шеърнинг сарлавҳалари ҳақида. Пушкиннинг дostonи "Медный всадник" ("Мис отлик")<sup>2</sup> деб аталса, Шавкат Раҳмон бу ҳайкалга бағишланган шеърига "Жез отлик" деб сарлавҳа қўяди. Биламизки, жез – мис ва рух бирикмасидан ҳосил бўлган қотишма металл. Айнан ана шу металл ихтиросидан кейин курул-яроғ, аслаҳа яшаш авж олиб, ер юзининг турли гўшаларида милоддан аввалги 2-минг йилликда илк давлатлар пайдо бўла бошлади. Теранроқ назар ташлайдиган бўлсак, жез ихтироси – инсоният тарихида зулм ва зўравонлик, босқин ва

урушлар даврини бошлаб бергандек таассурот қолдиради. Яна бир қиёс: Россия мамлақати ярми Осиё, ярми Европа қитъаси ҳудудида жойлашган "жез" ўлка. Шавкат Раҳмон талқинида Пётр ҳайкали икки қитъани ўз ҳукмига бўйсундириб, бепоён империяга асос солмоқчи бўлган саркарда сифатида гавдаланади.

Пушкин дostonида ҳайкал қиёфасида рус империяси асосчисининг улуғвор ўйларга чўмган ҳолати жонлантирилади:

*У, яйдоқ тўлқинлар соҳилида жим  
Улуғвор ўйларга толиб турарди:  
Узоқларга қарар. Қаршида лим-лим  
Дарё тўлиб-тошиб тўлқин урарди;  
Дарёда бир қайиқ ёлғиз, нотафон  
Сузарди. Мох босган ботқоқ қирғоқда  
Фақир чухонлилар қурмишиди ошён,  
Қулбалар кўринар яқин-йироқда;  
Тўманлар ортига яширинган кунда –  
Офтоб нурларидан бебаҳра ўрмон  
Тинмай шовулларди.*

*У ўйлар ҳамон:*

*Шведга биз таҳдид қиламиз бундан.  
Такаббур қўшинининг жисига тегиб,  
Биз бунда бир шаҳар этамиз барпо.  
Денгиз қирғоғига тираб оёқни,  
Бунда Европага дарча очмоқни  
Табиат бизларга қўрмишидир раво<sup>3</sup>.*

Асарнинг кириш қисмидаёқ мис отлик ҳайкали баҳонасида шоир русларнинг шон-шавкатга тўла тарихини ёдга олади. Илк сатрларда шведлар "хатга тушган" бўлсалар, сал кейинроқ финларга ишора қилинади:

*Бунда табиатнинг ўғай ва ўксик  
Ўғли – балиқчи фин кўп маҳал бурун.  
Асов сувга ташлаб увода тўрин  
Пастак соҳилларда юрарди ёлғиз...*

Шавкат Раҳмоннинг шеъри ҳам ҳайкалнинг тасвири билан бошланади. Аммо у отлик ҳайкал сиймосида Россиянинг келажаги ҳақида улуғвор

<sup>1</sup> Жумладан, В. Белинский ушбу дostonни шахс тақдири ва тарихий зарурат қарама-қаршилиги, кўпчилик иродаси ва шахс истак-ихтиёри зиддиятининг бадий ифодаси сифатида кўриб, шоирнинг асосий мақсади – Пётр шахсиятини улуғлаш ва шу орқали Ватанга бўлган муҳаббатини изҳор этиш деб билган. Д. Мережковский эса, Евгений ва Пётр ўртасидаги конфликтда Европа цивилизациясининг икки маншаъи – христианлик ҳамда худосизликнинг кутбларини мушоҳада этади. В. Брюсов Пётр сиймосида мутлақ ҳукмдорлик тантанаси, Евгений тимсолида эса, мазлумларнинг исёнини кўради.

<sup>2</sup> Ўзбекча таржимада "Мис чавандоз" деб берилган, аммо дostonнинг матнида барча жойларда "Мис отлик" деб таржима қилингани боис, биз ҳам "Мис отлик" иборасини қўллашни маъқул деб топдик.

<sup>3</sup> А.С. Пушкин. "Танланган асарлар". Асқад Мухтор таржимаси. – Тошкент. Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1999 йил. 203-бет.

ўйларга чўмган, буюкларгагина хос бўлган сукут ичра мағрур турган саркардани кўрмайди. Мархум шоир Асқар Маҳкам "Адабиёт ибодати" эссесида бу тўғрида шундай ёзади: "...Саксонинчи йилларнинг охири, тўксонинчи йилларнинг бошида мамлакатимизда содир бўлган воқеалар хусусида ўйлар экансиз, миллатимиз чинакам фожиалар домидан осон-омон ўтиб олганини ҳис қиласиз. 85-йилдан бошланган қатағоннинг янги оқими минг-минглаб ўзбек хонадонининг шўрини қуритишга қаратилган мустамлака сиёсати эканлиги, бу сиёсат миллат умуртқасини яна юз йилларга синдириб юборишни мақсад қилганлигини англаш қийин эмас. Миллий урф-одатларга қарши бошланган ошқора тажовуз, Масковдаги Бутирка ва Лефортова камокхоналаригача судраб олиб кетилаётган деҳқонлар ва генераллар, парчаланиб, кун фаякун бўлаёзган шўролар давлатининг ўлим олди талвасаси эди. Ағдарилиб, мангуга йўқ бўлаётган империяни "Жез отлик" сувратида тасаввур қилган шоир ёзади:

*Ҳамон улуг келбат,  
ҳамон боши тик,  
ҳамон тоғни бўлар қиличин зарби,  
қутурган бу ҳанги айғир-да тетик,  
дунёга ташланар кўзи оч ҳарбий.*

Кўзингиз ўнгида Санкт-Петербург майдонида савлат тўкиб турган ва Осиёни буткул расво қилган, юзлаб миллатларнинг ёстиғини қуритган Биринчи Пётр жонланади. Унинг такаббуруна келбати, остидаги "қутурган ҳанги айғир" қилмишлари кўламига мос. Бутун мақсади, ўй-хаёли босқинчилик бўлган "кўзи оч ҳарбий" дунёга ташланмоқда. Шоирнинг ўткир мажозий тили замирида босқинчи қутурган ит, оч қашқирдек жонланади".

"Мис отлик" асарида эса рус шоирининг Россияни шведлар ва финлар таҳдидидан қутқарган, рус халқи тарихининг янги, шонли саҳифасини очган императорга нисбатан бўлган самимияти, самовий қувончларидан

воқиф бўлишимиз мумкин. Рус фарзанди сифатида Пушкин Россиянинг Европада ҳукмронликни қўлга киритаётганидан шодланади. Унинг фикрича, бу хусусиятни русларга табиатнинг ўзи раво кўрган. Шоир подшоҳ қиёфасини тасвирларкан, завқу шуқухини яшира олмай қолади. Пётр шаънига муҳаббатини изҳор этаётган шоир янада очилади, табиатни ўз ҳукмига бўйсундирган қудратли подшоҳ ҳақида яйраб, тилак билдиришга киришади:

*Яинайбер, Пётрнинг улугвор шаҳри,  
Турабер Россия каби мустаҳкам,  
Табиатнинг мағлуб офати – қаҳри  
Қудратинг олдида бошин қилсин ҳам;  
Бутунлай унутсин фин тўлқинлари  
Қадим хусуматин, эски аламин,  
Ёвликнинг беҳуда ачиғ-кинлари  
Бузмасин Пётрнинг мангу оромин<sup>1</sup>.*

Ўтмишнинг шиддатли кечган даврларида шоирлар воқелик шарҳловчиси сифатида майдонга отилиб чиқадилар. Улар воқеликни шарҳлаш баробарида тарихга мурожаат этадилар; миллатни уйғотиш мақсадида тарихдан мисоллар келтирадилар. Аммо шоирнинг тарихдан баҳрамандлиги бошқаларнинг талқинидан доим фарқ қилиб туради. Шахс иродаси муаммосини фалсафий таълимотининг асоси этиб олган А.Шопенгауэр таъкидлайдики: "Ҳар қандай тарихда ҳақиқатга нисбатан уйдирмалар кўпроқдир. Шоир бўлса инсониятнинг қандайдир бир томонини илғаб олиб, уни ўз руҳиятига синдириб, энг кичик хусусиятларигача жонлантириб, аниқ кўрсатишга қодир бўлади. Шунинг учун ҳам асл шеърият ҳаётнинг ўзидир. Унда ҳеч қандай ёлғон, уйдирма йўқ". Худди шу нуқтаи назардан қаралганда миллатимизнинг уйғониши даврида ёзилган "Жез отлик" шеъри алоҳида аҳамият касб этади.

Тарихдан маълумки, Пётр Биринчи ўз халқини шведлар, финлар зулмидан қутқаришнинггина уйлагани йўқ, балки, унинг нияти ёндош дав-

<sup>1</sup> Ўша манба. 205-бет.

латларни мустамлакага айлантириб, Ҳинд океанигача сарҳадларини кенгайтириш ҳам эди. Пётр Биринчининг ушбу сиёсий васиятини ворислари воқеликка кўчирдилар. Пушкин вафотидан ўттиз йил вақт ўтиб, чор Россияси кўшинлари Ўрта Осиё сари йўл олди. Шоир эркпарвар бир одам сифатида русларнинг довруғи оламни тутишини орзулаган эдики, бу истак зиддиятлардан холи эмас. Яъни, эркпарварлик гоҳо эркини бўғиш эвазига пайдо бўлади. Натижада, боскинчи халқ ҳам мағлуб эллар баробарида ўз тинчи, оромини йўқотади, инсонийликнинг мунаввар манзилларидан йироқлашади, нафс кутқусига учиб, очкўзлик, хусумат, худбинлик, манманлик домига гирифторм бўлади. Огаҳий таъбири билан айтганда, боскинчилик – аслида зўравонлик ниқоби остида яширинган тиланчиликдир. Ана шу аччиқ ҳақиқат "Жез отлик" шеърида тунд, қора бўёқларда чизилади:

*Икки юз йилдирки  
Улашиб иўриши,  
Мағлублар бошида қаҳқаҳа отар,  
Ҳаттоки мангу эрк тимсоли бўлмиши  
Осмон ҳам кўникиб қолди бу зотга.  
Озми бу денгизлар,  
Озми бу ерлар,  
Озми тоғларини узатган юртлар,  
Ўз қонин симириб чириган эрлар,<sup>1</sup>  
Байланган хурлару таланган дурлар.*

"Мис отлик" достонининг кириш ҳамда биринчи қисмларида асосан суворийнинг тасвирига эътибор қаратилган бўлса, иккинчи бўлимда "мағрур арғумоқ" қаламга олиниб, Пушкин шу орқали рус халқи тақдирининг қудратли ҳукмдори Россиянинг ҳалокат ёқасига келиб қолган пайтда темир тизгин билан маҳкам ушлаб, юксакликка кўтарганини меҳр ила таърифлайди:

*Унинг манглайида не хаёллар бор!  
Нақадар яширин куч-қудрат унда!  
От-чи, от оловдай товланар тунда!*

<sup>1</sup> Шавкат Раҳмон. "Абадият оралаб", Тошкент, 2012. 350-бет.

*Қайларга учасан, мағрур арғумоқ,  
Қаерларга бориб босарсан туюқ?  
Тақдирнинг қудратли ҳукмдори, айт,  
Сенмасми, жарликка келиб*

*қолган пайт,  
Темир тизгин билан бу юксакликда  
Россияни шундай кўтарган тикка?*

Истибдод, истилонинг авж нуқтаси – мазлум халқнинг тарихий ҳофизасини маҳв этиш, уни ҳиссиз, маърифатсиз, қултабиат манкуртлар, оломонга айлантиришнинг ибтидо-сидир. Мағлубларнинг мол-дунёси, ер-суви, инон-ихтиёрини қўлга киритган келгинди энди уларнинг маънавий олами, дину диёнати, тили, маданияти, тафаккур тарзини ўзига мослаштирмоқ учун барча усул ва воситаларни ишга солади. Рус подшолиги ва кейинроқ Октябр тўнтаришидан кейин Туронзамин халқлари бошига ана шундай аянчли кунлар солинди. Асрлар давомида дунё халқларига муаллимлик қилган, тараққиётнинг маёғи бўлган Туркистон тамаддун қабристонига айлантирилди гўё... Ана шу тарихий ҳақиқатни мажозий йўсинда ифода-лаш учун "Жез отлик" шеърида шоир нафақат мустамлакачи ҳукмдор, балки, у минган отга нисбатан ҳам нафрат туйғуларини йўналтиради. "Турондай сарғаймиш от пешобидан, самовий хитоблар, азиз китоблар," деб ёзади ўзбек шоири. Бундай ҳолатга фақат мустамлакачи эмас, балки тутқун элларнинг ўзи ҳам айбдорлигини шоир теран ҳис қилган. Негаки, "сарғайган самовий китоб" – Қуръони каримда айтилганидек, "аниқки, то бирор қавм ўзларини ўзгартирмагунларича Аллоҳ уларнинг аҳволини ўзгартирмас" ("Раъд" сураси, 11-оят). Шу сабабдан, Пушкин меҳр ила таърифлаган подшоҳга Шавкат Раҳмон икки асрлик ғафлат уйқусидан энди уйғонаётган мазлум халқ тарафида туриб қарамоқда: "Бас, телба сувори, ҳаддиндан ошма, қутурган айғирнинг жиловини торт, икки юз йилдирки эллар бошида, туюгини қайрар бу даҳшатли от".

Шоиримиз жез отликни "машъум

салтанатнинг соҳибқирони” дея атаркан ўч онлари яқинлашаётганини башорат қилади. Уни маҳв этадиган куч бор. Эл интиқоми бўридек эргашмоқда. Мазкур шеърда бўри мардлиқ рамзи, эрксеварлик ва бўйсунмаслик тимсоли сифатида келади. Бунда шоир туркий қавмларнинг исломиятдан олдин сиғинган маъбудди – Кўк бўри бўлганлигига ҳам нозик ишора қилган. Буюқ адиб Абдурауф Фитрат Туронни “арслонлар ўлкаси” қабилида шарафлаб, эл руҳини кўзғатмоқчи бўлгани ҳам бор гап:

*Эй Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси!  
Сенга не бўлди?  
Ҳолинг қалайдир?  
Нечук кунларга қолдинг?<sup>1</sup>*

Пушкин достонида мис отликқа қарши икки марта исён кўтарилди.

Биринчи исён – бу табиатнинг исёни. Ўзар подшоҳ “такабур шведларнинг жиғига тегиш учун” (Пушкин таъбири) сизот ва ботқоқлар, қора ўрмонлар ўрнига катта шаҳар барпо этиб, Нева дарёсини метин ўзанларга солади. Юз йил ўтган бўлса-да, табиат инсоннинг бундай ўзбошимчаллигини кўтармасдан, ғазаб дарёси тўлиб-тошади. Довул зўри билан тўсилган Нева тесқари оқиб, йўлда кутурган йиртқичдай ўшқириб, мозорлардаги тобутларни оқизарди, бойлар ва савдогарлар, йўқсиллар ва гадоларнинг бор-будини кунфаякун қилиб, хўлу курукни ўз домига тортиб, шаҳар кўчалари аро тўлиб оқарди. Табиатнинг бу мудҳиш жазоси олдида ўша даврдаги ҳукмдор ҳам нотаваон эканлигини англаб, “Худо офат солса, шоҳлар ҳам ожиз,” дея чуқур хўрсинишдан ўзга чора тополмайди. Фақат Мис отлик табиатнинг бу ғазабини назар-писанд этмай, Нева соҳилида халқини олға қадам босишга даъват этган кўйи ўзининг буюқ ва тенгсиз ҳукмдор эканлигини яна бир қарра тасдиқлашиб олмоқчи бўлгандек эди:

*Дарғазаб Неванинг устида ёлғиз  
Турар бир қўлини узатиб олға –  
Юксак мақомида маҳкам, улугвор,  
Мис от миниб олган буюқ ҳукмдор.*

Иккинчи исён – телба Евгенийнинг “ярим олам шоҳи”нинг бўй-бастига қараб, бор нафрат, ваҳшат ва аламини “Майли, сени қара!...Мўъжиз бинокор” нидоси орқали ўз ифодасини топган. Аммо унинг телба хаёли, пажмурда руҳи ўзига душманлик қилади – назарида ҳайкал у ғазаб билан юз буриб, отининг туёғидан Петербургнинг тош кўчаларида ҳар томон чакмоқ сочиб, у томон бостириб келаётгандай туюлди ва жони борича югуриб, кўнглида пайдо бўлган ваҳм ва кўрқувдан қутулмоқчи бўлади. Аммо кудрат тимсоли олдидаги ожизона бу кўрқув уни енгиб, оқибатда ўлим сарманзили томон етаклайди.

Шавкат Раҳмон шеърда эса, жез отликқа қарши учинчи исён тўлқинини мушоҳада этамиз. Бу – икки юз йилдан бери эзилиб келаётган мазлум халқнинг исёни. Бу исён, юқорида айтиб ўтганимиздек, халқ руҳининг уйғониши, “зиёпарварлик” ниқоби остида истаганича зулм қилаётган ҳоким тузумдан адолат излаётган ва оқибат сабр-қосаси тўлиб, бутун вужудини интиқом ҳисси қамраб олган ўзига бек халқнинг эркинлик ва ҳуррият томон дадил ташлаётган қадамларида ўз ифодасини топаётганди. Қизил империянинг пойтахтида бир муддат яшаган шоир отининг туёғини мазлум эллар бошида қайраган босқинчи зобитнинг ворислари нималарга қодир эканлигини, ҳамон уларнинг кескир қиличи тоғларни бўлишини яхши биларди. Аммо у миллатининг бедор, Тўмарислар каби ўлмас руҳи саҳроларда кўзғалиб, яқин кунларда икки асрга қадар чўзилган бу асоратдан халос этишига ишонарди. Ана шундай зулфиқор руҳгина руҳсиз темиртанларни, “жез отлик”ларни мағлуб қилишини чуқур ҳис қилган шоир истибдоднинг муқаррар ҳалокатини башорат қилади:

<sup>1</sup> Абдурауф Фитрат. “Танланган асарлар”, 1-жилд, Тошкент, 2000.

... Саҳрода кўринар тагин Тўмарис,  
тагин бир қўзгатар сабр тошини,  
бу сафар мешгамас,  
қон денгизига  
отар бу зобитнинг оғир бошини...<sup>1</sup>

Расул Ҳамзатов тўғри таъкидлаганидек, "чинакам миллий шоир дунёқарши, идроки ва фикрлаши билан ўз даврининг, ўз асрининг, ўз мамлакатининг шоири бўлиши керак." Ана шу нуқтаи назардан олиб қараганда Пушкин ҳам, Шавкат Раҳмон ҳам ўз даврлари ва ўз миллатлари олдида шоирлик бурчларини сарбаландлик билан адо этганларига гувоҳ бўламиз. Пушкин "Мис отлик" қиссаси орқали Россиянинг шавкатли онлари, асрлар давомида дунё тараққиёти ва тамаддунидан орқада қолган халқининг юксалиш

ва ривожланиш томон музаффарона юришлари, рус халқининг тарихида туб бурилиш ясаган Пётр Биринчининг улуғвор ўйлари рўёбга чиқишини башорат қилган бўлса, Шавкат Раҳмон "Жез отлик" шеърисида бошқа халқларнинг бошига кулфат ёғдириш орқали ўзининг саодат қасрини қурмоқчи бўлган "машъум салтанат"нинг инқирозга юз тутиши, Турон халқларининг асрий орзуси рўёбга чиқишини мажозий йўсинда ифодалаб бера олган. Шу сабабдан, "Мис отлик" достони ҳам, "Жез отлик" шеъри ҳам нафақат миллий адабиётда, балки жаҳон шеърисининг микёсида ўзига муносиб ўрин эгаллаган шеърлар сирасига киради, деб бемалол айта оламиз.

Олимжон ДАВЛАТОВ



<sup>1</sup> Шавкат Раҳмон. "Абадият оралаб", Тошкент, 2012. 351-бет.

## XX АСР ТЕАТР ИСЛОҲОТЛАРИ



XX аср театр санъатида режиссёрлик асри бўлди. Чунки бу даврда режиссёрлик янгича кифада шаклланди ва ривож топди, театр санъатининг тақдирини ва моҳиятини бутунлай янгича намоён бўла бошлади. Ҳамма соҳаларда бўлгани каби кейинги йилларда театрларда ҳам модернистик унсурлар кулоч ёзмокда, деган қарашлар пайдо бўлди. Умуман, айтиш мумкин бу даврда театр санъатида ҳам турли бадиий оқимларнинг мураккаб қўшилиши

даври сифатида изоҳланади.

Авалло, XIX аср охири XX аср бошларида режиссёрлик санъатидаги бу янгиланишлар бошида турган Европанинг биринчи ислоҳчи режиссёрлари кимлар эди?

1850 йилда Лондондаги “Принсес” театрининг раҳбари Чарлз Кин сахна санъатида ўзига хос янгилликлар қилган дастлабки режиссёрлардан бири. Унинг спектакллари томошабоплиги, декорацияга бойлиги билан ажралиб турарди. Генрих Лаубе эса 1849 йилдан то 1867 йилга қадар Венада Бургтеатрларга раҳбарлик қилган. У юзаки ҳашамат ва сахна эффектларига қарши чиқади. Асосий эътиборни пьесаларнинг ғоявий моҳиятига чуқурроқ кириб боришга қаратади. Пьесаларни обдон ўқиш ва актёрларнинг сахнавий нутқини ривожлантириш устида қаттиқ ишлайди. Лаубе “сўзлашув режиссёрлиги” тамойилини ишлаб чиқади.

Режиссёрлик ривожиди Мейнинген немис театри фаолияти, хусусан, Кронек ижодининг ўрни бекиёс. Кронек бетақрор оммавий сахналар яратишга уста бўлган. Умуман, режиссёрлик касби Фарб ва Россияда мизансахна, пьесалар мазмунидаги пластик ва мусикий ифодалар, сахнавий ўқишлар яратиш билан бошланади.

Фарбий Европада режиссёрликнинг ривожланиш даври Парижда А. Антуан, Берлинда О.Брамнинг Эркин театрлари фаолияти билан боғлиқ. Айниқса, XIX-XX асрлар оралиғида ижод қилган буюк немис режиссёри М.Рейнхардт ижодига алоҳида тўхталиш ўринли. У театрда, асосан, актёр маҳорати ва нутқий салоҳиятига эътибор қаратади. Актёрнинг театрда асосий шахс эканлигига урғу беради. Режиссёр актёрларни характерга кириш учун руҳан тайёрлашга, турли ижро усубларининг яхлитлигини таъминлашга жиддий аҳамият беради, декорация, чирок, овоз ва мусиқалардан усталик билан фойдаланади. У турли сахна майдонларида – театр сахнаси, цирк аренаси, шаҳар майдонлари, черков ва саройларда спектакль сахналаштирган. Мисол тариқасида унинг “Шоҳ Эдип” спектаклини келтириш мумкин. У мазкур спектаклни анъанавий тарзда театр сахнасида эмас, Берлин цирк аренасида сахналаштирган. Рейнхардт ўз спектаклларида антик ва ўрта асрлар театрининг оммавий сахна ҳаракатларини қайта тиклашга интилади. 1928 йилда Рейнхардт Венада актёрлар ва режиссёрлар семинарини ташкил этиб, то 1938 йилга қадар ўша ерда дарс беради. Бу режиссёрлар учун Фарбий Европада очилган биринчи махсус мактаб эди.

Россияда режиссёрлик санъатининг ривожланиши К.Станиславский, Е.Вахтангов, В.Мейерхольд, А.Таировларнинг номи билан боғлиқ. Улар театрнинг турғун анъаналаридан воз кечиб, ўзларининг янгича усулларини таклиф этадилар. Таъкидлаш жоизки, XIX аср охирларида Россия театри асосан Малый театр труппаси фаолиятида намоён бўлди. Мазкур театр ҳаётни қаҳрамонлар орқали реалистик йўналишда аниқ акс эттириш тарафдори бўлган. Бироқ, у ҳаёт ҳақиқатидан йироқ эди. Бу театрда суратли деворлар, тасвирий сахна буюмлари маълум маънони аниқлар, актёрлар эса ясама штампларига кўра роль ижро этадилар. Уларнинг ўз усул ва воситалари бўлиб, “Ҳаяжон”ни тез-тез хонанинг у ёғидан бу ёғига бориб келиш, хат ёзаётганда қўлларининг қалтираши орқали ифодалаб беришган. “Сукунат”ни эса зеркиш, эснаш орқали кўрсатишган. Мизансаҳнани актёрларнинг сахнада муайян қулайликда жойлашуви деб тушунишган. Табиийки, буларнинг ҳаммаси ёш авлодни сахнанинг янгича тили, янгича мавзу ва шакллари кидиришга ундаган.

Станиславский рус театрида биринчи бўлиб сахналаштириш маданияти, сахнада инсоннинг табиий феъл-атворини кўрсатиш конунларини яратди. У санъатнинг вазифаси ва мақсадини инсон моҳиятини очиш, унинг қалбига таъсир этишда деб билди. Станиславский XX аср бошларидаги бадий оқимлар ҳақида жуда аниқ тасаввурга эга эди. У деярли ҳар йили Франция, Германияга бориб, А. Антуан, О. Брам, М. Рейнхардт спектакллари билан бевосита танишарди.

Станиславский Москва Бадий театрида пьеса устида ишлашни ижоднинг асоси деб ҳисоблайди, яъни бу стол даври деб аталиб, сахнадаги асосий репетицияларга ўтишдан аввал пьеса стол атрофида жиддий муҳокама қилинади. Бунда ижодий жамоа режиссёр бошчилигида асарнинг ички омиллари, тағмаъноси, қаҳрамонларнинг ўзаро муносабати, характерлари, икки томонлама ҳаракатлар, олий мақсадни таҳлил қилади. Буларнинг ҳаммаси драматик асарни чуқур тушуниб етишга, унинг бадий-ғоявий вазифаларини аниқ белгилаб олишга хизмат қилади.

Станиславский режиссёр ва актёрлар ўртасида ижодий ҳамкорлик муносабатларига жиддий аҳамият беради. Режиссёр аввало бутун спектаклда маҳоратини намоён қилиши, барча репетиция жараёнларини ташкил қилиши, пьесани нима мақсадда қўяётганини тушуниши, ижодий жамоани ўз ортидан эргаштира олиши ва ҳар бир актёр билан индивидуал ишлаш билиши шарт. Аввало, режиссёрнинг актёр билан образ яратиш жараёни пухта шакллантирилади. Бу нималар орқали амалга оширилади? Бунда режиссёр характерларнинг мавҳум жиҳатларини тушунишда актёрга ёрдам бериши, уни давр хусусиятлари билан таништириши, пьесаларда хатти-ҳаракатнинг келиб чиқишини, тасвирий материаллар, адабий-танқидий тадқиқотларни уларга маълумот сифатида етказиши лозим. Умуман **режиссёр – бу пьеса ва роллар шарҳловчиси, бутун спектаклнинг бош ташкилотчисидир.** У пьеса мазмун-моҳиятини ва педагогик методларнинг барчасини билиши зарур. Станиславскийнинг ёзишича, у актёрга **“таъйиқ ўтказиши”** керак эмас, унинг мустақил изланишларини тузатиб туриши ва ижросини намоён этишига имкон бериши лозим.

Роль устида ишлашнинг бошланиши ҳақида Станиславский “Актёрнинг ўз устида ишлаши” китобида шундай ёзади: “Уйдирмага ишонмоқ ва унга чин дилдан кўникиб яшаш сизнингча осонми? Лекин таниш бўлмаган мавзуда шундай ижод қилиш ўз уйдирмасини яратишдан кўра кўпинча қийин кечади. Биз драматурглар асарини, уларнинг моҳиятини, сўзларнинг тағмаъносини очиб, қайта ишлаймиз, матн моҳияти, одамлар ва уларнинг ҳаётий вазиятларга муносабатини аниқлаймиз, биз бу нарсаларга кўникиб кетамиз. Бутун материални бирма-бир ўзимиздан ўтказиб чиқамиз, ўз тасаввурларимиз билан бойитамиз. Драматург асарлари билан руҳан ва jisмонан ҳамнафас яшаб, улар билан кадрдонлардек бўлиб кетамиз. Пьеса ғоясидан узилмаган ҳолда, жонли,



типик инсоннинг қайғу ва туйғулари ифодаланган образларни соф меҳнатимиз, ҳаракатларимиз, ижодий топилмаларимиз билан қайтадан дунёга келтирамиз”.

Станиславский ва Немирович-Данченко актёрдан яратаётган образларининг ички оламига чуқур кириб боришни талаб қилади. Уларнинг таъкидлашларича, **актёр “иккинчи план”ни топмасдан санъат асари яратолмайди, томошабинга таъсир кўрсатиб, тарбиялай олмайди. “Иккинчи план” – бу актёрнинг образдаги фаол ички ҳаёти, у шунчаки ҳолат эмас, қалбан ҳаракатлиниш жараёнини кечинма санъати орқали кўрсатиб бермоқдир. Актёр ҳар бир сўзи маъзини ҳаракатлари орқали очиб бера олиши зарур.**

Станиславский актёрларга образ яратиш, ролнинг руҳий оламини очиб бериш ва, албатта, унинг бетакрор бадий шаклини сахнада гавдалантиришга имкон берувчи ўз “система”сини, ўз услубини яратди. Бу “система” Станиславскийнинг театрда актёр ва режиссёр сифатидаги кўп йиллик тажрибаларининг натижасидир. У ўзининг мураккаб ва кўп тармоқли актёрлик фаолиятида ижродаги ёлғонни йўқотиш иштиёқи билан ёнди. Станиславский мазкур “система”ни актёр тарбиялаш бўйича амалий қўлланма, “драматик актёр грамматикаси” деб атади. **Станиславский методи – бу жисмоний ҳаракатлар методи, пьеса ва роллардаги ҳаракатлар таҳлили методидир.** Инсоннинг ички ҳолати, унинг фикру ўйлари, орзу-истаклари, муносабатлари сўзларда ва хатти-ҳаракатларида акс этиши лозим. Ҳар бир ҳаракат, масалан, одамларда юрмоқ, ўтирмоқ, турмоқ ҳаётда қандай бўлса, сахнада ҳам худди шундай аниқ ва ишонарли ифодалаши керак. Ҳаракат методи персонажларнинг ўзаро муносабатларининг мазмунини тушунтиришга, ўй-хаёлларини очиб беришга, зиддиятларнинг ўсиши ва ҳаракат занжирининг ҳосил бўлишига шароит яратади.

Нутқий (оғзаки) ҳаракат спектаклда асосий ҳаракат бўлиб, унда муаллиф гоёси мужассамлашган бўлади. Станиславский сахнада ҳам худди ҳаётдагидек образнинг ҳаракатлари, вазибалари ва фикрлари сўз билан боғлиқ бўлиши шарт, дея таъкидлайди. Ўша китобдаги “Отелло”нинг режиссёрлик режаси” бобида Станиславский “ҳаракат йўналиши” тушунчасига шундай изоҳ беради: “Роль ўйналаётганда, айниқса, бу роль трагик бўлса, оддий жисмоний ҳаракатлар тўғрисида ўйлаши, керак. Шунга кўра, барча роллар режаси таҳминан шундай тузилади: беш-ўнта жисмоний ҳаракатлар билан бир эпизод тайёр бўлади. Бешта актёрнинг ҳаммаси ўттиз-элликтача ҳаракатлардан иборат бўлади. Актёр сахнага чиқишдан аввал ҳозир бажариши керак бўлган ҳаракатлари ҳақида ўйлаши керак. Кейин бажариладиган мантикий ва кетма-кет ҳаракатлар ўз-ўзидан келиб чиқади”.

Станиславский сахнада жонли, тинимсиз ўзгариб борувчи, берилган шароитда доимий ҳаракатдаги инсонни кўрсатиш кераклигини таъкидлайди.

Мейерхольд табиатан янгиликка ўч ижодкор эди, у анъанавий театрни, маиший психологик сахна талқинларини инкор этганлиги, бу борада дадил баҳс юритганлиги билан ажралиб туради. Мейерхольд илгари сурган актёрлик услубида актёрнинг ташқи қиёфасига асосий эътибор қаратилади, эксцентрик ифода воситаларига таянилади. “Биомеханика” грекча “био” – “ҳаёт”, “механика”, “яратиш машинаси” сўзларидан келиб чиққан бўлиб, Мейерхольд яратган “машғулотлар системаси”да актёр машқлари, усуллари ва гимнастик, пластик, акробатик маҳорати орқали ўз танасини юқори даражада бошқара олиш имкониятига эришади. У мазкур биомеханика тушунчасини ҳаракатлар тизимига нисбатан қўллайди. Мейерхольд ўзи яратган бу мураккаб услубда актёр танасини идеал даражадаги шиддатли қуролга айлантиришга, ҳар қандай мураккаб ҳаракатни моҳирлик билан бажартиришга интилади. Инсон танаси автоматик тарзда, тўхтовсиз ишлаши лозим. Мейерхольд ҳатто актёр танасини машина деб атайди. Унинг актёрлари доимо акробатика, қиличбозлик ва бошқа кўплаб жисмоний машғулотларга мунтазам қатнашиб турарди. Бу эса актёр танасини жисмонан тайёрлаш учун жуда ҳам зарур.

Биомеханика санъаткорнинг ички оламига хизмат қилади ва сахнада ўзини эркин ҳис қилишига имконият беради. Актёр руҳияти тана ҳақида ўйлаш юкидан озод бўлади. Таниқли театр назариётчиси П. Марков ўзининг “Инқилобгача бўлган театрлар ҳақида маъруза” мақоласида Мейерхольд биомеханикаси ҳақида шундай фикр билдиради: “Мейерхольд Бадиий театрни тарк этгач, аввало ўз театрини тузиб, Бадиий театр йўлини давом эттирди ва янада ривожлантирди, бу соҳанинг мохири даражасига етди. Ўзи топган мазкур режиссёрлик йўналишини тўлиқ ўзлаштиргач, унинг олдида алоҳида сахна муҳитини яратиш, янгича сахнавий ижро воситаларини излаш каби масалалар пайдо бўлди”.

Мейерхольд Станиславский билан мунозарага киришиб, ҳиссиёт ҳаракатни пайдо қилмайди, аксинча, ҳаракат ҳиссиётни келтириб чиқаради, деган фикрни илгари суради. Бунинг учун актёрда кучли мускуллар, ҳаракатчан тана бўлиши керак. Мейерхольд ўз қоидаларини шакллантиришда деярли барча назарий манбалардан фойдаланади. У Кабуки театрида япон актёрларининг усулларини синчковлик билан ўрганади. Италиялик машҳур актёр Ди Грассонинг сахна тажрибаларидан гавдани ҳаракатлантиришнинг дастлабки усулларини ўзлаштиради. 1906-1909 йилларда Горден Крегнинг Сверхмарионетка назариясини астойдил ўрганади ва амалиётга таъбиқ қилади. Биомеханикалар амалиётида у дастлаб италянларнинг комедия дель арте театри (ниқоблар театри) унсурларини қўллабди. Дастлабки биомеханик элементларни “Қопқон” (“Ҳамлет ва Офелия”, 1915 йилда) пантомимасида ишлатади. Бу тизимнинг тўлиқ ифодаси (Ф.Кромелинка. 1922 йил) илк дастурий спектакль – “Ҳимматли хиёнаткор” да намоён бўлади.

Мейерхольд актёрлар ижросига ифодавийлик топишда ҳаётни тўғридан-тўғри эмас, балки уни намоёиш қилиш орқали ифодаловчи театрға мурожаат қилади. Актёр қаерда “намоёиш қилади”, қаерда “ўйнайди”, ана шу жиҳатларига эътибор беради. Шу тариқа, ички кечинмалар орқали ижро этадиган актёр ўрнига соф театрона, эркин, таъсирчан ҳаракатланувчи актёрлар кириб келади ва томошабопликнинг қиймати ортади. Мейерхольд Г.Ибсен драматургиясига қўп маротаба мурожаат қилади. Унинг “Шарпа” пьесасини 1905 йилда Бадиий театрда сахналаштиради. Кейинчалик 1909 йилда айнан шу асарни Малий театрида ҳам қайта сахнага қўяди. Мейерхольднинг мазкур асар ҳақида машҳур бир сўзи бор: “Агар бу асардан сўзларни қоқиб ташласак, унда пантомимик ҳаракатнинг соф тасвири қолади”. Режиссёр Ибсен пьесасидан ўзи учун ана шундай сахнавий шакл топади ва уни яратади.

Мейерхольд шартлиликка асосланган қувноқ театр тамойилларини илгари суриб, томошабин унинг ўйин эканлигини олдиндан билиши керак, деган фикрни ёқлайди. “Театрнинг ечиниши” Г. Ибсеннинг “Қўғирчоқ уй” асари репетицияси жараёнида пайдо бўлади, у бу асарни беш кунда сахнага қўяди. Репетицияга уч кун вақт кетади. Мейерхольд билан бир неча йиллар ҳамкорликда ишлаган буюк кинорежиссёр С.Эйзенштейн ўша спектакль хусусида шундай ёзади: “Мен тўхтовсиз титроқни эслайман. Бу совуқдан қалтираш эмас, ҳаяжон. Асабларнинг беҳад ҳаяжонга тушиши. “Қўғирчоқ уй” учун ҳеч қандай декорация тайёрлашга улгурилмаган. Мейерхольд ашёларга бир тийин ҳам сарф қилмай, спектакль учун ажратилган мебелларни декорация ўрнида жойлаштирган. Қурилма сифатида эски декорацияларнинг бошқа томони, павильон қисмлари, панжаралардан фойдаланилган. Бу тарзда безатилган сахна шундай таассурот уйғотадики, ҳозир гўё ҳаммаси кулаб тушади, ер билан битта бўлади, деб ўйлайсан киши. Бунинг устига ўзини ғоят севувчи, худбин буржуа вакили – Гельмернинг “Нора, бу ерда ҳамма нарса яхши ва жуда қулай” деган сўзлари залда янада қизгин реакция ҳосил қиларди. Бу аралаш декорациядан турли-туман жиҳозлар ўрин олганди. Столлар, шкафлар ва стуллар шундай жойлаштирилган эдики, актёрлар ижроси учун айна керакли нуқталарда

аскотарди. Шунга қарамай, бу тартибсизлик ўзига яраша тасвирий руҳга ҳам эга эди. Декорация (агар уни декорация деб аташ мумкин бўлса) парчаланиб бораётган буржуача турмушнинг тимсоли, Нора (асар қаҳрамони) эса бу тузумга қарши эди”.

Режиссёрлик театри изланишларида Е.Вахтанговнинг алоҳида ўрни бор. У Бадиий театр услубини чуқурлаштириш йўлидан борди. Ўзининг илк ишларидаёқ ўткир психологик таҳлилга, инсоннинг мураккаб ички кечинмаларига алоҳида эътибор қаратди. Актёрларни маиший тафсилотлардан халос этишга уринди, уларни умумий кечинмалардан чинакам ижодий кечинмаларга йўналтирди. Бирок, ўзининг сўнгги иши Карло Гоццининг “Маликаи Турандот” асарида Вахтангов бошқача ижро усулини, яъни импровизация ва ритмикага асосланган йўлни таклиф этди. Бу спектаклда актёрлар асосан, саҳнавий енгилликни, акробатика ҳаракатлари, теран муסיқийлик ва сўзлардаги импровизацияни кўрсатади. Томошабин кўз ўнгига хизматчилар саҳна олдини безатиб, актёр ва актрисалар эса ўзларининг кийимлари устидан мато қийқимлари, рўмоллар, ёпинчиқлар ташлаб олишади, томошанинг ҳазиломузлигига урғу беришади. Бу билан ҳаётийлик ва фантазия ўртасидаги чегарани бузишади.

Вахтангов, актёр режиссёр фикрини бутунлай амалга оширувчи бўлиши керак, деган фикрдан йироқ бўлган. У ҳар бир спектаклда ички кечинмага бой, мазмундор саҳнавий шакллар қидиради. Унинг учун пьеса ва ролнинг шунчаки талқини эмас, бадиий хусусиятлари, усуллари тушуниш, энг муҳими, барча спектакллар учун зарур бўлган фалсафий фикрни ифодалаш эди. У асар яратишда актёрдан ижро ўткирлиги, режиссёрдан саҳнавий асар тузилмасининг мукамаллигини талаб қилади. У мазмун ва шакл мутаносиблигига катта эътибор қаратади.

Таниқли актёр М. Чехов ўзининг “Рус театрининг беш буюк режиссёри” номли машхур мақоласида шундай ёзади: “Вахтангов бор имконияти билан томошабинга шуни кўп бора эслатди: Қаранг – бу театр, бу Станиславский айтганидек ҳақиқий ҳаёт эмас, у Мейерхольд таъкидлаганидек, бутунлай ўзга олам ҳам эмас. Бу бир оддий ва ёқимли томоша. Вахтангов ҳеч қачон иллюзияга берилмади, ҳаёлот яратишга интилмади. Станиславский сингари қаҳрамонлар ҳаёти билан яшаш, улар кулса кулиш, йиғлаганда йиғлашни ёки Мейерхольд каби дўзах васвасаси билан ҳаётни, ердаги жамики нарсаларни унутишни ёқламади. Вахтанговда ҳаммаси ерда, заминда, ҳақиқатда, ҳеч қандай натуралистик унсур бўлмаган, ҳеч қандай ҳаёлот (на Станиславскийга хос руҳда, на Мейерхольдча руҳда) йўқ, бироқ, ҳаммаси театрона шаклда эканлиги очик сезилиб турарди. Унинг ғайритабиийлиги мукамалликкача етиб борар эдики, Вахтангов туфайли театрни ўзгача, янги севишни бошлар эдингиз. Бу театрда ўйин-кулгу ҳам, ғайриоддийлик ҳам мавжуд эди. Бирок у Станиславскийдан ҳақиқатга томон енгиб бўлмас интилишни мерос қилиб олганди. Театрона хусусиятларнинг кўплигига қарамай, Вахтангов ҳаммаша ҳаққоний эди. Шунинг учун унинг спектаклларида оқлаш ёки тушунтириш мумкин бўлмаган ҳеч бир ясамалик йўқ.

Москва Камер театрининг раҳбари А. Таиров “соф театрона” изланишлар йўлидан борди. Бу йўл спектаклнинг улкан қиёфага эга поэтик метафора ва яхлит образлилик йўли эди. А. Таиров Ж. Расиннинг “Федра”, Ю. О’Нилнинг “Қайрағоч остидаги муҳаббат”, Г. Флорбернинг “Бовари хоним”, Чеховнинг “Чайка” сингари асарлари асосида саҳналаштирган энг яхши спектаклларида драматик зиддиятлар қандайдир трагик босим билан намоён бўлади, мизансаҳналарнинг пластик аниқлиги, интонациялар билан ҳамоҳанглиги, спектаклдаги образлар тизими томошабини ўзига мафтун этади. А. Таировни мизансаҳна қуриш маҳорати учун “мизансаҳна сеҳргари” деб аташарди. Унда ҳар доим ижро услуби, саҳна безаги, эпизод талқини пьесага боғлиқ бўлиб, ҳар бир мизансаҳна театрга хосликни англатиши зарур эди. Мизансаҳна орқали

режиссёр драматургни қанчалик тушунганлигини намоён қиларди. Таиров ўз қарашларида “пьеса – бу спектакль учун материал”, деган позицияни ушлаб турарди. Унинг таъкидлашича, режиссёр пьесага янгича сахнавий ҳаётни бахш этади. Таиров учун театрда актёр ва унинг танаси ниҳоятда муҳим восита ҳисобланган. Адабий материал, мусика, декорация, кастюмлар эса актёрнинг маҳоратини очишда кўмак берувчи воситалар деб қарайди. Актёрнинг бутун эътибори сўз, ҳаракат, пластика, мимикага бирдек тақсимланиши керак. Таиров сахна ва актёр танасига нисбатан уч ўлчовли ислохот ўтказди. Бундан асосий мақсад актёрга эркин ҳаракат қилиши учун қулай жой яратиш. Спектакль сценографияси кенг, тўғри ва ўткир геометрик бурчаклардан, супача, турли кўринишдаги зинапоаялар, баландликлар, куб ва пирамидалардан иборат бўлади. Булар актёрга танаси орқали ўз маҳоратини кўрсатишга қулайлик туғдиради.

Таиров актёрдан ички ва ташқи услубларнинг барчасини ижрода тўлиқ қўллашни талаб қилади. Образ “ҳис-туйғу”га, ижодий ҳаяжонга тўла бўлиши ва албатта, хатти-ҳаракатларда ўзининг тугал шаклини топиши лозим. Бу эса сахна нутқида мусиқийлиги майшийликдан йироқ, юқори даражадаги жонли, оҳангдор нутқ қанчалар муҳимлигини аңлатади. Хатти-ҳаракатлар қатъий ритмик чизиқларда бажарилади. Таиров актёрнинг овоз оҳанги ва сахнадаги ҳаракати ўз-ўзидан томошабинни ҳаяжонга сола олиши мумкинлигини таъкидлайди.

Таиров бир вақтнинг ўзида турли жанр ва услублардан фойдаланган ҳолда янги томоша шакллари кидиради. Уни қувноқ томоша – буффонадалар, шунингдек, оперетта ва антик трагедиялар қизиқтирарди. Таировнинг фикрича, режиссёр сахна санъатининг барча шакллари – сўз, куй, пантомима, ва ҳатто циркка хос хусусиятлар уйғунлашган синтетик театрни яратиши керак. Бинобарин, буларнинг бари бир-бирига қўшилиб, ягона сахна асарини пайдо қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, Таиров қуйидагича хулосага келади: “Моҳиятан бундай театр драма, балет, опера ва бошқаларга ихтисослашган актёрлар билан муроса қилолмайди, фақатгина санъатнинг кўпгина кирраларини осонлик билан ўзлаштира оладиган моҳир актёргина бундай театрда ижод қила олиши мумкин”.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, кўпгина режиссёрлар ижодида сахна санъатининг янгича кирраларини акс эттирган бадиий ёндашувлар кўзга ташлана бошлади. Ушбу тенденциянинг муҳим жиҳати шунда бўлдики, турмушнинг бевосита тасвирлаш, воқеани муфассал ҳикоя қилишдан кўра воқеликни шартли акс эттириш ва поэтик тасвирлаш устуңлик қила бошлади. Театр янги ифода воситалари устида изланиш олиб борар экан, томошабинга таъсир кўрсатишнинг янги усуллари кашф қилди. XX асрнинг 20-30 йилларида режиссёрлар тажриба қилиб кўрилган тарихий усулларни қайтадан тиклади. Янги муносабатларда авваллари бир-бирига қарама-қарши “МХАТча” ва “Мейерхольдча” бадиий тизимлар қўл кела бошлади. Бир-бирини инкор этувчи бу тизимларнинг “ижодий йиғиндиси” нафақат уларнинг ўзаро бойишига, режиссёрликда янгича ривожланишларга йўл очибгина қолмай, театр санъатига янги ва айни замонда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган имкониятларни яратиб берди.

Бу жараёни таниқли немис драматурги, режиссёри, назарийчиси ва сахна ислоҳчиси Б. Брехт ва унинг эпик театр назарияси мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Брехтнинг фикрича, эпик театр замонавийлик демақдир. Бу янги мавзулар, зиддиятлар, қаҳрамонлар, драма шакллари топишда ўзида эпик элементлар – ҳикоя, изоҳларни камраб олишдир. Брехт драматик асарни классик кўринишда актларга бўлишдан чекиниб, эпизод ва сахналарга ажратади.

Брехт янги, бошқача айтганда, “аристотелча бўлмаган” эпик драматургияни анъанавий драматургияга қарама-қарши қўяди. Брехтнинг фикрича, “аристотелча” драма “актёрни ижро этаётган ролида яшаш”га, кейин эса “томошабинни ҳам шу образда яшаш”га даъват қилади. Даставвал бу назария дунё театрида

улкан муваффақият қозонган бўлса-да, ўша пайтга келиб драма ва театрнинг ривожланишига тўсқинлик қила бошлади. Брехт юкоридаги фикрларни таҳлил қилар экан, мазкур назария на актёрнинг ва на томошабиннинг сахнада содир бўлаётган воқеаларни танқидий мушоҳада қилишига имкон бермайди, дейди. Бу актёрга персонажни бошқа томондан талқин этишга тўсқинлик қилади.

Брехт томошабин эътиборини драмадаги руҳий кечинмаларга, сахнада содир бўлаётган воқеаларга қаратади. Томошабиннинг образда яшамаслиги учун Брехт ҳаққонийлик иллюзияси ҳамда сахна иллюзиясини бузишга қарор қилади. У спектаклни ҳиссий қабул қилишдан кўра тафаккур билан идрок этилишига асосий диққатни қаратади, лекин ҳис-туйғуни асардан буткул олиб ташламайди. Шу тариқа томошабин ҳис-туйғулар қуршовида қолмайди, балки сахнада содир бўлаётган воқеликка совуққонлик билан баҳо бериш, тафаккур юритиш имкониятига эга бўлади. Брехтнинг фикрича, фақат шундагина театр ўзининг маърифий-тарбиявий вазифасини бажарган бўлади ва бир вақтнинг ўзида театр санъатининг кўнгилочарлик вазифасини ҳам сақлаб қолади. Брехт театр ҳақидаги “Кичик органон” асарида томошабин асарни фаол қабул қила олгандагина унга таъсир кўрсатиши мумкинлигини таъкидлайди.

Брехтнинг фикрига кўра, қабул қилиш санъати санъатнинг икки элементи – қабул қилинаётган нарсани кузатиш ва танқидий муносабатда бўлишдан иборат. Ўзида кузатиш санъатини тарбия қила олмаган томошабин рассом асарини етарлича тушуна олмайди, спектакль, сураг ёки мусиқий асарнинг моҳиятига кириб боролмайди. Бундан келиб чиқадики, томошабин – бу билимлар орқали ўз ҳаётини яхшилашга ҳаракат қилаётган одамдир. Шунинг учун Брехт театр тарбиявий ва кўнгилочарлик вазифасини бажаради, деб ҳисоблайди. У “туйғулар бизни онгимизни кучли зўриктиришга мажбурлайди, ақл эса туйғуларимизга суянади”, – деб ёзади.

Эпик театр назарияси универсал характерга эга бўлиб, театр санъатининг барча жабҳаларини қамраб олди. Жумладан, драматург билан ишлаш, режиссёр, актёр, рассом ва бастакор ишларига таъсир кўрсатади. Брехт театрни икки тоифага ажратади. Бири драматик, иккинчиси эпик театр. Драматик театр томошабини ўзига буйсундиришга ҳаракат қилади ва қўрқув, ҳамдардлик орқали руҳан поклаш (катарсис)га интилади. Эпик театр эса инсон тафаккурига қаратилиб, унга муайян вазиятларда қандай йўл тутиш ҳақида ҳикоя қилиши керак. Актёр муайян вазиятларда инсон феъл-атворини кўрсатиши лозим, лекин унинг айнан ўзи бўлиб қолиши керак эмас. Шунинг учун Брехт эстетикасининг асосий нуктаси “ўзини четда тутиш эффекти” ҳисобланади. У Брехт томонидан илк бор 1934 йилда қўлланилиб, кейинчалик унинг барча асарларида асосий тамойилга айланди.

Ўзини четда тутиш эффекти – бу Брехтнинг кашфиёти. Унинг моҳияти томошабинга яхши таниш умумий воқеликни ғалати, тушунарсиз ва жалб қиладиган шаклда тақдим қилиб, ўйлантиришдан иборат. Брехт томонидан 1949 йилда ташкил қилинган “Берлиенер ансамбль” театри спектакллари худди шу эффект натижасида кўпчилик томошабинларни лол қолдиради. Бу эффект турли воситалар: актёрлик маҳоратининг алоҳида тизими, аниқ режалаштириш усули, безак, мусикалардан иборат.

Брехт театрининг моҳияти немис халқ майдон театридир. Унда фабуланинг аниқ ифодаси, драматургиянинг етакчи жанри бўлган ривоят беғараз кўполлик, аччиқ кулги, типиклаштириш принциплари орқали намоёиш этилади. Айни вақтда актёрлик маҳорати борасида Брехт италянча дель арте комедиялари ҳамда хитойча никоблар театри тамойилларига мурожаат қилади. Брехт театрининг актёри – бу эксцентрик бўлиб, унинг ижроси ўткир кулги ва мантиқсиз ҳаракатларга қурилади.

XX аср буюк режиссёрларининг тажриба ва амалиёти, улар томонидан мерос қолдирилган сахналаштириш санъати ўзбек театри тарихи ҳамда за-

монавий ўзбек режиссёрлигида ўз аксини топмоқда. Янги давр ислохотчилари театр ва унинг имкониятлари ҳақидаги тушунчаларни бутунлай ўзгартириб юборишди. Бошқача айтганда, драматург ва актёр янги куч – режиссёрликка йўл беришга мажбур бўлди.

Ўзбек профессионал режиссёрлигининг ривожланиши XX аср бошларида юз берган кўплаб ижтимоий-сиёсий омиллар билан боғлиқ мураккаб ва қарама-қарши жараёнлардан иборатдир.

Яхшигина ривож топган мусиқа ва рақс санъати, кўғирчоқ театри, масхарабозлик ва қизиқчилик театри, халқ комик актёрлари, бахшилар – буларнинг барчаси профессионал сахна ижрочилигининг пайдо бўлишига катта ҳисса қўшди. Ижро, импровизация, ёрқин тасвирий пластика бундай ҳаваскорлик театр томошаларида муҳим ўрин тутарди. Чунки декорация йўқ, актёрлар шартли ашёлар билан ижро этарди, масхарабозликдан, турли эпчил ҳаракатлардан фойдаланишарди. Турмуш, меҳнат билан боғлиқ бўлган халқ ижрочилиги санъати қайсидир даражада профессионал театр ўрнини босиш билан бирга унинг ўзига хослигини ҳам белгилаб берди. Халқ ижрочилиги билан алоқа кейинги ривожланишларга ҳам таъсир кўрсатди.

Театр эстетикаси ривожланишидаги биринчи босқич халқ маданий меросидаги анъаналарни ва Европа театри амалиётини ўзлаштиришдан иборат бўлди. Бу жараён анчайин қийин ва зиддиятларга бой кечди. Негаки “ўзбек театри қандай бўлиши керак?”, деган саволга жавоб топиш лозим эди: анъанавий театрни давом эттириш керакми ёки Европа театр маданияти тажрибаларини ўзлаштириш? Мамлакат ҳаётида туб ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар юз бериши натижасида Европа театри ўзбек халқи маданиятига сингиб кетди. Бу “ташвиқот театри” деб номланган театрлар, ҳаваскорлик драма тўғараклари, профессионал актёрлик труппалари, янги театр жамоалари, махсус сахна ва томоша залига эга театрларнинг бунёд этилишида намоён бўлди.

20-йиллар ўрталарида ўзбек театр ижодкорларига режиссёрлик асослари ҳам, унинг хизмат вазифалари ҳам яхши таниш эди. Бинобарин, Москвада ўқиган чоғлари улар театр, сахна санъати, театр режиссёрлиги ҳақида мунозаралар, К. Станиславский, В. Мейерхольд, Е. Вахтангов, А. Таиров томонидан айтилган фикрларни эшитмаган бўлишлари мумкин эмасди.

“Сахна тилини яратиш” масаласи 20-йиллар охири 30-йиллар бошида ўзбек театри тажрибасида энг мураккаб вазифалардан бири сифатида кўтарилди. Негаки, шу пайтга қадар бу борада ҳеч қандай тажриба тўпланмаганди. Миллий услубни яратиш масаласи Маннон Уйғурни ўзига жалб қилди. У миллий театр тажрибалари билан Европа театри ютуқларини уйғунлаштиришни таклиф этди ва бу нуқтаи назарни В.Яннинг “Хужум” пьесаси устида ишлаш асносида амалиётга татбиқ этди. Ушбу спектаклда мейерхольдча тамойиллар билан бирга анъанавий ўзбек майдон театри услубларини кўриш мумкин. Мусиқий қизиқчилик шаклида талқин этилган бу спектаклда паранжига қарши кураш, Ўзбекистон аёлларини озодликка олиб чиқиш каби долзарб мавзу кўтарилди. Халқ ижодига мурожаат этган режиссёр таъсирчан ифода шаклларини топади. Натижада, ёрқин ва томошабоп спектакль юзага келади. Режиссёр спектаклнинг яхлитлигига, умумий сахна кўринишларига эътибор қаратиб, сахна ритмикасидан кенг фойдаланади. Оммавий сахналарни уюштиришда ритмик-пластик ва мусиқий сўзли полифониядан фойдаланиши натижасида эски дунёга қарши курашаётган ёшларнинг хужумкор кайфиятини акс эттирувчи умумий тимсол намоён бўлади.

Ўша даврларда рус театрининг муҳити ўзбек театрларига таъсир кўрсатмай қолмади. Бирок 30-йилларнинг бошларида Станиславский системаси назарий жиҳатдан ҳали яқунланмаган эди. Унинг асоси спектакль ва роль ижро этишдаги янги топилмалар бўсағасида эди. Шу сабабли у физик ҳаракатлар номини олади. Унинг методи кейинроқ юзага чиқди. Станиславский назариясидаги

актёрнинг ўз устида ишлаши, режиссёрнинг спектакль устида ишлаши бора-сидаги қарашлари театр амалиётига, жумладан, ўзбек театрлари тажрибасига ҳам татбиқ этилди. Бироқ, бу қарашлар ўзбек театр санъатига биров кейинроқ кириб келди. Унга қадар эса Мейерхольдга хос қарашлар театрларимизда кенг тарқалган эди. Мейерхольд театри 1932 йилда Тошкентга ва Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларига уч ой давомида гастроль сафарлари уюштиради. Уларнинг тажрибалари, актёрлар ижро маҳорати билан ўзбек режиссёрлари ва актёрлари фаолиятига таъсир кўрсатади. Ўзбек театри ривожига тўғрисидаги ўткир мунозаралар турли ижтимоий-сиёсий сабабларга кўра тўхтатилган эди. Бу 1934-1955 йилларни ўз ичига олди. Фақатгина етмишинчи йилларнинг охирига келиб миллий театр йўналишлари, жумладан, масхарабозлик, қизиқчилик, оммавий томошаларга қизиқиш уйғонди. Масалан, Саид Аҳмаднинг “Келинлар кўзғолони”, А.Ибрагимовнинг “Зўлдири”, Ҳамзанинг “Майсаранинг иши” спектакллари шулар жумласидан.

80-йилларга келиб ўзбек театрларида замонавий изланишлар ва бой анъаналарнинг ўзаро уйғунлашув жараёнлари яққол кўзга ташлана бошлади. Саҳна тилининг келиб чиқиши, сўз бойлиги, ифода воситалари мукамаллашиб борди. Мазкур йиллардаги ижодий жараёнлар спектаклларда миллий анъаналар билан Европа театрлари тажрибалари уйғунлашиб, саҳна санъати янада тақомиллашиб борганидан гувоҳлик беради.

80-йилларнинг ўрталарига келиб, ўзбек театри режиссёрлиги барча саҳна имкониятларидан тўла фойдаланиб бўлди. Режиссёр Баҳодир Йўлдошев ҳар бир спектаклини маслакдоши, атоқли театр рассоми Георгий Брим билан ижодий ҳамфикрликда яратди, томошабоплик ва ифодавийлик орқали ўз сўзини айта билди. Саҳна ўзбек театрининг бу икки буюк санъаткорининг ноёб фантазиялари, иқтидори руёбга чиқишига ҳатто торлик қила бошлади. Улар саҳнадагина ишлашга қаноатланмай, томошабин ва ижрочи ўртасидаги “тўртинчи девор”ни гўёки олиб ташлаб, саҳнадаги воқеани томоша залига ёки томошабинни саҳнага олиб чиқишга интидилар. Борис Васильев асари асосида саҳналаштирилган “Руйхатларда йўқ эди” спектаклида актёр ҳам, томошабинлар ҳам саҳнага жойлашишади, томоша зали эса уруш даври ҳаётининг бўшлиқдан иборат бир тимсоли вазифасини ўтайди. Ҳамзанинг машҳур пьесаси асосида яратилган яна бир спектакль “Майсаранинг иши” томошабин учун қутилмаган, театр санъатимиз ривожига учун улкан ҳодиса бўлиб, мантқиқ ва томоша санъати қонуниятларига асосланганди. Айни “қайта қуриш” даврида театр ўз назарини келажакка эмас, ўтмишга, унутилаётган майдон томошалари шаклига қаратади. Бу албатта, аввалги майдон томошаларининг айнан ўзи эмасди. Бироқ спектаклда пьесадаги томошабоплик, анъаналар, майдон томошалари қайта жонланди, ижодий янгиликлар қилишга имкон берувчи ҳаётбахш жиҳатлар кидириб топилди.

Б.Йўлдошев ва Г.Брим театр деворларидан очик майдонга – халқ орасига талпинди. Профессional театр актёрлари сайёр масхарабозлар труппаси сингари омма ичида ўз санъатларини намойиш этдилар. Улар безатилган араваларни судраб чиқдилар, кўғирчоқлар, кўрикчилар, қатта ниқоблар, ранг-баранг матолар билан томоша кўрсатдилар. Бу матолардан актёрлар ўзларига либослар тўкиди, аркон тортишиб, дорбозлик ўйинларини ижро этдилар. Шунинг таъкидлаш лозимки, замонавийликка уйғун лоф ва бадиҳагўйликка асосланган бу томоша ўйинларида азалий анъаналаримиз қайтадан ўзини намоеён қилди. Майдон томоша шаклларида интилиш ўзбек театри амалиётида 90-йилларда айниқса, кенг тус олди. Ёшлар театри бадиий раҳбари Наби Абдурахмонов театр майдони олдидан махсус амфитеатр қурди ва очик майдонда спектакль кўйди. Театрнинг олд қисми, худди антик театр саҳнаси шаклида бўлиб, кўп поғонали зинапойларда спектакль намойиш қилинади.

Алишер Навоийнинг “Қуш тили” (Лисон ут-тайр) асари асосида яратилган

“Илоҳий ишқ қиссаси”, “Библия”даги машҳур сюжетнинг замонавий талқини “Содом и Гоморра” спектакларида режиссёр Наби Абдурахмонов сўзни ракс, пантомима, нафис ҳаракатларга алмаштиради.

Режиссёр актёрларнинг эркин ҳаракатланиши учун имконият яратиб берди. Театр сахнаси спектакль намойиш қилиш учун ягона макон бўлиб қолмай, бу борада тасаввурлар анча кенгайди. Эндиликда шаҳар майдонлари ҳам бу тушунчани англата бошлади.

Шундай қилиб, XX аср сўнггида ўзбек театри очиқ майдонларга чиқиб кетди, аввалги моҳияти ва бадий вазифасига қайтиб, одамлар қалбига завқ бағишлади, уларни маърифатга чорлади.

Жаҳон театр санъатида бугун қандай тенденциялар етакчилик қилмоқда?

Режиссёрларнинг пантомима театри, сўз, ракс, кўғирчоқ, никоблар театри, шунингдек, Но, Кабуки каби Шарқ театрлари, комедия дель артенинг усул ва воситаларидан фойдаланиб яратаётган асарларида услубий ва жанрий ранг-баранглик кўзга ташланади. Европача дель арте театри билан шарқона ижро усулларининг ўзаро туташувини, томошабоплик, бадиҳагўйлик ва тасаввурга кенг йўл берилганлигини кузатиш мумкин.

Актёрлар учун сахна имкониятларига катта эътибор берилди. Режиссёр Судзуки ўз методини актёрлар билан бирга ишлаб чиқади. Унинг методи тана ифодавийлигининг турлича кўринишларини ишлаб чиқишга асосланган. Судзуки маҳсус тузиб чиқилган машқлардан фойдаланиб, “кўримсиз гавда” деб аталувчи предметни тўла англаб етади. У актёрларни механик ҳаракатланишга мажбур қилади, уларни жонли пластикага, ўз таналарини моҳирона бошқаришга ўргатди. Судзуки япон театрининг миллий манбаларига таянди, лекин қадимий шаклларни айнан такрорламай, асосан, қадим анъаналарнинг дастлабки таъсир этиш усулларини қайта тиклашга интилди. Судзукининг фикрича, “идрок этиш ва ифодалашнинг янгича йўллари топиш лозим, негаки асл маданиятни тамаддун қаърида фақат шундай асраш мумкин”.

Судзуки эътиборини асосан шарқона, яъни сўзсиз ҳаракатга асосланган театр шаклларига йўналтиради. У маросимлардан драматик асос қурилишларини олади. Бунда томошабин қайта гавдаланаётган маросимларнинг иштирокчисига айланади.

Судзуки “Клитемнестр”ни сахналаштиришга киришади. Драма асосини баъзан Эсхил, Софокл, Еврипид трагедиялари диалогларидан фойдаланган ҳолда режиссёрнинг ўзи яратади. Бугунги ҳаёт билан боғлаган ҳолда асарни яратишга ҳаракат қилади. Судзуки антик давр трагедия қаҳрамонлари тимсолида ҳамиша қалбида туғён билан яшовчи замонавий инсонни кўрсатади.

Бундай ёндашувни режиссёр Авлиёкули Хўжақулиевнинг 2007 йил Дехлида ўтказилган театр фестивалида муваффақиятли иштирок этган, Японияда ижодий сафарда бўлган “Медея” спектаклида ҳам кузатиш мумкин. Режиссёр томошабинни титратувчи сахна асари яратишни ўз олдига мақсад қилади, томошабинни бош қаҳрамон Медеянинг руҳий изтиробларига шерик қилишга, фожа билан ҳаяжонга солишга интилади. Спектаклда актёрларнинг жўшқин ва ҳаяжонга бой ижролари, мазмунли ва ажойиб мизансаҳналар, ритмика, шовқин ва муслиқий фон билан уйғунлик касб этади.

Замонавий театр ҳаққонийликни акс эттириш методлари ва янгича шакллари топмоқда. Электрон акустик қурилмалар, рақамли ёритиш ускуналари, компьютер графикаси, видеоэкран воситаларидан фойдаланиш кенг тус олган, сахна ва либослар дизайни ўзгариб бормоқда. Бу барча ифода воситалари сахнада актёр ва режиссёрнинг томошабинга таъсир кўрсата олиш имкониятини яна ҳам кенгайтганидан дарак беради.

Бундай замонавий технологияларни “Илҳом” театри спектакллари, хусусан, Марк Вайль ва рассом Бобур Исмоиловнинг Александр Николаев (Уста Мўмин) санъати ҳақидаги “Анор билан зикр тушиш” (“Радение с гранатом”)



спектаклида кўриш мумкин. Режиссёр мазкур спектакль ҳақида унинг дастур буклетига шундай ёзади: “бизнинг шакл, пластика, ранг, образлар борасидаги изланишларимизга аввало гўзаллик, сирлилиқ, эркинлик, теранлик, оддийлик ва маҳорат уйғунлашган Александр Николаев (Уста Мўмин) ижоди илҳом бағишлади”.

Саҳна санъатининг охириги ўн йиллигида спектаклга мусика, сценография ва пластика уйғунлигида ечим топиш етакчилиқ қилди. Пластик ифодага алоҳида аҳамият берилиши пластик шаклдаги спектаклларни пайдо қилди. Бунда пластик ифодалар пьесалар моҳиятидан келиб чиқиб шакллана борди. Театр ва томошабин саҳнада пластика тилида сўзлаша бошлади. Республика ёш томошабинлар театрида режиссёр Олимжон Салимов саҳналаштирган “Боз масҳарабоз” спектакли бунинг ёрқин мисолидир. Бугунги кун режиссёрлиги амалиёти негизини “пластик ечим”, “пластик тасвир”, “пластик образ”, “пластик услуб”, “пластик тасаввур”, “пластик макон”, “нур пластикаси”, “либос пластикаси”, “пластик партитура” каби қатор тушунчалар ташкил этади. Юртимиз театр амалиётига назар солсак, унда профессионал пантомиманинг ривожланиш жараёни бироз мураккаб кечади. Бунга сабаб мим-актёрлар тарбияловчи мураббийларнинг камлигидир. Ваҳоланки, пантомима режиссёрлари учун иш жараёнида “кўлаб шахслар” иштирок этиши зарур. Пластика театри режиссёри драматик театр режиссёрларига қараганда кўпроқ педагогик салоҳиятга эга бўлади ва педагогик фаолият билан шуғулланади, мим-актёрлар етиштиришда уларнинг нафақат актёрлик маҳоратини, балки соф пластик кўникмаларини ҳам ривожлантиришга интилади. Бир вақтда режиссёр пластик воситаларни спектаклда қўлаб, унинг матнига ҳам муаллифлик қилади. Бундай драматургик йўналишни “пластик драма” ёки “драматик пантомима” деб аташ мумкин.

Умуман олганда, замонавий ўзбек театрлари режиссёрлигида ранг-баранг, янгича бадиий ифода воситаларини қидиришга интилиш мавжуд. Томошабини дол қолдирувчи саҳна эффектлари, янги ижро воситаларидан фойдаланиш кенг тус олиб бормоқда. Бугунги кун ўзбек театри амалий тажрибаси ва режиссёрлиги умумий тарзда қуйидаги омиллар билан характерланади:

– Европача типдаги ўзбек театрлари муҳитига халқ театри анъаналари, масҳарабоз ва қизиқчилиқ анъаналарининг қўшилиши;

– Шарқ классик адабиёти, суфиёна фалсафий ижодни анъанавий услублар орқали англаш;

– Ўтган асрнинг 30-50-йилларида юзага келган театр анъаналарига эргашиш;

– Замонавий ғарб театрининг мураккаб саҳна тилини, воситаларини ўзлаштириш.

Икки аср оралигида ўзбек театр санъатида содир бўлган ўзгаришларни тушуниш учун анъаналарга таяниш муҳим ўрин тутди. XX аср бошларида пайдо бўлган янги бадиий оқим – модернизм анъаналарни инкор этиши маълум. Бу кайфият 70-йилларда санъат тарихининг яна бир ҳалқаси – постмодернизм юзага келиб, анъаналар ҳимоя қилингунига қадар давом этди. Санъатшунослар постмодернизмни маънавиятга алоқадор, ҳаққониятни акс эттирувчи, замонавий санъатнинг энг асосий йўналиши деб баҳолади. Санъатнинг мақсади ва вазифаси нимадан иборат эканлигини, анъана борасидаги тушунчаларни ва унга бўлган муносабатларни чуқур англаб етдилар.

*Муҳаббат ТўЛАХЎЖАЕВА,  
санъатшунослиқ фанлари доктори,  
профессор*



## АДАБИЁТ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Мана XXI асрнинг дастлабки ўн беш йиллигини ҳам деярли яшаб қўйяпмиз. Шу ўн беш йиллик давр техник тараққиёт, янгиланишлар, янги-янги ихтиролар, инсон тасаввури ва тафаккурини хайратга солувчи чексиз кашфиётларга бой бўлди. Мавзуга кенгрок ёндашиб, бу масалага охириги эллик йиллик тараққиёт мисолида ёндашадиган бўлсак, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, сўнгги ярим аср давомида технология, физиология, астрономия, тиббиёт, микробиология ва бошқа соҳаларда эришилган ютуқлар миқёси кейинги ўн асрда эришилган ютуқлар миқёси билан тенг бўлди, дейиш мумкин.

Ислохотлар ҳамиша инсон, уни руҳий-маънавий, ахлоқий жиҳатдан юксалтириш, киши ҳаётини яхшилаш учун амалга оширилади. Аммо бу янгиланиш, тараққиёт ва техник инқилобларнинг инсон онгига таъсири ҳар доим ҳам ижобий деб айта оламизми? Моддий ҳаёти фаровонлашган, яшаш учун ҳамма қулай имкониятлардан бемалол фойдаланаётган, олдинги даврда уч-тўрт киши томонидан бажарилган юмушни бугун бир ўзи эмин-эркин уддалаётган инсоннинг ҳаётга бўлган кечаги муносабати билан бугунги муносабати орасидаги фарқ хавотирли эмасми?

Эътибор бериб қаралса, ҳамма даврларда, ҳамма замондаги муайян авлоднинг ўз сеvimли ёзувчилари, сеvimли қаҳрамонлари ва идеаллари бўлган. Жалололдин Румий, Алишер Навоий, Шекспир, Данте, Пушкин, Толстой, Бальзак, Достоевский, Абдулла Қодирий, Камю ёки кўплаб ёзувчилар яратган адабий қаҳрамонлар ўз даври маънавий-руҳий ҳолатининг ифодаси, ўз замонининг кўзгуси ҳисобланган. Хўш, бугунги авлод ўзини қайси кўзгуда кўрмоқда? Ёки идеаллар ўзгардимиз? Ёки идеалнинг ўзи йўқми? Биз ҳозирда инсон, унинг ҳаётга, қадриятларга, борлиққа нисбатан муносабати ўзгармоқда, деймиз. Мана шу ўзгаришлар адабиётда қай даражада акс этмоқда?

Маълумки, фан қонунияти бўйича, ҳеч нарса ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетмайди, у қайсидир шаклда бошқа босқичда, бошқа шаклда яшашни давом эттиради. Хўш, кеча юзлаб бадий мумтоз асарларни ютоқиб, қайта-қайта ўқиган авлод фарзандлари бугун нима учун ушбу китобларни шунчаки варақлаб қўйиш, қисқача мазмунини билиш, агар “ғайрат” қилса асар сюжети асосида суратга олинган фильмни томоша қилиш билан чекланиб қоляпти? Нима учун бугунги авлод неча асрларнинг маънавий-руҳий ўзгаришлари, сабоқлари ва тадрижий тараққиётини ўзида акс эттирган китобларни ҳазм қилишга қийналяпти? Ёки тана ҳаракати сустлашгани, инсон энгиши керак бўлган машаққатлар озайгани сайин авлодлар қалби ва руҳи ҳам заифлашиб боряптими? Бу масаланинг биринчи томони бўлса, унинг иккинчи томони замонамиз ижодкорларига бориб тақалади. Бугуннинг ёзувчиси ўз авлоди дунёқараши, унинг руҳий ўзгаришлари, қалбида кечаётган оғриқларни қай даражада илғамоқда? Ҳали интернет пайдо бўлмаган даврларни қўя турилик-да, замонавий босма корхоналари, телефон, факс расм бўлмаган даврларда ҳам дунёнинг турли ёзувчилари

бир-бирлари билан фаол алоқада бўлганлар. Улар бир-бирларининг холи руҳиятидан, ёзаётган асари-ю шахсий ҳаётидаги қувонч-фожиаларидан боҳабар бўлганларини эслайлик. Шу сабабли улар бир-бирлари билан баҳсу-мунозара қилганлар, қайсидир маънода бир-бирларига кўзгу бўлганлар, натижада, бутун инсониятнинг қалбига дахлдор асарлар юзага келган. Бугун бу жараён қандай кечмоқда? Улар ҳозирда бир-бирларини танийдиларми? Бугунги ҳаётдаги ўзгаришларни ўзида тўлиқ акс эттирган, ўз замони изтиробу қувончлари, муаммоларию фожиалари, орзу-идеаллари бадий ифодаланган ва бутун жаҳон миқёсида баҳсу мунозараларга сабаб бўладиган асарлар дунё адабиётида нимага яратилмаяпти? Ёки бугунги руҳий пўртаналарни, тобора авж олаётган мафкуравий бўҳронлар, ахлоқий бузилишлар моҳиятини акс эттиришга ҳар қандай ёзувчининг қудрати ожизлик қилаяптими? Ёки ҳаммани бирдек ўзига тортадиган, миллий миқёсдан умуммиллий миқёсга кўтариладиган асарлар яратиш даври ўтди? Адабиёт, адабий асар маълум бир тоифанинг ёки адабий қатламнинг ўз хоҳиш-интилишларини акс эттириш билан чекланиши керакми? Шу маънода, бугунги ижодкор қандай бўлиши керак? Ижоднинг қандай услуб, воситалари, шакллари билан ўқувчилар қалбига қайтиш мумкин? Дунё адабиётида шу пайтгача яратилган образлар инсон ҳақида тўлиқ тасаввур бера оладими? Бугун яшаш тарзи, қарашлари, руҳияти ўзгарган авлод учун қандай адабий қаҳрамон идеал вазифасини бажаради? Ўзи инсон идеал бўла оладими? Замонамиз ёзувчиси ҳаётни қандай идрок қилапти, уларнинг ижоди бошқа соҳаларда эришилаётган улкан кашфиётлар соясида қолиб кетмаяптими? Бугунги авлод Бил Гейтс, Карлос Слим, Амансио Ортега, Рассел Кроу, Мел Гибсон, Бред Питт, Криштиано Роналдино, Леонел Месси, Андреас Иньеста каби машҳур юлдузларнинг номини эшитганданок ҳаяжонга тушса, Харуки Мураками, Мо Янь, Элис Мунроларнинг номини эшитиб елка қисади. Ўтган асрларда яратилган ёстикдай-ёстикдай асарлар, трилогия, тетралогия ва эпопеялар ҳозирда китоб жавонларида қандай вазифаларни бажармоқда? Ёки уларнинг бугунги ўқувчи хоҳишига мослашган микромакетини тайёрлаш керакми?

Бугун дунё адабиётини кузатар экансиз, уларда ҳақиқат ва муҳаббат иштиёқида юраги ёниб турган Бальзак қаҳрамонлари ёки княз Мишкиндек, Печорину Расколниковдай, Отабегу Йўлчидай қаҳрамонларни топишимиз амри маҳолдек. Балки ёзувчилар машаққатли меҳнатлари эвазига ҳали ҳам тузук-курук мояна ололмасликлари ва ўз туйғуларини дунё бозорларида арзон-гаров сотишни хоҳламаётганлари бунга сабаб бўлмоқдами? Ёки дунёда айтилмаган гап, ўйлаб топилмаган сюжет қолмади? Энди одамзодни ҳайратга солиш мумкин бўлмай қолди?

Дунёдаги китоб дўконларида энг тез сотилаётган китобларда эса, асосан машҳурлар ҳаётига бағишланган биографик очерклар, маиший руҳдаги беллетристик машмашалар ёки қандай қилиб тезроқ бой ва раҳбар бўлиш йўлини ўргатувчи психологларнинг иддаolari акс этган. Улар инсон қалбига нима беради? Унинг туйғуларига қандай таъсир кўрсатади?

“Бизнинг эркинликдаги ҳаётга у қадар тайёр эмаслигимиз билиниб қолди”, дейди бу ҳақда фикр юритар экан замонавий рус адабиётининг етакчи адибларидан В.Ерофеев.

Биз жаҳон адабиётида кечаётган ҳозирги жараёнлар, баҳслар, мунозаралар, муаммо-ю эътирофлар ҳақида баҳоликудрат фикр юритиш мақсадида мазкур йилдан бошлаб янги “Жараён” номли рукн очишни режаладик. Бу рукнда адабиёт, адабий танқид, ижодкор, ижод лабораторияси, замон

кахрамонлари, бадий идеал масаласи, янги пайдо бўлаётган адабий оқим ва услублар ҳақида мақолалар, давра суҳбатлари, баҳсу мунозаралар, долзарб интервьюлар бериб борилади.

Рус танқидчиси Владимир Полупанов билан рус ёзувчиси Виктор Ерофеевнинг “Инсон идеал эмас!” сарлавҳали суҳбатидаги айрим қарашлар янги рукнимизнинг дебوحаси ўлароқ хизмат қилади.

Жараён бу айна чоғдаги минбар демакдир. Жараён билан бирга юриш, атрофимизда рўй бераётган ҳар қандай эътиборли адабий воқеликка фаол муносабат билдириш – бугунги мураккаб ва шиддаткор замонда ҳар бир ижодкор учун виждоний бурч, касбий зарурат. Чунки адабиёт яшаши ва ривожланиши учун муқобил адабий муҳитни пайдо этадиган омил шудир. Шу маънода биз сизни жараён минбарига, баҳсу мунозарага чорлаймиз, айна масалалар бўйича фикр ва мулоҳазаларингизни кутамиз.

Айна чоғда сиз билдирган ҳар қандай фикр биз учун қимматли ўлароқ ҳаёт, адабиёт, ўқувчининг олдида турган муаммоларга бир ечим, изланиш, йўл бўлиши мумкинлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

## ИНСОН ИДЕАЛ ЭМАС

*Ўзимизни ўтга-чўққа урамиз*

– Нима учун рус мумтоз адибларининг китобларида муҳаббатнинг қисмати фоже бўлган? Бадбахт муҳаббатнинг жозибаси нимада?

– Фақат рус мумтоз адабиётида шундай эмас. Қадимги Юнонистон адабиётида фожа бўлмаган китобнинг ўзи йўқ. Мумтоз адабиётда ҳам нукул азоб-уқубатлар ҳақида ёзилади. Муҳаббат ҳақидаги энг яхши китоб – Флобернинг “Бовари хоним” романи ҳам бошдан-оёқ изтиробу аламга тўла. Рус адабиётининг булар барчасидан бир туки ўзгача эмас. Денгиздаги оддий бўрондан кўра ақл фожиаси ва ташвиши анча манзарадорроқ. Бу ерда ҳайрон қоладиган нарсанинг ўзи йўқ. Мумтоз адабиётимизнинг каттагина қисми ниқоб кийган десак, бу бошқа гап. Муҳаббат мавзуси унинг қон-қонига сингиб кетган, аммо унинг замирида ижтимоий зулм мавзуси яшириниб ётибди.

“Анна Каренина” – бу жамият фожиаси, у эскиликка муккадан кетган, қаҳрли ва бош қаҳрамонни тушунмайди. Айна дамда бу аёлларимизнинг йўлдан озгани намойишидир. Рус адабиёти деярли бутунлай инқилобий. Унда воқелик билан заррача мураса қилмаслик мана мен деб туради. Адабиёт ана шу исённи яратади, аммо уни ишқий изтироблар билан ниқоблайди. Чунки, томдан тараша тушгандай қилиб айтолмайсан. Тургеневда дохиёна сўзлар бор, фақат уларни, “Оталар ва болалар” романининг қораламасида ёзиб қолдирган. У ерда Базаров бундай дейди: “Инсон яхши, вазиятлар ёмон”. Фикримиздаги мана шу касалликдан ҳали-ҳанузгача қутулолганимиз йўқ. Инсон яхши, вазиятларни эса тўғрилаб борамиз, ўзгартирамиз. Чоризмни социализм билан алмаштирамиз. Ленинча услубларни сталинчага, сталинчани демократик услубларга алмаштирамиз ва ҳ.к. Инсон, рус адабиётида кўкларга кўтарилганидек, у қадар идеал эмаслигини тан олиш ўрнига нукул ўзимизни гоҳ ўтга, гоҳ чўққа урганмиз-урган. Инсонни бу тариқа илоҳийлаштириш бизда қайта қуриш давригача давом этди. 90-йилларга келиб бирданига фаришталар ўрнига барча туйнуқлардан ўғри-қароқчилар ва фоҳишалар чиқиб келганда, пи-

ровардида рус адабиёти бизга қаттиқ панд берганини англаш бошланди. Француз адабиёти шу маънода анча ҳаққоний, у инсонни бундай кўкка кўтармайди. Бовари хоним фоже аҳволга тушиб қолади. Бунда эса француз жамияти ҳам, эркаклар ҳам айбдор эмас, балки унинг ўзи айбдор. Бундай адабиёт ўзингга қарашга ва сен мукамал эмаслигингни тушунишга ўргатади. Шу боис вазиятга маҳкам ёпишиб олмасдан, ёмонлик ва яхшилик ўртасидаги мувозанатни топ. Бизнинг адабиётимизнинг топган гапи эса битта: жуда зўр боласан-да, йигитча, фақат бориб шоҳни ўлдирсанг бўлди, ҳамма ишинг ўнгланиб кетади.

### *Олтин ёмғир*

– Муҳаббат – бу барибир илоҳий туйғуми?

– Назаримда, инсон назорат қила олмайдиган уч нарсага Тангри масъул. Бу мантиқий ва оқилона ҳаракатга эга бўлмаган муҳаббат. Уни кутиш мумкин, лекин у келмайди. Кутмаган пайтингда эса лоп этиб пайдо бўлиб қолади. Иккинчиси – бу ижод бўлиб, унда ҳам шундай сир бор. Бугун сен Пушкинсан, эртага эса ҳеч кимсан. Ёзасан, ёзасан, кейин таққа тўхтайсан. Нима учун шундай бўлди деб ҳеч ким сўрамайди. Учинчиси, минг ғалати туюлмасин, бу – пул. Гўё барча ҳисоб-китоблар тўппа-тўғри, сен бойсан, бироқ туйқус биржада ғалати ағдар-тўнтар рўй беради-да, сен иккала қўлингни бурнингга тикиб қолаверасан. Ёки бирданига йўқ жойда айрим бизнесменларимиз мўмай-мўмай пуллар ишлаб оладилар (улар қандайдир бизнесни ўйлаб топганлари учун эмас, шунчаки қулай тўғри жойга тушиб қолишганидан). Бизда бизнесни ўзлари ўйлаб топган бизнесменлар жуда оз. Қулай тўғри жойга тушиб қолиб, устиларидан олтин ёмғири ёққанлари жуда ҳам кўп. Қолган ҳаммаси – ҳокимият, лавозимлар – инсонга қарашли. Ўзинг билан ўзингнинг муросанг келишмаганда ҳам буларга эришсанг бўлади.

*АиФ № 48 2013. 11 бет*

*Алимурад ТОЖИЕВ тайёрлади*



## АВСТРАЛИЯ ИТТИФОҚИ

**Конституцияси** 1901 йилда қабул қилинган.

**Миллий байрами:** 26 январь (Австралия куни)

**Расмий тили:** инглиз тили (амалда).

**Пойтахти:** Канберра

**Майдони:** 7,682 млн. км<sup>2</sup>

**Аҳолиси:** 19 миллиондан ортиқ.



## БИР ҚИТЪАНИ ЭГАЛЛАГАН МАМЛАКАТ

### Адабиёт

Австралия адабиёти ҳақида гап кетганда, уни асосан инглиз адабиётига нисбат бериш, шунингдек, синтез адабиёт дейиш мумкин. Негаки, XVIII асрларгача маҳаллий аборигенларнинг оғзаки адабиёти мавжуд бўлган бўлса, қитъага инглизлар келиши билан инглиз адабиёти ривожланди. Маълум даврлар давомида қитъага бошқа халқлар вакилларининг келиб ўрнашуви туфайли Австралия адабиёти синтез характериغا эга бўлди. Шунга қарамай, қитъа адабиёти асосини инглиз адабиёти ташкил этиб қолди.

Австралия адабиётининг 200 йилдан ортиқ тараққиёт тарихини қуйидаги уч даврга бўлиш мумкин:

- колониал ёки инглиз-австралия даври ( 1788-1880);
- миллий давр (1880-1920);
- замонавий давр (1920 йиллардан ҳозирги кунгача).

Сиднейда 1788 йили сургун қилинганлар колонияларга асос солган, кема зобитлари бўлган Исон Уайт (1756-1832), Уоткин Тенч (1758-1833) ва Дэвид Коллинзларнинг (1756-1810) мемуарлари ва йўл қайдномалари Австралиянинг дастлабки адабий ёдгорликлари ҳисобланади. Австралия қитъасидаги дастлабки поэтик асарлар баллада жанрида ёзилди. Улар ўша даврлардаги инглиз ва ирланд балладаси анъаналари руҳида эди. Қочоқ-сургунлар ва бўш-рейнжерларнинг (қароқчилар) эркин ҳаёт ҳақидаги орзулари дастлабки балладаларнинг асосий мавзуси бўлиб қолди. Бу асарлардаги кескин ҳажвиёт ва истехзо орқали босқинчилар жамиятининг ахлоқий тубанлиги очиб ташланади. Дастлабки эллик

### ЖАҲОН АДАБИЁТИ

йиллик истибодод лирикаси Англиянинг классицизм давридаги мавзулар ва услубларига эргашди. Чарльз Томпсон (1806-1883) ва Чарльз Вентвортлар (1790-1872) биринчи лирик шоирлар эди.

Чарльз Гарпур (1813-1868) бу даврнинг буюк шоири сифатида тилга олинди. Ирландиядан сургун қилинганларнинг авлоди бўлган Гарпур шеърини Жон Мильтон ва Вордсворд ижодига хос бўлган мустабдликка қарши мавзулардан ташкил топган.

Таниқли шоир Генри Канделла (1839-1882) шеърини учун руҳий кайфиятнинг рамзий акси сифатидаги ташки олам тасвирлари хос хусусият ҳисобланади. Канделла манзаралари фалсафий, баъзан диний мавзуларга йўғрилган бўлиб, у шу йўл билан ўз ички оламидаги номуғаносиблик, умидсизлик, тушкунликни ифодалайди. “Тоғлар”, “Перуга”, “Лейчгардт” каби шеърини тўпламлар унинг машҳур тўпламлари ҳисобланади.

Австралия адабиётининг миллийлик даврини Жюль Франсуа Арчибальд ва Жон Хайнслар асос солган “Бюллетень” ҳафталиги очиб берди. Ижтимоий тақлифлар, радикал-демократик йўналиш, оддий ишчилар ҳаётига эътибор, Австралия адабиётида инглизлар таъсирини рад этиш бу журналнинг асосий йўли бўлиб қолди. Австралия бурчакларидаги ҳаёт, қишлоқ манзаралари, шунингдек дўстлик, мардлик ва инсонлар тенглигини қуйлаш журналдаги оддий мавзулардан эди. “Бюллетень” туфайли Австралия овлоқлари ҳақидаги балладалари билан Банжо тахаллусли Эндру Бартон Паттерсон (1864-1941), инглиз ва француз эстетизми ва символизми руҳида кўпроқ ижод қилган Чарльз Бреннан ва Ж.Нильсон сингари шоирлар машҳурликка эришдилар.

Генри Лоусоннинг (1867-1922) шеърини фуқаролик лирикаси намунаси ҳисобланади. Унинг шеърларидаги тантанаворлик инқилобий кайфият ва миллий ватанпарварлик мавзулари билан уйғунлашиб кетган.

1920-йиллар бошларидан Австралия адабиёти Европа ва Америка адабий оқимларига эътиборлироқ бўлиб қолди. Айниқса, “Меанжин паперс” (1940 йилдан), “Ангри Пепуинс” (1940-1946) сингари Австралия адабий журналлари янги оқимлар ва йўналишларни тарғиб қилишда катта роль ўйнади. Адиб Рекс Ингамеллсдан Австралия аборогенлари маданиятини қайта баҳолаш ва Австралия адабиётининг мустақил овозини излаш ҳаракати бошланди. Реал воқеа-ҳодисалар ҳақида лирик шеърлар ёзиш К. Маккензи, Жеймс Маколи, Алек Дервент Хоуп сингари шоирлар ижодида кузатилди. Жудит Райт, Франсис Уэбб ва Брюс Дэйв каби шоирлар манзарали рамзий тасвирлар, Ромари Дейсон ва Р.Д. Фицджеральд эса шеърини тарихий мавзуларга мурожаат қилдилар.

Ўтган асрнинг 50-йилларида Мельбурн университети поэтик мактаби пайдо бўлди. Винсет Бакли, Рональд Симпсон, Крис Уоллес-Крэйб, Ивэн Жонс, Ноэль Макейнш, Андрю Тейлор бу мактабнинг бош вакиллари бўлиб қолди. Улар санъатда мураккаб шакллар ва интеллектуал иллюзияларни маъқул топдилар.

XX аср Австралия романи Европа ҳамда АҚШ фалсафий ва адабий оқимларнинг таъсирида яратилди. Инсоннинг ички оламини психологик тасвирлаш, Австралия жамияти ибтидосини таққиб этиш романларнинг муҳим мавзуси бўлиб қолди. Ўтмишга бўлган қизиқш қалбан ёлғизлик туйғуси билан уйғунлашган Г.Ричардсоннинг “Ричард Махоуни тақдири” романи 20-йилларнинг энг машҳур асарларидан эди. М.Бойд, Брайан Пентон, Марджори Бернард, Флора Элдшероу каби адибларнинг асарларида ҳам шундай тенденциялар сезилади.

Ижтимоий-танқидий мавзулар, хусусан, қишлоқдаги инсонларнинг ҳаёти мавзуси Катарина Причард, Фрэнк Дэлби Дэвидсон, Леонард Манн, Фрэнк Хардим сингари ёзувчиларнинг эътиборини тортди. Х.Герберт, Самнер Лок Эллиотт, К.Маккензи асарларида ижтимоий муаммоларни сатирик жиҳатдан танқидий ёритиш хусусиятлари кўзга ташланади. Ёзувчи Патрик Уайт 1973 йили адабиёт бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлади. Р.Шоу, Кристофер Кох, Гэйл Партер каби адиблар асарлари австралияча услуби ва моҳияти билан ўқувчилар эътиборини қозонди.

Австралия адабиётида ҳикоя жанри XX асрнинг 40-йилларида янгича ри-

вожланиш йўлига ўтди. Бу давр Австралия ҳикояларида Жеймс Жойс, Эрнест Хэмингуэй ва Жон Дос Пассолар услубининг таъсири сезиларли бўлди. Уэнс Палмер нашр қилган From Coast to Coast йиллик антологияси ҳикоя жанрининг ривожланишида муҳим роль ўйнади. Тиав Этли, Мюррейл, Уэйнс Палмер, Гейл Портер, Кристина Сид ва бошқа ёзувчилар ҳикоя жанрида ижод қилувчи етакчи адаблардан бўлиб қолдилар.

Австралиянинг мустақил драматургияси модерн даврида ривожланди. Луис Эссон (1879-1943) драма тараққиётига назарий ва амалий туртки берди. Катарина Причард, Уэйн Палмер, Бетти Роланд, Генриетта Дрейк, Брюкман, Дэвид Уильямс, Александр Бузо, Жон Ромериль, Дороти Хьюитт, Ален Сеймур, Питер Кенна, Том Хангерфорд, Томас Шепхотт каби драматургларнинг ижоди Австралия драмаси тараққиётига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Гарчи Австралия адабиёти асосан инглиз, ирланд адабиётлари таъсирида ривожланган бўлса-да, лекин асосан Австралия воқелигини ифодалади. Негаки Австралия қитъаси Англия жиноятчилари сургун қилинадиган жой вазифасини ўтади. Уларнинг кўпчилиги шу қитъада қолиб кетиб, бу ер бадиий адабиёт учун асосий тасвир объекти бўлиб қолди.

## Театр

Австралия театри унинг маданиятининг муҳим қисми ҳисобланади. Қитъага театр биринчи бадарға қилинганлар билан келди ҳамда аборигенлар ва инглизлар маданиятининг уйғунлашуви асосида ривожланди, Британия ва Ирландия театрларининг энг яхши анъаналарини ўзида жамлади. Австралия драматурглари ва театр рассомлари ўзларининг кўп мамлакатларда маълум бўлган бетакрор ўзига хослигига эга.

Австралияда Сидней опера театри ва Драматик санъат миллий институти сингари бутун дунёга машҳур бўлган театр марказлари фаолият кўрсатади. Сэр Роберт Хелпман, Дама Жоан Сазерленд, Барри Хамфрис ва Дэвид Вильямсон, Кейт Бланшетт, Жеффри Раш ва Жуди Дэвис кабилар Австралия театри саҳнасининг ёрқин вакиллари ҳисобланади.

Тарихи узоқ асрларга бориб тақалувчи аборигенларнинг маросим рақси – корробори Австралия театрига беқиёс таъсир қилди.

1788 йили биринчи сургун қилинганлар билан бирга қитъага европача анъаналар кириб келди. Ирланд драматурги Жорж Фаркернинг “Ёлловчи офицер” пьесаси саҳнада биринчи марта 1789 йили асирлар томонидан кўрсатилди. Икки юз йилдан кейин Тимберлейк Уэртенбейкернинг “Бизнинг мамлакатимизда яхши” пьесасида биринчи Австралия театри спектакллари тасвираб берилди. Унда назоратчиларнинг актёр-асирларни ҳақоратлаганлари ҳақида ҳикоя қилинади.

1837 йили Хобартда Қироллик театри очилади. Театр бутун дунёга машҳур бўлиб кетади. Сэр Ноэл Кауард уни орзулар театри деб атади, 1940 йили уни бузилишдан машҳур Лоуренс Оливье сақлаб қолади.

1901 йили Мустақилликка эришилгач, Австралия театри миллий ўзликни англашда қудратли кураш бўлиб қолди. Қитъага келиб ўрнашган биринчи деҳқон оиласи ҳақида ҳикоя қилувчи 1912 йилда саҳналаштирилган Стил Раднинг “Бизнинг танловимиз” пьесаси ниҳоятда машҳур бўлиб кетди.

1904 йили Пертда “Қирол театри” очилди. Қирол Эдуард VII ҳукмронлиги давридаги “Австралия театр архитектураси” бино сифатида хизмат қилди. 1924 йили Сидней пойтахт театри шу усулда қурилди ва Австралиядаги энг яхши театр зали бўлиб қолди.

1940 йили Жон Энтилл ўзининг машҳур балети “Корробори” учун мусиқа ёзди. 1950-йиллар давомида труппа бутун Австралия бўйлаб гастроль сафарида бўлди. Уни қиролича Елизавета II ҳам томоша қилди. Бу балет ғарб ва анъанавий абориген маданиятларини уйғунлаштирган муваффақиятли уриниш бўлди, у ҳамон турли театр жамоалари томонидан қўйилмоқда.



1958 йили Сиднейда Драматик санъат миллий институти ташкил қилинди. Кейт Бланшетт, Тони Коллетт, Мел Гибсон ва Баз Лурман унинг битирувчилари эди.

1960 йили Мельбурнда “Маданият тумани”нинг қурилиши бошланди, 1973 йили унинг асосий қисми “Маданият маркази” Рой Граундс лойиҳаси бўйича қурилди. Ҳозирда у Мельбурн театри биноси ҳисобланади.

“Австралия балети” театрига инглиз балеринаси Пегги ван Прааг томонидан 1962 йили асос солинди. Театр репертуари классик балетдан иборат бўлди. 2010 йилга келиб у Австралиянинг энг яхши майдонларида 200 тадан кўпроқ томоша кўрсатди.

1973 йили дунёда машҳур бўлган “Сидней операси” биноси қурилди, у “Австралия операси” учун асосий театр биноси бўлиб қолди.

1978 йили Сидней театри очилди. У Мел Гибсон, Жуди Дэвис, Хьюго Уивинг, Дэвид Венхам, Тони Коллетт каби актёрларга шухрат келтирди.

1990 йили “Шекспир Белла труппаси” тузилди. У ҳам тез орада машҳур бўлиб кетди. Жонни Кифа ва Питер Аллен мусиқий асарлари катта муваффақият қозонди.

Австралия драматурглари Дэвид Вильямсон, Алан Сэймур, Ник Энрайт ва Жастин Флеминг австралияликлар учун муҳим ҳисобланган мавзуларга мурожаат қилдилар. “Йилдаги ягона кун” спектаклида ядро синови ҳақида сўз юритилади. Спектакль Австралия аборигенлари анъанавий маданиятининг юнон, афғон, япон ва янги зеланд маданиятлари билан уйғунлашувига ёрқин мисол бўла олади.

## Кино

Австралия киноси ХХ аср ўрталарида вужудга келди. Даставвал, кўпроқ хужжатли кино ривожланди. Айниқса, Англиядан келган кино мутахассислари Австралиянинг ўзига хос табиати, флора ва фаунаси, денгиз кўринишлари, аборигенлар ҳаёти ҳақида фильмларни суратга олдилар.

Шунингдек, Англия ва бошқа мамлакатлар таъсирида Австралияда бадиий кино ҳам маълум даражада ривожланди. Австралия киносига асосан театр режиссёрлари ва актёрлари хизмат қилдилар. Австралиялик баъзи машҳур актёрлар Голливуд фильмлариغا ҳам таклиф этилди.

Жумладан, 40 дан ортик фильмларда суратга тушган дунёга машҳур актриса Кейт Бланшетт асли австралиялик. 1996 йили суратга олинган “Парклэндс” қисқа метражли фильмидаги бош роль Бланшеттга омад келтирди. 1998 йили ҳинд режиссёри Шекхар Капур томонидан суратга олинган “Елизавета” фильмидаги Англия қироличаси Елизавета I образи унинг ҳаётида туб бурилиш ясади. Ушбу роли билан у “Оскар” ва АҚШ киноактёрлари Гильдияси мукофотларига номзодлар қаторига кирди, “Олтин глобус” ҳамда ВАҒТА мукофотларига сазовор бўлди. Бундан ташқари у фаолияти давомида “Авиатор” фильмидаги роли учун “Оскар”, ВАҒТА ва АҚШ киноактёрлари Гильдияси (“Энг яхши иккинчи пландаги аёл роли учун”) мукофотлари, охириги ишларидан бири бўлмиш “Жасмин” фильмидаги бош роли билан ҳозирги кунгача “Олтин глобус” ҳамда АҚШ киноактёрлари Гильдияси (“Энг яхши аёл роли учун”) мукофотларини қўлга киритди.

Оламга машҳур актёр Жеффри Раш ҳам австралиялик бўлиб, 1951 йили Тувумба шаҳрида таваллуд топган. 1980-йиллар бошида кинода ишлай бошлаган. 1981 йили суратга олинган “Барчани аҳмоқ қилиб” унинг дебют фильми бўлди. Актёр ўз фаолияти давомида бир қанча совринларга лойиқ топилган. Хусусан, “Ёрқин” (1996) фильмидаги Дэвид Хольфготт роли учун “Оскар”, ВАҒТА, “Олтин глобус”, АҚШ киноактёрлари Гильдияси (“Энг яхши эркак роли учун”) мукофотларига сазовор бўлди. “Қирол гапиради” фильмидаги роли учун эса “Энг яхши иккинчи пландаги эркак роли учун” номинацияси бўйича ВАҒТА мукофотини қўлга киритган бўлса, “Питер Селлерснинг ҳаёти ва ўлими” фильмидаги бош роль уни “Олтин глобус”, “Эмми”, АҚШ киноактёрлари Гильдияси мукофотларига (“Телефильм ёки минисериалдаги энг яхши эркак роли учун”) сазовор этди. Шунингдек унинг иштирокидаги “Муҳаббат оғушидаги

Шекспир” (1998), “Елизавета” (1998), “Маркиз де Саднинг пероси” (2000), “Фрида” (2001), “Кариб денгизи қароқчилари” (2003, 2006, 2007, 2011), “Энг яхши таклиф” (2013) фильмлари қатта муваффақият қозонди.

Асли Гавайида туғилган австралиялик актриса Николь Кидманни жаҳон киноси мухлислари яхши танийдилар. 1967 йили таваллуд топган ёрқин истеъдодли ва жозибали актриса кинодаги илк фаолиятини 1980-йиллар аввалида бошлаб, ҳозиргача 60 дан ортик фильмларда турли даражадаги ролларни ижро этди. 2003 йили “Соатлар” фильмидаги бош роли учун “Оскар”, BAFTA, “Олтин глобус” мукофотларини (“Энг яхши аёл роли учун”) қўлга киритди. Шунингдек, 1996 йили “Нима учун жон бериш афзал?” ҳамда 2002 йили “Мулен Руж!” фильмларидаги роллари учун “Комедия ёки мюзиклдаги энг яхши аёл роли учун” номинацияси бўйича “Олтин глобус” мукофотларига сазовор бўлди.

1968 йили Австралиянинг Сидней шаҳрида туғилган актёр ва продюсер Хью Жекман “Икс одамлар” антологиясидаги суперқаҳрамон-мутант Росомаха роли, “Кейт ва Лео”, “Ван Хельсинг” фильмларидаги бош роллари билан бутун дунёга танилган. Кўпгина кино танқидчилари унинг “Асир аёллар” (2013) детектив триллерларидаги ижросини юқори баҳолади. Ижодкор “Оскар” (2013), BAFTA (2013) ва “Олтин глобус” (2002) мукофотларига номзод бўлди, кинематография бўйича “Олтин глобус” (2013), театр бўйича “Тони” (2004), телевидение бўйича “Эмми” (2005) мукофотларига сазовор бўлди.

Бир сўз билан айтганда, Австралиянинг театр ва кино санъати бугунги кунда жаҳон театр ва кино санъатининг пешқадамларидан бири сифатида ривожланиб, тараққий этмоқда.

### **Тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, меъморчилик**

Австралия санъати – бу қитъада яшаётган кўп сонли халқлар санъатидир. XVII-XVIII асрларда европаликлар қитъага келгунига қадар маҳаллий аборигенлар ижтимоий тараққиётнинг турли поғоналарида бўлиб, ер юзидаги энг қадимги халқлар қаби овчилик ва озик-овқат йиғиш билан шуғулланиб, архаик дунёқарашга (тотелизм, магия) эга эдилар. Санъат, дин ва фан ижтимоий меҳнат тақсимогининг бошланғич босқичи шароитида шаклланган бўлиб, синкретик ҳолатда эди, ақлий ва жисмоний меҳнат турлари мавжуд эмас эди. Шунинг учун ҳам санъат асарлари сеҳр-жоду маросимларининг таркибий қисми сифатида яратилар, аммо улар ҳиссий-образли, бадий, эстетик хусусиятдан бегона эмас эди.

Европаликлар қитъага келгунига қадар Австралия аборигенлари тамомила ибтидоий тушунчалар билан ҳаёт кечирардилар. Ғорлардаги ва қоя тошлардаги тасвирлар маълум бир эътиқодлар ҳосиласи бўлиши билан бирга, уларда маҳаллий аҳолининг кундалик ҳаётидаги ҳодисалар ифодаланган эди. Карпентария кўрфази оролларидаги ғорларда қайиқда найза билан ов қилаётган кишилар тасвири топилган.

Аборигенлар санъати Арнем-Ленд худудларида кўпроқ ривожланди, бу ерда яратилган дарахт пўстлоғидаги суратлар, ғорлар ва қоятошлардаги тасвирлар шулар жумласидандир. Суратларни табиат ҳодисалари ҳақидаги илмий билимлар куртақлари, жониворлар анатомияси ҳақидаги тасавурларнинг ибтидоси сифатида қараш мумкин. Дарахт пўстлоғи ва қоятошлардаги рангтасвирлардан ташқари шимолий-шарқий Арнем-Ленднинг аборигенлари думалок ёғоч антроморф ҳайкаллар яратганлиги билан ҳам машҳур бўлган, бу Австралия учун хос хусусият бўлмаган.

Австралиянинг марказий туманлари, шунингдек, ғарби ва шарқида шартли геометрик санъат услублари етакчилик қилди. Австралия жанубий-шарқида ромб, ғарбида эгри-бугри чизиқли, марказий худудларда доира шаклли тасвирлар кенг урф бўлган. Бундай тасвирлар кўпинча бағишлов маросими ёки дафн одатлари билан боғлиқ бўлган.

Австралия шартли санъати символизм ва турли маънолардаги анъанавий мавзулар билан ажралиб туради. Белгиларнинг бундай комбинацияси пиктографияга яқинлашиб боради. Австралияликлар санъатидаги рамзий ранглар ўзига хос тил,

гоя ёки психологик ҳолатларни ифодалаш воситаси бўлиб қолди. Австралия аборигенлари санъатининг шу зайддаги табиий тадрижи XIX аср бошларида Европа ва бошқа қитъалардан одамлар кўчиб келиши билан бутунлай ўзгариб кетди.

XIX аср бошларида Австралия маданий ҳаёти ниҳоятда тезлашди, саноат ва санъат турлари ўша даврларда ривожланган мамлакатлар оқимида тараққий эта бошлади. Олтин саноати ривожланди, XIX аср иккинчи ярмида барча штатларда ўз парламентлари тузилди. XIX аср охирига келиб бирлашган Австралия уюшмаси ташкил қилинди.

Европадан Австралияга кўчиб келганларнинг санъати XIX аср ўрталаридан ривожланди. Лекин бу ривожланиш ниҳоятда секин ва чекланган тарзда рўй берди. Манзара жанрида ижод қилган Конрад Мартенс (1801-1878) профессионал жиҳатдан биринчи рассом ҳисобланади. Маиший ва энг аввало сагира жанрида ижод қилган Самюэл Томас Гилл (1818-1880) Австралия ва Англияда машхур рассомлардан бири эди.

Эллик ёшларида Мельбурнга кўчиб келган швецариялик рангтасвирчи рассом Луис Бювелот (1814-1888) XIX аср ўрталарида катта муваффақият қозонди. У “Темплстуда ёз окшоми” (1866) сингари асарларида Австралияда куёш ботиши олдидаги тилларанг нурларни тасвирларди. XIX аср охирида Австралияда жанрли ва манзарали рангтасвир ривожланди. Бу даврда Томас Уильям Робертс (1856-1931), Фредерик Мак-Каббин (1855-1917) ва Артур Стритон (1867-1943) сингари рассомлар самарали ижод қилдилар. Робертснинг “Жанубга сузаётганлар” (1886), “Кўйлар юнгини қирқиш” (1890), “Олға” (1891) сингари картиналарида Австралия воқелиги, оддий кишиларнинг турмуш тарзи, қундалик ҳаёт ташвишлари ифодаланади. Фредерик Мак-Каббиннинг “Бахт юз ўгирди” (1889) картинасида ижтимоий муаммолар кўтариб чиқилди.

Кейинги даврларда Австралия рангтасвири ривожини билан унинг таназули хам кузатилди. Негаки, Винсет Ван Гог портретини ишлаган Жон Питер Расселл (1858-1931), кўплаб портретлар ва машхур “Берк, Виллс ва Кингнинг Купер кўрфазига келиши” асарининг муаллифи Жон Лонгстафф (1862-1941) кабилар Европага кетиб қолдилар. Бунга асосий сабаб асарларни сотишдаги қийинчилик, уларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланмаганлиги бўлди.

Келиб чиқиши Россиядан бўлган Жорж Вашингтон Ламберт (1873-1930) китъага академизми олиб келади, лекин у 1900 йили Парижга кетиб қолади. Модернизмнинг таъсири кексароқ ижодкорлар, хусусан, Эдуард Манега эргашган ҳолда кириб келди, бу “Оқ қўлқоп” портретида кўринади.

1930-йиллари китъага модернизм йўналиши кириб келди. Бу йўналишда Макс Мелдрам (1875-1955), Ганс Гейден (1877-1968), Расселл Драйсдейл (1912-1981) каби рассомлар ижод қилдилар. 1940-йилларда Австралия санъатида реализм ва формализм, асосан сюрреализм йўналишларининг кириб келиши билан боғлиқ янги босқич бошланди. Бу эса Уильям Доблей (1899-1970) ижодида ўз аксини топди. Унинг “Кипрлик Маргарет Олле портрети” (1930), “Жанубий Кенсингтондан келган аёл” (1937), “Мария Гилмор портрети” сингари портретлари энг яхши асарлари ҳисобланади. Йирик рассом Расселл Драйсделл (1912-1981) ўз ижодини примитивизм услубида бошлаб, кейинчалик воқеликни ҳаққоний акс эттиришга ўтади. Унинг “Икки бола портрети” (1946), “Оқ тоғ” (1948) асарларида ички драматизм кучли намоён бўлади.

Иккинчи жаҳон уруши даврида реализм ва ижтимоий мавзулар санъатда устулик қилди. Бу йўналишда Герберт Мак-Клинтон (1909-1965), Виктор О’Коннор (1918-2010), Йосл Бергнер (1920й.т.), Ноэл Куниган (1913-1986) каби рассомлар ижод қилдилар. Ноэл Куниган ижоди туфайли Австралия тасвирий санъатида графика жанри сезиларли даражада ривожланди.


Урушдан кейинги йилларда бадиий услубларнинг анчайин табақаланиши рўй берди. Сидней “абстракт экспрессионизм” ва Америка авангардизмига тақлид қилиш маркази бўлиб қолди, Мельбурнда эса фигурали санъат ривожланди. 1950-йиллар охирида Роберт Дикерсон (1924 й.т.), Клифтон Пьюх (1924-1990), ака-ука Артур Бойд (1920-1999) ва Дэвид Бойд (1924 й.т.) каби рассомлар таникли санъаткорлардан бўлдилар.

Ҳатто ҳайкалтарошлик соҳасида ҳам қарама-қарши услубларнинг ўзаро кураши мавжуд бўлган эди. Йирик ҳайкалтарошлар академик йўналишда асарлар яратганлар. Мифологик ҳайкаллар (“Цирцея”) ишлаган Бертрам Мак-Кеннал (1863-1931), шунингдек “Венеранинг туғилиши” афсонавий ҳайкалини, “Австралиялик боши” (1940-йиллар), “Том Чаллен” номли реалистик портретлар ишлаган Линдон Дадсуэлл (1908-1986) ўша даврдаги таникли ижодкорлардан эдилар.

Ўтган асрнинг 30-йилларидан бошлаб Австралия аборигенларининг санъати ривожлана бошлади. У ёрқин ва айни пайтда уйғун ранглар, батафсил тасвирлар, бевосита манзаралар ҳамда байрамона кайфият билан ажралиб турар эди. Моҳирона талқин этилган ҳавойи манзара уларни декоратив панноларга яқинлаштиради. Аранда гуруҳидан келиб чиққан абориген Альберт Намотъира (1902-1959) ва унинг издошлари – ўғиллари, ака-ука Парерультаяр ва гуруҳнинг бошқа аъзолари бу йўналишнинг ёрқин вакиллари ҳисобланади. Кейинчалик Дорин Рид Накамарра ва Альберт Наматъира аборигенлар санъати билан машхур бўлиб кетдилар.

Австралияда шунингдек, металл қурилмалар (Роберт Клипнель), архитектура (Клемент Мидмор, Маржел Гиндер ва Лентон Парр, Утзон Йорн) ва сопол ҳайкалтарошлиги (Меррик Бойд) каби йўналишлар ҳам ривожланди. Австралияда абстракционист (Сидней Нолан, Мительман, Аллан, Андре, Аэлиита, Уайтли, Бретт), импрессионист (Расселл, Жон Питер), постимпрессионист (Томас, Гросвенор), аниматор (Цин Хуан) сингари рассомлар яшади ва яшамоқдалар. Австралия маданиятининг бошқа соҳалари ҳам худди шу тарзда тараққий этди. Бу жараёни Жонатан Свифтнинг “Робинзон Крузо” асаридаги Жумабойга мажбуран европача либос кийдириб қўйишга ўхшатиш мумкин. Негаки, кишилиқ жамиятининг энг қадимги босқичида турган Австралия аборигенлари XIX асрда бирданига юқори даражада ривожланди ва Европа цивилизациясига сакраб қадам қўйди. Бу ўз навбатида, европа ҳамда аборигенлар адабиёти ва санъатининг ўзаро синтезлашувига олиб келди.

*Ҳамдам ИСМОИЛОВ,  
ЎзДСМИ доценти,  
филология фанлари номзоди*





# ҚУЁШГА ТҮЛАДАЙ ЭДИ ПИЁЛА

Уайт ПАТРИК

(1912 – 1990)

Австралиялик шоир, носир, драматург. Нобель мукофоти лауреати (1973). Унинг “Бахтли водий”, “Тириклар ва ўликлар”, “Холамнинг саргузашти”, “Сохта дафн”, “Инсон шажараси” каби роман ва пьесалар муаллифи.

## МИНГ ЙИЛЛАРДАН БУЁН

Минг йиллардан буён ўша манзара,  
Ғойиб бўлганим ойна қаршида,  
Биринчи қайноқ нафас,  
Ойнадаги ҳовурнинг акси.  
Кўлин ювди мендан сувнинг ёриги каби,  
Ахир, сўрагандим-ку аллақачонлар.

Шафақнинг гамгин аксини  
Сўзларга мўмийё қилмоқ истамам,  
Кўнгироқлар элтган ҳазин садони  
Титратмоқлик огир нақадар  
Қанийди колмасу хариталарда  
Ҳаёт қайиқларин нусхаси бўлса..  
Тутиб олсамийди кабуларларни – қанотлари йўқ,  
Ердан хабар билан қайтаётган бул  
ДНК музейи томон, ҳар иккисин,  
Дип этиб тутсам, тўлқинлар кўпиги янглиг..

Қабр бўлмай нима, магарки вақт етмаса  
Кўмиб юборишга ваҳмали сирин?  
Ва гоҳо, бўшлиғу сукунат кемирар вужуд,  
Тартибга соламан ўзимни ўзим,  
Даҳшатли дарвозада турган паспорт мисол  
Ўз ўйимдан ўзим бегона, сургун,  
Синиқ бўсага.  
Йўқ, мен уй на? Мамлакатга сизмам,  
Чексизликка чегарадош қитъаман,  
Қайтаман, исталган жой менга ватандир.  
Елгиз, якка ва яна... билмам.  
Бироқ, бунинг бари хомхаёл.

Ки, аждарнинг нимта қилинишин,  
Ўшамшир ўйинига йўйғумдир фақат.  
Ёмғирнинг денгизга қайта қайтиши  
Денгизга ортиқча миқдор деган гап.  
Ҳа, бари йўловчи – манзилсиз, йўлсиз,  
Камонбоз нишонга отгандай ўқсиз.

Инсон табиатин тушунмоқ, билмоқ,  
Саркашликнинг юксак нишони.  
Аччиқ кўз ёш қотган кўзларга боқмоқ,

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

133

Юлдуздек бир ёниб-ўчмоқ – нажотсиз  
 Ва йўқлик-ла лаҳзалик ёгду талоши.  
 бироқ, ким, нима – бари сўроқ, жавоблар сўроқ,  
 Ҳовузда юлдузлар сузар қанотсиз...

Адолатга муҳаббат, муҳаббатга адолат эмас,  
 Аждарларнинг йўқликка юз тутганидай.  
 Юрак совуқ тўйгуларга кўрк, юрак асло бонг-соат эмас,  
 Узун, эски пальтога қўнган куядай.  
 Инқилоблар учун жондан кечгандай,  
 Юлдуз ва зулматдан инсон завқ олар  
 Ўлим-ла қўшилиб кетгунча нафас,  
 Жимгина  
 Юлдуз ва зулматдан инсон завқ олар.  
 Чангдай йўқ бўлиб кетгунича то,  
 Юлдузга айланиб кетгунича то,  
 Деразадан мўралаганча  
 Юлдуз ва зулматдан инсон завқ олар.  
 Кўзлардан пардани улоқтирган чоғ,  
 Бари аён бўлур  
 Қандай яшади-ю, қандайин ўлиш.  
 Билмоқ учун буларнинг барин у  
 Азоб ва илтижо оралигида. Нега?

Ажаб, бир кеча, кўкда ўлим шарпаси кезмас,  
 Елкада ой сузар календарь бўлиб.  
 Бошингиз устида бари намоён,  
 қаргалар, варраклар, калитлар,  
 қарагай конуси арча устида,  
 жумбоги ўзи-ла, ялангоч эмас,  
 борлик ва йўқликнинг бори жумбоги.  
 Ажаб. Бир кун тонгда, туш уйғотмади,  
 Онг оқими сузмас олтин бош томон.  
 Жудаям бошқача, Ойнинг мазасию  
 Нурнинг товганишидан озингизда  
 Олдингидек сезилмас таъм.

Наҳотки лаҳза мангуга кўчмас?  
 Юлдузлар порлаши-чун кўкда доимо  
 Худди абадий само каби. Нималар дейин?  
 Донишмандлик – борлиқни билиш,  
 Гўё улар сизнинг юзингиз, қиёфангиз-у  
 Сиз эса унинг кўзлари бўлгансиз холос.  
 Қаршингизда барчаси гойиб, қолдингиз Сиз ўзингиз билан.

Тугилдиг-у – нафас, ўлдиг-у – нафас,  
 Аввалдан аввал, сўнггидан кейин. Зарб ва танаффус ораси,  
 Парилар қучогида ётибди чашма,  
 Алвастилар қайнатар қора қозонин.  
 Деразага ёпишиб тургандек куя,  
 Сайёралар титроқда титрамоқда.  
 Ой тўтилади, бошим тутаман,  
 Ўлимим сақлайди мени бошидан....  
 Қария юрагида боглар йўқмикин?  
 Гўдак нигоҳида қабр сурати?

## ЧЕКСИЗ САМОДАГИ КИЧКИНА ХАЁЛ

Чексиз самодаги кичкина хаёл,  
 Иш столимдаги соб бўлган чексизликлар  
 Икария ишқи сўнибдир.  
 Сукунат юртида синар овозим,  
 Кўзларимнинг қора томонидаман.  
 Бу ерда ҳеч бир зог бўлмаган биздан.  
 На эшик, на девор ва на дераза,  
 Такрор чўкдим беватанлик остонасида.  
 Юлдузларда кўзим, лек ёмгир таъми.  
 Эслай олмаганим – кўлкалар-ла сўзлашаман. Балки бу  
 ёлгон ўрталигу, ростлик намоиши.  
 Ўзимда не кечар ҳатто билмасман  
 билурман не кечди эркимнинг истакларида.  
 Ялтироқ парашют мисол соямни кийгум  
 Қиргоқдан чекинмаслик чогида.  
 Чўққи билан суҳбатлашаётгандек сезганинда,  
 Фикрларингни қоқигулдек ҳавода чизганинда  
 гўё кимдир улоқтирар ойни ойнадан.  
 кўкдек пинҳон тун қушлари сўқирлик юртига учар  
 учарлар  
 Чексиз осмон қучогида ҳеч зот сўрамайди оти-зотингни,  
 Тузилганинга гувоҳлик сўрасалар кўрсат оловни.  
 Хоҳишларинг хоҳишинг. Бари тутунга  
 битилмиш  
 келмогиндан аввал. Бунда менга айтилмиш сўзлар  
 қуёшли йилларнинг омонатидек фонус қафасидан  
 тўкилмиш.  
 Ким билар қуёш қай томон кетади ё қулаб битади?  
 Зулматни ёритмоқ учун кўз тутманг  
 Маърифат-чун ўгай қамар тутилишига.  
 Билмадим, заррин нур, ялтироқ қўнғиз, гугуртқути  
 ёки сездирмасдан келиб бутун оламни  
 тутгувчи бир чақин бўлсам нетардим.  
  
 Юлиб ташлайверсанг порлоқ гулларни фарқламай  
 Илонўт, хулласи ўтдан. Тун тушгандан нишона. Яна  
 қумсоатнинг сувсоатга эврилишидан.  
 Зулматга зўриққан ҳисда боққан чоғ  
 Чўнг йўқлик яратган юлдузларни кўрасан.  
 Бўлсин зиддиятлар ўз-ўзинг билан.  
 Ҳатто ўз орзуларинг маёғи бўлсанг-да, бу  
 учинчи кўзингинг ўз соянгга қоровуллиги эмас  
 гўё олов ўғирлигидай – сен оламни  
 иккинчи бор огоҳ этасан.

Вақтни туюлмасанг, хиёнат қилма.  
 Акси бўлса жар сол. Ҳеч қурса тушда  
 Спартандек тулкиларнинг пинҳон ҳужумин  
 Йўлатма, нажот бер ё нажот йўқми?  
 Аждар мақомини истасанг ўрган  
 инсонлар юрагин қайноқ кўмирдек  
 ютмоқни ютгандек улар шокалад  
 зарра огринмай. Юлдузлар қўл келмас Сенга  
 Сен учун тежамкор фонуслар эмас.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Аён билмоқчисан нур ҳақиқатин,  
 Улардан бирини портлатиб кўр, бас.  
 Шошил, қара, қарагин ва кўр  
 Бўшлиқ пинжидаги тоза нур, гўё  
 Муболага нега, бу чиндан зиё.  
 Бунда яширмаслар юлдузлар яланғочликларин  
 Қора ўпқонлар, туйнуқларнинг либоси остига,  
 шундай бирлашурлар  
 аммо қайтиб бермас илонлар пўстини ташилаган монанд.  
 Кузги гулнинг лабидан то баҳор ҳолсизлигигача  
 илғай олса бир нигоҳ, шу нигоҳча миқдор сувдаги  
 кўпикдек хира дунёни ёритиб юборгай. Билдим,  
 сиз уни топтарсиз печдаги қорпарча мисол,  
 ва ҳаловат топар таъналарингиз. Ўйлаганингиз,  
 сиз ўйлаганингиз  
 у миллионлар ичида бир шай, багишлов онидек  
 бу осмон кўксидан битта юлдуз йўқ, зарра юлдуз йўқ.

Инглиз тилидан  
 Севара АЛИЖОНОВА  
 таржимаси

## Генри ЛОУСОН

(1867-1922)

Шоир ва ёзувчи. Австралия адабиётининг мумтоз намояндаси. Норвег денгизчиси оиласида туғилиб ўсган. Ота-боболари олтин топиш умидида XIX аср ўрталарида Австралияга бориб қолган. Генри Лоусон ёшлик чоғларидан бошлаб бўёқчи, мактаб ўқитувчиси бўлиб ишлаб, халқ ҳаёти билан чуқур танишади. Узининг шеър ва насрий асарларида оддий халқ ҳаёти, қитъа меҳнаткашлари, олтин изловчилар, кончи, фермер, чорвадор, чўпон, батрақлар турмушидан олинган ҳаётий воқеаларни қоғозга туширади. Унинг сурати Австралия пул бирликларидан ҳам жой олган.

### ЭНДИ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Бизнинг Энди узоққа кетди,  
 Қўрғоқчилик қийнади ёмон.  
 Пода ҳайдар ҳув ёқда Энди  
 Квинсленд га – чегара томон.

Қандай ўтар Эндисиз кунлар,  
 Кўнгилларга гам-ғусса кўнди.  
 Ҳеч кулбада шод-хуррамлик йўқ,  
 Олиб кетган барини Энди.

Маҳзунликни қувиб йироққа,  
 Қўшиқ ёғдирарди у шўх-шўх.  
 Сукут босган фермани энди  
 Ҳатто ҳуштак чаларга майл йўқ.

Қовоқ осган бойни ҳам Энди  
 Қулдирарди битта сўз билан.  
 Дарлинг ошиб кетди у энди  
 Роҳат қочди кўни-кўшинидан.

<sup>1</sup> Квинсленд, Дарлинг, Мак-Квори – манзил номлари.



*Ғижирлайди шамол турса уй,  
Болға-михнинг устаси қайда?  
Энди бўлса эплар эди-я,  
У қўй ҳайдар чет манзилларда.*

*Жавдирайди холамнинг кўзи,  
Боқиб эрининг қовоғига.  
Шодон кимса қолганми ўзи  
Энди кетиб Мак-Квориға.*

*Тўк, э осмон, мўл-мўл ёмғир, қор,  
Иссиқ ҳаво яйловни қучсин.  
Чўпон-чўлиқ ошса дала-қир,  
Иўлларида майса-ўт ўссин.*

*Ҳар гўшани забт этсин майса,  
Гуллар тўлсин далага-боққа.  
Яйраб-яшнаб шод кунлар келса,  
Энди қайтиб келар қишлоққа!*

## Кристофер БРЕННАН

(1870 – 1932)

Шоир, Сидней университетида ўқитувчи бўлиб ишлаган. Унинг “Сайланма”, “XXI аср шеърлари: Манбага томон”, “Шеърлар” (1913) тўпламлари чоп этилган.

### ХАЗОНРЕЗ

*Куз: бу йил ҳам, мана, ўлмоққа кечди,  
Атрофда ажалнинг ўти чарсиллар,  
Бу дунёда орзу бефойда ишдир,  
Аммо биз, кутамиз бахтни ҳарсиллаб...*

*Қаҳратон шивирлар, балким, бу замон?  
Бир тушни мияга қуяр асрий хоб:  
Тубсиз жарлик узра сокин бир ўрмон,  
Юксакда кийимсиз, ялангоч офтоб.*

*Ўлик тушлар ичра учади қушлар,  
Кимсасиз саройлар тепасида қон,  
Яна йил ўтди, деб кўяди қушлар.  
Улар қасам каби эгасиз, сарсон.*

*Ижобат бўлмагай кечиккан орзу!  
Бу сароб дунёда, дарахтлар ичра,  
Бош эгиб турибмиз, айбсиз айбдорлар.  
Жанубнинг четида, қаҳратон тунда  
Кадим тилсимларни беркитар қорлар...*

# Нэнси КАТО

(1917 – 2000)

Ёзувчи ва шоира. Филология фанлари доктори. “Рақс тушаётган новда”, “Дарёлар югуради”, “Вақт ичра йўқолган аёл”, “Минтақа юраги”, “Хира тортган ойна” каби насрий ва шеърый китоблари нашр этилган.

## ҚИЗ ҚЎШИҒИ

*Қуёшга тўладай эди пиёла,  
Дарчадан оқарди субўҳий салқин,  
Осмон мовий эди. “Сизни севаман”, –  
Дединг менга, жоним, кўзларинг ёлқин.*

*Мана, тунги кўлда сузган балиқдай,  
Осмонда юлдузлар чарх урар гужгон,  
Қаҳратон тунда нима деб айтай?..  
Кутяпман.  
Келақол.*

*Шаробдан ёришган ойдин қадаҳлар  
Тонггача тахтада қолди нигорон...  
Тонгда эса... Ўзи ким айбдор?..  
Эртага кечани топмасмиз, ишон.*

*Баҳор нафасидан барглар ипакдай,  
Кишининг ажинини текислар яна,  
Юрагимнинг тинди дукур-дукури,  
Энди биз ошномас,  
Бўлдик бегона...*

## ДАРАХТ

*Мен бир дарахт бўлсайдим,  
Ёш, навниҳол бир кўчат –  
Шу яйдоқликда ўсардим,  
Барг ёзардим, яшнардим.  
Илдизим қучарди бутун заминни,  
Юксалардим – юлдузларни кўрардим,  
Танамда оққан шарбатини сезардим,  
Шохларимда чуғурчуқлар учарди гужгон...*

*Хижолат занжири нега бўғмоқда?  
Дарахт бўлсам, тайёр эдим  
Қушларга ҳар кун илкитардим бош,  
Баргларимни ҳар дам ерга эгардим.  
Узоқ йиллар турар эдим яйдоқда,  
Она еримизнинг сувин шимардим,  
Илдизимдан шохларимга оқар эди жон,  
Шохларим қўл каби ўсаверарди.  
Дарахт бўлсам эди, қимирламасдан,  
Қузатиб турардим – на боши, на охири йўқ дунё  
Ёнимда турланиб ўтаверарди...*

## Фрэнсис ВЕББ

(1925 – 1973)

Австралия адабиёт жамияти олтин медали (1973), Кристофер Бреннан номидаги мукофот соҳиби. Унинг “Бен Бойд учун думбира”, “Туғилган кун”, “Хўрознинг шарпаси”, “Леичхардт театрдa” каби китоблари чоп этилган.

### БИР ШОИРГА

*Мусофир ва мутафаккирсиз,  
Қофиядан фолчи дилингиз чаман!  
Биламан, сиз менга ачинишингиз мумкин.  
Ажабо, мен сизга ачинаман.*

*Ҳаётни биласиз мусобақа деб,  
Чирик бу фанодан изладингиз шон,  
Қалбингизни эл дардидан асраб,  
Эришолмадингиз шонга ҳеч қачон.*

*Қаҳрли кўзингиз боқар доғули,  
Гўзаллик киролмас унга сўроқсиз,  
Бешафқат ақлнинг олгир соқчиси –  
Киприклар қўймади ерга қоришган  
Халқнинг ноласини ичга киришга,*

*Фабрика қизларининг тонгги поездларда  
қийқирган товшин ҳам эшитмадингиз.  
Фожеавий қитмирликнинг ёнидан ўтиб,  
Байрам шишасини кўрган сураткаш –  
Ўзингизга яқин ялтоқи жувонлар  
Ва чиркин маддоҳлар  
Орасида яшаб ўтдингиз.*

*Мана, бугун эзгулик ва ёвузлик устида ҳокимсиз.  
Сизнинг сатрингизни мактаб толиби ёдлашга мажбур,  
Ва сиз ҳайкал бўлиб тепадан пастга қарамоқдасиз.  
Аянчли манзара: сиз ёлғиз, одамсиз яйдоқ майдонда.  
Тагингизда ёнар мангу аланга –  
Мен эса халқнинг қабртоши каби оғир дардин елкалаб,  
ҳали йўллардаман, менга бўлади.  
Албатта, сиз менга ачинишингиз мумкин эди,  
Ажабо, менинг сизга раҳмим келади.*

## Филип МАРТИН

(1931 – 2005)

Шоир, таржимон, мунаққид ва публицист. “Флейта”, “Шамол байроғи”, “Танланган асарлар” китоблари муаллифи.

### МЕРОС

*Мен ижодимни мерос қолдираман...  
Ўқишни ёқтирмаслар, барибир қолдираман,  
Карларга қўшиқ айтгандай бўлади,  
Кўрларга осмонни тасвирлагандай қолдираман.*

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

139

*Кўчирмакашиларга қолдираман –  
Фаросатлари бўлмаса, на илож.*

*Мунаққидларга –  
Магзава тўқишлари учун тинимсиз! –  
Ярим умрим маҳсулини ярим соатда  
элакдан ўтказишлари учун қолдираман...  
Илоҳий умид бор, ахир: улар, эҳтимол,  
Дўзах эшигида уятни англашар.*

*Сиёсатдонларга қолдираман юртимни.  
Улар Худо эмас,  
Қурғоқчилик онда бир пиёла сув бермаганлар.*

*Хотинимга ижод эмас,  
Электриситгичли кўрпа қолдирдим.*

## *Лес МАРРЕЙ* (1938)

Петрарка (1995), Томас Элиот (1996) номидаги мукофотлар совриндори, шеърляти учун Қироллик Олтин медали билан тақдирланган (1999). “Шамолга рўпара ибодатхона”, “Маҳаллий радио”, “Дафн қилинган йигитлар”, “Телбаликдаги турғунлик” каби шеърлий ва насрий китоблар муаллифи.

### СУРАТ БИЧИМИДАГИ САТРЛАР

#### *Тириклик моҳияти*

*Ҳамма, тилдан бошқа ҳамма  
яшаиш моҳиятини англашар.  
Дарахтлар, сайёралар, дарёлар, вақт  
бошқа нарсани билмаслар. Улар тасдиқлайдилар  
буни, коинот сингари, ҳар лаҳза.  
Ҳатто девона вужудим ҳам  
қисман яшар, у  
батамом яйраган бўларди,  
агар ҳаракатчан ақлимнинг  
бесавод эркинлиги бўлмаса эди.*

#### *Ҳайрона савол*

*Нега Худо айбсизни ҳам аямас?*

*Жавоб, саволдан фарқли ўлароқ,  
фанодан эмасдир,  
агар мен унга жавоб берганимда, сиз  
дахшатдан сакраб тушар эдингиз.*

#### *Мадад*

*Қочоқлар, олчоқлар ... Одамларни бу тахлит  
ифодаларда ажратиш нечун?  
Турли-туман гам билан, жанда кийимларда,  
улар узун дастурхон атрофида қатор ўтирибдилар.  
Бу мактабга ўхшашикин? Бу ондаги дарсда*

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ**

дафтарлар буги чиқиб турган овқатнинг  
айлана дарсликларига менгзар,  
бу одамлар овқатни ютишар илм каби,  
лопиллаган қошиқлар билан  
Аста-секин шимиб, паққос туширарлар.

Саҳармардондаги оқиллик  
Юлдузлар дарахтнинг илдизи орқали  
тилсиз ойнинг замонига сизиб борарлар.

Фурсатлар бугун қонунлар деб аталадиган  
шаффоф зарралар каби бир-бирларига тирмашар.

Ўтмиш елкангнинг ортидан мўралар,  
барча уфқлар тепасида — ўтмиш.  
Дил, ўзининг ҳолига ҳайроналикда,  
Термула-термула ўлиб борадир.

### Мижоз

У эшикни тақиллатади  
ва юрагининг дукур-дукуруни тинглайди.

### Маърифат тарихи

Иймон фантастик технологиядир,  
аммо биз уни тасарруф эта олмадик,  
ва у тезда яна шубҳа остида қолди.  
Тогларни қўзғотдик пул билан  
ёки арқон билан, эътиқодни таҳқирлашга киришдик,  
бу билан уни эзмоқчи  
ва, ниҳоят, йўқотмоқчи бўлдик. Аммо иймон,  
илоҳий ва сўнгсиз бир интилиш билан,  
асрий суратлардагина қолган тиллоранг  
эски жандасида, орамизда  
кезиб юрибди, бизни зимдан муборақбод этмоқда,  
эртаклар замони келганидан этмоқда огоҳ.

### Ўша замон келишига яқин қолди

Ўша замон келишига яқин қолди,  
гуллаган нок дарахтининг муаттар  
ҳиди шаҳарнинг неон чироқлари  
томон камалакдай ястанган  
ёғоч йўлакларнинг ачимсигини  
босиб кетади шираси ила...

## Ник КЕЙВ

(1957)

Шоир, ёзувчи, сценарист, рок-муסיқачи. “Фаришта ва эшак”, “Сиёҳ қироли I қисм”,  
“Сиёҳ қироли. II қисм”, “Банни Манронинг ўлими” каби китоблар муаллифи.

### МЕН ТОМОН ОЛИБ КЕЛ

Яратганнинг ердаги ишларга аралашишига ишонсам эди,  
Биламан, азизам, сен ишонасан.  
Шунинг учун мен Худога тиз чўкаман, Ундан сўрайман —  
Эшигинга келганимда У ёнингда турмасин,

### ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Сочларингга тегмасин,  
Қандай бўлсанг, шундай қол,  
Агар ҳамма нарса Унинг измида бўлса,  
Сени мен томонга йўлласин,

Мен томон олиб кел ёрни, Худо,  
Қўлимга топшир.

Сен – менинг фариштам,  
Бошқа фаришталар борлигига ишонсайдим,  
Уларнинг барини тўнлардим,  
Сенинг шарафингга шам ёқтирардим,  
Сенинг мен томон келадиган йўлларингни  
Шам билан ёритарди фаришталар  
Муҳаббат ва инонч нури билан  
Мен томон келардинг.

Мен томон олиб кел ёрни, Худо,  
Қўлимга топшир.

Мен Муҳаббатга ишонаман,  
Сен ҳам ишонасан, биламан.  
Ишонаман, сен ва мен бирга  
Қадам ташлайдиган бир йўл бор,  
Шунинг учун шамларни маҳкам тутганман,  
Ёримнинг йўллари ёруғ бўлсин!  
Умид қиламан, У етиб келади  
Ва бошқа айрилмайди мендан ҳеч қачон.

Мен томон олиб кел ёрни, Худо,  
Қўлимга топшир.

## ЁРИМ КЕТДИ

Бу гал у йўл каби ойдин ва очиқ,  
Парчалади менинг дарвишлигимни,  
Кейин у кетди,  
Ёрим кетди  
Илон пўст ташлаган каби  
Мени ташлади бунда,  
Ёрим кетди.  
Ўзимни ўзимга ташлаб кетди ёр.

Йўл ҳам ёрим каби очиқ ва ойдин,  
Биз кулдик ва сархуш эдик,  
Ичилган шишадек бўшатиб  
Ёрим кетди.  
Кетди ёр.  
Синганимни сезмадим,  
Тавба учун тонгда турганимда  
Қалбим жароҳатин кўрмадим, йўқ.

Гоҳо  
Улим яқинлашгандай туюлар.  
Отилишга тайёр турган каби ўқ.  
Ахир кетди ёрим,  
Ёрим энди йўқ.  
Мени жар ёқасида қолдириб  
Кетди.  
Қуладими,  
Учдими – кўрмадим.

Гоҳо менга у умуман бўлмагандай туюлади.  
Ёрим кетди,  
Кетди ёрим,  
Кетди-да энди...

Рус тилидан  
Карим БАҲРИЕВ  
таржимаси



## Алан МАРШАЛЛ

1902 йил Австралиянинг Виктория шаҳарчасида таваллуд топган. Ўтган асрнинг 30-йилларидан адиб сифатида шуҳрат қозона бошлайди. Узоқ йиллар маҳаллий туб аҳоли (аборигенлар) орасида яшаб, уларнинг ҳаёти билан боғлиқ “Бизлар ҳам одаммиз” номли китобини ёзган. “Бу майса”, “Юрагимдагилар”, “Пардани ёпинглар”, “Кутилмаган учрашувлар”, “Қалайсан, Энди?”, “Болға ва сандон” каби асарлари дунё адабиёти хазинасидан ўрин олган. Узоқ йиллар мобайнида Австралиянинг чет мамлакатлар билан алоқа қилиш ташкилотида раҳбарлик лавозимида хизмат қилган. Ёзувчи 1984 йилда Мельбурн шаҳрида вафот этган.

### ДАН МЭННИОН

(Ҳикоя)

**М**инг тўққиз юз ўн тўртинчи йили – биз томонларни қиёмат қойимдай қурғоқчилик балоси босган, беадоқ яйловларда сурув-сурув қўй ва сигирлар очлик ва сувсизликдан ер тепиниб-тиришиб тош қотган. Шу пайтларда Дан Мэннион амаки етмиш саккиз ёшда эди. Етмиш саккизга чиққунча, эҳ-ҳе, нималарни кўриб улгурмаган дейсиз. Бечора, сўққабошлиқда ўзи билан ўзи гаплашадиган бўлиб қолган, баъзан-баъзан тунлари сербарг қарағайларни аранг ёриб ўтиб, уйини хирагина ёритиб турган юлдузларга ёки черков дарвозаси устида пашшаларни чарх уришга мажбурлаётган фонусга қарата алланималарни айтиб кичкирарди. Дан амакининг чехраси эса туганмас урушда вайронага дўнган ўйдим-чуқур уйга ўхшар, катта-катта очилган кўзларида мангу савол аломати қотиб қолган эди.

У эски-туски ёғочлардан, йўл-йўл бўртма чизикли занглаган темир тунукалардан ўзига тиклаб олган қулбада ёлғиз яшар, қулбаси мана ман деб турган тўртта баҳайбат қарағайнинг тагида, черков ортидаги яйловга ёпишибгина турарди. Тўртта қарағайнинг шохлари бир қарасанг қулба ичидан ўсиб чиққанга ўхшар, яна бир қарасанг худди айқашиб кураш тушаётган паҳлавонларнинг қўлига ўхшаб кетарди. Паҳлавонлар ҳам бири бирини кучоқлаб, қотиб қолгандай, энди ажрашолмай, фақат шамол эсган пайтларида узундан узоқ оҳ тортиб, чайқалар эди, холос. Қарағайларнинг илдизи ботган тупроққа қалин ва юмшоқ игнабаргли қатлам тўшалган; кузда, ёмғир тинмай севалаган пайтларда игнабарглар орасидан каттакон қалпоқларини бошга илиб улкан замбуруғлар пайдо бўларди.

Бундай пайтларда, айниқса тонгсаҳарда қулбанинг ўзи ҳам ер остидан чиққан замбуруққа ўхшаб қоларди. Уй атрофини моғор қоплаб олар, томдан то ергача ҳамма жойни хирмон-хирмон игнабарглар уюми босиб кетарди. Эшик олдида ёғоч ўриндик турар, ғарб томонда уфқ кип-қизил бўлиб ловулларди. Шундай дим кечаларда Дан амаки ерда ўтириб зичланган тамакидан бир бўлак ушатиб олиб, трубкасига тикар, эзиб-эзиб босар, кейин гугурт ёқиб тутатганича, қачонлардир ўзи сотиб олажак фермаси хақида ширин ҳаёлларга бериларди. Унинг назарида, бу ферма атрофида қишин-ёзин бир хил иссиқ ҳаво барқарор туради, ёқимли ёмғирлар ёғади, қалин майсалар устида семиз наслдор сигирлар ва меринос<sup>1</sup>лар ўтлаб

<sup>1</sup> Меринос – юмшоқ юнгли наслдор австралия қўйи.

юради, вақти-вақти билан жониворлар бош кўтариб, Дан амаки ишлаб юрган дарё томон қараб-қараб қўядилар – бу пайтда Дан Мэннион эпчил ва қудратли қўллари ила девор қуриб юрган бўлади: энди ҳам бу мустаҳкам девордан бирон-бир йиртқич сақраб ўтиб кўрсин-чи! Ҳа, у ўзига тегишли бўлган мулкни, яйловларни ана шундай қўриқлаш учун лом билан ўра қазиб, мустаҳкам девор ўрнатиб юрган бўлади...

Дан амаки ишлаб чарчамас, топганларини нақ эллик йиллардан буён йиғиб келмоқда эди. Шу пайтгача Дан амакини ёллаб ишлатганлар ҳам унинг қилган ишидан норози бўлган эмас, аксинча, унинг виждонли одамлигини оғиздан бол томизиб мақташар, барака топсин, қўли гул, ҳалол уста дердилар. “Мана, ишонса бўладиган касб-корли ҳунарманд, дерди иш берган одамлар, алдамайди, кинғир иш қилмайди, виждонан ишлайди, байрам демайди, бегим кун демайди, кечаю кундузи фақат иш, иш, иш...”

Дарё ёқасидан ер сотиб олиб, семиз-семиз қўй-сигирларни ўтлатиб қўйишни орзу қилиб юрган Дан Мэннион амаки мана шундай одам эди!

Баъзан бой фермер одамлар уни бир ой, бир ярим ойга ёллаб олиб кетишар, Дан амаки бориб, хўжайиннинг гапи билан картошка чопиғими, девор тиклашми, қишга ўтин ғамлашми – нима иш буюришса, киришиб кетаверар, қўнғиллари тўлган хўжайинлар ҳам унга ҳиммат билан мўл-қўл қўлҳақи берарди, бели букилмаган чекдафтарларини қўйиндан чиқариб, унинг кўзи олдида, турган жойнинг ўзида катта-катта рақамларни ёзиб беришарди. Гарчи Данининг ўзи ўқиш-ёзишни билмаса ҳам, қайси чек қоғозини кимдан олганини номма-ном айтиб берарди, бўлмаса-чи, бу қоғозлардаги ҳар битта имзо – унинг меҳнатига берилган баҳо, қилган ишларининг устига гултож бўлиб қўнган мукофот эди-да! Имзо чекилган ерда қаторлашиб йил, ой ва кун саналари турар, Дан амаки бу саналарни ҳам адашмасдан айтиб берар, негаки бу сонларнинг ҳар бири муҳим бир хотирани ёдга солиб турарди. Бунақа қоғозлардан нечтаси унинг доимо қулфлоғли турадиган темир сандиқчасидан жой олмаган дейсиз? Бу сандиқчанинг калитиям бегона бўлмасдан, шундоққина ипга боғланиб, сандиқчага ёпишибгина турар, яъни калитни излаб юрмаёқ ғазнақутини очса бўлаверарди. Дан Мэннион ферма сотиб олиш ҳақидаги ширин хаёлларга берилиб кетган кунлари кечаси албатта шу сандиқчани очиб, тўпланган чекларни назардан ўтказиб оларди. Бундай пайтларда у авайлаб боғланган чиройли қоғозларини бирма-бир варақлар экан, қулоғи остида чек ёзиб берган одамларнинг олқишлари ҳам эшитилгандай бўларди:

– Раҳмат-э, Дан, сен бўлмаганингда бизнинг қўлимиздан нимаям келарди-я!

– Девормисан-девор бўпти-да ўзиям, Дан. Қўлларинг олтин сенинг!..

Асл йўртоқи тулпор қўшилган ялтироқ енгил аравачада юрувчи одамларнинг оғзидан бундай мақтовларни эшитган Дан Мэннион ўзида йўқ илжайиб қўярди. Унинг номига ёзилган чек қоғозининг биринчисига бир минг саккиз юз олтмиш еттинчи йилнинг биринчи октябрь санаси, сўнгги чекка эса бир минг тўққиз юз ўн тўртинчи йилнинг ўттинчиси июнь санаси дарж қилинган. Баъзан қилинган майда-чуйда ишлар учун унга нақд пул беришар, у бу пулларга тамаки ва озиқ-овқат сотиб олар, сандиқчадаги ғазнага қўшиб ўтирмас, ғазнада бир куни келиб Дан амакига озодлик ва мулк бағишлайдиган ишончли чеклар сақланарди. Фермерлар ҳам Дан Мэннион номига ёзилаётган чеклар ўзларининг банкдаги ҳисобларига сира-сираям таъсир этмаётганлигидан қувона-қувона, салгина иш топилгудай бўлса бас, ҳаммалари Дан амакини излаб қолишарди. Дан Мэннион эса иш топилиб турганига хурсанд, ҳеч кимнинг сўзини қайтаргиси келмас, аксинча, иш қанча кўп бўлса, шунча лаззатланар, оромдан, уйқудан воз кечиб бўлса ҳам илтимосчиларнинг кўнглини топарди.

Ана шундай кунларнинг бирида, тўғрироғи, минг тўққиз юз ўн тўртинчи



йилда биз томонларни курғоқчилик босди. Тап-тақир ҳавзаларда, ёрилиб, кесаги чиқиб қолган ўзанларда, қуриб-қовжираб эгилган дарахтларнинг сояларида сурув-сурув қўй-сигирлар қаторасига оёқ чўзиб қотиб қолган, бутун теварак-атрофни сувсаб, ҳаром ўлган жониворларнинг бадбўй хиди, қўзғалмас-йитмас иссиқ чанг иси тутиб кетганди.

Фермерлар, энди ишчи ёллашга чўнтаклари дош бермас, уларнинг хатто Дан амакини ёрдамга чорлашга ҳам пуллари йўқ эди. Улар жониворларнинг оёқ чўзиб, тош қотишларига жовдираганларича қараб турар, кун бўйи ёмғир ёғишини кутишар, аммо ёмғирдан дарак йўқ эди. Нима қилиш керак? Дўконлар бўшаб қолган, бир чақа ҳам қарз бермайди, банклар пул тарқатишни тақа-тақ тўхтатган... Ҳамманинг наздида, қуйиб кулга айланган яйловларда фақат жониворларгина эмас, балки одамлар ҳам томоқлари қуриб жон таслим қилмоқда эди. Дан Мэннионни ишлатиб, маза топиб юрган хўжайинлар энди у кеча-кундуз яйловларни айланиб юрганлигидан хабардор эдилар. Қарағайлар остидаги кулбадан неча чақирим узокдаги яйловларда уни кўрганлар бор экан. Дан амаки яйловдан яйловга ўтиб юриб, жониворларнинг чанқаб ўлишларини соатлаб кузатар, қош қорайганда фонус ёқиб, кишлокдан кишлокқа ўтар, у кўтарган фонус ёруғида қалтираган оёқлари қадам ташлагани сайин майишиб-майишиб кетар эди. Унинг икки ғилдиракли замбилғалтак судраб юргангани кўрганлар ҳам бор, уларнинг айтишларича, Дан амаки ғалтакнинг ўқини ломдан ясаб олган, замбилга эса ўлган сигир ва қўйларнинг терисини жойлаб қўяркан. Қайси жонивор ўлолмай қийналаётганини кўрса, етиб бориб бўғзига тиг тортиб, ўлимини тезлатар, одамлар наздида мана шунинг ўзи ҳам жониворларга нисбатан раҳмдиллик бўлиб кўринар эди. Лекин Дан амакининг ўзи зор қақшаб жон топшираётган ҳайвонларга юраги ачиб, то кулбасига кела-келгунча қулоғи остидан сув сўраб маъраётган қўйларнинг овози кетмай, уйга кира-сола ўзини каравотга отар экан. Ухласа, то уйғонгунча тушида маъраётган жониворларнинг овозини эшитиб чиқар эмиш.

Дан Мэннион ўзи билан ўзи гаплашишни ҳам бас қилган, энди у нукул ибодат қиларди. Авайлаб, чиройликкина боғланган чекларни ҳар куни яна бир бор текислаб назардан ўтказарди. Бу пулларга у салкин дарё соҳилидан ер сотиб олиб, ферма бунёд қилмоқчи эди-я...

Тери сотишдан тушган пуллари у сандиқчага солмасди, фақат еб-ичиш ва тамакигагина сарфларди. Теридан тушиб турган пуллар ҳам оз эмас, негаки, ўлаётган жониворлар сон-саноксиз эди-да. Жониворлар ҳар куни ўлиб турибди, улар ўзларини чанқов ва очликка гирифтор қилган заминни сурув-сурув бўлиб тарк этмоқдалар. Фақат жониворларнинг бўғзига тиг тортиб улгурсанг, бас. Дан Мэннион эса, ўзини худди ўлаётган банданинг гуноҳини авф этишга келган роҳиб сингари тутиб, ҳайвонларнинг ҳали титраётган баданидан жони чиқиб олишига кўмаклашарди. Бўғзига тиг тортилган бечора жонивор тинчиб, оёқ чўзгани заҳот Даннинг қўлидаги ўтқир пичоқ яна ишга тушар, энди ҳайвонларнинг терисини баданидан ажратиш олишгина қоларди, холос. Дан амаки ўлган жониворнинг у ёғидан ўтиб, бу ёғидан ўтиб, бир пасда ишни саранжомлаб, лошни теридан чиқариб оларди. Териларнинг питирёғ томонини ичга қаратиб, авайлаб-ўраб замбилга жойлар ва кулбаси томон узок йўлга тушарди. Уйида териларни ийлаб-ошлаб, туз билан ишлов бериб, қарағайларнинг тагига босиб қўяди. Оламан деб тайёр тери излаб юрган кўнчилар кўп, улар эртасигаёқ келиб, олиб кетишади.

Дим ва бадбўй ҳавода ҳориб-чарчаб уйига етиб келган Дан амаки тунлари нафаси сиқиб, баъзан ухлаёлмай қоларди. Шундай пайтларда, териларга ишлов беришдан олдин у бир стакан сувга чой содасини аралаштириб ичиб юборар, бу – бир вақтлар онаси ўйлаб топган “дармондори”, шуни ичса дамқисмалик ўтиб кетар эмиш.

Кунларнинг бирида фермерларнинг бири тонг билан келиб, ҳовуз

кавлаб беришни илтимос қилмоқчи бўлди. Эшикни қанча қоқмасин, ич-қаридан ҳеч қандай сас-садо бўлмади. Шундан кейин қўшнилар докторга одам юборишди.

– Юраги кўтармабди, – деди кулбадан чиқиб келган доктор. – Ўлган.

Дафн маросимида черков атрофига, қишлоқ йўлларига фермерларнинг ялтираган араваю фойтунлари тўлиб кетди.

– Унинг йиққанлари эллик мингдан кам эмас дейишяпти, балки ундан ҳам кўпроқдир, – деди жаноб Поллард жаноб Коллинзга. Дан Мэннионнинг сандиқчасидаги чекларнинг анчагинаси мана шу икки жаноб томонидан имзоланган эди.

– Бунга ишонса бўлади, – деди жаноб Коллинз уй орқасидаги яйловни кўздан кечираркан. – Топган-тутганини мана шу ерларга кўмиб қўйган бўлса керак. Одатда қари одамлар пулни ҳеч кимга ишонмайдилар, ерга кўмайдилар. Хўш, вақт ҳам бўлиб қолди, мен кетишим керак. Янги йилингиз хайрли келсин!

– Раҳмат, – деди жаноб Голлард. – Сизга ҳам шуни тилайман.

*Рус тилидан  
Музаффар АҲМАД  
таржимаси*

## Ҳелл ПОРТЕР

*1911 йилда Мельбурнда туғилган. Мазкур шаҳардаги университетни тамомлаб, Австралия ва Японияда ўқитувчилик билан шуғулланади. У шеърийат, наср ва драматургия соҳаларида бирдай фаол ижод қилган. “Бир ҳовуч танга”, “Тўнқарилган хоч” каби асарлари унга омад келтиради. Ҳелл Портер 1984 йилда Австралияда вафот этган.*

### БИРИНЧИ МУҲАББАТ

Ота томондан бобомнинг миллати инглиз, ўзи ҳарбий ва бурни негов эди. У икки марта уйланган ва етти ўғил, тўрт қизга ота бўлган. Она томондан бобомнинг миллати швейцар бўлиб, бу ҳам негов бурун эди, деҳқончилик қиларди, биргина хотиндан олти ўғли, олти қизи бор эди. Шу боис мен фақат туғишган тоға ва холалардан эмас, балки почча-тоға ва келинойи-холалардан ҳам ёлчигандим. Бу жуфтликлар ҳаддан ташқари серпушт бўлгани сабабидан, болалик йилларимда атрофимда турли ёшдаги неговбурун амакилару холалар, мактанчоқ ўсмирлару вайсаки жувонлардан тортиб, дарғазаб қиролича Викторияга ўхшаб, бошига чепчиги қия кўндирилган елимшак чақалоқларгача тўлиб-тошиб ётарди. Энди менга боболарим Австралияга фақат серпуштлик ва негов бурунларнигина эмас, балки энг асосийси, шовқинни олиб келгандек туюлади. Бу ҳолда шовқиндан портлаган туйғулар, қутуриш билан, – жин урсин ҳаммасини! – биринчи даражали номуҳим масалаларни ёниб-жўшиб муҳокама қилишдан нарига ўтмаган жонланишни хаспўшлаб, баттар кучга кирарди. Барча қариндош-уруғларим, бир чақага қиммат амакимдан тортиб дунёвий холамнинг ўзигача, текин нонга навбатда тургувчи холаларимдан тортиб энг бой амакижонимгача – барчалари кулинг ўргилсин беғамликка маҳқум бўлишган. Ғирт қишлоқи онажоним эса лакка баликдай лакма эди, галма-галдан хурж қилиб турувчи ғажишлару хурсандчиликлар эпкинисида айланувчи шамол тегирмонга ўхшаб яшарди.

Мана шу шиддаткор қариндош-уруғчилик гирдобиди ёш болакай бўлмиш менинг зувалам бошқа тупроқдан олинганди. Қайсидир аждодларимдан

осонликча қайнамайдиган қон менга мерос бўлиб қолганди. Ройиш-рисолага мойиллигим шу қадар кучли эдики, уларнинг ҳамма нарсани қўл учида, чалакам-чатти бажаришидан, бор овоз билан гапиришидан, қимор ўйнашидан ва лўлича яшашдан нуқс олгандай. Босикликдан минг чақирим узоқ бундай тийиқсизлик мени бир четда туришга ва уларнинг ҳаётида иштирок этишдан кўра кўпроқ кузатишга мажбур этарди. Аммо таажжубланарлиси шундаки, менда *spirit de corps*<sup>1</sup> ҳаддан ташқари кучли эди. Лекин мен на такаббур эдим ва на олифта. Бировларнинг боғларидаги меваларни ўғирлайдиган барча қишлоқ жулдирвоқилари сингари тиззаларим ҳар доим япон иероглифларига ўхшаган жароҳатлар билан қопланган бўларди, яланг товонларим шунчалик қотиб кетгандики, лаққа кўмир чўғи устидан юрсам ҳам билинмаса керак. Мен қурбакадай сузар, ковбойдек сўқинар, аскардек чекар эдим. Бироқ бу қобилиятларим ва ёлғондакам раҳмсизлигим қатъий чекланган эди. Мен чизикдан чиқиб кетолмасдим. Оиланинг бошқа аъзолари кўнгиллари истаган нарсани қилишарди. Мен, масалан, ҳеч қачон илонларни тоғажоним Фостер ва амакиларим қилгандек ўлдирмаганман: улар илонларни қамчидек ҳавода силкитиб ўйнар эдилар. Мен таёқ ишлатардим. Бундан ташқари шу тахлитдаги эҳтиёткорликка боришдан андиша қилмасдим ва кўпинча, қариндошларимизнинг шовқинли ғала-ғовуридан жуфтақни ростлаб қолардим, мен яна тутуруқсиз анъаналарга хилоф иш тутардим. Барча қатта ва кичик амакиларимнинг итлари, одатда феълдор фокстерьерлари ёки илдам кўпаклари бўлар эди. Менинг мушугим бор эди, менга унинг нисбатан ювошлиги ва манманларча мустақиллиги итларнинг сохта кулчилигию ўчакишиб ақиллашларидан афзал кўринарди.

Кўзойнак тақишимни ва мураккаб сўзларни ишлатишга жуда ҳавасмандлигимни айтиб ўтиришим шартмикан?

Ўз қилмишлари билан фақат оилавий анъанани бузибгина қолмасдим – мен унга қарши кўринмас жойда, қалбимда исён кўтарар эдим. Жуда бўлмаганда бунинг учун мени сўкмас эдилар. Барча ўсмирлар каби бели синдирилган илон куёш ботмагунча ўлмаслигига, агар ит сўгални яласа, дархол яна бир қанчаси бўртиб чиқишига, бошмалдоқ ва кўрсаткич бармоқ оралиғидаги жойга жароҳат етса, ўша заҳоти жағлар юмилиб, киши умрбод гуног бўлиб қолишига ишонар эдим. Барча бола-бақралар билан биргаликда мен арвоҳларга, даври қиёматга ва турли эртақларга қаттиқ ишонардим. Кейин бари ўтиб кетгандек бўлди. Мантиқ тарафдори ўлароқ мен болалик йилларим учун мумкин бўлган ёки шунга мос келганидан кўпроқ вақтгача Қор бобога ишониб келдим. Мен Худога ишонмасдим, у, шунча дуою илтижоларимга қарамай, мени лақиллатганди – “Ёш техник” ускуналар тўпламига эга бўлолмадим-бўлолмадим. Мен фалақларга қарата куфрона сўзларни чинқириб айтиб, атрофдагиларнинг нақ ўтақасини ёрганман. Диндорлар учун мен чакин чакқанда ёнида туриш хатарли бўлиб қолган дарахтга айлангандим.

Куфроналикдан ҳам ғалатиноқ ва уятлиноқ нарса менинг бири биридан ғалати хатти-ҳаракатларим эди. Қариндош-уруғларимнинг найрангбозликлари ва оғзи шалоқликларидан шунақанги хузурланардимки, одатдаги индамаслигимга қарши ўлароқ, мен очилиб-сочилиб бор овозим билан қариндош-уруғларим хўжакўрсинга қўймаслик дуруст бўлган ҳолга қандай муносабатда бўлишганини айтган эдим. Швейцар амакининг қизларига туғилиш тартибига кўра Роза Бона, Аделина, Семена, Марта, Мета ва Ида деб исмлар қўйилганини кир ювувчининг жирканч ўғилларига оғзимдан гуллаб қўйгандим. Уларга бу барча исмлар охири “а” билан тугашидан ташқари ҳар гал бир ҳарфга қисқа бўлиб қолишини ҳам тушунтиргандим. Оға-иниларим мени жим бўлишга ёки бу мавзудан четланишга мажбур этолмагандан кейин бурнини танқайтириб

<sup>1</sup> Оилавий рух (франц.)

менга маънос қараб қолган эди, аммо мен тинимсиз сайрардим, бизга яна иккита хола туғиб беришмаганидан маломат қилардим – сўнгги, А исмли эртакнамо мавжудот, А холамдан ҳаммадан кўп суюнар эдим – бунинг олдида саго<sup>1</sup> дан қилинган плумпудингим ҳам ўтаверсин. Аммо бизнинг бутун оиламиз – уни ўйлаб мен оқ товба-кўк товба қилардим, – буларнинг ўрнига холаларимизнинг калта-кўтоҳ исмлари Бон, Адди, Лина, Мар, Мин-Мин ва Диллни тилга олар эди. Ҳамма нарсада тартибга ўрганган мени бу ғазаблантларди, бунда ҳеч қанақа тартибни кўрмасдим. Онамни Ида хола эмас, Долли хола деб аташганида иззат-нафсим озмунча лат емаганди. Роза Бона хола ва Аделина холанинг қайта-қайта норозиликларига қарамай, мен намойишқорона қариндош-уруғларимни калта-кўтоҳ исмлар билан атамадим. Мен оёқ тираб амакиларимни “Уот амаки”, “Гат амаки” ва “Тини амаки” деб тилга олмадим, уларга ўт очувчи қурол шарафига Уитворт, Гатлинг ва Мартини-Генри лақабларини беришганди. Ҳарбий бобомнинг қолган ўғилларининг исмлари Ланкастер, Энфилд, Снайдер ва Маузэр эди.

Гарчи бу алмисоқдан қолган исмларга нисбатан ўз муносабатим бўлса-да, юрагида ўти бор қариндошларим менга оҳанрабодек таъсир кўрсатишди. Унинг хешлари ҳатто жайрага ҳам момикдай юмшоқ туюларди. Аммо мен жайрадан ҳам ўтиб тушгандим – менинг жайра хешларим ўзимга атласдай майин, упу суртадиган момикдай юмшоқ кўринарди.

Барча тоғажонларим ва холажонларим жуда бўлмаганда битта тийиксиз ҳавасга эга эдилар ва ҳатто ҳозир ҳам, кўп йиллар сўнггида, ўзимнинг кўмсовчи етуклик йилларимда шу ҳавасларни ҳаяжон билан эслайман. Аммо, афсуски, энди мен ҳаётбахшлик ва енгилтаклик ниқоби остида турфа инсоний иллатлар: сурбетлик, нодонлик, ёлғон, исрофгарлик, хилма-хил азоб-укубатлар ва ҳатто чинакам фожиа яширинганини билардим. Барибир ҳам ўша пайтларда оғзимни очганча уларнинг ёрқин ва мароқли ишлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаб эдим. Ўзлари ва бошқалар ҳақидаги бўяб-бежаб ҳикоя қилинган бу афсоналар уларни қаҳрамонлар қилиб кўрсатар, осмони фалакка кўтарар, тасаввуримнинг минг йиллик кенгликларига машъалдек ёғду таратар эди. Бу зодагонлар кўз ўнгимда ҳисман пайдо бўлганларида мен оғзимни очишга тайёр эдим – у вақтларда ҳафсала пир бўлиш нималигини билмасдим. Вокелик тасаввур билан ялакатмағиз бўлиб кетганди. Оилада эса ўзимни Уч Доно маймундай тутардим: “ҳеч нарсани кўрмайман, ҳеч нарсани эшитмайман, ҳеч нарса гапирмайман”.

Мартини-Генри тоғамнинг ясама мўйлови, унинг ҳассаси, тўға ўрнига акула тишли соат занжири мени ўрмондаги унинг саргузаштлари ҳақидаги афсоналари ёки Уотворт тоғамнинг чирмовуқ босган трубка дўкони ёхуд Роха Бона холамнинг азбаройи йириклиги ва бўлиқлигидан еб қўйинг келувчи гулларга тўла боғидан кам ҳайратга солмасди. Мени уларнинг уйлари мафтун этарди, у ерда янги қайнатилган қулупнай мураббоси ёки мебель локи ёки парракланган лимон ёки атир ёки сут, мушуклар ва сигаралар ҳиди димоққа урарди. Ўз-ўзидан равшанки, миямнинг бир четида ўтмишдаги олис хотиралар ҳамон сақланиб қолганди ва мен Маузэр тоғам чеккан турк сигарети ҳамда Селина холамнинг мойли совуни ҳидини ҳамон эслайман, яхна чойли банкалар қандай тартиб билан териб қўйилганини ва дастаси зарҳал эски гулдон ҳам эсимда. Аделина холамнинг ширинлик солинадиган ликобчалари четларидаги юнонча бўртиқ гуллар бармоқларимга қаттиқ тегишини ҳали ҳам ҳис этаман, хонанда Мельбанинг “Қадрдон уйим маним” қўшиғи Мета холам граммофонининг шокалад рангли карнайидан қандай янграгани қулоғим остидан кетмайди.

Таассуротларимни бир жойга тўплаш учун ҳар бир ҳолатдан

<sup>1</sup> Саго – Тропик мамлакатларда ўсадиган ширали ўсимлик ва унинг меваси.

фойдаланардим. Мен ташлаб юборилган пишириклар увоклари орасидан, чойнак устидан ажойиб ибораларни териб олардим, пикниклар вақтида тутиб олинган ҳавойи табассумларни асраб қўярдим, – хуллас, ёз туганмасдек ва гўзал кўрунувчи боғдаги гуллари қийғос очилган шохлардан кучок-кучок синдириб ўғирлар эдим. Бу ўлик мавсум энди қанчалик шафқатсиз даражада чўзилиб кетарди.

Сербутоқ оилавий шажарамиздаги барча болалар сингари менинг узоқ ва яқин ака-ука ва опа-сингилларим, жумладан, ўзим ҳам, мактаб таътилини истаган жойда ўтказар эдик, фақат шовқинли ошенимиз бундан мустасно. Бизлар билан қариндошлардай саломлашишарди. Шаҳар ташқарисида яшайдиганларимиздан айримларимизни қишлоқда яшайдиган тоға ва холаларимизникига жўнатиб юборишарди, кўпол қишлоқликлар эса меҳмондорчиликка шаҳарга келар эдилар. Болалар – бу болалар эмас, қип-қизил балолар бўлишади. Ҳар бири уйга бир пулга қиммат нарсани ўмариб келарди, уларнинг қиммати – совға қилингани, холос. Эсимда, сингилларим уйга туфли тикадиган иплар, ипак калавалар, кашта кегайлари, упадон, эски кўғирчоқлар, синиқ елпиғичлар, урфдан қолган, хиди зўрға билинадиган атирларни кўтариб келишганди – уларнинг номлари эсимда қолибдими. Укаларим гоҳ-гоҳ спиртли банкага солинган калтакесакларни, бўш сигара қутисини, чақилган туяқуш тухумини, тошбақа сопли ва тиғи зада қаламтарошни, тўртбурчак теннис ракеткасини ва бирон тантанали воқеа учун Снайдер тоғамизга деб қўхна банжо ни олиб келишганди. Булар бари қақир-кукурлардан бошқа нарса эмасди, туристларнинг совғаларига ўхшарди, бегим ва таътил кунлари оралиғидаги қисқа вақтни мароқли ўтказиш учун алоҳида фусун бахш этарди.

Бу олатасирлар ичида мен қариндош-уруғлар хатти-ҳаракатини диққат билан ўрганиб борувчи одам ўзим эдим ва отнинг қашқаси бўлиб қолгандим. Снайдер тоғамнинг ўтмиши мени чалинмайдиган банжодан кўра кўпроқ қизиқтириб қолганди. Мен ҳурмат қила бошлаган жонли маъбуд ва маъбудаларнинг ўтмиши тўғрисида иложи борича кўпроқ маълумот тўплаш, қандай қилиб, қаерда ва нима учунлигини, далилларни билиш жону дилим эди.

Менга дабдалаби зиёфатлар, масонлар овқати ва мэрлар овқати таомномаси бўлган қоғозни ёки эски театр дастурлари, кўргазма ва тўй таклифномасини тақдим этганларида кўзларим кўзойнак шишасидан ҳам кучлироқ чакнаб кетган бўлса, не ажаб. 1911 йил 24 июнда Аделина холам тўйда иштирок этганида ер ўз ўқи атрофида секинроқ айланган бўлса керак. Унинг ҳозир ҳам тўйларда бўлиши тасаввуримга ёрқинлик ва теранлик бағишлайди. Менинг тиним билмас тегирмоним учун дон откриткалар эди. Чунки ўн тўққизинчи аср охири, йигирманчи аср бошида, откритка жўнатмалари ва йиғноқларининг шу асрида тоғам ва холаларим ҳали ёш эдилар, мен кўплаб тўсиқларга дуч келишга мажбур бўлгандим. Масалан, мана бу ғалати топилдикни қаранг – 1913 йил 13 февралда Шимолий Уильемстоундаги Викториа кўчасида истиқомат қилувчи тоғам Гэтлин откриткага ёзилган бир мактуб олди, унда ҳабаш қизи Топсининг суврати бор эди – бошидаги тикрайган кокилчалар чўкмор игналарига ўхшарди, юзининг қок ярми бир тилик қовунга ўхшаш катта яримой ортига яширинган, тепасида эса ёзув: “Даҳшат қанчалар яхши”. Пастда, унинг яланг оёқлари бармоқлари тагидаги ёзув “... Сент-Килда” сўзлари билан тугаган. Орқа томонига бинафшаранг сиёҳда қуйидагилар ёзилганди:

“Азизим Гэт! Орқа томондаги қораялокни бир томоша қил. Келаси шанбада соат учда бутун қайноқ гуруҳимиз “Оқ кийик”да тўпланишимизни сенга билдирмоқчиман. Бир хумордан чиқиб чакчаклашайлик!!! Эсингдан чиқмасин!!!

*Гарри”*

<sup>1</sup> Б а н ж о – ишқалаб чалинадиган торли чолғу асоби.

Мен кўплаб откриткаларни қарадим: Нил узра оқшом, Мисс Билл Берк, Мисс Зена Дейр, бахмал гуллар ёпиштирилган откриткалар, курорт пансионларининг жозибадор манзаралари акс этган откриткалар ёки қайнонанинг ғишавалари ёзилган фотосувратли откриткаларни жон-жон деб олар эдим – қизил-оқ йўл-йўл либосли футболчилар сартарошхона олдидаги устунчаларнинг ўзгинаси; арава ғилдирагидай катталиқдаги туякуш патидан қилинган шляпа кийган Селина холам; бўйнидаги боа<sup>1</sup> бўйинтуруққа ўхшайди; менга аъло тикилган костюмда, бир кўзига монокль таққан Энфилд тоғам кўринди; карточкада у қилтирик, ғилай кўзли ўсмир эди. Эгнига лорд Фаунилрайнинг а-ля бахмал костюмчасини илиб олган; Мета хола – лаббўёқсиз лаблар, яланғоч елкалар, обдон пахмайтирилган соч ва ирғиб чиққан кўзлар – сартарошхона пештахтаси ортидаги хоначаларга териб қўйилган мум ҳайкалчаларига ўхшайди.

Мен шунчалик иштиёқ ва берилиб хиралик қилишда давом этардимки, қариндош-уруғларим энди устимдан маломат қилишдан тўхтаб, ҳатто ҳаракатларимни маъқуллай бошлашди. Мени кам деганда нотариусга чиқариб қўйишганди. Баҳорги супур-сидирлардан кейин холажонларим менга даста-даста фотосувратлар юборишди; тоғаларим ноаниқ сарғиш фотосувратлар ҳавола этишди (“Мен – Леонгатдаман, 1920”), ёки қизилбурун арақхўрлар ва улар шимларининг орқа чўнтақларидан қисқичлари билан ниманидир юлқийтган қисқичбақалар тасвирланган откриткалар. Булар барчасини улар яшаб ўтилган умр ҳазиналари – катмон, суғурта қоғозлари, кўзли галстук тўғноғичи, хотинларнинг биринчи ишқий мактублари ва пачағи чиққан гултугмалар сақланган қутидан топиб олишган. Мени профессор деб аташар ва юмшоқ жойимдан шапатилаб қўйишарди. Мен туфайли шов-шувга сабаб бўладиган ва бетартиб ўтмишнинг қадимшунослик қазилмалари тоғажонларим ва холажонларим учун одатдаги эрмак бўлиб қолганди.

Аммо афсус!

Тирноқдеккина шухратимнинг чўққисида, кўринмас ўн ёшимда менким, ўз асаларим нишидан озор чеккан асаларичи фотосувратни севиб қолгандим. Мен чин юракдан, телбаларча ва бор вужудим билан ошиқ бўлиб қолгандим.

Бу фотосувратни Мета холамдан бир даста откритка билан бирга олгандим. Агар уйда ёлғиз қолмаганимда, елкам оша қарайдиган ҳеч ким бўлмаганида, мен, эҳтимол, аввал узоқ жазавага тушмаган, кейин эса ҳафсалам бутунлай пир бўлмасди. Бироқ почталъон келганида уйда бир ўзим эдим; мен совғали хатжилдни ҳеч ким йўқлигида очдим, атрофда эса Варьете қизлари тасвирланган откриткалар бор эди, ҳаваскорлар олган сувратлар – араваларда ўтирган тоғажонларим, велосипедда ёки ёнида турган мўрчамиён холажонларим – мен эсам ҳувиллаган уйда ўз тақдиримга дуч келиб ўтирибман. Уша куни, ўша онда содир бўлган воқеани эса ўзгартириб бўлмасди.

Мен бир фотосувратни кўриб қолдим. Ортимдан менга таниш палағда дунё эшиги сассиз ёпилди. Мен жаннат бўсағасида пайдо бўлдим. Олмослардан ярқираган олтин тахт энди меники бўлганди. Менинг барча хуфия севишларим ҳақиқий эмаслигини, тўқиб чиқарилганини, ҳеч нарса эмаслигини англадим. Минг жонли бўлмасин, соялардан, минг ранг-баранг бўлмасин, ичи бўш мавжудотлардан, ёлғондакам ҳуснлардан, хотинларсиз ҳарир либослардан, эркакларсиз эркак исмларидан бекорга ичим муздай бўлиб юрмаган экан. Севги билан менинг фақат “салом-хайр”лик танишлигим бўлган экан, холос.

Фотосувратда тахминан менинг ёшимдаги қиз қараб турарди. Қизалоқ кринолин кўйлақда эди ва қўлида катта жиға билан безатилган гаврон бўлганидан тусмол қилдимки, у бал учун шундай кийиниб олган ва

<sup>1</sup> Боа – бўйинбоғ ёки патли шарф.

кўйини йўқотган болалар кўшигидаги чўпон қизни ифодалаяпти. Балки, ўша чўпон қизнинг ўзи бўлса-чи? Аммо фотосувратдан буни билиб бўлмайди. Тасмалар ва атиргул ғунчаларидан ясалган суйри шляпаси бошига бироз қия кўндирилган, тирсагигача қора тўрсимон енг кийган, корсажи хоч кўринишида тармоқланган – булар бари кўнглимни ағдартўнтар қилиб юборди. Кўнглимда яна менга ноаниқ теранлик ва кенглик очиб, уни ағдартўнтар қилган нарса бу эмасди, балки киз кўзларидаги нур ва табассум эди. Табассум ва нигоҳ унинг рўпарасида турган учоёқдаги фотоаппаратга йўллангани хаёлимга ҳам келмаганди. Фотоаппарат номсиз инсон боласи қора мато остида яшириб турган гармонга ўхшарди. Йўк! Бу заифгина, ёқимли табассум менга аталганди. Бу тубсиз, аммо тийрак қора кўзлар тўғри юрагимга қараб турарди. Фикрлар айқаш-уйқаш бўлиб ётган миямга товушлар шовқини келиб урилди, олдинги барча тасаввурларни сиқиб чиқариб, улар ўрнини нотаниш бўйлар ва ҳаяжонли “Сен!” кичкириғи билан тўлдирди.

– Сен!

Қулоғимга абадият садоси чалинди.

Абадият – вақт қурбони.

Бу ёқдан абадият бошланиши ҳамон эшик томонидан онамнинг овози келди.. Учига чиққан жиноятчидай, шошмасдан фотосувратни ички чўнтагимга яширдим. Бу чўнтак менинг чап ёнимдалигини ва илоҳий чеҳра атайлаб ичкари томонга буриб қўйилганини эсладим. Унинг кўзлари мен кип-кизил чўғ, помидордай дум-думалоқ тасаввур қилган, пайпаслаганда гулҳамишабахор танасига ўхшаш бир нимадан қилинган юрагимга тик қараб турарди. Мен юзимдан нурни ҳайдадим, қартабоз ҳаракати билан елпиғич ёрдамида қолган фотосувратларни тўпладим ва онам кириб келганда ўзимни мусичаи безаволдай маъсум кўрсатиб, гапни аввал бошладим:

– Қаранг, Мета хола менга нима юборибди!

Юрагимга қараб турган илоҳа ҳақида лом-мим деганим йўк. Ўшанда ҳам чурқ этмагандим онамга, кейин ҳам. Шу тарика фотосувратни ва муҳаббатимни етти йил асраб юрдим. Етти йилгача бировга билдирмадим.

Бироқ чўнтакларим ва столим тортмасини онам тез-тез кўздан ўтказиб турганидан мен ҳушёрликни сира қўлдан бермасдим. Узим билан олиб юриш имкони бўлмагандан муҳаббатимни қай пучмоққа беркитганимни ҳозир лоақал эслаёлмайман ҳам. У билан ажрашишга, пилла қурти сақланадиган пойафзал қутисининг қоғоз қатлами остига, дазмол тахтасининг сўкилган чокига ёки мазор тошидек зил-замбил, ҳеч ким ўқимайдиган Библия ичига яширишга мажбур бўлганимда менга шундай туюлардики, у ерда қизнинг нозик табассуми шимилиб кетган, тик боқувчи тийрак кўзлари эса – уйқуда.

Сажда қилишим қолиб кетмадигина эмас, ҳатто кучаявергач, ҳайратим ошгандан-ошди, чунки мен ақл бовар қилмас тезлик билан йил сайин қиздан илгарилаб бормоқда эдим. Менда ҳаяжонли севишдан бошқа ҳамма нарса ўзгариб кетганди. Қиз эса ўзгармасди, ҳолбуки ундаги латофат энди бошқача маъно касб этганди: унинг кўзлари менга янги ҳақиқатларни ошкор этарди, унинг кўзлари қоп-қора нефть сиртидаги садаф пардадай милт-милт қиларди, айни вақтда абадият сингари ҳаракатсиз ва сирли эди.

Мен ўзгаргандим. Барча хешу таборларим ҳам. Бир қараганда уларнинг ҳаракатчанлиги, тетиклиги, жўшқин қўл ишоралари ва яшаш иштиёқлари ўзгармай қолганга ўхшарди. Бироқ синчиклаб қаралса, оҳордан номнишон қолмагани ёки қилдай ингичка ажинлар пайдо бўлгани кўринарди. Қуйдириш ўчоғида узоқ вақт тутиб турилган ликобчалар каби ёшлари улуғроқ тоғаларим ва холаларимнинг кўриниши шундан далолат берардики, улар ҳаёт ўчоғида ҳаддан ташқари узоқ қолиб кетишган. Кўзлар атрофини ажинлар қанча кўпроқ эгалласа, сочлари шунча сийраклашиб

борар ёки оқ сочлар қоплар, эни ва бўйига кенгайиб борар ёки баданлари қуриб, оёқларини сўнгги маскан – гўр тортиб кетмоқда эди, боз устига улар сергап ва шовкинли одамларга айланмоқда эди. Улар кўпроқ пештахам сўзларни айтишдан лаззатланар эдилар, нимага ва нимаданлигини ўзлари билмаган ҳолда тинимсиз қаҳ-қаҳ уриб қулардилар; дарвоқе энди бунинг аҳамияти йўқ эди. Афтидан, ҳеч ким: “Биз нимага қуляпмиз ўзи?” деб сўрашни эп билмасди ва қулги тўхтамасди. Менинг илк болалигимни илитган бу даврий ёритқичларнинг барчаси босиқ ғазабдан қизарган осмон бўйлаб ботишга яқинлашмоқда эди.

Бу сўниб бораётган ёритқичлар ичида энг шаддоди Марта холам эди. Бутун хонадоннинг каттаю кичик вакиллари аллақачондан буён уни Қувнок Бева дерди – кўплаб эр-хотин жуфтликлари орасида хийла ғалати лақаб. Мен Марта холамнинг эрини хушрўй, ёқимли, бой, истеъдодли ва ҳоказо дейишларини кўп эшитардим. Мен шундай хулосага келдимки, марҳумлар тирикларда қарийб бўлмайдиган барча фазилатларга эга бўладилар, тирикларда бундай фазилатлар бўлганда ҳам ҳаммасида эмас. Яхши фазилатларнинг мўллиги ўлим учун муқаррар шарт деб ўйлаш мумкин. Бу шундай фожиаликки, деб такрорлар эди ҳамма, у тўйдан икки ой ўтиб ўлди. У ва меҳрибон Марта, деб бир овоздан уқдирар эди ҳамма, ажойиб эр-хотин эди ва бир-бирини телбаларча севарди. Менга маълум бўлишича, Марта аввал сайру саёҳатлардан юпанч қидирар экан, кейин саёҳатлар ва мусалласга ружу қўйибди, охирида эса саёҳатлардан ҳам кўра мусалласга зўр берибди ва... шу ерда овозлар пасайди, лекин мен қулоғимни динг қилиб, барибир ҳам эшитиб қолдимки, ... ва ўзидан анча ёш йигитлар билан дон олишар экан.

Мен Марта холамни кўп кўрмасдим. У ҳар доим упа-эликларга қаттиқ бўяниб олар эди. Унинг хириллаб айтган кинояларидан илон пўст ташлар эди. Тумшукларини қимматбаҳо баданларига текиб олган тулкиларнинг башарасидан захарли кўзлар чакнаб турган унинг мўйналаридан ўткир атирлар анқир эди; майин тери қўлқоплари тагидан тилла узуклар туртиб турарди. У тилларанг филтрли кўкиштов, сариқ ва бинафшаранг сигареталар чекарди. У хонадон сулоласининг иснодига айланганди. У оила азбоси саналарди, аммо унга қандайдир ғалати иллатлари бор уй ҳайвонидек қарар эдилар. Дарвоқе, валинеъматлар ҳам муқаррар тусда валинеъматларни қаритадилар: соддадиллик ғижинишга ўтади, одатлар – сохталикка, ёқимли шўхликлар – жонга тегувчи майнавозчиликка.

Менга келганда, мен шундай паллада эдимки, бу пайтда тепадаги лаб усти тукларга мой суртилади, яъни мўйлаб сабза урган бўлади. Мен олмос буюмлардан фойдалана бошлаган эдим – менинг ота-онам учун бу афюн чекишим билан баравар эди. Мен катта ёшдагиларнинг тоифавий белгиларидан азобланардим – булар гултуғмалар ва соатлар эди; ўша қискагина вақтда мен манман, фақат ўзини аяйдиган, одамларнинг ёлғизлиги ва зерикшини ардоқлайдиган ва инсониятнинг барча асосий иллатлари униб чиқадиغان чидаб бўлмас наслига тегишли эдим.

Менинг барча иллатларим: такаббурлик, беодоблик, ифлос фикрлар ва бир чақага қимматлик фақат фотосувратлардагина кечирилар эди. Мен чидаб бўлмас даражада каттариб кетдим, мен биринчи марта шим кийдим ва онам энди: “Бу ифлос рўмолчани қачонгача тутасан?” деб кичқирганча чўнтақларимни кавламас эди.

Шу боис фотосуврат юраккинамнинг шундоқ ёнида, Ланкастер тоғам менга совға қилган саҳтиён ҳамёнимда бемалол ётаверарди. Етти йил тез-тез томоша қилганим кўзлар аввалгидек ой каби порлар эди ва аввалгидек менга пайғамбарона ҳақиқатлардан хабар берарди; табассумли лаблар ҳали-ҳануз: “Сен!” – дея пичирлаётгандек ва барча исботларни, бутун хотиржамликни, бутун донолигу бутун муҳаббатни шунга нисор этаётгандек туюларди.



Мўйлабим сабза урмаган вақтларимда ҳали олмос буюмлар онам учун тавқи лаънат тимсоли эди, қўлига ҳеч соат таққан эмасди ва зерикишдан бир кун минг кундай бўлиб кетарди – худди шу вақтда бизнинг овлок шаҳарчамизга Марта хола қадам ранжида қилиб қолганди.

Бир куни оқшомолди паллада овқатланиб ўтирганимизда телефон жиринглаб қолди. Онам столдан турди-да, телефонга чикди. Кулоғимизга унинг ҳаяжонли гаплари чалиниб турди. У гул-гул яшнаб қайтди, юзларида қизил доғлар кўринарди. “Жаҳли чикқан”, – бу доғлардан бизлар шундай тўхтамак келдик. Отам уйда йўқ эди. Онамга биз қараб турардик. Биз олтовлон унга савол назари билан тикилдик. Онам нигоҳларимизга мардона чидаб берди.

– Марта хола келибди, – деди у охири анча ноқулай оҳангда, столга ўтирмасдан. – Мана буни йўқ қилинлар. Тезда. Бўлмаса дадаларингга айтаман. Сурбет башараларингиздан мана бу сурбет ифодани йўқотинлар.

– Ойижон, ўтиринг, – бир овоздан дедик биз. – Дамингизни олинг, ойижон. Хаёлингизни бир жойга тўпланг. Қўрқманг. Кўнглингизга келган ҳамма ёмон гапларни айтинг, ойижон. Бўлмаса дадамизга биз айтамыз.

Она ҳадеганда ўтирмади.

– Бас қилинлар, – деди у. – Ҳозирок. Бўлмаса бутун уйни бошимга кўтариб қичқираман. – У нима қилишини билмагандек соатга қаради. – Марта хола Сиднейга шу ердан ўтиб кетаётган экан. “Терминус” да тунар экан.

– Э-ҳа! – деди менинг ўн етти яшарлик сингилчам. – У шунақа одамжон эканми, а? У камбағал қариндошларини кўргани келибдими?

– Йўқ, – шартта кесди она. – Оғзингга қараб гапир, хонимча. – Шундай дея бошқа қиладиган ҳеч иши қолмагандек онам жойига чўкди. – У жуда каттиқ чарчадим дейди.

– У бирам одамшавандаки...

– Ўчир! – қичқирди она. – Мартани шунақа деб ўйлашга қандай ҳаддинг сиғди... қандай ҳаддингиз сиғди, мисс? Унинг ҳаёти ўзи фожиадан иборатку... – У кўз ёши тўкишга ҳаракат қилиб кўрди-ю, бироқ бунинг ўрнига мамнун ҳолда бармоқларининг учини бугун ўрилган калта сочларига теккизиб-теккизиб қўйди. Сўнг хаёлан кийим жавонини титкилади.

– Соат неча бўлди? Бу соат олдиндами, орқадами ё тўғри юраптими? Мен бормасам бўлмайди, уни кўришим керак, ахир.

“Жуда кўргим келаяпти, – бошқачасига ўгирдик биз, – кўрмасам ўлиб қоламан”.

Тўнғич ўғил ва оила бошлиғи вакили сифатида мен онам билан кетдим.

“Терминус” меҳмонхонаси ташландик бир жой эди. Бир қанча хурмо дарахти яланғоч қиш боғи таассуроти яратган меҳмон бўлмасида Марта хола ва қандайдир йигитчадан бошқа жон асари йўқ эди. Улар чуқур чирмовуқ ўриндикларга чўккан ва кўринишларига қараганда жуда узок ўтирган эди. Улар ўртасида устига шиша ва қадахлар ҳамда виски рекламали кулдон қўйилган ҳиндча мис столча турарди, кулдон лаббўёқ излари тушган сигарета қолдиқларига тўла бўлиб, ахлат уюмидай тутиб турарди.

– Қадрдонларим! – чийилдоқ овозда деди Марта холам, ўриндикдан оғир тураркан. Сўнг паст овозда оғзининг бир чеккаси билан деди: – Ҳой тўнка, уйга хоним кирганда туриш керак.

Ҳар иккала кўзи узра битта бўлиб тортилган қоши остидан йигит холамга менга таниш бўлган нигоҳ ташлаб қўйди – шундай нигоҳлар билан мен шеър ёзаётганимда ёки тирноқларимни ғажиятганимни чет кишиларга эълон қилаётганда онамга қарар эдим. Мой суртилган, аммо хира юзли йигит қўполлик билан ўрнидан турди.

Кейин содир бўлган бор гапларни унчалик эътиборга молик деб бўлмасди.

Марта холам ғирт маст эди. Элликка кирганига қарамай, унинг қадди-

комати яхши сақланган эди. Жуда катта пул турадиган кўйлак ва туфлиси дид билан танланган эди. Унинг қорамтир сочлари тўлқин-тўлқин қилиб ўрилган эди; бўёк ва ўрим ҳам, турган гапки, озмунча чиқимни талаб этмасди.

Биз икки томон бир бўлиб, тўртлик ҳосил қилгандик, бироқ, бу оқшомда нималар содир бўлмасин, буни Марта холам билан онам хаёлларига ҳам келтиришмаганди. Йигитга қилинган биргина панд унинг нафасини ичига тушириб юборди. Холам уни бизга фалон Иван деб таништирди, аммо ўзи қарийб эр-хотинлик пичинги билан уни “И-фан” деб атади. Афтидан, тунга яқин шошмай тўшакка томон келаркан, у тўхташи ва гўё гап соябон ҳақида кетаётгандек: “Э Худойим! И-фангинам! Ановини эсдан чиқараёзибман-ку!” дейиши мумкин эди. У қанчалаб бунақа соябонларни эсидан чиқарган бўлиши керак.

Опа-сингилларнинг овозлари бирининг устидан бири босиб кетмокдади, улар тинимсиз вайсар эдилар ва нукул ва нукулгина оила ҳақида вайсар эдилар. Улар хиринглашар, ҳатто чийиллар эдилар. Уларнинг вайсашлари орасида И-фан жўнгина сўзларда мени оғир атлетика билан таништирди. Бу мен учун хитой ёрлиғи бўлган эди. Мен ҳайкалдек қотиб ўтирар эдим. У қуюқ қошларини соябондай кўзлари устига тушириб оларди-да, коньякдан урарди. Марта хола қадаҳда пайдар-пай мусаллас ичарди. Онам, “Йўк, йўк, Марта! Ортиқ бир томчи ҳам кетмайди, бўлмаса оёқда туролмай қоламан”, – деди-да, коньякдан иккинчи, учинчи ва кейин тўртинчи қадаҳни паққос урди. Менга икки стакан занжабил пивосидан тотиб кўришга руҳсат берилди, холос.

Қариндош-уруғларимиз хаётига бўлган қизиқишим йиллар ўтиши билан сўнди, Марта холам мени қизиқтирмайгина қолмади, балки малоллик, уят ва нафрат уйғотар эди. Рўпарамда ахлоқсизликнинг олий даражадаги намунаси турарди. Унинг шарти кетиб, парти қолган резинага ўхшаш юзида нимадир парпирарди, бу юз буришар, им қоқар, кулгидан тахлам-тахлам бўлиб, бир жойга тўпланар эди-ю, барибир ўлик эди. Бурилган лаблардаги лаббўёк ўртасидан ўчиб, уларнинг бинафшаранг туси очилиб қолганди. Гоҳо унинг кўзларида қора аланга порларди, аммо бу шунчаки рўё эди – кўзлар шунчаки ўйноқларди. Улар ялтироқ мовий кабоқлар остида тўхташни эп билмасди.

Булар бари менинг ўлгудек жонимга тегди ва мен ўзининг аҳволини ва вақтнинг алламаҳал бўлиб қолганини эслатиб, онамни қўрқитишга ҳаракат қилдим. Мен ҳамёнимни чиқардим-да, ёши катта эркак ҳаракати билан уни очдим. Бу ҳаракатимни кўриб, онамнинг гапи бўғзида қолди.

– Мен яна битта... – спиртли ичимликлардан биронтасининг номи эсимга келмади, – яна бир шиша сотиб олмоқчиман.

– Оббо зумраша-ей! – деди Марта холам. – Биласанми, Долл, у ҳатто кўзойнақда ҳам қулинг ўргулсин йигит бўлади. Ширинтойгинам, бисотингдаги маблағни ифлос бой холаларингга сарфламаслигинг керак.

У кўлини узатди, мендан ҳамённи тортиб олди, бошмалдоғи ва кўрсаткич бармоқлари билан бир учидан тутганча силкита бошлади. Бу эски урфдаги “қиз бола” ўйини, Лили Лэнтри усулидаги қарашмадан бошқа ҳеч нарса эмасди, аммо у менга зилзиладек таъсир кўрсатди, мен адоий тамом бўлгандим. Ҳамёндан мис стол устига менинг сирим, унсизлигим, орзум ва етти йиллик ардоғим тушиб кетган эди – бокира нигоҳ ва табассумли қизнинг фотосуврати – менинг биринчи муҳаббатимнинг табассуми.

Фотосувратни тутиб олиш, яшириш, қутқариш учун мен бутунлай яроқсиз ҳолга келгандим.

– Бунинг айғирчанинг ўзи экан-ку, Долл, – деди Марта холам, фотосувратни оларкан. – Казанова. Бу унинг муҳаббати! – кўзларини қисганча у чўзилган қўл узунлигидаги масофада тутиб, фотосувратга разм сола бошлади.

– Ким экан бу сувратдаги, биз ҳам бир кўрайлик-чи, – онам қўлини чўзди.

Бу биринчи марта ҳаёт менга гўзал бўлиб кўринишдан тўхтаган дақиқа эди.

Ҳаёт тўсатдан ва шиддат ила биз томон юзини буради ва кўзларини катта-катта очади. Барбод топиш, ҳамма нарсадан воз кечиш ва ҳеч нимага айланишдан бошқа улардан ҳеч нимани ўқиб ҳам, уқиб ҳам бўлмай қолганди. Рухий хотиржамлик – бу ёлғон, бунақаси бўлмайди. Маъбудлар йўқ бўлишга маҳкум. Ширин тушларга кирувчи жавохирот ила музайян тахтнинг чўл ўртасида ётган тошдан фарқи қолмаган. Сенинг ҳаёт йўлингга тўшалгандек бўлиб кўринган гуллар ҳечам гуллар эмас экан, қовжирок барглар экан, улар бўшлиқ ичига жазавали учиб кирар экан-да, бўшлиқда айланиб-айланиб юриб, ҳолдан тойгач, тап этиб ерга тушаркан. Шунда банда эканингни, сендан ҳеч ким тортиб ололмайдиган ягона нарса ўлим эканини биринчи марта англай экансан.

– Ким дединг? – сўради Марта холам, нафратомуз жилмайганча фотосувратга разм солар экан. – Қара, Долл. Мана бу сулувгина жинқарча кизни қара.

– Қаердан олдинг бунини? – сўради онам.

– Топиб олдим. Мен уни топиб олдим, – дедим нафрат ва ёлғондан овозим хириллаб. – Мен уни стол тортмасидан топиб олдим. Эски фотосувратлар турган жойдан. Бугун кундузи.

– Эсингдами, Долл? – сўради Марта холам, виносини охиригача симириб. – Лолли Эдвардникидаги окшом-чи? Жин урсин, илгари бўлганидек, мен энди зинҳор-базинҳор бурчак-бурчакларда қичқирмайман. Сен шунчаки Золушка эдинг. Эсингдами, Долл? Мен қанақа пари-пайкар бўлганимни И-фанга кўрсатиб қўй.

Шундай дея ичкиликдан кўзлари қизариб кетган маст хотиннинг осилган лаблари кенг очилди-да, хирилдоқ овозда хандон ташлаб қулди ва юрагимни пора-пора қилиб ташлади.

*Рус тилидан  
Амир ФАЙЗУЛЛА  
таржимаси*

## Жудо УОТЕН

1911 йилда Одессада туғилган. 1914 йилда оиласи билан Австралияга кўчиб ўтади. Мельбурн университетидан таҳсил олган адиб кейинчалик йирик жамоат арбоби даражасига етади. “Букилмас аёл”, “Олис ер” каби бир қанча асарлари унга шухрат келтиради. Жудо Уотен 1985 йилда вафот этган.

### ТИЙИҚСИЗ БОЛАЛАР

**С**ўнгги кунларда Том Сэмпсон отаси Альбертга қўп ташвиш орттирди.

– Мен Том билан очиқчасига гаплашиб олмақчиман, – деди у хотини Элленга.

– Том, барча болалар каби ғўр бола-да, – эътироз билдирди рафиқаси. – У соддадил, тўғри бола. Ҳеч кимга зиёни тегаётгани йўқ.

– Ҳа, шундай дегин! – қичқирди Альберт. – У дўстлари билан кўчани чангитиб, мотоциклда у ёқдан-бу ёққа пойга қўйиб юрганда ҳеч кимга халақит бермайди, деб ўйлайсанми! Унинг пахмоқ сочли дўстларини айтмайсанми! Уларнинг орасида биттаси бор – чамаси бир ойдан бери бетига сув тегмаган, искирт!

Хотини ошхонада куйдириб-пишириш билан овора эди. У индамай елка-

сини қисиб қўя қолди. Альберт эса ўғли билан юзма-юз гаплашиб олишни гольф ўйнаб келгандан кейинга – шанба кунига қолдирди. Альберт Сэмпсон ёши элликни қоралаб қолган омадли, уddaбурон, ишбилармонлардан эди. Унинг эс-хуши ҳафтасига бир-икки кун қатнаб турадиган гольф клубида эди.

У уйига кириб келганда, меҳмонхонада телевизор кўриб ўтирган ўғли Томга кўзи тушди. Том йигирма уч ёшли, барваста қомат, юзида кулгучи бор, қувноққина бола эди.

Илиқ окшом. Деразалар ланг очик. Қўшни уйдан телевизорда сигареталарнинг янги навини тарғиб қилаётган овоз эшитилиб турарди. Узоқдан, паст-баланд уйлар ёнидан ўтган кўчадан машиналарнинг тинимсиз шовқини кулоқни қоматга келтирарди. Юракка ваҳима солувчи бу шовқиндан қочиб кутулишнинг сира иложи йўқ. Ёшларнинг бундай шовқин-суронга парво қилмасликларидан Альберт ажабланиб, ҳайратга тушарди.

Альберт Сэмпсон ўғли Томга нигоҳини тикди, соколи қиртишланган чехрасида нафрат ва ғазаб пайдо бўлди.

– Биласанми, Том, агар сен ва ўртоқларинг мотоциклда кўча чангитиб юришни бас қилмасаларинг, ўзингга бошқа уй топишингга тўғри келади. Қўшнилари олдида гап-сўз бўлиб уятга қолишни истамайман.

– Нега бизни гап-сўз қилишаркан? – ажабланиб сўради Том.

– Ўлгудай манмансан-да. Ҳозирги ёшларнинг ҳаммаси шунақа безбет, ҳеч нарсага ақлинг етмайди.

Альберт эшик томон кетатуриб, нимадир эсига тушди-ю, ўгирилиб Томга нафрат билан тикилди.

– Гапларим ёдингдан чиқмасин!

– Хўп, яхши, сиз айтгандай бўламан! – деди ўғли.

Альберт Сэмпсон меҳмонхонадан чиқатуриб, катта ўғли Томга бу ғаройиб қаср ҳам, шинам боғ ҳам уч пулга қимматлиги ҳақида хаёл суриб борарди. Афсуски, Томнинг ўсиб-улғаяётган даври кўнгилдагидек эмасди, у ҳунар мактабида ўқиб, мотор тузатиш бўйича техник мутахассислик касбига эга бўлди. Бунинг ёмон жойи йўқ. Ҳунар – ҳунардан унар, дейдилар-ку. Альберт Сэмпсоннинг ўзи ҳам радиоприёмник ва телевизор мутахассиси. Аммо бунини қарангки, унинг ўғли оддий ишчи бўлиб қолаверди. Ишларида эса ҳеч унум йўқ, ҳуллас, яхши ҳаёт кечириш учун унда интилишнинг ўзи йўқ эди. Кўча бошидаги гаражни сотиб олишдан воз кечиши бу фирт аҳмоқлик-ку, ахир. Гаражни сотиб олиши учун отаси пул бермоқчи эди-я.

Альберт Сэмпсоннинг радиоприёмник ва телевизор савдоси гуллагандан-гуллаб бормоқда эди. Урта Шарқ ва Янги Гвинеяда ҳарбий хизматни ўтаб қайтган Сэмпсон тез орада банкка пул қўя бошлади ва Мельбурн туманидаги янги дўконга эга бўлди. Бу ердан узоқдаги тепаликларнинг гўзал кўринишини айтмайсизми! Бир пайтлар у ерлар яланглик бўлиб, унда-бунда ёлғизоёқ йўллар ва бир неча кўча бор эди, холос. Ҳозирда бу ерда бир қарич ҳам бўш жой қолмаган. Альберт Сэмпсоннинг дўкони жойлашган кўча ўз-ўзига хизмат қилиш савдо магазинига айланган. У ердан бир миль нарида турли рангдаги юзлаб уйлар саф тортган кишлоқ пайдо бўлганди. Альберт Сэмпсон тепалик устига қурилган ана шундай шинам уйлардан бирини сотиб олганди. Бу туманни баъзан “Янги Турек” деб ҳам аташарди. Унинг уйи ғаройиб усулда қурилган бўлиб, сўлим боғчаси ҳам бор эди. Шу кўчанинг бошқа уйларида истиқомат қилувчилар бу уйга ҳавас қилишарди. Улар обрўли кишилар бўлиб, бири машҳур қурувчи, бири кимёгар – ҳуллас, турди касб-корли кишилар эди. Булардан уч нафари гольф клуби аъзоси эди.

Ўғли ҳақида ўйлавериб, Сэмпсоннинг мияси ғовлаб кетди. Яқшанба кунлари ҳам барвақт туриб, нонушта қилиб оларди. Гольф клубига жўнашдан аввал унинг кечки “Геральд” газетасини ўқиб чиқиш одати бор эди.

Рафиқаси эса эридан ҳам барвақт турар, гулларга сув қуяр, сўнгра чой кўйиб, нонушта ҳозирларди.

<sup>1</sup> Тахминан 1800 метрга тенг масофа ўлчови.

- Эллен, ўғлимиз Том билан гаплашдим, – деди Сэмпсон.
- Ҳа, менга ҳам айтди.
- Ростданми?
- Яхши қилибсан, – деди Эллен.

Эллен тўладан келган, мулойим аёл эди; ҳаёт унга ниҳоятда кулиб бокқанди. Футскренлик оддий тикувчининг қизи учун орзу қилганидан ҳам зиёда бахт қуши бошига келиб қўнганди. Эрининг иши яхши кетаётган бир пайтда нега ташвишга тушиб, жиғ-биғ бўлаётганини ҳеч тушуна олмаётганди.

Альберт Сэмпсон қуймоқ ва дудланган гўштни тановул қилиб, газетани ўқиб чиқди, фарзандлари эса бирин-кетин ошхонага йиғила бошлади. Биринчи бўлиб Жек исмли ўғли кириб келди, у университетда санъат ва ҳуқуқшунослик талабаси. Яқинда йигирма ёшга тўлганди, иягида сийрак туклар кўзга ташланар, сочини пешонасига тушириб олган, бир тутам кокили энсасида осилиб турарди.

Сўнгра отасининг эрка қизи, педагогика коллежи талабаси Полин кириб келди. Гарчи у ўта замонавий кийиниб юрса-да, бу отасининг ғашини келтирмасди, қайтанга “ҳозирги қизларнинг бари шунақа” деб ўзини бепарволикка оларди.

Шу орада эгнига хаворанг куртқа, ёпишиб турган жинси шим ва оёғига мўйнали чарм этик кийиб олган Том кириб келди. Бўш стул устига у эҳтиёткорлик билан темир қалпоғини, кўзойнаги ҳамда транзистор радиоприёмнигини қўйди.

- Сен худди фильмда суратга тушиб келаётганга ўхшайсан.
- Ҳозир ҳамма мотоциклчилар шундай кийинаяпти.
- Ёввойи одамларга ўхшаб кийинасизлар. Бундан бошқа айтадиган гапим йўқ, – деди Альберт қизишиб.
- Ота-оналаримиз ҳам ўз вақтида биз кийган кийимимизни жуда ғалати дерди, – гапга қўшилди печ ёнида турган Эллен Сэмпсон.
- Эҳтимол, – деди Альберт Сэмпсон, – лекин бизнинг даврда...
- Бўлди-да, энди, – отасининг гапини бўлди талаба Жек.
- Хўп, бўлди, энди, овқатларингни енглар, – деди печ ёнидан силжимаи турган Эллен.

Альберт Сэмпсон яна газета ўқишга мук тушди, сўнг нигоҳини хотинига тикиб:

– Эсингдами, Эллен, дўконим ёнида радиоприёмник ва телевизор сотадиган дўкон очмоқчи бўлган бир йигит тўғрисида сенга айтгандим. Ўша ерни шартга сотиб олдим, – деди ва кулиб қўйди.

– Демак, рақибни ўлдирибсиз-да, – деди Жек. – Тағин “маънавият, маънавият”, деб жағ урасизлар.

– Сен университетда юксак ғояларни кўп ўқигансан, – деди ўғлининг гапини шартга бўлиб Альберт Сэмпсон. – Лекин бу сенга маънавияти тубан одамни ҳимоя қилишингга халакит бермайди. Ҳа, ҳечам халакит бермайди, шундай эмасми?

Бу сафар гапга Полин аралашди:

– Бўш келманг, дада.

– Кўрқма, бўш келмайман, – деб кулиб қўйди отаси. “Қизим қандай гўзал-а”, – ичидан ғурурланиб қўйди у, “Гўзаллар танловида у бемалол биринчиликни эгаллай олади”.

– Хўш, энди йўлга ҳам тушсак бўлади, – деди Том ва ўрнидан туриб стул устига қўйган анжомларини қўлига олди.

Оиланинг барча аъзолари мотоциклнинг тариллаб, ўт олганини эшитдилар. Томнинг мотоцикли соатига 130 милдан ортиқ тезликда юрадиган ажойиб мотоцикллардан эди.

– Охири бахайр бўлсин, – деди ота мулойимлик билан. Ўзида катта ўғлига нисбатан қандайдир меҳр хисси пайдо бўлганини ҳис этди.

- Ўғлимиз Том эҳтиёткор, – деди онаси.
- Талабалар ҳақида бундай деб бўлмайди.

Полиннинг янги дўсти Питер Бэйли ҳам талаба эди. Бир куни у кечкурун Полинни олиб кетиш учун уйларига келди. Унинг пахмоқ сочлари, соколи ўсиб кетган, юзига тушиб турарди, бўйнига эса маржон тақиб олганди.

Ёш жуфтлар кетганларидан сўнг Альберт Сэмпсон хотинига қараб:

– Тавба, мен дунёдаги ҳамма нарсани кўрганман деб юрардим, аммо Бэйли каби тасқарани биринчи бор кўриб туришим, – деди.

– Йўғ-е, нимаси тасқара, – жавобан деди хотини. – У отаси каби адвокат бўлмоқчи.

Аёлнинг назиди бу йигит қизига мос жуфт бўлиб кўринганди. Эҳтимол, йигит ҳозир бу ҳақда ўйламаётгандир ҳам. “Йигитларнинг барчаси уйланиб бўлган”, – деган фикр ўтди унинг хаёлидан.

Кўчада кетаётиб Питер Бэйли Полинга:

– Отанг жуда ғалати-я. У, ҳойнаҳой, сўнгги динозаврлардан бўлса керак, – деди танаомуз.

Қиз отасини жуда яхши кўрганидан уни ҳимоя қила бошлади. Улар театрга тушиб чиққанларида ҳам қизнинг юраги бир тутам эди. Охири иккаласи айтишиб қолди. Талабалар кечасида Питер Полинни тиббиёт факультетининг аспиранти билан таништириб қўйди. Баланд бўйли папуас Жон Майпун йигирма тўрт ёшда эди. Унинг қуюқ сочи ҳам, кўзлари ҳам қоп-қора эди, тишлари кўзни қамаштиргудек даражада оппоқ эди. Охирги йилларда у Мельбурнда яшаган эди.

– Ҳаётимда биринчи марта қатта шаҳарга келиб қолишим, – деди у.

У каучук плантациясида дунёга келган эди. Отаси каучукли ўсимликларнинг ширасини йиғарди. Жон болалигида плантация бўйлаб ўйнаб юрар ва ялангликдаги дарахтлар остига тўкилган барглари йиғарди.

– Баъзан бизникига бобом билан бувим келиб туришарди, улар ярим кўчманчи қабиладан бўлиб, худди тош асридагидек ҳаёт кечирардилар.

Полин коллежда Янги Гвинея ҳақидаги бир неча маърузаларни тинглади. У бу мамлакатга мафтун бўлиб қолди. Лекин нима учун Жон тиббиётни танлади экан?

– Болалигимда мен мактабга боришни ёқтирмасдим. Ота-онам мени му-башширлар жамияти мактабига ўқишга беришди. Яхши ўқидим. Мактабни тугатгач, менга университетга ўқишга киришимга имконият яратиб беришди. Аввалига мен “оқ” Австралия сиёсати сабабли Фижига кетиб қолдим.

– Ирқий камситилишни муҳокама қилишга вақтим йўқ менинг, – Жоннинг гапини бўлди Полин.

– Охири бу ерга келишимга рухсат беришди, – тиниб-тинчимаётганди Жон.

Кечадан кейин, хайрлашаётиб улар яна бир бор учрашишга келишиб олдилар. Жон касалхонада ишларди, шунинг учун дам олиш кунларида учрашиб туришга қарор қилишди.

– Сен бизникига боришинг керак, сени уйимдагилар билан таништирма-ман, – деди қиз бир куни унга. – Яқшанба куни бўшмисан? Тушлик пайтида кела қол.

– Яқшанба куни дейсанми? Майли, бораман.

Эртасига эргалаб коллежга кетишдан аввал у уйдагиларга бир папуас-шифокор билан танишганини, уни яқшанба куни тушликка таклиф этганини айтди.

– Нима ҳам дердик. Яхши қилибсан, – деди онаси Эллен Сэмпсон.

Ўша куни кечкурун Эллен эрига:

– Яқшанба куни Полиннинг дўсти бизникига тушликка келар экан, – деди.

– Анови театр шайдосими? – сўради Полиннинг отаси.

<sup>1</sup> Папуас – Янги Гвинея ва Меланелиянинг баъзи оролларида яшовчи тубжой аҳоли.

– Йўқ, у эмас, – жавоб қайтарди Эллен. – Қандайдир янги папуас. У шифокор эмиш.

Альберт Сэмпсоннинг дами ичига тушиб кетди. Уруш вақтида у Папуа ва Янги Гвинеяда бўлган эди. Унинг қизи ва папуас! Тавба, папуас уларнинг кўчасида сайр қилиб юрса-я... Унинг қора танлилар ҳақидаги тасаввурлари ва дўзах ҳақидаги тушунчалари аралаш-қуралаш бўлиб кетди.

– Йўқ, биз уни уйимизга киритмаймиз, – деди у шартта.

– Лекин мен келаверсин деб айтдим, – эрининг гапига эътироз билдирди Эллен.

– Ундай бўлса қизимизга ўзим айтаман. Уйдан ташқарида истаганини қилсин, аммо уйда мен хўжайинман.

Уша куни кечки овқат устида отаси қизига:

– Менга қара, Полин, мен уйимда у нусхани кўришни истамайман, – деди.

Полин саросимага тушиб қолди:

– Дада, нима учун?

– Мен нима десам, шу бўлади, – жавоб қилди отаси. – Нима сабабдан-лигини тушунтириб ўтирмайман.

– У жуда яхши йигит, – деди Полин. – Шифокор.

– Унинг кимлиги мени қизиқтирмайди, – деди отаси.

– Ахир, отажон...

Кўзи ёшга тўлган Полин жим бўлиб қолди.

Қизининг кўз ёши отасининг юрагини эзса-да:

– Дийдиё қилмай, эс-хушингни йиғиб ол, – деди қатъий.

– Ёшлар ота-онанинг гапларига кулоқ солиши керак, демоқчисиз-да, – гапга аралашди Жек.

Альберт Сэмпсон ўз сўзида қатъий туриб олиши учун айнан шу керак эди.

– Етар, бас, сенинг сафсаталаринг жонга тегди!

– Дада, ҳайронман, нимага қизишасиз? – деди Том. – Полин уни яхши йигит деб айтаяпти-ку.

– Сен ҳам шу талабаларнинг биттасисан, – деди отаси.

– Ундай бўлса мен якшанба куни нонушта қилмайман, – деди Полин аразлаб.

Хонага шундай жимлик чўқдики, Альберт Сэмпсон ўз нафасини ўзи яққол эшитиб турарди. Сўнгра эшикнинг ғийтиллаб ёпилгани эшитилди.

Альберт Сэмпсон хотинига қаради, лекин унинг юзидан ҳеч нарса ни укмади. Ота ўзини ноқулай ҳис эта бошлади. Лекин ўғилларига гинали қараб қўйди. Кечки овқатни тановул қилиб бўлгач, барчалари дастурхондан туриб кетишди.

Альберт Сэмпсон хотинининг ёнида телевизор кўриб ўтирса-да, фикрини бир ерга жамлай олмаётганди. Альберт ноқулай вазиятдан чиқиш баҳонасида ўгирилиб, хотинига гап қотди:

– Сенингча, мен ҳам қизишиб кетдимми?

– Ҳм-м-м... Ҳа, топдинг. Замон ўзгараяпти.

У суҳбатни давом эттиришни хохламади. Юрагига телевизор кўриш ҳам сиғмади. У бир оз ҳаво олгани боққа чиқиб кетди. Осмонда унда-мунда юлдузлар чарақларди. Ой сокин сузиб борарди.

Альберт Сэмпсон боғда узоқроқ ўтириб қолди. Осмонни булут қоплади. Аммо тун қоронғусида на ой, на булут кўринарди. У ўрнидан туриб, уйи томон юрди.

– Уларнинг ноғорасига ўйнамаслигим керак, – ғўлдираб қўйди у, лекин ташқаридан хотиржам кўринса-да, барибир ичини ит таталарди.

*Рус тилидан  
Назира ЖУРАЕВА  
таржимаси*

## Мэри ТЕЙЧЕН

1949 йилда Трэрелгон шаҳарчасида туғилган. Мельбурндаги университетда муסיқа санъати мутахассисилиги бўйича бакалавр даражасини олган. Адиба кўпгина пьесалар, киносценарийларга муаллифлик қилган ва бир қатор адабий мукофотлар совриндори бўлган. Унинг "Фаррошлар" номли пьесаси театр ва муסיқа танқидчилари томонидан юксак баҳоланган.

### АНГЛАШ ҲИКМАТИ

Сафар узок ва сермашаққат бўлди. Тун кўйнида елиб бораётган автофургон чанг босган, ўнқир-чўнқир қишлоқ йўлида қандай силкинса, қоп-қора асфальт йўлда ҳам ундан беш баттар силкиниб, сакрашда давом этарди.

Қиз пишган бананнинг бир чеккасини арчиди.

– Банан ейсизми?

– Нима? Эшитмаяпман!

– Банан ейсизми, деяпман?

– Еганда қандок. Фақат арчиб тозалаб берасиз-да, майлими?

Мана йўл бўйи улар ўша-ўша бир хил гапни уч маротабадан чайнаб такрорлаб келишарди.

Ҳайдовчи мойга ботган, ҳамма еридан бензин хиди анқиб турган оқ кўнғил одам эди. Йўловчи бўлмиш ўз ҳамроҳини ҳайдовчи Сиднейнинг узок чекка ўлкасидан топганди. Қиз йўлнинг четида беҳудага қўл кўтариб бир соатдан ортиқ вақт туриб қолди – машиналар эса унинг ёнидан ғизиллаганча ўтиб кетаверди. Кўпғилдиракли улкан махлуқ нафаси бўғилиб пишиллади ва қаттиқ товуш чиқариб ҳавони ютганча қизнинг ёнига келиб тўхтади – бундан қиз жуда суюниб кетди. Кабина ойнасидан ҳайдовчининг унга самимий боқиб турган юзи кўринди.

– Қаерга борасиз? Мельбурнгами?

– Ўзингиз-чи? – сергак суриштира кетди қиз.

– Мельбурнга.

– Жуда соз. Сиз билан кета қолай.

Қиз буғдойдан бўшаган қопга тартиб билан жойлаштирилган лаш-лушларини кўтарди. Ҳайдовчи энгашиди-да, унинг кўлидан қопни олди.

– Эҳтиёт бўлинг, у ерда пластинка бор!

– Хавотир олманг, кизгина, ҳаммаси жойида бўлади.

Ҳайдовчи қопни тангу тор кабинага жойлади.

Қиз зинапоя баландлигини чамалаб кўрди-да, ирғиб унга чиқиб олди ва ўзини ўриндиққа таппа ташлаб, ҳайдовчининг ёнига ўтирди. Мана фуридон ҳам боқайми-боқмайми деб имиллаганча, тошбақа юриш билан диққатни оширадиган бу йўлни забт этиш пайида жойидан кўзгалди... Қиз кўзига тушган ёрқин нурдан уйғониб кетди ва тез-тез кўзини пирпирата бошлади.

– Кўзлаган манзилингизга деярли етиб келдингиз, – деди мийиғида кулиб ҳайдовчи.

– Соат неча бўлди ўзи?

– Бир ярим. Қаерда тунамоқчисиз?

– Дўстларимникида. Менда қаердадир уларнинг манзили ёзилганди.

У қопини кавлай кетди.

– Бу ўзи қанақа пластинка?

– Дўстимга совға.

– Совға қиламан деб шуни нақ Квинсленддан кўтариб келяпсизми?

– Ҳа.

– Бундай матоҳни Мельбурндан ҳам топса бўларди, агар билсангиз.. Ўзингизга ортиқча даҳмаза орттирибсиз-да.

– Йўқ, ундай эмас, – қатъий эътироз билдирди қиз. – Мен совгани дўстимни кўрган захотим кўлига топширишим керак. Ҳайдовчи тушундим дегандек бош ирғади. Рўпарадан келаётган машинанинг чироқлари бир лаҳза қизнинг ёнбошини ёртиб юборди.



\* \* \*

Карлтон кўчалари зулмат ва сукунатга чўкканди, баҳайбат автофургоннинг мунгли инграши тор кўчада акс садо қайтарди, уйларнинг парти кетиб, шarti қолган тунука мўриларини зириллатиб ўтди ва атрофдаги барча жониворларни уйғотиб юборди.

Қиз асабийлаша бошлади.

– Мумкин бўлса, мана шу муюлишда тўхтатиб юборсангиз, уйни ўзим топиб оламан.

– Биласизми, мен сизни эшигингизнинг тагига олиб бориб қўйишим мумкин, – жавоб берди ҳайдовчи.

Бундай қараганда бари силлиққина поёнига етгандек ва қандайдир камситилгандек ҳам эди. Ўз манзилига уни қоғозга ўралган қанддек қилиб элтиб қўйган фургондан ор қилаётганини киз бирдан фахмлаб қолди.

– Овоз чиқариб хабар берайми, – суюкли ёри келганини у ахир билсин-да, а?

Ҳайдовчи шундай деди-да, айёрона мийиғида кулиб қўйди.

– Ҳожати йўқ, – гапни шартга бўлди киз ва тош йўлга сакраб тушди. Сўнг бошини кўтарди-да, хавотир ила унга бошдан-оёқ разм солди. Ҳайдовчи кулиб қўйди-да, моторни юргизди ва эшикни қарсиллатиб ёпди.

– Ҳали яна кўришиб қолармиз, дўндикча.

Сўнг металл алвасти беўхшов судралганча ўрмалаб кетди.

Қиз бир ўзи сўппайиб қолаверди.

Энди нима бўлади? Ҳаяжондан қизнинг қафтлари нам тортди, ичига худди ҳўл лой тўлгандек меъдаси зилдай бўлди. Қовоқлари керкиб, бўшашди ва оёғи остидаги қоп-қора асфальт йўл бироз силжигандек туюлди.

Қизнинг қўлидаги парча қоғозга рақами ёзилган уйдан бир маромда пластинкадан замонавий куй янгради ва хушчақчақ одамларнинг қаттиқ-қаттиқ кулгани кулокка чалинарди. Азалдан мавжуд эски, бўёқларининг ранги ўчиб, деразалари синиб тамом бўлган, икки қаватли бу уй бир-бирига ёндош уйлар қаторидан жой олганди. Болохона айвонининг қора панжарасидан бир неча одам энгашиб қаради ва улар орасида бўйнига олма уруғидан маржон осиб, қўлида бир стакан пиво тутган, нари борса, йигирма ёшдаги йигитча ҳам бор эди.

– Қопда нима бор? – хурсанд сўради йигитча.

Қиз кўзини лўқ қилди-да:

– Менинг баджаҳл ўғай онам, – тўнгина жавоб берди киз.

Йигитча мийиғида кулди.

– Юқорига олиб чик.

– Мен бир одамни излаяпман... – гап бошлади киз, бироқ гапини тугатолмади: йигитлардан бирининг кўнгли беҳузур бўлиб, болохона айвончаси тагидаги бута ғовга қайт қилиб юборди.

– Сен яхшиси уйга кир, – бақирди унга кимдир. – Бўлмаса сувга тушган мушукдек ивиб кетасан.

Болохона айвончасида қаттиқ кулги кўтарилди. Қиз таклифни миннатдорчилик билан қабул қилди, бироқ уни кутиб олишга ҳеч ким тушмади ва ним қоронғи хонада пайдо бўлиб қолганида, бу ерга гўё берухсат кириб келгандек туюлди ўзига.

Девор ёқалаб кўм-кўк шароб шишасида шамлар ёниб турарди, йўлакнинг нариги бошидаги хонада олов рангидаги ёруғликда мусиқа охангига тушаётган ярқираган рўдапо кийимлар, эски жинсилар, сарпойчанг оёқлар лип-лип ўтиб турарди, рақсга тушаётганларнинг билаклари ва тўпикларига тақилган кўнғирокчаларнинг тиниқ шиқирлашлари эшитиларди. Мусиқа шовқин-сурон овозини босиб турарди, ана кимдир пластинка устига йиқилиб тушди. Ҳазабли қийқирик янгради, сўнг унга жавобан худди шунақа бошқа ғазабли қичқирик янгради. Бир эрақ билан аёл ўзаро жиғиллаша кетди ва то бир-бирининг авра-астарларини ағдариб бўлгунча хонадаги шовқин-сурон бироз босилгандек бўлди.

Олма уруғидан бўйнига маржон осиб олган ҳалиги йигитча болохона айвонидан йўлакка тушди-да, қизнинг қопини олди.

– Кирсанг-чи, – деди йигитча.

– Мен... Тўғриси, билмайман... Ҳалиги... Мен бир одамни излаётгандим...  
Бироқ йигитча гапни охиригача эшитмаёқ ортига бурилди ва қиз истар-истамас унга эргашди.

Эшикда пайдо бўлган қиёфаларга йиғилганларнинг бари қаради. Бу на эътибор билан тикилиш эди ва на қизиқиш билан, бир қарашда, қаердадир узоқда, қўра устига жойлашиб олган кушчага ялқовлик ила кавшанаётган сигирнинг бокишига ўхшаш бефарқлик бор эди.

Даҳанаки жанг бир лаҳзагагина тўхтади, сўнг яна шиддат билан авжига чиқди.

– Сен ўзи қаердансан, дўндикча? – кичкирди кимдир.

– Квинсленддан, – ўта жиддий оҳангда жавоб берди қиз.

Бу сўзлар гўё туртки бўлди – кеча яна бирдан авжига минди: бирлари Квинсленд – полициячилар штати деса, бошқалари чўчкага ўхшаб хурхур қилганча лапанглаб югура кетди, учинчи бирлари норозилик ва исён қўшиқларини вадавангига олди.

Шу орада пластинкани тузатиб, уни яна юргизиб юборишди, бир-бирини ҳақоратларга қўмиш шиддат билан тағин авжига чиқди, кечанинг ғала-ғовури янги куч билан тунги сукунатни бузмокда эди. Кимнингдир қўли кларет шаробли шишага ёпишди ва қуйиб қизга узатди.

– Сен бу ерда нима қилиб юрибсан?

– Бир одамни излаётгандим.

– Ким экан ўша одам?

– Жон деган.

– Жон – у ёғи-чи?

– Мен... Билмадим, унинг исми шарифи нима экан? У талаба. Ижтимоий фанларни, ҳуқуқни ўрганади.

Кимдир қаттиқ хўрсиниб қўйди.

– Нима, бор-йўқ билганинг шуми?

– Ўзини кўрсам дарров танийман: у доим жинси шимда ва Америка байроғининг расми туширилган қўйлақда юради...

– Иккита қулоғи ва иккита кўзи ҳам бўлса керак? – кесатиб деди бири қизга шароб узатиб.

– Лекин у шу ерда яшайди.

– Шу ерда деганингни қандай тушунса бўлади? Шу уйда туради демоқчимисан?

– Ҳа, шундай демоқчиман. У... у ҳозир шу ердами?

– Эҳтимол, шундайдир. Тўхта-чи, мен бориб Марждан билиб келаман. У хотин шу ерда яшайди.

Йигит кетгач, қиз тумшайганча деворга ёпишиб туриб олди. Шароб илик экан. Мана йигитча ҳам қайтиб келди ва қизнинг қўлидан ушлади-да, уни камбар ошхонага судради. Марж чанок олдида туриб олиб кўкат тўғраш билан овора эди. У қизни кўриб, жилмайди.

– Энди эса, Марж, барини бошидан такрорла, – деди йигит ва чиқиб кетди.

– Демак, гап бундай, Жон деганинг шу ерда яшаган, ҳозир эса у йўқ, кўчиб кетганига бир неча ой бўлди.

– Нима... Унда ҳозир... қаерда яшайди?

– Шу яқин атрофда, бу ердан икки маҳалла нарида.

– Манзилини билмайсизми?

Марж жавонни очди ва у ердан нарса ўрайдиган қоғоз парчасини олди-да, қизга узатди.

– Жоржнинг айтишича, сиз Квинсленддан эмишсиз?

– Ҳа, тўғри.

– Жон, афтидан, оламшумул ютуқларни қўлга киритган кўринади, а? Лекин ишонч билан айта оламанки, эркак қандай бўлишидан қатъи назар, мен уни излаб бундай узоқ йўлга чиқмаган бўлардим. – Шундай дея кизарган бармоқлари билан яна нарса тўғрашга тушиб кетди. – Сиз ўзи қайси университетда ўқийсиз?

– Умуман олганда, ҳеч қайсисида. Мен ҳали мактабда ўқийман.

Маржнинг қўлларига ёпишиб қолган зиравор юқи ҳавода қотиб қолди.

– Бу нимаси, қоқиндиқ, ёшинг нечада ўзи?

– Ўн олтидаман, ҳадемай ўн еттига кираман.

– Буни қара-я, қизим, қаерда эканингни ота-онанг биладими ўзи?

– Йўқ... Жуда унчалик эмас.

Марж чироғи ёник совутгичдаги парча-парча музларни қолипдан кўчириб оларкан, аллақандай овоз қулоғига чалинди. Сўнг тўнгарилган қолипга иссиқ сув қуяётиб Марж ундан сўради:

– Ҳеч бўлмаса тунайдиған еринг борми?

Ўқувчи қиз ҳали бунинг ғамини емагани ва энди, ҳақиқий ҳаёт билан юзма-юз келганда, ўзини йўқотиб, саросимага тушиб қолганди.

– Истасанг, шу ерда тунашинг мумкин, – таклиф қилди Марж. – Бу шовқин-суронлар тонг отгунча тинадиған кўринмайди, шунинг учун сен бемалол жойлашавер, яна қаердан ҳам жой топардинг.

Эртасига, душанба куни қизни қуёш уйғотди – офтоб унинг қовокларини куйдирди, ухлашга мосланган қоп қизнинг тафтидан нам тортиб қолганди. У кўзини очди ва болохона айвонининг қовурғали қора тўсиғи орасидан бефарқлик билан турнақатор машиналарга боқди. Унинг нақ рўпарасида долчин рангидаги пиводан бўшаған шишанинг оғзи яққол кўзга ташланди, сўнг унинг ёнида кимдир ухлаётгани кўринди. Жоннинг унга жуда яқин, бу ердан бор-йўғи икки маҳалла нарида эканини ўйлаб, кўнгли тоғдек кўтарилди. Унинг кўз олдидан нималар ўтмади дейсиз: мана у, сарпойчан, сочлари шамолда тўзиган, қадимдан қолган гўзал уйлар ёнидан ўтиб келяпти... Қиз ўтирди-да, атрофда яна бир қанча ухлаб ётган одамларни кўрди. Болохона айвони одамлар гавдасини кўтаролмай ғичирларди, тоқчада эса тўнгарилган стаканлар турарди. Кимнингдир оёғи, қўли устидан эҳтиётлик билан сакраб ўтиб, қиз пастга тушди. Энди пластинка товуши пасайганди, бироқ шундай бўлса-да, у ҳали ҳам узилиб-узилиб бир маромда янграб турарди. Ошхонада ниманидир ковуришарди, бу ис очикқан қизнинг иштаҳасини қитиқлаб юборди. Қиз уйдан ситилиб чиқди-да, қуёш остида чўзилиб ётган танага сўнгги бор кўз ташлади, шунда вужудини қувонч ва ҳаяжон камраб олди. У қора чўян эшикчани оҳиста ёпди.

Жоннинг уйи каттагина экан, олдида мохирлик билан кузалган камбар майсазор ястанган ва унда-бунда яқка гуллар тиккайиб турарди.

Путури кетган эшик тўкмоғи зарби бутун уйда акс садо берди; устига-устак тумшугини эшик тагига суқишга уриниб кучукча ақиллай бошлади. Бироқ бу шовқин-суронга ҳеч ким чиқмади. Яна болғачанинг эшикка оҳиста урилган овози эшитилди ва кучукча энди зўр бериб гиламчани тирнай бошлади.

Бу гал йўлакдан оёқнинг шапиллаган товуши эшитилди ва эшик зарб билан очилди. Узун кўнғир сочли одам гавдаси кўринди.

– Салом, – деди кўнғир соч.

– Салом. Жон шу ерда турадимми?

Бошқа оғиз очишга ҳам қўймай, кўнғир соч ўғирилди-да, йўлакдан юриб кетди. Бориб қандайдир эшикни усти-устига тақиллатди.

– Бу ердан қорангни ўчир, – ичкаридан паст овоз эшитилди.

– Сени сўраб келишибди, анқов.

– Ким?

– Мен қаердан биламан?

– Бўпти, ҳозир.

Кўнғир соч эшик тагида турган қизга ўғирилди-да, бош ирғаб киришга ишора қилди. Бу ерга кириш учун хатто ҳавога ҳам махсус рухсатнома керакка ўхшайди – ҳаво етишмаганидан уй ичи димиқиб кетганди. Ҳона эшиги очилди... ва сукунат ичида момақалдиروق гумбурлагандек бўлди. Қизни чиндан ҳам танимаган Жоннинг башараси бужмайди, хижолатдан йигит пешонасига тушган сочларини силтади-да, бир томонга суриб қўйди.

– Хўш, мендан нима хизмат? – деди у қизга қараб.

Қиз бирдан жунжикиб кетди. Кўзларини ерга олди. Қия очик эшикка суянганча

Жон бир қўли билан пижама шимини тутиб турар, устига икки ўлчам кичик тўқима қалта қора камзулни ташлаб олганди.

– Ўзи сизга нима керак, яхши қиз?

Қиз шу пайтга довура қўлтиклаб турган пластинкани қўлига олди-да, индамай йигитга узатди. Йигит жилдга назар солди.

– Бу нима ўзи?

– Бу сенга.

– Бриттеннинг “Мотам куйи?”

– Бу менда йўқ дегандинг.

– Ростдан-а? – У ажабланганча қошини кўтарди. – Буни қачон айтгандим?

– Канберрадаги санъат кўриги байрамида, – жавоб берди қиз аста.

– Жин урсин! Энди эсимга тушди. Нега шуни дарров айта қолмадинг? – Йигит қўлини кизнинг елкасига қўйди-да, унинг кўзига тикилди. – Бўлмасам-чи, сени яхши эслайман. – Унинг қўлларидан ҳаётинг иликлик уфуриб турарди, бироқ овози борасида бундай деб бўлмасди. – Кир, киравер.

Эшик очилиб, қиз ёруғ бўлмаган хонага кириб келди. Деворларга осиб ташланган машҳур сиймоларнинг улкан суратлари тўғрига тикилиб турарди; уларни ёритиб турган шам ёниб тамом бўлганди. Йигит ишора билан унга қўлбола ёстиқли пастак сават курсига ўтиришни таклиф этди-да, ўзи ерга тўшалган тўшакка ўтирди.

– Шу пайтгача нима ишлар қилдинг? – сўради йигит.

– Мактабда имтиҳонларни топширдим, ўтган йили мени синфбоши этиб тайинлашди... – дея гап бошлаганди қиз, бироқ қандайдир баджаҳл ва бўғиқ аёл овози кизнинг устидан кула кетди:

– ... “Мен барча имтиҳонларни топширдим, Жонни, энди мен мактабимизнинг эркатойман...”

– Овозингни ўчир, Энн! – шивирлади Жон.

Бироқ овознинг ўчишидан дарак бўлмади:

– Вой худойим-ей, ана сизга тортиночқлигу ана сизга андиша! – Шундай дея Энн, тўшакдан бирозгина кўтарилди-да, бошини эгиб таянмакурсида ўтирган қизга тикилди. Бир неча вақт улар бир-бирларидан кўз узмай ўтиришди.

– Эркатойим Жонни, сенинг дидинг тобора ўтмаслашиб боряпти, – деди Энн сохта йиғламышраб. Жон юзини Эннинг юзига яқинлаштирди-да, ғазаб билан шивирлади:

– Мен сени танлаган эканман, демак, у ёғига йўл йўқ.

Энн қикирлаб кулди-да, уни ўпиб қўйди. Шундан сўнг Жон ўқувчи қизга қаради ва бироз хижолат тортиди. Қиз безовта бўлиб ўриндиқда типирчилай бошлади.

– Пластинка сенга ёқади деб умид қиламан.

Унинг гапи оғзида қолди ва Энн яна қикирлай кетди.

– Аминман, менга жуда ёқади – қизнинг гапини қувватлади Жон.

– Бу ўзи қанақа пластинка? – сўради бўғиқ овоз ҳеч тагига етолмай.

– Илтимос Энн, бирпас овозингни ўчириб тур.

– Ростдан ҳам, бу пластинкада нима бор ўзи? – Энди савол ўта қатъият билан қўйилганди. – Бу пластинка ахир бизда бор-ку? Устига-устак сенинг буни эшитишга тоқатинг йўқ эди. Нима деб валдираяпсан-а? Вой Худойим-эй, Жонни, сен борган сари тубанлашиб боряпсан.

Жон ирғиб ўрнидан турди-да, югуриб хонадан чиқиб кетди. Қиз ва аёл совуқ нигоҳ билан бир-бирларига еб қўйгудек қарашди. Охири қизнинг тоқати тоқ бўлди-да, шахт билан аввал қопни, сўнг пластинкани олди.

Жон эшик олдида чўнқайиб ўтирарди, тонг ёруғида йигитнинг чўкки соқоли кўринди. Йигит чека бошлади ва у симдан ясалган, эшикка таранг тортиб боғланган тўр орасидан тўғрига боққанча хаёлга чўмди.

– Қулоқ сол, – деди у ердан кўзини кўтармай ёнида турган қизга. – Ўшанда сенга айтган гапларимнинг бари ҳақиқат. Сен мени англаяпсанми? Бироқ вазият ва шунга ўхшаш бошқа алланималар бизнинг сўзларимиз маъносини ўзгартириб юбориши мумкин экан.

– Мен тушундим.

Қизнинг овозида донишмандларга хос майинлик бор эди. Қизнинг оёқлари чўнкайиб ўтириб олган жуссанинг ёнидан ўтиб, уни кўчага олиб чиқди ва шошапиша бетон йўлдан, майсазордан ва шовқин-суронли кўчадан жадал одимлаб кета бошлади. Шу тарзда у йўлида давом этаркан ажиб бир енгиллик ҳисси ва қайта қўлга киритилган эркинлик наъшаси вужудини қамраб олди.

Тор кўчадан ўтиб кетаётиб, қиз оҳиста янграётган мусиқа овозини эшитди. Тўсиқ тиркишидан мўралади ва саккиз ёшлардаги ўғил болага кўзи тушди. Болақай баланд ўтлар устида ўтириб олиб, бутун вужуди билан пластинкада янграётган куйга қулоқ соларди. Қиз эскиб зўрға турган тўсиқни қайта-қайта тақиллатди ва бола кўзини ердан узди, куй эса давом этарди. Бола ўшқириб деди:

– Ким у деворимни ураётган? – Сўнг девор оша қаради-да, чақирилмаган меҳмонга кўзи тушиб, унга синовчан тикилди.

– Салом! – деди қиз. – Қандай яхши ўйнаб ўтирибсан! Бриттен сенга ёқадими?

– Сиз бритти дедингизми? Бу анови Британиядаги бриттинми? – сўради болақай.

– Эсли бола экансан, – кулиб юборди қиз. – Менга қара, агар истасанг, шунини сенга совға қиламан?

Шундай дея қиз унга пластинкани узатди.

– Муқоваси чиройли экан, – деди болақай, пластинканинг у ёқ-бу ёғига диққат билан кўз югуртираркан.

– Сен ҳали нотани ҳам биласанми?

– Бўлмасам-чи! – мағрур туриб жавоб берди болақай. – Мен умуман олганда билимдон боламан. Жума куни имлодан аъло баҳо олдим. Бугун эса бетобман.

Қиз жилмайиб қўйди.

Тор кўчанинг сукунати тўсатдан кўча шовқини билан ўрин алмашмагунча “Ҳарбий мотам куйи”нинг тебранувчи овози қизнинг кетидан эшитилиб турди...

*Рус тилидан  
Дилдорхон АЛИЕВА  
таржимаси*



## БАЗ ЛУРМАН

Австралиялик режиссёр, сценарист, актёр ва продюссер Лурман Баз (хакикий исми Марк Энтони Лурман) 1962 йилнинг 17 сентябрь кунини Австралиянинг Сидней шаҳрида таваллуд топган.

Болалик ва ўсмирлик йилларида Лурман отаси Леонард Лурманнинг балет мактабида таҳсил олган, лекин ота-онасининг турмушлари бузилгандан кейин ўқишни ташлаган. Санъаткор бўлиш орзуси ва қизиқишлари уни Австралия миллий кинематография санъати институтига етаклаб келди. Ниҳоят, институтни муваффақиятли тамомлаб, ўзининг театр труппасини тузади. Театр жамоаси билан бир қанча опера ва мюзикллар саҳналаштириб танила бошлайди.

Шу тариқа аста-секин режиссёрлик ва актёрлик соҳасида омади чопа бошлаган Баз Лурман 1990 йили Пуччини асари асосида “Богема” операсини саҳналаштириб, чинакам шуҳрат қозонади. Ушбу спектакль йиллар ўтиб 2002 йилда Нью-Йорк бродвейида ҳам қайта саҳналаштирилади.

Баз Лурманнинг театр соҳасидаги изланишлари уни кейинчалик кино оламига ҳам олиб кирди. 1980 йилларда у бир нечта фильмларда суратга тушди. Жумладан, “Орзуларимиз киши” (1981й.), “Қоронғу хона” (1982й.) фильмлари у иштирок этган илк фильмлар эди. Актёрлик ҳамда режиссёрлик соҳасида бир мунча тажриба орттирган Баз Лурман илк бора, 1992 йили “Қатъий қоида асосида” номли фильмга режиссёрлик қилади. Шундан сўнг у кетма-кет фильмлар ярата бошлайди. Лурман ўзининг барча фильмларини саҳналаштирувчи расм Кэтрин Мартин билан ҳамкорликда суратга олган. Коллежда ўқиб юрган пайтларидан бир-бирини яхши таниган ва тушунган бу икки ижодкор ўз изланишлари ва имкониятлари билан ҳаммиша бир-бирларини тўлдириб келганлар ва биргаликда 1996 йили “Bazmark” Inc.” кинокомпаниясини ташкил қилганлар. 1997 йилнинг 26 январидан улар турмуш куришади, бир ўғил ва бир қизнинг ота-онаси бўлишади.

2004 йилда Chanel модалар уйи учун Голливуд киноюлдузи Николь Кидман иштирокида “Chanel №5” реклама ролигини суратга олиб, кенг мутахассислар эътиборига тушади.

Баз Лурман нуфузли танлов ва маросимларда доим иштирок этибгина қолмасдан, ташкилий ишларда ҳам фаол қатнашади. 81- “Оскар” киномаросими дастур-сценарийсига муаллифлик қилади. Режиссёрнинг ижодий салоҳияти у яратган сценарийлар савиясида намоён бўлади. 2001 йили суратга олинган “Мулен Руж” фильм мюзикли Америка киноакадемиясининг икки мукофотига сазовор бўлган. Бош ролларни шотландиялик актёр Юэн Макгрегор ва австралиялик актриса Никол Кидман ўйнаган. Фильмда барча кўшиқларни актёрларнинг ўзлари ижро этишган. Фильм ёш ва камбағал шоир йигит Кристиан ҳақида бўлиб, унинг Сатин исмли “Мулен Руж” юлдузи, актриса ва енгилтак аёлни севиб қолиши, тушунмовчилик, алдовлар оламида ўтказган кунлари тасвирланади. Сатин чиройли ва дилкаш суҳбатдошлиги билан барчани ўзига ром этибгина қолмасдан кўзлаган мақсадига эришадиган қиз. Фильмда маккорлик, ўз манфаати йўлида ёлғонлар ичида адашган қизнинг оғир қисмати турли бўёқларда намоён этилади. Инсонийликнинг бойликдан устунлиги, бойлик ўткинчи экани ва ниҳоят соғлиқнинг нақадар бебаҳолиги тасвирланади. Фильм томошабинга табассум улашган ҳолда чуқур мулоҳазага чорлайди.

Мазкур фильм “Оскар”да нақ етти номинация бўйича мукофотларни қўлга киритган.

Баз Лурман “Мулен Руж” фильмининг суратга ола бошлаганида отаси тўсатдан оламдан ўтади, режиссёр ушбу фильмининг отаси хотирасига бағишлайди.

Режиссёрнинг 2008 йили суратга олган “Австралия” номли фильми ҳам қатта шуҳрат қозонади. Унда актёрлар Николь Кидман ва Хью Жекманлар ижросининг бетакрорлиги ҳар бир лавҳаларда акс этади. Фильмда зодагон аёл Леди Сара Эшлининг эри вафотидан кейинги тақдири тасвирланади. Эрининг васияти билан Сарага қатта ферма мерос қолади. Ана шу мерос туфайли аёлни бошидан кечирган яхши

ёмон кунлари таъсирли сахналарда ўз аксини топади. Фильм “Энг яхши либос дизайни” номинацияси бўйича 2009 йили Оскар мукофоти ғолиби, деб топилади. Бу эса режиссёрга янада баланд чўққиларни забт этишига туртки беради.


2011 йилнинг февралдан 2012 йилгача Лурман Фицджеральд романи асосида “Буюк Гэтсби” фильмини 3Д форматда суратга олади. Фильмда Голливуднинг машҳур киноюлдузларидан Леонардо Ди Каприо, Кэри Маллиган, Тоби Магуайр ва Айла Фишерлар суратга тушганлар. Фильмга Болливуд қироли Амитабх Баччан – Мейер Вольфшейм эпизодик роли учун таклиф қилинади. Асар мелодрама жанрида бўлиб, томошабинни бир зум ҳам зериктирмайди. Фильмнинг ҳар бир лавҳасида алоҳида дид билан ёндашилган режиссёрлик топилмаларини кўриш мумкин. Либосларнинг моҳирона танлангани, мусиқаларнинг таъсир кучи томошабиннинг диққатини жамлайди. Фильмни оператор Саймон Дагган режиссёр талаби даражасида жозибадор қилиб суратга олган.

Леонардо Ди Каприо ижросидаги Жей Гэтсби томошабинни хатти-ҳаракатлари, кўз қарашларидаги сирлилиқ билан махлиё қилади. Режиссёр актёр танлаш маҳорати, либос, грим ва бетакрор кадрлар яратиш орқали томошабинни фильм воқеалари иштирокчисига айлантиради.

2013 йилги Канада кинофестивали Баз Лурманнинг “Буюк Гэтсби” фильми билан очилади. Фильм қисқа муддат ичида мутахассис ва томошабинлар эътиборига тушиб, дунёнинг жуда кўп давлатларида намойиш этилади.

Баз Лурман ҳозирда турмуш ўртоғи билан ижодий ҳамкорликда янги фильмлар устида ишламоқда.

*Матлуба ИСОҚОВА  
тайёрлади*



## МЕЛ ГИБСОН

Кино инсон онги-шуури, қалб-вужудига қадар етиб борувчи, таъсир кўлами, жозибадорлиги билан санъатлар ичида етакчи соҳа, десак муболаға бўлмас. Акс ҳолда, шоир шеъри, ҳофиз куйию мусаввир мўйқаламида бўй кўрсатган ОЗОДЛИК Мел Гибсон талқинида этимизни жунжиқтириб, вужудимизни титратмаган бўларми эди. Биттагина сўздан истаганча нидо, алам, қасос, журъат нишонасини топиш мумкин. Актёрнинг санъаткор сифатидаги буюклиги ҳам, маҳорати ҳам шунда. “Шерюрак” фильмини ўйлайман. Инсониятни йўлга отлантирган фильм.

Ҳар бир инсонга хос эрк истаги – замону макон танламас истак. Уильям Уоллес – бош қахрамон – ҳаёт учун, озодлик учун курашади. Ҳаракатларда, нигоҳларда истакларнинг бари намоён. Унинг бутун умри эрк учун курашдан иборат. Ҳаёт эса унинг устидан тинимсиз кулади... Шотланд ўғлони Уильям Уоллес ҳаёлимга келар экан, беихтиёр мўғул истилосига қарши курашган ўзбек саркардаси, қахрамон Темур Малик, Жалолоддин Мангуберди каби мард аждодлар кўз ўнгимда гавдаланади. Ҳа, бу қахрамонларнинг бари ШЕРЮРАК!

Фильмда 1280 йилдаги воқеалар тасвирланади. Орани етти асрлик масофа, кайфият, ҳолат ажратиб туради. XIII аср одамиани тушуниш, унинг қалбидагиларни ҳис қилиш актёрдан ҳам, режиссёрдан ҳам, сценарийнависдан ҳам алоҳида маҳорат кутади. “Шерюрак” фильми мана, орадани йигирма йилга яқин вақт ўтиб, ўзи ахтарган мухлисни топдими-йўқми? Бош мақсад, ғояни қай тарзда етказа олди?

Саволлар ўз-ўзидан жавоби билан: ўн номинация бўйича Оскар мукофотиغا номзод фильм шундан беш йўналишда муваффақиятга эришди – “Энг яхши фильм”, “Энг яхши режиссёрлик иши”, “Энг яхши грим”, операторлик иши ва овоз эффектлари. Шу билан Мел Гибсон ҳам “озодлик куйчиси” сифатида кино тарихида қолди.

Ваҳоланки, Мел Гибсон кинога тасодифан кириб келган санъаткордир. У бошқалар сингари болалигидан актёр бўлишни, киноэкранлар юзини безашни орзуям қилмаган. Болаликдаги орзулари ўзи каби, болалиги каби самимий эди. Бекарор ўсмир гоҳ журналист, гоҳ роҳиб, гоҳ эса дурадгор уста бўлишни орзу қиларди. Келажак олдидаги ўйлари, режалари шу тахлит ўзгараверди, янгиладан-верди, алмашаверди. То опасининг кўзи кўчадаги эълонга тушмагунича! Эълонда ёзилишича, Сидней театри 18-20 ёшлардаги йигит-қизларнинг актёрлик иқтидорини синаб кўриш учун имтиҳонга чорлаётган экан. На ота-онаси ва на бўлажак актёрга билдирмай, опа укасининг хужжатларини театрга топшириб келди. Кўп ўтмай, ҳеч нимадан беҳабар Мел синов имтиҳонларига чақирув хати олди. Не бўлди-ю, имтиҳонлардан осонликча ўтиб, Австралия театр санъати миллий институтига қабул қилинди! Аслида, ҳали ундаги қобилият юзага чикмаган, ўзи ҳам ўзидаги имкониятларни тўла пайқаб етмаганди. Йўқса, санъат-у кинога бегона бир йигитчанинг институтига осонликча кириши, устозлар эътирофига сазовор бўлиши... мумкинми эди? Ўсмирлик даври кўпинча полиция маҳкамаларида ўтган бўлса, сахна маданияти дарсларига қатнашмай, вақтини студия яқинидаги барда, ресторанларда, кизлар билан дискотекаларда ялло қилиб ўтказган бўлса, Гибсон шу билими, кўрган-кечирганлари билан санъат оламига кирсинми? Тўғри, ўртоқлари Ҳолливудда суратга тушиш орзуси билан яшаган кезлари у машина таъмирлаш устaxonаларида ишлаган, “ишласанг қулдай ишла, юрсанг беқдай юр” деган сўзлар ўша пайтлардаёқ Мел учун шиорга айланиб қолганди...

Австралия номини дунёга танитаётган актёр асли 1956 йилнинг 3 май куни Нью-Йоркда туғилади. Отаси темир йўлчи, онаси опера кўшиқчиси эди. Оила бошлиғи оғир ҳалокатга учраб, ишсиз қолганидан сўнг, ҳаммалари Австралиядagi қариндошларининг ёнига кўчиб кетади. Одамлар, одатда, ҳар қанча қайғуда бўлмасин, ҳаётдан ҳар қанча зерикмасин, болалиги ҳақида гап кетганда, ўша кезларни ёрқин бўёқлар билан хотирлашни хуш кўрадилар. Бироқ Мел Гибсон деган актёр бу борадаги саволларни бошқача қабул қилади: у ўзи ҳақида гапиришни хохламайди. Бир гал у: “Оиламдан миннатдорман, ота-онам мени вояга етказишди, уларни хурмат қиламан” – деганди “The New York Times” газетасига интервью бераркан, сўнг эса тўсагдан “Фильмларимни кўринг! Шунинг ўзи етарли! Утмиш ҳаётим билан эса ишингиз бўлмасин!”, қўшимча қилди. Актёрнинг бошқаларга берилмаган бир буюк имкони борки, у хотираларида яшагани каби, кинода ҳам яшайди, хотираларни бир муддат яна жонлантиради. Жумладан, унинг хотиралари “Юзсиз одам” фильмида ўз аксини топади. Гибсоннинг таъкидича ҳам, у мазкур кинода ЎЗИни ўйнади, болалиги, ўсмирлиги, ҳаёти кинотасмада муҳрланди. Фильмга айланган хотиралар ўчмайди, шамолларда созурилиб кетмайди. Фильмга айланган ана шу хотиралар актёрга шухрат ҳам, давлат ҳам келтирди. Бироқ, унинг излагани бошқа, кутгани бошқа эди. Гарчи актёрлик дебютини 1977 йилдаги “Жазирама ёз” фильми билан бошлаган, бирин-кетин “Тим”, “Галлиполи”, “Телба Макс” кинокартиналарида суратга тушган ва икки бор мамлакатнинг “Сэмми” мукофотиغا лойиқ топилган, бу пайтга келиб Ҳолливуддан тинимсиз таклифлар тушаётган бўлса-да, барибир у ўзига аталган симфониянинг бошқача янграшини истарди.

“Кўнглингиз тўлмаса ўзингиз суратга олинг” деган машҳур гап бор кино оламида. Ҳа, энди Мел Гибсоннинг роллар билангина кифояланишдан кўнгли тўлмади. У пластилинга ўхшаб, режиссёр қай шаклга солса, шунга кўниб кетавермасди. Энди унинг ўзи “шакллар яшаш”га интилди. Режиссёр сифатидаги фаолиятини у 1993 йили “Юзсиз одам” кинокартинаси билан бошлади. Ундан сўнг “Шерюрак” (1995), “Исо эҳтирослари” (2004), “Қойилмақом ваҳшийлар” (2004-2005), “Қиёмат коим” (2006) фильмлари дунё юзини кўрди, “Оскар” ва “Олтин глобус” каби юксак мукофотларга сазовор бўлди. Мел Гибсон фильмлари инсоннинг ички



олами ҳақида ҳикоя қилади. У асосли воқеалар, лаҳзалар ичида юзага келадиган воқеликларни севади, шуларга интилади. Киноасарлар эса ақл ва кўнгил кечинмаларидан яралгандагина асосли бўлади.

Режиссёр Гибсон умри бўйи ана шу ақидага содиқ бўлиб келаётир. “Тасмага муҳрланган фильмларнинг бари ҳам абадиятга дахлдорми? Инсонлар қалбида уларнинг акси борми?” Мел Гибсон мана шу саволлар атрофида ўйланар экан, катта-катта ҳақиқатларни одамларга айтгиси келади. У ҳар бир фильмга, кино асарга тирик мавжудот дея қарайди, унинг келажаги, табиати ва ахлоқи тўғрисида фикр юритади.

Актёр сифатида унинг салоҳияти ва маҳоратининг энг гуллаган паллалари 1990-2002 йилларга тўғри келади. Кўпгина характерли, салмоқли роллари мана шу даврда яратилган. “Симга кўниб турган куш”, “Ҳалок қилувчи курул”, “Қасос”, “Ватанпарвар”, “Жанг йўли”, “Ҳамлет”, “Ҳаётнинг хавфли йиллари”, “Саховат” каби фильмлар шулар жумласидан. У фильмлари, роллари орқали инсонни жўмард ва жўшқин, ҳақиқатпарвар бўлишга чорлайди. Аблаҳ кимсаларга нисбатан муро-сасиз, кескин муносабатда бўлишга чакиради. У кино оламига довулдай кириб келган эди, хануз чакмоқдай яшамокда.

Мел Гибсон учун инсоннинг кимлиги эмас, қандайлиги муҳим. У илк бор тиш доктори бўлмиш Робин Мур хонимни учратганида ҳам, аёлнинг феъл-атвори, ички оламини ёқтириб қолганди. Иккиси узоқ йиллар турмуш куриб, етти фарзанднинг ота-онаси бўлишди. Бирок йиллар ўтиб, оиладаги муҳаббат, ишонч ва вафо замирида порлаб келган бахт учқунлари сўниб, оила мустаҳкамлигига дарз кета бошлади. Мелнинг – рафиқасидан, рафиқасининг – Мелдан кўнгли қолди. Актёр энди кечинмаларию фикрлари ўзига мос келадиган бир актрисага ошиқ бўлиб қолганди. Кейин у Оксана билан турмуш курди. Фарзанд кўришди, лекин бу галги муҳаббат деб ўйлаганлари ҳам ҳою хавас бўлиб чиқди... Мел хануз ниманидир кидиради, излаганини шароб ва кинодангина топади, холос...

Тасодифлар – сира тасодиф эмас. Мел Гибсоннинг ҳам кино оламига кириб келиши тасодиф эмас. У иштирок этган ва яратган фильмлари бугун ҳам шуҳрат қозонмоқда, дунё экранларини забт этмоқда. Бу пайтга келиб Гибсоннинг ўзи ҳам Ҳолливуднинг рамзига айланиб улгурди. Америка кино саноатининг пешқадам вакилларида бири бўлган Гибсон шу тариқа ўзининг ранг-баранг роллари билан жаҳон санъатига муносиб ҳисса қўшишга қодир истеъдод эканлигини исбот қилди. Бинобарин, кино мухлислари уни экранда янги-янги қаҳрамонлар, мард инсонлар сиймосида кўришга ҳамон иштиёқманд.

*Севара АЛИЖОНОВА,  
Барно ЖАМОЛУДДИНОВА*





## ШАЙХ МУЗАФФАР ЎЗАК АЛ-ХИЛВАТИЙ

### ИНСОН ҚАЛБИ – ҚАДАХ, МУҲАББАТ – ШАРОБ

Тасаввуф олимининг Америкада  
қилган суҳбатлари

#### ТАСАВВУФ

Бу дунёда инсонлар ўзгариши мумкин, аммо ҳақиқат ўзгармайди. Улар ҳақиқатни эгаллаб, фақат ўзлариники қилиб олишни истайдилар. Ҳолбуки, ҳақиқатни эгаллаб, яъни унга эгалик қилиб бўлмайди.

Тасаввуф йўли – инсон билан Аллоҳ орасидаги тўсиқни бартараф этиш йўлидир. Мақсади – Худога эътиқодни ошириш. Инсон билан унинг Парвардигори орасига ғов солиш эмас.

Сўфий, дарвеш бўлиш – бошқаларга хизмат қилиш, мададкор бўлиш демак. Фақат тоат-ибодат қилишнинг ўзигина кифоя қилмайди. Ҳақиқий дарвеш йиқилганларни суяйди, йиғлаганларнинг кўз ёшини артади, бевабечора, етим-есирларнинг ғамини ейди.

Ҳар бир одам тийнатида турфа хил истеъдод яширин бўлади. Бировлар кўли билан, бировлар тили билан, бировлар дуо-илтижоси билан, яна бировлар маблағи, пули билан кўмаклашади. Бу дунёда ҳар кимсанинг мустақил йўли бор, аммо у қандай бўлмасин, бу йўл мураккаб, машаққатли йўлдир.

Бизнинг шахсий вазифаларимиз ягона бирликка етаклайди. Ягона, битта ҳақиқат мавжуд. Аммо минг йилларнинг маънавий, диний тажрибасини инкор этиш не ҳолат? Минг йиллар бўйи давом этган изланишлар, машаққатлар, адашишлар эвазига қўлга киритилган ҳақиқий ҳикмат бор.

Энг катта хатолик – чала-ярим ишониш. У ҳақиқий эътиқоддан чалғитади. Чала-ярим шифокорга ишониб даволаниш – хатарли. Чала-ярим ҳукмдор – золим мустабид дегани. Кўплар эътиқоднинг жинкўчаларида адашиб, диний низолар туфайли жанг қилишади. Улар еб тўймас нафслари ортидан югуриб, суяк талашган итларга ўхшайдилар. Нажот битта – ҳаммамизнинг ғам-ташвишимизни чекувчи ягона Яратувчини ҳамиша эсда тутиш. Ягона Аллоҳни қанча кўп эсласак, шунча камроқ жанг қиламиз.

Шайх-сўфий – шифокор, шогирд – мисоли юраги хаста бемор. Шогирд

---

*Бу китоб Туркияда машҳур, Ғарб мамлакатларида катта обрў-эътибор қозонган йирик тасаввуф олими, Шайх Музаффар Узак Ал-Хилватийнинг америкалик талабалар ва мухлислар ҳузурида қилган сўнги маърузалари, суҳбатлари баёни бўлиб, уларни таниқли психолог, доктор Роберт Фрейжер қаламга олган.*

*Инсон қалби – қадах, муҳаббат – шароб, дейди Шайх Музаффар. У саховат, эътиқод, ўз-ўзини англаш, итоат, ишқ, сабру бардош каби тушунчаларни теран, сўфиёна талқин этади.*

шайх олдида даво истаб келади. Чинакам шайх унга парҳез буюриб, зарур дори-дармонларни тайинлайди. Шогирд шайхнинг айтганларини адо этса, шифо топади. Адо этмаса, ҳалок бўлади. Шифокорнинг айтганига юрмаган беморнинг охири хароб бўлиши маълум-ку. Шайх ва унинг шогирдлари ўртасидаги муносабатни тоқ новдаси билан узум бошига ўхшатиш мумкин. Шайх узум бошини унинг ҳаёт манбаи – тоқ новдасига туташтиради.

Бу алоқани англаш ниҳоятда муҳим. Бу бамисоли электр чироқларини электр тоқидек гап... Чироқлар кўп, аммо ёруғлик манбаи битта. Баъзи шайхларда кучланиш 20 вольтга, баъзиларида 100 вольтга етади, лекин униси ҳам, буниси ҳам ўша-ўша электр...

Кўз – кўнгил кўзгуси. Шайх шогирдлари кўзига боқиб, уларни ўзига жазб этади. Шайхнинг назарида руҳоний қудрат мужассам.

Биринчи босқич – ихлос. Илк қадамдаёқ шогирднинг шайхга ихлоси. Бу нарса унинг шайхга итоатида акс этади. Ана шу итоат натижасида кибру ҳаво камтаринликка, қаҳру ғазаб меҳру шафқатга айланади. Биринчи қадам – катта қадам.

Серҳашам тўн кийиб, кўркам салла бойлаганларнинг ҳаммаси ҳам шайх бўлавермайди. Аммо Худонинг хоҳиши билан ҳақиқий шайхга дуч келаркансиз, биринчи қадамнинг итоат бўлмоғи даркор.

Ғарбда урф бўлганидек, саволлар бериб, шубҳа-гумонларга бориб ҳам ҳақиқатга етишмоқ мумкин. Ахир, кўр-кўрона итоат этиш ақлдан эмас. Шунинг учун бошдан оқ синчиклаб қараш, излаш, фикру мушоҳада юриштиш, шубҳа-гумонлар тарқалиб, саволларга жавоб олингандан сўнг шайхга эргашган маъқул.

Шайхга ишонмаслик, унинг айтганларини шубҳа-гумон остига олиш, анъанага кўра ўта одобсизлик ҳисобланади. Бироқ имон-этиқоднинг равшан ва мустаҳкам айланишига хизмат қилувчи саволларни истаганча беришингиз мумкин.

Иброҳим алайҳиссалом сўради: “Худойим, ўликларни нечук тирилтирасан?” Парвардигор жавоб берди: “Иброҳим, менга ишонмайсанми? Бирор шубҳа-гумоннинг борми?” Иброҳим деди: “Худойим, мен сенга ишонаман. Юрагимда нима борлиги сенга аён. Фақат ўз кўзим билан кўрмоқчи эдим, холос”.

Сизни имон-этиқодга етакловчи тўртта йўл бор. Биринчиси – билиш йўли. Масалан, кимдир олдингизга келиб, сиз ҳеч қачон эшитмаган нарсалар ҳақида гапиради. Дейлик, мен мамлакатингиз ҳақида кўп марталаб эшитдим, аммо ҳеч қачон кўрмаганман. Мана, ниҳоят, самолётга ўтирдим-да, масофалар ошдим, сўнгра иллюминатордан боқиб, илк бор юртингизни томоша қилдим. Кўриб, ишончимга ишонч қўшилди. Шу ерда яшаб туриб, ишончим янада мустаҳкамланди. Энди сўнги босқичда ишончим узил-кесил ва қатъий тус олмағи учун мен шу мамлакатнинг бир қисмига айланмоғим керак.

Имон-ишончга тўртта босқич орқали ўтилади:

- билиш;
- кўриш;
- унинг ҳузурини ҳозир бўлиш;
- унинг бир қисмига айланиш.

Шубҳа-гумонга бориш яхши, бироқ унинг гирдобиди қолиш ёмон. Шубҳа-гумон сизни ҳақиқатга етаклайди, аммо унинг доирасида қолиб кетманг. Гоҳо энг ўткир ақл ҳам алдаб қўйиши мумкин. Баъзида шундай ҳолатлар бўладики, кўз кўрмайди, қулоқ эшитмайди, ақлу хушнинг эса оддий нарсага ҳам фаҳму фаросати етмайди.

Иброҳим қавми бутларга сиғинарди. Иброҳим Худони топмоқчи бўлади. Кўкдаги ёруғ юлдузга боқиб, “Шу – менинг Худойим!” дейди. Кейин осмонда ой кўринади. У юлдузга нисбатан йирикроқ ва ёруғроқ эди. Иброҳим ойга боқиб, “Шу – менинг Худойим!” дейди. Кейин куёш чиқиб, ой ҳам, юлдузлар

ҳам кўринмай қолади. Иброҳим “Шу – менинг Худойим, У – катта!” дейди. Қош қорайиб, қуёш ботади. Иброҳим дейди: “Нарсаларни ўзгартириб, яна уни ўз ўрнига қўювчи – менинг Худойим! Ана шу ўзгаришларнинг ортида тургувчи – менинг Худойим!..”

Кўряспизми, Иброҳим пайғамбар қадам-бақадам йўл босиб, бутпарастликдан ҳақиқий Худога имон келтиришга етишди. У ўз қавмини ёлғондан халос этди.

Сиз ҳам кўпликнинг бирлигига етиша оласиз. Фақат бир нарсани ҳамиша эсда тутиш лозим. Бизнинг тубан “мен”лигимиз бўлмиш нафс билан юксак “мен”лигимиз бўлмиш руҳ ўртасида ҳамиша кураш кетади. Бу кураш умр бўйи давом этади. Моҳият – ким кимга дарс беришида. Яъни, ким устозу ким шогирд? Агар руҳ устоз бўлса-ю, нафс ундан сабоқ олса, сиз ҳақиқатга этасиз, унга иқрор бўласиз. Борди-ю, нафс устоз бўлиб, руҳ унинг тарбиясида бўлса, ҳақиқатга етолмайсиз, уни инкор этасиз.

\* \* \*

Дейдиларки, шайх ҳеч қачон султоннинг меҳмони бўлмайди. Шайх султон хузурига борганда ҳам султон унинг меҳмони бўлади. Негаки, шайх султон хузурига унга таълим бериш, насиҳат этиш учун боради. Инчунин, шайх бойлик, шон-шухрат, ҳокимият васвасасидан йироқ бўлмоғи даркор.

Неча йиллар муқаддам Усманийлар салтанатининг султони жарроҳийлар сулуқининг йиғинларига қатнаб, шайхнинг нутқи, дарвешларнинг зикри самосини ёқтириб қолади. Орадан икки ойча вақт ўтади. Султон шайхга дейди: “Ҳар гал меҳмонинг бўлсам, қалбим завқу шавққа тўлади. Сенга ҳам, дарвешларингга ҳам эҳтиромим баланд. Марҳамат, тила тилагингни”.

Эътибор қилинг, дунёдаги энг буюк ҳукмдорлардан бири шундай деб турибди.

Шайх унга жавобан: “Ҳа, султоним, сендан бир тилагим бор. Бизнинг остонага энди қадам босма”, дейди.

Султон бу гапдан хайрон бўлиб сўрайди:

“Бирор ножўя иш қилиб қўйдимми? Мен сўфийлик одобу коидасини билмайман. Хатога йўл қўйган бўлсам, узр”.

“Йўқ-йўқ, – дейди шайх, – сен хатога йўл қўймадинг. Масала сенда эмас, менинг дарвешларимда. Сенинг ташрифингга қадар улар холис, беғараз туриб, Аллоҳга ҳамду сано, пайғамбарларга саловот айтишарди. Энди ибодат қилишаркан, Худога ҳамд айтиб, сени ўйлашади. Сенга манзур бўлишни, манзур бўлиб, давлатингдан баҳраманд бўлишни исташади. Хуллас, масала сенда эмас, бизда. Ёлғиз тилагим, бизнинг хонақоҳдан қадамингни уз...”

Бир гал султон ўзининг аъёну ақоибирлари қуршовида Истанбул кўчаларидан ўтиб борарди. Халойиқ ёпирилиб кўчага чиққан, барча султонга эгилиб таъзим бажо келтирар, фақат жулдур кийинган дарвешгина бир четда пинагини бузмай, бепарво қараб турарди.

Султон отини тўхтатиб, анави дарвешни хузуримга олиб келинглар, деб буюради. Дарвешни султонга рўпара қилишади. Султон ундан, нега эгилиб салом бермадинг, деб сўрайди.

“Бошқалар эгилиб салом бераверсин, – дейди дарвеш. – Уларга сенинг олтинларинг, тожу тахтинг керак. Худога шукурки, мен у нарсаларга муҳтож эмасман. Менинг назаримда улар – сариқ чақа... Нечук сенга таъзим қилайки, ўзинг ҳар куни менинг икки қулимга таъзим қилсан”.

Бу гапни эшитган халойиқ қалқиб тушди. Султон қаҳру ғазабдан кўкариб:

– Ҳой, нималар деяпсан?! – деб кичқирди. – Ким экан ўша кулларинг?

– Менинг кулларим – сенинг ҳукмдорларинг: ғазаб ва очкўзлик, – дея хотиржам жавоб берди дарвеш...

Султон ҳақиқатга тан бериб, дарвеш олдида бош эгади.

\* \* \*

Парвардигор дейди: “Мен икки оламга сиғмайман, аммо бир мўминнинг қалбига сиғаман”. Чинданам, Аллоҳ ва унинг қудрати чексиз, У биргина мўмин қалбини эмас, жумла инсонлар қалбини қамраб олишга қодир. Биз – Унинг бир заррасимиз. У – бўлинмас, яхлит, бир бутун. Инсоният – Унинг яратгани.

Қалбимизда Худо зуҳур этаркан, сабаб, биз – Унинг ноиблари, вакиллари-миз. Биз – Унинг ифодаси, кўзларга ташланувчи тимсолимиз. Шу боисдан, Унинг ҳиммати бир инсоннинг нияти ва амалларида, Унинг шафқати бошқа бир инсоннинг сиймосида, Унинг марҳамати яна бир инсоннинг кифоасида намоён бўлади.

Биз Аллоҳнинг чексиз моҳиятини англаб етолмаймиз. Унинг чексиз сифат ва хислатларини англаб етишга яқинлашмоғимиз мумкин. Тасаввуф таълимоти ана шу илоҳий хислатларни инсондан излашга даъват этади.

Тангри таоло дейди: “Бандаларим Мени қандай тасаввур этсалар, Мени ўша ҳолда топадилар”. Бу, сиз агар Худони дарахт ёки тоғ деб тасаввур этсангиз, у дарахт ёки тоғ бўлиб кўринади, дегани эмас. Сиз агар Худони марҳаматли ва меҳрибон ёхуд бошқача тасаввур этсангиз, У ўша ҳолида ҳузурингизда ҳозир у нозирдир.

Тасаввуф барча илоҳий хислатлар ҳақида сўзлашга руҳсат беради. Сўфий итоат мақомига етгач, савол беришдан тўхтади. Биласизки, ҳамма ёқда электр қуввати мавжуд. Аммо сизда бор-йўғи учта чирок ёнади, холос. Сиз фақат ўшаларни кўрасиз... Гапнинг индаллоси шуки, сиз ўзингизни англашингиз лозим. Бу – масаланинг ибтидоси ва ҳамма нарсанинг мезони. Сиз ўзингизни англаш орқали ўзингизда баъзи илоҳий аломатларни кашф этасиз. Фақат ўзни билиш орқали уларни излаб топасиз. Ўзингиздан ташқарида ҳеч нарса тополмайсиз.

*Нарса йўқким, хорижи олам эрур,  
Ҳар не истарсан, ўзингда жам эрур...*

(Мавлоно Жалолиддин Румий)

Яратилган ҳар не мавжудот борким, барчаси Аллоҳнинг намоишидир. Ер юзининг айрим қисмларига Куёшдан кўпроқ нур тушганидек, айрим инсонларнинг илоҳий нурдан насибаси кўпроқ бўлади. Пайғамбарлар илоҳий нурга йўғрилиб, нурдек порлаб турадилар. Илоҳий хислатлар бизда қанчалар зуҳур этади – ҳамма гап шунда. Турли инсонларда турлича илоҳий нишонларни кўраимиз.

## МУҲАББАТ

Худо, бу – муҳаббат демак. Сўфийлик йўли – муҳаббат йўли. Севгини сўз билан ифодалаш мушкул. Бу асални ҳеч қачон тотиб кўрмаган кишига асални таърифлашдек гап.

Севиш – ҳамма нарсада поклик ва гўзалликни кўриш дегани. Бу – мунтазам мукаммаллашиш, ҳамма ёқда Худонинг неъматини, унинг марҳаматига дуч келиш дегани. Бу – Яратганнинг саховати учун унга чин юракдан шукроналар айтиш дегани. Бу – Аллоҳ муҳаббати йўлида биринчи қадам, севиш навниҳоли. Вақти келиб, у чинакам дарахтга айланиб, мева туга бошлади. Унинг мевасидан тотиб кўрганлар ҳақиқий муҳаббат нима эканлигини тушунадилар. Фақат, севган кимса севмаган кимсага бу туйғуни тушунтириб бериши қийин.

Муҳаббат – ширин оғрик, тотли азоб. Уни юракда ҳис этганларга асрор, яъни сиру синоатлар эшиги очилур. Улар кўрадиларки, бор нарса – Ҳақиқат ва ҳамма нарса Ҳақиқатга етаклайди. Ҳақиқатдан бўлак ҳеч нарса йўқ. Инсонлар буни англагач, Ҳаққа бош эгадилар ва Ҳақиқат денгизига ғарқ бўладилар.

Сиз қанчалар севманг ва севгингиз нақадар буюк бўлмасин, у илоҳий муҳаббатнинг бир заррасидир, холос. Эркак билан аёл ўртасидаги севги – Илоҳий муҳаббатнинг мўъжаз бир ҳиссаси.

Энг муҳими – юракда турфа шаклларга кирувчи ана шу муҳаббат туйғусининг тўлқин уриши. Яна муҳими – сизни севсинлар. Севиш осон, севилмоқ қийин. Агар севсангиз, бир кун эмас-бир кун мақсадга, юракдан севган маҳбубингизга етишасиз.

Сиз кўпинча Парвардигор неъматини унинг хизматкорлари қўлидан оласиз. Илоҳий ишқ одамлар орасида ўзини шу тариқа намоеън этади.

Шайх – соқий, дарвеш – қадах, муҳаббат – шароб. Соқий қадахни шаробга тўлдиради. Бу – қисқа йўл. Муҳаббатни бировнинг қўлидан оласиз...

\* \* \*

Бир гал биров мендан сўраб қолди: дарвешнинг шайхга муҳаббати дунёвий муҳаббатга мисол бўла оладими? Шайх билан дарвеш ўртасидаги робитани тушуниш учун сиз фақат бу дунёни эмас, Охиратни ҳам ўйлашингиз керак.

Йўқ, дарвешнинг шайхга муҳаббати дунёвий муҳаббатга мисол бўлолмайди.

Муҳаббатнинг буюк бир намунаси Юсуф алайҳиссалом билан Пати-фарнинг хотини Зулайҳо ўртасидаги муносабатдир. Дейдиларки, Юсуф алайҳиссалом пайғамбарлар ичида энг чиройлиси экан. Зулайҳо уни бир кўришдаёқ севиб қолган.

Зулайҳо ҳамма нарсани ана шу севгига қурбон қилган: бойлик-бисотию обрў-эътиборию мақому мартабасигача. У шу қадар мафтун бўлганки, мен Юсуфни кўрдим, деб у ҳақда бир-икки оғиз сўзлаган кимсага қимматбаҳо тақинчоқларини тухфа қилган. Миср аслзодалари уни кўп мазах қилганлар: эрлик хотин уялмай-нетмай, ўз эрининг қулига кўнгил қўйибди ва ҳоказо ғийбатлар...

Қолбуки, бу ерда теран ҳақиқат яширин. Бу одатий севги эмас эди. Бундай севгида ғайритабиий, ҳаттоки номашрўф бир қудрат мужассам. У сизни шундай аҳволга соладикки, ўзингизни унутиб қўясиз. У сизни жамиятда ҳукмрон бўлган конун ва чекловлардан ташқарига етаклайди. У сизни Ҳақиқатга бошлайди.

Кўплаб амалдорларнинг аҳли аёллари Зулайҳони ғийбат қилишади. Зулайҳо уларни зиёфатга чорлайди. Ҳар бирининг олдига мева-чева билан пичоқ қўяди. Кейин Юсуфни чақиради. Юсуф эшикдан кираркан, аёллар унинг хуснига маҳлиё бўлиб, мева эмас, ўз бармоқларини кесишади. Зулайҳо дейди: “Кўрдингизми? Энди ҳам ғийбат қиласизми?..”

Йиллар ўтади, Юсуф ва Зулайҳонинг жамиятдаги мақоми ўзгаради. Юсуф Фиръавннинг дўстига, давлатнинг олий амалдорига айланади. Бадном бўлган Зулайҳони эри уйдан кувади. У бировларга чўрилик қилиб, хайру садақа сўраб, аранг кун кечиради.

Шундай кунларнинг бирида Юсуф Зулайҳони кўчада учратиб қолади. Юсуф эгнида серҳашам тўн, остида чиройли тулпор, навкарлар, мулозимлар қуршовида кўчада келар, Зулайҳо жулдур кийинган, йиллар машаққати туфайли юзи, манглайи ажинга тўлган, хароб аҳволда эди.

Юсуф унга боқиб, дейди: “Эй Зулайҳо, илгари менга тегмоқчи бўлганингда, мен йўқ дегандим. Энди сен эрсиз аёлсан, мен қул эмасман. Истасанг, сенга уйланай?”

Зулайҳо унга тикилиб қарайди, кўзларида ўт чакнайди. “Йўқ! – дейди у қатъий оҳангда, – Сенга бўлган буюк муҳаббатим мен ва Маҳбубим орасида парда эди. Мен ўша пардани юлкиб отдим ва Маҳбубимга етишдим. Энди сенинг севгингга зор эмасман”.

Юсуфга бўлган буюк муҳаббати туфайли Зулайҳо моҳиятни – Муҳаббат булогини топди.

Истанбулда гўзал Боязид масжиди бор. Жоме қурилиб, битгандан буён

унинг остонасидан шайх-сўфийлар, дарвешларнинг қадами узилмайди.

Мамлакат султони шайх Жамол Хилватийни масжиднинг очилиш маросимига таклиф этиб, ундан дуо сўрайди. Маросимда султон билан баробар олий амалдорлар, олиму уламолар ҳозир бўлишади. Усманийлар давлатининг амиру умаролари оёққа туришади.

Шайх улуғвор мажлис ҳузурида амри маъруф қилиш учун минбарга чиқаркан, бир соддадил киши жойидан сакраб туриб, унга хитоб қилади: “Ё ҳазратим, – дейди у, – эшагим йўқолиб қолди. Бу ерда бутун шаҳар жамулжам. Сўраб кўринг-чи, эшагимни кўрган бормикан?”

Шайх унга жавобан: “Ўтир. Эшагингни топиб бераман”, – дейди. Сўнг мажлис аҳлига юзланиб: “Эй халойиқ, – дейди, – орангизда ҳеч қачон севмаган, севги не эканлигини билмаган бирор кимса борми?”

Бошда ҳамма сукут сақлайди, кейин бирин-кетин уч киши ўрнидан туради. “Мен ҳеч қачон ҳеч кимни севмаганман, севги нималигини билмайман” – дейди биринчиси. Қолган иккитаси “Бизда ҳам шу аҳвол” – дея бош кимиради. Шунда шайх эшагини йўқотган кимсага қараб: “Сен битта эшак йўқотгансан. Мана, қаршингда учта эшак!” – дейди...

Ҳатто эшак ҳам тоза, барра ўтни яхши кўради. Инсон қалби чинакам муҳаббат туйғуси ила лиммо-лим тўларкан, у фаришта даражасига кўтарилди.

## ДАРВЕШЛАРГА ТАЪЛИМ

Буюк сўфий, авлиё Иброҳим Адҳам (Аллоҳ уни раҳмат айласин) Балх юртининг султони эди. Боқий дунё саодати деб фойи дунё тожу тахтидан воз кечди.

Бу нарса бизнинг янглиш ҳолатимизни тасдиқлайди. Бизнинг тасаввуримизда шундоқки, гўё биз ўзимиз излаймиз ва топамиз. Аслида ундоқ эмас. Бизни Худо излайди, чорлайди, биз ўз қурби даражамизга мувофиқ унга жавоб берамиз. Баъзида Унинг чорловига шу ондаёқ жавоб қилмаймиз. Ўйлаб кўрамиз, мушоҳада юритамиз.

Иброҳим Адҳам-да ўйлаган, мушоҳада юритган. У дарвеш бўлиб, ўзлигини ва Худони топишни истар, бунинг учун кўп нарсани қурбон қилишга тўғри келар эди. Бунинг учун тожу тахт, салтанатдан кечиши лозим эди. У таклиф олган, Тангри уни чорлар, аммо у “Худойим, мен шу ерда, ҳузурингдаман!” дейишга тайёр эмас эди.

Сиз айтишингиз лозим бўлган бор-йўқ гап ҳам мана шу: “Мен шу ерда, Сенинг фармонингдаман, Парвардигорим!” дейиш, тамом-вассалом.

Худони эслаш – сўфийлар таълимотининг асосий ўғитларидан бири. Бу – “Мен – ҳузурингдаман” деган гап. Иброҳим Адҳам Худони ҳали бу йўсинда эсламас, аммо Аллоҳ уни ҳузурига чорлар эди.

Бир гал қоқ ярим кеча ҳашаматли саройида шоҳи ипакларга бурканиб ухлар экан, кўнглида бир ҳолат пайдо бўлиб, тўсатдан уйғониб кетади. “Мен кетишим керак, – дейди у ўз-ўзига, – кетишим, тарк этишим”. Шу онда сарой тоmidан тақир-туқур овозлар эшитилади. “Ҳой, ким у? – қичкиради у дарчани очиб. – Томда нима қиясизлар?” Томдагилар жавоб беришади: “Ер ҳайдаяпмиз!” Иброҳим Адҳам ажабланиб, сўрайди: “Бу нима деганинг? Томда ҳам ер ҳайдайди киши?” Томдагилар унга дейди: “Сен шоҳи ипакларга ўраниб, Худони изляяпсан-ку! Биз томда ер ҳайдасак, нима бўпти?”

Сиз маълум куч-ғайрат сарфлашингиз, машаққат чекишингиз даркор. Худо сизга сиздан кўра яқинроқ. Парвардигори олам демиш: “Сиз билан Менинг ўртамда етмиш минг парда бор, аммо Мен билан сизнинг орангизда ҳеч нарса йўқ. Мен сизга сиздан кўра яқинроқман”.

Худо ҳақида ана шу йўсинда ўйламасангиз, бутун оламни излаб ҳам уни

тополмайсиз. Рус фазогири космик кема иллюминаторидан фазога кўз тикиб, уни ахтаргани каби. “О, мен у ерда Худони кўрмадим” деган эди у. Ҳолбуки, Худони у ўзидан излаб топиши керак эди.

Шундоқ ёнгинагда турган нарсани кўриш қийин. Негаки, у жудаям яқин-да. Шунингдек, жуда узоқда турган нарсани ҳам кўролмайсан. Бир кичкина балиқча катта балиқ олдига сузиб келиб: “Менга айтишдики, шу атрофда океан бор эмиш. Илтимос, менга океанни кўрсат”, дейди. Катта балиқ жавоб беради: “Океанни кўрмоқчи бўлсанг, сувдан ташқарига чиқ”. Балки ҳақиқатни кўриш учун ундан узоқлашиш керакдир? Эҳтимол, ўшанда Ҳақиқат, Аллоҳ қаршингизда ҳозир бўлар... Аммо ҳақиқатдан бўлак ҳеч нарса йўқ. Уни кўриш учун ундан узоқлашолмаймиз. Балиқ ҳам океанни кўриш учун сувдан чиқолмайди.

Парвардигори олам дейдики, мен сизга бўйин томирингиздан ҳам яқинман... У сизга шунчалар яқин. У сизнинг қалбингизда ва атрофингизда. Сиз – мисоли денгизда балиқсиз. То ўзини кўрсатмагунча, Худони кўролмайсиз. У сизга ўзини кўрсатади, аммо бошқаларга кўрингани каби эмас. Шу сабабли тассуротингизни тўлиқ айтиб беролмайсиз...

Осмонлар ва Ерни қуршаган Худо мўминнинг қалбини макон тутати, Худо юракда яшайди. Қобилиятингиз, имкониятингиз қадрича, сизга ўз жамолини кўрсатади. Бу жараён ҳар кимда ҳар хил кечади.

Бир куни Иброҳим Адҳам далага чиқиб, дам олмоқчи бўлади. Мулозимлар унинг олдига дастурхон ёзишади. Шунда осмондан бир қарға учиб келиб, бир бўлак нонни илиб қочади. Султон навкарларига қаргани таъқиб этишни буюради. Навкарлар от суриб, таъқиб этишади. Қарға учиб-учиб, бир дарахтга етиб, чангалидаги нонни дарахтга чамбарчас боғланган одамнинг оғзига тутати...

Навкарлар воқеани султонга етказишади. Султон ҳалиги жойга келиб, қўлоғи боғлиқ одамдан сўрайди: “Кимсан? Нима бўлди? Нега бу ахволдасан?”

“Мен бир савдогарман, – дейди ҳалиги одам, – қароқчилар бор-будимни шилиб, ўзимни ана шу дарахтга бойлаб кетишди. Ҳар куни бир қарға овқат келтириб, оғзимга тутати. Чанқасам, бошимда булут пайдо бўлиб, устимга ёмғир ёғади”.

Ибн Арабий, Худо раҳмат айласин, буюк шайх-сўфий, Тунисда саёҳат қилиб, бир художўй балиқчига дуч келади. У хароб бир қулбада яшар, ҳар куни балиқ овлаб, бева-бечораларга тарқатар, ўзига бир балиқ бошини қолдириб, ундан таом тайёрлар эди. Балиқчи бошда дарвеш бўлиб, Ибн Арабий тарбиясини олгач, шайх даражасига етишиб, бошқаларга таълим бера бошлайди. Бир шогирди Испанияга кетаётганини эшитиб, Ибн Арабийга учраб, сўра, менга панд-насихат айласин, дейди. Сабаби, ўзининг руҳонийлик даражоти бир ерда туриб қолганини ҳис этар, шундан изтироб чекар эди.

Ҳалиги дарвеш Ибн Арабийнинг манзилни излаб топади. Топади-ю, бокиб, хайратга тушади. Уй эмас, баланд тепалик устида қаср эмиш. Дарвеш юраги ҳапқириб, қасрга томон йўл олади. Йўл бўйлаб икки томонда ястанган ораста боғлар, гўзал далаларни, пода-пода бўлиб ўтлаб юрган мол-сигирлар, қўй-қўзиларни кўради. Учраган одамлар унга, буларнинг ҳаммаси Ибн Арабийники, дейишади. Шундай бадавлат кимса қандай қилиб шайх-сўфий бўларкин, деган хаёлга боради дарвеш.

Қаср ичкарисига қадам босиб, баттар хайратга тушади. У ердаги бойлик ва ҳашамат ақлни шоширади. Деворлар мрамрдан, оёқ остида анвойи гиламлар, шоҳи либослар кийган хизматкорлар... Дарвеш, Ибн Арабий қайда, деб сўрайди. Унга Ибн Арабий Халифа ҳузурда, ҳали замон қайтади, деб жавоб беришади. Кўп ўтмай, йўлда суворийлар кўринади. Олдинда, учқур арабий отларда Халифанинг қурол-яроғлари қуёш нурида ярқираган хос соқчилари, улар ортидан серҳашам ипак тўн кийиб, симобий салла ўраган Ибн Арабий.



Дарвеш Ибн Арабий хонасига кириши билан хушсуврат хизматкорлар, чиройли жориялар унга қаҳваю ширинликлар тутишади. Дарвеш мезбонга ўз шайхининг илтимосини етказди.

“Устозингга айт, дунё молига кўнгил бермасин”, – дейди Ибн Арабий. Бу сўзни эшитган дарвеш ичдан ранжиб, хафа бўлади.

Дарвеш уйга қайтгач, шайх ундан: “Ибн Арабий билан учрашдингми?” деб сўрайди.

“Учрашдим”, – дейди дарвеш истар-истамай.

“Хўш, у нима деди? Менга қандай маслаҳат берди?”

Дарвеш Ибн Арабий сўзини такрорлашни истамайди. Ахир, ҳашаматли касрда яшаётган дарвеш умри хароб бир кулбада кечаётган шайхга шундок насиҳат этиши жоизми? Бироқ балиқчи қистайвергач, дарвеш бор гапни айтиб беради. Балиқчи хўнграб йиғлайди.

“Ўзи бойлик, ҳашамат ичида яшайди-ку, нечук сиздек бир фақирга дунё молига кўнгил бермагил, деб насиҳат қилади?!” – кичкиради дарвеш алам билан.

“Ибн Арабий ҳақ, – дейди балиқчи. – У молу давлатини сираям ўйламайди. Мен эсам ҳар оқшом балиқ бошига кўз тикиб, қанийди, шу бир бутун балиқ бўлсайди, деб орзу қиламан...”

\* \* \*

Ҳар бир пайғамбарнинг Оллоҳ белгилаган ўзига хос вазифаси бўлади. Исо алайҳиссалом шахсий ибрати билан молу мулкка кўнгил бермаслик, дунё неъматларидан воз кечиш қанчалар муҳим эканлигини кўрсатиши лозим эди.

Сиз подшо бўлсангиз, сиздан норози бўлгувчи фуқаролар топилади. Мусо алайҳиссалом бир гал Яратганга шикоят қилади: “Худойим, мен сени деб жон қуйдираман, аммо одамлар мени сўқишади”.

Худо жавоб беради: “Мусо, сен бор-йўғи жону тандан иборат бандамсан. Мен инсонларни йўқдан бор қилиб, ризқу насиба бердим. Аммо улар менга қарши исён қилишади!”

Мана, не сабабдан Худо ўзини инсонлар кўзидан ниҳон, кўпчиликдан яширин тутати (Гарчи орамизда Уни кўриб тургувчилар ҳам йўқ эмас). Тасаввур қилинг, Худони худди пайғамбарларни кўргандек кўриш насиб этса, нима бўларди? Ҳамма баробар ташланардик: “Эй Худойим, менинг фарзандим йўқ!.. Эй Худойим, менинг пулим йўқ!.. Эй Худойим, мени ишдан ҳайдашди!..” Баъзилар кичкиради: “Эй Худойим, адолатинг бўлса, кўрсат!..” ва ҳоказолар.

Ҳикоятга қайтайлик. Биласизми, инсонлар иродаси жуда чекланган. “Мен излайман ва мен топаман”, деб ўзингизни алдаманг... Иброҳим Адҳамни Ҳақиқат чорлади. Аммо у сабоқни томда ер ҳайдаган одамдан, дарахтга бойланган бандига овқат ташиган қарғадан олди. Ана шундай ишоратларни сиз ҳам кўришингиз мумкин. Қараш кифоя қилмайди, кўриш даркор. Эшитиш камлик қилади, англамоқ лозим.

Ниҳоят, Иброҳим Адҳам саройни тарк этиб, “Ҳайё-хуйт” деб йўлга тушади. Йўлда бир чўпонга дуч келади. Чўпоннинг кийими абгор, бироқ кўнгли обод эди. Султоннинг, аксинча, эғнида шоҳона тўн, кўнгли бенаво, вайрон эди. У ҳали Ҳаққа етишмаган эди.

Иброҳим Адҳам чўпонга, кийимларни алмаштирайлик, дейди. Чўпон рози бўлади. У бунинг ипак тўнини, бу унинг жулдур чопонини кияди. Шундай қилиб, султон дунёдан воз кечади. Унинг салтанати, давлати, ҳокимияти, подшолик мақомию шоҳона либослари – барчаси парда эди, у билан Худо ўртасида парда. У ҳаммасидан – юқоридаги мавқеи ва мақомидан, бойлигидан кечиб, шоҳона либосларини эғнидан ечиб, нарига улоқтиради. Албатта, бу нарсалардан кечиши учун дастлаб уларга эга бўлиши лозим эди.

У Худо буюрган йўлга юради. Иброҳим Адҳам Ҳақиқат султони, шайх ва

устози томон йўл олади. Шайхнинг назорати остида энг буюк жангга – ўзи билан ўзи курашга тушади. Шайх унга ўз ўтмишининг маъносизлигини англаб етиши учун дунё кезишни амр этади.

Шайхнинг дарвешларга таълим беришида ўзига хос усули бор эдиким, уни китоб мутолаасига қиёслаш мумкин эди. Китоб ўқиганда дастлаб маълум нарсаларни англайсиз. Такрор ўқиб, янги маъноларни кашф этасиз. Учинчи бор ўқийсиз ва яна ўқишда давом этасиз. Шайх Иброҳим Адҳамга ўзининг ўтмиш китобини ўқишга буюради, токи уни юксак даражада мушоҳада этгай.

Энг буюк китоб, бу – дунё ва ундаги ҳаёт. Бу китобни такрор-такрор ўқинг. Сизнинг кечмишингиз – ана шу китобнинг бир неча саҳифаси. Такрор ўқиб, унинг қанчалар ўзгарганини кўрасиз ва ўзингизни топасиз. Бу шундоқ буюк китобки, бир чеккаси ерда, иккинчи чеккаси осмоннинг энг юксак буржига бориб туташиди.

Хуллас, Иброҳим Адҳам кишининг аёзли, совуқ бир окшомида Балхга қайтади. Ўзи курган қатга масжиди жомеда хуфтон намозини ўқийди. Хуфтон намози қуёш ботгач, бир соат кейин, икки ярим соат давомида ўқилади. Ибодатдан сўнг одамлар уй-уйларига тарқалиб, севган ёрлари кўзларига термулиб, уларнинг зулфи райҳоналарини хидлашади. Исломда хотин-халаж, бола-чақани севиш ҳам – ибодат, тақводорлик саналади.

Улуғ анбиёю авлиёлар тунги ибодатларга кўп вақт ажратиб, Худога ҳамду сано айтганлар. Иброҳим Адҳам жомеда хуфтон намозини адо этгач, қаёққа боришини билмайди. Кейин ўз-ўзига дейди: “Бу ер – Худонинг уйи. Бу масжидни ўзим бино қилиб, эшигини ҳаммага тенг қилиб очганман. Бир бурчакда ўлтириб, дам олсам, фикру муруқаба этсам, зиён қилмас”.

Ичкарига масжид қоровули киради. Яқинда ўғри тушиб, масжиднинг бир гиламини ўғирлаб кетган эди. У бурчакда ўлтирган собиқ подшо, эндиги дарвешни кўриб, қичқиради:

“Ҳой, муттаҳам! Бир гиламни ўғирлаб, энди иккинчисини ўмармоқчимисан?”

У Иброҳим Адҳамни оёғидан тутиб, мармар зинадан пастга судрайди. Дарвешнинг боши бирин-кетин юз пиллапоёга урилади. Боши ҳар урилганда Иброҳим Адҳам Худога шукрона айтади. Сўнгги пиллапоёга етганда, “Эҳ, нега шу зинани баландроқ қилиб ясатмадим?” деб афсус чекади.

Иброҳим Адҳам Худонинг азму иродасига бош эгади ва шу боисдан ҳар лаҳза дарду изтироб чекаркан, маънавий мақоми юксалиб боради. У илгариги ҳаёт тарзидан кечиб, бу дунёнинг алам-қайғусини хис этади.

Хуллас, юксак маънавиятга эга бўлай десангиз, бу дунёнинг алам-қайғусидан бир улуш чекишингизга тўғри келади. Барча муқаддас китобларда айтилганидек, бу дунё – имтиҳон дунёси, биз унинг машаққатли синовларидан ўтиш учун келганмиз. Ҳазрати Мусо, ҳазрати Исо, Ҳазрати Муҳаммад таълимотлари ана шу ҳақда сўзлайди.

Хўш, синов дегани нима ўзи? Муаллим шогирдларининг қобилияти, билим даражасини аниқлаш учун уларни имтиҳон қилиб, синовдан ўтказди. Худо бизнинг бу жиҳатларимиздан беҳабарми? Хабардор, қобилиятимиз, билим даражамизни у яхши билади. Ақлу идрокимиз унга аён. Синов, имтиҳон қилишдан мақсад – бизни бизга танитиш, ўзимизни ўзимиздан воқиф этиш. Синов оқибатида қайси мақом, қайси даражада эканлигимиз ўзимизга ҳам аён бўлади.

Шундай қилиб, Иброҳим Адҳам пири муршидининг айтганларини адо этиб, синов, имтиҳонлардан ўтиб, она шаҳрига қайтади. Шайхлар дунёга ва ундаги воқеа-ходисаларга кўнгил кўзи билан боқиб, бўлажак воқеаларни олдиндан кўришади. Иброҳим Адҳамнинг устози ҳам шогирдининг қайтишидан воқиф бўлиб, дарвешларга шаҳар дарвозасига чиқишни буюради. “Иброҳим Адҳамни шаҳарга киритманг, – дейди у. – Йўлини тўсинг, ҳақорат қилинг, уринг, суринг, тупрокқа қоринг”.

Иброҳим Адҳам шаҳар дарвозасига яқинлашаркан, дарвешлар унинг

йўлини тўсиб, уриб, орқага ҳайдашади. Бошқа дарвозага боради, яна бошига калтак ёғилади. Учинчи дарвозада ҳам уни калтак, ҳақорат билан қарши олишади. Ерга ағанатиб, аёвсиз тепкилашади.

“Ҳой, нима қиялпсизлар? – дейди у. – Менинг қонимни тўкишингиз мумкин. Аммо тўхтатиб қололмайсиз. Қандай бўлмасин, мен пиримнинг хузурига бораман”.

Нихоят, у шаҳар дарвозасидан ичкари киришга муваффақ бўлади. То шайхнинг эшигига қадар уни уриб, ҳақоратлаб боришади. Иброҳим Адҳам овоз чиқармайди. Йўлда давом этади. Тўсатдан ёш, навқирон бир дарвеш уни шундоқ қаттиқ зарб билан тепадики, этигининг пошнаси синиб, бир ёққа учиб кетади. Иброҳим Адҳам унга ўгирилиб, секин дейди: “Шунчалик ҳам қаттиқ урадим киши? Мен, ахир, биродарингиз, дарвешман-ку. Ёки мени ҳали ҳам Балх ҳукмдори деб ўйлайсизларми?”.

Бу гапни шайхга етказишганда, у дейди: “Маълум бўладики, у ҳали қиёмига етмабди. Бир пайтлар ким бўлганини ҳали унутмабди. Подшолигу салтанат унинг хотирасида ҳамон яшаб турибди...”

\* \* \*

Иброҳим Адҳам кўп йиллар дунёни дарбадар кезади. У хайру садақа сўрайди. Ихлос, эътибор ила тинглаган одамларга панд-насихат айтади.

Бир куни биров унга қарзга пул бермоқчи бўлади. Иброҳим Адҳам дейди:

– Майли, бой бўлсанг, розиман, камбағал бўлсанг – йўқ.

Ҳалиги киши мен бой-бадавлатман, деб туриб олади.

– Бисотингда қанча пулинг бор? – сўрайди Иброҳим Адҳам.

– Беш минг тилло.

– Пулинг ўн минг тиллога етишини истармидинг?

– Албатта, йўқ демасдим.

– Йигирма минг тиллога етса-чи?

– Қанийди, жон дердим.

– Сен бой-бадавлат эмассан. Яъни, пулинг қанча кўп бўлса, сенга шунча кам... Мен эсам Худойимнинг берганига шукр қиламан. Бисоти боридан ҳам зиёда бўлишини истайдиган кишидан қарзга пул олмайман, – дейди Иброҳим Адҳам.

\* \* \*

Бир куни Иброҳим Адҳам ҳаммомга тушмоқчи бўлади. Ҳаммомчи унинг йўлини тўсиб, хизмат ҳақи учун пул сўрайди. Собиқ султон бошини эгиб, пули йўқлигини айтади.

“Пулинг йўқ экан, ҳаммомга кирмайсан!” – дейди ҳаммомчи.

Шунда Иброҳим Адҳам ўзини ерга отиб, йиғлайди. Ўткинчи одамлар уни овутишга уринади. Кимдир пул таклиф қилади.

“Мени ҳаммомга киритишмагани учун йиғлаётганим йўқ, – дейди Иброҳим Адҳам. – Ҳаммомчи менга бошқа нарсани эслатди. Бу дунёда ҳаммомга пулсиз киритишмаса, у дунёда жаннатга теп-текинга киришга қўйишармиди? Мендан, жаннатга ярашиқ нечук амалларинг бор, деб сўрашса, не деб жавоб бераман? Ана шуни ўйлаб йиғлайман”.

Унинг атрофида йиғилганлар ҳам йиғлашади. Қилган яхши-ёмон амаллари эсга тушади.

\* \* \*

Иброҳим Адҳам Басра шаҳрида эканида одамлар ундан савол сўрашади: “Нега қилган дуоларимиз ижобат бўлмапти? Ахир, Оллоҳи карим, дуо қилинг, дуоларингизни ижобат қиламан, деган-ку...”

Сўфий жавоб беради:

“Қалбларингиз ўлик. Негаки, табиатингизда ўнта қасофат хусусият бор. Парвардигор қалби ўликларнинг дуосини қабул қилмайди”.

Кейин Иброҳим Адҳам ўша ўнта хусусиятни бирин-кетин санайди:

1. Сиз Худога ёлғондакам ишонаман, дейсиз. Аммо унинг айтганларига юрмайсиз. Худонинг айтганига юриб, бева-бечораларга ёрдам қилинг.
  2. Сиз Қуръони қаримни ўқийсиз, аммо унинг панду ҳикматларига амал қилмайсиз. Қуръоний ўғитларга амал қилинг.
  3. Сиз Шайтони лаинни душманам, дейсиз. Аммо унинг амрига бўйсунасиз. Шайтон васвасасига учманг.
  4. Сиз ўзингизни Муҳаммад алайҳиссалом уммати деб санайсиз. Аммо Пайғамбар (а.с.) йўлидан ибрат олмайсиз.
  5. Сиз жаннатга кирмоқчи бўласиз. Аммо жаннатий бўлишга лойиқ амалларни адо этмайсиз.
  6. Сиз дўзахга тушмасак, дейсиз. Аммо дўзахда ёнишга лойиқ, дўзахий амаллар билан машғул бўласиз.
  7. Сиз биласизки, ўлим ҳақ, эртами-кечми, келади. Аммо унга ҳозирлик кўрмайсиз.
  8. Сиз диндош оға-ини, опа-сингилларингиз айбу нуқсонини кўрасиз. Аммо ўз айбу нуқсонингиздан кўз юмасиз.
  9. Сиз Худо берган неъматлардан баҳраманд бўласиз. Аммо унинг шукронаси учун бошқаларга қарашмайсиз.
  10. Сиз вафот этган яқинларингизни дафн этасиз. Аммо навбат сизга ҳам келишини ўйлаб кўрмайсиз...
- Пайғамбар ва авлиёлар – бамисоли кўзгу. Кўзгу юзни, юздаги кир-чир, гарду ғуборларни ошкор этади. “Кўзгудан ўпкалама, юзингни юв” деган макол бор. Бироқ биз кўпинча уриб, кўзгуни синдирамиз, юзни ювмаймиз.
- Иброҳим Адҳам ўғитлари ўшанда тинглаганларнинг кўзини очганди. Бугун биз баҳра оляпмиз. Улар то Қиёматга қадар мўминларга хизмат қилаверади.

## ЭЪТИҚОД

Ислом зухур этган дастлабки йилларда аждодлари бутга, оловга сиғинган кўплаб мушоҳадали инсонларда ота-боболарининг дину диёнатиға нисбатан ишонқирамай қараш, шубҳа-гумон пайдо бўлади. Улар орасида оташпараст бир ака-ука ҳам бор эди. Улар оловга қўл тегизиб, уни синаб кўрмоқчи бўлишади. Агар олов куйдирса, унга сиғинишни қўйиб, Исломга ўтишга қарор қилишади.

Хуллас, улар аввалига оловга сиғиниб, ундан куйдирмасликни сўраб, сўнгра қўл чўзишади. Олов куйдиради. Акаси, бўлди, бас, мен мусулмон бўламан, дейди. Укаси бўлса, мен бир оз кутиб тураман, дейди.

Ака яқин атрофдаги масжидга боради. Ичкарига кириб, касби кори, наслу насабига қарамай барча баравар ибодат қилаётганини кўриб, хайрон қолади. Қуллар амалдорлар билан бир сафда, бой-бадавлатлар камбағаллар билан ёнма-ён туриб, намоз ўқишарди. Қуръони қаримдан оятлар ўқиб, жамоатга панду насихат айлаган имомнинг дил сўзлари оташпарастнинг қалбини жунбушга келтиради.

Намоздан сўнг у ўрнидан туриб, Исломни қабул қилажагини айтади. Жамоат хурсанд бўлиб, уни муборакбод этишади, йигитнинг самимиятиға ишонишади. Баъзи бадавлат мўминлар унинг қашшоқ, йўқсиллигини кўриб, пул ва иш таклиф қилишади. У рози бўлмайди. Кофир эканимда мени қўллаган Худо мусулмон бўлганимда қўлламай қўярмиди, дейди. Уйига қайтиб, бор гапни хотиниға айтиб беради. Хотини хурсанд бўлиб, эримнинг дини – менинг ҳам диним, дейди.

Эртаси куни камбағал иш излаб кетади. У ҳаммоллик қилиб, юк кўтариб, бир бурда нон топар эди. Ўша куни иш тополмайди. Пешин масжидга кириб, намоз ўқийди. Мўминлар яна ёрдам таклиф қилишади. У рад этади, ибодат

килиб, ўзига, оиласига мададкор бўлишни Худодан сўрайди. Куннинг иккинчи ярмида ҳам иш топилмайди. Кечкурун уйига қайтади. Хотини, болаларини хафа қилмаслик учун, бугун ажойиб хўжайинга дуч келгани, аммо у иш ҳақини тўлашни унутиб, вақтли кетиб қолганини айтади. Уйда боридан нари-бери овқатланиб, кечлик қилишади.

Иккинчи кун ҳам шу йўсинда ўтади. Камбағал қанчалар елиб, югурмасин, биров иш таклиф этмайди. У масжидга бориб, намоз ўқиб Аллоҳдан нажот сўрайди. Кечкурун карвонсаройга кириб, мусофирлардан ортган, қолган-қутган овқатлардан уйига келтириб, хўжайиним яна хизмат ҳақи тўлашни унутиб, кетиб қолди, дейди. Камбағал учинчи кун ҳам иш тополмайди. Пешин намозини ўқиб, Яратганга илтижо қилади. Эътиқоди синов этилаётгани ва ана шу боис шунай оғир аҳволга тушганини англайди. Ибодат қиламану иш излайман, бошқа ҳеч нарса, деган қарорга келади.

Кундузи камбағалнинг уйига бир хушсуврат йигит келиб, унга бир халта тилла узатади. “Эрингга айт, – дейди у, – Хўжам унинг хизматидан хурсанд”. Хотин халтани очиб, қичкириб юборади. “Хўжам нақадар саховатли!” дейди у. Шўрлик ҳали тилло танга кўрмаган эди.

Аёл битта тангани саррофга элтиб, майдалайди. Сарроф тангани кафтида салмоқлаб, бунақа соф олтинни кўрмаганман, дунёнинг қайси гўшасидан олишаркан, деб ҳайрон қолади.

Камбағал тагин иш тополмай, оч-наҳор уйига қайтади. Бола-чақамни яна азобга қўяман, деб ғам чекади. Йўл-йўлакай иккита рўмолга тош, тупроқ солиб, тугиб олади:

“Кўшнилари мусулмон бўлганимни билишди, уч кундан бери уйига куруқ қўл билан қайтади, дейишмаса, бас”.

Уйга яқинлашиб кўрадики, хоналар чароғон, ҳамма ёқни қовурилган гўшту сабзавот ҳиди тутган. Ичкарига кириб, ясан-тусан кийинган хотини ва болаларига кўзи тушади. Қозонда мазали таом пишяпти.

Бу аҳволдан ранжиб, хотинидан сўрайди: “Бировдан қарз кўтардингми? Пулни қайдан олдинг?”

Хотини бор воқеани айтиб беради. Камбағал кўлидаги тугунларни нари улоқтириб, хотини, болаларини кучоқлайди. Хотини, нега нону неъматни ерга ташладинг, деб уни қойийди. Камбағал қайрилиб қараб, лол қолади: тугунлардаги тупроқ аъло навли ун, тошлар бўрсилдоқ нонга айланган эди!..

Худо бизга ҳамиша мададкор, ҳамиша оғиримизни енгил қилади. Аммо биз камдан-кам ҳолларда буни ҳис этиб, Унга шукрона айтамыз.

Бир қарашда илму фан ва материализм ҳозирги дунёда дину диёнатнинг ёйилишига тўсик бўлаётгандек... Бироқ биз баҳо берганда эҳтиёт бўлишимиз, икки хил эътиқод бўлишини доимо назарда тутишимиз даркор. Биринчиси – кўр-кўрона ишонч: “Мен Худога ишонаман, тамом-вассалом”. Иккинчиси – чинакам ишонч, у шунчаки ишончдан баланд туради ва амалда намоен бўлади.

Гарчи сиз “Мен ишонаман” демасангиз-да, ҳаракат, аъмолингиз ишончингизни ошкор этади. Одамлар борки, ўз эътиқодларини амалий ишлари, хатти-ҳаракатлари, ижодий кашфиётлари, турмуш тарзи билан тасдиқлаб туришади. Улар динларига, эътиқодларига гоҳида шубҳа-гумон билан қаровчи, агностик бўлиб кўринишса-да, аслида ҳақиқий художўйлардир.

Бундай художўйлик Худога хуш келармикин, билмадик. У ёғи Яратганга аён, бизга эмас. Бизнинг имонимиз маъқулми ёки ўз диндорлигига шубҳа билан қаровчилар эътиқодими, ёлғиз Унинг ўзи билади.

Айримлар инсоният учун оғир замонлар бошланди, деб ўйлашади. Мен бу гапга қўшилмайман. Замона эмас, айрим одамлар ёмон. Ой, қуёш ва юлдузлар ҳамон нур сочиб, фасллар алмашиниб турибди. Ҳақиқий эркак ва аёллар ўз моҳиятидан тамом узоклашиб кетолмайди. Улар, эртами-кеч, ўзлигини топиб, Худога юз буришади. Мен ҳақиқий эркак ва аёл деганда чинакам инсонлар-

ни назарда тутаман. Одам қиёфасидаги ҳайвонларни эмас. Мен ҳамиша ўз моҳиятига, яъни инсонийликка содиқ инсонлар ҳақида гапирмоқчиман.

Мен неча бор шундай кишиларни учратдимки, улар бошда тубан, гуноҳга ботган, разил кимсалар бўлиб, охир-оқибат яхши инсонларга айланишди. Циркда йўлбарслар, арслонлар, филларни ўйнатувчиларни кўргансиз. Ҳар бирингизда бир хазина яшириниб ётибди. Ўзингизда яширин ўша хазинани тополсангиз (ахир, сиз йўлбарс ҳам, арслон ҳам, фил ҳам эмассиз-ку), чинакам инсонга айланасиз.

Дуо-илтижо қилайлик, устоз мураббийлар кўпайсин ва биз ўзимизда яшириниб ётган хазиналарни кашф этайлик. Одамлар гоҳида чакки қадам босиб, ножўя ишларга қўл уришаркан, орқаларидан кимнингдир кузатиб турганини ҳис қилишиб, ўзларини тийишади. Ана шу ҳисдан маҳрум этмасин бизни.

Тилимиз “Аллоҳ” сўзини айтишга қодир экан, Қиёмат қойим бўлмайди. Ер юзида Худога ишониб, Унинг номини такрорлагувчи бирор кимса яшар экан, Қиёмат қойим бўлмайди. Аммо бу дегани “Худо” сўзини кўча-кўйдаги “Салом” сўзига тенглаштириб айтиш дегани эмас.

“Худо” сўзини айтувчилар билсинларким, инсоният илоҳий моҳиятга эга мавжудотдир. Биз Аллоҳга мансубмиз, илоҳийлик барчамизга хос. Биз ўтмишу истиқболдан ташқаридамиз. Биз – Ҳақиқатнинг бир бўлагимиз... Ана шу нарсани унутсак, ўзимизни хавф-хатарга дучор этамиз. Ҳозирча дучор бўлганимиз йўқ.

Бугун Ер юзида ким кўпроқ: художўйларми ёки худосизларми? Худо истайдики, биз Уни танисак, билсак... Иблиси лаин истайдики, биз Худони унутсак, Ундан юз ўгирсак... Ким кўп, мўминларми ёхуд шайтонга сажда қилувчиларми?

Шайтонга сажда қилувчилар кўп, десак, бу шайтоннинг қудрати Худонинг қудратидан устун дегани бўлади. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, художўйлар кўп. Худони оғизда инкор этиб, амалда юриш-туришлари художўйликдан иборат бўлган инсонлар кўплаб топилади.

Вьетнам уруши даврида кўплаб буддий монахлар устларига бензин тўкиб, ўзларини тириклайин ёқиб юборишганини эшитгансиз. Албатта, буни айтмоқ ҳам, эшитмоқ ҳам оғир, гувоҳ бўлмоқ эса – даҳшат. Аммо сиз эътиқоднинг кучига эътибор қилинг. Ўша монахлар бу дунёдан покланиш учун ўзларини ёқишган. Ўз-ўзни ўлдириш – гуноҳи азим, бироқ одамлар эътиқод учун ўзларини ўлдиришган.

## ЎЗ-ЎЗИНИ АНГЛАШ

Аллоҳи таоло дейди: “Нафсидан қутулган нажот топгай”. Нафс нарса эмас. Бу арабча сўз бўлиб, “нафас”, “жон”, “моҳият”, “шахс”, “табиат” маъноларини англатади. Бу сўз жону таннинг ўзаро алоқаси жараёнига мансуб. Тан, вужуд – моддий унсурлар қоришмаси бўлмиш тупроқдан. Жон – Аллоҳи таолодан.

Жоннинг етти тури, етти мақоми мавжуд: маъданлар жони, ўсимликлар жони, ҳайвонлар жони, инсонлар жони, фаришталар жони ва сирру асрор...

Жоннинг айрим жиҳатларини камолга етказиш мумкин. Бунга қандай эришилади? Бу ҳақда муқаддас китоблар, анбиёю авлиёлар таълимотида айтилган.

Хўш, қандай қилиб жон салбий, номақбул хоссаларга эга бўлади? Бу ҳолат ерда эмас, Арши аъло даражасида юз беради.

Жон танага кираркан, гўёки қафасга тушади. Жонимиз танимизда яшайди. Танамиз турли ҳаракат аъзоларига эга. Масалан, кўпайиш аъзоларига. Танамизда бизнинг жисмоний эҳтиёжларимизни қондирувчи жисмоний куч-қувват йўқ. Жонимизда, аксинча, куч-қувват бор, аммо уни ҳаракатга солувчи воситалар йўқ. Жон танамиз аъзоларидан ёмон фойдаланганда ҳалиги ҳолат, жоннинг салбий хоссалари ҳосил бўлади.

Худо жону танимизда бирор ёмон нарса яратмаган. Биз ўзимиз улардан нотўғри фойдаланиб, ёмонликни юзага чиқарамиз. Масалан, жинсий алоқа – табиий майл, наслу зурриёт колдириш учун зарур эҳтиёж. Бундан ташқари, эр ва хотин ўртасидаги меҳру муҳаббатни изҳор этиш усули. Аммо ана шу табиий истак шахвоний эрмакка айланса, ёмон оқибатларга етаклаши муқаррар.

Хўш, ёмон хатти-ҳаракатларимиз учун ким жавобгар – танми ёки жонми? Қиёмат куни танимиз жонимизни айблаб дейди: “Ҳаракат учун менда куч йўқ эди”. Жонимиз танимизни айблаб дейдики: “Ҳаракат учун менда восита йўқ эди”. Бунга жавобан чўлоқни елкасига кўтариб олган кўр ҳақидаги ривоятни келтириш мумкин. Чўлоқ кўради, кўр унинг айтганига юради. Уларнинг қай бири афзал? Ҳар иккаласи.

Нафс ўз-ўзича ёмонмас. Уни ҳуда-беҳудага айбламанг. Тасаввуфнинг биринчи босқичи – нафс ҳолатини ўзгартириш. Нафснинг тубан ҳолати – инсоннинг ўз эҳтиёж ва истаклари кўлига айланиши демак. Кейинги босқич – инсоннинг ўз-ўзи билан кураши, ақлу идрок ва юсак мақсадлар талабига мувофиқ ҳаракат қилишга интилиши, ҳар бир нотўғри босилган қадамни танқидий баҳолаши демак. Учинчи босқич – нисбатан такомилга етишган ҳолат, инсоннинг ҳаётда омади юришадими-йўқми, бундан қатъи назар, Худонинг берганига шукур қилиб, қаноат қилишдан иборат.

Жоннинг олий даражаси – пок, мусаффо жон, Ал-Ҳайи, яъни Абадий тирикликдир. У яратилганмас, балки Илоҳий хислатнинг кўриниши. Бундай жонни таннинг ичқарисига ҳам, ташқарисига ҳам жойлаштириб бўлмайди. Нафснинг бошқа даражалари тан ичида яшайди. Аммо топ-тоза жон – Чексизликнинг бир бўлаги, уни бирор жойга қамаб бўлмайди. У – Абадиятнинг ҳар бир инсон ҳаётида бевосита намоён бўлишидир.

Шундай қилиб, нафс дегани танага қамалган жоннинг даражалари, хусусиятлари демак.

Худо дейди: “Биз Одамга Ўз нафасимиздан уфурдик”. Бу ўша жондирким, ажал соати етиб, “Худойингга қайт!” деган фармонни эшитмагунча, танимизда яшайди. Жоннинг тубан даражалари тана ичида қолади. Ўлимдан кейин ҳам уни тарк этишни истамайди. Улар танага қаттиқ боғланиб қолишган, шунинг учун қаршилик кўрсатишади.

Буюк пайғамбарлар, авлиёларнинг жонлари-чи? Уларда нечук ҳолатлар кечади? Уларнинг жони бизнинг жонимиздан фарқ қилади. Улар пок-покиза. Улар танасининг тупроғи муқаддас жойлардан олинган. Топ-тоза танларга кирган жон булганмайди.

Ўзини билган Худони билади, деган ҳикмат бор. Бошқача айтганда, нафсини таниган Худони танийди. Бу ҳақиқатни икки хил талқин этиш мумкин. Биринчиси – биз ўз эҳтиёжларимиз, истакларимиз, ожизликларимизни биламиз ва сирли-сеҳрли кучлар борлигини фаҳмлаймиз. Шунда бу дунёда бизни боқиб, кийинтириб, бошпана бериб, ҳимоя этувчи ҳимоячи зарурлигини хис этамиз. Иккинчиси – мистик яъни ирфоний талқин. Худо дейди: “Мен сизга бўйин томирингиздан ҳам яқинроқман”. Биз ўзимизни билиш орқали Худо билан боғлиқлигимизни англаймиз. Ана шу алоқани мустаҳкамлаш орқали Худога етишамиз. Бу – Худога қайтиш йўли. Бу йўлда Яратганнинг амру фармонига бўйсунганлар юради. Шайтонга эргашганларга изн йўқ, уларнинг Аллоҳ билан алоқаси узилади.

Бизни Парвардигор билан нимадир туташтириб, бирлаштириб туради. Гарчи Худо барча қиёслардан баланд эса-да, Уни электр токи, бизни миллион-миллион чироқларга ўхшатиш мумкин. Ҳар бир чироқнинг ўзига хослиги бор. Бири – 10 ваттлик, бошқаси – 100 ваттлик. Аммо барчаси битта электр манбаига туташ... Ёки узум бошини тасаввур қилинг. Узилган узум сўлийди, лекин новдада экан, яшаб, дуркун туради. У новдадан ҳаёт шарбатини симиради.

Ҳамма нарса ўз йўлида бирдек гўзал ва бежирим. Фақат ташки белигилари хунук бўлиши мумкин.

Хуллас, дунёга кўнгил бойламанг. Уни тарк этиш муқаррар. Ҳалим олдидан “Худойингга қайт!” деган буйруқни эшитасиз. Сизни дунё билан боғловчи ҳамма нарса ғойиб бўлади ва сиз Худонинг дийдорига етасиз.

Сулаймон алайҳиссалом давлатманд ва қудратли подшо бўлиши билан баробар ўз замонасининг буюк пайғамбари эди. Чексиз давлат, беҳисоб сарват эгаси бўлса-да, уларга кўнгил бермаган, лоқайд, бепарво эди. Давлату сарватни ортиқча юк, фалоқатларнинг сабабчиси деб билар эди. Ҳар куни тўтиқуши билан гаплашиб, кўнгил очар эди. Бир гал тўтиқуши она юртини соғиниб, маъюс тортиб қолади.

(Дарвоқе, тўтиқушлар ҳақида. Бир куни кўп сўзларни ёд олиб, уларни такрорлайдиган тўтиқушни Истанбул бозорида 2000 тангага сотишади. Хўжа Насриддин буни эшитиб, ҳайрон қолади. Иккинчи кун у йирик, бадбашара куркасини бозорга солади. Биров олти танга бермоқчи бўлади. Афанди куркасини 2000 тангага сотилган тўтиқушдан анча йирик эканлигини айтиб, ҳаридорлардан нархни кўтаришни сўрайди. “У ажойиб тўтиқуш, одамга ўхшаб гапирди” дейишади унга. Афанди жавоб беради: “Бу ажойиб курка, одамга ўхшаб ўйлайди”).

Сулаймон подшо, майли, юртингга бориб келақол, дейди тўтиқушга. Бориш – бир ой, келиш – бир ой, меҳмон бўлиш – бир ой, ҳаммаси бўлиб уч ойга рухсат беради. Вақтида қайтмасанг, ортингдан жин ва шамолларни жўнатаман, деб огоҳлантиради.

Тўтиқуш учиб, йўлга равона бўлади. Юртига етиб, қариндош-уруғлари, ёр-биродарлари билан дийдор кўришади.

Бир ой муддат ҳаш-паш дегунча ўтади. Биласиз, тун палласи севишганларга бир лаҳза, аммо тиши оғриган бемор учун бениҳоя, чексиз...

Тўтиқуш ортига қайтаркан, яқинлари Сулаймон подшога деб бир шиша оби ҳаёт беради. Тўтиқуш шишани ўнг қанотига боғлаб, кўкка парвоз қилади. Манзилга етиб, совғани Сулаймон подшога топширади.

Пайғамбар қавмларини йиғиб, абадий ҳаёт бағишловчи сувни ичсамми ёки ичмасаммикин, деб маслаҳат солади. Одамлар, ҳайвонлар, жинлар барчаси: “Сувни ич, бошимизда абадий ҳукмдоримиз бўл!” деб қичқиришади. Бойқуш эса: “Ошиқма, сувни ичишдан олдин анави ғорга кир, у ерда ўлтирган кимсага бир назар сол” дейди.

Сулаймон ғорга кириб, икки букчайган чолга дуч келади. У “Эй Худойим, менга ўлим бер, жонимни ол!...” дея ёлвориб илтижо этарди...

“Ана шу одам оби ҳаёт ичган, – дейди Бойқуш. – Ўлсам дейди, аммо ўлломайди...”

Хуллас, умр тугаб, паймона тўларкан, одамзод бу дунёни тарк этиши муқаррар. У ана шу соатга ҳамиша шай бўлиб турмоғи даркор. Ожиз ва касалманд кексаликни беҳуда чўзишдан не фойда? Фарзандларинг дунёдан ўтсаю, сен якка-ёлғиз шўппайиб қолаверсанг, бундан ортиқ бахтиқаролик бўлурму?

Сулаймон подшо сувни нима қилсам экан, деб ўйланиб, иккилашиб турганда тўсатдан учиб келган Жаброил фаришта бир уриб, шишани ағдаради...

## ҚУРЪОНИ КАРИМ

Қуръони карим, биламизки, араб тилида нозил этилган. Аммо аслини олганда, у Аллоҳ таоло тилида яратилган. Фақат Худони севиб, Ундан кўрққанларгина Қуръони карим маъноларини англай олади. Фақат Яратганга яқин инсонларгина Унинг тилини тушуниб етади.

Қуръонни мукаммал таржима этишга инсоннинг тили ожиз. Биз фоний-миз, Парвардигор боқий. Қуръони карим чексиз. Денгизлар сиёҳ, ўрмонлар қалам, еру осмонлар қоғоз бўлганда ҳам инсон унинг ҳикматини ёзиб, адо этолмайди. Фаришталар, барча жону жонзотлар ёзавериш, ҳолдан тойишлари тайин, аммо Қуръони карим маънолари поёнига етолмайди.



Қуръон ҳамма нарсани қамраб олади: ўтмиш ва истиқбол, ошқору пинҳон – бору барчаси унда мужассам. Аммо бунни билишимиз учун кўришга қодир кўз, эшитишга қобил кулоқ, англашга мойил ақлу идрок, ҳис этишга ҳозир юрак даркор.

Худога қанча яқин бўлсангиз, Қуръонни шунчалик яхши англайсиз. Буюк сўфий, аллома ва файласуф Ибн Арабий (Аллоҳ раҳмат айласин) бир гал йўлда кетаётиб, отдан йиқилиб тушади. Қўрқиб кетган шогирдлари югуриб келишиб, кўрадиларки, аллома йиқилган ерида ўй-мушоҳадага чўмиб ўлтирибди... Ибн Арабий уларга боқиб деди: “Қуръоннинг қайси сурасида отдан йиқилишим битилган экан деб ўйлаб кетаётган эдим... Топдим, Фотиҳа сурасида экан”.

Қуръони карим – илоҳий ҳужжатдир. У барча муқаддас китобларда битилиб, бизга Пайғамбарлар тақдим этган бир ҳақиқатни тасдиқлайди. У инсоният тарихини таҳлил ва талқин этади. Бу китобда мўминларни нечук муқофотлар, кофирларни нечук жазо ва қийноқлар кутаётганини аниқ, равшан айтилади. Қуръон бизни Аллоҳга итоатга ва муҳаббатга чорлайди, бир сўз билан айтганда, бизни инсон бўлишга ўргатади. Ҳалол нима-ю, ҳаром нима, қонуний нима-ю ғайриқонуний нима, муҳаббат нима-ю нафрат нима – барини изоҳлаб беради. Бу бизга – Парвардигор томонидан ато этилган кўз. Бу кўзга эга бўлганлар яхши-ю ёмонни кўради, ошқору яширинни ажратади.

Аллоҳ таоло Қуръони каримни Пайғамбар алайҳиссаломга йигирма уч йил давомида бўлак-бўлак тарзда, қисм-қисмга бўлиб туширган. Ҳар гал нозил бўлганда, Пайғамбар жуда бекарор бўлар, совуқ кечалар иситмаси ошиб, жикка терга ботарди.

Аллоҳ дейдики, ўша илоҳий ваҳий тоғ устига туширилса, тоғ чўкиб, емирилиб, ерга баробар, яъни теп-текис бўларди. Одамзотнинг куч-бардоши тоғдан баланд... Саҳобалар гувоҳ бўлишган: бир гал ваҳий тушганда Пайғамбар туя устида бўлган. Ваҳий залворидан туя чўккалаб қолган.

Қуръон Исо алайҳиссалом таваллудини тасвирлар экан, дунёни қуфру гуноҳдан поклаш ҳақида сўзлайди. Исонинг она қорнида пайдо бўлиши Ҳудонинг лутфу марҳамати эди. Исо – ҳалоскор, ўликларни тирилтирар, моҳовларни даволар, кўр кўзларга нур бағишларди.

Қуръони карим – ҳақиқат ва муҳаббат китобидир. У бизни Пайғамбарлар ҳаёти мисолида тақводорликка ундайди, бу дунёда одамзот ўлароқ, Яратганининг вакили эканлигимизни бизга уқтиради. Сиз бу китобни ўқиб, қўлдан қўёлмайсиз. Бошқа бир китобни ўқийвериш жонга тегади, аммо Қуръонни яна ва яна ўқисам дейсиз, иштиёқингиз ортаверади.

Қуръони карим мўъжизаларидан бири шундан иборатки, уни беш ёшли бола ҳам ёдлай олади. Китоб 114 сура, 6666 оятдан иборат. Бирор китоб шу қадар осонлик ила ўқилиб, ёдланмаган. Ҳар асрда минглаб, юз минглаб Қуръонни ёд олган инсонлар – қорилар, қуръонхонлар бўлган. Инсонлар ўткинчи, Қуръон абадий. Негаки, у – Тангри таолонинг китоби.

Хўш, Қуръон қандай ёдланади? Бу мангу китобни одамзот нечук журъат ила қўлга олади ва мутолаа этади? Қуръони каримни Аллоҳнинг ўзи муҳофаза қилади, ҳар бир сўзи, нуқта, вергулини... Парвардигор уни бизнинг қалбимизда асрайди. Парвардигор уни бизнинг тилимизда такрорлайди.

Қуръони карим араб тилида яратилган шунчаки китоб эмас. У оламга баробар.

*Мўъжиза эрмас фалакда офтоб,  
Мўъжиза оламда ул Уммул китоб...*

*(Мавлоно Жалолiddин Румий)*

Жаҳонда энг буюк мўъжиза – китоблар онаси бўлмиш Қуръони каримдир. У бор эди ва шу борлигича қолади. У ҳамма нарсани тушунтиради.

Худони севганлар Қуръон оятларини такрорлашади. Аллоҳга имон келтирган, маънавий мусаффо инсонлар Қуръони карим сўзлари маъносини тушунишади. Қуръон арқонга ўхшайди. Бир учи Яратганнинг қўлида, иккинчи учи бизга туширилган. Бу арқонга тирмашганлар нажот топади. Ҳақиқатга, жаннатга эришади.

Қуръони каримни ўқинг, барча машаққатлардан халос бўласиз. Пайғамбар вафот этгач, унинг хотини Биби Ойшадан (Аллоҳ уни раҳмат қилсин) Расулulloҳни тасвирлаб беришни сўрашади. “Пайғамбарни билмоқчи бўлсангиз, Қуръони каримни ўқинг”, дейди у. – Пайғамбар Қуръони каримнинг мужассам тимсоли эди”.

Муҳаммад алайҳиссалом Қуръоннинг дастлаб қандай нозил бўлганини шундай ҳикоя қилади:

– Ёшим қирқада эди, ёлғизликка меҳр қўйдиришди. Ҳиро тоғига чиқиб, у ерда танҳо ўлтиришни хуш кўрардим. Бир куни қаршимда фаришта Жаброил пайдо бўлди. У ниҳоятда гўзал бир кимса қиёфасида эди. Унда нур таралиб турарди. Мен беихтиёр ўрнимдан туриб, унга яқинлашдим. У “Ўқи!” деди. Мен, ўқишни билмайман, дедим. У мени кучоқлаб, шундай сикдики, баданим зирқираб кетди. Фаришта тагин такрорлади: “Ўқи!” Мен, ўқишни билмайман, дедим. У яна кучоқлаб, қаттиқ сикди ва яна буюрди: “Ўқи!” Мен учинчи бор ўқишни билмайман дедим. У мени баттар сикди, суякларим қарсиллаб кетди.

Шунда биринчи ваҳий нозил бўлди: “Ўқи, Парвардигор, Аллоҳ таоло номи билан.

Ўқи, инсонларни тан ва қондан яратган Парвардигор номи билан...”

Ўқи, саховатли, инсонларга қалам билан сабоқ берган, билмаганларини билдирган Парвардигор номи билан!!!

Мен қалтирар эдим. Шоша-пиша тоғдан пастга тушдим. Осмонлардан овоз эшитилди: “Ё Муҳаммад!” Бошимни кўтариб, кўкка боқдим. Жаброилнинг танаси шу қадар катталашган эдики, шарқдан ғарбга томон ярим осмонни қоплаб олган эди.

Мен уйга томон югурдим. Ҳамон қалтирар эдим. Етиб келиб, хотиним Хадичага дедим: “Мени бирор нима билан ўраб қўй. Мен бир нарса кўрдим. Аммо нима эди у? Жинми, рўеми ёки ҳақиқат менга ошкор бўлди?”

Хадича жавоб берди: “Сенга кўринган у рўе эмас, жин ҳам эмас. Сен бошқаларга меҳрибонсан, берган сўзингда турасан. Йиғлаганларнинг кўз ёшини артасан. Етимларнинг бошини силайсан. Шундай гўзал, саховатли инсон хузурига жин келармиди? Эшитганинг ва кўрганинг – самолардан, Худонинг даргоҳидан. Мен пайғамбарга, Исои Масихдан кейин келадиган Расулulloҳга эрга тегсам, деб орзу қилардим. Орзуим рўёбга чикди”.

Бир оздан сўнг устимда иссиқ кийим, ёлғиз ўтирганимда фаришта тагин пайдо бўлди: “Эй қалин кийимлар остида бекиниб олган кимса! – деди у. – Ўрнингдан тур, Аллоҳ насиб этган иқтидор ила инсонларга Аллоҳдан кўрқиб, Аллоҳни севишни талқин эт. Уларни Аллоҳ хузурига чорла. Яратганни инкор этувчилар учун адолат маҳкамаси борлигини уларга етказ. Аллоҳни ёдингда тут, Унга юзлан, Унга ибодат эт. Тозалик ва ҳалолликни талаб қил. Сен топ-тозасан. Тозаликни ташвиқ айлаким, бутун башарият ҳам руҳоний, ҳам жисмоний гуноҳлардан покланиб, имон, эътиқодга етишсин. Инсон қалби – Аллоҳнинг масканидир”.

Бу – Муҳаммад Мустафога нозил бўлган иккинчи ваҳий эди.

Ушбу ваҳийлар битилган Муқаддас китоб Худони инкор этувчи даҳрийлар қалбига қўрқув, ғулгула солади. Аммо Аллоҳнинг қаҳру ғазаби остида чексиз меҳру шафқати ҳам бор. Ота болаларига анави ишни қилмасанг, таъзирингни бераман, деб дўқ-пўписа қилса ва бебошлиги учун уларни жазоласа, ўзини мамнун, бахтиёр ҳис этармиди? Йўқ, албатта. Отанинг меҳри чекланган, Худонинг меҳру марҳамати чексиз.

Парвардигорнинг меҳру шафқати Унинг даҳрийлар қалбига соладиган кўркувдан ҳам, ногаҳоний қаҳру ғазабидан ҳам кўп марта ортиқ.

Унга астойдил имон келтирганларга катта мукофот ваъда қилинган. Инсонларга мукофот ва жазо ваъда қилиши баробарида чексиз меҳру шафқат, мурувват ва муҳаббатнинг қонидир бу Қуръони қарим...

## ТУШЛАР

Тушлар сўфийлик таълимотини англашга ёрлам бериши мумкин, нега десангиз, уларда кўп ҳолларда муҳим маълумотларга дуч келамиз. Тушлар икки хил бўлади. Биринчиси – ишончли туш, маъноси кўзга аниқ, равшан ташланиб туради. Иккинчиси – рамзий туш, уни таъбирлашга тўғри келади.

Тушлар Парвардигор билан инсон ўртасидаги алоқа воситасидир. Бу нарса инсоннинг тушга ёки Худога ишониши ёки ишонмаслигидан қатъи назар, ҳаммага бирдек тааллуқли гап.

Тушларни таъбирлаш мистик таълимотларда алоҳида ўрин тутаяди. Туш – дарвешлар учун уларнинг руҳий ҳолати кўрсаткичидир. Шайх ва дарвеш учун руҳий ҳолатда юз бераётган ўзгаришларни билиш бағоят муҳим. Руҳингиз ҳолати ўзгариши билан сизнинг вазифангиз ўз ўзингизга баҳоингиз ва дуою тиловатингиз мазмун-моҳияти ҳам ўзгача тус олади.

Жониворлар ҳам туш кўришади. Туркларда мақол бор: “Оч қолган жўжа туш кўрса, оғорхонада юрганмиш...”

Пайғамбарлар ҳаёти ва таълимотида тушлар башоратчи вазифасини ўтайди. Башоратлар соф туш ҳолида ёки уларнинг таъбири воситасида намоён бўлади. Пайғамбарлар туши бошқа-ю, оддий одамлар туши бир бошқа. Уларни аралаштирманг. Бир хирмон донни орзу қилган жўжанинг тушини уларнинг тушига қиёслаб бўлмайди.

Хўш, кўрадиган кўз йўқ эса, туш манзаралари қаёқдан пайдо бўлади? Туш кўраётганда кўзлар юмук бўлади-ку. Кўз пардаси ҳам, қорачиғи ҳам ишламайди. Хуллас, кўз юмук, унинг олдида кўрадиган ҳеч нарса йўқ. Бас, шундоқ экан, одам қандай қилиб тушида бир нарсаларни кўради?

Сиз тушда кўрадиганингиз илоҳий билимлар доирасига қиради. Мавжуд бўлган, бор ва бўлажак ҳамма нарсани илоҳий билимлар доирасида топиш мумкин. Бор нарса ана шу доирада воқе бўлади. Бўладиган нарса ҳам ана шу илоҳий кўзгуда акс этади. Илоҳий кўзгу ҳамма нарсани намоён қилади.

Киши туш кўрганда жони танини тарк этади, аммо ундан узилмайди. Худди электр ёғдуси электр чирокқа туташиб турганидек. Ўша ёғду илоҳий кўзгуга тушиб, ундаги ёзувларни ошқор этади. Киши уйқудан уйғонаркан, жон ёғдуси яна танга қайтади, мисоли электр чирокни ўчиргандек.

Ухлаётган одамнинг жони танидан чиқиши сабабли у тасаввурдан ташқаридаги билимларга эга бўлади. Бу билимларнинг макони Аллоҳнинг даргоҳидир.

Тушларнинг рамзу тимсоллари миҳхатлар, иероглифларга ўхшайди, уларни мутахассис ўқийди. Бироқ бу тимсоллар ҳолатдан ҳолатга, инсондан инсонга, жондан жонга ўзгариб туради.

Ҳар бир инсонда етти хил жон яшайди: булар маъданлар жони, ўсимликлар жони, ҳайвонлар жони, инсонлар жони, фаришталар жони ва сирру асрор... Қайси жонга мансублигига қараб тушларнинг тимсоллари бир-биридан фарқ қилади. Подшога ҳам, фуқарога ҳам ўша тимсоллар кўриниши мумкин, аммо моҳият эътибори билан улар бошқа-бошқа бўлади.

Инсондаги жонлар бири иккинчисидан ажралиб турмайди. Улар ичма-ич жойлашган бўлади. Ҳар бири ривожланиб, юксак бир турга айланади. Ва ниҳоят улар бирикиб, инсон жони ёхуд жоннинг юксак бир тури шаклини олади.

Туш кўраётган жоннинг қайси даражада эканлиги ғоят муҳим. Ҳайвонлар

ва ўсимликлар жони кўрадиган тушлар уларнинг истаклари ва майлларига мувофиқ бўлади. Масалан, оч бўлсангиз, тушингизга таом киради. Инсон жони тушда рамзу тимсолларни кўради. Чунончи, тушда илонни кўрмоқ – молу мулк дегани. Аммо дарвеш учун бу – руҳнинг тубан даражасига далолат.

Жоннинг олий даражаси танни тарк этаркан, у кўрадиган тушлар тўғри, аниқ тус олади. Бу даражадаги жон Арши аълога, Курсига етиши, Лавҳул Мавҳузни ўқиб, келажакда нималар юз беришидан огоҳ бўлиши мумкин. Ухлаётган одам Америка Қўшма Штатлари ёки Истанбул, ёки Японияда бўлаётган воқеаларни аниқ, равшан кўради. Бунинг устига, уйғонгандан кейин ҳам бу тушлар хотирада сақланиб қолади.

Шайх илҳом воситасида тушларни таъбирлайди. Шайх туш кўрувчининг мансаб-мартабаси, руҳий ҳолатидан хабардор бўлиши керак. Акс ҳолда таъбирда адашиши мумкин. Аллоҳ таъбирни шайхнинг кўнглига солади. Баъзи шайхлар ёмон тушларни ҳам яхшига йўйишади. Парвардигор уларнинг таъбирини чинга айлантиради.

Тушни таъбирчига айтиш жоиз. Уни сир тутиш ғоят муҳим. Тушни баён этиш жараёнида таъбирчига унинг маъноси аён бўлади.

Тушингизни ҳеч қачон ғийбатчиларга айтманг. Тили ва дили пок, беғубор кимсаларга айтинг.

Ўзи кишлокда, шайхи шаҳарда яшайдиган бир киши туш кўради. Туши ғаройиб бўлгани боис, уни дарҳол шайхига айтишга қарор қилади. Тушида тани шишиб, энига кенгайиб кетганмиш. Кейин қорнидан бир илон ўрмалаб чиқиб, тани аслига қайтганмиш...

Туш эгаси муҳим бир иш билан банд бўлгани учун ишончли бир хизматкорини чақириб, тушини шайхга етказишни буюради. Тушимни зинҳор-зинҳор шайхдан бўлак бирор кимсага айтма, деб тайинлайди.

Хизматкор шу ондаёқ йўлга тушади. Йўлда бир ошнасига учрайди. Ошнаси хангоматалаб, сергап, эзмалиги билан танилган бир кимса эди.

– Йўл бўлсин, – дейди у, – қаёққа?

– Шаҳарга.

– Шаҳарга? Нечук хизмат билан?

– Хўжайиним бир иш буюрди.

– Қанақа иш?

– Шахсий ва махфий.

Хуллас, ошнаси ҳоли жонига қўймай, сўрайвергач, хизматкор бор гапни айтиб беради:

– Хўжайиним туш кўрибди, тушида шишиб кетганмиш...

– Кейин игна санчилган пуфакдек “тарс” ёрилганмиш, – дейди ошнаси ва кула-кула йўлга равона бўлади.

Хизматкор шайх ҳузурига келади.

– Хўжайиним ўтган кеча туш кўрсалар, баданлари шишиб кетганмиш... Шунинг таъбирини ....

– Бас, – дейди шайх, – тушнинг таъбири айтилди. Менинг қўлимдан энди ҳеч нарса келмайди. Изинга қайтиб хўжайининг ҳолидан хабар ол...

Хизматкор уйига қайтиб биладикки, хўжайини у кетгач, икки соатдан сўнг бадани шишиб, вафот этибди.

Бу фавқулудда ҳодиса ҳақида ҳикоят. Маъноси шуки, тушингизни ҳаммага ҳам айтаверманг. Туш таъбирланиб бўлгач, уни бошқаларга айтиш мумкин.

\* \* \*

Тушни таъбирлашдаги муҳим бир жиҳат – кўнгилда туғилган ниятдир. Туш воситасида қандай бир саволга жавоб топмоқчисиз, масала шунда. Жавобни фикру мушоҳада юритиб, топиш мумкин. Туш воситаси билан ҳам билса бўлади.

Пайғамбар алайҳиссалом саҳобаларнинг кўрган тушларини таъбирлар,

уларга туш йўйиш йўллари ва усулларини ўргатар, тушлардан қандай сабоқ чиқариш кераклигини англатар эдилар.

Усманийлар салтанатида Шайхулисом мақоми Рим папаси мақомига баробар эди. Шайхулисом бир куни муҳим ҳужжатлар сақланаётган сандикнинг калитини йўқотиб қўяди. Излаб, топа олмайди. Қанийди, тушимда топсайдим, деб ният қилади. Тушида бир боққа кириб пўртахол – апельсин узади. Пўртахолни кесиб, йўқолган калитни топади... Бу тушни қандай таъбирлаш керак?

Шайхулисом, бир замонлар Фиръавн Юсуфни излагандек, Истанбулда таъбирчиларни излайди. Унга шайх Абдурахмон Хилватийни тавсия этишади.

Хилватий Шайх-ул-исломнинг тушини эшитиб, табассум қилади ва султон кутубхонасидан энг катта китобни келтиришни сўрайди. Китобни келтиришади. Шайх саҳифалар орасига пичоқ солиб, китобни очади ва калитни топади.

Шайхулисом тушлар таъбирига доир кўплаб китоблар ўқидим, аммо ўз тушимнинг таъбирини топа олмадим, дейди. Хилватий унга жавобан, Аллоҳ Яъқуб ва унинг ўғли Юсуфга тушларни таъбирлаш салоҳиятини берган эди, бизни ҳам қуруқ қўймаган, бу ҳам кичик бир ваҳий ёки мўъжиза, дейди.

Мен бу гапга ишонаман. Кўплаб таъбирномаларни ўқидим. Уларда ёзилишича, тушда от кўрсанг, маъноси ундоқ, олма кўрсанг, маъноси бундоқ, балик кўрсанг яна бир нима ... Бу нотўғри талқин. Тушларни тўғри таъбирлашнинг йўли бор. Бу истейдод авлоддан авлодга ўтади, Яъқубдан Юсуфга ўтгандек.

Бир гал шайх Абдурахмон Хилватийга икки киши мурожаат қилади. Бири дейди: “Туш кўрсам, минорга чиқиб азон айтаётган эмишман...” Шайх унга жавобан дейдики: “Мақка сафарига ҳозирлик кўр. Бу йил ҳажга борасан...”

Иккинчи киши ҳам худди шу гапни такрорлайди: “Тушимда минорага чиқиб, азон айтиб, мўминларни намозга чақирибман...” Шайх унга тикилиб туриб дейди: “Ўғирлаган нарсангни қайтар, йўқса қўлга тушасан, ҳолинг хароб бўлади...” Ҳалиги киши ҳайратдан оғзи очилиб, ханг-манг бўлиб қолади. Айбини иқрор этиб, бошқа ўғрилиқ қилмасликка ваъда беради.

\* \* \*

Тушларимизда бизга аён бўлган рамзу ишоратларга суяниб, фикрлаш ва бир хулосага келиш мушкул нарса. Масалан, Мусо алайҳиссаломнинг ҳассаси нега илонга айланади? Нега бошқа бир ҳайвонга – итга, бўрига, арслонга, йўлбарсга айланмайди?

Мусонинг ички дунёси мисоли бир кўзгу эди. Унга алоқадор бўлган ҳамма нарсада, жумладан, унинг ҳассасида ҳам ана шу хислат мавжуд эди. Фиръавн илонга боқиб, ўзининг тубан шахсияти, яланғоч, даҳшатли худбинлигининг тимсолини кўради. Ҳасса чиндан ҳам илонга айланганмиди? Ҳа. Унда уларнинг қай бири реал борлик, бор нарса? Сизнинг реал борлигингиз ички, маънавий ҳолатингизга боғлиқ.

Келажак дунёда ҳам сизни шу нарсалар кутади. Аслини олганда, дўзахда олов, осмонларда хазина йўқ. Ҳаммаси – биз яшаб турган ҳаётдан. Бу дунёда этган амалларингизни ортмоқлаб у дунёга борасиз. Амалларингиз ғишт бўлиб, осмонларда сиз учун қўшқу айвонлар қуришади. Ёки бўлмасам, ўтин бўлиб дўзах оловини гуриллатади. Ўлсам, шу билан ҳамма нарса тугайди деб ўйламанг, тугамайди. Аслини олганда бу ҳаётингиз дунёда ухляпсиз. Кўрганларингиз бари – туш. Қачонким ўлсангиз, уйғониб, ҳақиқий ҳаётни кўрасиз.

\* \* \*

Изн берсангиз, туш ва борликка алоқадор яна бир ҳикоят айтай. Бу бундан тўқсон йил аввал Усманийлар салтанатида бош вазир бўлган Саид пошшо ҳақида. Саид ҳали бола экан, отасининг хоҳишига кўра, бир кекса донишманднинг уйига қатнаб, ундан сабоқ олади. У замонларда бола тарбиясида бу муҳим бир восита ҳисобланарди.

Бола ўқишга доимий қатнасин деб отаси унинг кисса харжи учун устозига маълум миқдорда маблағ бериб қўяди. Ва ҳар ҳафта Саидга дейди: “Бугун пулингни оладиган кун. Бориб устозингга учраш”.

Саид қатнаб, сабоқ оладиган қария оддий муаллим эмас, шайх, сўфий эди. Бир куни бола кисса харжини олиб, сабоқ тинглаётганда эшикка ёш лўли келади. У шайхнинг уйига мунтазам қатнар, ўз ҳаётидан ҳикоятлар айтиб, охирида шайхга бирор майда-чуйда нарсасини пуллар эди. Шайх сотиб олар, садақа бермас эди.

Бу гал шайх лўлига қатъий дейди:

– Етар, бас! Уйим сен келтирган лаш-лушларга тўлиб кетди. Бугун ҳеч нарса сотиб олмайман.

– О, шайх, – дейди ёш лўли, – бугун ҳеч нарса сотмайман. Ғалати бир туш кўрдим. Шуни айтиб бермоқчиман, холос.

– Унда қира қол, – дейди шайх.

Лўли кўрган тушини айтади. Шайх уни тинглаб дейди:

– Чиндан ҳам ажойиб туш. Бугун сендан қалам, сақич ёки бошқа майда-чуйда олмайман. Тушингни сотмайсанми? Истасанг, уни ана шу боланинг кисса харжига алмаш (Бола шайхдан ҳар ҳафта бир доллар олар, ўшанда бу қатта пул эди).

– Сотаман, – дейди лўли бажони дил рози бўлиб. Одатда, шайхга сотадиган майда-чуйдаси учун бир неча цент олгучи эди.

Шайх Саидга лўлининг тушини сотиб олишни буюради. Бола истар-истамас рози бўлади. Орадан йиллар ўтиб, ўшанда пулини лўлига олиб бергани учун шайхдан қаттиқ ранжиганини эслайди.

Шайх қумуш долларни боладан олиб, лўлига узатади.

– Хўш, тушингни сотдингми? – сўрайди шайх.

– Сотдим, – дейди лўли.

– Мен ҳам, бошқалар ҳам гувоҳ, тушингни кичкина Саидга сотдинг...

Лўли кетади. Саид пулидан ажрагани учун йиғламсираб, хўрсинади.

– Болам, йиғлама, – дейди шайх. – Сен нима сотиб олганингни билмайсан.

– Нима сотиб олдик? Ҳеч нарса.

– Болам, лўлининг туши уни бош вазир қилиши мумкин эди. Мен уни сенга олиб бердим. Негаки, табиатинг покиза, сендан яхши мансабдор чиқади. Келажакда вазири аъзам бўласан... Табриклайман.

Саид пошшо яхши бош вазир бўлиб, Усманийлар салтанатига самарали хизмат қилди. У бош вазирликни қандай қилиб бир долларга сотиб олганини дўсту биродарларига завқлаиб ҳикоя қилган.

Аммо тасодифни қарангки, ундан кейин бош вазирлик лавозимини бир лўли эгаллайди. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, бундай нарсалар борасида олди-сотди қилиб бўлмас экан. Гарчи ёш лўли тушини сотиб, бош вазирликдан айрилган эса-да, унинг қондош-қариндоши бўлган бошқа бир лўли ана шу мансабга эришади.

Мен ҳар қалай тушлар ва унинг таъбирлари тўғрисида сизларга тасаввур бердим, деб умид қиламан. Тушлар – бу моҳиятан илоҳий билимдан бизга насиб этгучи маълумот. Илоҳий билим эса китоблар онаси бўлмиш Китобда жамулжам. Биз ухлаганда жонимиз ундан баҳраманд бўлади.

Тушларни донолиги баробарида ғайришуурий сезгига эга бўлган инсонлар ва бу ҳодисани теран англашга қодир донишмандларгина таъбирлай олади.

*Рус тилидан  
Жамол КАМОЛ таржимаси*

*(Давоми бор)*



## МАШХУР ЭРТАКЧИ

Шарль Перро 1628 йил 12 январда Париж парламенти адвокати оиласида дунёга келади. Перролар оиласи дворянларга мансуб бўлмаса-да, отаси 4 нафар ўғлининг муносиб таълим олишига ҳаракат қилади. Онаси ҳам ўқимишли аёл бўлгани учун ўзи фарзандларини ўқишга ва ёзишга ўргатади. Француз тарихчиси Филипп Арьес таъкидига кўра, Шарль таржимаи ҳоли намунавий аълочининг таржимаи ҳоли эди. Коллежда ўқиш давомида на Шарль, на унинг учта акаси қамчи билан жазоланмаган, бу эса ўша давр учун ғайриоддий ҳодиса бўлган. Ака-ука Перроларнинг намунавий хулқи ва ўқишга бўлган иштиёқлари ўз мевасини беради. Улардан иккитаси кейинчалик машхур бўлиб кетади. Катта акаси Клод архитектор сифатида донг таратади, шунингдек, механик, археолог, физик сифатида ҳам кўпгина ишларни амалга оширади. (У Луврнинг шарқий фасади – олд монини лойихалаштиради). Фарзандлар ичида энг кичиги бўлган Шарлнинг адабий истеъдоди жуда эрта намоён бўлади.

Коллежни тугатгач, Шарль уч йил давомида ҳуқуқ бўйича сабоқ олади, ҳуқуқшунослик дипломини кўлга киритиб, адвокатлик ишини бошлайди. Аммо адибнинг бу фаолияти оила анъаналарига содиқлик белгиси эди ҳолос. Кейинроқ у ўз хотираларида сундай ёзади: “Менинг фикримча, суд ишларининг барча китобларини



ёқиб ташлаш фойдадан холи бўлмас эди... дунёда суд жараёнларининг сони камайишидан яхшироқ иш бўлмаса керак”. Перронинг ўзи атиги иккитагина суд жараёнида қатнашган. Шу вақтнинг ўзиде у шоир Жан Шапленнинг эътиборини тортувчи шеърлар ёзади. Шаплен ёш йигитни молия вазири Кольберга тавсия этади, у эса ўз навбатида Перрони яқинда ташкил топган Кичик академия қошидаги адабий ижод кенгашининг котиби этиб тайинлайди.

Перро тезда Кольбернинг ишончини қозонади ва унинг атрофидаги энг муҳим шахслардан бирига айланади. Унга Ёзувчилар Академиясида нишон ва ёдгорликларнинг матнини тузишга ишонч билдиришади. У хорижий давлатларга юбориладиган элчиларга йўл-йўриқлар беради. Аммо унинг асосий лавозими – қиролликда бош котиблик эди. У Лувр, Тюильри ва Версалда бошланган қурилишларни назорат қилади, молиявий текширишлар ўтказиши. Унинг ҳаракатлари туфайли Тюильри боғи томошабинлар сайилгоҳига айланади.

1671 йилда Шарль Перро аввалига Француз академиясининг аъзоси, сўнг эса котиби лавозимини эгаллайди. Фавқулодда ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган Шарль академия ишига кўпгина янгиликлар киритади: мажлисларда ҳисобот учун иштирокчини қайд қилувчи жетонлар, овоз бериш учун шахсий ускуналар, жорий қилади, академияга аъзоликка қабул қилиш жараёнининг кенг жамоатчилик учун қулайлигини таъминлайди.

1683 йил Кольбернинг вафотидан сўнг Перронинг ҳам лавозимдан ўсиш жараёни тўхтади. У истеъфода чиқади ва ўзини буткул адабий фаолиятга бағишлайди. Бу даврга келиб у сарой доирасида анча танилган. Унга “Буюк Людовик асри” номли достони машхурлик олиб келади.

Ўз достонида Перро замонавий адабиётни Август асри адабиёти билан солиштиради. Бу қиёс туфайли кейингиси анча ноқулай аҳволга тушиб қолади. Перронинг энг дарғазаб қораловчиси (оппоненти) сифатида француз классицизмнинг таникли назариётчиси Никола Буало майдонга чиқади. У дoston ўқиладиган пайтда мажлислар хонасини намойишкорона тарк этади. Кейинчалик ҳам адабий рақибини аччиқ эпиграммалар билан “сийлаш” дан чарчамайди. Перро эса дostonдан бошланган мунозаранинг давоми сифатида 9 йил мобайнида фалсафий диалог сифатида шакллантирилган “Илм ва санъат масалаларида қадимги ва янгиларини қиёслаш” номли 4 жилддан иборат илмий асар ёзади. Ушбу асарда замонавий ёзувчиларнинг мумтоз аъёнлар руҳида ижод қилувчи ёзувчилардан устунлигини маданият тараққиётининг умум ғоясидан келтириб чиқаради. Перро фикрига кўра, инсоният тараққиёти жараёнида шахсий кашфиётлар билан ўтган даврлар тажрибасини бирлаштира олма, шу маданиятнинг энг юксак намунаси ҳисобланади. Мазкур мунозаранинг мантикий якуни ўларок “Замонавий Франциянинг машхур кишилари” (1697-1700) номли асари юзага келади. Аммо унга ҳақиқий машхурликни илмий асарлар эмас, у эълон қилишдан истиҳола қилган эртақлари олиб келади.

1694 йили Перро 3 та шеъринг эртагини нашрдан чиқаради. Улар “Гризельда”, “Кулгили истаклар” ва “Эшак териси” деб номланади. Кейинги 2 та эртақни Перро насрда ҳам ёзади. Перронинг таъкидига кўра, эртақлар қандайдир панд-насиҳат сабоғи билан боғлиқ бўлишлари керак. Эртақларда яхшилик, эзгулик рағбатлантирилади, ёмонлик эса жазоланади. Эртақлар инсонларга меҳнатсевар, тўғрисиўз, ақлли бўлиш қанчалик муҳим эканлигини кўрсатади.

Ўз даврининг эстетик қарашларига мос равишда Перро насрий эртақлардан кўра шеъринг эртақларни устун кўяр эди. Аммо унинг шеъринг эртақлари насрийда ёзилганларичалик машхурлик олиб келмайди. Шарль Перрога ҳақиқий машхурлик кел-

тирган тўплам бу “Ғоз онамнинг эртақлари ёки бурунги замондаги одоб-ахлоққа оид насихатомуз воқеа ва эртақлар” бўлди. Уларга аввал 8 эртақ кирган бўлса, кейинчалик Перро яна 3 та шеъринг эртақни қўшади. Булар – “Уйқудаги малика”, “Қизил шапкача”, “Кўк сокол”, “Этик кийган мушукча”, “Парилар”, “Кулойим”, “Тождор Рике”, “Бармоқвой”.

Перро ҳам ака-ука Гриммлар каби халқ эртақларини қайта ишлаган. Унинг “Бармоқвой”и “Куртийон куртийет” халқ эртағи билан ўхшаш бўлиб, “Эшак териси” асари эса “Испан қироли қизи” эртағи билан умумийликка эга.

Аммо Перрога “Қизил қалпоқча” эртагининг на фольклор, на адабий сюжети борлиги аниқланмаган.

Перро эртақлари француз адабиёти учун катта янгилек бўлган эмас. Унга ҳам кўплаб эртақлар тўплами чоп этилган, аммо уларнинг ҳаммаси “қуйи мутолаа”га кирган ва гўзаллик, юксаклик ҳукм сурган дунёга асло алоқаси бўлмаган. Перро биринчи бўлиб эртақни савияси баланд, дидли, дунёқараши кенг, тажрибали ўқувчига тақдим этади ва китобхон хурсандчилик билан совғани қабул қилади. Бундан ташқари, Перро ака-ука Гриммлар каби фольклор – халқ оғзаки ижоди намуналарини тўпламаган. Бунда у ёшлигидан яхши таъриф бўлган эртақлардан фойдаланган. Ўз эртақларида тил оддийлигини сақлаб қолган, бошқа жиҳатларга эса эркин тарзда ёндошган. Перро эртақлари ҳақида уларни рус тилига таржима қилган И.С.Тургенев жуда чиройли гап айтади: “Бироз нозик қадимфаранг латофатидан қатъий назар, Перро эртақлари жаҳон болалар адабиётида ўзининг шарафли ўрнига эга. Улар қувнок, мароқли, самимий, ортиқча панд-насиҳат ва муаллиф талаблари билан мураккаблаштирилмаган. Уларда яратувчи халқ назмининг майин саболари сезилиб туради; уларда ҳақиқий эртақ тўқимасининг фарқли белгисини ташкил қилган англаб бўлмас даражада ғаройиблик ва соддаликнинг қоринмаси мавжуд”.

Перро эртақларининг асосий қисми сеҳрли эртақлар. Уларда парилар, сеҳрлар учрайди. Парилар доим ях-



шилиқ қилишади. Масалан, “Кулойим” эртагида пари қизчанинг зиёфатга бориши учун ковокни извошга, олти сичқонни чипор отларга, каламушни эса извошчига айлантиради. Шунингдек, у чиройли кўйлак ва туфлича ҳади этади.

Ш.Перро эртаклари тасвирида тантанаворлик руҳи мавжуд. Масалан, “Кулойим”, “Уйкудаги малика” эртакларида бу ҳолат яққол кўзга ташланади.

Перро эртаклари қахрамонлари орқали халқ ардоқлаган фазилатлар: меҳнатсеварлик, топқирлик, бағрикенглик, сахийлик каби ахлоқий-маънавий фазилатлар улуғланади. Мақтанчоқлик, манманлик ва зулмга камтарлик, меҳрибонликни қарама-қарши қўяди. Масалан, “Кулойим” ни олиб кўрайлик. У шундай меҳнатсеварки, эртақни ўқиган ҳар

бир китобхон уни яхши кўриб қолади ва ёрдам бергиси келади.

Ёзувчи ижодидан бахраманд бўлган инсон эртақларнинг сеҳрли дунёсига киради. Унда чин дўстлик ва меҳроқибат ҳақиқий мўъжизалар яратишга қодир эканлигига шубҳа қолдирмайди. Ана шу гўзал фазилатлар ҳамиша ёмонни яхшига, мақтанчоқни камтарга, бахилни сахийга, ёлғончини эса ростгўйга айлантирашга ёрдам беради.

Мазкур эртақлар асосида кўплаб кино ва мультфильм сценарийлари, опера ва балетлар яратилган.

Адиб ҳаётининг сўнггида Буало билан дўстона муносабатда бўлади. Қадимги ёзувчилар тарафдори ўз рақибининг ҳақлигини тан олади. Ушбу баҳсда Перро ва унинг хайрихоҳлари ғалабага эришди. Шарль Перро 1703 йилда 16 майда Парижда вафот этади.

*Кавсар ТУРДИЕВА*  
филология фанлари номзоди



## ЭЛ АРДОҒИНИНГ СИРИ

1938 йил... Оддий кунларнинг бирида ўз даврининг етакчи театр режиссёри Маннон Уйғур кўчада тасодифан кўркем йигитчани гапга тутиб, унинг жавобларидан қониққани сабаб, театрга етаклаб келмаганида ХХ аср ўзбек саҳна маданияти яна бир забардаст актёрни кашф этмаган бўлармиди?! Ҳар нечук мана шу тасодифий, шу билан бирга бахтли учрашув Зикир

Муҳаммаджоновнинг театр саҳнасига кириб келишига сабаб бўлди. Театрда режиссёр Етим Бобоҷонов билан биргаликда ўтказилган синовдан сўнг уни оммавий саҳналарда синаб кўришга келишилди. Режиссёрларнинг ички сезилари алдамаганди. 1921 йил 1 январда дунёга келган бу истеъдод эгаси тез орада театр ва кино актёри сифатида эл эътирофига тушди, хизматлари муносиб тақдирланди. Ўзбекистон халқ артисти, “Дўстлик”, “Буёқ хизматлари учун” орденлари совриндори сифатида танилди. Зикир Муҳаммаджонов чет эл киностудиялари билан ҳамкорликдаги фильмларда ҳам суратга тушиб, ўзбек театри ва киносини дунёга танитди. Мамлакат раҳбарияти унинг узоқ йиллик хизматларини эътироф этиб, энг олий мукофот Ўзбекистон Қахрамони унвони билан тақдирлади.

Зикир Муҳаммаджонов кенг камровли актёр эди. Унинг саҳна санъати, кино ва телевидениеда яратган 100 дан ортиқ образларининг ҳар бири катта маҳорат ва меҳнат натижаси эди. Актёр ижодий биографиясида эътиборга молик образлар жуда кўп. Фердинанд (“Макр ва муҳаббат”),

Жалолоддин (“Жалолоддин Мангуберди”), Дехқонбой (“Шоҳи сўзана”), Абдуллатиф (“Мирзо Улуғбек”), Навоий (“Алишер Навоий”), Горацио (“Ҳамлет”), Кассио (“Отелло”), Ҳамза (“Ҳамза”), Фуркат (“Фуркат”), Беруний (“Абу Райҳон Беруний”), Эдигей (“Асрга татигулик кун”), Самандар (“Самандар”), Синтаро (“Ўғирланган умр”), Октавия Цезарь (“Юлий Цезарь”), Жабборов (“Парвоз”), Юсуфбек ҳожи (“Ўткан кунлар”), Мирзакаримбой (“Кутлуғ қон”) каби ролларида Муҳаммаджоновнинг ўзига хос ижод нафаси овозидаги жўшқин эҳтирос, фикран теранлик ва вазминлик билан тўлдирилиб, актёрнинг ўзигагина хос имконият кучи намоён бўлган. Муҳаммаджонов бир қанча фильмларда яратган образлари, хусусан, Мақсуд (“Фидойи”), профессор Каримов (“Кониёт горининг сири”), Шоҳ Баҳром (“Дилором”), Жунаидхон (“Ўзок-яқин йиллар”), Юсуф (“Алибобо ва қирқ қароқчи”) ва бошқаларда ўзининг кенг диапазонли актёр сифатидаги истеъдодини ёрқин намоён эта олган. Актёр видеофильм ва телеспектаклларда ҳам бир қанча образлар яратган: Улуғбек (“Улуғбек хазинаси”), Ҳусайн Бойқаро (“Алишер Навоий”), Исомиддин ака (“Ёр фарзанди”), профессор Комилов (“Имон”) ва бошқалар шулар жумласидандир. Муҳаммаджонов яратган образлар кучли психологик драматизми, романтик кўтаринкилиги билан ажралиб туради.

У уруш йиллари фаолиятини заводида, ишлаб чиқариш дастгоҳлари олдида давом эттирди. Кунига 18 соатлик меҳнат уни янада чиниктирди. Айнан шу ерда халққа хизмат олий бурч эканлигини дилдан ҳис қилди. Уруш ўрталарига келиб, ҳукумат топшириғига кўра ишлаб чиқаришда банд бўлган қатор актёрлар театрға қайтди. Ҳасан Юнусов, Файзи Ҳасановлар қатори Зикир Муҳаммаджонов ҳам театрға қахрамонлиги мавзусидаги асарлар билан бойитишга киришилган эди. Шу йиллари саҳналаштирилган “Жалолоддин Мангуберди” спектаклида актёрға Темур Малик образини яратиш топширилди. Бу актёрнинг дастлабки мустақил образи эди. Айнан мана шу роль ижроси Зикир

Муҳаммаджоновнинг келгусидаги ижодий тақдирини белгилаб берди.

Уруш тугагач, Тошкентда Ўрта Осиёда биринчи актёрлар тайёрлайдиган олийгоҳ – Театр ва рассомлик институтини ташкил этиш юзасидан ҳаракатлар бошланди. Зикир Муҳаммаджонов устози Маннон Уйғур тавсиясига кўра шу институтнинг биринчи талабалари орасидан ўрин олди. 1949 йилда институтни муваффақиятли тугаллаган Зикир Муҳаммаджонов, Яйра Абдуллаева, Эркил Малиқбоева, Ирода Алиева, забардаст режиссёр Тошхўжа Хўжаевлар театрға кириб келишди ва улар ҳисобига труппа анча кенгайди. Ушбу янгилиниш Ҳамза номидаги театр фаолиятида янги саҳифа очди. 1952 йилда Абдулла Қаҳҳорнинг “Шоҳи сўзана” асарида бош қахрамонлар образлари Дехқонбой – Зикир Муҳаммаджонов, Ҳафиза – Яйра Абдуллаевага топширилди. Ҳаётда айнан Дехқонбой сингари халқни янгиликка, меҳнат қахрамонликлариға чорлай оладиган ёшларға эҳтиёж катта эди. Шу маънода ушбу асар 50-йиллар ўрталаридаёқ ёшларни ҳаракатға ундагани билан эътиборли бўлди.

А. Мухтор асарлари асосида режиссёрлар Х.Аппонов ва Б.Йўлдошевлар томонидан саҳналаштирилган “Самандар” спектаклидаги Самандар Саидов ва “Сахро тор” спектаклида Заргаров образларини З.Муҳаммаджонов жонлантиради. Бу образлар талқини актёр ижодида беш йиллик танаффус билан ажралиб турса-да, ҳар икки характер ўртасида замондош қахрамонға хос ички муносабат ва тадрижий ривожланишни сезиш мумкин.

Хусусан, Самандар Саидов меҳнат одами. Унинг ахлоқий қарашларидаги кучлилик ва айни пайтда заифлик ҳам шунда. Ҳаётда ҳамма нарсаға ўз меҳнати билан эришган, ўзининг ҳақлигини меҳнат билан исботлашға бел боғлаган шахс. Актёр қахрамоннинг ички дунёсига кўпроқ эътиборни қаратади.

Иккинчи спектакль қахрамони Заргаров ҳаётдаги барча ҳодиса ва синовларда тайёр андозаларға суянмайди, балки тинимсиз ўзгариб турувчи фаолиятдан келиб чиқиб маълум бир қарорларға келади. Раҳбар образини

ижро этар экан, актёр бу ерда ҳам ишчанлик фазилатларини қахрамон хушмуомалалиги ва одамохунлигидан ажратмасликка интилади.

Актёрдаги психологизмга мойиллик, зиёлиларга хос хатти-ҳаракатлар, ташқи бичим, ижодий фикрнинг теранлиги Ў.Умарбековнинг “Кузнинг биринчи куни” асаридаги Шокир Султонов образида ҳам намоён бўлади. Пьесада ёшлар тарбияси жиддий масала қилиб кўйилган. Ушбу асар актёрдан катта маъсулият, ижодий изланиш талаб қилар эди. Зеро, сахнада оз кўриниб, чекланган ҳаракатлар асосида эса қоларли образ яратишдек вазифа турарди.

Спектаклда актёр ижросида мулоҳазага тортувчи, ҳаяжонга солувчи қатор эпизодлар мавжуд. Хусусан, ечим сахнаси драматик кескинлиги, маънодорлиги билан пьеса мундарижасини янада бойитган. Фарзанди ва унинг дўстларини тўғри йўлга солиш истаги ёшлар томонидан тўғри англамагани, отанинг бирдан Ремнинг хатти-ҳаракатидан даҳшатга тушиши ва буни кўтара олмай йиқилиши эпизодлари жуда таъсирли ижро этилган. Шокир ака жасадининг эътиборсиз чўзилиб ётиши, ваҳимага тушган уч йигитнинг қотиб туриши, телефон қўнғироғининг тўхтовсиз даҳшатли жиринглаши, сахна айланиши билан ота-оналар аламли нигоҳларининг фарзандлари нигоҳларига рўбарў келиши – буларнинг барчаси – худбинлик, сохталик ва манманлик устидан чиқадиған ҳукм маъносида жаранглайди.

Зикир Муҳаммаджонов Уйғун қаламига мансуб “Беруний” спектаклида ҳам бош қахрамон образини яратган.

Актёр талқинидаги Беруний драматик шахс, феъл-атвори мураккаб. Ўз давридан илгарилаб кетган, бироқ ўшаб турган муҳити талаблари билан келишишга мажбур бўлган буюк шахс қалбидаги изтиробли кечинмаларни актёр маҳорат билан ифодалайди. Бу

эса Зикир Муҳаммаджоновни навбатдаги тарихий қахрамон Навоий ролига танланишига сабаб бўлди.

Маълумки, Уйғун ва Иззат Султонлар қаламига мансуб “Алишер Навоий” драмаси Миллий академик драма театри сахнасида бир неча бор сахналаштирилган. Спектаклнинг сўнгги варианты режиссёрлар Т.Азизов ва М.Абдуллаева ҳамкорлигида амалга оширилар экан, айтиш лозимки, ушбу ижодкорлар сахналаштириш анъанасини тубдан ўзгартиришга интилдилар. Бош қахрамонларнинг ёшлик ва кексалик даврларини турли актёрлар ижро этдилар. Навоийнинг ёшлик йилларини С.Умаров ва Б.Муҳаммадкаримов, кексалик даврини эса – З.Муҳаммаджонов ва Ё.Аҳмедовлар ижро этдилар. Зикир Муҳаммаджонов ижросида Навоийнинг улкан маданият соҳиби, юксак маънавий ғоялар тарғиботчиси эканлиги ёрқин намоён бўлди.

Актёрнинг айнан шу даврдаги образлари орасида Чингиз Айтматовнинг “Асрга татигулик кун” романи асосида яратилган спектаклдаги Эдигей образи ҳам диққатга сазовордир. Спектаклда асосий эътибор Эдигей тақдирига қаратилиб, ушбу образ ижроси учун бир неча актёрлар жалб қилинади. Асосий ижрочи З.Муҳаммаджонов талқинидаги Эдигей виждон амри билан иш тутувчи инсон. Шу каби ҳаётгий образларни маҳорат билан яратган актёр 2013 йилнинг 24 августида вафот этди.

Зикир Муҳаммаджонов қандай характердаги қахрамонларни ижро этмасин, аввало, яратаётган образининг кучли жиҳатларини кўрсатишга интилган. Шу сабаб унинг қахрамонларида ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, инсоний бурчларига содиқлик ҳисси кучли бўлар эди. Халқимизнинг ардоқли санъаткори Зикир Муҳаммаджонов айнан мана шу хислатлари билан томошабинлар меҳрини қозонган, доимо ўзига жалб этиб келган бўлса, ажабмас.

*Дилфуза РАҲМАТУЛЛАЕВА,  
санъатишунослик фанлари доктори*



## БЕШ ҚАЛДИРҒОЧНИНГ БИРИ

“Маҳаллада дув-дув гап” фильмини кўрмаган ўзбек томошабини бўлмаса керак. Лутфихон Саримсокова, Марям Ёкубова, Раҳим Пирмухамедов каби буюк актёрларнинг маҳоратига “офарин” дея тан бермаган, олқишламаган одам ҳам бўлмаса керак. Бироқ фильмдаги ушққина ролларга эътибор берганмисиз? “Иссиқ-совук” қиладиган азайимхон Саъдихон Табибуллаев, Москвадаги ўғилдан хат келтирадиган почтачи Сайфи Олимов ёки меҳмонхонада алам билан Умархоннинг суратини йиртиб, йўлакка ташлаб юборилганида, жаҳл билан сурат парчаларини хонага қайтариб супуриб юборадиган фаррош аёл ёдингиздами? Ана шу бир икки лавҳада кўринадиган ушққ роллар бўлмаса, фильмдан олинadиган таасурот қутилгандай бўлармиди? Йўқ, албатта. Сабаби шу кичкина лавҳаларни катта актёрлар ижро этиб, оддийгина персонажларни ўзига хос характер хусусиятига эга образлар даражасига кўтара олганлар, десак муболаға бўлмаса керак. Биргина ўша фаррош аёлни ёдга олайлик. Унинг ўз хизматида беписандликни сезиб, жаҳл билан сурат парчаларини хонага қайтариб супуриб ташлаши, бу аёлнинг бўш-баёв хотин эмаслигини кўрсатади. Унга эътибор беришга мажбур қилади. Ана шу ушққина лавҳа ва персонажни салмоқли ва эсда қоладиган даражада

кўрсата билган актриса – Ўзбекистон халқ артисти Тошхон Султонова бўлади. Тошхон Султонова кинода кўп ва катта роллар ўйнамаган. Унинг бари ҳаёти театр билан, отахон санъат даргоҳи – Миллий театр билан чамбарчас ўтган.

Актриса 1909 йилнинг 7 январида Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Ёшлигида санъатга меҳри бўлакча Тошхон тақдирини театр ва кино санъати билан боғлайди. XX аср бошларида “Колезей” Тошкентдаги театрида иктидорли ёш актёрларга, айниқса, маҳаллий хотин-қизлардан чиққан актрисаларга эҳтиёж ниҳоятда катта бўлган. Шундай шароитда Республика ҳукуматининг қарори билан 1924 йилда Москвага ва 1925 йили Боку шаҳрига бир қатор иктидорли ёшлар ўқишга юборилади. Лекин ўша йили хотин-қизларни студияга жалб қилиб бўлмайди. Келгуси йили Москва студияси учун Тошкентдаги ўқув юртлири, санои нафиса тўғарақлари кўриб чиқилиб, Турсуной Сайдазимова, Замира Ҳидоятлова, Тошхон Султонова, В.Эрматовалар танлаб олинади. Бу навнихол кизлар – беш қалдирғоч орасида Тошхон эндигина ўн беш баҳорни қаршилаган кизалоқ эди.

Студияга раҳбар этиб Маннон Уйғур, адабий эмакдош ва таржимон сифатида Чўлпон тайинланади. Бошқалар қатори Тошхон ҳам рус театрининг етук режиссёр ва актёрлари В.С.Канцель, Л.Свердлин, Р.Н.Симонов, И.М.Толчанов, О.Н.Басов бошчилигида сахна санъатининг сирасорларини кунт билан ўрганиб қайтади. Бу студияда таълим олган ижодкорларнинг аксарияти кейинчалик Миллий театримизнинг етук намоёндалари бўлиб етишади ва ўзбек театри санъатини дунёга танитади.

Студияни 1928 йили тамомлаб келган ёш малакали актёрлар билан труппа тўлдирилгач, театр ҳаётида катта ўзгаришлар юз бера бошлайди. Шу йилларда фаолият кўрсатаётган “Намуна” труппаси қайта тузилиб, унинг негизида Ўзбек давлат драма театри ташкил этилади. Театр репертуари мумтоз ва замонавий мавзулардаги асарлар билан бойитиб борилади. Тошхон Султонова ҳам спектаклларда ранг-баранг роллар ижро этиб, томошабинлар эътиборига туша бошлайди.

Дастлаб, Маннон Уйғур 1927 йили сахналаштирган Чўлпон ва В.Янлар каламига мансуб “Хужум” спектаклида Гулжаҳон ролини муваффақиятли ижро этади. Шундан кейин турли мавзу ва жанрлардаги қатор спектаклларда ўз маҳоратини намоён эта бошлайди.

У.Шекспирнинг “Ҳамлет”ида Гертруда, “Отелло”сида Эмилия, К.Гольдоннинг “Икки бойга бир малай”ида Смеральдина, Н.Гоголнинг “Ревизор”ида Анна Андреевна, Ҳамзанинг “Бой ила хизматчи”сида Раҳима хола каби роллари билан назарга туша бошлайди. Т.Султонова ижоди ўзбек аёллари, айниқса, оналар образлари моҳирона талкин этилгани билан эътиборга молик. У Максуд Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” фожесидаги Гавҳаршодбегим, Умаржон Исмоиловнинг “Пахта шумғиялари”да Ойбуви, Баҳром Раҳмоновнинг “Юрак сирлари”да Ризвон, Абдулла Қаҳҳорнинг “Оғрик тишлари”да Раҳима, “Шоҳи сўзана”да Ҳамробиви, Уйғуннинг “Хуррият” драмасида Хосият, “Парвона”, “Аяжонларим” комедияларида Адолат ва Бўстон, Ўлмас Умарбековнинг “Комиссия” драмасида Тухфа каби турфа кифоли аёллар образлари галереясини яратиб, томошабинлар ёдида қолди. Масалан, “Пахта шумғиялари” асаридаги Ойбуви образида Тошхон Султонова маҳорати яққол кўринади. У акаси Омон қабилар тоифасидан бўлиб, ўзгалар ҳисобига яшашга ўрганган, маънавий чекланган, ижтимоий ҳаёт билан мутлақо қизиқмайдиган, саводсиз, текинхўр, тубанликка юз тутган аёл образини ўзига хос талкин қилгани туфайли ўша даврдаги матбуотда “Тошхоннинг бу ўйинига қойил қолдилар” – деб алоҳида эътироф этилади.

Баҳром Раҳмоновнинг “Юрак сирлари” асари режиссёр Тошхўжа Хўжаев томонидан 1953 йили сахналаштирилади. Спектаклдаги кўпгина етук актёрлар қатори Тошхон Султонова Ризвон ролини ижро этади. Сурмаҳоннинг онаси Ризвон худбин, бемаъни аёл бўлгани учун қизини ҳам шу аснода тарбиялаган. Ролнинг моҳиятини тўғри англаган актриса Ризвонни очкўз, кўпол, дағал, ҳатто ўз қизининг бахтли бўлишидан кўра, уни бойиш манбаи деб

биладиган худбин аёл сифатида талкин қиладики, томошабин бу аёлдан ҳам, Сурмаҳон тарбияланган оиладан ҳам нафратланади.

Спектаклнинг сатирик кучи бошқа ижрочилар қатори шу образ ижросида ҳам намоён бўлади. Ризвонни актриса Замира Ҳидоятлова ҳам ижро этган бўлиб, у ҳам ўзига хос талқини билан ажралиб турган.

Эллигинчи йилларнинг бошларида Абдулла Қаҳҳорнинг “Оғрик тишлар” сатирик комедияси режиссёр А.Гинзбург томонидан сахналаштирилади. Спектаклда актёрлар ҳар бир персонажни ўзига хос характерли томонларини очиб беришга ҳаракат қилиб, яхши натижаларга эришади. Унда бош қаҳрамон – тиш доктори Мамарасул Ҳузуржонов томонидан алданган мактаб ўқувчиси Насибанинг онаси Раҳима хола ролини Тошхон Султонова Ризвонга нисбатан тамомила ўзгача ижро этади. Раҳима хола характеридаги соддалик, фарзандига беқиёс муҳаббат кирралари, самимийлиги, ўғил кўрмадим деб ҳасрат чекишларини ишонарли тарзда очиб бериб, томошабин меҳрини қозонади. Машхур комедиялар “Парвона” спектаклидаги Адолат, “Келинлар кўзғолони”даги Мохмон аёл каби қатор роллари эпизодик бўлса-да, эсда қоладиган ижро этилган.

Актриса ўзига берилган ҳар қандай ролнинг моҳиятини тушуниб етиб, ички дунёсини чуқур англаб ижро этиши орқали устозлари ўғитларига содиқ ҳолда миллий театр анъанасини давом эттириб келган ижодкордир. Тошхон Султонованинг ўзбек миллий театр санъати равнақида қўшган кўп йиллик самарали ижодий меҳнати муносиб тақдирланиб, унга Ўзбекистон халқ артисти (1955 йил) унвони берилди. Аёллар, оналар образларининг моҳир ижрочилари Зайнаб Садриева, Ҳолида Хўжаева, Замира Ҳидоятлова, Икромма Болтаевалар билан биргаликда Тошхон Султонова ҳам Ўзбекистон Давлат мукофотида сазовор бўлади ва беш етук ижодкорларнинг бири сифатида эътироф этилади.

Актриса 1989 йили 80 ёшида Тошкент шаҳрида вафот этган.

*Эсонбой ЎРИНОВ*  
театршунос



## БОМАРШЕНИНГ БАХТИ

Машхур “Фигаронинг уйланиши” пьесаси Пьер Огюст Карон Бомарше номининг жаҳон театри санъати тарихида шу асрда яшаб ўтган Карло Гольдони ва Карло Гоццидек буюк италян драматурглари каторида эътироф этилишига сабаб бўлди. Гольдони ва Гоццилар Италия театрларида ўнлаб асарлари сахналаштирилиб, драматургия майдонида ўзаро курашган бўлсаларда, Бомарше “Фигаронинг уйланиши” асарида ўз мамлакатига ижтимоий ҳаётни кескин танқид қилиб чиқади. У 1732 йил 24 январда Париж шаҳрида соатсоз оиласида дунёга келди.

Бомарше драматургияга ёши 40 дан ошганда, ҳаётнинг аччиқ-чучугини обдон татиганидан сўнг кириб келган.

Бомарше ёшлигиданоқ тиришқоқ, зеҳни, ўткир, қўли гул уста (соатнинг янгича нухасини кашф этган) эди. Мусиқа санъатининг ҳам ҳадисини олган ижодкор арфадек мураккаб мусиқа асбобини яратиб жамоатчилик орасида шуҳрат қозонади. Теран билим ва юксак қобилияти туфайли у Франция қироли Людовик XV кизларига мусикадан сабоқ бериш учун сарой хизматига қабул қилинади. Уддабурон Бомарше саройдаги фаолияти давомида ўзининг молиявий шароитини яхшилаб олади. Аммо бу ҳаёт узоққа чўзилмайди. Бомарше ҳибсга олиниб, қисқа муддат қамокда ўтириб чиқади. Шундан сўнг саройдан четлаштирилган Бомарше XVIII аср

етмишинчи йилларнинг бошида “Хотираларим” деб номланган китобини ёзади ва 1773-1774 йиллар ичида уни нашр эттиради. Сарой ҳаётининг кирдикорлари тилга олинган мазкур китоб учун Бомарше яна бир бор камалиб чиқади ва француз жамоатчилиги кўз ўнгида омманинг ҳимоячиси, илғор зиёлиси сифатида гавдалана бошлайди. Бундай муносабатдан руҳланган Бомарше ўз танқидий қарашларини сахнада баралла янграшини ният қилади ва “Севилия сартароши” номли комедиясини яратади. Асарнинг бош қахрамони Фигаро Европа драматургиясида шаклланган хизматкорлар типидан бир мунча фарқланар эди. Хизматкорлар одатга кўра муғомбир, топқир, ҳийлакор айни вақтда, ўз хўжайинларига садоқатли тарзда кўрсатилсалар, Фигаро ақлли, топқир, ўз қатъий фикрига, ўз дунёқаршига эга шахс сифатида ёрқин тасвирланади.

“Севилия сартароши”нинг сахналаштирилиши таъқиқланиб, Людовик XV вафотидан сўнггина амалга оширилади. Бомарше томошабинлар томонидан қизғин кутиб олинган қахрамон Фигаро образи устида ижодий изланишни давом эттиради ва тез орада “Фигаронинг уйланиши” комедиясини яратади. “Фигаронинг уйланиши” аввалги пьесанинг давоми бўлса-да, унинг ғоявий ва ижтимоий жиҳатлари бутунлай ўзгача, анчайин кескин ечим топган эди.

Наполеон Бонапартнинг Бомаршенинг ушбу асарини “Харакатга келган инқилоб” деб аташи ҳам “Фигаронинг уйланишидаги” исёнкорлик руҳини аниқ тушунганлигининг холис ифодаси эди. Бомарше “Севилия сартароши” ва “Фигаронинг уйланиши” асарларининг давоми сифатида “Жинояткор она” пьесасини яратади. Бирок шуни айтиш керакки, мазкур асарни бадий ва ғоявий жиҳатдан мукамал деб бўлмайди. Бинобарин, “Севилия сартароши” асаридаги хўжайин ва хизматкор муносабатларидаги ўзаро ҳамжиҳатлик ҳаёт ҳақиқатига зид манзарани акс эттирган, хизматкорнинг характери, эркин хатти-ҳаракатлари, уддабуронлиги эътиборни тортган бўлса, “Фигаронинг уйланиши” да Фигаро ҳақиқий курашчи, аниқ мақсад, яъни

хукмрон табақанинг танобини тортиш йўлида дадил ҳаракат қилиб ғалабага эришган ва халқчил қаҳрамон даражасига кўтарилган ва шу жиҳатлари билан ўқувчилар қалбида чуқур жой эгаллаган эди. Ҳар қандай драматург барҳаётлигини таъминлайдиган асосий омиллардан бири яратган пьесаларнинг саҳнавий тарихи бўлади. Шу нуқтаи назардан Бомаршенинг номини абадийлаштирган асар “Фигаронинг уйланиши” бўлди, деб айта оламиз. Зотан, Фигаро фақат Францияда эмас, балки барча Европа мамлакатларида, ва айниқса, Россияда театрлар саҳнасидан мустаҳкам ўрин олган персонаждир. Хусусан, жаҳон маданияти тарихида “Театр ислохотчиси” мақомига эга бўлган

К.С.Станиславскийнинг 1927 йили МХАТ саҳнасида жонлантирган спектакли узоқ йиллар машҳур бўлиб, театр репертуарини безаб келди. Унда бадиий кашф этилган образлар, айниқса, Баталовнинг Фигароси, Андровскаянинг Сюзаннаси, Завадскийнинг граф Алмавиваси театр ўқув китоблари, дарсликларида намуна сифатида талқин этилади.

Санъатнинг табиати қизиқки, битта Фигаро номли хизматкор неча асрлардан бери Пьер Огюст Бомаршенинг ижодини, унинг ҳаёт йўлини бутун дунё бўйлаб катта қизиқиш билан ўрганишга сабабчи бўлиб келмоқда. Адиб 1799 йил вафот этган бўлсада, Фигаро унинг номини ҳалигача кўтариб юрибди.

*Тойир ИСЛОМОВ,  
санъатишунослик фанлари  
номзоди, профессор, Ўзбекистонда  
хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси*



15 январь –

*Илк ўзбек пьесаси сахнада қўйилганига юз йил тўлди*

1911 йилда Маҳмудхўжа Бехбудий “Падаркуш ёхуд Ўкумаган боланинг холи” номли “3 парда 4 манзарали миллий, биринчи фожиа” сени ёзади. Асарни чоп қилиш хусусидаги уринишлар икки йилгача муваффақиятсиз кечади. Фақат пьесани 1812 йили рус-француз муҳорабасининг Бородино майдонидаги муслар ғалабаси билан якунланиши 100 йиллигига бағишлаб, Тифлисидаги цензорга юборилиши нашр учун имкон беради. “Матбуот ишлари Тифлис кўмитаси цензори рухсати билан Кавказ ўлкаси сахналарида қўйиш мумкин” деган 1913 йил 23 март 19940-сон қарорига кўра, асар 1913 йил Самарқандда алоҳида китоб холида чоп этилади.

“Падаркуш”нинг нашрдан чиқиши том маънода ўзбек миллий театрининг туғилишини белгилади. Шу йилнинг ўзидаёқ Самарқандда Бехбудий, Тошкентда Мунаввар қори ва Абдулла Авлоний раҳбарлигида асарни сахналаштириш ҳаракатлари бошланади. “Ойина” ёзади: *“Самарқанднинг ўзбек ва татар ёши ва тараққийпарварлари бир бўлиб, ўзбекча “Падаркуш” ва татарча – “Олдадук ҳам олдандук” асарларини Самарқанд қироатхонаи исломияси нафъига 1914 йил 15 январь оқшомида Самарқандда қўймоқчи бўлдилар ва ҳам ушбу ғайратли ўзбек ва татарлар бирлашиб, Хўқанд ва Бухоро ва ўзга Туркистон шаҳарларинда миллий театрлар кўрсатмоқчидурларки, ният ва ғайратлари шоеъни шукронадур. Идорага келган мактубларга қараганда, Хўқанд ва Тошкандда ҳам “Падаркуш” фожиасини сахнада қўймоқ учун машқ қилмоқда эмишлар. Агарда ғайратлик ёшлар миллий тиётурга ривож берсалар, яна бошқа асарларда тартиб ва нашр қилинур”*.

“Падаркуш” илк бор ҳаваскорлар томонидан 1914 йил 15 январь куни Самарқанднинг Янги шаҳар қисмида намойиш этилади. Шу муносабат билан “Ойина” мажалласининг 1914 йил 25 январь 14-сонида “Туркистонда биринчи миллий театр” ҳамда “Падаркуш” кетидан татар труппаси қўйган “Олдадук ҳам олдандук” номли татарча спектакль ҳақида 1 февраль 15-сонида “Самарқандда театр” номли давомли ахборот-тақризлар эълон қилинади. Унда “Падаркуш” фожиасининг “ниҳоятда яхши амалга қўйилгани” айтилиб, театр-ибратхонага минглаб халқ “хужум” қилгани, 320 ўринлик театр залига яна элликта қўшимча жой қилиниб, билетлар баланд нархларда аввалдан сотилгани баён қилинади. Бундан ташқари, яна маълум бўлишича, уч-тўрт юз киши қайтиб кетишга мажбур бўлган. Баъзилар ўз билетларини икки баравар қимматига сотиб, фойдаланиб қолганлар, айримлар эса уч сўм бериб, тик турмоққа ҳам рози бўлган, ammo шунда ҳам бир парча ер йўқлиги, охир-оқибат театр маъмурлари халқдан узр сўраб, “Падаркуш” ни яна яқин кунларда Эски шаҳарда мактаблар фойдаси учун қўйилиши ва билетлар баҳоси арзонлаштирилиб сотилишига ваъда берган. Мазкур тафсилотлар спектаклнинг улкан воқеа бўлганига яна бир далилдир.

Демак, “Падаркуш” пьесасининг эълон қилиниши бу Бехбудий ёки Самарқанд шаҳри зиёлилари учун аҳамиятли бир ҳодиса бўлмай, бутун Туркистонда ижтимоий-маданий ҳаётнинг янада жонланмоғи учун, театр ҳаваскорлари негизида янги-янги маърифатчи жамоалар майдонга келиши учун туртки бўлган.

*Шухрат Ризаевнинг  
«Жадид драмаси» китобидан олинди*

### МИНГ ЙИЛЛИКНИНГ ЯНА БИР ЖУМБОҒИ ЕЧИЛДИМИ?

Янги асримиз, янги минг йиллигимиз арафасида АҚШдаги Клэй математика институти еттига математик жумбоқни учинчи мингйиллик масаласи (Millennium Prize Problems) деб эълон қилди ва уларнинг ҳар бирининг ечими учун миллион доллардан мукофот эълон қилди. Келинг, бу масалаларни бир эслаб ўтайлик:

1. P ва NP синфларининг тенглиги. 2. Хож гипотезаси. 3. Пуанкаре гипотезаси. 4. Риман гипотезаси. 5. Янг – Миллс назарияси. 6. Навье – Стокс тенглалари мавжудлиги ва ечимлар силлиқлиги. 7. Бёрч – Свиннертон-Дайер гипотезаси.

<sup>1</sup> Самарқандда тиётру – “Ойина” журнали, 1913, 10-сон, 234-бет.



Кўпчилигимизга маълумки, мазкур масалалардан фақат биттаси – 1904 йилда эълон қилинган Пуанкаре гипотезаси россиялик олим Перельман томонидан 2006 йилда ечилди. Бироқ олим ўзига тегишли миллион доллар мукофотни олишдан бош тортиди. Айни кунларда дунёдаги тирик даҳолар рўйхатида 9-ўринда турган Перельман Санкт-Петербургда, коммунал уйда, онасининг нафақа пулига яшамоқда.

Шубҳасиз, қолган олти муаммо устида бош қотираётган олимлар сони кундан-кунга ошаверди. Жумладан, 2010 йилда америкалик профессор Деолаликар “P vs NP” жумбоғини ечанлигини эълон қилди. Аммо ўтказилган текширишлар формулаларда хатолик борлигини аниқлади. Мазкур масала юзасидан лугансклик (Украина) профессор Анатолий Плотниковнинг бир эмас, икки ечими ҳам худди шу сабабга кўра рад этилди.

2014 йилнинг **10 январид**а Москва давлат университети матбуот хизмати мингйиллик масалаларидан яна бирининг ечими топилганлиги ҳақидаги хабарни эълон қилди. Маълумотларга кўра, қозоғистонлик 72 ёшли физика-математика фанлари доктори Мухторбой Утелбоев ўттиз йиллик изланишлардан сўнг ниҳоят “Навьё – Стокс тенгламалари”га ечим топа олди.

Агар оддий тилда тушунтиришга уринадиган бўлсак, гидродинамиканинг муҳим масалаларидан бирини қамраб олган “Навьё – Стокс тенгламалари” ёпишқоқ суюқликлар ва газлар ҳаракатига бағишланган. Мазкур тенгламалардан кемасозлик ва самолётсозликда, торнадо ва тўфонларни олдиндан тахмин қилишда фойдаланилади. Бу ўта муҳим масала устида айни пайтнинг ўзид

дунё бўйича бир ярим мингдан ортиқ таниқли математик иш олиб бораётганлиги маълум. Гарчанд оммавий ахборот воситалари бу хабарни ҳамда машҳур математик Стивен Монтгомери-Смитнинг (АҚШ) “Тушунганларимга кўра (М. Утелбоевнинг мақоласи рус тилида эълон қилинган – А.И.) хулоса чиқарсам, ҳаммаси жойидага ўхшашпти” деган эътирофини ёруғлик тезлигида бутун дунёга тарқатиб улгурган бўлса-да, қайд этиб ўтиш жоиз, олимнинг ечими ҳали инглиз тилига ўгирилади, нуфузли ҳайъат томонидан текширувдан ўтказилади. Амалдаги қоидаларга кўра, ечим математиклар томонидан икки йил ичида жиддий тарзда рад этилмаган тақдирдагина кўриб чиқиш учун ҳайъат томонидан қабул қилинади.

Расмий таомиллар ўз йўлига. Биз учун минтақамизда яшаётган туркий олим аниқ фанлар бўйича жаҳон олимларининг “панжасига панжа урган”лиги эътиборга моликроқ назаримизда.

Олимнинг ўзи дастлабки интервьюсида ёш иқтидорлар масаласига алоҳида қаратиб, бундай ёшлар хорижда эмас, ўз Ватанларида таълим олганликлари мақсадга мувофиқ бўлишини, зеро чет элда ўқиб келаётган йигит-қизлар аксар ҳолларда моддий манфаатни биринчи ўринга кўйишни ўрганиб қайтишаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Дарвоқе, яна бир гап. Ўтган ҳафта АҚШдаги Жон Хопкинс университети Халқаро алоқалар факультети раҳбари ҳамда Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси, профессор Фредерик Старр HistoryToday журналида Американинг кашф этилишида ватандошимиз Абу Райҳон Берунийнинг ролига бағишланган таҳлилий мақоласини эълон қилди.

Профессорнинг таъкидлашича, Берунийгача бўлган олимлар Евроосиё минтақасини “Дунё океани” билан ўралган деб изоҳлашга ҳаракат қилишган. Беруний эса математика, мантик ва кузатувлар нуктаи назаридан бундай қарашни инкор этади. У Евроосиё минтақасининг жойлашувидан келиб чиқиб, Атлантика ва Тинч океанлари ҳавзасидаги номаълум ер одамлар яшаши учун қулай жой эканлигини қайд қилган. Шуларга асосланиб мақола муаллифи Беруний ҳам Шимолий Америка кашфиётчиси сифатида тилга олиниши жоизлигини айтади.

Албатта, “сеҳрли диёр” олимнинг бундай эътирофи кишини мамнун этади. Беихтиёр шоиримизнинг Колумбда қолган алами ҳақидаги мисралари ёдга тушади... Бундай сурурли лаҳзаларда, дейлик, “алгоритм” атамаси буюк бобомиз ал-Хоразмийнинг исмидан келиб чиққанлиги ёки бугун ҳар бир мактаб ўқувчисига аён “алгебра” сўзи аслида Муҳаммад Мусо ал-Хоразмийнинг “Ал-Жабр вал-муқобил ҳисоби ҳақида қисқача китоб”идаги “ал-жабр” атамасидан пайдо бўлганлиги хусусидаги фахрли мулоҳазаларга берилиб кетиш ҳам ҳеч гап эмас.

Мингйиллик масалаларининг яна бештаси ҳали ҳал қилинмасдан турибди. Навбат сизга, Беруний, Хоразмий, Улуғбек авлодлари бўлган математикларимиз...

*Абдуқаном ЙЎЛДОШЕВ*

**МУҚОВАМИЗДА...**

**БУЮК МЕЪМОР**

1. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 2. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 3. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 4. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 5. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 6. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 7. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 8. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 9. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 10. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 11. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 12. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 13. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 14. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 15. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 16. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 17. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 18. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 19. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 20. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 21. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 22. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 23. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 24. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 25. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 26. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 27. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 28. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 29. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 30. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 31. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 32. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 33. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 34. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 35. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 36. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 37. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 38. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 39. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 40. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 41. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 42. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 43. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 44. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 45. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 46. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 47. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 48. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 49. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 50. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 51. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 52. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 53. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 54. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 55. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 56. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 57. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 58. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 59. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 60. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 61. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 62. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 63. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 64. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 65. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 66. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 67. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 68. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 69. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 70. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 71. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 72. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 73. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 74. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 75. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 76. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 77. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 78. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 79. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 80. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 81. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 82. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 83. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 84. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 85. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 86. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 87. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 88. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 89. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 90. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 91. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 92. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 93. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 94. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 95. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 96. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 97. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 98. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 99. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари  
 100. Ҳаётимизнинг ҳақиқатлари

Журналимиз муқовасидаги ниҳоятда ўзига хос, мухташам замонавий меъморий обиданинг муаллифи Йорн Утзон 1918 йилнинг 9 апрелида Даниянинг Копенгаген шаҳрида ҳарбий-денгизчи меъмор оиласида таваллуд топган. Унинг болалиги Даниянинг Ольборг шаҳрида ўтади. Оиладаги ижодий муҳит ёш Йорнда меъморлик соҳасига қизиқиш уйғотди. 1937 йилдан

у Дания Кириллик академиясига ўқишга бориб, устозлари Кей Фискер ва Стин Эйлер Расмуссенлардан сабоқ олади. 1942 йилда таҳсилни тамомлагач Йорн Стокгольмдаги Гуннар Асплундга ўқишга киради. У ерда таниқли меъморлар Арне Якобсен ҳамда Пол Хеннингсен билан ҳамкорликда ишлайди. Америкалик меъмор Фрэнк Ллойд Райтнинг фаолиятига ҳам унинг қизиқиши бўлакча эди. 1947-1948 йилларда у Европага, сўнгра Марокашга, 1949 йилда АҚШнинг Мексика шаҳрига саёҳат қилади. Мазкур мамлакатлардан олган таассуротлари бевосита унинг ижодий фаолиятига таъсир этиб, дунёқарашини, соҳага оид билимларини янада бойитади. Шу тариқа 1950 йилда Копенгагенда ўзининг шахсий студиясини очишга муваффақ бўлади. Дунё бўйлаб сафарлари чоғида касбий тажрибалари тобора ортиб боради. Айниқса, 1957 йилда Хитойга ва Японияга қилган саёҳатларида бинонинг ички безакларини яратиш борасида жуда кўп билимларни эгаллайди, Ҳиндистонда ҳам соҳага оид янгиликлардан воқиф бўлади.

Фақатгина қобилияти ва таассуротлари билан чекланиб қолмаган Йорн Утзон ўз устида тинимсиз ишлаши, изланишлари натижасида моҳир меъморга айланади. Илмга чанқоқлиги, тиниб тинчимаслиги сабабли Хельсинкида Алвар Аалто исмли нуфузли меъмордан ҳам таҳсил олади.

1957 йилда Сиднейдаги опера театрининг қурилиши бўйича халқаро танлов ўтказилади. Танловда 32 мамлакатнинг 233та лойиҳаси иштирок этган. Ушбу танловда унинг лойиҳаси, у чизган чизмалар кўпчиликни лол қолдиради ва ғолибликни қўлга киритади. Лойиҳа жуда пухта билим ва тажрибалар асосида яратилган эди. Шу боис буюк Эро Сааринен беллашувда ҳали унчалик танилмаган Утзоннинг ўзига хос лойиҳасини эътироф этиб, унга ғолибликни бериш шартлигини қатъиян таъкидлайди. Бу ноодатий ғоялари учун унга “даҳо” деб таъриф ҳам берган.

У Сидней опера театри кўринишини апельсиннинг ярим шар пўчоғидан илҳомланиб яратганини ундан бутунлигича шарни ҳам тасвирлаш мумкинлигини айтган. Аммо театр биносининг қурилиш жараёни жуда кўп қийинчиликлар билан кечади. Даниялик муҳандис Ове Арур ҳамда у билан ҳамкорликда ишлаганлар 1959 йил 2 мартда қурилишни нотўғри чизмалар билан бошлашади. Саҳна устунлари томни ушлаб турадиган даражада пишиқ қурилмайди ва уни қайта ишлашга тўғри келади. Бинонинг тепа қисми қурилмаси муҳандислар учун жумбоқларни келтириб чиқаради. Бу жумбоқлар 1961 йилгача ечилмайди, ниҳоят Утзоннинг ўзи уларни баргараф этди. Бироқ ижодининг айни юксалган пайтида Утзоннинг фаолиятига

тўскилик қилувчилар пайдо бўлади. Бироқ ўзининг қобилиятига ва билимига ишонган ижодкор йўлига тўғанок бўлаётган тўсиқларни ёриб ўтишга ўзида куч топа олди ва тинимсиз меҳнат қилишда изланишда давом этади.

Нихоят, 1973 йилда Опера театрининг очилиш маросими бўлиб ўтади. Унда Австралия қироличаси Елизавета II иштирок этади, лекин маросимга бино муаллифи Йорн Утзон таклиф этилмайди ва ҳатто унинг номи тилга ҳам олинмайди. Вақт ўтиши билан истеъдодли архитекторнинг меҳнати ўз қадрини топди. Опера театрининг интерьерини қайта тиклаш учун унга яна мурожаат қилишди. Шу тариқа унинг муаллифлиги тан олинади.

У нафақат Сидней опера театри, балки яна бир қанча ишлари билан ҳам жаҳонга танилади. Жумладан, Копенгаген шимолида жойлашган Бегсворд черкови биносининг бунёд этилишида унинг ҳиссаси катта. Мазкур бино замонавий черков архитектурасининг энг ёрқин намунаси ҳисобланади. Черковнинг ўзгача ички безаги одамларнинг эътиборини ўзига жалб қилади. Унинг қурилиш ишлари 1968 йилда бошланиб, 1976 йилда битказилади. Шунингдек, Хольсингердаги Кинго Уйи (1958 й) ва Фреденеборг Уйи (1963 й) бинолари ҳам кўпчиликни ҳайратга солган. Бундан ташқари, у кўплаб шаҳардаги катта дўконларнинг қурилишида ҳам фаоллик кўрсатади.

Утзоннинг ишларида ёрқинлик ва табиийлик кўзга ташланади. У яратган дизайнда асосан ўсимликлар ҳамда табиат манзаралари акс этади.

Унинг сермаҳсул ижоди, меҳнатлари кўплаб мукофотларга лойиқ деб топилган. Сидней опера театри биноси лойиҳаси учун бир неча мукофотлар билан тақдирланади. 2003 йилда Притцкеровски мукофотини қўлга киритади. 2007 йилда Цорн Утзон ҳаётлигидаёқ лойиҳаси бутунжаҳон мероси ёдгорлиги дея эълон қилинган иккинчи меъморга айланади. Сидней опера театридан ташқари дунёга маълум ва машҳур бўлган Қувайт Миллий Ассамблеяси биноси ҳам унинг лойиҳаси маҳсулидир.


Машҳур меъмор Утзон Йорн 2008 йилнинг 29 ноябрида ҳаётдан кўз юмади. Унинг ижоди, амалга оширган ишлари, ажабтовур иншоотлари эса инсонларни ҳамон ҳайратга солиб келмоқда.



*Қувайт Миллий  
Ассамблеяси*



*Бинонинг  
ички безаги*



**Сидней опера театри** – Австралиянинг йирик шаҳарларидан бири бўлиши Сиднейнинг кўркига ўзгача салобат берувчи, миллионлаб саёҳатчиларнинг, шу жумладан, нафосат оламини севувчи барча инсонларнинг диққатини тортувчи, мўъжизавий кўринишга эга бўлган иншоотдир. Мана қирк бир йилдан бери жаҳон меъморчилик санъатининг ўзига хос ёндашуви билан яратилган ва томлари худди ҳаво билан тўлган кема елканларини эслатувчи ушбу бино нафақат Сидней, балки бутун Австралиянинг фахри ҳисобланади. Сидней опера театрининг турли хил кинофильмлардаги лавҳаларида кўрсатилиши ҳам унинг қанчалик машҳурлигидан далолат беради. Бинонинг қурилиши 14 йил давом этиб, фақат томини қуришга беш йил вақт кетган. Унинг майдони 2,2 гектар, оғирлиги 161 минг тонна, узунлиги 185 метр, кенглиги 120 метрни ташкил этади. Театр 1973 йил 28 сентябрь куни Сергей Прокофьевнинг “Уруш ва тинчлик” операси билан фаолиятини бошлаган. Шундан буён театр саҳнасида опера, балет, мюзикл, турли концертлар ҳамда кинофильмлар намойиш қилинмоқда.

Театр биносида жами мингга яқин хона, жумладан, бешта асосий зал, иккита асосий холл, репетиция заллари, тўртта ресторан, бир нечта бар, сувенир дўконлари ва кутубхона мавжуд. Бинонинг асосий концерт зали (Concert Hall) 2679 нафар томошабинга мўлжалланган. Томоша залларининг акустикаси эса жаҳоннинг юксак стандартлари талабларига жавоб беради.

Ҳар йили Сидней опера театрида уч мингга яқин спектакль ва турли томошалар намойиш қилинади. Унга икки миллионга яқин томошабин, шунингдек, театр биносини кўриш учун икки юз минг турист ташриф буюради.

Бугун ушбу бинода мамлакатнинг маданий марказлари жамланган: театр труппаси, Австралия операси, рақс труппаси, Сидней симфоник оркестри, Австралия балети. Шунингдек, Сидней опера театрида ўн мингта трубадан таркиб топган дунёдаги энг катта механик орган мавжуд. Сидней опера театри XX асрда бунёд этилган бинолар орасида ўзининг ноёб қурилмаси ва барча имкониятлари билан Тожмаҳал, Эйфель минораси, Биг-Бен, Озодлик ҳайкали сингари архитектура мўъжизалари билан ёнма-ён эътироф этилади.

Зилола ЖАЛОЛОВА  
тайёрлади



## УЛАР ҲАМ ШУ ОЙДА ТУҒИЛГАНЛАР...

### 1 ЯНВАРЬ

**1829 йил. Томмазо Сальвини**, буюк италян актёри. “Ҳамлет”, “Отелло”, “Макбет”, “Кирол Лир”, “Аёллар шайдоси” ва бошқа кўплаб классик спектакллардаги роллари билан шуҳрат қозонган.

### 3 ЯНВАРЬ

**1938 йил. Ёкуб Аҳмедов**, Ўзбекистон халқ артисти. Театрда “Ой тутилган тунда” спектаклида Оқ йигит, “Вероналик икки йигит”да Протей, “Абу Райҳон Беруний”да Беруний, “Антигона”да Креонт, “Абай”да Абай, “Юлдузли тунлар” да Бобур, “Ўткан кунлар”да Юсуфбек Ҳожи, “Алишер Навоий”да Алишер Навоий, шунингдек, кино санъатида “Оловли йўллар” фильмидаги Шайх Исмоил Хўжа, “Ўткан кунлар”да Азизбек ва Юсуфбек Ҳожи, “Фуркат”да Фуркат образлари билан машҳур.

### 4 ЯНВАРЬ

**1951 йил. Шароф Бошбеков**, Таникли ўзбек драматурги. “Тикансиз типратиканлар”, “Эски шаҳар гаврошлари”, “Тақдир эшиги”, “Темир хотин” каби пьесалари, “Юзсиз”, “Тилла бола”, “Маъруф ва Шариф”, “Масхарабоз” кинофильмлари, “Чархпалак” видеофильми сценарийлари муаллифи.

## ТАҚВИМ

### 5 ЯНВАРЬ

**1921 йил. Фридрих Дюрренматт**, швецариялик ёзувчи, драматург. “Судья ва унинг зулми”, “Шубҳа”, “Гумон”, “Ахд”, “Шаҳар” каби романлар, “Миссисипихонимнинг тўйи”, “Сайёралар суврати”, “Кекса хонимлар ташрифи”, “Учар юлдуз”, “Буюк Ромул”, “Вавилонга фаришта келади”, “Муддат”, “Минотавр” ва бошқа қатор пьесалар муаллифи. Абсурд драма йўналиши ривожига катта ҳисса қўшган.

### 8 ЯНВАРЬ

**1947 йил. Анвар Обиджон**, Ўзбекистон халқ шоири. “Энг ёруғ кун”, “Аканг қарағай Гулмат”, “Олтин юракли Автобола”, “Масхарабоз бола”, “Жуда қизик воқеа”, “Ажойибхона” каби шеърӣй, насрий асарлар муаллифи. Унинг асарлари асосида “Мешполвон” спектакли, “Тилсимой – ғаройиб кизалок” кинофильми яратилган.

### 10 ЯНВАРЬ

**1905 йил. Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек**, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, атоқли ўзбек шоири, академик. Бир қатор лирик тўпламлари, дostonлари “Болалик”, “Нур кидириб”, “Алишернинг болалиғи” кссалари, “Қутлуғ қон”, “Навоий”, “Қуёш қораймас”, “Олтин водийдан шабадалар”, “Улуғ йўл” романлари, миллий адабиётимиз хазинасидан жой олган. Илмий тадқиқотлари билан ўзбек адабиётшунослиғи ривожига катта ҳисса қўшган.

### 14 ЯНВАРЬ

**1904 йил. Ўрол Тансиқбоев**, Ўзбекистон халқ рассоми. Манзара жанри устаси. “Ўзбек портрети”, “Қарвон”, “Ўтовда”, “Тоғда куз”, “Ангрен-Қўқон йўли”, “Иссиққўлда оқшом”, “Тоғдаги чироқлар” ва кўплаб тасвирий санъат асарлари муаллифи.

## 15 ЯНВАРЬ

**1622 йил. Жан Батист Мольер**, француз драматурги. “Аёллар учун сабоқ”, “Кулгили нозанинлар”, “Эзмалар”, “Эрлар учун сабоқ”, “Тартюф”, “Дон Жуан”, “Мизантроп”, “Хасис”, “Зўраки табиб” каби комедиялари дунёга машхур.

## 16 ЯНВАРЬ

**1872 йил. Гордон Крэг**, машхур инглиз актёри, режиссёр. “Хамлет”, “Дидона ва Эней”, “Ромео ва Жульетта”, “Макбет” ва бошқа кўплаб классик асарларни сахналаштирган ва роллар ижро этган.

## 17 ЯНВАРЬ

**1897 йил. Юнус Ражабий**, атоқли ўзбек бастакори, хонанда ва созанда. “Гиря”, “Нолиш”, “Кўча боғи”, “Эшвой”, “Курд”, “Шахнози Гулёр”, “Баёт”, “Қаро кўзим”, “Дугоҳи Хусайний”, “Чоргоҳ”, “Мискин”, “Насруллоий” каби мақом йўлларидаги ашулалари билан машхур Ўзбек муסיқий меросини, жумладан, “Шашмақом” куйларини тўплашда улкан хизматлар кўрсатган.

## 19 ЯНВАРЬ

**1809 йил. Эдгар По**, Америка адабиётининг мумтоз вакили. “Олтин кўнғиз”, “Морг кўчасидаги қотиллик”, “Мари Роженинг сири”, “Ўғирланган мактуб”, “Шиса идишдан топилган манискрипт”, “Фаришталар ороли”, “Вильям Вильсон” ва бошқа кўплаб асарлар муаллифи.

**1926 йил. Азиз Қаюмов**, адабиётшунос, академик. “Махмур”, “Навой”, “Ғозий”, “Ҳозик”, “Кўкон адабий муҳити”, “Қадимият обидалари”, “Беруний ва адабий ижод”, “Ишк водийси чечаклари”, “Ибн Сино ва Беруний” каби ўн жилддан ортик илмий асарлар муаллифи.

## 23 ЯНВАРЬ

**1783 йил. Стендаль**, француз адабиётининг буюк намояндаси. “Арманс”, “Қизил ва қора”, “Парма ибодатхонаси” романлари, “Ванина

Ваннини”, “Анри Брюлар хаёти”, “Ченчи”, “Жон олар ишқ” каби қисса, ҳикоялари билан машхур.

**1832 йил. Эдуард Мане**, буюк француз рассоми. “Испан гитарачиси”, “Олимпия”, “Қайиқда”, “Ўтлоқда нонушта”, “Темир йўл”, “Мане хоним мовий диван устида”, “Фоли Бержер барида”, “Бир финжон пиво устида”, “Кўча кўшиқчиси” ва бошқа тасвирий санъат асарлари муаллифи.

## 24 ЯНВАРЬ

**1836 йил. Николай Добролюбов**, атоқли рус адабиётшуноси, танқидчи. “Жаҳолат салтанати”, “Обломовчилик нима?”, “Қачон ҳақиқий кун келади?”, “Жаҳолат салтанати ичра нур” каби ижтимоий-адабий тадқиқотлар, санъат ва адабиётга доир юзлаб илмий-танқидий мақолалар, “Тарбия жараёнида обрў-эйтиборнинг аҳамияти”, “Бутун Россияга хос хом хаёллар...” каби ижтимоий-ахлоқий асарлар муаллифи.

## 25 ЯНВАРЬ

**1934 йил. Ўлмас Умарбеков**, “Юлдузлар”, “Менга ишонмайсанми?”, “Олтин япроқлар”, “Кўприк”, “Ер ёнганда” ҳикоя тўпламлари, “Одам бўлиш қийин”, “Фотима ва Зухра”, “Ёз ёмғири” қиссалари, “Суд”, “Оқар сувлар”, “Қомиссия”, “Кузнинг биринчи кунни”, “Ўз аризасига кўра”, “Қиёмат қарз”, “Шошма, қуёш” сингари сахна асарлари муаллифи.


## 29 ЯНВАРЬ


**1866 йил. Ромен Роллан**, буюк француз ёзувчиси, драматург. “Бўрилар”, “Тафаккур ғалабаси”, “Ун тўртинчи июль”, “Улим ва муҳаббат ўйини”, “Аэрг”, “Дантон”, “Буюк Людовик” каби пьесалар, “Жан-Кристоф”, “Мафтункор қалб” роман-эпопеялари, “Маҳатма Ганди”, “Бетховен”, “Бетховен ва Гёте” каби маърифий романлар, тадқиқотлар муаллифи.


*М.МУҲАММАДАМИНОВА*  
*тайёрлади*


---


## RESUME

 This year we celebrate the 17<sup>th</sup> anniversary of «World Literature» magazine. During this time, was published 200 issues of the magazine. In an editorial chief-editor Sh.Rizaev speech about the role and the position occupied by the magazine in the social and spiritual life of society and its goals for the future.

 «Finance», by famous American writer Theodore Dreiser reveals the important events taking place in the economic life of society at that time, in particular the effects of fire in Chicago. Biographical novel by famous Turkish writer Mehmet Under titled «Sage (Mavlon)» tells about the life and creative activity of Jalaliddin Rumi who the great saint and philosopher of Turkish world.


 This issue of magazine is dedicated to the literature of Australia and there are articles about the culture of art and literature, as well as poetry and fiction writers and poets of Australia.


 Under the heading of «Literature and Philosophy» you can read the article by U.S. scientist mystic Shaykh al-Muzaffar Ozaki Khilvati titled «The soul of man – toast, love – the wine».


 In this month organized a new category «Literary Process» gives details about the news in today's literary life. Here, your attention is invited Russian criticism E.Erofeev with his article entitled «Man is not ideal», which refers to the problem of the ideal in the literature.


---

## РЕЗЮМЕ

 " В этом году исполняется 17 лет со дня основания журнала «Мировая литература». За это время было издано 200 номеров журнала. В передовице главного редактора Ш.Ризаева речь идёт о роли и месте журнала в социально-духовной жизни общества и его задачах на будущее.

 В разделе «Проза» печатается роман известного американского писателя Теодора Драйзера «Финансист», в котором раскрываются важные события, происходящие в экономической жизни общества того времени, в частности последствия пожара в Чикаго. Биографический роман известного турецкого писателя Мехмета Ундера под названием «Мудрец» рассказывает о жизни и творческой деятельности великого святого и мыслителя тюркского мира Джалалиддина Руми.

 Данный номер журнала посвящается Австралии, в нем даны статья о культуре, литературе и искусстве, а также стихи и рассказы поэтов и писателей Австралии.

 В рубрике «Литературоведение и философия» читатели познакомятся с американскими лекциями учёного-мистика Шайха Музаффара Озака ал-Хилвати под названием «Душа человека – тост, любовь – вино».

 В новой рубрике «Литературный Процесс» предлагается беседа с русским писателем В.Ерофеевым «Человек – не идеал», где рассматривается проблема идеала в литературе.

---

---

# Жаҳон АДАБИЁТИ

**Обуначилар  
диққатига!**

**2014 йил январь сони**

*Журнални обуначига  
етказилишида муаммолар  
пайдо бўлса, қуйидаги манзилга  
муурожаат қилинг.*

*Тошкент шаҳар, Амир Темури  
1-тор кўча, 2-уй. Тел: (8371)  
233-67-98, 233-60-78*

---

Навбатчи муҳаррир А.ТОЖИЕВ  
Техник муҳаррир З.ЖАЛОЛОВА  
Мусаххих Д.АЛИЕВА  
Компьютерда саҳифаловчи М.АЛИЕВА

**Жаҳон адабиёти, 2014**

ИНДЕКС 828, 829

2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189

Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босиш-  
да ва қайта нашр этишда тахририятнинг ёзма розилиги олинмиши шарт.

**Тахририят манзили:**

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефонлар: 244-41-60; 244-41-61; 244-41-62.

Сайт: [www.jahonadabiyoti.uz](http://www.jahonadabiyoti.uz)

E-mail: [jahonadabiyoti@list.ru](mailto:jahonadabiyoti@list.ru)

Босишга рухсат этилди 28.01.2014 й. Бичими 70x108 1/16. Офсет қоғози.

Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.

Жами нусха 3500 \_\_\_\_\_ рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.  
“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида терилиб, Ўзбекистон Матбуот  
ва ахборот агентлигининг “Шарқ” НМАҚда чоп этилди.  
100000, Ўзбекистон, Тошкент ш. Буюк Турун кўчаси, 41 уй.

© **Жаҳон адабиёти, 2014 й.**

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ**

208